

Я.Ғ.ҒУЛОМОВ

ХОРАЗМНИНГ  
СУҒОРИЛИШ  
ТАРИХИ



**АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР**  
**ИНСТИТУТ ИСТОРИИ И АРХЕОЛОГИИ**

---

Проф. Я. Г. ГУЛЯМОВ

**ИСТОРИЯ  
ОРОШЕНИЯ ХОРЕЗМА  
С ДРЕВНЕЙШИХ ВРЕМЕН  
ДО НАШИХ ДНЕЙ**

**ИЗДАТЕЛЬСТВО АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР**

---

**ТАШКЕНТ - 1969**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ВА АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Проф. Я. Ф. ФУЛОМОВ

ХОРАЗМНИНГ СУҒОРИЛИШ  
ТАРИХИ  
ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН  
ҲОЗИРГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ — 1959

*Ушбу монография Амударё этакларида сунъий сугоришнинг вужудга келиши ва унинг ривожланишига бағишланган бўлиб, энг қадимги замонлардан бошлаб, то бизнинг замонамизгача бўлган даврни ўз ичига олади.*

*Я. Ғ. Ғуломовнинг бу асари кўп йиллик археологик текширишлар, дастлабки манбаларнинг анализи асосида ёзилган ва у Хоразмнинг сиёсий ҳамда иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган унинг ирригацияси ҳақида катта конкрет материал беради.*

*Китоб мутахассис-тарихшунослар ва олий мактаблар ижтимоий факультетларининг ўқитувчи ва студентларига мўъжааланган.*

---

## АВТОРДАН

Ушбу асар археологик материал асосида Амударё этакларида сунъий суғоришнинг вужудга келиш ва унинг тараққий этиш тарихини ёритиб беришга биринчи марта ўлароқ уринишдир. Бу мақсадга эришишда проф. С. П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик экспедициясининг ўтказган ишлари катта ёрдам берди; С. П. Толстовнинг бир қанча оғир масалаларни ечишда кўрсатган бениҳоя катта ёрдами учун автор ўзининг чексиз миннатдорлигини билдиради.

Хоразм ирригациясини ўрганиш вақтида қўлга киритилган тажриба ҳозир Бухоро воҳасида ва Фарғона водийсида қадим замонлардан бошлаб суғоришнинг тараққиёт босқичларини ўрганишда ёрдам беради, ўйлаймизки, бу тажриба бутун Ўзбекистоннинг ирригация тарихини ўрганишда ҳам ёрдам беради.

Автор Хоразмнинг суғориш тарихини 1950 йилгача ўрганди, шу сабабли бу асарда Хоразм археологик экспедициясининг, айниқса охириги йилларда қўлга киритган самарали ишлари ҳақида деярли сўз юритилмайди.

Автор ушбу асарни ёзишда берган маслаҳатлари ва кўрсатган ёрдамлари учун академик В. В. Струве, академик И. А. Орбели, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси К. В. Тревер ва тарих фанлари кандидати Н. Б. Байковага чин қалбидан ташаккур изҳор этади.

---

## К И Р И Ш

Атрофи унумсиз саҳролар билан қамраб олинган Хоразм «иқлими ва тупроқ шаройти... канал ва сув иншоотлари ёрдами билан сунъий суғориш системасини Шарқ деҳқончилигининг асоси қилиб қўйган»<sup>1</sup> улкан Шарқ территориясининг бир қисмидир.

Хоразмда деҳқончиликнинг юқори маданияти жуда қадим замонларда сунъий суғориш асосида вужудга келган ва худди Миср, Месопотамия ҳамда Шарқнинг бошқа мамлакатларидагидек тараққий этган.

Совет тарих фанига, айниқса Совет Шарқнинг миллий республикаларида, Урта Осиё халқлари ирригацион тажрибасининг тўпланиш процесси тарихини, уларнинг кўп асрлар давомида юқори деҳқончилик маданиятини вужудга келтириш учун олиб борган кураш шаронтини ва қадимги замонларда барпо бўлган, кейинчалик эса йўқолиб кетган бутун-бутун ривожланган деҳқончилик районларининг тарихини ўрганиш каби шарафли вазифа қўйилган.

Нима учун қадим замонларда катта-катта ерларда ҳамда Аму-дарёдан олинадиган улкан, суғориш учун қулай сув ресурсларига эга бўлган мамлакат ер танқислигидан қутила олмади, унинг меҳнатсевар аҳолиси хонлар, беклар, мироблар ва шу кабиларнинг зулми остида оч-яланғоч, қашшоқликда яшади?

Нима учун XVII асрда ва XIX асрнинг бириччи ярмида Хоразм аҳолиси катта-катта ерларни суғора олди, тўғрироқ қилиб айтганда, суғоришни тиклай олди-ю, кейинчалик бу тадбирларни давом эттира олмади ва гуллаётган районларнинг вайрон бўлишига йўл қўйди?

Бу саволларга жавоб бериш учун мамлакатнинг ривожланишидаги айрим тарихий даврларни жиддий ўрганиш талаб қилинади, чунки фақат шу йўл билангина Хоразм деҳқонларига ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари деҳқонларига ишлаб чиқариш кучларининг ўзига хос ривожланиш шароитлари у ёки бошқа бир даврда ирригация тармоқлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уни кузатиб туриш, шунингдек давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини сақлашда давлат ҳокимиятидан қай даражада талаб қила олди.

Маркс Шарқ мамлакатларининг давлат турмушида ҳукуматнинг ўйнаган ролини жуда аниқ очиб берди. У «Сувни тежаб ва биргаликда ишлатишнинг элементар зарурияти цивилизация жуда ҳам паст ва территорияси катта бўлган жойларда эркин ассоциацияларни уйғатиш учун ҳукуматнинг марказлаштирувчи кучининг аралашини мажбуран талаб

<sup>1</sup> К. Маркс, Британское владычество в Индии. Собр. соч., т. IX, 1933, 397-бет.

қилар эди. Мана шундан барча Осиё мамлакатлари ҳукуматларининг бажариши лозим бўлган иқтисодий функцияси, яъни оммавий ишларни ташкил қилиш функцияси келиб чиқади. Марказий ҳукумат қўлидаги ерларни сунъий суғориш системаси агар шу ҳукумат ирригацион ҳамда қуришти ишларига бепарво қараса, дарров тушқунликка учраган, бу эса бошқача тушунтириб бўлмайдиган фактни, яъни қачонлардан бери яшнаб ётган бутун-бутун территорияларнинг ҳозир биз кўриб турган унумсиз саҳрога айланиши фактини тушунтириб беради»<sup>2</sup>, ...деб ёзади шу сабабли бундай жойларда сувни тежаш ва ундан биргалашиб фойдаланиш талаб қилинган.

Биз ҳақиқатан ҳам Хоразм ва Ўрта Осиё бошқа областларининг бутун тарихида шу фактни кўрамиз. Баъзи бир ҳокимлар даврида, биз бунини китобда кўрсатишга ҳаракат қилганимиздек, яшнаб турган Хоразм воҳаси ҳокимлар ўртасида жанжал объектига айланган ҳамда ҳар бир ҳоким Хоразмга бой ўлжа сифатида қараган ва ундан истганича фойдаланишга ҳаракат қилган, аммо унинг ободонлиги ҳақида ҳеч қандай ғамхўрлик қилмаган. Кўпинча ҳоким ўз фойдасини кўзда тутиб, катта-катта каналларнинг бошини бекитиб қўйган ва бу билан гуллаб ётган районларни саҳрога айлантирган. Бошқа бир ҳокимлар даврида эса бундай ҳаракатлар «ёмонлик деб, фуқарони талаш, унга зулм қилиш деб» қаралган<sup>3</sup>. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, ов вақтида от устида канал бошини пайхон қилиб, унга зарар етказгани учун ҳоким ўз ўғлини қатл қилган. Бундай жазога ўша замоннинг илғор солномачилари адолатли иш деб қараганлар.

Ўз фуқароларини қаттиқ эксплуатация қилишга қарамай, ерларни суғориладиган Шарқ мамлакатларининг ҳокимлари иқтисодий мажбурият остида сунъий суғоришнинг барча аҳамиятини яхши тушунганлар ва суғориш системасини бошқариш, худди деҳқончилик масаласининг меҳнатини ташкил этишдек (чунки бу меҳнат неъматини ҳокимлар еган) қадим-қадим замонлардан уларга қарар эди ва уларнинг асосий вазифаси эди.

Масалан, Хоразмда қадим замонлардан бери бир одат бўлган. Бу одатга биноан ҳар бир деҳқон ҳар йили олий ҳокимият фойдасига ўн икки кун меҳнат қилишга мажбур бўлган. Ҳокимият меҳнаткаш аҳоли кучидан бош каналларни тозалаш, тўғон, дамба қуриш ва шу каби бошқа мамлакат ободонлигини кўзда тутган жамоат ишларини бажаришда фойдаланган. Аммо ҳамма ҳокимлар ҳам бу мажбуриятдан шу тариқа фойдаланиш кераклигини тушунмаганлар; тез-тез суйи истеъмол қилиш ҳоллари ҳам бўлиб турган, айниқса сўнгги Хева хонлари даврида, бу умум фойдали халқ меҳнатидан ҳокимият тепасида турган бир гуруҳ кишиларнинг шахсий ишлари учун фойдаланилган. Баъзан халқнинг узоқ ва оғир меҳнатининг самарали натижаси ҳокимнинг ўз фойдасини кўзлаб, халққа қарши тутган сиёсати туфайли йўқ қилиниб ташланган.

Масалан, 1809 йилда Хева хони Муҳаммад Раҳим Хева хонларининг Орол бўйи ерлари Қўнғирот шаҳри билан бирга хонликдан ажралиб чиққанлиги учун Қўнғирот районини сувдан маҳрум қилмоқчи бўлди. Хонликнинг ҳарбий кучлари бир неча йиллар давомида қўзғолончилар ҳаракатини бостира олмади. Шунда хон Қўнғирот районига берадиган сувни бекитиб қўйишга қарор қилди. Хоннинг ўн мингли қўшини Амударёнинг иккита кучли тармоғида баҳайбат тўғонлар қуриб,

<sup>2</sup> К. Маркс, Британское владычество в Индии, Собр. соч., т. IX, 1933, 348-бет.

<sup>3</sup> Баёни, 'شجره' خوارزمشاهى, Қўлёзма УЗФА Шарқшунослик институти, № 95—96.



сувни бошқа томонга буриб юборди. Қўнғирот райони фақат дарё сувининг тўғонларни бузиб, эски ўзанлардан оқа бошлаши туфайли ҳа-локатдан қутилиб қолди.

Бошқа бир мисол келтирайлик: Хонобод районидаги қадим замонларда суғорилган катта территориядан иборат бўлган ерлар кейинчалик шу ерга зўрлик билан ҳайдаб келтирилган Қорақалпоқ деҳқонлари томонидан суғорилган ва обод қилинган эди. Бироқ Муҳаммад Аминхон (1846—1855) бу районни суғориш ва обод қилиш ишини тугатгач, бу ерга қорақалпоқларни эмас, балки хонга ҳарбий хизмат қилиб бериш шарти билан туркманларни ўтказди. Бу оғир ҳарбий хизмат туркманларни фақат ўз хўжалиklarидан ажратибгина қўймай, балки уларни Жанубий Туркменистонда ва Шимолий Эронда яшовчи қариндош қабилалар билан бўлган урушларда, шунингдек Бухоро ва Хева хонларининг ҳарбий найрангларидан иштирок этишга мажбур этарди; туркманлар бу урушлардан ҳеч бир манфаатдор эмас эдилар. Хоразм туркманлари бу сиёсатдан норози эканликларини очиқдан-очиқ билдирдилар. Бу норозилик уларнинг ўз қабиладошларига қарши урушдан бош тортишларигача бориб етди. Сайид Муҳаммад (1856—1865) деган иккинчи бир хон даврида Хоразм туркманлари унга бўйсунмайдиган қудратли ҳарбий кучга айланди. Туркманларга жазо бериш мақсадида қилинган барча юришлар муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Шундан кейин хон туркманлар яшаётган яшнаб турган Хонобод районига борадиган сувни бекитиб қўйишга қарор қилди; «...жаноб оливлари (хон) уларга борадиган сувни ёпишга қарор қилди ва бу билан уларнинг хўжалигини вайрон қилиб, ўзларини ҳар ёққа тарқатиб юбормоқчи бўлди»<sup>4</sup>.

Шу тариқа ваҳшиёна йўл билан Хонобод территорияси чўлу биёбонга айлантирилди. Туркманлар ўртасида очлик бошланди. Кейинчалик туркманлар бўйсунушдан сал бош тортсалар ҳам хон канални бекитиб, уларнинг экинларига сув бермай қўйиш ҳақида буйруқ берар эди, шунда туркман бошлиқлари хон ҳузурига «йиғлаб ва ўз қилмишидан пушаймон еб» хон қошига келар ва унинг янги, янада қаттиyroқ шартларига<sup>5</sup> рози<sup>6</sup> бўлар эдилар.

Хоразм тарихида кўпдан-кўп фактлар борки, бу фактлар сув тармоқларининг зўрлик қуролига, кучлиларнинг кучсизлар устидан ҳукмдорлик қилиш қуролига айланганини кўрсатади. Бу ҳақда Геродотнинг ҳикояларида ҳам сўз юритилади (Геродот, 1, 202).

Қадимги катта-катта суғорилган районлар фақат Хоразмдагина эмас, балки суғориладиган барча Шарқ мамлакатларида ҳам, баъзи бир талқиқотчилар ўйлаганидек, тупроқнинг унумсиз бўлиб қолиши ва шўрланиши туфайли саҳрога айланган эмас, балки сиёсий жанжаллар ва мустабид ҳокимларнинг мамлакатнинг ишлаб чуқарувчи кучларига нисбатан бепарволик билан қарашлари натижасида суғориш системаларининг вайрон бўлиши сабабли рўй берган.

Совет тарих фанининг эришган муваффақиятлари Хоразм халқларининг табиатнинг стихияли кучлари билан ва шу билан бирга, бу воҳанинг тарихини ташкил этган оғир социал ҳамда сиёсий шароитлар билан олиб борган узундан-узоқ кураш процессини очиб беришга ва уни тўғри тушунишга имкон беради.

<sup>4</sup> О г а ҳ и й, Гулшан-ид-Давла, қўлёзма, СССР Фанлар академиясининг Шәрқ-шувослик институти (ФАШИ), № 1891, в. 117 б.

<sup>5</sup> О г а ҳ и й, Шаҳидил-иқбол, қўлёзма, СССР ФАШИ, № С. 572, варақ 87.

<sup>6</sup> Туркманларни каналларнинг қуйи қисмига жойлаштираар ва уларга жуда жам миқдорда суғориладиган ер берар эдилар.

Бу масалаларнинг ҳаммасини ечиш учун бизнинг қўлимизда жуда кўп фактик материаллар бор. Бу материалларни иккита асосий категорияга ажратиш мумкин:

Биринчиси—машҳур рус шарқшуноси В. В. Бартольд ўзининг учта асосий илмий асарида<sup>7</sup> фойдаланган ёзма манбаларнинг берган маълумотлари. В. В. Бартольднинг бу асарлари ушбу ишни бажаришда анча осонлик туғдирди.

Иккинчи—совет археологияси томонидан тўпланган фактлар.

Биринчи категориянинг маълумотларини текширар эканмиз, шунда эса тутиш керакки, Урта Осиёни араблар истило қилгандан сўнг маҳаллий ёзма манбалар улар томонидан ваҳшийларча йўқ қилинган.

Х асрда географик ва тарихий адабиёт кенг қулоч ёйган бўлишига қарамай, мана шу маҳаллий манбаларнинг йўқлиги араблар ҳукмдорлик қила бошлаган давргача бўлган кўп асрли Хоразм тарихининг қоронғи пардасини очишга халақит беради. Муҳаммад бин Мусо Хоразмий, Абуабдуллоҳ Хоразмий, Абурайҳон Беруний ва бошқалардан илгари ўтган, хоразмшоҳлар саройида астрономия, математика, медицина, тарих, ирригация ва фаннинг бошқа соҳалари билан шуғулланган жуда кўп олимларнинг қўлёзмалари, ҳисоблари, жадваллари ва бошқа асарлари йўқолди. Аммо Хоразм ирригаторлари календариди баллиқларнинг номи билан (масалан, Оқ баллиқ тошуви), юлдузлар тўплами номи билан (масалан, «Хулкар тошуви») боғлиқ бўлган Амударёда бўладиган мавсумий тошқинларнинг номлари ҳозиргача сақланиб қолган. Булар ўрта аср олимларининг юлдузлар осмонини ва вегетацион даврда дарёнинг тошувини олдиндан билдирувчи тирик маҳлуқларнинг ҳулқ-атворини узоқ вақтлар давомида аниқ кузатиб боришлари натижасида вужудга келгандир.

Муҳаммад бин Мусо Хоразмий ўз китобининг бош сўзиди унинг содда математикаси турли ҳисобларда, «ёки ерни ўлчаш зарур бўлганда, каналлар қазиганда ва ҳар хил бошқа ишларида»<sup>8</sup> кишиларга керак бўлади ва фойда келтиради деб бекорга таъкидлаган эмас.

Абурайҳон Беруний ўз китобида Амударёнинг суви 24 хазиронда (июнда) кўпайиб ўз ўзанидан чиқа бошлайди, натижада тошқин бўлади<sup>9</sup>; Амударёда сув тошуви 25 тамуздан (июлдан)<sup>10</sup> бошланади, деб аниқ кўрсатиб беради.

Дарё тошқинларига боғлиқ бўлган мамлакат жуда қадим замонларданоқ математиклар, астрономлар ва бошқа мутахассисларни етиштирди. Ҳокимлар эса даставвал давлат ва шахсий манфаатларини кўзлаб, уларни ҳарқанақасига рағбатлантирар эдилар.

Қадимги замон Хоразм олимларининг қалами билан ёзилган барча асарлар сақланиб қолмаган, аммо уларнинг ишнини давом эттирган олимларнинг асарларида қисман бизгача етиб келган маълумотлар бор: Муҳаммад бин Мусо Хоразмий, Абуабдуллоҳ Хоразмий ва Абурайҳон Берунийлар феодал фаннинг тараққий этишига анча ёрдам бердилар. Бироқ булар ўз асарларини Хоразм тилида эмас, араб тилида ёздилар. Қадимги Урта Осиё фаннинг Фарғоний ва Муҳаммад бин Мусо Хоразмий каби вакиллари Боғдодга, аббосийларнинг биринчи

<sup>7</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, ч. II, СПб., 1900; ўша автор, Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи древнейших времен до XVII в., Известия ГИРГО, т. IV, вып. II, Ташкент, 1902; ўша автор, К истории орошения Туркестана, Записки ВОРАО, т. XIX, СПб., 1914.

<sup>8</sup> The Algebra of Mohammed ben Musa, translated by F. Rosen, London, 1831. Оксфорд қўлёзмаси, 3-бет, инглизчага таржимаси, 2—3-бетлар.

<sup>9</sup> Беруний, Утган авлодларнинг ёдгорликлари. қўлёзма, varaқ 48.

<sup>10</sup> Шу асар, varaқ 59.

халифалари саройига чақириб олинди. Бу ерда улар илмий ишларга раҳбарлик қилдилар ва ўз номларини жаҳон фани тарихида мангу ёзиб қолдирдилар.

Абуабдуллоҳ Хоразмий (X аср) Мифтоҳ-ал-улум (фанлар калити) деган ўз луғатининг махсус бир бобини Марв воҳасининг ирригацияси ҳамда ирригацион техникасига бағишлади. Ирригация ҳақидаги бу жуда қизиқ бобдан биз бу ерда кенг фойдалана олмадик, чунки Абуабдуллоҳ томонидан келтирилган жуда бой ирригацион терминология Марв воҳасига хос бўлиб, Хоразм ирригацион терминология дан бутунлай фарқ қилади.

Масалан, «файкал» термини Марв воҳасида сувдан фойдаланишдаги навбатчилликни англатса, Мовароуннаҳрнинг бир қанча районларида, Хоразмда бу сўзнинг ўрнига «асвоқ» термини ишлатилади; юқорига сув чиқарувчи чархпалак Марвда «дўлоба» деб аталса, Хоразмда у «чиқир» (чиғир) деб аталади ва ҳоказо.

Халқаро товар алмашишининг жуда ҳам жонланиб кетиши ва IX—X асрларда Шарқ мамлакатларида бўлган иқтисодий юксалиш ўрта аср фанининг, шу жумладан география ва тарих фанининг ҳам тез тараққий этишига туртки бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, биз бу даврда (IX—X асрлар) турли мамлакатларни ва бу мамлакатларга олиб борадиган йўللарни, шунингдек бу мамлакатларда яшовчи халқларнинг иқтисодий ва маданий даражасини тасвирлаган бир қанча асарлар вужудга келганини кўрамиз. Бу Ўрта Осиё фани тарихида катта бурилиш даври эди, чунки бу даврдан бошлаб географик ва тарихий маълумотлар тўплана ва рўйхатга олина бошланди. Географ ва тарихчи Ибн Руста, Истаҳрий, Мақдисий, Табарий, Наршахий, Белазурий, Яқубий, Ибн-ал-Фақиҳ, Ибн-Хордодбех, Ибн Фадлан, Абурайҳон Беруний, Гардизий, Ибн-ал-Асир, Ёқут, Сомоний, Насавий ва бошқаларнинг асарлари шунингдек «Худуд ал олам» китоби Чингизхон истилосигача бўлган Ўрта Осиё тарихини ва географиясини ўрганишда ҳар доим умуммажбурий ва тенги йўқ манба ҳисобланади.

Булар ичида Беруний, Ибн Руста, Истаҳрий, Мақдисий, Ёқут айниқса ажралиб туради. Чунки буларнинг асарларида Амударёнинг оқими характеристикасига, Хоразмнинг умумий географиясига, ирригациянинг аҳволи ва канал, шаҳар ва қишлоқларнинг тасвирига катта эътибор берилади. Бу асарларда биз биринчи марта ёзма манбалардан Хоразмнинг X—XI асрларидаги қиёфасини юқоридаги номлари айтилган ва улардан кейинроқ яшаган авторлар кўрганидек тасвир эта оламиз. Хоразмнинг бутун илгариги тарихи—ибтидоий тарих даврларида бу ерда аҳоли жойлаша бошлаш даври, яъни бўз воҳани хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш даври ирригациянинг яратилиш ва ривожланиш йўллари тарих тонгида Хоразм халқларининг хўжалик, ижтимоий ва маданий аҳволи, магистраль каналларнинг ва қадимий шаҳарларнинг барпо этилиши, моддий ишлаб чиқишининг ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш йўллари, ижтимоий формацияларнинг ўзгариши, хуллас, X—XI асрларда яшаган авторлар Хоразмни тасвирлаган вақтгача бўлган унинг тарихи тарих фанининг қоронғи пардаси бўлиб қолган ва бу даврни «мусулмонларгача бўлган давр» деб аталар эди. Ана шу даврни ёритиб бериш иши совет тарих фани ва археологияси зиммасига тушди.

Мўғуллар истилосидан кейин то Абулғозийгача ёзилган ёзма манбалар жуда кам ва борлари ҳам бир тарафламадир. Плано Карпини, Гайтон, Ибн Ботута, Баллуччи Пеголетти, Паскаль ва шулар каби европали ҳамда бошқа мамлакат саёҳатчиларининг йул эсдаликлари асо-

сан савдо, дин, йўл ва бошқа масалаларга бағишланган бўлиб, жуда тор рамкада ёзилган. Ибн Ботута маълумотлари асосан Урганчга бағишланган; аммо унинг Урганчнинг жануби-шарқидан саҳролар бошланади деган фикри асоссиз бўлганлиги учун биз бу маълумотларга тўла ишонимиз керак эмас. Бу ҳақда қуйроқда гапирамиз.

Темурнинг тарихчилари Низомиддин Шомий ва Шарафитдин Ездий, шунингдек географ ва тарихчи Хофизий Обру, Хамдаллоҳ Қазвиний ва бошқаларнинг асарларида Хоразм ҳақида жуда кўп маълумотлар учрайди; аммо бу маълумотлар турли характерга эгадир. Низомиддин Шомий ва Шарафитдин Ездийнинг берган маълумотларида Темурнинг Хоразмга қилган юриши туфайли географик пунктлар ондасонда эсга олинади, Хофизий Обру ва Қазвиний маълумотлари муфассал бўлишига қарамай, уларда жиддий хатолар бор ва вақт-вақти билан, X аср географлари асарларидан кўчириб олинганга ўхшайди. Шунинг учун бу асарлардан ҳам жуда эҳтиётлик билан фойдаланиш зарурдир. Хоразмда XVI—XVII асрларда бўлиб ўтган воқеалар, мамлакатнинг этник, ижтимоий иқтисодий ва сиёсий аҳволи Абулғозийхоннинг «Шажараи турк» асарида жуда аниқ кўрсатиб берилган. Бу қийматли ёдгорлик рус<sup>11</sup> ва бир қанча Ғарбий Европа тилларига таржима этилган.

Қўлимиздаги мана шу текшириш ишини бажарар эканмиз, бизга Абулғозийнинг кутубхоналарида ва шахсий кишилар қўлида сақланиб келаётган турли қўлёзмаларининг текстини солиштириб кўришга тўғри келди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг асосий кутубхонасида 217 ва 47 номерлари билан белгиланган «Шажараи турк» нинг иккита қўлёзмаси сақланар эди. Ҳозир улар ЎзССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтига берилган. Бу қўлёзмалардан айниқса Хева музейи кутубхонасида сақланадиган нусхадан кўчириб олинган № 217 қўлёзма текстининг анча тўлаллиги ва аниқлиги билан ажралиб туради ҳамда Саблуков нашр этган текстда ва шунингдек унинг таржимасида мавжуд бўлган шубҳали масалалар ва жиддий тушунмовчиликларнинг моҳиятини очиб беради.

Илгариги таржима ва текстлар билан жуда ҳам фарқ қилинишини, бу таржима ва текстлардаги нуқсонларни<sup>12</sup> аниқлабгина қолинмай, шу билан бирга бу қийматли тарихий асарни яратишдаги муҳим моментларни ҳам очиб ташлашга муяссар бўлинди.

Биринчидан, маълум бўлдики, Абулғозийнинг асари унинг ўғли ва вориси Анушахон томонидан давом эттирилиб, тугатилган эмас, балки бу иш Анушахон топшириғи билан Маҳмуд-Урганжий деган шахс томонидан бажарилган. Иккинчидан, Маҳмудий бин Муҳаммад Замон Абулғози асарини давом эттирибгина қолмай, балки у асарни кўп даража тўлғизган ва унга янги боблар киритган. Агар боя эслатиб ўтилган № 217 қўлёзмани Демезон нашр этган текст билан чоғиштирилса, қуйидаги манзарани кўрамиз: асарнинг муқаддима қисмини, I бобдан II бобнинг ярмисигача, яъни бошидан то 30-бетигача Абулғозийхоннинг ўзи ёзган. Сўнгра II бобнинг иккинчи ярми, III, IV, V, VI, VII боблар, яъни 31-бетдан 177-бетгача Маҳмудий бин Муҳаммад Замон

<sup>11</sup> Г. С. Саблуков 1854 йилда таржима қилган ва 1906 йилда нашр қилинган. Бундан ташқари, 1871 йилда Демезон томонидан «Шажараи турк» Петербург қўлёзмасининг тўла тексти 334-бет ҳажмда ва кичик кўрсаткич билан нашр этилган. Муфассалроқ билиш учун МИТТ, т. II, нинг 31-ва кейинги бетларини қаранг.

<sup>12</sup> Бу нуқсонлар шунчалки жиддийки, улар бир қанча қўлёзмаларни ва академия томонидан қилинган янги таржимада нашр этилган текстини синчиклаб солиштириб чиқиш заруриятини туғдиради.

томонидаан ёзилган. Дашти Қипчоқда ҳамда Хоразмда Шайбонихон I нинг авлодлари подшолик қилгани ва Абулғозийхоннинг Хева учун қилган охирги жанги тўғрисида сўз юритиладиган VIII ва IX бобнинг асосий қисми, яъни 177-бетдан 319-бетгача яна Абулғозихоннинг ўзи тарафидан ёзилган. Асарнинг охирини, яъни 319-бетдан то 334-бетгача бўлган қисмини Маҳмудий бин Муҳаммад Замон ёзган. Шундай қилиб, «Шажараи турк» текстининг деярлик ярмини (162-бетдан 334-бети) Абулғозийхон ёзмаган. Шу билан бирга, шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, бу асарнинг энг қийматли, энг асосий қисми Абулғозийхон қаламига мансубдир. № 47 қўлёзмада Маҳмудий бин Муҳаммад Замон асарни ёзишда иштирок этганлигини эслатиб ўтади, аммо унда, № 217 қўлёзмада кўрсатилганидек, бу иштирокнинг қай даражада бўлганлиги мутлақо кўрсатилмаган.

Хоразмда кейинчалик бўлиб ўтган тарихий воқеалар, янги ерларни ўзлаштириш масалалари ва ирригациянинг ривожланиши Хеванинг бой солномаларида ёритилади. Бу солномаларни бирин-кетин «Мунис» тахаллуси остида ёзган Авазбий ўғли Шермуҳаммад Мироб (1778 йилда туғилиб, 1829 йилда вафот этган); Эрнийёзбек ўғли Муҳаммад Риза Мироб, «Огоҳий» тахаллуси остида машҳур бўлган (1809 йилда туғилган ва 1872 йилда ўлган). «Баёний» тахаллуси остида ёзган Бобожонбек ўғли Муҳаммад Юсуф (1859 йилда туғилиб, 1923 йилда вафот этган) тузганлар.

Мунис ва Огоҳий Хева саройининг шоирлари ва расмий тарихчилари бўлиб, улар авлоддан авлодга саройнинг бош мироби унвонини олганлар. Аммо бу оддий фахрий унвон бўлмаган. Биз буни уларнинг асарларида очиқ кўрамиз. Хонликда магистрал каналлар бош қисмини тартибга солиш, тўғонлар қуриш, янги қуриладиган каналларнинг трассасини белгилаш ва шу каби алоҳида муҳим ишларга бошчилик қилиш ана шу юқори мартабали шахсларнинг вазифаси бўлган. Хоразм каби асосий фаровонлиги суғорма деҳқончилик қилиш билан боғлиқ бўлган мамлакатда ирригацияга ғамхўрлик қилиш давлат иши эди.

Бундан ташқари, Мунис ва Огоҳий асарларида Хоразмда сув билан таъминлашнинг ривожланишини аниқлашда маълум бир тенденция баён қилинади; авторлар расмий тарихни баён қилганда ҳар бир қулай шароитдан фойдаланиб, у ёки бу канал ва дарё тармоғининг ривожланишини гапириб ўтишга ҳаракат қиладилар.

Мунис Абулғозихон бошлаган Хева хонлиги тарихини давом эттирди. Бу ишни бажарар экан, у ҳам бу асарнинг одатдаги афсонавий ривоятдан бошлади, Абулғозининг асосий ёзган қисмини жуда ҳам қисқартирди ва 1812 йил воқеалари билан тамомлади, Муниснинг жияни ва шогирди *برادر زاده سى و دست پروردسى* бўлмиш Огоҳий унинг асарини давом эттирди ва 1826 йил воқеалари билан тамомлади.

Хонликнинг 1872 йилгача бўлган кейинги тарихини Огоҳий бешта алоҳида китоб қилиб ёзган. Бу китобларнинг ҳар бири алоҳида ном билан аталади.<sup>13</sup>

Академик В. В. Бартольд сўз юритилаётган манбаларнинг аҳамиятига баҳо берад экан, «адабий ва тарихий асарлар сифатида Мунис ва Огоҳийнинг ёзганлари қанчалик камчиликларга эга бўлмасин, бу асарлар тасвиротининг тўлаллиги ва фактик материалнинг кўплиги жиҳатидан Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихи бўйича ёзилган, бизгача етиб келган барча асарлардан анча устун туради»<sup>14</sup> деб тўғри кўрсатади.

<sup>13</sup> МИТТ, т. II, 23—26-бетлар.

<sup>14</sup> В. В. Бартольд, *История культуры жизни Туркестана*, 113-бет.

Баёний ўз китобининг охирида 1911 йилда охириги Хева хони Исфандиёр унга ўзи хонлик қилган давргача ўтган барча Хева хонлари тарихининг тўла тўпламини тузишга буюрганини ёзади. Шу билан бирга, Исфандиёр Баёнийга Мунис ва Огоҳий асарларининг тилини соддалаштиришни, уларни халқ тушуна оладиган қилишни топширган. Автор бу вазифани катта маҳорат билан бажарган ва асарларнинг мазмунига хилоф етказмай туриб, тилини соддалаштирган, ортиқча мажозларни, киноя ва мақташларни қисқартган.

Шу сабабли Баёний асарларини Мунис ва Огоҳий асарлари билан жуда синчиклаб солиштириб чиққанмиздан кейин ўзимизнинг бу асаримизда 1846 йилгача бўлган воқеалар устида сўз юритганимизда фақат Баёнийга таянамиз.

Хонлиқнинг 1846 йилдан то 1912 йилгача тарихини Баёний шахсан ўзи тўплаган материаллар асосида ёзган. СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланадиган Огоҳий асарларидаги маълумотларни Баёний маълумотлари билан солиштириб кўрганда катта тафовут йўқ, аммо Баёнийда учрайдиган ва диққатга сазовор баъзи бир маълумотлар тўлиқроқ бўлиб, Огоҳий асарларида мукамал эмас.

Генерал Кауфманнинг 1873 йилда Хевага қилган юришини, бу воқеанинг тафсилотини, бу вақтда Хевадаги ички ихтилофларни, 1912—1913 йилларгача бўлган кейинги Россия-Хева муносабатларини Баёний тўла-тўқис ва содда қилиб баён этади. Баёний ўз асарини 1911 йилда бошлаб, 1914 йилда тамомлади ва уни «Шажараи Хоразмшоҳий» деб атади.

Биз томондан фойдаланилган биринчи манбалар қаторига Хоразм тарихининг турли даврларига оид бўлган кўпдан-кўп хон ёрлиқлари, иноятномалари ва бошқа ҳужжатлар архивини кўшиш керак. Булар ичида кўпинча тарихий топография, ирригацион тармоқлар тараққиётининг динамикаси, ижтимоий муносабатлар ва ҳоказолар каби қийин ва туманли бўлган масалаларни ёритиб берадиган жуда ҳам қизиқ материаллар учрайди. Масалан, Амударё оқими бўйидаги ирригациянинг аҳволини, XIV аср ўрталаридаги йриқ каналларнинг номларини аниқлашга Қутлуқ Темурнинг 1349 йилга оид вақф ҳужжати бизга ёрдам берди. Хева хонлари ёрлиқларининг анча илгариги вақтларга тегишлиларининг топиллиши натижасида Ғознобод каналининг янги номи XVII аср ўрталарида келиб чиққанлигини кўрсатади, ҳолбуки, бу номни XVIII аср охирида берилган деб ўйлар эдилар.

Хоразм воҳасининг ривожланиш тарихини ўрганишда элчилар, савдогарлар, сайёҳлар, асирлар ва бошқаларнинг кўпдан-кўп ва қийматли материалларидан фойдаланган рус шарқшунослиги анча ҳисса қўшди. XIX асрда Хева хонлигининг тарихи, географияси ва экономикаси ҳақида ажойиб терма асарлар ёзилган эди; бунга мисол қилиб Н. И. Веселовскийнинг «Хева хонлиги ҳақида тарихий-географик маълумотлар очерки», Я. В. Ханиковнинг «Орол денгизи, Хева хонлиги ва уларнинг атрофи картасига изоҳ хати», Данилевскийнинг «Хева хонлиги тасвири» деган асарлари ва шунингдек Гладишев, Муравин, Муравьев ва бошқаларнинг хотираларини кўрсатиш мумкин, бу асарлар алоҳида диққатга сазовордир.

Хеванинг забт этилиши муносабати билан рус география ва шарқшунослик фани Ўзбой ва Амударёнинг эски ўзанлари бўйлаб текшириш ишларини кенг кўламда олиб бора бошлади. Афғонистон чегараларидан Каспий денгизига олиб борадиган афсонавий сув йўлини топиш ва уни ишга солиш имконияти қидирила бошланди. Бир қанча географик экспедициялар Хоразмнинг геология, орография, тупроқ, гидрография, иқлим,

сув хўжалигини жиддий ўрганишга киришди; бу мисоллар юзасидан жуда катта адабиёт яратилди ва кўпдан-кўп картографик материал тўпланди

XX асрда рус саноати мустамлака Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришга жуда қизиқди. Шу муносабат билан янгидан-янги геологик, тупроқ, метеорологик ва гидролого-гидрографик текширишлар ўтказила бошланди.

В. В. Бартольд Шарқда суғориш тарихини ўрганиш билан рус буржуа шарқшунослигининг шонини кўтарди. В. В. Бартольднинг асосий хизмати шундан иборатки, у ўзининг систематик ва саботли меҳнати натижасида ўз замонаси учун турли тилларда ёзилган тарихий ва географик бош манбалардан тўла фойдалана билди ва бу манбаларга асосланиб ўзининг капитал асарини яратди. Бироқ, В. В. Бартольд келиб чиқадиган барча тарихий умумлаштиришларни қилмади, бу, албатта, ўша вақтдаги буржуа тарих фани даражасига боғлиқ эди. Буржуа тарих фани эса ижтимоий тарих масалаларини ёритиб беришда ҳақиқий марксистик тушунтиришдан жуда узоқ эди. В. В. Бартольднинг Урта Осиёни, шу жумладан Хоразмни суғориш тарихи юзасидан олиб борган текшириш ишлари асосан ёзма манбаларга асосланган бўлиб, В. В. Бартольд ҳаёт вақтида маълум бўлмаган, ҳозир бизга маълум бой археологик материаллар билан қувватланмаган. Бу археологик маълумотларни топиш каби шарафли иш машхур совет шарқшуноси С. П. Толстов зиммасига тушди ва у бутун тарихий маълумотлар комплексини бой археологик материаллар билан уйғунлаштира олди. Урта Осиё, асосан Хоразмнинг суғорма деҳқончилик тарихини ўрганиш ишига тарихчи П. П. Иванов катта ҳисса қўшди.<sup>15</sup>

Ушбу асарнинг автори фойдаланган тарихий манбаларнинг маълумотлари хилма-хил ва бир-бирига зиддир.<sup>16</sup> Антик давр тарихини ёритиш учун маҳаллий ёзма манбалар мутлақо йўқдир. Бу давр ҳақидаги асосий маълумотларни барча тарихчи-шарқшунослар фақат Эроннинг аҳмоний шоҳлари томонидан қоя тошларга ва қабр тошларига ўйиб ёзилган зафарли ёзувлардан, Гекатей Милетский, Геродот, Ктесий, Ксенофонт, Квинт Курций Руф каби илк грек авторлари китобларидан, Трог Помпей, Страбон, Плиний Старший, Полибий, Диодор, Арриан, Птолемей каби сўнгги грек ва Рим авторлари китобидан, шунингдек хитой саройининг Аввалги Хань хонадони ва Кейинги Хань хонадони ва улардан кейинги династияларнинг Н. Я. Бичурин йиққан тарихий хроника тўпламидан олганлар<sup>17</sup>.

Грек, Рим, Хитой авторларидан биттаси ҳам шахсан Хоразмда бўлган эмас, шунинг учун уларнинг асарларида келтирилган тарихий-географик ва этник маълумотлар туманли ва чалкашдир. Қадимги грек авторлари асарлари шу нарсани кўрсатадики, улар асарларидаги маълумотларни қадимги форс манбалари ва Қораденгиз бўйи скифлари манбаларидан олганлар. Шунинг учун баъзи авторлар Урта Осиё халқларини скиф қабиласига, бошқалари эса сак қабиласига киради деб ҳисоблайдилар. Геродотнинг Ўзбой оқими ҳақидаги маълумоти ҳам чалкашдир.

<sup>15</sup> П. П. Иванов, «Удельные земли» Саид Мухаммед-хана Хивинского, ЗИВАН, т. VI, 1937; ўша автор, Архив Хивинских ханов, ЗИВАН, т. VII, 1939; ўша автор, Архив Хивинских ханов XIX в., Л., 1940.

<sup>16</sup> В. В. Бартольд ва С. П. Толстовлар ҳам бу аҳволни қайд қилганлар.

<sup>17</sup> Н. Я. Бичурин, Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, т. I, М.—Л., 1950.

Бу маълумот Кичик Осиёга кириб борган энг илк ривоятлардан бири эканлигига шубҳа йўқдир. Бундай чалкаш маълумотлар қаторига Геродотнинг Окс (Амударё) ўрнига Аракс, Яксарт (Сирдарё) ўрнига Танаис номларини ишлатиши ва ҳоказоларни ҳам киритиш мумкин. Искандар бошчилигида македонияликларнинг юриши сўнгги грек ва Рим тарихий ва географик адабиётига анча ижобий таъсир кўрсатди; Арриан, Трог Помпей ва Страбон берган маълумотлар ана шу ижобий таъсир аломатларини сақлаган бўлсалар-да, бу сўнгги грек авторлари маълум даражада қадимги грек ёзувчиларининг чалкаш асарларидан фойдаланганлари туфайли уларнинг асарларида ҳам хатолар ва ноаниқликлар тўлиб-тошиб кетган. Эрамизгача бўлган II асрдан бошлаб Урта Осиё ҳақидаги тарихий ва географик маълумотлар хитой саройининг Аввалги Хань хонадон томонидан тобора кўпроқ рўйхатга олина бошланди. Сўнгги грек ва Рим маълумотларига нисбатан Хитой маълумотлари анча конкрет ва ҳаққоний характерга эга.

Хитой расмий тарихи томонидан Урта Осиё тарихи ва географиясига оид фактик материалларни ёзиб бориш иши мунтазам равишда эрамизнинг X асригача олиб борилди. Хитой тарихий маълумотларининг ҳар бир тарихий даврга нисбатан аниқлиги ва ҳаққонийлиги Хитойнинг Урта Осиё халқлари билан қилган алоқаларининг характерига ва қай даражада алоқа қилганлигига боғлиқ бўлиб, биз бунини ана шу хитой манбалари маълумотларини синчиклаб ўрганганимизда кўрамыз.

Эрамизнинг IV—V асрларида ғарбда Византия ва Арман тарихий асарлари пайдо бўлади ва бу асарлар Хитой тарихий асарлари берган маълумотларга жиддий тузатишлар киритади.

Сўнгра, араблар истилосидан кейин Табарий, Наршаҳий ва бошқаларнинг тарихий асарлари вужудга келади ва бу авторлар араблар истилоси ва ҳокимияти даврида тўхтаб қолган Урта Осиё халқларининг ватан тарихий фанини давом эттирадilar.

XIX—XX асрларда ердан, сувдан фойдаланишнинг амалий масалаларини ёритишда А. Н. Аскоченский<sup>18</sup>, С. Кондрашев<sup>19</sup>, Ор. Шкапский<sup>20</sup>, М. Йўлдошев<sup>21</sup> ва қатор тадқиқотчилар талай ишлар бажардилар. Уларнинг асарлари Хоразмнинг экономикасини, тарихини ва айниқса суғориш тарихининг ўзига хос хусусиятларини текширганда ҳеч бир четда қолиши мумкин эмас.

Октябрь социалистик революциясидан кейин, 1918 йил 17 майда В. И. Ленин имзолаган Халқ Комиссарлари Совети декрети ва 1920 йил 2 декабрь Халқ Комиссарлари Совети қарори, шунингдек В. И. Ленин ва И. В. Сталиннинг пахтачилик ва ирригацияни ривожлантириш ҳақидаги қатор кўрсатмаларига мувофиқ Хоразмда текшириш ишлари мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёйди, шунингдек катта-катта ирригацион-мелиоратив лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Октябрь социалистик революцияси Урта Осиёда археология фанини кескин олға сурди; бошқа область ва районлар билан бир қаторда, Хоразмда ҳам жиддий археологик текшириш ишлари авж олиб кетди.

<sup>18</sup> А. Н. Аскочинский, Южный Хорезм как объект водохозяйственного строительства, САЗГИПРОВОД, Ташкент, 1934.

<sup>19</sup> С. Кондрашев, Орошаемое хозяйство и водопользование Хивинского оазиса, М., 1934. Уша автор, Орошаемый Хорезм, М., 1931.

<sup>20</sup> Ор. Шкапский, Аму-Дарьинские очерки, Ташкент, 1900.

<sup>21</sup> М. Юлдашев, Землевладение и государственное устройство феодальной Хивы в XIX веке, Автореферат докторской диссертации, М. — Л., 1953.



А. Ю. Якубовский<sup>22</sup>, М. В. Воеводский<sup>23</sup> ва бошқаларнинг ишлари туфайли Хоразмнинг айрим археологик объектларининг тарихий топографияси ва стратиграфиясининг баъзи масалалари ечилди.

1936 йилда ушбу асарнинг автори Жанубий Хоразмнинг археологик объектларини кенг кўламда текширишга киришди. Хоразм халқининг тарихи, этнографияси ва фольклори билан биринчи танишишдаёқ, бизнинг олдимизда мамлакатни ирригация жиҳатдан ўзлаштириш тарихини ўрганиш масаласи қад кўтарди, чунки мана шу масалада социал муносабатлар жуда ҳам аниқ ва равшан ўз ифодасини топгандир.

Саккиз йил давомида Тошсақо ва Сувонли—Ленинёп магистраль каналларидек буюк халқ қурилишларида, айрим каналларни тозалашда ва Чоржўй-Қўнғирот темир йўли қурилиши ва бошқаларда археологик назоратни амалга оширар экан, автор қурувчилар ва маҳаллий аҳоли орасида барча ирригация ишлари масаласи ҳақидаги маълумотларни тўплашга ва уларни аниқлашга муяссар бўлди.

Шундай қилиб, биз бош манбалардан олган маълумотлар ва халқ ривоятлари билан қуролланган тарих фанининг бошқа соҳасига— қадимги Хоразм археологиясига кириб келдик.

Профессор С. П. Толстов<sup>24</sup> раҳбарлик қилган Хоразм археологик экспедициясининг узоқ вақт давомида ва кенг кўламда олиб борган ишлари натижасида бизнинг хоразм тарихи бўйича бўлган билимимиз кўпдан-кўп фактик маълумотлар билан тўлғазилди, бошқача қилиб айтганда, биз учун Хоразм тарихининг «мусулмонларгача бўлган даври» ўз ҳикоясини бошлади. Қадимги канал бўйларидаги Қизилқум ва Қорақумнинг бостириб келган қумлари остида кўмилиб қолган беҳисоб харобалар ўз ҳикояларини гапириб бера бошладилар.

Бу моддий маданий ёдгорликлари асосидаги неча минг йилликлар тарихи деҳқончиликнинг ва умумий фаровончиликнинг асоси бўлмиш ирригация аввало фақат мамлакат ўз мустақиллигини ҳимоя қилиш учун бирлаштиргандан кейингина ривожлана олган ҳамда деҳқончиликнинг асоси сифатида ҳақиқий, тўла қийматга эга бўла олганлигидан далolat беради; асосан у ҳукмрон синф ва унга таянган ҳукуматлар умумдават нуқтан назари билан иш кўришга, яъни улар ўз синфий манфаатларини умумдават манфаатлари билан бирга олиб боришни ўрганганларидан кейингина ривожланган. Бошқача қилиб айтганда, ҳукумат бошида ўтирган ҳукмдорлар улар эксплуатация қилаётган меҳнаткаш омма ўзининг асосий функциясини — ҳукмрон синфни боқиш ва хазинани тўлдириб туриш функциясини шу вақтда бажара олишини тушунганларида, яъни ҳокимларнинг ўзлари ишлаб чиқарувчи омманинг меҳнатини уюштириб уни мамлакат ишлаб чиқариш кучларини тараққий эттириш йўлига солиб юборганларида ривожланишини тушунгандан кейингина содир бўлган.

Шарқ мамлакатларининг айрим деспотлари, ўзларининг ва ҳукмрон синфларнинг фаровон ва тинч турмуши мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучларининг тараққийсига боғлиқлигини тушунишга қодир бўлганлар. Одатда улар бу кучларнинг тараққий этиши тўғрисида ғамхўрлик қилмасалар-да, баъзан бу кучларнинг ўз-ўзидан табий ҳолда ривожланишига ҳалақит бермасликка тиришар эдилар. Тарихда шундай ҳоллар маълумки, шундай зийрак ҳокимлар ўз яқин феодалларига мурожаат

<sup>22</sup> А. Ю. Якубовский, Развалины Ургенча, Л., 1930. Уша автор, Городище Миздахкан, ЗКВ, кн. V, 1930.

<sup>23</sup> M. V. Woyevodsky, A. Summary Report of Khwarizm Expedition, Bull. of American Instit. for Iranian Arch., 1938, № 3.

<sup>24</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, М., 1948, 7—33-бетлар.

қилиб, уларни ўз қўл остидаги меҳнаткаш аҳоли ҳақида ғамхўрлик қилиш зарурлиги ҳақида огоҳлантирганлар. Эрондаги охирги мўғул хонларидан бири — Ғазан Маҳмуд ўз феодалларига шундай деган: «бу раиялар (деҳқонлар) сиз учун ишлаш ва сизни боқиш учун берилган. Сиз уларни хонавайрон ва хафа қилманг. Агар сиз уларни хонавайрон қилсангиз, ўзингиз ҳам қашшоқликдан қийналасиз, ана шунда мендан ёрдам сўраб келманглар. Мен у вақтда сизларни жазолайман»<sup>25</sup>.

Бундай мурожаат, эзилган деҳқонларга нисбатан ҳоким томонидан кўрсатилган инсонпарастлик эмас, албатта. Қулчилик ҳукм сурган давлатларда ҳам бу давлатларнинг ҳокимлари илгари замонларда қулларнинг меҳнатини яхши ташкил қилишни талаб қилиб чиққанлар, аммо бундай талабларнинг асосий мақсади қул эгалари синфига фойда келтириш учун қилинган ғамхўрлик эди, холос.

С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм» ва «Қадимги Хоразм маданияти изларидан» деган иккита машҳур асарининг нашр этилиши илмий дунёни қадимги Хоразм жамиятининг тараққиёт йўллари билан аниқ-са Хоразмни ирригацион жиҳатдан ўзлаштириш динамикаси билан таништирди. Ушбу асарнинг ўз олдига қўйган вазифаси бу узоқ вақт давом этган процесснинг баъзи бир ўзига хос тафсилотларини совет фани томонидан тўпланган археологик, этнографик ва тарихий материаллардан фойдаланиб, марксизм-ленинизм классиклари очиб берган суғориладиган деҳқончиликнинг ривожланиши қонуниятини нуқтаи назаридан аниқлашдан иборатдир.

Бу ишни бажариш процессида автор Хоразмнинг совет давридаги ирригация тарихини ирригациянинг Урта Осиёда умумий ривожланишидан ажратилган ҳолда ўрганиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Чунки бу даврда Хоразм энди Ўзбекистоннинг умумий сиёсий ва тарихий тараққийсидан ажратилиб қўйилмаган эди ва унинг экономикаси Ўзбекистоннинг умумий планли хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу гаплар, аниқ-са унинг сув хўжалиги масалаларига тааллуқлидир, чунки сув масаласи фақат Урта Осиё масштабида ҳал қилиниши мумкин.

Совет даврида Хоразм ва Урта Осиёнинг ирригацияси соҳасида жуда катта ишлар қилинди ва гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва уларни амалга ошириш шундай гигант масштабларда олиб борила бошландики, бу даврдаги ирригация тарихини ёритиш учун махсус монография ёзиш талаб қилинади.

Аммо совет даврида бажарилган ишлар ёритилмаган тақдирда Хоразмда ирригациянинг ривожланиш манзараси тўла бўлмаганлиги учун автор бунга алоҳида бўлим (VIII) бағишлашни зарур деб топди. Бу бўлимда масалани тўла-тўқис ёритиб берилди деб бўлмаса-да, совет даврида Хоразм воҳаси ёрларининг суғорилиши процессининг асосий этаплари белгиланади.

Асар асосан Хоразмни сунъий суғоришда халқ тажрибасининг тўланиш тарихига бағишланган.

<sup>25</sup> Рашидаддин, Жомий ат таворих, т. 3, Л., 1946, 362-бет. Курсив бизники.

## АМУДАРЕ ВА УНИНГ ДЕЛЬТАСИ

«Хоразм Жайхуннинг<sup>1</sup> бутун фойдасини ола билган мамлакатдир».

*Истаҳрийд.*

Истаҳрийнинг айтган бу сўзлари Геродотнинг Миср ҳақида айтган сўзларини эсга туширади. Геродот бутун Мисрни «Нил ҳадяси» деб ҳисоблаган (Геродот, II китоб, I том, 1888).

Ер шарининг бу икки буюк дарёси жуда ҳам бир-бирига ўхшайди, чунки улар халқ хўжалигида бир хил вазифани бажаради. Бу дарёлар шарофати билан ибтидий одам улуғ саҳролар доираси ичида яшай олган. Бу дарёларнинг тошиши натижасида ва тармоқларида ҳосил бўлган кўлчалар, шунингдек тўқайзор ва чангалзорлар кишиларнинг ҳамма ижтимоий тараққиёт даврларида уларга зарур бўлган кўп нарсаларни етказиб берган. Кўп миңг йиллар давомида воҳаларда яшовчи халқлар ҳар иккала дарё бўйлаб босиб келаётган кўчма қумларга ва сув режими-нинг ўзгаришига қарши шиддатли кураш олиб борганлар; улар саҳро ва дарёларни бўйсундириб, гуллаб-яшнаган воҳаларни барпо этганлар.

Амударё Ҳиндиқушнинг шимолий ёнбағирларида деярли 4000 метр баландликда жойлашган музликлардан бошланиб, унга Помир, ёки Помирдарё келиб қўшилган жойигача Воҳондарё деб аталади. Помирдарё Амударёнинг иккинчи ирмоғи ҳисобланиб, у Зўркўл деган тоғ кўлидан оқиб чиқади.

Помирдарё келиб қўшилган жойдан Вахш ирмоғи қўшилган жойгача Амударё Панж номи билан машҳурдир. Панж бешта асосий ирмоқнинг<sup>2</sup>—Воҳондарё, Помирдарё, Гунт, Бартонгдарё ва Ванч дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Булардан ташқари, Воҳондарё қўйилган жойдан 718 километр масофада Панжга Езгулим дарёси келиб қўшилади.

Панжнинг барча ирмоқлари Воҳон, Шуғнон, Аличўр Дарвоз ва бошқа баланд тоғ тизмаларидаги музликлар ва кўллардан оқиб чиқади.

Амударё баланд қояли тоғлар орасидан оқиб ўтади ва ҳар километр масофада беш метр пастга тушади, шу сабабли у жуда тез ва ҳайқириб оқади ҳамда ўзи билан жуда кўп миқдорда минерал жинсларни лойқа ҳолда оқизиб олиб келади.

Сўнгра Панж, бўйи 5 км ва эни 15 км лик текисликка чиқади. Бу ерда у жуда кенг ёйилиб оқади ва Ўртатўқай номли орол ҳосил қилади<sup>3</sup>. Текисликдан ўтгандан кейин дарё тораяди ва унга чап томондан Кўкча дарёси келиб қўшилади. Кўкча дарёси Афғонистондаги Ҳиндиқушнинг

<sup>1</sup> Амударё.

<sup>2</sup> Н. Я. Корженевский, Физико-географический очерк Средней Азии, Ташкент, 1925, 65-бет; В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-дарье, М., 1927: 65—86-бетлар.

<sup>3</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, 86-бет.

марказий қисмидаги музликлардан бошланади. Панж дарёси 70 километрлик масофани босиб ўтиб, яна бояги сингари текисликка чиқади. Бу ерда Панжга ўнг томондан тоғдан оқиб чиқадиган катта ирмоқ Вахш келиб қўшилади ва шундан кейин у Амударё номини олиб, текислик бўйлаб оқади ва унга ўнг томондан Кофирнихон ва Сурхон, чап томондан эса Қундуздарё ирмоқлари келиб қўшилади.

Амударёга Сурхон келиб қўшилган жойнинг қуйидан бошлаб, у ҳеч қандай ирмоқсиз жазирама саҳролар ичидан оқа бошлайди ва шу ердан унинг ҳаётбахш фаолияти бошланади.

Амударёнинг текислик қисмида у ўз водисини ҳосил қилади. Бу води дастлаб тахминан 6 км кенгликка эга бўлиб, аста-секин кенгая боради ва Чоржўй яқинида деярли 25 км гача етади. Шу ердан бошлаб (Вахш қуйилган жойдан то Илжиқ дарёсигача) Амударё қирғоқлари суғориш каналлари билан кесилиб кетган<sup>4</sup>. Бу ерда Амударёдан кенглиги (тагидан ҳисоблаганда) 0,5 дан то 12 саржинга<sup>5</sup> борадиган 300 дан ортиқ канал қазилган. Каналлар дарёнинг чап томонида Чоржўй воҳаси территориясида энг кўп қазилган. Ўнг қирғоқда ҳам жуда кўп каналлар мавжуддир. Илжиқ дарёсидан оқиб ўтгандан сўнг Амударёнинг ўрта қисми бошланади. Саҳро ҳар икки томондан деярли дарёни ўраб олади. Бу ерда дарё ўзани 1—1,5 км гача тораяди ва фақат Дарғонота ва Жигарбандота тўқайлари районида у 10 км гача кенгаяди<sup>6</sup>. Дарё бошланган жойдан 2056 км жойда ва Туямўйин дарёсидан бироз юқорироқда у Дулдул отлаган дарасига оқиб киради. Бу дара шу район учун характерли бўлган очилиб ётган материк жинсларидан тузилгандир<sup>7</sup>. Давранинг узунлиги 1 км бўлиб, бу ерда Амударё ўзани 358 м (168 саржин)гача тораяди<sup>8</sup>. Бу дара хоразмликлар ўртасида жуда машҳур бўлиб, унинг бир неча номи бор: 1) Дулдул отлаган (Али бин Абутолибнинг жанговар оти Дулдул сакраб ўтган жой)<sup>9</sup>; 2) Дахани шер (Шер дахани), бу ном XI асрда Беруний асарининг арабча таржимаси «Фамм-ал-асад» *فهم الاسد*<sup>10</sup> да тилга олинади. Бу ном Хоразм аҳолиси ўртасида ҳозирги вақтда «Дони шер» шаклида кенг тарқалгандир; 3) Беруний бу даранинг учинчи номини—«Сакр аш-шайтон» (*سکر الشيطان*)—«Шайтон тўғони» деб келтиради. Берунийда бу ном худди бундан: аввалгисидек арабчага қилинган таржимасида келтирилади ва шунинг учун маҳаллий халқ тилида қандай деб аталганини билиш қийин. Бизнинг фикримизча, «Сакр-аш-шайтон» номи унинг ҳозирги «Жигарбанд» номи, яъни Жигар тўғони деган сўз билан боғлиқ. Жигарбанд сўзи халқ этимологиясининг тушунтиришича жигарим сўзидан олинган бўлиб жонажон, жон бағрим ва ҳоказоларни тушунтиради. Бу сўзнинг асл маъноси равшан эмас.

Амударё бу дарадан чиққандан кейин анча ороллар ҳосил қилиб, кенгаяди ва 45 км<sup>12</sup> оққандан сўнг яна узун Туямўйин дарасига келиб

<sup>4</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, 88-бет.

<sup>5</sup> Уша жойда.

<sup>6</sup> А. Архангельский, Геологические исследования в низовьях Аму-Дарья. М.—Л., 1931, 144-бет.

<sup>7</sup> Б. М. Георгиевский, Южный Хорезм, Ташкент, 1937, 20-бет.

<sup>8</sup> В. И. Масальский, Туркестанский край, Россия, т. XIX, СПб., 1913., 117-бет.

<sup>9</sup> Тўртинчи Халифа, Муҳаммад пайғамбарнинг куёви ва сафдоши.

<sup>10</sup> Беруний, С. Волиннинг, «К истории древнего Хорезма» номли мақоласидан дитата, ВДИ, 1941, № 1, 193 ва кейинги бетлари.

<sup>11</sup> Уша жойда.

<sup>12</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, 89-бет.

жиради<sup>13</sup>. Туямўйин оҳақтош ва бошқа қаттиқ тор жинсларидан тузилган илон изи бўлиб кетган дарадир.

Туямўйин қисмида Амударёнинг узунлиги ёй бўйлаб 21,3 км, хорда бўйлаб тахминан 7 кмга тенг. Дастлаб дарё ўзининг илгариги қисмининг йўналишига нисбатан тўғри бурчак ҳосил қилиб оқади ва кейин жанубга бурилиб, 8,5 км масофада деярли ўзининг асосий оқимининг тескари томонига қараб оқади. А. В. Қаульбарснинг фикрича дарёнинг бундай бурилишининг ҳосил бўлишига сабаб қадим замонларда ҳозирги чап қирғоқдаги тепаликлар<sup>14</sup> билан бир бўлган ўнг қирғоқдаги тоққа учраб, дарё буларни кесиб ўтиш учун йўл ахтариб, жанубга бурилганлиги бўлса керак.

Туямўйин районида Амударёнинг ўнг қирғоғи, Тошсақо дўнгликлари бошланган жойгача унча баланд эмас ва маълум даражада ётиқдир. Туямўйиндан юқорироқда Амударё суви Туямўйинни кесиб ўтадиган оҳақтош тепаликларидан бошлаб, бу қирғоқ тик, баланд ва жарликлардан иборатдир<sup>15</sup>.

Туямўйин дарасидан дарё зўр куч билан кенг Хоразм текислигига оқиб чиқади. Бу ерда у кенг ўзан ҳосил қилиб, ўзининг паст ва текис қирғоқларини ювиб оқади.

Амударёнинг қуйи оқими Туямўйиндан бошланади; Хоразм суғориш каналларининг кўпчилиги бош иншоотлари асосан Туямўйин билан Қисноқ дараси ўртасидадир, Қисноқ кенг дара бўлиб, у ўнг қирғоқдаги Султон Увайс тоғи ва чап қирғоқдаги Жумритов тоғ массивлари ўртасида жойлашгандир. Бу жойнинг ўзбекча, шунингдек географик номи<sup>16</sup> бўлиши «Қисноқ» (قسناق) сўзи бутун Хоразмда тарқалган бўлиб, тор дара «қисик» деган маънони англатади. Сўнгра дарё яна кенг ўзан ҳосил қилиб оқади.

Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб Шайхжалил тепалигидан то Бештепагача Султон Увайс тоғи тизмалари чўзилиб ётади. Дарёнинг чап қирғоғи, Жумритов массивини истисно қилганда, паст текислиқдан иборат бўлганлиги учун доимо емирилиб туради ва бу ерларни тез-тез сув босади. Бу жиҳатдан фақат Хўжайли шаҳридан юқорироқда жойлашган Қипчоқ шаҳри райони ва Тахнатош райони мустаснодир. Тахнатошдан шимолроқда Амударёнинг қуйи<sup>17</sup> дельтаси бошланади; бу ерда дарёнинг доимий ўзани йўқдир. У ҳар доим ўз йўлини ўзгартириб турадиган тармоқлар орқали Орол денгизига қуйилади. Деярли ҳар бир ўн йилликда бу ерда янги тармоқлар ҳосил бўлади. эскилари доим ўз ўзанларини ўзгартиб туради, кенгаяди ёки тораёди ва ҳатто қуриб ҳам қолади. Шу ўзгаришлар туфайли бу ерда вақти-вақти билан янги кўллар ёки катта-катта қамишзор ботқоқликлар ҳосил бўлади, эскилари эса аста-секин қуриydi.

Хоразм воҳаси Амударё дельтасининг ўнг ва чап қирғоғидаги текисликни ишғол қилади. Фақат воҳанинг Туямўйиндаги энг жанубий қисми Амударёнинг ўрта оқимидир. Бу ерда чап қирғоқнинг қўлтиқсимон пайсанган жойида, Қорақум кумлари ичида кичкинагина Питнак воҳаси жойлашган.

<sup>13</sup> Туямўйин деган ном бу дарага унинг узун туя бўйнига ўхшаш шакли учун берилган.

<sup>14</sup> А. В. Қаульбарс, Низовья Аму-Дарьи, ЗРГО, т. IX, СПб., 1881. 17-бет.

<sup>15</sup> Ф. Ф. Мужчинкин, Некоторые данные по геологическим и гидрогеологическим исследованиям в районе Ташсака — Туя-Муюн (Хорезмской области), летом 1925 г., Труды САГУ, сер. VII а, вып. 6, Ташкент, 1928.

<sup>16</sup> Муви с-Огаҳий, فردوس الافعال, СССР ФАШИ, № Е—6, Л., 447.

<sup>17</sup> Амударёнинг қуйи дельтаси деб Дарёликдан Орол денгизигача бўлган қисми ҳисобланади; юқори дельтаси — Туямўйиндан Дарёликкача бўлган қисмидир.



Тарасм. Амударёнинг ўрта оқимидаги қадимий аҳоли яшаган пункт харобялари

Туюмўйиндан пастроқда воҳанинг асосий қисми жойлашган қадимги дельтанинг аллювиал текислиги шимоли-ғарб, шимол ва шимоли-шарқ томонларга қараб кенгайди. Бу улкан полосанинг ёппасига чўзилиб кетган текислик манзарасини фақат баъзи бир тоғ массивлари ва улар билан боғланган кичик-кичик тоғлар ва баландликлар бузиб туради. Буларнинг ичиди Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Чағра<sup>18</sup> ёки Султон Увайс тоғининг<sup>19</sup> айрим тепалари 1000 м баландликкача кўтарилади. Бу тизма Амударёга ўзининг Шайхжалил<sup>20</sup> ва Қуёнчиқ баландлиги орқали яқинлашиб келади. Бу баландликлар худди Султон Увайс тоғ тизмаси ва унинг Жумритов (Юмритов), Қубатов ва Тахиатош тармоқларидек қадимги метаморфин жинслардан тузилган бўлиб, булар отқинди жинс интрузиялари билан бўлиниб-бўлиниб кетган<sup>21</sup>.

Султон Увайс тоғ тизмасининг ғарб томондин энг охириги қисми бўлмиш Шайхжалил баландлиги қояли баланд тоғдан иборат бўлиб, у шимоли-ғарб томонга қараб тахминан 8 км масофага чўзилгандир. Шайхжалил тоғининг ғарбий ёнбағри Амударёга тик бўлиб тушади ва 4 км масофада у Амударёнинг қирғоғини ҳосил қилади. Султон Увайс тоғидан шарққа, Қизилқум саҳроси ичкарасига қараб Аёзқалъа, Кўкча, Жонбосқалъа ва бошқа тепаликлар системаси кириб боради. А. Д. Архангельскийнинг фикрича бу баландликлар Султон Увайс тоғини Тянь-Шань билан боғлайди<sup>22</sup>.

Юқорида эслатиб ўтилган баландликлардан ташқари, қуйи дельта территориясидаги якка-якка тепаликларни: Қўнғирот яқинидаги Қубатов (Қизилжар)ни, Қушқанот тоғни ва шунингдек юқори дельтанинг чап соҳил қисмининг ғарбий ёнбағирларидаги Манқир, Тузқир, Қалъалиқир, Кўзалиқир, Тойқир ва бошқа тепаликларни ҳам қайд қилиб ўтиш керак.

Хоразм текислигининг геологик тузилиши унинг тўртламчи давр давомида шаклланиш шароитлари билан генетик боғлиқдир.

Аллювиал ётқизиқларнинг структураси, тақсимланиш ва қатламларининг қалинлиги Амударё оқимининг характерига, дельтанинг шаклланиши учун зарур бўлган узоқ давр давомида унинг қадимги ўзанлари ва тармоқлари таъсирига боғлиқдир.

Юқорида Амударё баланд музликлардан бошланади деб айтилган эди. Бу эса унинг юқоридан пастга тушишини, оқим тезлигини ва сувининг оқизинди жинсларга бойлигини аниқлаб беради. Амударё суви ўзининг қуйи оқимига қараб миллион-миллион тонна лойқа ва қум олиб боради. Бу лойқалар дельтада ётқизилиб, воҳанинг асосини ташкил эта-

<sup>18</sup> Баёниёй, варақ 176 а; **کوه چغرا** тизманинг қадимги замон Хоразм номи бўлса керак.

<sup>19</sup> Тизманинг бу номи Ўрта Осиёда мусулмон суфизм тарғиботида асос солувчилардан бири—араб Увайс Қорний номи билан боғлиқдир. Увайс эрамининг VII асрида Арабистонда яшаган «Султон» унвони унга кейинчалик Ўрта Осиё халқлари томонидан берилган. Бу тизманинг жануби-ғарбий ёнбағрида, чучук сувли булоқ ёнида Султон Увайснинг катта қабр тоши ўрнатилган афсонавий қабр бор. «Султон бобо» номи билан машҳур бўлган чангалзор кўп асрлар давомида энёратоғ эди ва у ўз аҳамиятини шу вақтгача сақлаб қолган. Султон Увайснинг шундай «қабрлари» ўрта Осиёнинг кўп жойларида учрайди.

<sup>20</sup> Баландликнинг номи мусулмон суфизм Яссавий тарғиботида асос солувчилардан бири — Жалолбобо билан боғлиқдир. XIX асрда тузилган Зангиота шайхларининг шажарасини тасвирловчи ҳужжатда Жалолбобо Амударё бўйида кўмилган дейилган. Буни Хоразм маҳаллий тарихчилари ҳам, масалан, Баёниёй **شجره**

**خوارزمشاهی** да кўрсатиб ўтади, Я. Фуломов, тўплаган қўлёзмаларда, варақ 149а.

<sup>21</sup> Б. М. Георгиевский, Южный Хорезм, Ташкент, 1937, 16-бет.

<sup>22</sup> А. Архангельский, Геологические исследования в низовьях Амударьи, М.—Л., 1931, 131-бет.

ди, ишланадиган ерларнинг химиявий таркибини яхшилайти. «...Сунъий каналлар билан суғориш,— деб ёзади К. Маркс, — тупроққа ўсимликлар учун зарур бўлган сувнигина келтирмай, шу билан бир вақтда лойқа билан бирга тоғлардан химиявий ўғитлар ҳам келтиради»<sup>23</sup>.

Ҳаммага маълумки, сувнинг механик ва химик таркиби ва шу билан бирга, унинг ичидаги лойқа деб аталадиган қаттиқ заррачалар суғорма деҳқончилик қилишда тупроқнинг унумдорлигини белгилашдаги ҳал қилувчи омилдир. Аммо Ҳиндистон, АҚШ, шунингдек, Урта Осиёнинг кўпдан-кўп суғориш тажрибалари мисолдан шу нарса кўринадики, — дейди В. В. Цинзерлинг<sup>24</sup>,— ҳар доим ҳам сувда лойқанинг кўп миқдорда бўлиши деҳқончиликка фойда келтира бермайди. Бу борада лойқа заррачаларининг катта-кичиклиги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Чунки йирик (диаметри 0,05 мм ортиқ) заррачалар суғориш каналларида чўкиб қолиб, каналларни лойқа босади, уларни тозалаш учун анча маблағ сарфлашга тўғри келади. Деҳқончилик учун энг фойдали бўлган муаллақ оқизиндилар заррачалари ўртача катталикидаги (диаметри 0,05 дан то 0,005 мм гача) оқизиндилар бўлиб, бундай заррачалар лойқанинг ёпишқоқлигини камайтиради, шу вақтнинг ўзида майда (диаметри 0,001— мм кичик) заррачалар эса жуда тез зичланиб, бу ёпишқоқликни ошириб юборади.

В. В. Цинзерлинг суғорма деҳқончилик қилинадиган Шарқ мамлакатларига сув берувчи энг йирик қадимги сув тармоқларида лойқанинг миқдорини белгиловчи кўйидаги жадвални тузган (ҳажмга нисбатан процент нисбатида)<sup>25</sup>.

Нил	0,4% — 0,01%
Ҳинд	0,77% — 0,08%
Амударё	0,77% — 0,66%
Дажла	0,77% — 0,19%
Сэтлеж	1,77% — 0,41%

Нил ва Амударё сувларини чоғиштириб кўрганимизда, биз лойқа миқдори, яъни лойқанинг унумдорлиги жиҳатидан Амударё суви бойроқ

Амударё ва Нилда лойқанинг миқдори (процент ҳисобида)

Лойқанинг категорияси	Диаметри мм	Амударё	Нил
Йирик	1,0—0,5	0,02	—
	0,5—0,25	0,08	0,7
	0,25—0,05	2,6	0,7
		2,7	1,4
Ўрта	0,05—0,01	6,5	9,0
	0,01—0,005	57,8	19,0
		64,3	28,2
Майда	0,005—0,001	10,9	11,4
	0,001—дан кичикроқ	18,9	55,2
		29,8	66,6

<sup>23</sup> К. Маркс, Соч., т. XVII, 1937, 561—562-бетлар.

<sup>24</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, 190-бет.

<sup>25</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, 192-бет.

<sup>26</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, 195-бет.



эканини кўрамиз. Амударё ва Нил дарёсининг лойқасининг механик таркиби характеристикасига келсак, худди шу автор тузган жадвалдан ўртача катталиқдаги бўлган заррачалар (биз юқорида бундай заррачаларнинг деҳқончилик учун энг фойдали эканлигини қайд қилиб ўтган эдик) Амударё суви Нил сувига қараганда бойроқ эканлигини кўрамиз, шу билан бирга деҳқончилик учун жуда зарарли бўлган майда заррачалар эса Амударёда Нилга қараганда камроқдир<sup>26</sup>.

Амударёдаги лойқанинг химик таркиби ҳам худди механик таркибидек, ўзининг юқори ўғитловчи сифати билан фарқ қилади. Агар Амударё лойқасининг химик таркибини Нил билан чоғиштириб кўрилса, булар ўртасида Цинзерлинг кўрсатиб берганидек катта ўхшашлиқни кўрамиз<sup>27</sup>.

Химиявий таркиби	Амударё	Нил
Кремнезём ( $\text{SiO}_2$ )	54	57,5
Бир ярим окислар ( $\text{D}_2\text{O}_3$ )	17,4	25,6
Оҳак ( $\text{CaO}$ )	7,3	3,1
Магний окиси ( $\text{MgO}$ )	2,3	2,7
Калий окиси ( $\text{K}_2\text{O}$ )	2,1	0,5
Натрий окиси ( $\text{Na}_2\text{O}$ )	1,6	0,6
Фосфор кислота ( $\text{P}_2\text{O}_5$ )	изларигина бор	0,25

Бу жадваллар Амударё сувларидаги минерал запаслар ичида тупроқнинг унумдорлигини белгилловчи оҳак ва калий каби муҳим элементлар катта процентни ташкил этганлигини кўрсатса, Нил сувларида эса аҳамияти бояғилардан қолишмайдиган фосфор кислотасининг кўплигини кўрсатади. Амударё сувларида оҳақнинг кўп миқдорда бўлиши яна шу томондан муҳим аҳамиятга эгаки, тупроққа оҳак мавжуд бўлар экан, у зарарли ёки қора шўрхоқларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймайди<sup>28</sup>.

Амударёнинг худди мана шу лойқаси, кенг маънода айтганда, ҳозир биз кўриб турган катта Хоразм дельтасининг ҳосил бўлишига асос бўлган. Бу дельта пасттектисликдан иборат бўлиб, уни шарқ ва жануби-ғарб томондан Қорақум ҳамда Қизилқум саҳролари ўраб туради. Ғарбда ва шимоли-ғарбда уни Устюрт қирлари, шимолда эса Орол денгизи ўраб туради. Бу тектоник процесслари натижасида ҳосил бўлган пастлик бўлиб, жуда қадим замонларда Амударё лойқаларидан иборат қадимги аллювиал қатламлар билан тўлдирилган<sup>29</sup>. Бу қатламларнинг жуда қадим замонларда ташкил топганини палеонтологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Ҳозирги дельтанинг аллювиал қатламларида энг кўп тарқалган ва ҳозирги вақтдаги кўлларда кўп миқдорда яшовчи моллюскалар *Corbicula fluminalis* дир. Сариқамиш чуқурлиғига яқин жойларда, Цўрохон участкасида, аксинча, бу тур мутлақо яшамайди. Бу ҳол аллювиал қатламларни икки горизонтга ажратишга имкон беради. Булардан энг янгиси энг қадимгисидан ўзидан *C. fluminalis*<sup>30</sup> мавжудлиги билан фарқ қилади. Амударёнинг учламчи даврдан кейин тўпланган қадимги қатламларида бу моллюсканинг чиғаноқлари учрамайди.

Хоразм воҳасининг вужудга келиши билан қадимги замон олимлари ҳам қизиққан. XI асрда яшаган Хоразм олими Беруний шундай бир ажойиб фараз билдирган эдики, бу фараз XIX аср олимлари жуда кўп уринган геологик проблемани ҳал этишга ёрдам берди.

<sup>27</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, 196-бет.

<sup>28</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, 197-бет.

<sup>29</sup> Б. М. Георгиевский, Южный Хорезм, Ташкент, 1937, 63-бет.

<sup>30</sup> А. Д. Архангельский, Геологические исследования в низовьях Аму-Дарьи, М.—Л., 1931, 151-бет.

Беруний бундай деб ёзади: «У (Журжон ва Хоразм ўртасидаги кум саҳроси—Я. Ф.) бир вақтларда қўл бўлган бўлса керак, чунки Жайхун—мен Балх дарёсини айтмоқчиман — у орқали Хазар (Каспий — Я. Ф.) денгизига Балхан деб аталган шаҳар яқинидан оқиб борган. Унинг оқими ҳақида ўзининг «География» китобида Птолемей ҳам шундай дейди. дарё Ирқония (Журжон) яъни Журжон денгизига оқиб боради. Бизнинг вақтимиз билан Птолемей ўртасида тахминан 800 йил вақт ўтган. Жайхун у вақтда ҳозир саҳро бўлиб ётган Замм (Қарки) билан Амуя (Чоржўй)<sup>31</sup> ўртасидаги жойларни кесиб ўтган, Балханга етиб боргунча ўз йўлида учраган шаҳар ва қишлоқларни суғорган ва Журжон ҳамда Хазар ўртасида денгизга бориб қуйилган. Йўлида тўсиқлар пайдо бўлганлиги учун унинг суви гузлар мамлакати чеккаларига қараб бурилган. Унинг йўлида тоғ учраган. Бу тоғни ҳозир Фамм-ал-асад (Даҳани Шер)<sup>32</sup> деб, Хоразм аҳолиси эса уни Сакр-аш-Шайтон (Шайтон тўғони) деб атайди. У (сув) тўпланеди ва қирғоқларидан тошиб чиқади, сув тўлқинларининг излари унинг (тоғнинг) тепасида сақланиб қолган. У (сув) оғирлик ва босим чегарасидан ўтгач, бу омонат тошлар устига чиққандан кейин улар орасидан ёриб ўтган ва тахминан Дулдул отлагандан Туямўйингача бўлган бир кунлик йўл масофасини (45 км Я. Ф.) босиб ўтган, сўнгра у ўнгга Форобга, ҳозир Фаҳми<sup>33</sup> номи остида машҳур бўлган ўзан бўйлаб оққан ва одамлар унинг қирғоғида уч юзта шаҳар ва қишлоқлар қурганлар, уларнинг харобалари ҳозирда ҳам сақланиб қолган. Бу ўзанга ҳам, у бошлангандан кейин, биринчи ўзандагидек (Келиф Ўзбойига — Я. Ф.) тўсиқ учраган; сувнинг йўли тўсилиб, у чапга бурилган ва «Маздубаст»<sup>34</sup> исмли ўзанда Хоразм ва Журжон ўртасидаги саҳродан ўтиб, бижноқлар еригача оқиб борган (Беруний, афтидан, Н. Г. Петрусевич томонидан тилга олинган афсонавий «Дарё Афнаган», ёки «Тунударё»ни кўзда тутган бўлса керак)<sup>35</sup>. У кўп жойларни босиб кетган ва уларни узоқ вақтларгача хонавайрон ҳам қилган; уларнинг аҳолиси Хазар денгизи бўйига кўчиб кетган (эҳтимол бу ҳозирги Чирмонёп райони бўлса керак, бу ерда ҳозиргача жуда кўп харобалар сақланиб қолган—Я. Ф.). Булар Олан ва Ос уруғлари бўлиб, ҳозир уларнинг тили Хоразм тили билан Бижноқ тили аралашмасидан иборат. Хоразм тарафига сув қолдиқлари оқар ва қоялар билан тўсилган Хоразм текислиги бошланган жой (яъни Хоразм воҳаси) яқинидаги қояларни (Туямўйин — Я. Ф.) ёриб ўтар эди, энди эса бутун сув Хоразм томонига йўл олди. У уларни (қояларни) ёриб ўтди, атрофни сув босди ва бу ер уша жойдан бошлаб кўлга айланди. Сувнинг кўплигидан ва оқим кучининг зўрлигидан у (Жайхун) кўп миқдорда лойқа оқизгани учун бўтана эди. Ўзани кенгайган жойларда у ўзидаги лойқани чўктирарди; қуйилиш жойидан (бошлаб Я. Ф.) ер аста-секин қотар ва қуриб қолар, кўл (шимолга—Я. Ф.) чекинар эди, шундай қилиб бутун Хоразм вужудга келди. Кўл чекина-чекина нисбатан кўндаланг ётган тоғларга бориб тақалди (Ўстюрт қирликлари бўлса керак — Я. Ф.); Улар билан кураша олмай у шимолга қараб бурилди ва ҳозир туркманлар яшайдиган ерларгача бориб етди. Бу кўл (яъни Орол денгизи) билан Маздубаст дарёси яқин

<sup>31</sup> А. Коншиндан бошқа ҳамма текширувчилар эски ўзанининг бош томони борлигини қайд қиладилар.

<sup>32</sup> Сўз Дулдул отлаган дараси устида бораётир.

<sup>33</sup> بالفخمى

<sup>34</sup> مزدبست

<sup>35</sup> Н. Петрусевич, Предварительный отчет об исследовании Дарьялык (Узбой) местности между Аму-Дарьей и Сарыкамышем, Отд. оттиск из т., XI, Записок Кавказского отделения РГО, 5-бет.

нида бўлган кўл (Беруний Сарикамиш чуқурлигини назарда тутати, унинг фикрича, қадим замонларда Маздубаст дарёсининг ўзани шу чуқурликка бориб тушган — Я. Ф.) бир-биридан узоқ эмас, у кўл эса (Сарикамиш—Я. Ф.) шўр ва ифлос бўлиб қолган, у орқали юзиб ўтиб бўлмайди; туркча у Хиз-Тенгизи, яъни «Ифбатли қиз денгизи» деб аталади»<sup>86</sup>.

Беруний давридаги Амударёнинг қадимги оқими ҳозирги Келиф Ўзбойи оқимига мос келган деб ўйлаш керак. Берунийнинг бу кўрсатмасини хато тушуниб, С. Волин, фикримизча, Амударёнинг қадимги оқимини Унғуз оқими билан бир деб ўйлайди. Беруний дарёнинг оқими Замм (Қарки шаҳри) билан Амуя (Чоржўй шаҳри) ўртасидан ўтган деб аниқ кўрсатиб беради. Унғуз дарёси эса Чоржўйдан анча пастроқда тахминан Илжиқ районидан оқиб ўтади.

Охирги йилларда олиб борилган текшириш натижалари Унғузни Амударёнинг қадимги оқими билан бир деган гипотезани рад қилади<sup>87</sup>, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Унғуз бўйида ҳеч қандай харобалар йўқ, фақат онда-сонда илк неолит кулолчилиги намуналари топилади, холос.

Ҳеч шубҳа йўқки, Беруний Амударёнинг икки жойда тошларни кесиб ўтиши ҳақида гапирар, экан, у биринчи ҳолда Дулдул отлаган дарасини, иккинчисидан эса Туямўйинни кўзда тутати. «Бир кунлик йўл» узоқлигида дейилиши ҳақиқатга тўғри келади, чунки кўрсатилган бу икки пункт орасидаги масофа 45 км. дир.

XIX аср тадқиқодчилари Амударё этаklarининг геологик тузилишини ўрганиб Берунийнинг фаразлари тўғри эканлигини тасдиқладилар, улар ҳозирги Туямўйин йўлини Беруний кўрсатмалари билан солиштириб текшириб чиқиш имконига эга бўлганлар.

Беруний ҳам Амударё Даҳани Шер дарасидан чиққандан кейин Туямўйингача текисликдан оқади деб ҳисоблайди; у ерда қаттиқ жинсларга дуч келгандан сўнг у ўзига тахминан Безирган тўқай орқали йўл очган ва Қизилқумга кириб борган. Бу ерда Беруний «Сувёрган» тармоғининг қадимги (қуйроқда алоҳида гапирилади) изларини назарда тутган бўлса керак. Маҳаллий аҳолининг гапига қараганда, бу тармоқ шимолга қараб узоққа, Сирдарёнинг қуйи оқими томонига оққан.

Афтидан, Беруний даврида Амударёнинг ўнг соҳили ҳақида худди шундай тасаввур мавжуд бўлса керак. Ҳақиқатан ҳам, бу ерда Жанубий Хоразмнинг ўнг соҳил қисмида Сувёрганнинг қуриб ётган қадимги ўзанидан ташқари, ҳеч бир тармоқ ёки ўзан йўқ. Ўнг соҳил Хоразмнинг қадимги суғорилган ерларидаги шаҳар ва қасрларнинг харобалари, афтидан, қадимги суғориш каналлари билан боғлиқ бўлса керак. Харобаларнинг асосий кўпчилиги жонсиз Бургутқалъа воҳасидадир. Бу ерда ҳаёт VIII асрда тўхтаб қолган. С. П. Толстовнинг фикрича, Беруний бу ҳақда билмаслиги мумкин эмас эди, чунки, биринчидан, бу харобалар Беруний замонаси учун унчалик қадимий бўлмаган ва иккинчидан, улар сунъий суғориш билан боғлиқ бўлган<sup>88</sup>. Хуллас, Берунийнинг бу айтганларида «Фахми» ўзани номи остида турли вақтлардаги ўзан изларининг бутун бир системаси, яъни: Сувёрган, Ақчадарё, Янидарё ва бошқалар тушунилса керак.

Маздубаст ўзанига келганимизда эса, Берунийнинг фикрича, Амударё сувлари Туямўйин қояларини жануби-ғарб томондан айланиб ўтиб,

<sup>86</sup> Беруний, С. Волиннинг «К истории древнего Хорезма» номли мақола-сидан цитата, ВДИ, 1941, 193—195-бетлар.

<sup>87</sup> Б. А. Федорович, Геоморфология Унгуза, сб. «Қаракумы», IV АН СССР, Л., 1934.

<sup>88</sup> С. П. Толстов, Новые материалы по истории культуры Древнего Хорезма: ВДИ, 1946, № 1.

ҳозирги Хоразм воҳасининг жанубий ва жануби-ғарбий чегараси бўйлаб Қорақум саҳросига кириб борган. Шу билан бир вақтда Амударё сувлари Туямўйин жинслари орасидан аста-секин сизиб ўтган ва ниҳоят, тармоқ ҳосил қилиб, ҳозирги Хоразм территориясига бостириб кирган. Шу сабабли Маздубаст ўзани йўқ бўлиб кетган.

Афтидан, бу ерда ўзанининг хоразмча маҳаллий номи келтирилган. Биринчи сўз (Мазда) маздаизм худоси номи билан боғлиқ, иккинчиси (баст)—тожик сўзи бўлиб, тўғони англатади, — демак, Маздубаст деган ном — «Мазда тўғони» демакдир. «Банди Санжар» ёки «Банди Султон» (Санжар тўғони) номи остида юритилган Туямўйиннинг чап қирғоғидаги дўнглари илгари «Маздубаст» деб аталган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Шу муносабат билан шу нарсани айтиш диққатга сазоворки, юқорида келтирилган «Сакр-аш-шайтон» (Шайтон тўғони) деган ном билан «Маздубаст» деган ном бир-бирига дуалистик равишда мос келади. «Маздубаст» номида эзгулик худоси эсга олинса, «Сакр-аш-шайтон» номида унга зид бўлган ёвузлик худоси тилга олинади. Шунинг ҳам айтиш керакки, араб термини «шайтон» сўзининг маҳаллий эквиваленти, бахтга қарши, шу вақтгача аниқланмаган.

Охирги 70—80 йил давомида Хоразмда ўтказилган геологик ва географик текширишлар жуда катта ва самарали натижалар берди. Шу билан бирга, Амударёнинг қуйи оқимидаги ҳозирги ерларнинг келиб чиқиши ва бутун дельтанинг умумий хусусияти характеристикаси Беруний гипотезасини илмий назарияга яқинлаштиради.

Қуйи тўртламчи даврда Амударё Хоразм томонига қараб оқмаган. У вақтларда Орол денгизи ҳам, Сарикамиш чуқурлиги ҳам бўлмаган. Хоразм пасттексислигининг шимолий ва ғарбий қисмларидаги қадимги аллювиал қатламларининг йўналишига қараб, геологлар бу районнинг гидрографик тармоқлари мутлақо бошқа йўналишда бўлган деган фарз билдирадилар<sup>39</sup>. Орол денгизи ва Сарикамиш чуқурлиги фақат тўртламчи даврнинг иккинчи ярмида, гидрографик тармоқларнинг ўзгариши, яъни илгариги система тармоқларида сув тўхтаб қолиши ва Амударёнинг Хоразм пасттексислигига бурилиши натижасида ҳосил бўлган<sup>40</sup>. Жанубий Туркменистон ва Хоразмнинг аллювиал қатламлар картаси, гарчи бу ўзгаришлар тарихий даврда рўй берган деган бўлса ҳам, Беруний гипотезасини эсга туширишга мажбур этади.

Бундан кейинги даврда Хоразм сув ҳавзасининг сатҳи кичраяди ва шу билан бирга аллювиал қатламли юқори ва қуйи дельталар ҳосил бўлади. Дарё суви иккита тектоник чуқурликка — Сарикамиш ва Орол чуқурлигига қуйилади. Буларнинг рельефи бутун қадимий дельта конусидан бошлаб ётиқ нишобга эгадир.

Нивелирлаш маълумотларини тўплаш натижасида Закаспий пасттексислиги умуман ясси юзага эга бўлиб, Қаспий ва Орол денгизлари томонига қараб бир хилда нишобликда бўлганлиги аниқланди. Шундай қилиб, Амударё бир текисда нишоб бўлган ясси юзада Орол денгизига, Қаспий денгизига ва Сарикамиш чуқурлигига оқа олган. Қаспий денгизи ва Сарикамиш чуқурлиги томонида бўлган нишоблик кучлироқдир, шу сабабли дастлаб дарё ўша томонга оқиши керак бўлган. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги текширишлар вақтида Қаспий денгизи ва Сарикамиш чуқурлиги томонига қараб кетган бир қанча эски ўзанлар топилди. Бу ўзанларнинг ҳосил бўлиши ҳақида жуда кўп гипотезалар баён этилди.

<sup>39</sup> И. И. Герасимов, К. К. Марков, Четвертичная геология, М., 1939, 270—271-бетлар.

<sup>40</sup> Шу асар, 339-бет.

Охирги вақтда гипотезаларнинг кўпчилиги рад этилди ва бу ўзанлар Амударёнинг эски ўзанлари деб ҳисоблана бошланди<sup>41</sup>.

Амударёнинг бутун дельтаси кенг текисликдан иборат бўлиб, у шарқ ва жанубий-шарқ томондан қумлар ёки баландликлар билан, шимол ва ғарб томондан эса катта чуқурликлар билан ўралган. Бу чуқурликларнинг шимол томонидагиси — Амударё ва Сирдарё ва сувлари билан тўлғазилган Орол денгизи бўлиб, ғарбдагиси эса ҳозир Сарикамиш чуқурлиги деб аталади. Сув билан маълум мавсумда тўлади<sup>42</sup>.

Сарикамиш чуқурлиги Орол денгизидан 1,5 марта чуқур, аммо Оролга нисбатан сатҳи 7 марта, ҳажми 5 марта кичикдир.

Амударё сувлари гоҳ Хоразм пасттекислигининг шимолий қисмига (Орол денгизига), гоҳ ғарбий қисмига (Сарикамиш чуқурлиги) гоҳ эса бир вақтнинг ўзида ҳар иккаласига қуйилган. Булардан Орол денгизи қисми Амударё ва Сирдарё сувлари нисбатан мунтазам қуйилиб турганлиги туфайли унда доим сув бўлишлиги билан фарқ қилади: Сарикамиш чуқурлиги эса оқими ўзгариб турувчи тармоқлардан, асосий ўзанлардан баъзи-баъзида сув олганлиги учун вақт-вақти билангина сув билан тўлади.

Дельтанинг умумий характеристикаси қуйидаги манзарани беради: дельтанинг жануби-шарқ қисми сатҳининг нишоби тахминан 1 км га 0,2 м бўлиб, шимоли-ғарбга нишобдир, шу билан бирга унинг Амударёга ёндашган ўрта полосаси чеккаларига нисбатан баландроқдир, бу ҳолдан аҳоли суғориш мақсадларида фойдаланади. Бундай нишоб, тахминан, Хўжайли қишлоғидан жануби-ғарбга—бутун пасттекисликни кўндалангига кесиб ўтиб, Кўзалиқир дўнгларига бориб етадиган чизик-қача сақланади; бу чизикдан бошлаб, бир томондан, рельефнинг шимолий — Орол денгизи томон оғиши ва иккинчи томондан, ғарбий — Сарикамиш чуқурлиги томон оғиши бошланади<sup>43</sup>.

Сўз юритилаётган пасттекисликнинг шимолий қисми Амударёнинг ҳозирги вақтдаги қуйи дельтасини ишғол қилиб, жануби-ғарбий қисми эса жуда кўп эски ўзанлари бўлган унинг қадимги Сарикамиш дельтасини ташкил этади. Пасттекисликнинг Шимолий ва Жанубий Қизилқум ўртасига пона шаклида кириб борган жануби-ғарбий қисмида ҳам эски ўзанлар бор.

Дарё ўзани Туямўйин дарасидан чиққандан кейин тезда кенгайиб кетади, шунинг учун ҳам бу ер йирик каналлар қуриш учун жуда кўлайдир.

Гидрогеологик жиҳатдан Амударёнинг дельтаси деб аслида Туямўйиндан пастроқдаги қисми тушунилади.

Дельтанинг тупроғи дарёнинг беҳисоб лойқасидан ташкил топади. Гидрографик нуқтаи назардан Амударё дельтасини уч қисмга бўлади-лар: Туямўйин ва Қисноқ даралари ўртасида жойлашган ва дарёнинг энг қадимги пайдо қилган дельтанинг юқори қисми. Дельтанинг ўрта қисми Қизкеткан канали бошланган жойдан сал юқорироқда, Қисноқ билан Тахياتош даралари орасида жойлашган қисми. Ниҳоят, охирги қисми — қуйи дельта бўлиб, у Тахياتош билан Орол денгизи

<sup>41</sup> В. Ф. Моргунов ва И. А. Севастьянов, Ирригационные перспективы Туркменской ССР, Ташкент, 1925, 51—52-бетлар.

<sup>42</sup> Жуда кўп геолог ва географларнинг тадқиқотлари ҳам шуни тасдиқлайди. Масалан, И. В. Мушкетов, Туркестан, СПб., 1886, 113—119-бетлар; А. Д. Архангельский, Геологические исследования в низовьях Аму-Дарьи, Труды ГГРУ, 12, 1931, 144—151-бетлар; А. Кесь, Русло Узоя и его генезис, Труды ИГ АН СССР, XXX, Сарикамиш тўғрисидаги ва бошқа бўлимларга қаранг.

<sup>43</sup> А. Д. Архангельский, Геологические исследования в низовьях Аму-Дарьи, М.—Л., 1931, 144—151-бетлар.

ўртасидаги ерлардир. Бу ерда оқими ўзгариб турадиган ўзан ва унинг тармоқлари жуда кўп миқдорда лойқани чўктиради<sup>44</sup>.

Тошқин вақтларида юқори дельта чегарасида Амударё ўзанининг кенглиги 3 дан то 5 км гача етади, ҳар икки қирғоғи ҳам ётиқ: тошқин вақтида сув горизонти ерга нисбатан 0,6—1,6 м баланд кўтарилади. Шунинг учун ҳар икки қирғоқнинг ёқасида баланд дамбалар (қочилар) қурилган; бу дамбалар воҳани сув босишидан сақлайди. Ҳайқириб оққан дарё суви аста-секин қирғоқларни ювади, баъзан бутун-бутун районларни ювиб кетади, баъзан эса янги саёзликлар ва ороллар ҳосил қилади. Бу даҳшатли оқимга Хоразм воҳасида махсус «Дегиш» ёки «Йиққин» деган номлар берилган<sup>45</sup>. Дегиш дарёнинг янги тармоқларининг ҳосил бўлишига, унга янги ўзанлар очишга ёрдам беради. Дегиш бундан минг йил илгари Хоразмнинг қадимги замондаги пойтахти — Кат шаҳрини бутунлай ювиб, йўқ қилиб юборган. Орадан минг йил ўтгандан кейин у Тўрткўл шаҳрини юва бошлади ва шу мисраларнинг автори кўзи олдида ўн йил давомида шаҳар билан дарё ўртасида жойлашган яшнаб турган бутун бир районни ювиб кетди. Бу ерда ўнларча ажойиб боғлар ва бир неча колхознинг катта-катта экин майдонлари бор эди. Манзара жуда ҳам даҳшатли эди: ҳайқириб оқаётган сув тик қирғоқни ювиб, қирғоқдан 3—4 м масофада ёриқ ҳосил қилди; ёриқ бир зумда кенгайди; бир неча минутдан кейин бу жой гурсиллаб сувга ағанади; сув устини чанг қоплади ва шу оннинг ўзида шу жойдан бир неча метр нарироқда яна гурсуллаган овоз чиқди — сувга бутун бир уйнинг ярмиси ағанаб тушди. Ҳайқириб оқаётган сув юзасида ходалар, қамиш ва биноларнинг бошқа қисмлари оқмоқда эди. Шаҳарга қараб қуришиш материаллари ортилган аравалар карвони шошилмоқда эди: ҳамма ўз қурилиш материалларини қутқариб қолишга ошиқар эди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда гурсуллаган овозлар эшитилар эди. Сув тўлқинлари бир неча минут давомида чанг билан қопланиб, кўринмай кетди. Шундай қилиб, илгари Тўрткўл шаҳридан бир неча соатлик масофада бўлган Амударё энди шаҳар деворлари тагида ҳайқириб оқа бошлади.

«Дегиш тушти» сўзи хоразмликларни даҳшатга солади, чунки ҳар гал дегиш уларга катта ҳалокат етказад. Сайёҳ кўпинча хоразмликларнинг «Жойимизни дегиш олди» деган сўзини эшитади.

Амударёнинг қуйи оқими аҳолиси, хоразмликлар, бепоеъ саҳролар билан ўраб олинган воҳа учун дарёнинг қандай аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам хоразмликлар Амударёни ҳурматлайдилар ва қадрлайдилар. Хева хонлигидаги сарой тантаналарида, анъанали оммавий ибодат вақтларида: «...Дарё серсув бўлсин ва ўз ўзанида оқсин»<sup>46</sup> деган иборани айтиш шарт бўлган. Юзаки қарашда бу худди хонга умр, аҳолига тинчлик, диннинг яшнашини тилагандек оддий истакка ўхшайди, ҳақиқатан эса бу Хоразм учун жуда ўзига хос истакдир; бу икки жумлада, бир томондан, каналларнинг нормал ишлари учун зарур бўлган тошқинларнинг бўлмайд қолишидан ва иккинчи томондан, «дегишнинг пайдо бўлишидан яъни дарё ўз ўзанини ўзгартиришидан кўп асрлардан буён давом этган кўрқиш ўз аксини топган».

Ушбу сатрларнинг автори Хоразм аҳолисининг турли табақалари орасида тарқалган эски хурофот ва афсоналарни ёзиб олишга муяссар бўлди.

<sup>44</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, 91-бет.

<sup>45</sup> «Йиққин» терминини қозоқлар ва қорақалпоқлар берган.

<sup>46</sup> Хева воқеалари. Ҳасан Мурод Камкор, ЎзССР ФА Фундаментал кутубхонасининг қўлёмаси, № 147.

دریاغه برکت بیرگی دریا اوز رودخانه سنده آقغای خبوه واقبعه لری.

Масалан, дарё кемачилигига ишга кетаётган ёшларни кузатар эканлар, қариялар уларга мурожаат қилиб, «дарёнинг хомийлари бўлмиш руҳларни ҳурмат қилишни буюрганлар. Чунки улар ўз ҳаётларини энди бутунлай шу муаккилларга топширар эмишлар. Улар кемадаги бошлиқларига сўзсиз итоат этиши, ўз йўлдошларига нисбатан ҳеч қандай кирдикорлик қилмаслиги, тоқатли бўлиши, кемага фақат «пок» ҳолда чиқиши зарур бўлган. Қариялар, агар бу қондаларга риюя қилмасанглар «дарё» ҳамда кемачилик муаккиллари сизларга лаънат ўқийди ва сизлар доимо гадойликда яшайсизлар» деб огоҳлантирганлар.



2-расм. «Дегиш» нинг хароб килувчи ҳаракати (Тўрткўл шаҳри ёнида)

Демак, хоразмликлар «кемачилик муаккили» (Хоразмда ҳам ва бошқа мусулмон мамлакатларида ҳам Нух пайғамбар кемачилик муаккили деб ҳисобланади) билан «дарё хомийси» (умуман «сув» хомийси) ни айнан бир деб ҳисоблайдилар. «Сув хомийси» тўғрисида эса биз бу ерда «Хубби» номи билан боғлиқ бўлган бир афсона ҳақида ўз фикримизни билдириб ўтишни зарур деб топамиз.

1936 йилнинг ёзида катта тошқин вақтида Амударё қирғоқларини текширар экан, автор Туямўйин дарасидан чиқиш вақтида кема ҳалокатга учради. Иккита ёш қайиқчини сув олиб кетди, мен ва бош қайиқчи қайиқда қолдик. Қутилиш ҳеч мумкин эмасдек эди. Эшкак ҳам, таёқ ҳам йўқ эди. Ҳайқириб оқаётган сув қайиқни тошли тик қирғоққа шиддат билан элтмоқда эди, қирғоқдан итарилиш учун қўлимизда ҳеч нарса йўқ эди. Ўзини йўқотиб қўйган чол ботиб кетаётганлардан кўзини ололмай, ҳадеб: «Хубби, Хубби, ё, Хубби...» деб такрорларди. Бу сўзларни қайта-қайта такрорлар экан, унинг чеҳраси ва овози бош қайиқчининг дарёни тинчланишга ундашини ва ҳалокатдан қутқоришини сўраб ёлворганини кўрсатиб турар эди. Кейинчалик менинг «Хубби»нинг аҳамияти тўғрисида берган қайта-қайта саволларимга дастлаб чол, бу фақат бир худонинг номи деб жавоб қайтарди. Эртасига, чўкканларни ахта-

ришга чиққанимизда у ўзининг ҳикоясини қуйидаги савол билан бошлады: «Сиз Амударёдаги катта кемаларнинг — қайиқларнинг уч томонида чоч ўрими осиб қўйилганлигини пайқаганмисиз?» — ва давом этдирди: «Фаридун ва ҳатто Жамшид<sup>47</sup> подшолик қилмасдан кўп вақтлар илгари бу дарёда бир йигит яшаган ва бу йигит дарёнинг ҳоқими бўлган. Унинг исми «Хубби» бўлган. Хубби балиқ билан овқатланган; У бир қўли билан балиқни тутиб олар экан-да, уни қуёшга узатар экан; балиқ шу ондаёқ қовурилар экан. У етти юз йил давомида Амударёда яшаган ва бу вақт ичида ҳеч қандай ёвуз жин дарёга яқинлаша олмаган ва ҳатто у вақтда чивинлар ҳам бўлмаган. Жамшид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб, Хубби дом-дараксиз ғойиб бўлган. Уни осмон денгизи малюкаси — гўзал бир қиз ўғирлаб кетган деб ўйлайдилар. У ғойиб бўлгандан кейин Амударёда Хуббининг онаси пайдо бўлади. У узоқ вақт давомида йиғлаб-йиғлаб ўз ўғлини қидиради. Ана шу Хуббининг онаси биринчи қайиқни кўрган ва халқни дарёда урушишга ўргатган. Сўнгра Хуббининг онаси бутунлай кетиб қолган. Чоллар: «Илгариги вақтларда кемаларнинг бурнида шу хотиннинг ҳайкали ўрнатилар эди», — дейдилар. Сўнгра, мусулмонлар келганларидан кейин улар бу одатга эътибор бериб, уни йўқ қилишни буюрганлар. Шу вақтдан бошлаб бу ҳайкалнинг бошини кесиб ташлаганлар, фақат унинг икки чоч ўрими қолган.

Минг йил давомида Хуббининг онаси аза тутган ва у билан биргача дарё, саҳро, тоғ ва қоялар йиғлаган, одамлар, қушлар ва ҳайвонлар йиғлаган, осмонда фаришталар, ер остида девлар йиғлаган. Хубби тирюк у қиёматгача яшайди, Хубби нажот берур, Нух мадад берур. Мана қандай куч бу муқаддас дарёга ҳомийлик қилади».

Чол, бизни, бу афсона китобларда ёзилган ва узун қиш кечаларида саводхон кишилар уни ўқиб берадилар, тингловчилар эса йиғлайдилар деб ишонтирмоқчи бўлди. Кейинчалик Хубби образи тарихий шахсга айланади ва Хубби Хўжа номи остида адабиётга киради<sup>48</sup>; шайх Ҳакимота Боқирғонийнинг учта ўғли бўлган; кенжа ўғлининг исми Хубби-хўжа бўлган. Катта ўғиллари оталаридан ўрнак олиб, диний мушоҳадэга берилганлар. Бироқ Хубби-хўжа ёшлигидан от миниб юришни ва овни яхши кўрган. Ҳакимота Хубби-хўжа дарвиш бўлиш ўрнига жангчи бўлади деб хавфсираб, кўп хафа бўлган. Аммо унинг хавфсираши бежиз бўлиб чиқади. Хубби-хўжа муъжизалар кўрсата бошлайди: у сувга ботганларни қутқарар; сўйилган ҳўкизларга жон қайтарар ва ҳоказолар қилар эди. Шу муносабат билан қуйидаги афсона келтирилади: бир вақт Хубби-хўжа ўз жойидан узокроқ дарё бўйига борган, Ҳакимота уйда ўтириб, уни уч марта чақирган. Биринчи чақирриққа у жавоб қайтарган, иккинчисини жавобсиз қолдирган, учинчисида отасининг қаршисига етиб келган; у отасига биринчи чақирришдаёқ уйга қараб йўл олганини, иккинчи чақирришига сувга чўкканларни қутқариш билан овора бўлганлигидан жавоб бера олмаганлигини айтган. Хубби томонидан қилинган муъжизалар отасининг гезабини қўзғатган ва у Хуббининг Хоразмдан чиқиб кетишини сўраган.

Хубби-хўжа онаси билан видолашган ва шу ондаёқ ерга ётиб кўздан ғойиб бўлган. Ота-онаси бу янги муъжизани кўриб ҳайрон қолганлар. Тангри Ҳакимотага мурожаат қилиб, бундай деган: «Унинг авлодидан уч юз олтимишта авлиё чиқар эди, сен бунга тўсқинлик қилдинг, энди сенинг бу гуноҳинг ювилиши учун сенинг қабринг устидан қирқ

<sup>47</sup> Қадимги эронийларнинг афсонавий подшоси.

<sup>48</sup> Ҳакимота ўз ўғлини ахтариб, аза тутиб юрганларини шеър билан ўзи ёзган эмиш.



йил мобайнида дарё оқиб туриши керак»<sup>49</sup>. Бу, албатта, афсонавий Хубби образининг иккинчи вариантидир. «Сувга ботганларни қутқариш, сўйилган ҳўкизларга жон бахш этиш» ҳам ўз келиб чиқиши жиҳатидан мусулмонларгача бўлган маҳаллий диний мифологияга тааллуқлидир<sup>50</sup>.

Чол ҳикоя қилиб берган афсона таассуроти остида биз зўр бериб Хубби ҳақида янги маълумотлар қидира бошладик. Аммо худди шу афсонанинг маълум парчаларидан ташқари, янгироқ нарса эшита олмадик.

Бу афсона фақат парчалар ҳолида сақланиб қолган бўлса керак. Сув худоси ҳақидаги афсонанинг вариантлари фақат Хоразмдагина мавжуд бўлмай, бутун Урта Осиёда ва унга чегарадош мамлакатларда ҳам тарқалган.

Хоразм аҳолиси ўртасида Хуббиқули<sup>51</sup> ёки Хуббинийез<sup>52</sup> деган исмлар кўп учрайди.

«Хуббиқули» — Хуббининг қули демакдир; мусулмон диний анъанасига мувофиқ «қул» қўшимчаси фақат биронта худо, пайғамбар ёки авлиё номидан кейин қўшилиши мумкин. «Хубби» номи худонинг мусулмонларидаги кўпдан-кўп номларидан бири деб фараз қилиш мумкин эди, аммо расмий диний адабиётда «Хубби» худонинг биронта номи бўлганлиги ёзилмаган, фикримизча, худога бу ном халқ томонидан берилган.

«Хуббинийез» исми Хуббига қурбон қилиш демакдир, демак, бу ном ҳам, худди Хуббиқулидек, халқнинг сувни илоҳий куч деб тасаввур этганлигини кўрсатади.

Ислом дини тарқалгандан кейин халқ мусулмонликкача бўлган сув худоси Хубби ҳақидаги бу афсонани сақлаб қолиши, албатта, қонунийдир. Бу афсона мусулмон ориографик адабиётига, юқорида кўрганимиздек, Ҳакимотанинг шеърини формада ёзган асари орқали ўтган. Бу шеърларда у эпик тонларда ўзининг йўқолган ўғли Хуббини қидириб юрганни ҳикоя қилади.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш қизиқки, Фарғона водийсида Эрхубби ҳақида бир қатор афсоналар сақланиб қолган ва иккаласи ҳам сув худоси—муаккили бўлганлиги учун унинг образи худди Хоразм худоси Хубби образига ўхшайди. Бундай ўхшатишни яна давом эттириш мумкин; масалан, Оҳангарон водийсида ҳам Хуббини ҳурматлайдилар. Жўшқин Оҳангарон дарёсидан ўтганда одамлар Хуббидан мадад сўрайдилар<sup>53</sup>.

Бухоро воҳасининг ғарбий қисмидаги саҳрода жойлашган шифобахш «Хўжа Хуббон» қудуғи ҳам Хубби исми билан боғлиқ бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас.

Бу ривоятларнинг ҳаммаси юқорида келтирилган Хуббининг ғоиб бўлиши ҳақидаги афсона билан мос келади.

Амударёни Хоразмнинг барча аҳолиси жуда ҳурматлаган; бу ҳурматлаш асосида, фақат унинг ҳайътабахш сувлари учун ташаккур изҳор

<sup>49</sup> Али Раҳим ва А. Азиз. *تاتار ادبياتى تارىخى* I т., Қозон, 1923, 99-бет.

<sup>50</sup> К. Г. Залеман, *Легенда о Хаким-ота*, Известия АН. т. IX, СПб., 1898, № 2, 114-бет.

<sup>51</sup> Хева шаҳридаги Саид Алоуддин мақбараси деворига

«*متولى است حواجه حامد نام حواجه حبی قلى است و الد آن*» деб ёзилган.

<sup>52</sup> Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номли Халқ кутубхонасида сақланаётган Хева хонлари архиви, № 6 дафтар, варақ 11—14. Автор Хоразмнинг ҳозирги аҳолиси ўртасида ҳам шундай исмларни учратган.

<sup>53</sup> Бу маълумотни менга шонра Музаяна Алавия етказгани учун ундан миннатдорман.

қилишгина етмай, балки баҳайбат ва маккор дарёнинг емириш кучларидан қўрқиш ҳам ётади.

Амударё ўз ўзанини ҳар доим ҳам ўз оқимининг табиий қонувлари туфайли ўзгарта бермаган; баъзан бу ўзгаришлар одамларнинг фаолияти натижасида ҳам рўй берган. Мана шундай, кишининг ёвуз иродаси туфайли содир бўлган ўзгаришлар билан боғлиқ бир неча афсоналар бор.

Хоразм аҳолиси ўртасида Султон Санжар<sup>54</sup> ва Тўрабек хоним<sup>55</sup> ҳақидаги ҳикоя кенг тарқалгандир. Шу нарса характерлики, воқеаларнинг тарихан зидлигига қарамай, Хоразм аҳолиси ўз ўртасида тарқалган бу афсоналарга чинакам бўлиб ўтган тарихий воқеа деб ишонади.

—Машҳур Султон Санжар,—дейлади афсонада,—Хоразм шоҳининг Тўрабекхоним деган гўзал қизи борлигидан хабар топиб, унга бир неча марта совчи юборади, аммо ҳар гал қатъий рад жавобини олади. Золим Султон қаттиқ ғазабланиб, хоразмшоҳ устига ўз қўшинларини суради. Аммо кейинчалик Тўрабекхонимни жангсиз қўлга киритмоқчи бўлади, шу мақсадда Амударёни Қорақумга буриб юбориб, Хоразмни сувсиз қолдирмоқчи бўлади.

Султоқ жуда кўп катта хумлар тайёрлашни буюради<sup>56</sup>. Бу хумларни тош билан тўлғазиб, бир-бирига темир занжирлар билан боғлаб, дарёга туширадилар. Амударё тўсилади ва унинг суви Қорақумга оқа бошлайди<sup>57</sup>.

Хоразм сувсиз қолади. Қариялар ва сарой амалдорлари ўзаро маслаҳатлашиб, Тўрабекхоним олдига келадилар ва ўз ватандошларини кутқориш учун Султонга розилик беришни сўрайдилар. Хоним розилик беради ва ўзига яқинда қулунлаган қирқта чопқир бия тайёрлашни буюради; у Гурганчдан Туямўйингача бўлган масофани қирқ бўлакка бўлади ва ҳар бирида биттадан от қўяди. Йўлнинг ҳар бир бўлағида отни алмаштириб, олға йўл олар экан, орқага қайтганда ўз тойчасига ошиққан бия бор кучи ва тезлиги билан чопсин учун у шу отнинг тойчасини йўлда қолдириб кетади.

Хоним Султон чодирни олдида тўхтайтиди. Отдан тушмай туриб, у қаршисига чиққан Султонга, агар султон Амударёни очиб юборишга буйруқ бермаса, отдан тушмаслигини айтади. Султон унинг истагини адо этиш учун шундаёқ буйруқ беради. Хоним ўзан очилганини кўргач, отни буриб орқага қочади. Султон уни қувиб етиш учун яхши сувориларини юборади. Бироқ хоним ўз тойчалари олдига шамолдан ҳам илдам учаётган отларни йўл-йўлакай олмаштириб, Санжарнинг сувориларидан қочиб қутилади.

Қадимги Урта Осиё қаҳрамон аёлларининг жасурлигини ҳикоя қилувчи ривоятларнинг кўп элементларини ўзида сақлаб қолган бу афсона Тўрабекхонимни ўз мамлакатини ҳалокатдан қутқазувчи образ сифатида гавдалантиради.

Мақдусий томонидан келтирилган бошқа бир афсонада<sup>58</sup> Хоразм хони Абулхон подшосини қиморда ютган, дейлади. Абулхон подшоси ерларидан Амударё оқиб ўтган. Ютқизган тақдирда Абулхон под-

<sup>54</sup> 1118—1157 йилларда подшолик қилган салжук ҳокими.

<sup>55</sup> Олтин Урда хони Ўзбекнинг қизи — Хоразм ноиб Кутлуқ Темурнинг хотини (тахминан XIV аср ўрталари).

<sup>56</sup> Ҳикоя қилиб берувчилар бу фактнинг тўғрилигини исбот қилиш учун Туямўйин дарасининг ўнг томонидаги хум пиширадиган печларнинг қолдиқларини кўрсатадилар.

<sup>57</sup> Ош тузи чиқадиган машҳур «Тузи Султон Санжар» деб аталадиган конларни ва қирғоққа кўндаланг ётган катта «Банди Султон» деган тўсиқнинг келиб чиқишини худди шу воқеа билан боғлайдилар.

<sup>58</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении, т. I, 184-бет.

шоси Амударёни бир кеча-кундуз давомда Хоразм томонига оқизиб юбориш мажбуриятини олади. Аммо бир кеча-кундуздан кейин қанчалик уринмасинлар, дарё эски ўзанига тушмайди ва Хоразм томонига оқишда давом этади.

Учинчи афсона Нукус шаҳридан пастроқда Амударё бўйида жойлашган Тўк дўнгининг келиб чиқиши билан боғлиқ. Биз томонимиздан Нукус ва Чимбой районларида ёзиб олинган афсонага мувофиқ, Авж бин Унуқ деган афсонавий забардаст паҳлавон Амударёни тўсиб, Чимбойга сув бермай қўйиш мақсадида чопонининг этагида тупроқ олиб борар экан. Паҳлавон одамлар ундан нимани илтимос қилсалар аксини қилар экан. Баҳайбат паҳлавоннинг бу қилиғини яхши билган Чимбой аҳолиси жўрттага, «тупроқни қирғоққа тўкма» деб ундан сўрайдилар, у эса, ўз одатича, айтганининг тескарисини қилиб, «тўк» дейди-да, тупроқни қирғоққа ташлайди, натижада шу дўнглик ҳосил бўлади; шундай қилиб шаҳар аҳолиси ҳалокатдан қутилиб қолади<sup>69</sup>.

Бу афсоналарнинг ҳаммаси халқ ўртасида айтилиб келган ва ҳозирда ҳам айтилади ва бу афсоналарнинг ҳар бирида Амударёни унинг ҳозирги ўзанидан бошқа томонга буриб юбориш хавфи ҳикоя қилинади.

«Амударё» деган ном адабиётга анча кеч кириб келган. Бу ном Хуросон ва Мовароуннаҳр ўртасида асосий ва энг кўп ўтиш жойи бўлмиш Амуя (Чоржўй) шаҳри билан боғлиқдир<sup>69</sup>. Амударё ҳақидаги энг илк ёзма маълумотлар Окс (грекча Оксос) номи остида грек манбаларида учрайди. Искандаргача ўтган грек авторлари Урта Осиёга келган эмаслар ва улар ўз маълумотларини бошқа шахслардан олганлар. Геродот (эрамизгача бўлган V аср) Амударё номини Аракс билан чалкаштиради. Дарвоқе, унинг асарининг бир ерида анча дурустроқ маълумот берилади. Унинг сўзича Аракс қуйилган жойда у қирқ тармоққа бўлиниб кетади, бу тармоқлардан бири ялангликлардан оқиб ўтиб, Қаспий денгизига қуйилади, қолгани эса ботқоқлик ва лагуналарга (ботқоқ қўлларга) бориб тушади, у ерда, гўёки, пиширилмаган балиқ гўшти билан овқатланадиган ва тюлень терисини кийиб юрадиган халқ яшар эмиш (Геродот, Тарих, I, 202).

Геродот берган бу маълумотни ўша вақтда Хоразм ерларида Амударёнинг катта бир тармоғи Қаспий денгизига бориб қуйилганлигидан далолат беради деб қараш мумкин. Асосий ўзани эса, худди ҳозиргидек, Орол денгизи томонига оқиб, кўпдан-кўп ўзгариб турадиган тармоқларга бўлиниб, кенг ботқоқликлар ҳосил қилган. Бироқ ботқоқлик сўзи остида Орол денгизининг Жанубий қирғоғидаги дарёнинг қуйилиш жойини ҳам тушуниш мумкин.

Катта бир тармоқнинг Қаспий денгизига оқиши натижасида Орол денгизига етарли миқдорда сув қуйилмаган, шу сабабли, бу ерлар кенг ботқоқликларга айлангандир. Профессор С. П. Толстов раҳбарлиги остида ўтказилган археологик текширишлар натижасида биринчи минг йилликнинг ўрталарида ва эрамизгача бўлган дастлабки асрларда Са-

<sup>69</sup> Т. А. Жданковнинг, илтифот кўрсатиб берган маълумотига кўра, Хоразм археология-этнография экспедициясининг этнографик отряди томонидан бу афсона бир оз бошқа вариантда ёзиб олинган; у ерда Авж бин Унуқ ўрнида Деунш кўради.

<sup>69</sup> Белаурий, *كتاب فتوح البلدان* 1886, 410-бет, Хафизий Обру бундай деб тушунтиради:

آب آمويه گویند بجهت ان که محبر حراسان ببخارا بقریه آمويه افتاده است  
(уни Хуросондан Бухорога ўгадиган жой Амуя шаҳри ёнида бўлганлиги учун Амударё деб атайдилар), профессор барон В. В. Розен шоғирларининг мақолалар тўпламига қарава, СПб., 1879, 7-бет; В. В. Бартольд, Истории орошения Туркестана, 47-бет.

риқамиш чуқурлигига шарқдан ёндошиб турган районда жуда кўп ўзгариб турадиган тармоқлар ва сув тошган жойлар бўлганлиги ва улар бўйида қишлоқлар вужудга келганлиги, бу қишлоқлар археологик ёдгорликлар сифатида ҳозир ҳам мавжуд эканлиги аниқланди. Демак, Геродотнинг Амударёнинг бир тармоғи Қаспий денгизига оқади деган фикрини тўғри дейиш мумкин, аммо у Қаспийга эмас, Сарикамиш чуқурлигига қуйилган.

Геродот томонидан Аракс номи остида тасвир этилган дарёни Амударёнинг ўзгинаси деб ўйлаш мумкин, чунки Овстодаги Амударёнинг «Аранг» деган номи Аракс билан ҳамоҳанг бўлганлиги сабабли ўз ҳикояларини узоқ мамлакатлар ҳақидаги ноаниқ маълумотларга асослаган қадимги грек авторлари янглишиши мумкин эди.

Геродот Ак (грекча Акес) дарёсидан сувнинг тақсимланиши ҳақида ҳикоя қилади.

«Осиёда чор атрофи тоғлар билан ўралган водий бор; тоғларда бешта йўл бор; қачонлардир бу водий хоразмдиларга қарашли бўлган ва у хоразмдиларнинг ўзларининг, парфияларнинг, сарангларнинг ва фамонийларнинг ерлари чегарасида бўлган, ҳокимият форслар қўлига ўтган вақтдан бошлаб, бу води подшо (форс) қўли остига ўтган. Атрофдаги тоғлардан катта дарё оқиб келади, уни Акес деб атайдилар. Бу дарё илгарилари юқорида эслатиб ўтилган халқларнинг ерларини суғорар эди, шу билан бирга дарёнинг ҳар жойидан каналлар ўтказилган бўлиб, ҳар бир халқ ўзи учун алоҳида тармоқлар орқали сув олар эди, аммо бу халқлар форслар ҳокимияти қўли остига ўтгач, улар қуйидаги аҳволга гирифтор бўлдилар; подшо сувнинг тоғлардан чиқадиган жойини тўсиб қўйиб, ҳар бирида дарвоза қурдирди, сувнинг чиқиб кетадиган йўли бекитилди ва тоғлар орасидаги водий қўлга айланди, чунки унга сув кирарди-ю чиқиб кета олмас эди...» (Геродот, тарих, III, 117).

Мана шу масала устида рус ва чет эл шарқшунослари ўртасида кенг дискуссия бошланди. Бу ҳақда Бартольд<sup>61</sup>, Маркварт<sup>62</sup>, Томашек<sup>63</sup>, Роулинсон<sup>64</sup>, Германн<sup>65</sup>, Толстов<sup>66</sup> ва бошқалар ёздилар.

В. В. Бартольд бир томондан Акес билан Окс номларининг ўхшашлигига асосланиб, шунингдек юқорида кўрсатилган халқларнинг яшagan жойларини назарда тутиб сўз худди Амударё устида бораётганидан шубҳа қилмайди.

Бу фаразни ҳақиқатга ўхшатиб, биз ҳам бу масала юзасидан ўз павбатимизда қуйидаги фикрни билдирамиз: биринчидан, Амударё текислиги ҳақида Геродот қўлида аниқ маълумотлар бўлиши гумон, чунки у Окс билан Аракс номларини чалкаштиради; бунинг устига дастлабки аҳмонийлар даврида Амударёда бундай мураккаб сувни бўлувчи тўғоннинг қурилиши ҳам жуда шубҳалидир; Геродот томонидан тасвир этилган реал шароит Жанубий Туркменистон воҳаларининг бирида, масалан, Тажан (Ҳерируд), Атрек ва бошқа дарё воҳаларида рўй берган деса ҳақиқатга анча яқин бўлади, бу воҳаларда жуда қадим замонлардан то ҳозирги вақтгача сув учун кураш олиб борилган. Маълумки, Тажан (Ҳерируд) сувининг кўп қисми қадим замонларда, ва

<sup>61</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 8-бет.

<sup>62</sup> J. Marquart, Wehret und Arang. Leiden, 1938, s. 9.

<sup>63</sup> W. Tomaschek, Akas, Realencyclopaedie, Pauly-Wissowa.

<sup>64</sup> Роулинсон, Примечание 10 к стр. 506 английского издания «Истории» Геродота III.

<sup>65</sup> A. Hermann, Alte Geographie des unteren Oksusgebietes, Berlin, 1914, s. 31—38.

<sup>66</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 43—44-бетлар.

ҳозирда ҳам, у тоғ дараларидан чиққунча, яъни Афғонистонда фойдаланилади<sup>67</sup>.

Фақат ўша вақтдаги Эрон ерларида бошқарилиб туриладиган шундай сув ҳавзасининг бўлиши шубҳа туғдиради. Бизнинг фикримизча, иш анча содда бўлган: сув, ҳозирги вақтда бўлганидек, Туркменистон чегарасидан ташқарида тақсимланган ва Геродот Ҳерируднинг юқори қисмидаги сув тақсимловчининг ролини орттириб кўрсатган, Геродотнинг ёзганлари Хоразмнинг ўзига тааллуқли эмасдир, чунки Хоразм ҳар доим хоразмилар қўлида бўлган ва Хоразм тупроғидан улар фойдаланган сувдан парфянлар, гирканлар ва бошқалар фойдалана олмаганлар. Геродотнинг бу ҳикояси Жанубий Туркменистон халқлари сиёсий тарихининг конкрет даврлари билан боғлиқ бўлиши эҳтимолга жуда яқиндир. Ктесийнинг айтишича, қачонлардир парфянлар ҳали форслар (аҳмонийлар) ҳукмдорлигигача мидялилардан ажралиб чиқиб, ўз ихтиёрлари билан сақлар ҳокимиятига қўшилганлар, натижада сақлар билан мидялилар ўртасида кўп йилларга чўзилган ва судҳ билан тамом бўлган қонли уруш чиққан<sup>68</sup>. Бу ерда Ктесий сақлари номи остида Геродотнинг хоразмиларини тушуниш керак. Демак, сақ-хоразмилари парфянлар билан биргаликда Жанубий Туркменистоннинг бутун областлари ва кичик дарёларнинг юқори қисмидаги областларга хўжайинлик қила олганлар.

Қадимги греклар Урта Осиё дарёлари номларини ўзларига яқинроқ жойлардаги бошқа дарёларнинг номлари билан кўпинча чалқаштиришларига қарамай, улар Урта Осиёнинг ҳар иккала катта дарёсини билганлар: Укуз [Окус (Оксос) — Амударё] ва Яксарт (Яксартос—Сирдарё). Арриан томонидан фойдаланилган Аристубулнинг изоҳоти «Яксарт»<sup>69</sup> номининг маҳаллий ном эканлигидан шубҳаланиш учун ўрин қолдирмайди. В. В. Бартольд жуда кам далилларга асосланиб, Амударёнинг ирмоғи—Вахш номи Окс номи билан бир дейди<sup>70</sup>. Окус, Укуз номлари Амударёнинг маҳаллий сақ-массагет номлари бўлиб, ўрта асрнинг энг сўнги давригача Укуз номи билан сақланиб қолган ва ҳозирда ҳам унинг дельтасидаги битта тармоқ Укуз деб аталади. Вахшнинг серсувлигини назарда тутиб, қадим замонларда уни Амударёнинг юқори оқими, Панжни эса ирмоғи деб ҳисоблашлари мумкин эди; аммо бу фақат Келиф районидан юқорироқда шундай бўлиши мумкин эди ва Амударёнинг қуйи оқимида бу ном сира берилган эмас. «Жайхун» номи эса тавротдаги «Гихон»нинг араблаштирилган формаси бўлиб, араблар томонидан киритилган бўлиши мумкин ва бу ҳақиқатан ҳам араблар томонидан киритилган<sup>71</sup>.

Ибн Ховқал Амударёнинг қуйи дельтасида Чақир — Укуз деган тоғлар бор, бу тоғлар яқинида сув ёзгача музлаб ётади дейди<sup>72</sup>. Ибн Ховқал берган маълумот Укуз номининг X асрда ҳам ишлатилганлигидан дарак беради.

Маҳмуд Кошғарий луғатида турк халқларида «Укуз» термини «дарё» сўзини англатади дейилади, аммо «Укуз» терминининг этимоло-

<sup>67</sup> Ф. П. Моргуенко, И. А. Севастьянов, Иригационные перспективы Туркменской ССР, сб. «Новая Туркмения», Ташкент, 1925, 7-бет.

<sup>68</sup> В. В. Григорьев, О скифском народе саках, СПб., 1871, 19—20-бетлар.

<sup>69</sup> Мароқанддан Искандар Танаис дарёси томон йўл олди... уни, Аристубул сўзларига қараганда, туб жойли варварлар Яксарт деб ҳам атайдилар...» (Арриан, III, 30, 7).

<sup>70</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана СПб., 1914, 71-бет.

<sup>71</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, 1914, 71-бет.

<sup>72</sup> ВГА, в. II, 1873, 354-бет; В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 35-бет. «Аранг қири» номи каби бу ном ҳам Амударёнинг ҳақиқий номи билан боғлиқ ва Устюрт платосининг маҳаллий номидир.

гъясн равшан эмас, фақат шу нарса маълумки, бу ном ҳақиқатан ҳам Амударёга берилган ва мўғуллардан кейинги даврга тегишли бир қанча Урта Осиё тарихий манбалари ва ҳужжатларида Амударё кўпинча «Укуз» номи билан тилга олинади.

Эски ўзбек тилида XV асрда тузилган Зангиота шажарасида «шайх Жалилнинг қабри Укуз қирғоғидадир»<sup>73</sup> дейилади; Темурнинг тарихчиси Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Маздаҳқон ва Урганч ўртасида Темурнинг кўшинлари ўтган Амударёнинг эски ўзани «Эски Укуз»<sup>74</sup> деб аталган; хоразми Муҳаммад Солиҳ Амударё ўзининг ўрта оқимида Укуз<sup>75</sup> деб аталади деб ёзади. Ниҳоят, Хева воқеаномаларида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги «Кўкўзак» тармоғи «Укуз кетган» деб аталади<sup>76</sup>.

«Книга большому чертежу»да Амударёни Угус деб аталган<sup>77</sup>. Бу ном хоразмилар ва улар атрофида яшовчи кўшни халқлар орасида оғзаки маълумот тўплаш асосида ёзилган бўлиши мумкин.

Г. С. Карелин ўз текширишларида «Ўзбой» номининг Укузбўйи (Укуз бўйидаги жойлар — Я. Ф.)дан олинганлиги тўғрисида туркман ривоятини келтиради<sup>78</sup>.

Шундай қилиб, Укуз — Амударёнинг маҳаллий номи деб хулоса чиқариш мумкин.

Энди ҳозирги вақтдаги Хоразм воҳасининг атрофи характеристикасига ўтайлик.

Хоразм воҳасига жануб ва ғарб томондан Қорақум саҳроси ёндошиб келади. Бу қумлар жанубда Қопетдоғгача, Ғарбда Каспий денгизгача бориб етади. Уларнинг шимолий қисми, Унгуз қирликларидан бошлаб, то Хоразм воҳаси ва Сарикамиш чуқурлигигача асосан учдамчи давр ва қисман бўр даври жинсларидан иборат бўлиб, устя сарик қум тепаликлари билан қопланган. Юқори дельта бошланган жойда улар Тошсақо баландлигини айланиб ўтиб, кейин воҳанинг жанубий чеккаси бўйлаб катта ёй ҳосил қилади. Қумлар асосан партов кўллар полосасини айланиб ўтади, баъзан улар орасига сукулиб киради. Хева меридианидан сал шарқроқда, Шўркўл кўли яқинида, қум тепаликлари чегараси шимолий-ғарб томонга бурилади ва шу йўналишда деярли Қоракўл кўлигача бориб етади ва тўлқинсимон чизиқ шаклида кўл полосаси бўйлаб давом этиб Чирмонёпнинг қуруқ ўзанига ўтиб кетади.

Қорақумнинг юзаси унинг шимолий чеккаларида тўлқинсимон бўлиб, энг юқори нуқтаси унга ёндошган аллювиал текисликдан 20—30 метрдан ошнқ кўтарилмайди.

<sup>73</sup> «شیخ جلیل بابا قبری او کوز قرغاغندہ در» Кўрсатилган ҳужжатнинг фотографик нусхаси Я. Гуломовнинг шахсий тўпламида сақланади.

<sup>74</sup> МІИТ, т I, 518-бет.

<sup>75</sup> Шайбонийнома, СПб., 1908, 36-бет.

ایتمکز سودین اوتارمین درحال  
هر نیچه بولسه اوکوز مالامال

<sup>76</sup> Мушис—Огоҳий, فردوس الاقبال, Қўлезма, СССР ФАШИ № Е—6 В. 87 л.

كوك اوزاك نهري كم اوکوز كينكان كه مشهوردر.

<sup>77</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 119-бет, 3-изд.

<sup>78</sup> Г. С. Карелин, Путешествие по Каспийскому морю (1936), Записки РГО, т X, 1883, 410-бет.

Воҳага ёндошиб келган Қорақум участкаларида ўсимликлар билан бир мунча мустақамланган қум тепаликлари ва шамол таъсирида осонлик билан кўчиб юрадиган сочма барханли қумлар ҳам учрайди. Қорақум деган ном, В. И. Масальскийнинг<sup>79</sup> берган тўғри фикрича, қумларнинг рангига қараб берилган эмас, балки уларнинг хилват, ҳаётсиз кўринишига қараб қўйилган номдир; бу ном аслида «Евуз қумлар» демакдир. Хоразмликлар қадим замонлардан бери бу қумлардан йўллар ўтказганлар ва Хуросон ҳамда Эроннинг бошқа областлари билан доимо алоқада бўлиб келганлар. Эрон адабиётида Қорақум «Хафтриг-и-Хоразм» номи остида тилга олинади<sup>80</sup>.

Унг қирғоқдаги воҳа шимоли-шарқда Жанубий ва Ғарбий Қизилқум билан чегараланади. Қизилқум юзасининг рельефи уни ташкил этган бўр даври жинслари тектоникаси билан чамбарчас боғлиқдир<sup>81</sup>.

Қизилқум ва Қорақум қумлари ўзларининг келиб чиқиш ва геологик шаклланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайди ва асосан материк ҳамда аллювиал йўл билан ҳосил бўлган икки қумдан иборатдир. Булардан биринчиси қизғиш-сариқ ёки тўғрироғи қизғиш-қулрағ бўлиб, фақат шамол таъсири остида материк жинсларнинг емирилиши ва учирлиши натижасида ҳосил бўлади. Мана шу қумлар ҳар яккала саҳронинг деярли бутун қум массасини ташкил этади.

Иккинчи хил қумлар қулранг бўлиб, аллювиал йўл билан келиб чиққан қумлардир; булар асосан дарё ётқиқликлари ва денгиз бўйидаги дюналарнинг шамол учирлишидан ҳосил бўлади<sup>82</sup>.

Улар дюналар, барханлар ёки бархан тизмалари шаклида дарё ва денгиз қирғоқлари ҳамда эски ўзан бўйларида чўзилиб ётади.

Саҳронинг катта-катта массивларини ташкил этган бархан типдаги қумлар кучли шамоллар эсган томонга қараб силжийди.

Дўнгли қумлар нисбатан турғун характерга эга бўлиб, уларнинг устида кўпинча ўсимлик ўсади.

Одатда саҳроларда, пасттекикликларда, чуқурликларда ва қуриб қолган дарё ўзанларида оғир бархан қумлари тўпланиб қолади. Базан бундай қумлар жуда катта қатламларни ҳосил қилади<sup>83</sup>.

Бизнинг археологик текширишларимизнинг асосий райони Жануби-Ғарбий Қизилқумда эди. Бу ерда қумлар, кўчма барханлар шаклида Тўрткўлшоббоз районининг экин далаларига бориб тақалади. Тасвирланаётган район шимоли-ғарбдан Султон Увайс тоғларига, шимолда—Кўкча дўнглигига, шимолий-шарқда Жонбосқалъа дўнглигига бориб тақалади ва жануби-шарқда «Сувёрган» деб умумий ном билан аталадиган узунасига бир қатор кўллар тизмалари билан чегараланади. Бу жой илмий жиҳатдан «қадимги суғорилган ерлар» деб аталади; кейинчалик, Амударё қуйи ҳавзасининг айрим участкаларини тасвирлаганда, биз бу ном остида ўнг соҳилнинг худди шу районини кўзда тутамиз<sup>84</sup>.

Жонсиз барханларнинг тўлқинсимон денгизи ўртасида, бир-биридан турли масофада катта ва кичик қалъа ва қасрларнинг харобалари

<sup>79</sup> В. И. Масальский, Туркестанский край, сб. «Россия», т. XIX, СПб., 241-бет.

<sup>80</sup> Абутоҳир Тортусий,

ўзбекча таржимаси, Тошкент, 1910, 91-бет. *جنگنامہ امر ابامسام صاحبقران*

<sup>81</sup> А. Д. Архангельский, Геологические исследования в низовьях Аму-Дарьи, 35-бет.

<sup>82</sup> Т. В. Мушкетов, Туркестан, СПб., 1886, 116-бет.

<sup>83</sup> И. Ивченко, Через Кизил-Кумы, Известия РГО, вып. 1, 1916, 26-бет.

<sup>84</sup> Тўрткўл районининг колхозчилари «қадимги суғорилган ерлар»нинг бир қисмини қумлардан тозаладилар ва ҳозирги воҳанинг чегараларини кенгайтириб, Қизилқумнинг бир неча километр ичкарасида экин эка бошладилар.

қад кўтариб туради. Худди шу ерда Гулдурсун харобалари ёнидан айланиб, ғарбдан шимолий-шарқ томонга қараб қадимги катта бир каналнинг ўзани ўтади. Бу ўзан қумлар полосасига кириб, гоҳ қумлар билан қопланади, гоҳ яна ташқарига чиқади; ҳар жой-ҳар жойда бу ўздан мана шу харобалар томон йўналган кичик-кичик ён шохобчалари ажралиб чиққан. Харобаларни кўздан кечирганда текширувчи албатта бу каналнинг биронта шохобчасини кўрмай иложи йўқ; чунки улар ғарчи орадан минг йиллар ўтган бўлса-да, ўз шаклини равшан сақлаб қолган.



3-расм. Қизилқум | барханлари

Катта ва кичик кўпдан-кўп харобалар тизилиб ётган полосада барханлар сийраклашади ва сопол парчалари, пишиқғишт бўлақлари, шиша синиқлари, бино пойдеворларининг қолдиқлари ва ҳатто, қадимги полиз экинлари жўяклари бўлган тақирлар полосаси билан алмашилиб туради.

Қадимги суғорилган ерларнинг бутун территориясида чуқурликлар яққол кўриниб туради, булар кўчма қумларнинг тўпланиб қоладиган асосий ўринларидир. Бу узунасига кетган чуқурликлар воҳа доирасидан чиқиб, шимол томонга бир неча ўн километрларга чўзилади. Уларнинг кенлиги ўрнига қараб икки-уч ва ундан ҳам кўпроқ километрга етади; Хоразмда пастликларни ва саҳро чўкмаларни «уй» термини билан (уй—ўнқир-чўнқир жой) атаганликлари учун биз ҳам бундан кейин бу чуқурликни «узун уй» деб атаймиз.

Саҳро шарқ ва шимолий-шарқ томон чўзилиб борган сари унинг қумлари нисбатан доимий характерга эга бўлади. Катта-катта қадимги тақирлар билан бир қаторда устида онда-сонда ўсимлик ўсган унчалик дўнг бўлмаган қўзғолмас қумлар полосаси учрайди. Бу ўринда муҳим факт сифатида шу нарсани қайд қилиб ўтиш зарурки, бу қумларнинг кўп қисми анча охириги даврларда вужудга келган қумлардир, чунки баъзан улар қишлоқлар изи бўлган, тарихий давр тақирларини



қоплаб ётади. Бу масала жуда муҳим бўлганлиги учун биз кейинчалик бу масалага кўп марта мурожаат қиламиз.

Даставвал қадимги суғорилган ерларнинг энг чекка шарқий қисми бўлмиш Жонбосқалъа районининг географик тасвирини бериш зарур.

Жонбосқалъа номи қозоқча Жонбос, яъни «ён» (ён томон) ва қалъа сўзидан олинган.

Жонбосқалъа қалъаси шу номдаги баландликнинг ғарбий ёнбағрида жойлашган ва қадимги суғорилиш ерларидаги мудофаа иншоотлари системасида энг чекка шарқий нуқтани эгаллайди.

Бу баландлик ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан бўр даврига мансубдир<sup>85</sup>. У ғарбдан жануби-шарқ томонга чўзилган бўлиб, қатлам-ли, тез нурайдиган кўнғир қумтошдан иборатдир. Унинг узунлиги 3—4 км га етади. Ўзининг шарқий чеккасида у материк жинслардан ҳосил бўлган тор ва баланд қум тепаликларига айланади. Бу участкада ҳеч қандай қояли асос борлиги билинмайди. Келгусида биз уни Жонбосқалъа баландлигининг шарқий сектори деб, ғарбий қояли массивни эса асосий массив деб атаймиз. Асосий массивнинг тик ёнбағирлари йўқ ва у атрофдаги саҳродан 20—25 метр баланд кўтарилиб туради, шунинг учун бу баландлик, унинг устидаги Жонбосқалъа қалъаси билан бирга 20—30 км масофадан кўриниб туради.

Орографик жиҳатдан бу район мураккабдир: Жонбосқалъа баландлигининг жанубий ва жануби-ғарбий бўсағалари каттагина чўкмани ташкил этади, бу чўкмани шарқда шарқий сектор ўраб туради ва ҳатто у «катта тақирлар томонга жанубга қараб узоқ масофага чўзилади. Ғарбда жойнинг ўзгармас характери то Амударёгача сақланиб боради. Жонбосқалъа ёнида жануби-ғарбдан шимоли-шарқ томонга борувчи сунъий каналнинг тамомланганлиги кўринади. Бу ерда канал билан Жонбосқалъа ўртасида кўп миқдорда антик замон сопол идиш синиқлари, кулолчилик печларининг излари ва ҳоказолар топиладиган тақирлар бор.

Бу ердаги тақирлар икки хилдир,—типик аллювиал структурага эга бўлган ва қалинлиги бир неча метрга етадиган массив тақирлар ва қадимги эол барханларини қоплаб ётган пўстлоқсимон тақирлар. Жонбосқалъа районидан қум устини қоплаб турган тақирсимон қатламнинг нурашидан кейин шамол учуриши натижасида ҳосил бўлган қум чўкмалари жуда кўп. Қатлам жуда бўш юпқа структурали бўлганлиги учун шамол уни осонлик билан эмира олади. Кўп жойларда, айниқса Жонбосқалъа баландлигидан жануби-ғарб томонда, деярли унинг ғарбий чекка чизиги бўйлаб қумларнинг хусусияти ўзгариши туфайли бу массивлар узилади. Қумлар анча қўзғалувчан бўлиб қолади, шу муносабат билан бу ерда рельеф ўзгариб туради. Бу чизик бўйлаб катта бир майдон (бўйи 2—3 км ва эни тахминан 1 км келадиган майдон) бир-бирига ёндошган оғир қум барханлари билан қопланган. Бу барханлар Сувёрган томонга қараб тўппа-тўғри жанубга чўзилиб кетган.

Бу район биз томонимиздан Жонбосқалъа районининг барханлар полосаси деб аталган.

Барханлар полосасидан жануби-шарқ томонда шарқий ёки Сувёрган тақирлари деб аталадиган тақирлар бор. Сувёрган тақирларининг усти кўпинча ўсимликка анча бой қўзғолмас қумлар билан қопланган. Барханлар полосасидан Жонбосқалъа баландлигининг шарқий секторигача рельеф аста-секин кўтарилиб боради; бу ерда қумларнинг кўчиши натижасида катта-катта чуқурликлар пайдо бўлган. Бу қумлар-

<sup>85</sup> С. А. Никитин, С. Ф. Песков, Пески Каракалпакских Кызыл-Кумов. сб. «Каракалпакия» т. II, М. — Л., 1936, 96—103-бетлар.

нинг ҳамма ерида турли горизонтларда ороллар шаклида устлари нураган тақирлар учрайди. Уларни одатда «тақир ороллари» деб атайдилар. Бу жой рельефининг бундай манзараси шарққа Тўртқўл ва Шўрохонни Сирдарёнинг қуёв ҳавзасидаги шаҳарлар билан боғлайдиган эски карвон йўлигача давом этади. Биз тасвир қилаётган участкада бундай манзара жанубдан шимолга чўзилиб келади ва Жонбосқалъа баландлигининг ғарбий ва шарқий секторлари ўртасидаги пастгина жойден ўтиб кетади.

---



## ҚАДИМГИ СУҒОРИЛГАН ЕРЛАРДАГИ ИБТИДОИЙ МАДАНИЯТ<sup>1</sup>

Урта Осиёда ҳеч бир область шу вақтгача Хоразмдек бой археологик материал берган эмас. Бу албатта, воҳани мунтазам ва кенг кўламда ўрганиш натижасидир; бироқ бу ўринда шуни ҳам эсдан чиқармаслик зарурки, жонсиз саҳролар ўтмишдаги одам турмуши ҳақидаги далилларни яхшироқ ва кўпроқ сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам Урта Осиё археологияси айниқса Хоразм археологияси ўзининг янги кутуқларини саҳро шароитида ёдгорликларнинг сақланиб қолиши туфайли кўлга киритди.



4-расм. Қадим суғорилган ерлар

Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун Хоразмнинг ўнг қирғоғи томонидаги воҳа Қизилқум чегарасига бориб тақалган Султон Увайс торнинг шарқий тизмалари билан Туямўйин ўртасида қадимги суғорилган ер-

<sup>1</sup> Деҳқончилик ва ирригациянинг вужудга келишини тўлароқ характерлаб бериш учун биз С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм» асарининг тегишли бўлимларидан фойдаландик.

ларга назар ташлаш кифоя қилади. Бу ерда шимолдан эсадиган кучли шамол кенг текислик бўйлаб мавж уради; у бу ерга саҳро ичкарисидан сочма қумларни ҳайдаб келтиради, уларни текис тақирлар устига олиб келиб ташлайди ва кўчма бархан тизмаларини ҳосил қилади. Идиш-товоқ синиқлари билан тўлиб ётган яланг тақирларда, қумлар қучоғида жуда кўп қадимги иншоотлар: ҳом ғишт ва пахса уриб кўтарилган



5-расм. Гулдурсун. Қалъадан ғарброқда бўлган қадимий ариқ

қадимги шаҳарлар, қалъалар, қасрларнинг харобалари қад кўтариб туради; сув тақсимловчи тармоқлари ажойиб равишда сақланиб қолган қадимги суғориш каналларининг қуруқ ўзанлари чўзилиб ётади ва ҳоказо. Булар қандай барпо этилган ва нима сабабдан ташлаб кетилган, қачон ва қайси шароитда бу ерлар саҳрога айланган — бу саволларга археология жавоб беради.

### 1. ИБТИДОИЙ ОВЧИЛАР ВА БАЛИҚЧИЛАР МАКОНИ

Ўрта асрлар, антик ва ибтидоий даврларнинг кўпдан-кўп археологик ёдгорликлари ичида ибтидоий давр ёдгорликлари алоҳида муҳим ўринда туради. Чунки бу ёдгорликлар халқларнинг ижтимоий ривожланиш тарихини ўрганишда бошланғич босқичдир. Хоразмда бу босқичнинг жуда аниқ моддий ёдгорликлари топилди.

1939 йил ёзида С. П. Толстов раҳбарлиги остида ишлаган археологик экспедиция антик шаҳар—Жонбосқалъа шаҳри ичида қазилар ишлари олиб борди.

Шу билан бир вақтда бу шаҳар атрофидаги районда дастлабки текшириш ишлари ўтказилди ва шу ерда тақир остидан биринчи марта ибтидоий одамнинг макони топилди. Бу жойда одамларнинг меҳнат фаолияти ёқилган гулханнынг кули, ретуш қилинган тош қуроллар, жуда содда қилиб ясалган сопол идиш бўлаклари ва ҳоказолар дарҳол кўзга ташланди.

Бунгача Жонбосқалъа районида анча кейинги даврларга—илк темир асрига оид одам яшаган учта макон излари топилган эди.

1940 йилнинг ёз мавсумидан ибтидоий одам яшаган бу маконда қазилар ишлари бошланиб, 1945 йилда тамомланди. Улуғ Ватан уруши йилларида бу ишлар тўхтатилиб қўйилган эди<sup>2</sup>.

Бу макон «Жонбосқалъа № 4 деб аталади ва унинг маданияти калтаминорлар<sup>3</sup> маданияти номи остида юритилади.

Урганилаётган бу макон Жонбосқалъа баландлиги ёнбағрида, шу номли антик шаҳардан 1,5 км жануби-ғарбда, қизғиш-кулранг тусли қадимги қум барханларининг бирида жойлашган эди. Жонбосқалъа баландлигига ёндошган бутун полоса худди яқин ўтмишда бу ерлар унинг остидаги микрорельеф характерига бутунлай бўйсунган пушти-кулранг тусли тақирсимон соғтупроқнинг юпқа қатлами билан қопланиб тургандай таассурот туғдиради. Ҳозирги вақтда бу қоплам интенсив равишда нурамоқда.

Унинг остидаги қумни шамол учириб, қумнинг кўчиши натижасида ҳосил бўлган чуқурлик жуда тез кенгаймоқда. Шунинг учун бу ерда қум чуқурлари тартибсиз равишда соғ тупроқли тақирлар билан алмашилиб туради. Тақирсимон қопламнинг структураси қуйдагича: усти юпқа (5—26 см) пушти кулранг тусли соғтупроқ қатлами билан қопланган бўлиб, бу қатлам макон марказига томон қалинлашади ва 40 см гача етади. Бу қатламнинг юзаси бўш, осонгина қазилади, аммо остки қисмида зичлашиб бориб, унда жуда кўп миқдорда ботқоқлик ўсимликлари аломатлари бор. Унинг тагида юпқа кўкмир гил-қумли қатлам бўлиб, бу қатлам остида бархан қумлари жойлашган. Унда айрим тош қуроқлар, сопол синиқлари ва балиқ суяклари топилади. Қум остида, ер устидан 45—50 см чуқурликда яна қора кулсимон қатлам мавжуд бўлиб, бунда ҳам бояги моддий турмуш қолдиқлари кўп миқдорда учрайди. Бу қатламнинг қалинлиги 6—10 см дан ошмайди ва унинг остида бархан қумлари бўлиб, бунда ҳам жуда кўп миқдорда балиқ суяклари қолдиғи топилади. Тахминан 1,5 м чуқурликда қумда ҳеч нарса топиламайди. Бу маконни қазилар натижасида унинг ёнғиндан зарарлангани маълум бўлди, чунки унинг ҳамма ерида хода ва қамишларнинг куйган қолдиқлари ётарди.

Маконни қазилар вақтида олиб борилган кузатишлар уни қуришдан аввал барханнинг усти, гарчи жуда пухта бўлмаса ҳам, текисланганлигини кўрсатади; сўнгра тўсин, хода ва қамишдан қапа қурилган. Тўсин-устунларнинг бир учи қумга кўмилган. Устун қаторининг жойлашиши ва бошқа белгилар маконни овал шаклида қурилганлигини кўрсатиб туради. С. Н. Толстов бу капанинг шаклини манданлар, бакаир ва айниқса андаманлар жамоаларининг кулбаларига жуда ўхшатади. Калтаминорлар маконнинг томини ёпилиши ўз плани бўйича ҳам ва юқорида кўрсатилган этнографик ўхшашлиги бўйича ҳам 100—125 кишига мўлжалланган кўп қиррали қонус шаклидаги деб ўйлаш имкониятини беради<sup>4</sup>.

Маконнинг бутун майдонида бир-биридан баравар масофада диаметри 50—70 см келадиган юмалоқ ва юзагина чуқурчалар бор. Улар жуда кўп бўлиб, бу чуқурчаларда гулхан ёқилган ҳамда унинг атрофида айрим онлалар жойлашган ва овқатланган. Ҳар бир ўчоқ чуқурининг атрофида ва ичида, кулдан ташқари, қуроқлар, рўзгор анжомлари ва асосан ошхона қолдиқлари деб аталадиган қолдиқлар сочилиб

<sup>2</sup> Тўла тасвири ва характеристикасини С. П. Толстовнинг «Древний Хорезм» асарининг III боб, I бўлимида қаранг.

<sup>3</sup> Қалтаминор маданияти ўз номини Пахтаарна системасидаги ҳозир ҳам ишлаб турган канал номидан олган.

<sup>4</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 62-бет.

ётарди. Ошхона қолдиқлари балиқ суякларидан иборат бўлиб, улар бутун майдондаги маданий қатламда жуда кўп миқдорда учрайди, тошбақа, сут эмизувчи ҳайвонлар ва сувда сузувчи қуш қолдиқлари, қуш тухумининг пўчоқлари, чучук сувда яшовчи моллюскаларнинг чиғаноқлари, ёввойи жийда данаклари ва бошқалардан иборат. Барча суяк материаллар дастлабки анализдан ўтказилди. Палеозоология соҳаси мутахассиси, профессор В. И. Громовнинг аниқлашича сут эмизувчиларнинг суяклари ёввойи кийик, ёввойи чўчқа, буғуга тегишли бўлган. Қушларнинг суяклари, тахминий маълумотлар бўйича, асосан сувда сузувчи қушларга мансубдир, шу билан бирга тўқай ва дашт қушлари айниқса тустовуқ суяклари ҳам бор бўлиши ажаб эмас, чунки тустовуқ ҳозирги вақтгача ёввойи жийда чакалакзорларида жуда кўп бўлиб, унинг меваси билан озиқланади. Ҳозирги вақтда Амударёнинг ҳўйи қисмидаги тўқайларда ёввойи чўчқа ва тустовуқ овлайдилар. Булар пишган жийда еб, жуда семириб кетади.

Профессор Г. В. Никольскийнинг тахминий аниқлашига кўра, бу суяклар чўртон балиқ ва лаққа балиқники эканлиги маълум бўлди. Бу балиқлар асосан кўлларда ва сув тўпланган жойларда яшайди.

Профессор В. И. Громовнинг хулосаси бўйича фаунанинг шундай состави бу ерда ландшафт ҳозирги ландшафтдан кескин фарқ қилганлиги, бу ерда сув кўп ва тўқайзор бўлганлиги ҳақида далолат беради.

Уй анжомлари асосан очиқ гулханларда пиширилган кулолчилик идишларидан иборат. Улар ўтга чидамли дағал лойдан қўлда ишланган бўлиб, таги думалоқ турли хилдаги идишлардир. Буларнинг баъзилари анча қалин ишланган бўлиб, таркибига кўп миқдорда дресва аралашган. Бу идишларнинг кўпчилигининг сирт томони босма ёки чизма нақшлар билан безатилган. Безаклар асосан ҳалқа-ҳалқа қилиб, идишнинг юқори қисмига солинган.

Таркибига жуда оз миқдорда дресва аралашган яхши қорилган майин лойдан ишланган идишлар ҳам учрайди. Улар бир мунча яхши пиширилган ва анча енгилдир. Шундай идишлардан бирининг сиртида қизил охранинг излари аниқ кўриниб туради. Бу эса идишларни безатишда нақш беришнинг қўлланилгандан гувоҳлик беради. Қалтаминор ва ундан кейинги маданият қолдиқларига қараб ҳукм қилганда, у вақтда охра бўёқ моддаси сифатида хизмат қилган. Маконнинг бир жойидан бу бўёқнинг парчалари топилди. Сарик бўёқ парчалари ҳам учрайди. Биринчи типга кирувчи барча идишларнинг асосан катта бўлаклари жуда куйган ҳолда топилди. Бу давр идишларидаги чизма ва босма нақшлар чизиқларининг аниқлиги, пухта услубда ишланганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг кўриниши чиройлик. Қалтаминор маконида топилган кулолчилик буюмларнинг юқори қисми тўғри бўлиб, чеккаси бироз юпқа ва юмалоқдир; кўзасимон ва майда юпқа идишлар кўп топилди.

Овчилик ва моддий турмуш жиҳозлари чақмоқтошдан ясалган микролитонид ва суяк буюмлардан иборат. Тошдан ишланган буюмлар ўзининг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Улар ичида кўпроқ, суяк ва ёғоч қуроллар қадаладиган узунчоқ вклатишлар, концевой қирғичлар, ярим доирали ретушланган ўймалари бор пичоқсимон пластинкалар, бигизлар, кичкинагина камон ўқи учлари (булар Сибирь неолитида ҳам маълумдир) учрайди. Конус ва цилиндр шаклдаги нуклеуслар жуда кўп миқдорда топилди, улардан пичоқсимон пластинкалар, қирғичлар ва бошқа хил қуроллар ажратиб олингани аниқ кўриниб туради. Шунингдек, силлиқланган тош тўқмоқ топилди, унинг бел қисмида чуқурча ишланган бўлиб, унга шў ери билан дастага боғлаганлар. Жилоланган балиқ овлаш санчки топилди. Чақмоқтошдан ишлан-

ган қурооларга нисбатан суяк қуроолари жуда оз: улар орасида камон ўқининг цилиндрча шаклида ишланган учлари учрайди; суякдан ишланган пичоқнинг сициги топилди; суяк буюмлари пухта жилолаш ёўли билан тайёрланган.

Безаклар эса жуда кўп миқдорда топилган суяк ва чираноқлардан ишланган цилиндрча шаклдаги майда мунчоқлардан иборатдир.

Бу маконлар ва уларда топилган турли нарсалар уларда яшаган одамларнинг турмушини кўз олдимишга келтиришга имкон беради, шунингдек уларнинг асосий турар жойи ана шу оилавий ўчоқлар атрофи бўлганлигини кўрсатади.

Маконнинг марказий қисмида қалин кул қатламга нисбатан катта ўчоқ чуқури топилди. С. П. Толстовнинг фикрича, бу ўчоқ уруғнинг ўчмайдиған муқаддас олови ёнадиған жойи бўлган. Бу ўчоқ ёнида уруғ бошлиғи ўтирган бўлса керак. Ҳозиргача топилган бирдан-бир бу ўчоққа қараб, у муқаддас бўлганлиги ҳақида ва демак, бу даврда маздаизм генезиси ҳақида ҳам фикр юритиш қийин, албатта. Бизнинг олимларимиз ўртасида кейинги йилларда маздаизм Урта Осиёдан ва ҳатто Хоразмдан келиб чиққан деган фикр туғилди. Бу фикр қисман Бундахишнинг биринчи муқаддас оловни — «Адар Хурро»ни Жамшид Хоразмда ёққан<sup>5</sup> деб тасдиқлаши асосида туғилди.

Хоразм тарихининг кейинги даврига оид бўлган бу каби макон ва ёдгорликларнинг яна топилиши қадимги Урта Шарқ халқлари идеологиясининг ривожланиш тарихидаги жуда муҳим бўлган бу шароит ҳақида дадиллик билан гапиришга имкон беради. Биз неча минг йиллар давомида бундай катта роль ўйнаган бу диннинг асосини янада чуқурроқ қатламлардан қидиришимиз керак; худди шу ерда, фикримизча, қозоқларда шу вақтгача сақланиб қолган «ўт оғаси», яъни ўт ҳокими, бошлиғи ёки оқсоқоли деган терминнинг келиб чиқишини ҳам қидириш керак. Бу термин қадимги эрон, аниқроғи — суғд термини бўлмиш — «кад худо» ёки «кат худо» терминига тўғри келади. Кат ёки ката сўзи қадимги эрон терминологиясида уруғ ёки унинг бирон бўлаги яшаган девор билан ажратиб олинган катта ҳовлини билдирар эди. Урта Осиёда кенг тарқалган қишлоқни англаувчи «кат» термини шубҳасиз ибтидоий «кад», «кат» ёки «ката» терминидан келиб чиққандир. «Кат худо» — кат ҳокими — термини бизнинг замонамизгача сақланиб қолган ва маълум бир жамоа доирасида бошчилик қилувчини ва ҳатто, оила бошлиғини англатади, бу термин «йигит оғаси» (йигитларнинг бошлиғи, оқсоқоли), «эл оғаси» (эл бошлиғи)<sup>6</sup> ва шу каби бошқа терминлар билан бир қаторда ишлатилган. «Ўт оғаси» термини ҳозирги вақтда қозоқлар ўртасида «хурматли», «оқсоқол» ва шу кабилар маъносинда ишлатилади.

Совет археологларининг Хоразм, Туркменистон, Қозоғистон, Шарқий Европа ва Ғарбий Сибирь территорияларида ўтказган текширишлари тарих фанини, бир томондан, бу ўлкаларда яшаган ибтидоий одамлар маданиятини ёритиш жиҳатидан ва, иккинчи томондан, бу халқларнинг у ёки бу даврнинг турли босқичларида ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсирини ўрганиш жиҳатидан анча бойитди.

Қалтаминор маданияти ёдгорликларини бошқа маданиятлар билан таққослаб калтаминор маданиятининг унга мувофиқ келадиган Шимол-шарқий Европа, Уралбўйи ва Жануби-ғарбий Сибирь неолити ва энеолити маданияти ёдгорликларига яқинлашиб келишини аниқлашда

<sup>5</sup> С. П. Толстов, К истории Хорезмских Снявушидов, Известия АН СССР, 1945, № 4.

<sup>6</sup> Эл — туркий тилларда халқ, қабила, уруғ.

С. П. Толстовнинг хизматини қайд қилиб ўтиш зарур. Кулолчилик ва тошдан ясалган буюмларнинг ўхшашлик хусусиятларини таққослаб кўриш учун С. П. Толстов томонидан Теплоухов<sup>7</sup>, В. А. Шмидт<sup>8</sup>, Н. А. Прокошев<sup>9</sup>, В. Н. Чернецов топган ёдгорликлар материаллари келтирилади.

В. Н. Чернецов текширган ҳозирги кунда мавжуд бўлмаган қадимги кўлнинг қумли бурнида топилган Қуйи Обь макони аҳолисининг «асосий машғулотли овчилик ва балиқчилик бўлган»<sup>10</sup> У ерда топилган археологик буюмларга қараганда, калтаминор маданияти ўзининг қадимийлиги билан фарқ қилади. Минусинск ўлкасидаги қабрлар янада ўхшашроқ шаклдадир. Калтаминор маданияти айниқса А. Стейн томонидан Шарқий Туркистон территориясида Еркентдарё ҳавзасига ва Қуруқдарёнинг қуйилиш жойига ёндашган қумларда топилган археологик қолдиқларга яқин туради<sup>11</sup>.

Калтаминор маданиятига оид иккинчи макон 1946 йилда А. И. Терножкин<sup>12</sup> томонидан Бухоро воҳасидан Шимол томондаги Қулжуктов тоғ этаклари районида топилди. Макон катта қоқ<sup>13</sup> устида жойлашган эди. Қулжуктов маконида топилган кулолчилик буюмлари ва тошдан ишланган буюмлар калтаминорда топилган шундай буюмларга жуда ҳам ўхшайди. А. А. Фармозов томонидан Фарбий Қозоғистонда сўнгги калтаминор типига кирувчи макон текширилган бўлиб, унинг маданий қатламида топилган суякларнинг кўпчилиги уй ҳайвонлариникидир<sup>14</sup>.

Шундай қилиб, афанасьев-калтаминор маданияти тарқалган ареални белгилаш мумкин. Демак, Прикамье ва Қуйи Обдан бошлаб то Минусинск ўлкаси ва Урта Осиё территориясининг катта қисмини ўз ичига олган Шарқий Туркистонгача бўлган тахминий этник алоқаларни ҳам белгилаш мумкин. Бу ерда шу нарсани қайд қилиш зарурки, Герцфельд Персеполь яқинида топган (1923—1931 йиллар) материаллари ҳам айниқса микролитоид традиция жиҳатидан жуда ҳам калтаминор топилмаларига ўхшайди<sup>15</sup>, бу иккови ҳам Анов маданиятининг илк қатламлари билан қайси бир хусусиятлари жиҳатидан яқиндир. Иккала пунктда ҳам кулолчилик буюмларнинг сиртини ёппасига бўяганлар. Ановда синиқ чизиқлар билан нақш ишлаш характери калтаминорлардаги бошоқ шаклидаги нақшларни такрорлайди. Аммо нақшли кулолчиликнинг бой типига эга бўлган Анов маданияти асосан бўялган кулолчилик маданиятини тарқатиш ареалига киради.

С. П. Толстов<sup>16</sup> ҳам Ановдаги ва ҳамда шимоллий дашт зонасидаги бу икки маданият зонасининг бир-бири билан чатишиб кетганига эътибор берди.

Макон № 4 ёнғиндан зарарланган, сўнгра уни сув босган, буни

<sup>7</sup> С. А. Теплоухов, Древние погребения в Минусинском крае, Материалы по этнографии, т. III, Л., 1927, 72—76-бетлар, хусусан III жадвал, 1-расм ва VI жадвал, 1—2-расм.

<sup>8</sup> В. А. Шмидт, Левшинская стоянка, Советская археология, V том, 1940.

<sup>9</sup> Н. А. Прокошев, К вопросу о неолитических памятниках камского Приуралья, МИА, 1940, № 1, 20-бет.

<sup>10</sup> В. Н. Чернецов, Очерк этногенеза обских югров, КСИИМК, IX, 1941.

<sup>11</sup> Aurel Stein, Innermost Asia, Oxford, 1928, p. 85, таб. 205. III, XXII, XXIII жадваллар.

<sup>12</sup> А. И. Терножкин, Археологическая разведка в западной части Узбекистана, ВДИ, 1947, № 2.

<sup>13</sup> Қоқ — ҳовуз, тўғрироғи даштларда ёмғир сувларининг тўпланиб қолишдан ҳосил бўлган ҳалқоб.

<sup>14</sup> А. А. Фармозов, Об открытии кельтеминарской культуры в Казахстане, Вестник КазФАН, 1945, № 2.

<sup>15</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 63-бет.

<sup>16</sup> Ушаев, 66-бет.



маконнинг маданий қатлами билан тақирсимон пўслоқ ўртасида ётган қумнинг зангори-кулранг тусидан кўриш мумкин. Сувёрган системасига кирадиган кўлларнинг тубидаги қумлар шундай ранглидир; бу ранг кўллардаги сувнинг ярим турғун ҳолати кўл тагида жуда кўп миқдорда майда сув ўтларининг ҳосил бўлишига имкон туғдиради, бу ўсимликларнинг органик қолдиқлари қумни зангори-кулранг тусга киритади. Қалтаминорликлар яшаган жой қамиш ва дарахтлар ўсган, тўқайзорларни босган кўллардан иборат бўлиб, бу ерда сувда сузувчи қушлар гала-гала бўлиб яшаган. Бу кўлларда биз тасвир қилаётган маконда яшовчилар балиқ тутган, сув қушларини овлаган ва уларнинг тухумларини йиққан. Мана шу овчилик мақсадида улар кўл бўйидаги исси барханда жойлашганлар. Тўқайзорлар эса улар учун қурилиш материаллари, ёввойи парранда ва бошқа ҳайвонлар, шунингдек ёқилги берувчи иккинчи манба бўлган.

Ёввойи жийда меваси ҳам, шубҳасиз, тарихий давргача яшаган киши овқатининг асосий турларидан бири бўлган.<sup>17</sup>

Сувёрган—бу жанубдан шимолга қараб узунасига чўзилиб кетган кўллар системасидир. У Тўрткўл, Шўраҳон воҳасидан бир оз шарқроқдаги оғир сочма қумлар ва дўнгли қумлар орасида жойлашган. Унинг ғарбида ва шимоли-ғарбида қадимги суғорилган ерлар чўзилиб ётади. Жонбосқалъа баландликларидан 7—8 км жануби-ғарбда Сувёрган шарқ томонга бурилади ва Кўҳнақозғон қудуғига ёндашади. Бу районни текшириб чиққан маҳаллий миробларнинг ва у ердаги яйловларда мол боқадиган чорвадорларнинг сўзига қараганда, Сувёрган Кўҳнақозғон қудуғи ёнидан шимолга бурилиб, Чақалоқ қудуғигача бориб ётади; у ердан бир баландлик атрофидан айланиб ўтиб, Қоунди қудуғига чиқади. Жанубда Сувёрган чегараси Сўққули дўнги ёнидан ўтиб, Туямўйиннинг пастроғидан ўтиб, Оққамиш районига чиқади. Мискинсанд чангалзори деб аталувчи районда Пахтаарна каналидан Сувёрганга ошиқча сувни чиқарувчи махсус ариқ очилган бўлиб, шу ариқ воситаси билан тошқин вақтларида каналдаги сув бошқарилиб турилади.

1939—1940 йилларда<sup>18</sup> олинган картада Сувёрган Сўққули дўнглигидан то Анқоқалъа харобалари кенглигигача чўзилиб ётган узун ва тўғри чизиқ бўйлаб кетган кўллар занжири тариқасида тасвирланган. Н. А. Димо асарида Сувёрганни ҳатто Оққамиш районигача бориб етганлиги ҳақида гапирилади.<sup>19</sup>

Сувёрганнинг қадимги бошланиш жойи Оққамиш районига бўлган ва унинг илгариги ўзани, емирилиш (нураш) натижасида унинг кўриниши ўзгариб турса-да самолётда қараса, жуда яхши кўринади.

Баъзи бир Хоразм мироблари Сувёрганни Безарган тўқайининг шимоли-ғарби чеккасидаги Туямўйин бошланган жойдан оқиб чиқади деб ҳисоблайдилар. Беруний ҳам, афтидан «Фаҳми»<sup>20</sup> ўзани худди шу ердан бошланган ва шимолга, қадимги суғорилган ерлар томон оққан, бу ерда унинг қирғоқларида одамлар 300 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқлар қурганлар деб тахмин қилган. Беруний бу гипотезани маҳаллий ривоятларга асосланиб айтган бўлиши керак. Ҳозирги вақтда Сувёр-

<sup>17</sup> Яқин ўтмишда ва ҳатто ҳозирги бизнинг кунларимизда ҳам, Қуйи Амударё дельтасининг ўрмонзор районларида яшовчи маҳаллий аҳоли ёввойи жийда мевасини махсус йиққан ва йиғмоқда. Уни ҳовуриб, туядилар ва толқон ёки ун шаклида овқатга ишлатадилар.

<sup>18</sup> 1940 йилда Тошкентда нашр этилган Қорақалпоғистон картаси.

<sup>19</sup> М. А. Димо, Почвенные исследования в бассейне реки Аму-Дарья, Ежегодник Отдела земельных улучшений, 1913, I ва II қисм, 365, 373—391-бетлар.

<sup>20</sup> ВДИ, 1941, № 1, 193-бет.

ганнинг қуруқ ўзани шарқ томондан Жонбосқалъа баландликларини айланиб ўтиб, Кўкча дўнгликларига томон йўл олади ва текисликка чиққандан сўнг шимолга бурилиб, Янидарё томонига қараб кетади.

С. П. Толстов Берунийнинг «300 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқлар» деганида қадимги суғорилган ерлардаги кўпдан-кўп ёдгорликларни эмас, балки Янидарё бўйидаги харобаларни кўзда тутати деб тахмин қилади, негаки Беруний учун қадимги суғорилган ерлардаги кўп ёдгорликлар номаълум бўлиб қолиши мумкин эмас эди, чунки бу ерда ҳаёт Беруний даврига яқин вақтларда тугаган<sup>21</sup>.

Аммо Беруний моддий маданият қолдиқларига қараб воҳада ҳаёт мана шу даврда тугаган деб аниқ вақтини айтиб бера олмас эди. Шубҳасиз воҳанинг ўтмиш ҳаёти ҳақида турли афсоналар бўлган. Шунга қайд қилиб ўтиш зарурки, Хоразм аҳолиси Ақчадарё билан Довқара тақриб ўртасидаги қуруқ ўзан изларини Сирдарё тармоғининг давоми деб ўйлайди<sup>22</sup>. Кўп жойларда дарё ёки кўл ётқизиқларининг йўқлиги Сувёрган Ақчадарё билан қўшилиб кетган деб тасдиқлашга ҳозирча йўл қўймайди.

Беруний Сирдарёнинг мавжудлигини ва унинг дельтасидаги қишлоқларнинг харобаларини билмаслиги мумкин эмас эди.


Сувёрган номининг ўзи унинг ҳосил бўлишини аниқ тушунтириб беради: канални сувнинг ўзи очган, сув ўзи ёриб ўтган, яъни бу Амударёнинг Қизилқум ичига ёриб кирган бирдач-бир тармоғидир. Бу эса сувнинг жуда илонизи бўлиб оқишидан ва жойнинг рельефига бўйсинишидан кўриниб турибди<sup>23</sup>.

Сувёрганда ҳар доим сув бўла бермайди, чунки унда сув бўлиш бўлмадлиги Пахтаарна каналида сувнинг оз-кўп бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам баъзан бир вегетацион даврнинг ўзида ўзан гоҳ қуриб қолади ва чорвадорлар сув олиш учун унинг ўзанида қудуқлар қазийдилар, гоҳ эса у шунчалик сувга тўладики, сув Жонбосқалъадан 10 км жануби-шарқдаги Қўштепа дўнглари этакларигача бориб етади. Сувёрганга сув келиши ва унинг қуриб қолиши туфайли саҳро манзарасининг ўзгаришини кузатиб туриш жуда қизиқдир.

Одатда, саратонда Сувёрганга сув келмай қўяди ва натижада унинг ўзани қуриб қолади. Ўзанда онда-сонда кичик-кичик чуқурликларда сув тўпланиб қолади. Кўпинча ўзан бутунлай қурийд ва бу вақтда Сувёрган атрофида ҳаёт тамом бўлади. Айрим йўловчилар ва овчилар сув олиш учун унинг ўзанида қазилган қудуқлардан фойдаланадилар. Пахтаарна каналидан ошиқча сувнинг Сувёрганга келиб тушиши натижасида унинг ўзани тезда сувга тўлади ва атрофда ҳаёт яна уйғонади: узоқ-узоқ жойлардан Сувёрган бўйига шошилиб учиб келаётган қуш галаларининг овози эшитилади. Қумда баъзан кучук изини кўриш мумкин, бу излар Сувёрганга сув келганлигидан ва бу ерда овчилар ёки чорвадорлар пайдо бўлганлигидан дарак беради: баъзан жимжитликни ўтлаб юрган қўйларнинг бўйнига осилган қўнғирқочаларининг овози бузади. Сувёрганнинг бутун ўзани бўйлаб фауна ва флора тезда жонланади.

<sup>21</sup> С. П. Толстов, Новые материалы по истории культуры древнего Хорезма, ВДИ, 1946, № 1.

<sup>22</sup> А. Соболев, Н. И. Гродеков, Статистический обзор Хивинского ханства, Ташкент, 1882, 66-бет.

<sup>23</sup> Одатда Хоразмдаги сунъий каналлар уларни қурган кишиларнинг номи билан юритилади. Масалан, Бешариқёрган канали шу қишлоқ аҳолиси қурганини билдиради; Қулёрган канали — уни хоннинг собиқ кули Қосимарбоб қурган. Қорақалпоқёрган — қорақалпоқчилар қурган канал, ва ҳоказо. Баёний, 

حوارزمشاهى ыарақ 153 а.

Сув Сувёргандан Жонбосқалъага Оққамишдан шимоли-шарқ томонда жойлашган ва Соққўли ёнидан шимолга қараб чўзилиб кетган чуқурликлар системаси орқали ўтган бўлса керак. Шундай қилиб, бу асосий кўл билан Жонбосқалъа ўртасидаги полоса кўллар системасидан иборат бўлган. Жонбосқалъа № 4 макони баландлик этагида жойлашган бўлиб, сув тошган вақтда тепаликка чиқиб қутилиб қолиш мумкин бўлган.

Бироқ маконни ёнғиндан кейин унда яшаган одамлар ташлаб кетганларидан сўнг уни сув босган. Қатлам-қатлам бўлиб ётган аллювиал ётқизикларнинг қалинлигига асосланиб, қадимги суғорилган ерлар шарқий қисмининг катта территориясига ёйилган тошқиннинг қанчалик баҳайбат бўлганлигини айтиб бериш мумкин. Дастлабки тақирларнинг ўрнидан силжиши ҳам ўша вақтда юз берган бўлса керак; уларнинг ювилиши ва қатламли янги тақирларнинг ҳосил бўлиши Амударёнинг бу жойни қисқа муддат ичида ботқоқлантириши натижасида рўй берган, чунки пастки қатламларнинг лойқадан тузилган бўлиши ва бу лойқа ичидаги сув ўсимликларининг излари ва чириндилари юз берган процесс манзарасини бошдан-оёқ кўрсатиб беради. Одам, албатта, баландлик ерларга вақтинча кўчган ва сув қайтандан кейин у яна эски территориясига қайтиб келган.

## 2. ХОРАЗМДА БРОНЗА ДАВРИ ВА ИРРИГАЦИЯНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ

Қалтаминорлиларни биз металл, деҳқончилик ва чорвачиликни билмаган овчилар ва балиқчилар деб тасвирладик.

Жонбосқалъа районида ва қадимги суғорилган ерларнинг баъзи бир бошқа пунктларида хоразмликлар турмушининг энеолитдан кейинги даврига хос бўлган сопол идиш синиқлари ва шамол учуриб кетган маконларнинг қисмлари топилди.

Бу маданиятни Жонбосқалъа районидаги № 4а, 5, 6, 9, 10, 11, 14, 15, 16, 17, 18 маконлар, Анқоқалъанинг шимоли-шарқида топилган макон ва Бургутқалъа воҳасининг ғарбий чеккасида Норинжон ҳамда Тешикқалъа шаҳарлари ўртасида топилган археологик материаллар тасвирлайди. Макон № 6ни истисно қилганда, бу маконнинг бирортаси ҳам сақланиб қолган турар жой шаклида топилмади ва шунинг учун ҳам уларда макон № 4 дагидек археологик текшириш ўтказиб бўлмади, чунки улар тақирсимон соғтупроқларнинг интенсив равишда нураётган жойларида топилган эди. Шу билан бирга яна шу муҳим нарса аниқландики, бу маконлар тақирлар устида ёки тақир қатламлари орасида жойлашган эди. Ҳар ҳолда улар ҳамма ерда ҳам қатламлари емирилган тақирлар остида кўмилган эди. Баъзан маконлар жанубга, Сувёрган томонига силжиётган қум барханлари остидан чиқиб қолган тақирлар устида топилади.

Охириги йилларда, тақирсимон соғтупроқнинг қандай қатламлашини ўрганганимиздан кейин, биз бу процесс билан қадимги сувга бой бўлган ерларда вақти-вақти билан одам яшаб ва у ерларни сув босиб туриши ўртасида боғланиш борлигини кўрдик.

Масалан, макон № 4а макон № 4 ёнида жойлашган. 1939 йилда у ҳали бархан тагида эди, 1940 йил ёзида эса нураш натижасида бу ерда қизил ёширт рангли тақирсимон пўстлоқ очилиб қолди. Бу тақир оролчасида у ер-бу ерда сопол идиш синиқлари ва тош микролитонд қуроллар топилди. Макон № 4а нинг маданияти унинг кулолчилик буюмларида йирик донали дресванинг мутлақо йўқлиги билан макон № 4 маданиятидан фарқ қилади. Шунингдек, унда қумнинг кўп бўли-

ши ҳамда пухта пиширилиши туфайли у қумтошнинг юпқа пластинка-сига ўхшайди. Идишлардаги босма нақш ўрнига оддий чизма нақш солинган. Тош қурооллар нисбатан қўпол ва ёмон регуш қилинган.

1946 йил ёзида шу пунктдан 80—100 метр жануби-ғарброқда худди шундай маданиятли янги (№ 18) макон топилди. Бу ерда очилиш манзараси янада яққолроқ кўриниб туради: тақирнинг устки қатлами нураган ва унинг тагидан кулолчилик буюмларининг синиқлари ва чақмоқтошдан ишланган қурооллар кўриниб туради. Бу очилиш ҳам маконни қоплаб ётган қатламли лойқанинг нураши билан боғлиқдир. Шу муҳим фактни қайд қилиб ўтиш зарурки, макон бархан устида жойлашган эмас, балки тақир қават устида жойлашган эди ва усти худди шундай қават билан қопланган эди. Пастдаги тақир қатламининг структураси ва қалинлиги макон № 4а остида ётган тақирниқига ўхшайди.

Макон № 18да кулолчилик буюмларининг хили анча бойроқдир; бу ерда макон № 4 ва 4а даги кулолчилик буюмларига ўхшаш буюмлар билан бир қаторда кулолчиликнинг пайдо бўлиш давридаги ва бу маданиятнинг бундан кейинги босқичларида ривожланган типлари ҳам учрайди. Макондан бир оз жануброқда жойлашган Макон № 5, 9 ва 10 маданиятида Макон № 4а ва 18 маданиятининг бевосита давом этганлигини кўриш мумкин. Бу ерда шуни қайд қиламизки, Макон № 5 ва 10 бутунлай емирилиб, ундаги қурооллар ва сопол синиқлари қуми кўчган чуқур тагида сочилиб ётибди. Бу чуқурлик ғарбдан пуштиқулранг тусли ёппасига кетган қумлар устини қоплаб турган ва интенсив равишда емирилаётган юпқа тақир қатлами полосаси билан ўраб олинган. Қачонлардир тақирлар полосаси шарқ томонда, ҳозирги жойдан анча узоқ масофада ётгани шубҳасиздир. Тақирнинг бундан кейинги интенсив емирилиши макон № 9ни хавф остида қолдиради. Иккинчи томондан эса, у ерда тақир қатламлари жуда тез горизонталь йўналишда нурамоқда ва натижада маданий қолдиқлар очилмоқда. Бу ерда маконнинг тақирлар орасида ётгани аниқ кўриниб туради. Бу ҳол кўпчилик бошқа маконлар учун ҳам характерлидир, шу билан бирга макон № 15 маданиятига қараганда, бу маданиятнинг анча сўнги босқичи ёдгорликлари топилди; бу ёдгорликлар дастлабки тақирларнинг қалин қатлами сиртида ётар эди. Бу жойнинг рельефи бир мунча баланд бўлганлиги туфайли уни иккинчи марта сув босмаган ва унинг устида янги қатламлар пайдо бўлмаган.

Бронза даврига мансуб бўлган биринчи ёдгорлик ҳаётсиз Бургутқалъа воҳаси районида топилди. Бу воҳа орқали қадимги замонларда Пахтаарна системасига кирувчи Тозабоғёп канали ўтган. Шунинг учун бу маданият «Тозабоғёп маданияти» деб юритилади. Тозабоғёп маданияти техниканинг аста-секин соддаланиши ва микролитоид қурооллар миқдорининг камайиши, ясси тубли, қўпол ва ишланиш жиҳатидан бир турли бўлган кулолчиликнинг пайдо бўлиши билан характерланади.

Бу дашт бронзаси кулолчилиги деб аталадиган кулолчилик бўлиб, деярли фақат хумчалардан иборатдир. Бу кулолчилик асосан жанубий Сибирнинг, Қозоғистоннинг, Жануби-ғарбий Европанинг дашт полосаси ва Бухоро областининг шимолий қисмидаги ерлар учун хосдир. У кулолчилик чархисиз яхши қорилмаган лойдан ишланган бўлиб, ичига дресва ва кўпинча қум аралашган. Туби ясси бўлиб, унинг четлари идиш деворчасининг пастки қисмига нисбатан бир оз ташқарига чиқиб туради. Идишнинг оғиз томони бир мунча кенгайиб келиб, юмояқланиб тамомланади. Бу даврда идишнинг сиртини ёппасига нақш билан қоплаш деярли йўқолади. Чизиқли ўйма нақш, доира бўйлаб чизиқ босиш идишнинг бўйнига ва елка қисмига солинади. Нақш ик-

кита ва ундан кўпроқ синиқ чизиқлар, уч бурчаклар, баъзан ярим очилган елпирғичлар шаклида идиш бўйнига иккита ўйма параллель чизиқ бўйлаб солинади. Бу тип кулолчилик буюмлари бошқаларига нисбатан, ёмон пиширилганлиги ва мўртлиги билан ажралиб туради.

Бу ўринда шу ҳол жуда қизиқки, емирилаётган тақир қатламлари орасида жойлашган ва аниқ кўриниб турган ясси тубли кулолчилик буюмлари топилган баъзи бир маконларнинг, масалан, 11, 12, 14, 16, 17-номерли маконларнинг кулолчилиги — идишларининг лойи, пишириши ва нақш билан калтаминор кулолчилигидан бутунлай фарқ қилади; шу билан бирга, у ерда микролитонд қуроолларининг бой комплекси — дисксимон қирғичлар ва яхши ретуш қилинган вклатишларнинг бошқа турлари аниқ кўриниб туради. Кўпинча бундай тош қурооллар билан бирга, анча мукамал ишланган кулолчилик буюмлари учрайди: лой дейрли соф ҳолда қорилган, яхши пиширилган, сопол синиғи сарғиш-жигарранг тусда. Сирти кўпинча тўрсимон нақш ва схематик бошоқлар билан безатилган. Хуллас, бу ерда янги дашт қабилаларининг кўчиб ўтиши кузатилади; бундай қабилаларнинг баъзиларида кулолчилик ҳунарининг юқори даражада ривожланганлиги қайд қилкинади, бошқаларида кулолчилик буюмлари қўпол ишланган ва ишлаш техникаси содда; ҳар икковида ҳам кулолчилик буюмлари билан бирга микролитонд қурооллари учрайди.

Биз, кулолчиликнинг иккинчи типини уни дашт бронзаси маданиятидан фарқ қилиш учун сувёрган тип кулолчилиги деб атадик. Бу тип асосан андронов тип кулолчилигига, шунингдек Ановнинг II—III қатламларига ўхшаб кетадиган бўялган ва ялтиратилган кулолчилик даврасига киради.

Бу боғланиш фақат бронза даври маданиятигагина хос бўлмай, ҳатто калтаминорлар маданияти давридаёқ бошланади. Илк Анов маданиятига ўхшаб кетадиган кулолчилик техникасининг баъзи бир моментлари устида сўз юритмасдан, калтаминор маданияти кулолчилиги намуналарида қуюқ бўёқ билан бўялган бошоқ шаклида ўйма ёки босма нақш берилган сопол идиш синиқлари учрашини қайд қилиб ўтиш керак. Худди шундай намуналар бронза даврининг баъзи бир маконларида топилади.

Биз юқорида Ановдан топилган бўёқли кулолчилик нақшларининг баъзи турлари билан Жонбосқалъа макон № 4 да топилган ўйма ёки босма нақшли кулолчилик ўртасида бевосита боғланиш борлиги ҳақида гапирган эдик. Бу боғланиш Хоразмнинг сўнгги бронза даври маданиятида янада аниқроқ кузатилади, чунки сувёрган кулолчилиги ичида ялтиратилган ва пушти-қизил рангга бўялган кулолчилик буюмлари айниқса кўзга ташланиб туради.

1945 ва 1946 йилларнинг ёз мавсумларида Хоразмнинг сўнгги бронза даврига кирувчи макон № 6 очилиб текширилди.

Макон № 6 тақир ороллари районида Жонбосқалъадан 5 км жонуби-шарқда ва эски йўлнинг Сувёрган томонига кўтарилган жойидан 40—50 м ғарброғида жойлашган. Ҳозирги вақтда бу жой чор атрофи материк қумлари билан ўраб олинган текис тақирдан иборатдир. У шарқдан ғарбга чўзилгандир. Унинг майдони 63 × 43 метрдир.

Бу ерда макон бўлганлиги шамол таъсири остида сопол синиқлари ва тўқ кулранг тусли кулларнинг юзага чиқиб қолиши натижасида дастлаб 1940 йилда пайқалган эди. Булар емирилган тақир остидан пона-пона бўлиб чиқиб турарди. Бу ерда тақирнинг шимолий чеккаси бир оз кўтарилиб туради, бу эса тақир билан макон ўрнашган барханнинг рельефига боғлиқдир. Макон иккита тақир қатлами ўртасида жойлашган бўлиб, бу қатламлар яққол кўриниб туради. Қазиниш ишлари билан

бир вақтда, 1945 йилда бу тақирнинг жанубий чеккасида шурф қазилган. Бу эса бу ерда лойқа тақирларнинг ҳосил бўлиш процессини ўрганиш ва унинг шимолий чекка нуқталаридан шурфгача бўлган чуқурлигини аниқлаш учун зарур эди.

Шурфларни қуйидаги стратиграфияни берди:

1. Шурфнинг энг тагида, кулранг тусли соф аллювиал қум устида қалинлиги 10 сантиметрли зич лойқа ётади. Кўринишидан у, жўшқин сув оқимининг узоқ вақт давомида чўктирган лойқасидир.

2. Зич, қат-қат тақирсимон қатламлар, булар қалинлиги 20 см. келадиган юпқа қум ёки балчиқ аралашган қум қатламлари билан галмагал учрайди. Бу лойқаларнинг ҳосил бўлиш процесси қуйидагича тушунтирилади: бу ер баланд бўлганлиги ва тошқинлар ўқтин-ўқтин бўлиб туриши сабабли у вақтинча сувдан бўшаган ва зўр куч билан тинмай эсан шамол унинг устини қум билан қоплашга улгурган.

3. Қалинлиги 20 сантиметрли қумоқ лойқа.

4. Қалинлиги 10 см келадиган балчиқ қатламлари билан навбатма-навбат учрайдиган аллювиал қумлар; бунда балчиқ таркибида жуда кўп миқдорда қум бор, бу эса сув ва шамолнинг бир вақтда таъсир этганидан гувоҳлик беради.

5. Қалинлиги 24 сантиметрли қатламли зич чўкинди балчиқ.

6. Ичида оз миқдорда тоза қум линзалари бўлган сариқ рангли материк қуми бўлган кесаксимон тақир массиви; унинг қалинлиги 65 сантиметрга етади.

Бизнинг фикримизча, бу ерда қадимги аллювийнинг ҳосил бўлиш процесси тамомланади, чунки тақирнинг кесаксимон структураси узоқ вақт давом этган гидрогеологик процессдан дарак беради.

7. Таркибида кўп миқдорда материк қумли тақир массаси бўлган юпқа чўкинди балчиқ қатламчалари учрайди ва у 15 сантиметрли балчиқ қатламлари орасида юпқа лойқа қатлами шаклида учрайди.

8. Қалинлиги 36 сантиметрли бўлган қатламли лойқа бу жинс Амударёнинг бутун дельтаси учун характерлидир.

Макон ўрнашган охириги икки қатламнинг структураси дарё лойқаларига хосдир; шурф стратиграфияси Сувёрган бир вақтлар жуда катта дарё бўлганлигидан, шубҳасиз, гувоҳлик беради, чунки катта бир майдонда шунча кўп миқдордаги дарё лойқаларининг тўпланиб қолишини бошқача тушунтириб бўлмайди. Бунга қулай пастликларга оқиб кетадиган тошқинлар ҳисобига бўлган деб айтиш мумкин эмас, чунки энг зўр тошқин ҳам Сувёрганнинг биз тахмин қилган Оққамишдаги бошланган жойидан бу районларгача бўлган узоқ масофа у шунчалик катта миқдорда оқизинди олиб кела олмас эди. Шу муносабат билан баъзи бир геологларнинг<sup>24</sup> фикрига ва маҳаллий чорвадорларнинг рельеф устидаги кузатишларига эътибор бериш керак эди. Улар Амударё сувлари қадимги суғорилган ерлар чеккасида Жонбосқалъа баландлигини айланиб ўтиб, Султон Увайс тоғ тизмаси этакларига етиб борганлиги ҳақида гапирдилар.

Макон № 6 нинг маданий қатлами кул аралашган кулранг тусли лойқали тупроқдан иборат. Бу тупроқ жуда зичлашган бўлиб, структураси йўқдир. Бу ҳол маконнинг поли ёки иш майдончаси учун характерлидир.

Маконнинг емирилган шимолий чеккасининг ўрта қисмидан бош-лаб, маданий қатламда, ёки одам яшаган ерда қорамтир кул, сопол синиқлари, сут эмизувчи ҳайвонларнинг ва қушларнинг куйган суяк-

<sup>24</sup> А. Д. Архангельский, Кўрсатилган асар, «О геологии юго-западных Кзыл-Кумов» бўлимига қаралсин.

лари тобора кўпроқ учрай бошлайди. Учоқ атрофида жуда кўп миқдорда кул ва ошхона қолдиқлари тўпланиб қолган. Учоқ бурчаклари жмалоқ шаклда ишланган қатор қазилган иккита тўрт бурчакли чуқурчадан иборат бўлиб, чуқурлиги 20 см, диаметри 60—70 см келади. Учоқ олдидаги маданий қатлам қорамтир кул билан тўлган бўлиб, унинг қалинлиги 22 см га етади; ўчоқдан жануб томонга узоқлашган сари кул камаяди ва маданий қатлам юпқалашиб, ундаги кул миқдори озяади. Учоқдан 6 метр нарида кул бутунлай йўқолади. Бу ерда шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, маконнинг шимолий қисмида маданий қатлам жанубий қисмга қарама-қарши ўлароқ, максимал қалинликка эгадир. Макон № 6 тақир устида жойлашган бўлиб, бу тақир ўз остидаги барханнинг микрорельефини такрорлайди, барханнинг ёнбағри шимолга қараб тик, жанубга қараб эса ётиқ бўлиб туради. Шимолий ёнбағри емирилиб бормоқда.

Маконнинг чегараси топилган нарсаларга қараб эмас, асосан кўмир, сопол синиқлари, кулолчилик чиқиндилари билан тўлиб ётган маданий қатлам территориясига қараб белгиланди. Кулба территориясида ўрнатилган устунлардан қолган бутун бир чуқурлар системасининг қолдиқлари топилди; уларнинг сони 31 та. Бу ҳол бу ерда қапа шаклида тураржой қурилганлигини ва унинг сатҳи 13 × 15 м бўлганлигини кўрсатади. Маконда топилган кулолчилик буюмлари фақат ясси тубли бўлиб, улар жуда хилма-хил идишлардир.

Анча кўпол ва асосан бошоқли ҳамда бошқа геометрик шаклли нақшлар билан қопланган идишлар билан бир қаторда, бўялган ва ялтиратилган идишлар ҳам учрайди, улар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, тўқ пушти-қизил рангли ва жуда яхшилаб ялтиратилган юпқа идишлар алоҳида ажралиб туради. Булар бу кулолчиликка муносиб келадиган Анов III маданияти ёдгорликларининг худди ўзгинасидир. Агар Хоразм бронза даврининг кулолчилик буюмлари Анов III кулолчилиги билан таққосланса, ҳар икковини ҳам, уларнинг умумий белгиларига қараб, бир маданиятга киритиш мумкин.

Бу маданият, юқорида айтилганидек, асосан калтаминор маданиятидан келиб чиққан. Бунда ривожланишнинг қуйидаги манзараси аниқ кўринади: калтаминор маданияти буюмларининг асосий типни анча мўрт кулолчилик буюмлари бўлиб, уларга босма ёки ўйма нақш солинган, кулолчиликда бўёқ ишлатиш энди бошланган ва у кўпчилик типлар учун характерли бўлган бошоқ шаклидаги нақш билан бирга олиб борилган.

Ўйма нақш билан бир вақтда идишларга бўёқ бериш ва ялтиратиш намуналари макон № 6 дан учрайди. Бу маконда нақшли кулолчилик ўзининг кўпчиликни ташкил этувчи ўрнини кулолчиликнинг бўяб ялтиратилган типига беради.

Макон № 6 да, агар бронзадан ишланган қандайдир буюмларнинг иккита ҳеч қапдай тасвирини аңлатмайдиган бўлагини ҳисобга олмганда, металл буюмлар мутлақо йўқ. Аммо бу ҳол металлни етарли даражада ишлатилмаганлигидан гувоҳлик бера олмайди, чунки бу ерда тош суяк қуроолларнинг йўқлиги металлдан кенг қўлланилганлигини исботлайди.

Шуни қайд қилиш керакки, бу макон, макон № 4 дагидек ҳалокатга учраган эмас. Маданий қатламнинг жуда юпқалиги унинг мавсумий характерга эга бўлганлигини кўрсатади. Афтидан, унда яшовчи кишилар маконини ташлаб кетган вақтларида хотиржамлик билан барча ўзларига керакли рўзғор асбобларини олиб кетганлар ва бу ерда фақат идиш-товоқ синиқларигина қолган. Улар, албатта, ўзларининг барча қуроолларини ҳам олиб кетганлар, бу қуроолларнинг кўпчилигини,

афтидан, металл қурооллар ташкил қилган ва улар бу қуроолларни ҳаммадан ҳам ортиқ қадрлаганлар.

Худди шу маконнинг ўзида дон янчувчи тош ёрғучоқнинг бир бўлаги топилди, бу эса унда яшовчи кишиларнинг деҳқончилик қилганлигидан гувоҳлик беради.

Иккита ўчоқнинг бир-бирига ёнма-ён қурилиши шу жиҳатдан ўзига диққатни жалб қиладики, улар бу даврда тураржой қуриш умумий принципига амал қилган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, Кустанай районидаги Алексеевск маконининг № 1, 2 ва 4 ярим ертўлалари, қонда тариқасида иккита ўчоққа эга бўлиб, атрофида катта ва кичик кўпан-кўп чуқурчалар бор. Бу чуқурчалар, О. Я. Гракованинг фикрича, томни тираб турган устунлар ўрнатилган жой бўлган ҳамда хўжалик эҳтиёжлари учун улардан фойдаланилган<sup>25</sup>.

Тураржой сатҳининг кичрайиши ва ўчоқлар сонининг кескин камайиши, ҳаммадан аввал, калтаминорлиларнинг уруғ ташкилоти ичида рўй берган ўзгаришлар ҳақида гувоҳлик беради ва уларнинг майда кичик гуруҳларга ёки айрим патриархал оилаларга бўлиниб, бошқа жойга кўчганини кўрсатади. Бу ҳол, шубҳасиз, ярим интенсив деҳқончилик билан бирга пода ҳайдаб чорвачилик қилиш шароитида юз берган янги хўжалик ўзгаришлари туфайли содир бўлган.

Хоразмнинг Тозабогёп маданиятининг тарқалган жойи ва характери сўнгги йилларда С. П. Толстов<sup>26</sup>, А. В. Збруева<sup>27</sup> ва А. Н. Бернштам<sup>28</sup> асарларида анча аниқ ёритилди. Бу авторларнинг ҳаммаси Волга бўйи, Кама бўйи, Урал бўйи, Жанубий Сибирь, Қозоғистон, Орол бўйи, Каспий бўйи<sup>29</sup>, Тошкент<sup>30</sup> ва Фарғона<sup>31</sup> воҳаларининг кўпан-кўп бронза даври ёдгорликлари билан сиңичлаб танишганларидан сўнг, Тянь-Шань этакларидан Кама бўйи ва Донгача чўзилиб ётган бепоеъ дашт зонасининг сруб-андронов маданияти турли табиий географик маҳаллий шароитларда деҳқончилик ва чорвачиликка кўчган кўпчилик қабила ва халқлар учун асосан умумий бўлган деган хулосага келганлар.

Аmmo биз бу фикрга қўшилмаймиз, чунки калтаминор маданияти ўзининг бутун ривожланиш босқичларида Тозабогёп маданияти турига эмас, балки Сувёрган маданиятига яқин туради. Тозабогёп маданиятини эса ўзининг бир турдаги хумчалари ва қўпол тош қурооллари билан энг дастлабки деҳқонлар билан бир қаторда сув тошадиған районларда ва тўқайларда яшаган дарбадар чорвадорлар ва овчилар маданиятига киритиш мумкин. Бу кабилаларнинг силжиб юриш чегараси жуда катта бўлиши мумкин эди.

Эрамизгача бўлган II минг йилликда аста-секин деҳқончиликнинг расм бўлиши туфайли, Хоразмнинг бронза даври маданияти, афтидан, Копетдоғ бўйи полосасининг илк деҳқончилиги маданияти билан дашт бронзаси маданияти ўртасида боғловчи звено ролини ўйнаган. Копетдоғ бўйининг деҳқончилик маданияти, худди Хоразмнинг Сувёрган

<sup>25</sup> Археологические исследования в РСФСР в 1934—36 гг., М.—Л., 1941, 288—292-бетлар.

<sup>26</sup> С. П. Толстов, Древности Верхнего Хорезма, ВДИ, 1942, № 1, шу автор. Древний Хорезм, 60—71-бетлар.

<sup>27</sup> А. В. Збруева, Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья, ВДИ, 1946, № 3

<sup>28</sup> А. Н. Бернштам, Проблема истории Восточного Туркестана, ВДИ, 1947, № 2.

<sup>29</sup> R. Pumpelly, Exploration in Turkestan, of 1904, VI. Washington, 1908.

<sup>30</sup> А. И. Тереножкин, Памятники материальной культуры в Ташкентском канале, Известия УзФАН СССР, 1940, № 9.

<sup>31</sup> Б. А. Латынин, Работа в районе проектируемой электростанции на р. Нарыне в Фергане, Известия ГАИМК, вып. 110, Л. 1935.



маданиятидек, овчилик ва балиқчиликка асосланган неолит маданиятидан вужудга келган. Тош қуруллар ва ўйма нақшли қўпол кулолчилик, пировардда, Копетдоғ бўйидаги бўёқли кулолчилик маданиятининг ўтроқ деҳқончилик маданиятига кўчишига замин бўлган, буни ибтидоий деҳқончиликнинг, одатда, Амударёдан доимий тармоқлар орқали оқиб келадиган сувга боғлиқ бўлгани исботлайди.

Демак, даставвал биз бундай деҳқончиликнинг пайдо бўлишига ёрдам берган шароитларни анализ қилиб чиқишимиз керак.

### 3. ИБТИДОИЙ ДАВРДА СУҒОРИЛГАН ЗОНАЛАР ҲАҚИДА

Сунъий суғориш Ўрта Осиёдагина эмас, умуман бутун Шарқда қуйидаги физик-географик шароитларда вужудга келди.

1. Тоғ дарёчаларининг аллювиал лойқаларидан ҳосил бўлган унумдор водийларда;

2. Текисликда оқадиган катта дарёларнинг адоқларида ва дельталарида.

Тоғ этакларидаги воҳалар (Жанубий Туркменистон) шароитида тоғ дарёчаларининг охирида ҳосил бўлган лиманлар ўтроқ деҳқончиликнинг эрта ривожланишига ёрдам берган. Ўз деҳқончилик тажрибаларининг бошланғич давларида бу районларнинг ибтидоий аҳолиси худди мана шу табиий шароитларга таянган. Овчилик маҳсулотлари билан бир қаторда, улар табиий равишда вужудга келган воҳалардаги табиёт нози-неъматларидан фойдаланганлар, бу воҳалар дастлабки вақтларда улар учун маҳсулот йиғиш манбаи бўлган.

Тоғ дарёларининг аллювиал лойқалари устида ўсган ғалла ўсимликларининг ёввойи турлари Закаспийда яшаган ибтидоий одамларнинг диққатини жалб қилмай иложи йўқ эди.

Тупроқшунос ва археологик Д. Д. Букинич Копетдоғ тоғ олдиларидаги районларни уч йил давомида гидрогеологик ва археологик жиҳатдан ҳар томонлама тўла текшириш натижасида Закаспий лиман\* табиатини ўрганди ва бу ерда деҳқончилик маданиятининг бундай эрта ривожланиш шароитларини ёритди.

Экин далалари барпо қилиш учун қулай бўлган ясси лиман рельефини кўрсатиб, Д. Д. Букинич, ибтидоий деҳқонга фақат дала атрофига пастгина кўтарма қуриб, вақтинча сувни тўсиб қўйиш керак бўлган деб ёзади. Д. Д. Букинич «худди мана шу лиман усули ҳозирги замон ирригациясининг дастлабки намунаси бўлган» деб ҳисоблайди<sup>32</sup>. Д. Д. Букиничнинг хулосаси тўғри, айниқса Копетдоғ тоғ олдилари шароитлари учун тўғридир. Деҳқончиликнинг аста-секин ривожланиб бориши сунъий лиман ҳам яратишга мажбур этди.

Деҳқончиликка ўтиш кишиларни янги ва қулай сувлардан фойдаланишга ва қўшимча, анча интенсив меҳнат усулларини яратиш учун ташкилий равишда кураш олиб боришга олиб келди. Д. Д. Букинич ўйлаганича, деҳқонлар жамоасининг кўпайиши уларни Месопотамияга кўчишга мажбур этган эмас<sup>33</sup>, балки анча катта ер участкаларини ўзлаштириш учун курашишда, катта лиман кўтармаларини (марза) барпо этишда, катта-катта майдонларга, Тажан, Мурғоб ва шу каби бош-

\* Лиман деб тоғ сойлари этакларида тўпланиб, кўлга ўхшаб ётадиган жойларни айтади. Унинг чўкма лойқасига экин экилади.

<sup>32</sup> Д. Д. Букинич, История первобытного орошаемого земледелия в Закаспийской области в связи с вопросом о происхождении земледелия и скотоводства, ж. «Хлопковое дело» 1924, № 3—4, 110-бет.

<sup>33</sup> Ушаасар, 128—133-бетлар.

қа тоғ-дарёларининг ён дельталари ва суви қуриб қолаётган тармоқлари сувини бошқариш йўли билан сунъий равишда сув бостиришда аҳолини бир-бирлари билан жипслаштирди. Ана шу йўл билан ибтидий деҳқончилик сунъий каналлар яратишгача бориб етди. Ҳозир биз ана шундай табиий географик шароитларда яшаган кўпгина мамлакат ва халқларнинг ибтидий деҳқончиликлари учун бу йўлни босиб ўтиш мажбурий ва қонуний эди деб ўйлаймиз; Д. Д. Букиннич ўз асарларини ёзган ўша вақтда Фарғонада ҳали археологик текширишлар ўтказилмаган эди. Шу сабабли Д. Д. Букиннич «Фарғонага одамлар ирригация санъати гуллаган вақтда келганлар»<sup>34</sup> деб тахмин қилган.

1933—1934 йилларда Б. А. Латининг томонидан Ҳаққулобод ва Кутгай станциялари районларидаги Қизилёр тоғолди даштида (Фарғона) ўтказган археологик текширишлар у ерда ҳам ирригация каналлар барпо этилишидан аввал ибтидий деҳқончилик қишлоқлари деярли худди юқорида кўрсатилган шароитлар заминида вужудга келганлигини кўрсатди<sup>35</sup>.

Гарчи Жанубий Ўзбекистон ва Урта Осиёнинг бошқа районларида тоғ дарёлари ва сойлари оқиб чиқадиган тоғолди районлари мунтазам текширилмаган бўлса-да, аммо биз бу ерларда ҳам, худди Копетдоғ тоғолди районларидагидек сел оқимлари полосасини сунъий кўтармалар қуриб тўсиш билан боғлиқ бронза даври ёдгорликлари мавжуд бўлган ўтроқ деҳқончиликни кузатамиз.

Баъзи бир тоғли районларда тоғли Ҳиндистон «танкларига» бир даража ўхшаб кетадиган<sup>36</sup> содда сув омборлари бўлганлигининг ишоралари бор.

Бу ўринда Нурота тизма тоғининг шимолий ёнбағрида сунъий суғориш деҳқончилиги усуллари устида қисқагина тўхталиб ўтиш мумкин.

1947 йилда қилган докладларимизнинг бирида<sup>37</sup> биз бу ерда ҳам суғориб деҳқончилик қилиш, худди Копетдоғ тоғолдиларидагидек йўл билан вужудга келган ва ривожланган бўлиши мумкин деб тахмин қилган эдик<sup>37</sup>.

Автор раҳбарлик қилган Ўзбекистон-Зарафшон экспедициясининг Нурота отряди томонидан 1948 йил ёзида тоғ тизмасининг бутун шимолий ёнбағри бўйлаб ўтказилган маршрут разведкаси натижасида бу тахмин тўла тасдиқланди.

Нурота тизма тоғлари шарқдан ғарбга чўзилган; унинг шимолий ёнбағри Қизилқум саҳроси томонига рўпарадир. Нурота тизмасининг шарқий қисми ёнида бирин-кетин тор ва баланд бўлмаган тоғ тизмалари —аввал Писталидоғ, кейин Пастдоғ тизмалари чўзилиб ётади. Бу тизмаларга Нурота тизмасидан шимолга тахминан 15 км га етиб борадиган ясси текислик бориб тақалади. Нурота тизмасининг ўзи баланд, қояли ва Қизилқум томонига чиқадиган жуда кўп узун даралари бор. Ҳар бир дара тагида кўпдан-кўп бўлақлардан ташкил топган кичик-кичик сойлар оқади. Соиларнинг суви дарадан чиққандан кейин текисликда ғойиб бўлади. Баҳорда ёмғирлар ёғиб, қорлар эриганда бу сойлар лойқа сувли жўшқин дарёларга айланади. Тизманинг шарқий секторидаги сойлар даралардан чиққандан сўнг шиддат билан

<sup>34</sup> Д. Д. Букиннич, юқорида кўрсатилган асар, 122-бет.

<sup>35</sup> Б. А. Латынин, Работа в районе проектируемой электростанции на р. Нарын в Фергане, Известия ГАИМК, вып. 110, Л., 1935.

<sup>36</sup> Б. К. Лодыгин, Ирригация Индии, 1924, 17-бет.

<sup>37</sup> Я. Гулямов, К истории возникновения ирригации в низовьях Аму-Дарьи по археологическим данным, Сборник материалов научной сессии АН УзССР, Ташкент, 1947.

Писталидоғ ва Пастдоғ этаклари томонига йўл олади. Сой дарадан чиққандан кейин дастлаб кенг ва тезоқар дарёча ҳосил қилиб, майда ва йирик тошлар орасидан оқади. Бу тошлар даралардан оқизиб чиқарилган бўлиб, кўпинча сув йўлини тўсиб ётади. Шундай қилиб, узунлиги тахминан 5 км, кенглиги 1—2 км келадиган узун бир майдон ёппасига мана шу тошлар билан қопланган ва шунинг учун ҳам «Санглоҳ» (тошлоқ—ред) деб аталади. Кейинчалик жой нишоби аста-секин камаяди, сой ўзани борган сари саёзланади ва сой суви кенг бўлиб тошганга ўхшаб оқади. Бу ерда у ўзи билан оқизиб кетаётган шағал ва қумни чўктириб қолдиради, аммо лойқани Писталидоғ ва Пастдоғ этакларигача олиб боради. Хуллас, бу иккала тоғ тизмаси сой сувлари учун кўндалангига ётган табиий кўтарилмадир. Сувдаги барча лойқа шу ерда чўқади ва шу сабабли бу ер «Лойқа» номи билан юритилади. Лойқа таркибида кўп миқдорда қум бўлганлигидан ва шу сабабли сув анча чуқурликка сингиб кета олганлигидан бу ерда экинни биринчи ҳайдашдан кейин экадилар.

Дастлаб, афтидан, экинни тўғридан-тўғри суюқ лойқага эккан бўлсалар керак, кейинчалик маҳаллий деҳқонлар бу лойқанинг хусусиятини жуда яхши билиб олганлар. Бошоқлар чиқара бошлаган даврда, ёзги ёмғир ёғадими-йўқми, барибир, албатта суғорилади, чунки бу суғориш ҳосилни оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Суғориш учун сой сувидан фойдаланилади. Жуда қадим замонларда дараларнинг ичкарисидаги деярли ҳамма ерларда кичик-кичик сув омборлари барпо этилган бўлиб, буларга ҳар кун суви тўпланган ва ўрнатилган тартибга мувофиқ улардан навбати билан далаларга сув юборилади. Далалар билан ҳар бир сойнинг «лойқалар»и ўртасидаги масофатта бўлишига қарамасдан, сув омборлари орқали юборилган сув экин далаларига йилнинг барча мавсумларида етарли бўлади ва буғдой, арпа, тарик, кунжут, қовун ва бошқаларни етиштиришга имкон беради.

Бу лойқаларда доимий деҳқончилик қишлоқларининг йўқлиги, даставвал, Нурота тизма тоғи ичидаги дараларнинг табиий ва стратегик жиҳатдан қулайлиги билан тушунтирилади. Улар Қизилқум томонидан эсадиган кучли шамоллардан ихота қилинган, шунинг учун яланг текисликка қараганда у ерда иссиқроқдир. Дараларнинг юқори қисмида жуда кўп ёнғоқ, бодом ўсади, сойнинг ҳар икки томонидаги ёнбағир эса тоқзорлар билан қопланган. Булоқлардан чиқиб турадиган сой сувининг доимо бўлиши у ерда яшовчи аҳолини ва уларнинг чорва молларини сув билан таъмин этган. Ҳар бир дарага кириш жойига қадимги даврлардаёқ ташқаридан қилинадиган ҳужумларга қарши махсус истеҳкомлар қурилган. Дашт кўчманчиларининг бевосита яқинлиги айниқса хавфли бўлган. Шу сабабли районнинг бутун аҳолиси яшаш учун қулай бўлган дараларни ташлаб кетмай, Нурак, Осмон, Қулба, Учма, Ухум, Фориш, Можрум, Сянтоб, Соф, Каттахиж, Темурқобиқ ва бошқа сойларнинг лойқаларида кенг кўламда деҳқончилик хўжалиги билан шуғулланганлар.

Ҳозиргача аҳоли фойдаланиб келаётган дара ичкарисидаги сув омборлари — «ҳовузлар»нинг қурилиши жуда соддадир. Соининг бирон қирғоғидаги тоғ этагида ҳам ўртача катталиги 60 × 40 м келадиган қулай майдонча танланиб, унинг учта томонини катта-катта тошлар билан кўтарадилар. Пастга нишоб томонга баландлиги 2 м, қалинлиги 1,5—2 м ли тош девор билан тўсилади. Бунинг рўпарасидаги томон эса, у тоғ ёнбағри бўлгани учун кўтарилмайди. Ховузнинг қолган томонлари эса нишобига мувофиқ кўтарилади. Ховузлар шундай қурилганки, уларга сойнинг ховуздан юқориқда оқадиган суви тушади. Ховузга.

фақат бир жойдан сув киради, у энг юқори нуқтада жойлашган, кичик роқ тешик шаклидаги, одатда сувнинг бир қисми оқиб чиқадиган жойи эса, сой оқимининг қуйи томонига қарама-қарши кўтарилманинг пастки қисмида жойлашган. Ховуздан сувни чиқаришни бошқариб турадигай бирдан-бир механизм сувга туширилган учига эски қоп, пахталик эски тўн парчаси ва ҳоказо боғланган уч метрли узун таёқдир. Сувни тўсиб ховуздан чиқармаслик учун тешикни ана шу қоп билан бекитадилар ва таёқ сувдан тик кўтарилиб туради. Сув чиқариш керак бўлса, девор устида турган одам қоп бойланган таёқни тортиб олади ва сув 4—5 соатда оқиб чиқади, шундан кейин эртаси кунгача тешикни ёпиб қўядилар. Сувдан навбати билан жамоа-жамоа бўлиб фойдаландилар. Ховузнинг бундай қурилиши сувни анча тежаб фойдаланишга имкон беради.

Бундай кичик ховузлар билан бир қаторда, бундан тахминан 1000 йиллар илгари Осмонсой деб аталган жуда катта сув омбори қурилган эди. У ўз замонаси учун жуда катта иншоот бўлган. Бунга келадиган Илончи сойнинг суви жуда кўп; унинг баҳорги жўшқин сувлари Янгиқишлоқ қаршисида Пастдоғни ёриб ўтиб, Қизилқум чегарасидан текисликка чиқади.

Унумдор лойқанинг асосий массаси анча узоқ ва булоқ сувлари бориб етмайдиган Қалтепа текислигида тўпланганлиги учун X асрда сомонийлар даврида у еони доим сув билан таъмин этиш учун сув омбори қуришга қарор қилинган. Илончисой оқиб ўтадиган Пастдоғдаги дара тўғон қуриш учун энг қулай жой эди. Бошланғич жойида 260 м кенгликка эга бўлган кичик бир дара борган сари тораяди; сўнгра 420 м масофада у икки томондан тик тушган қоялар орасида қислади ва унинг эни ҳаммаси бўлиб 50 м дан сал ошади. Сои мана шу ерда сувга чидамли махсус аралашма қўшилган алебастр қоришма билан мустаҳкамланган йўнилган тошлардан катта тўғон билан тўсилган. Тўғоннинг баландлиги 16 м; эни таги асосида 8—10 м, тепаси 2,3 м, унинг орқа томони деярли тик бўлиб, икки жойида ярим конус шаклидаги таянчиглар билан мустаҳкамланган, булар тўғонга меъморий манзара бериб туради. Тўғонда ўнта тешик очилган, улардан ҳозир тўққизтаси сақланиб қолган; ҳар бир тешик ўткир учли пештоқ шаклида бўлиб, баландлиги 60 см, эни 50 см дир. Тешикларнинг четига жула пухта қилиб йўнилган тош терилган. Тешиклар анча мураккаб жойлашган ва қисқагина изоҳ талаб қилади. Тўғон, юқорида айтилганидек энг тор жойда қурилган; бу ерда ҳар икки томондан баҳайбат кулранг гранит қоялар қад кўтариб туради, булардан, айниқса, ғарбий томондагиси катта бурчак шаклида олдинги томонга мойил бўлиб туради. Шунинг учун ҳам тўғон асосининг равоғи устки равоқдан анча кичик. Устки равоқ 51 м га етади, сув чиқарувчи тешиклар эса деярли диагональ бўйлаб жойлашган бўлиб, улар ғарбий қоя қиялигига параллелдир. Бу ерда қурувчининг доно инженерлик режаси тузганлиги кўриниб туради; катта босим билан ҳар қайси тешикдан отилиб чиқаётган сув дастлаб шу қояга тушади ва сўнгра ундан қуруқ ўзан бўйлаб қазилган кичик ариққа оқиб тушади. Ариқлар ўзанининг ҳар икки томонидан оқади; ариқларнинг кенлиги икки метрдан ошмайди ва улар қуриб қолган сойга қараганда анча баланд ўрнатилган. Ғарбий ариққа сув осонгина тушади, аммо иккинчи, шарқ томондаги ариққа қуруқ ўзан орқали сув чиқариш учун махсус майдончада тўғоннинг ўзини қурган материалдан ва худди шу усулда кичкина тўғон қуришга тўғри келган. Бу ирригацион иншоот тўғондан 4 км шимол-ғарбда жойлашган Қалтепа текислигига сув берган. Бу ерда, Пастдоғнинг шимолий этагидан то Қизилқумгача бориб етадиган катта текисликда сатхи

50 X 50 м квадрат шаклидаги кичик бир Қалтепа<sup>38</sup> деб аталган дўнг бор, у сунъий кўтарилмадир. Дўнг тўртта нураган қалин девордан иборат бўлиб, 2—2,5 м баландликкача сақланиб қолган. Девор бурчакларида ва ўртасида қалин қилиб солинган думалоқ бурчлари бўлган. Жануби-шарқий бурчи ёнида бирдан-бир мустақкамланган эшик бўлган. Деворларнинг орқасида хандақ қазилган бўлиб, хандақнинг нариги томонида мудофаа қилинмаган қишлоқ бўлган; унда биноларнинг излари ҳали ҳам бор. Асосан сирланган ва сир берилмаган қўлчилик буюмларидан иборат топилган материалларга ва Қалтепанинг мустақкамланиш типига қараб, бу ердаги қишлоқ эрамининг X—XII асрларида мавжуд бўлган деб айтиш мумкин. Қалтепа дўнглигининг ўзи, катталиги жиҳатидан ҳам, ички планлаштирилиши ва мустақкамланиши, шунингдек стратегик ўрни жиҳатидан ҳам, Ўрта Осиёнинг катта карвон йўлларида қуриладиган ўрта аср работлари типига киради. Ҳақиқатан ҳам, Қалтепа ёнидан Бухорони Қозоғистондаги Исфижоб билан боғлайдиган катта эски йўл ўтган.

Бу йўлдан, деярли бир-биридан баробар масофада: Отақўрғон, Қоратепа, Темурқобиқ ва бошқа работлар жойлашган. Бизнинг фикримизча, Қалтепа атрофидаги қишлоқ яхши мустақкамланган работ асосида ва Осмонсой сув омбори орқали сув билан таъминланиш бошқариб туриш заруряти остида вужудга келган. Илгарилари суғорилган ва унумдор ерлардан иборат бўлган Қалтепа атрофи ҳозирги вақтларда янтоқ босиб ётибди. Юқорида кўрсатиб ўтилган бошқа ўрта аср работлари атрофида ҳам худди шу аҳволни кўрамиз.

Тўғонни қуриш вақтини биз, биринчидан, Қалтепада ҳаёт авж олган вақт билан, шубҳасиз, работнинг қурилиши ҳам бунга боғлиқ бўлган ва иккинчидан, тўғон атрофида сочилиб ётган идиш синиқларига қараб белгилаймиз.

Сув омбори ҳозирги вақтда Осмонсой оқизиндилари билан тепасигача лик тўлган. Сув чиқадиган тешиклар ичидаги бўшлиқ уларнинг лойқа босиш процесси бошланишидан аввал ёпилиб қолганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, сув омборининг тўғони ҳозир жуда яхши сақланган бўлиб, ўн олти метрли тик девор шаклида кўринади. Маҳаллий аҳоли тўғонни «Хон банди» (Хон тўғони) деб атайди ва уни Абдуллахон-Шайбоний (1575—1598 йиллар) қурган дейди. Бироқ бу нотўғри, тўғон Абдуллахон замонасидан 600 йилдан кўпроқ вақт илгари қурилган.

«Хонбанди» дан 3—4 км ғарброқда Пастдоғ тоғининг тизмалари томонланади ва Учма, Ухум, Фориш, Можрум, Синтоб, Соф, Қаттахиж, Темурқобиқ ва бошқа сойларнинг «лойқалари» ҳеч қандай тўсиққа учрамай, то Қизилқум чегараларигача бориб етади. Бу «лойқалар» номлари юқорида айтилган дараларда қурилган катта-кичик сув омборлари воситаси билан сунъий суғорилади.

Юқорида қайд қилганимиздек, бу даралар ичкарасидаги шароит ибтидоий одам яшаши учун жуда қулай бўлган. Хозирча биз томонимиздан Синтобсойнинг юқори қисмида фақат илк бронза даврида яшаган одамнинг макони ва шу ернинг ўзида ибтидоий одам яшаганлигининг ишоралари бўлган ғор топилди; аммо қазиш ишлари ўтказилмасдан туриб, сана қўймоқ анча қийин.

Ибтидоий деҳқончиликнинг ривожланишига қулайлик туғдирган иккинчи, анча каттароқ физик-географик зона текисликда оқадиган катта дарёларнинг тошган жойлари ва уларнинг асосий дельта тармоқлари райони бўлди. Овчи ва балиқчиларнинг ҳаётини таъминлаш

<sup>38</sup> Устида ўсимлик ўсмагани учун шу ном берилган.

билан бир қаторда, бу жойлар ибтидоий деҳқонлар ҳўжалигининг вужудга келишига ва ривожланишига жуда яхши шароит яратарди<sup>39</sup>. Бундай зонага Нил водийсини, Дажла ва Фрот дарёлари ҳавзаларининг қуйи қисми, Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва ҳоказоларнинг қуйи оқимларини киритиш мумкин.

Амударё асосий ўзанининг ўз қирғоқларига бевосита тошадиган жойларидан, бу жойларнинг юқори унумдорлигига қарамасдан, деҳқончилик учун фойдаланиш мумкин эмас. Бу икки нарсага боғлиқ: биринчидан, қирғоқ бўйи грунти бўш бўлганлигидан тошқиндан кейин сувни ушлаб қоладиган дамбалар қуриб бўлмайдди, иккинчидан эса, Амударёнинг сув режими динамикаси доим ўзгариб турганлиги туфайли деҳқонлар сув тошадиган жойлардан дадил фойдаланишдан чўчийдилар. Дарёда ёзги тошқинлар апрель-майда бошланади, энг кучли тошқинлар июнда бўлади; тошқинлар даври сентябрь бошларида тугайди<sup>40</sup>. Дарё ва унинг тармоқлари бўйлаб ҳамда сунъий каналларнинг бошида жойлашган текис полосаларда — қайрларда ғалла экинлари экиш қуйидаги сабабларга кўра мумкин бўлмаган: агар қаирнинг ёзги тошқин сувлари босмайдиган участкаларида тупроқ ости намига умидланиб экин экиш мўлжалланса-да, аммо майнинг иккинчи ярмидан бошланадиган жазирама иссиқларда нам етишмай бошлайди; қуёшнинг қизғин нурлари остида буғдой, арпа ва бошқа ғалла ўсимликларининг қисқагина илдизлари нам оладиган қаир тупроғи қатламидаги нам буғланиб кетади ва натижада бу ўсимликлар бошоқ тортмасданоқ нобуд бўлади. Шунинг учун қаирларда энг яхшиси қовун, қовоқ ва шу каби бошқа полиз экинлари экишдир, чунки буларнинг илдизи анча чуқурликка етади.

Хоразм аҳолиси қадим замонлардан бери ғалла экинлари экиш учун эски дарё ўзанлари ёки қуриб қолган қўллар каби пастак ерларни қидиради. Бундай ерларда ерости сувларининг юзаси анча баланд бўлади.

Тошқин вақтида сув босадиган қаирларда ғалла экинларини экиб бўлмайдди, чунки тошқиндан сўнг экилган экинлардан ҳеч нарса қолмайди; шунинг учун хоразмликларнинг қишлоқлари ҳам, экин далалари ҳам дарёнинг асосий ўзани қирғоғидан бир мунча масофада жойлашгандир. Дарёнинг қирғоқ полосаси эса ҳамма ерда қум, тўқай ва қамишзорлар билан қопланган.

Амударёнинг қуйи оқими ҳавзаси Ўрта Осиё дарёлари ичида энг кўп текширилгандир. Охириги йилларда ўтказилган катта археологик ишлар туфайли хоразмликларнинг ибтидоий маданияти, шу жумладан деҳқончилик маданияти ҳам, дарёнинг асосий ўзани бўйлаб эмас, балки иккита улуғ саҳро—Қорақум ва Қизилқум саҳролари зонаси ичида узоққа кириб борадиган унинг ён тармоқлари ҳавзасида вужудга келган деб дадил айтишга қўлимизда ишончли далиллар бор. Амударёнинг ўнг қирғоғидаги тарихий давргача бўлган тармоқларидан бири, Берунийда «Фахми»<sup>41</sup> номи остида эслатилиб ўтилади. У барча аломатлари билан ҳозирги Сувёрганнинг қадимги ўзанига мувофиқ келади, иккинчидан эса, ҳозир Довдан номи билан юритилади. Сарикамиш чуқурлиги томонига оққан ва, афтидан, Сарикамишнинг жанубида Чирмонёп районидида қадимги Хоразм маданиятининг ривожланишига имкон туғдирган.

<sup>39</sup> В. В. Струве, История древнего Востока, 1941, 49 ва 56-бетлар; шунингдек, В. А. Авдиев, История древнего Востока, 1948, 39-бет.

<sup>40</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, 111—112-бетлар.

<sup>41</sup> Беруний, Юқорида кўрсатилган асар, ВДИ, 1941, № 1, 193-бет.

Уз жойланишига ва аҳамиятига кўра, бу тармоқларнинг ҳар бири Нил дельтасининг ғарбий қисмида Фаюм маданияти билан боғлиқ бўлган Нилнинг қадимги ўзани—Бахри Юсуфни эслатади<sup>42</sup>.

Амударё водисининг рельефи, Миср, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда қурилган сув омборларидек, қандай бўлмасин сув омборлари қуриш учун шароит туғдирган эмас. Тарихгача бўлган даврда деҳқончилик ён тармоқлар ҳавзасида бўладиган тошқинлар асосида ривожланган, тарихий даврда эса тошқин вақтида сув чиқадиган фақат катта каналлар воситаси билан олиб борилган.

Амударё қуйи оқимининг Жонбосқалъа районини Фаюм ва Мемфис қадимги маданияти билан боғлиқ бўлган Бахри-Юсуф тармоғи ҳавзаси билан, ёки икки дарё (Двуречье)нинг қуйи оқимидаги ерлар билан, айниқса Фротнинг қуйи оқими билан таққослаш мумкин. Буларнинг суви тошадиган ерлар, Қопетдоғ тоғолди лиманлари билан бир қаторда, шубҳасиз, Хоразмга қараганда суғориладиган ибтидоий деҳқончилик илгарироқ вужудга келган районлар деб ҳисобланади.

Бу районларнинг ҳар бирида суғорма деҳқончилик қилиш овчилик ва йиғишдан кейин, тобора ўсиб бораётган хўжалик эҳтиёжларини қондириш учун табиий сувликларни ўзлаштириш йўли билан вужудга келган; жамоа аъзолари дарё тошқинлари сувларини ва уларнинг тармоқларини яқин атрофдаги қулай ерларга бурганлар ва бу ерларни ўзлаштириш процесси давомида суғъий суғориш сирларини билиб олганлар.

Мунтазам ирригацион системани барпо қилишда қадимги хоразмликлар ҳам ана шундай ривожланиш йўларини босиб ўтганлар. Узоқ вақт давом этган бу тарихий процессни аниқроқ тасаввур этиш учун унинг археологик текширишлар натижасида етарли даражада ёритилиши билан бир қаторда, Амударё, Сирдарё ва Волга дельталарида ҳамда Қозоғистон территориясидаги бир қанча дарёларнинг ҳавзаларида деярли ҳозирги кунгача мавжуд бўлган энг содда суғорма деҳқончилик қилишнинг баъзи бир усулларини кўриб чиқиш зарурдир.

XIII асрда Амударёнинг Орол денгиздан Сарикамиш чуқурлиги томон бурилиб кетганлиги учун Шарқий Устюрт қирлари бўйлаб чўзилиб кетган бутун бир чуқурликлар системаси сувсиз қолди. XVI асрдан бошлаб Орол аҳолиси бу чуқурликларга сунъий равишда сув бостириб, у ерларга фақат буғдой эка бошлади. Бу жойлар «Қуйғун»<sup>43</sup> деб аталарди. 1602 йилда Хоразм хони Араб Муҳаммад Қуйғуннинг сув билан таъминланишини яна тиклади. Бунинг учун у Амударёдан бу ерга махсус канал қаздирди<sup>44</sup>. Каналнинг бошини июль ойида, ўрмингим тамом бўлганда очардилар ва Қуйғун сентябрь ойларигача чуқук сувли кўлга айланарди. У ерда кўп миқдорда унумдор лойқа тўпланарди ҳамда ер сувга тўярди. Сентябрьда каналнинг боши боғланарди. Бу ҳақда жарчилар бозорларда: «Кўлнинг сувин боғладилар» деб баланд овоз билан жар солиб, аҳолини хабардор қилардилар. Оролнинг ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси бирин-кетин бу ерга келар ва кўл қуриш бошлаши билан улар ўзларига ажратиб берилган майдонларда уруғни тўғридан-тўғри суюқ лойқага сепар эдилар; ҳосил келаси ёзда йиғиб териб олинар эди. Экин майдонлари ичида «динглар» (мўлалар)нинг бутун бир системаси қад кўтариб турарди. Буларнинг ҳар бири ўқ отадиган туйнукли мўлалардан иборат катта иншоот эди. Ғалла иш-

<sup>42</sup> М. Н. Ермолаев, Современное орошение и хлопководство Египта СПб. 1910, 101-бет; W. Willcocks, The Nile in 1904, London, 1904, табл. VV.

<sup>43</sup> (قويغون) — сувни четга оқиши маъносиди.

<sup>44</sup> Абулғозий, شجرة ترك 2:0-бет.

ларни вақтида, асосан ўрим-йиғим вақтида бу миноралардан доимий те-варак-атроф кузатилиб туриларди ва хавф туғилган пайтларда хабар бериларди. Ҳосил йиғиб олингач, шу ишда иштирок этган ҳамма одам-лар ўз жойларига қайтиб кетарди ва кўпчилик ўз чорвачилик хўжа-лиги билан шуғулланарди<sup>45</sup>. Бу жой эса келаси йилгача бўшаб қолар-ди. Довқара<sup>46</sup> кўли, Оққўл<sup>47</sup> ва Шохобод каналининг қуйи томони тер-риториясидан ҳам худди мана шундай фойдаланиларди.

Неолит даврида Мисрда деҳқончилик хўжалигининг вужудга ке-лиши ва ривожланиш йўллари ҳақидаги ўз фикрларини исбот қилиш учун академик В. В. Струве ҳам худди шундай этнографик фактлар келтиради<sup>48</sup>.

Бу усул Сумбар водийси туркманларидан ва Амударё дельтасида яшовчи аҳолидан қабул қилинган «лоя сапма»<sup>49</sup> усулининг худди ўз-гинасидир.

Сирдарё дельтасида яшовчи қозоқлар тармоқлардан кичик-кичик ариқлар қазиб, экин экиш учун қулай майдонларга сув бостирадilar. Баъзан бу усул майдон атрофига сунъий кўтарма қуришни талаб қи-лади ва қозоқлар буни «суолна» (сув тўплаш) деб атайдилар<sup>50</sup>. «Суол-на»нинг кўтарма қуришга асосланган усулини Янидарё ва Қувондарё этакларида бу ерда XVIII асрда яшаган қорақалпоқлар<sup>51</sup>, шунингдек Волга дельтасида яшаган татарлар кенг қўллаганлар.

Бу усул асосан Копетдоғ, Қўрғондоғ ва Сумбар районларининг «соум»дан<sup>52</sup> (суғоришнинг лиман усули) ҳеч қандай фарқ қилмайди. Бу ибтидоий суғориш усули қулай сув манбалари кўп миқдорда таш-килий куч сарф қилмай, экин майдонларини сув бостиришга имконият туғдирган жойларда ҳалигача мавжуддир, бундай ерларга асосан ғал-ла экинлари экилади.

Энди биз бронза даврида деҳқончиликнинг вужудга келиши ва ри-вожланиши шароитларининг бир мунча аниқ тасаввур эта оламиз; брон-за даврининг излари Жонбосқалъа районида топилган эди.

Бу районнинг тарихий давргача бўлган ёлгорликларининг вужудга келиш ва ривожланиш шароитини биз тахминий равишда ҳозирги Сув-ёрган ва қадимги суғорилган ерларни кесиб ўтган узун уйлар бўйлаб бўладиган тошқинлар райони ўрнида оққан тармоқ фаолияти билан боғлаймиз. Бу, биз «узун уйлар» деб атаган қадимги тизмалар Тўрткўл-ноббоз воҳаларидан, худди панжанинг керилиб турган бармоқларидек, ёйилиб кетади ва ўз йўлида тўсиқ бўлиб турган Султон Увайс тоғи то-монига йўналиб унинг шарқий тизмаларига бориб тақалади<sup>53</sup>.

<sup>45</sup> 1946 йилги Хоразм археологик экспедициясининг қидириш ишлари вақтида автор маҳаллий аҳолидан суриштириш йўли билан буни аниқлаган.

<sup>46</sup> Баёний, *شجره خوارزمشاهی*, 204-варақ.

<sup>47</sup> Мунис-Огаҳий, *فردوس الاقبال*, кўлэзма, № 156, 189-варақ.

<sup>48</sup> Тошқин ва жалалардан кейин Хаденф (Нубия) деҳқонлари тариқни лой-қага сепар эдилар, ҳосилни ўриб олгач, тоголи районларига кўчиб, у ерда чор-вачилик қилардилар (В. В. Струве, *История древнего Востока*, М., 1941, 49-бет).

<sup>49</sup> Г. В. Григорьев, К вопросу о центрах происхождения культурных расте-тей, *Известия ГАИМК*, т. XIII, вып. 9, 1932.

<sup>50</sup> Авторнинг 11/VI 1947 йилда қилган «Археологик маълумотлар бўйича Аму-дарё қуйи оқимида ирригациянинг вужудга келиши ва ривожланиши» доклади ювасидан қилинган музокараларда А. Н. Аскочинскийнинг қилган ахбороти.

<sup>51</sup> Хоразм археологик-этнографик экспедицияси материалларидан; 1947 ва 1948 йиллар.

<sup>52</sup> Г. В. Григорьев юқорида кўрсатилган асар.

<sup>53</sup> Амударё этакларининг картасини қаранг; 1905 йилда тузилган икки чақи-римли карта, 1933 йилда Тошкентда нашр этилган.



Бу уйларнинг ҳар бирининг бошланиш жойи ҳозирги вақтда Пахтаарна системасидаги ишлаб турган каналлар охиридаги кўллар тизмасидир. Шимол томонда уйлар шамол таъсирида ҳосил бўлган кетма-кет туташиб кетган оғир қум барханлари тўплами билан қопланган; кўпинча уйларнинг туби оқимтир рангли йирик заррали дарё қуми билан тўлган бўлади. Баъзи бир жойларда уйларнинг кенглиги 2—3 км га етади.

Тақир полосалари ҳосил бўлиш даврида бу «уйлар» қум ороллари-дан иборат бўлган, бу ороллarning орасида тошқин сувлари кириб келган, кўллар, тақирлар ва тақирсимон пўслоқлар ҳосил бўлган; булар устида кейинчалик маданият барпо бўлган. Шамолларнинг йўналишининг ўзгариши натижасида қум дўнгларининг шамолга рўпара томони, яъни шимолий томонини шамол учира бошлаган. Ҳозир эса уларнинг ботиқ томони шимолга рўпара, илгарилари эса у томонга дўнгнининг (барханнинг) тепаси рўпара эди. Шундай қилиб, ҳозирги рельеф қадимги бархан рельефининг айнан тескарисидир. Кўпинча емирилаётган тақир қатламлари орасида, «уйлар» полосаси яқинида бронза даври ёдгорликлари учраб туради. Бу ҳол ибтидоий деҳқонларнинг тошқин сувларидан фойдаланиш мақсадида тошқин бўладиган жойларнинг чеккаларида жойлашганлигини яна бир марта исботлайди. Жўш уриб оқадиган Сувёрган ва унинг дўнглари ўртасидаги полосаларни қоплаб олган тошқинлари ибтидоий деҳқонларга экин экиладиган майдонларни содда усулда сув бостиришда ёрдам берган. Гоҳ тўқайлар ва гоҳ қамишзорлар билан навбатлашадиган қум ороллари бор, бу пасттекис воҳанинг ландшафти бу вақтга келиб суғорма деҳқончилигининг жаҳон маркази бўлиб олган. Икки дарё—Дажла ва Фрот этакларини<sup>64</sup> ва Нил водийсини<sup>65</sup> эслатади.

Нил водийсида жуда қадим замонлардаёқ ибтидоий деҳқончилик қилишда Нил ва унинг тармоқларининг тошқинидан фойдаланганлар. Бу тошқинлар сувини бошқариб туриш иши деҳқонларнинг техник имконияти даражасига қараб олиб борилган, чунки у вақтларда одам ҳам катта территорияларнинг ботқоқланишига қарши кураша билмаган. Фақат Урта подшолик даврига келиб, далаларга сув бостириш учун тўғонлар ва сунъий каналлар қура бошладилар. Бунинг учун далалар атрофига кўтармалар қуриб, уларга навбатма-навбат сув бостириш эдилар. Бу ўзига хос лиманлар ўртасига шлюзлар қурганлар ва сув бу шлюзлар орқали бир лимандан иккинчисига аста-секин ўтган. Суғоришнинг бу содда усули кейинчалик ноқулай бўлиб чиқди, биринчидан, юқорида жойлашган лимандаги ер эгалари навбат билан сув олишга ривож қилмаганликлари туфайли қуйида жойлашган деҳқонларни доимо газаблантирар эди. Иккинчидан эса, унумдор лойқа юқори участкадаги лиманларда чуқиб қолиб, қуйидагилар муҳим ва зарур табиий ўғитдан маҳрум бўлар эди. Натижада кейинчалик такомиллаштирилган ҳовуз системаси деб аталадиган усулга ўтишди; дарёдан ўтун бир каналлар системаси чиқарилиб, ҳар бир ер участкасига мустақил равишда сув чиқариладди. Бу Янидарё этаклари, Довқара территорияси ва Орол-Қаспий ҳавзасининг бир қанча дарёларидаги атрофига катта кўтармалар қурилган лиман системасини эслатади. Лиман участкаларини кўтарма билан қуршаб олиш системаси табиий чўкма-лардан экин экиш учун фойдаланишдан ҳеч фарқ қилмайди; табиий

<sup>64</sup> В. А. Авдиев, История древнего Востока, М., 1948, 39-бет.

<sup>65</sup> В. В. Струве, История древнего Востока, М., 1941, 49, 56, 143-бетлар, (Миср ҳақида); Г. Масперо, Египет, М., 1916, 223-бет; Лурье и др. Очерки по истории техники древнего Востока, 10—16-бетлар.

чўкмалардан фойдаланиш, бизнинг фикримизча янада қадимийроқ даврларга мансубдир.

Бутун Хоразмда кўп миқдорда экин экиладиган катта лиманлар «кўл» деб аталади, яъни терминологик жиҳатдан лиман билан кўлни фарқ қилмайдилар. Ҳозир ҳам Хоразмда ривожланган деҳқончилик шароитида кичик экин майдонларини «кўлча» деб аталади. Экин олдида бу кичик экин майдонлари атрофини кўтариб, сув бостирилади. Лиманлар атрофидаги кўтармалар «чел» деб аталади.

Жонбосқалъа районининг микрорельефи, афтидан, ибтидоий деҳқонларга бу кейинги усулдан эркин фойдаланишга қулайлик туғдирган бўлса керак.

Мақон № 6 да ўтказилган археологик қазиниш ишларининг барча материаллари ибтидоий деҳқончилик ва чорвачиликка ўтган ибтидоий хоразмликларнинг ёз мавсуми давомида катта оила гуруҳларига ажралиб чайлаларда яшаганини кўрсатади. Бу ҳол улар хўжалигининг ва қишлоқларнинг кўчиб юрганлигидан дарак беради.

Амударёнинг умумий режимига бутунлай боғлиқ бўлган тошқинларнинг доимо ўзгариб туриши деҳқонларнинг меҳнатини кўпинча пучга чиқарган. Бу ерда кўчма хўжалиқдан бошқа хил хўжалик уюштириб бўлмаслиги маъна шу билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам Хоразмда ибтидоий деҳқончиликнинг доимий тип қишлоқларининг ёдгорликлари учрамайди.

Копетдоғ, Сумбар ва Шарқий Фарғонадаги Қизилёр даштининг тоғолди районларидаги сув режимининг доимийлиги уйғун-ўтроқ деҳқончиликнинг вужудга келишига сабаб бўлди ва Жанубий Туркменистондаги Анов қургонлари ҳамда Шарқий Фарғонадаги тепанинг дастлабки қатламлари типидagi доимий деҳқончилик қишлоқларини вужудга келтирди.

Амударёнинг қуйи дельтаси шароитида XIX асрда яшаган бир қанча ўзбек ва қорақалпоқ қабилаларининг турмуши Хоразм воҳасининг бутун территориясида суғорма деҳқончиликнинг тарихий ривожланиш йўлини бир қадар ёритиб беради.

Уша вақтда яшаган<sup>66</sup> бир қанча авторларнинг тасвиридан ташқари, яқин ўтмишда бўлиб ўтган ҳодисалар бизга юқорида кўрсатилган қабила авлодларининг ҳикояларидан маълум. Бу ҳикояларга қараганда, қабилалар кичик гуруҳларга (бир неча оилага) бўлиниб, ёз бошланишида қишлоқ жойидан кўчган ва ёзда тошадиган тармоқлар бўйига ёки тошқин сувларидан сув оладиган сунъий каналларнинг энг қуйи оқимидаги ерларга жойлашган. Бунда, албатта, бир томондан, улар буғдой, арпа, тарих, шоли ва қовун экинлари билан ўзларини таъминлаш ва иккинчи томондан, молларни ем-хашак билан таъминлашни кўзда тутган. Молларни боқиб учун кўпинча экин далалари яқинидаги кўллар тизмаси ёки қамиш ўсган ботқоқликлардан фойдаланилган. Қўзда ҳосил йиғиб-териш олинган, шу гуруҳлар қамишзорлар ичкарисига кўчган. Қамишзорлар уларни қаттиқ кишки совуқ шамолларидан асраган. Бу шамоллардан биринчи навбатда чорва моллари қийналар эди. Чорва моллари қиш бўйи қамишзорларда ўтлаб юрган, одамлар эса ёқилғи билан керагича таъминланган.

Тошқин сувлари капалларининг этакларидан ташқари, ҳеч бир жойда бир оз бўлса-да, деҳқончилик қилиш, ёки ҳатто ҳайдаб мол боқиб учун доимий шароит бўлмаган. Кўпинча шундай мавсумлар ҳам бўлганки, дельта тармоқларининг бошқа жойда оқа бошлаши ва тошқинлар режимининг кескин ўзгариши натижасида деҳқонлар илгари экин келган жойларида энди экин эка олмай қолганлар. Бу вақтда

<sup>66</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарьи, СПб., 1873, 544-бет.

чинакам офат бошланган; деҳқонлар жуда чекланган чорвачилик маҳсулотлари билан тирикчилик қилганлар. Бундай ҳоллар юз бергандан кейин келгуси йилда улар бошқа, бирмунча ишончли ерларга кўчганлар.

XIX асрда, феодализмнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитларидаги бундай кўчманчилик ибтидоий деҳқонларникига қараганда бутунлай фарқ қиладиган йўл билан олиб борилади. Аммо ташқи кўринишдан баъзи бир қорақалпоқ ва ўзбек қабилаларининг турмуши бир қадар бронза давридаги ибтидоий деҳқонларнинг биз тахмин қилган турмушига ўхшаб кетади.

Шундай қилиб, маконларнинг тарқалиб-чочиблиб кетган ёдгорликлари, археологик қидириш маълумотлари, ўзининг озлигига қарамай, Жонбосқалъа районида яшаган ибтидоий одамлар турмушининг тахминий манзарасини кўрсатиб беради.

#### 4. «ҚАШШОҚЛАР ОВҚАТИ»

Ибтидоий суғорма деҳқончилик билан бир қаторда, Амударё ҳавзасида, айниқса Хоразмда, худди Ўрта Осиёнинг бошқа дарё ҳавзаларида бўлганидек, қадим замонлардан буён қайр деҳқончилиги деб аталадиган деҳқончилик мавжуд бўлган. Қайр деб, юқорида айтганимиздек, дарё, унинг тармоқлари ва сунъий каналларнинг этаклари бўйлаб жойлашган, тупроқ ости суви баланд ётган жойларга айтилади; бундай ерларда полиз экинлари яхши унади. Чоржуй воҳасидан то Орол денгизигача бўлган Амударё ҳавзасидаги қайр ерларида етиштириладиган қовунлар ўзининг ширинлиги, хушбўйлиги ва юқори озиқлиги билан фарқ қилади. Хоразм қайр қовунлари қадим замонларда ҳатто узоқ-узоқ мамлакатларда ҳам машҳур бўлган. Бу қовунлар зардан ишланган махсус қоғозларга ўраб Бағдодга, араб халифалари саройига олиб кетилган<sup>57</sup>.

Сирдарё этакларида яшовчи қозоқлар, Амударё этакларида яшовчи ўзбек ва қорақалпоқлар қовун ва қовоқни ўзларининг одатий овқати деб ҳисоблайдилар; шунинг учун улар узоқ сафарга чиққанларида, жамоат ишларига борганларида ўзлари билан кўпроқ қовун олиб кетишга ҳаракат қиладилар<sup>58</sup>.

Қўнғирот шаҳри районида қайр полизчилигининг кенг авж олиши ҳақиқий бир тарихий воқеани акс эттирувчи қизиқ бир афсонанинг яратилишига сабаб бўлган.

XIX аср бошларида Хева хони Қўнғиротни қамал қилиб, қўнғиротликларнинг ҳамма экинларини пайхон қилган ва уларнинг аҳволи оғир эканлигини кўрсатиб, таслим бўлишни таклиф қилган. Бунга қамалдагилар лўнда жавоб қайтарганлар<sup>59</sup>.

<sup>57</sup> В. В. Бартольд, Туркестон в эпоху монгольского нашествия, ч. II, 247-бет. 1333 йилда Хоразмга келиб кетган Ибн Ботута ўз асарига Хоразм қовунларига махсус боб ажратади. Ибн Ботута Ҳиндистонга борганида Хоразм қовунларига қойил қолганлигини айтади ва бир қанча вақтдан кейин, Ҳиндистон ҳокими сайёҳга Хоразмдан келтирилган қовун қоқи тақдим этди, (қаранг: Ибн Ботута, Истамбул, 1915, 410-бет).

#### تحفة النظارفي غرائب الامصار و عجائب الاسفار

<sup>58</sup> Янги қовун хоразмликларнинг айтишига қараганда, овқат ўрнини боса олади ва чанқовни босади. Полиз экинларининг бу охириги хусусиятига 1873 йилда Амударё дельтасини текширган А. В. Каульбарс аҳамият берган (қаранг: А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарьи, 538-бет.).

<sup>59</sup> Бу қамал Хева тарихчилари — Мунис, Огоҳий, Баёний ва бошқалар асарларида яхши маълумдир.

«Уч ой қовуним, уч ой совуним,  
Уч ой қовогим, уч ой чабоғим»<sup>60</sup>.

Бошқача қилиб айтганда, экин экмасдан туриб ҳам, Хоразмда «қашшоқлар овқати» деб аталадиган озгина овқат билан қаноатланиб бир йил давомида қамалга бардош бера оламиз деган гап эди.

Қайрининг хусусияти билан озгина таниш киши қамал қилинган қўнғиротликлар жавобининг асосли эканлигига тушунади.

Дарёнинг мавжудлиги балиқ тутишнинг кенг ривожланишини таъминларди. Қайр деҳқончилигининг интенсив характерда бўлиши туфайли полизчилик жуда эрта ривож топди.

Ҳозирги вақтда хоразмлик деҳқон ёз бошида қайрга келади, пастгина чуқурчалар қазиб, унга қовун уруғи экиб кетади. Ёз охирида ана шу ерга қайтиб келади ва кичкинагина чайла қуриб, пишаётган қовунларни шўх қайиқчилардан қоровуллайди ва шу вақтнинг ўзида балиқ овлайди. Шу тариқа оз меҳнат билан қовун пишади.

Хоразмликларда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида бир одат бор: улар қайиқларда дарёга сайилга («дарё қидиришмаси») чиқадилар. Ўзлари билан нон, ёғ ва чой олиб бориб, бир неча киши чайла хўжайини ҳузурда меҳмон бўладилар. Хўжайин, одатга мувофиқ, уларни бепул меҳмон қилади. Меҳмонлар бир неча ҳафта давомида қовун ва қовурилган балиқ еб ётадилар. «Дарёга чиқиш, қайр қовуни ва қовурилган балиқ билан сийланиш» ҳар бир шаҳарликнинг орзусидир.

Юқорида қайд қилганимиздек, неолит даврида балиқчилик хоразмликларнинг хўжалик турмушида деярли биринчи ўринни эгаллаган. Кейинчалик у иккинчи даражали роль ўйнаган. Бироқ қайр деҳқончилиги шароитида одатга мувофиқ у ўзининг етакчи вазиятини сақлаб қолган. Эронда ва Хуросонда хоразмликларни «моҳихўр хоразмий» (балиқхўр хоразмий) деб бечиз атамаганлар<sup>61</sup>. Улкан саҳролар қуршо-вида бошқа областлардан ажралиб қолган хоразмликларнинг турмушида чорвачилик маҳсулотларидан ташқари, минглаб йиллар давомида қовун, балиқ, қовоқ ва ёввойи жийда катта роль ўйнаган ва улар очлик «қовун пишиши биланоқ, хоразмликдан қочади, шунингдек у Амударё бошларида яшовчи аҳолидан ҳам тут пишиш билан қочади» деб асоссиз айтмаганлар. Ҳақиқатан ҳам, Ўрта Осиёнинг жанубида ва Афғонистонда «тут пишиди, ют қочди» деган мақол кенг тарқалган.

«Қашшоқлар овқати» Хоразм кўчманчи деҳқончилиги—чорвачилик хўжалигининг биринчи босқичи билан боғлиқ бўлган минимум маҳсулотлардан иборат бўлиб, у Хоразмдаги қадимги аҳолининг асосий озиқ-овқат ўлчамини ташкил этган.

Лиманли суғорниш асосида аста-секин деҳқончиликнинг анча интенсив усулларига ўтиш ибтидоий деҳқонларни тор ва барқарор бўлмаган қайр полосаларида сарсон бўлиб юришдан, қайр атрофида ўтлаб юрган чорваларни ҳайдаб овара бўлишдан ва шу кабилардан қутқазди ва уларнинг ғоят чекланган фаровонлигини анча мустаҳкамлади.

<sup>60</sup> Совун—сут, чабоқ—майда балиқ.

<sup>61</sup> Абутоҳир Тортусий, *جنکنامه امير اباسلم صاحبقران* Тошкент, 1910.

## ХОРАЗМДА ИЛҚ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА СУНЪИЙ КАНАЛЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

### 1. ИЛҚ ТЕМИР ДАВРИ ЕДГОРЛИКЛАРИ. БОШ КАНАЛЛАРГА УТИШ

Бундан аввалги бобда макон № 6 ни тасвирлаб, биз бу маконни сув босганлигини ва унинг устида аллювиал бўз тупроқли иккинчи тақирсимон пўстлоқ ҳосил бўлганлигини аниқлаган эдик. Мана шу иккинчи қатламда ёрғучоқ идишлари ва ҳоказоларнинг синиқлари топилди. Иккинчи маконнинг кулолчилик материали, макон № 6 га нисбатан, ибтидоий маданиятнинг ривожланишида унинг келгуси босқичи эканлигини характерлаб беради. «Тақир усти» маданиятининг кулолчилик буюмлари асосан макон № 6 учун хос бўлган ташқи кўринишни сақлаб қолган. Бироқ буида пишириш сифатининг бир оз яхшиланганлиги, лой қорилмасининг бир оз дағаллашганлиги, чизма ва ўйма нақшнинг соддалиги ва айниқса ялтироқ бўёқли кулолчилик идишларнинг Анов типига кирувчи умуман ялтироқ идишларнинг йўқлиги кузатилади.

Тақир усти маданияти ўзининг мана шу белгилари билан унга мувофиқ бўлган Тозабогёп ва Сувёрган маданиятларидан фарқ қилади. Идишлар сиртига ишланган чизма ва ўйма нақшлар ўзининг соддалиги жиҳатидан Анов III охири ва Анов IV маданиятининг шу типдаги сопол идишларига жуда ҳам ўхшайди. Идишга асосан бошоқсимон нақш берилган, деворчалари юмолоқ-қабариқ, туби фақат ясси қилиб ишланган. Шу билан бирга идиш тубининг четлари Тозабогёп идишларига қараганда ташқарига кўпроқ чиқиб туради. Булар билан бир вақтда оғиз томони тўғри ва паст қилиб ишланган ёки ташқари тамонга, кескин қайрилган идишлар ҳам учрайди. Умуман, бу даврда илқ қадимги Хоразм идишларининг прототиплари яратилди.

Бу маданият қадимги суғорилган ерларнинг барча территориясида тарқалган бўлиб, Амиробод маданияти деб аталади<sup>1</sup>.

Жонбосқалъадан жануби-шарқ томонда Амиробод маданияти ёдгорликлари тақирсимон аллювиал соз тупроқлар устида кенг полоса бўйлаб тарқалгандир.

Амиробод маданияти ёдгорликларини ўрганиш натижасида унинг сўнгги бронза давридан бошлаб, то сунъий каналлар барпо этилиш давригача ривожланишини кузатишимиз мумкин.

Бу даврда, яъни илқ темир даврида Хоразмнинг ибтидоий деҳқонлари турмушида, афтидан, катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берган бўлса керак: янги Амиробод маданиятининг намояндalари қадимги суғорилган ерларнинг деярлик ҳаммасига ва чап соҳил Хоразм

<sup>1</sup> Унинг ёдгорликлари биринчи марта Хоразм археологик экспедицияси томонидан қадимги суғорилган ерларнинг ғарбий қисмида, ҳозирги Амиробод канали воҳасига туташган территорияда топилгани учун шундай ном берилган. (Қаранг: С. П. Толстов, Древний Хорезм, 68—70-бетлар).

перифериясининг жануби-ғарбий қисмига жойлашадилар. Гарчи қишлоқлар Сувёрган, Довдон бўйларидаги тошқин сувлари босадиган районларда ва узун «уйлар» бўйидаги пастлик жойларда жойлашган бўлса ҳам, аммо бу вақтда аҳоли суғорма деҳқончилик билан шуғулланар эди. Шунинг учун ҳам сув режимининг ўзгарувчанлиги энди деҳқончилик жамоаси аъзоларини сув ёқаси бўйлаб гоҳ юқорига, гоҳ пастга кўчиб юришга мажбур қилолмас эди.

Қадимги бош каналларнинг деярлик ҳамма асосий ўзанлари мана шу узун «уйларга» ёнма-ён жойлашган. Бош каналларнинг сақланиб қолган қирғоқ кўтармаларида Амиробод маданияти ёдгорликларининг типик намуналари тез-тез топилиб туради.

Биз ана шу фактларга асосланиб сунъий суғоришнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихий процессининг баъзи бир қонуниятлари ҳақида тасаввур ҳосил қила оламиз.

Деҳқонларнинг ижтимоий тараққиёти шу даражага бориб етдики, табий оқар сув миқдори камайган сари, жамоа аъзолари ташкилий равишда ўз далаларига сувни сунъий йўл билан келтириш чораларини кўра бошладилар. Каналлар сони, Мисрда Ўрта подшолик<sup>2</sup> тарихида юз берганидек қонуний равишда орта борди. Натижада каналларнинг боши борган сари юқорига сурила бориб, дарёгача бориб етди. Бу эса, ўз навбатида, айрим канал сонларининг жуда камайиб кетишига ва ягона бош канал барпо этишга олиб келди.

Шундай қилиб, ҳозир бизнинг қўлимизда етарли миқдорда материаллар борки, биз буларга таяниб, Д. Д. Букиничнинг Амударё дельтасида ибтидоий суғорма деҳқончилик маданияти бўлмаган Амударё дельтасида маданият фақат сўнгги даврлардагина жуда тараққий этган, шунинг учун у Нил ва Фротдек тарихий дарё бўлолмайдиган фикрининг асоссиз эканлигини исбот қила оламиз.

Биз бу ерда сунъий суғориш каналларига ўтишнинг фақат умумий схемаси устида тўхталдик. Бу схемадаги кўп масалаларни комплекс археологик экспедицияларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўли билан янада аниқроқ ёритишни талаб қилади.

Эрамизгача бўлган I минг йилликдан бошлаб, Амиробод маданияти бу даврнинг ижтимоий турмушидаги ўзгаришлар билан бир вақтда кенг тараққий этади. Бу ўзгаришларнинг моҳиятини ҳозирча аниқлаб бўлмаётир. Аммо бу массагет қабилалари иттифоқи ҳукмрон давр бўлганлиги, бу вақтда Окс-Яксарт ҳавзаси этакларида яшаган сак қабилалари ичида тез-тез тўқнашишлар бўлиб турганлиги аниқланди. Геродотнинг массагетлар томонидан скифларнинг бир қисмини жануби-шарқий Европага қисиб чиқарилганлиги тўғрисида берган хабари (Геродот, Тарих, IV, II) массагетлар иттифоқининг кучайганлигини ва Хоразмни марказ қилиб олиб йирик-йирик снъсий бирлашмаларнинг вужудга келтирилганлигини кўрсатади. Геродотнинг худди шу асариде Жанубий Туркманистондаги воҳа (Акс дарёсининг водиси) ахмонийларгача бўлган даврдаёқ хоразмликларга қарашли бўлганлиги ҳикоя қилинади (Геродот, Тарих, IV, 201).

Хоразмнинг ўнг томонидаги қадимги суғорилган ерларда ер устига қурилган катта ёдгорликлар йўқ. Бироқ втулкасимон икки парракли ясси, асос томони камон ўқлари кўп топилади. Бу ўқлар тип жиҳати-

<sup>2</sup> И. Лурье и др., Очерки по истории техники древнего Востока, М.—Л., 1940 131—133-бетлар.

<sup>3</sup> Д. Д. Букинич, История первобытного земледелия Закаспийской области в связи с вопросом о происхождении земледелия и скотоводства, ж. «Хлопковое дело» 1924, № 3—4, 110-бет.

дан эрамизгача бўлган VII—VI асрлардаги илк скиф ўқларига ўхшайди.

А. И. Тереножкин томонидан 1937 йилда Бургутқалъа тақирларида топилган Амиробод типидagi бир неча идиш ҳам ўша даврга тааллуқлидир. Бу идишлар, Тереножкиннинг фикрича, кулолчилик чархисиз ҳеч нарса аралашмаган лойдан ишланган ва оловда пиширилган<sup>4</sup>.

С. П. Толстов бу идишлар билан Шарқий Европанинг илк скифлари кулолчилиги ўртасида яқин ўхшашлик бор деб кўрсатади<sup>5</sup>.

Энди биз Амударёнинг тарихий давргача бўлган бошқа бир чап қирғоқ тармоғи — Довдон билан боғлиқ бўлган ўнг қирғоқ Хоразмнинг жуда қадимги замон ёдгорликларини кўздан кечирамиз.

Бу чап қирғоқ Хоразм воҳасининг чеккаларига бориб ёндашган узоқ саҳро полосаси — Вос ва Чирмонёп районларидан иборат бўлиб, улар Шимолий Қорақумда жойлашган ва Дарёлиқ ҳамда Сариқамиш чуқурлигидан анча жанубдадир ва ўнг қирғоқдаги шу каби районларга нисбатан археологик жиҳатдан кам ўрганилган. Ҳозирда саҳро бўлиб-ётган бу жуда улкан полосада кўпдан-кўп қирлар бор.

Пасттекисликнинг ҳар ер-ҳар ерида қад кўтариб турган қирлар ясси тоғ қолдиқларидир: Бўтантов, Манқир, Тўзқир, Ториқай, Тойқир, Қалъалиқир, Кўзалиқир ва бошқалар қадимги учламчи давр текислигининг қолдиқлари, атрофдаги жойлардан 20—40 метр ва бундан ҳам баландроқ кўтарилиб туради ва уларнинг усти тошлоқ-шўрхоқ, тошлоқ-гипсли ва қумли бирикмалар билан қопланган. Мана шу асосий қолдиқлардан ташқари, барча территориянинг усти дарё ва кўлларнинг турли чуқинди қолдиқлари билан қопланган. Чирмонёп районда лойқадор бирикмали дарё чуқиндилари кўп бўлиб, уларнинг ости қора қумнинг йирик заррачали сариқ қумлари билан бир-бирига аралашиб ётади. Шимолга - томон борган сари лойқа қатлам қалинлашиб боради ва унинг тагида слюдали кулранг қум қатламчаси пайдо бўлади, бунинг остида, янада чуқурроқда — дарё чиғаноқлари аралашган кулранг қум одатда дарёнинг лойқа қатлами остида учрайди.

Дарё қатламларининг умумий қалинлиги баъзи жойларда жуда каттадир.

Бугун территорияни кўпдан-кўп қуриб қолган ўзан ва тармоқлар кесиб ўтади. Бу ўзан ва тармоқларда жуда қадим замонларда Амударё сувлари ғарбга, Сариқамиш чуқурлигига чиққунча дайдиб юрган.

Хоразм воҳасининг маданий полосаси чеккасида катта-катта бархан далаларга тўла тўлқинсимон қум саҳросидан иборат Қорақумдан ташқари, қум бошган катта-катта майдонлар ҳам учрайди. Бу каби қумли майдонлар воҳанинг жанубий қисми бўйлаб, Қорақумга яқин жойда ҳаммадан кўп бўлиб, бу ерда Қорақум қумлари шимол томонга силжиган ва Чирмонёп бўйлаб ётган қадимги суғорилган ерлар деярли қум остида қолган.

Хоразм пасттекислиги чап қирғоқ қисмининг қадимги аллювиал қатламлари қат-қат бўлиб ётган лойқали-балчиқ, балчиқли ва созтупроқли грунтлардан иборат бўлиб, кўп ҳолларда шўрланмаган ёки жуда оз шўрлангандир. Уларнинг химиявий таркиби бой ва шўрхоқлар билан бирга говак қум қатламларининг яқин ётиши туфайли суғориш учун жуда қулайдир<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> А. И. Тереножкин, О древнем гончарстве в Хорезме, Уз ФАН СССР Аxbороти, 1940, № 6, 1 табл., 1—2—фиг.

<sup>5</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 77-бет.

<sup>6</sup> Н. А. Димо, Почвенные исследования в бассейне р. Аму-Дарьи, Ежегодник Отдела зем. улучшения, II., 1914 г., ч. II, 385-бет.

Чирмонёп буйидаги бу сахро полосасида ва ундан бир оз шимол-роқда чап қирғоқ Хоразмнинг жуда қадим замон ёдгорликлари топилди. Бу ерда 1939 йилда С. П. Толстов раҳбарлигида ўтказилган археологик қидириш ишлари анча тахминий тартибда юқорида кўрсатиб ўтилган «қирлар» да, ёки туркманча айтганда «ғирлар» да жойлашган шаҳарларни ва қалъаларни текшириб чиқди; С. П. Толстов ёдгорликларнинг кўпини эрамизгача бўлган I минг йилликдан бери мавжуд деб кўрсатади. Бу аҳвол ўз навбатида текширилаётган районнинг сув билан таъминланиш масаласини изоҳлашни талаб қилади, бунга XI асрда биринчи бўлиб хоразмли Беруний эътибор берган эди. Юқорида айтганимиздек, Беруний бу районнинг сув билан таъминланишини ҳали ҳозирги Хоразм воҳаси вужудга келмасдан аввал Амударёнинг асосий ўзани Сариқамиш чуқурлигига оққанлиги билан боғлайди. Унинг фаразича Амударё ўз ўзанини ўзгартирган ва Хоразм билан Журжон орасидан Маздубаст деб аталган тармоқ орқали оқиб, Қорақум томонига йўл олган. Унинг буйида кўп вақтлар давомида жуда кўп қишлоқлар мавжуд бўлган, аммо булар кейинчалик тушкунликка учраган, бу қишлоқларда яшаган халқ Хазар (Каспий) денгизи буйига кўчиб кетган. Булар Алон ва Ослар эди, шу сабабдан Алошларнинг тили Хоразм тили билан Бижноқ тили аралашмасидан иборатдир<sup>7</sup>.

Беруний Маздубаст ўзани Сариқамиш билан қуйидагича боғлиқ бўлганлигини қайд қилади: У «кўл билан (Орол билан — Я. Ф.) Сариқамиш ўртасидаги масофа катта эмас, аммо Сариқамиш кўли, унга сув келмаганидан қуриб қолди ва шўрхак жойга айланди»<sup>8</sup> деб айтади.

Беруний Маздубаст ўзани Питнак райониغا яқин бир жойдадир деб ҳисоблайди.

Бироқ ундан кейин дарё қаерга қараб оққан? У жануби-ғарбга, Унғуз томонига бурилганми, ёки Хоразм воҳаси чеккалари томон оққанми? Биринчи тахмин Қорақумнинг бу районида дарёнинг Унғузга бориб чиққанини кўрсатувчи излар бўлмагани учун ўз-ўзидан пучга чиқади. Бундан ташқари, ҳозир гидрогеологлар Унғузнинг ўзан эмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилдилар.

Санжар султон ва Тўрабекхоним ҳақидаги кейинги вақтларда тўқилган афсонада акс эттирилган иккинчи вариант қолади. Бу афсонанинг тимсоли ҳали Беруний замонасида мавжуд бўлган афсона бўлган бўлса керак. Бу афсонага мувофиқ, Амударё, унинг йўлини Питнак яқинида тўсганларидан сўнг, ортиқча тошқин сувларидан ҳосил бўлган қатор кўллар занжири жойлашган ерлардан воҳа чеккаси бўйлаб Қорақумга оқа бошлаган. Бу кўлларни аҳоли Амударёнинг эски ўзани деб ўйлайди ва уни «Дарё ағнаган» (дарё ўпириб кирган жой) деб атайди. Хоразмликлар Хазорасп районидаги Боғот қишлоғидаги 10 км жануброқда жойлашган Безганик қишлоғи ана шу ўзан қирғоғида қурилган ва Амударё кемачилари ўз қайиқларини қачошлардир қари

<sup>7</sup> ВДИ № 1, 1941, 193-бет.

«مجرى يعرف بوادى مزدبست فى المازة التى بين خوارزم و جرجان قعر بقاعا كثيرة زمنا مديدا وخراب ايضا فانتقل سكانها الى ساحل بحر الخزر و هم جنسى الالان و الاس و لغتهم الان متر كبة من الخوارزمية و البجنا كية»

«و بين هذه البحيرة و التى كانت لوادى مزدبست مسافة غير بعيدة»  
«وقد صارت تلك سبخة و حلة لانتاحض»



катта тут дарахтига боғлаб қўйганлар деб ишонадилар. Бу тут дарахтининг қолдиқлари (диаметри тахминан 4 м келади) то 1935 йилгача сақланиб қолган эди.

Хоразмнинг маҳаллий тарихчиларидан бири бу кўллар занжирини афсонавий подшо Фаридун<sup>9</sup> томонидан қурилган сунъий канал дейди. У XIX аср адабиётида «Тунударё» ёки «Зайкаш» номи остида маълум бўлган кўллар системасига мувофиқ келади. Масалан, Н. Петрусевич 1871 йилда бу жойлар ҳақида халқ ўртасида тарқалган маълумотларни тўплаб, бу кўллар занжирини «Тунударё» номи остида, тилга олади. Тунударё деган сўз оқими тўхтаган дарё демакдир<sup>10</sup>.

В. Лохтин ҳам Тунударё деб аталадиган бу кўллар занжирини тасвирлайди. Унинг сўзларига қараганда, Тунударё Хазорасп шаҳри ёнидан бошланиб, Хева шаҳрининг олдидан унинг жанубий чеккасидан оқиб ўтади ва Бешиққир адирида, сўнгра эса Чигиликириш баландлигига йўл олиб, шу ерда йўқ бўлиб кетади. Яссиқир, Қалалиқир ва Дузқир баландликлари ёнида у яна пайдо бўлади ва Ажинқуйи қудуқларигача бориб етади. Тасвир этилган ўзан ҳақиқатан ҳам Хева воҳасининг жанубий чегарасига мувофиқ келади<sup>11</sup>.

А. В. Каульбарс «Зайкаш тармоғи» га эътибор беради. Бу тармоқ каттагина дарё бўлиб, шу номли кўлдан оқиб чиқади. Каульбарснинг Зайкаш тармоғи ҳақида айтган сўзларига қараганда, у баъзи жойларда эски ўзанга ўхшайди ва шу нарса маълумки, бу тармоқ «ўзининг илон изи каби эгри-бугри оқими билан Ёвмут уруғига кирувчи ғазовот туркманларининг ерларини ва боғларини жануб томондан ўраб олган, Бадиркат қалъасидан жануб томонга оқиб, Исмамутота қабри ёнидан ўтади, сўнгра Омонқорақулоқ қишлоғи ёнида эса бирданига ғарбга бурилади ва қаердадир қумлар ичида ғойиб бўлиб кетади». Унинг кейинчалик қаерга оқиши ҳақида маълумотлар йўқ<sup>12</sup>. Каульбарснинг тафсилоти XIX ва XX аср картографик маълумотларига мос келади. Тунударё ёки Зайкаш шу номли йўлдан оқиб чиққандан кейин ҳақиқатан ҳам ўзансимон характерга эга бўлади ва Ғазовот каналлар системасининг охирида ортиқча сувлар тўпланган жойлар билан қўшилиб, Чирмонёпга чиқади ва бу ерда Жанубий Довдон билан қўшилиб кетса керак.

Юқорида айтилганлар Берунийда «Маздубаст» номи остида тилга олинган тармоқни ҳозир «Тунударё» ёки «Зайкаш» номи билан юритиладиган кўллар системасининг ва ундан оқиб чиқадиган ўзаннинг қадимги номи деб тахмин қилишга имкон беради.

Бироқ XIX ва XX асрда ўтказилан геологик текширишлар Питвак ва Хоразм воҳалари бир-биридан учламчи даврда пайдо бўлган баландлик рельеф билан ажралиб турганлигини кўрсатади. Бу ҳол уларнинг ҳар иккаласи битта қадимги ўзан орқали қўшилган бўлиши мумкин эмаслигини аниқ кўрсатади. Иккинчи томондан, у ердаги мавжуд кўлларни бир-бири билан боғлаган ҳеч қанақа қадимги ўзан изи йўқ. Гарчи автор бу текширилаётган масалани аниқлаш мақсадида 1936 ва 1937 йилларда бу жойларга борган бўлса ҳам, аммо ҳеч қандай натижага эриша олмади.

<sup>9</sup> دل غرائب خوارزم ننگ جنوبهسى فریدون  
تنگ چقارغان اریغی دور.

<sup>10</sup> Н. Петрусевич, Сообщение об исследованиях Аму-Дарьи и ее древних русел, Известия, РГО, т. XV, 1879, 126-бет.

<sup>11</sup> В. Лохтин, Река Аму и древнее соединение с Каспийским морем, СПб., 1879, 14-бет.

<sup>12</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарьи, СПб., 1873, 384—386-бетлар.

Зайкашнинг, Зайкаш номли кўлдан оқиб чиққандан кейин, ўзансимон характерда бўлиши — аллювиал қатламлардан илгари мавжуд бўлган пастликда<sup>13</sup> вужудга келган кўлнинг ортиқча сувлари шимолий Довдоннинг кучли тошқинлари ҳосил қилган жанубий дара орқали ўзига йўл очганлиги билан ёки бу дарани ана шу сув оқимининг ўзи аста-секин воҳанинг табиий чегараси бўйлаб сизиб ўтиб ҳосил этганлиги билан ифодаланади; Жойнинг рельефи Шимолий Қоракум<sup>14</sup> қисмида оқимни ўзига бўйсундирган ва Хоразм пасттекислигининг умумий нишобига мувофиқ ғарб томонга йўл олган ва ўз йўлида бир қатор тизма кўлларни вужудга келтирган. Бу кўллар ирригацион лойқаларнинг суғориладиган ерларда<sup>15</sup> тўпланиб қолиши туфайли аста-секин торайган, чунки ортиқча сувлар ичидаги лойқалар асосан кўлнинг воҳа томонидаги қирғоғига чўккан. Лойқали чўкмаларнинг тўпланиши ва кулрангли йирик заррачали Амударё қумларининг йўқлиги бу ерда қадимги ўзанининг излари йўқ эканлигини кўрсатувчи ишончли далил бўлса керак<sup>16</sup>.

Шундай қилиб, ҳозирги фан Амударёнинг воҳа чеккалари бўйлаб жойлашган Тунударёдан Сарикамиш районига оққанлигини тасдиқламайди<sup>17</sup>, шу сабабдан «Маздубаст» ўзани афсонавий ўзандир.

Эски дарё — «Довдон»га келганда иш бошқачадир; бу ҳақиқий дарё ўзани бўлиб, бунда дарёнинг ёки унинг тармоғининг аввалги оқими ҳақидаги барча характерли белгилар мавжуддир.

Амударёнинг ўз қирғоқ бўйи полосасидаги қатламлардан сўнгги Довдоннинг бошланган жойи аниқланган эмас.

В. В. Цинзерлинг уни Шоҳобод канали бошланган жойда ўрнашган дейди<sup>18</sup>, Д. А. Архангельский эса у Янги Урганч ва Хонқадан бир оз шарқроқда, Чатқўпир пунктдан тахминан 20 км жануби-шарқда деб тахмин қилади<sup>19</sup>. А. В. Каульбарс Ғозиобод ва Шоҳобод каналларини қуришда Довдон ўзанидан фойдаланилган деб ҳисоблайди<sup>20</sup>.

А. В. Каульбарс 1873 йилда Довдонни текшириб чиқиб, у тўғрида мукамал тафсилот берди. У Довдон системасига Хоразм воҳасининг жануби-ғарб ва ғарбий чеккаларида излар бўлган учта ўзанини киритади:

1. Зайкаш деб аталувчи тармоқ, у баъзи жойларда Жанубий Довдон билан қўшилиб кетади.

2. Жанубий (Змухшир) Довдон, у Ғозиобод ва Шоҳобод каналлари ўртасидаги қум полосаси бўйлаб ўтади.

3. Шимолий (Иляли) Довдон.

А. В. Каульбарс Жанубий Довдонни тасвирлар экан, уни бошидан охиригача тармоқ характерига эга эканлиги, суви қаердадир тўхтаб қолиб тинганлигини қайд қилади. Ўзан Змухшир харобалари яқи-

<sup>13</sup> А. Гедройц ортиқча сувларни тушириш учун фойдаланиладиган жуда кўп бундай чуқурликларни кўрсатиб беради. Предварительный отчет о геологических исследованиях на старых руслах Аму-Дарьи, Известия РГО, т. XVIII, вып. II, 1882, 91-бет.

<sup>14</sup> А. Д. Архангельский, Геологические исследования в низовьях Аму-Дарьи, 120—121-бетлар.

<sup>15</sup> В. М. Георгиевский, Южный Хорезм, 108-109-бетлар.

<sup>16</sup> В. М. Георгиевский, Геологическая карта Южного Хорезма по гидрогеологическим исследованиям 1925—1935 гг. приложение.

<sup>17</sup> Бу жойларни текширган А. Гедройц Н. Петрусевичнинг Тунударё ҳақидаги фикрларини рад қилади (Известия РГО, т. XVIII вып. 42, 1882, 90-бет).

<sup>18</sup> В. В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, 389-бет.

<sup>19</sup> Д. А. Архангельский, Геологические исследования в низовьях Аму-Дарьи, 8-бет.

<sup>20</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарьи, Известия РГО, т. XI, 366-бет.

нида ғойиб бўлади, бироқ аҳоли Довдон Змухшир ёнидан ғарб томонга оқиб ўтган деб хабар беради. Текширувчилар Довдоннинг тошқин суви босадиган жойларни қамиш босганлигини ва улар анча катта майдонни ташкил этганлигини аниқладилар. Шунга асосланиб, А. В. Каульбарс Довдоннинг тошқинлари илгари жуда катта бўлган ва тармоқ кўлини эслатган деб тахмин қилган. Шимолий Довдон бошқача характерга эгадир — унинг бошланган жойидан асар қолмаган. Дастлаб (Чигатой шаҳри райониди) у балчиқли пастқам ердан иборат бўлиб, унинг қирғоқлари аниқ кўриниб турмайди ва онда-сонда чучук сувли халқоб жойлар учрайди. Тошовуз райониди ўзан бошқача кўринишга эгадир — айрим-айрим сув халқоблари бир-бири билан қўшилиб, ягона оқим ҳосил қилади ва сув тошиб чиққан жойларни қамишзорлар босган. Шимолий Довдон ўзанининг сув билан тўлишини бу ерда унга Жанубий Довдоннинг ва Шоҳобод каналнинг суви келиб тушиши билан ифодаланади. Шунга қарамай, А. В. Каульбарс Шимолий Довдонда оқим деярли йўқ, сув бу районда Шимолий Довдонни ва унинг ёйсимон тармоқларини тўлдириб, бир жойда оқмай туради деб қайд қилади. Иляли шаҳри райониди ёппа тошқинлар яна бир-бири билан боғланмаган айрим-айрим халқоблар билан алмашинади. Иляли шаҳридан ғарброқда Шимолий Довдон ўзани деярли қуруқ бўлган<sup>21</sup>.

Сўнгра А. В. Каульбарс Довдоннинг фараз қилинган тармоқларининг ҳар бирини алоҳида, батафсил тасвирлайди.

А. В. Каульбарс ўз текширишлари натижасида баъзи жойларда Зайкаш билан қўшилиб кетган Жанубий Довдон даштнинг жанубий қисмини сув билан таъминлаган бўлса керак, агарда унинг сувлари қачовлардир Сарикамиш кўлини Каспий денгизи билан бирлаштирган Ўзбой ўзанига чиққан бўлса, бу боғланиш Сарикамиш кўлидан чиққандан сўнг содир бўлган деган хулосага келган. Ҳозир қумлар остиди қолиб кетган Шимолий Довдон эса Жанубий Довдоннинг бирон тармоғидан бўлиб, суви кўпайган ва икки тармоққа бўлинган бўлиши мумкин. Бу тармоқлар Уриндарёнинг жанубидаги катта майдонни суғориб, яшнатган. Ниҳоят бу тармоқларнинг ҳаммаси Туйнукли деган пастлик чўкмада бир-бирига қўшилган ва чўкмадан ортиқча сув Сарикамиш кўлига бориб тушяган. Сарикамиш кўли жуда кўп каналларнинг ва Амударёнинг илгариги оқимларининг ортиқча сувларини ўзида тўплайдиган катта резервуар бўлиб, унинг катта бўлиши сабабини ҳам мана шу билан тушунтириш мумкин.

Каульбарснинг фикрича, Скобелевнинг Шоҳсанам<sup>22</sup> яқинида кўрган катта канали сунъий равишда илгариги ўзан таги бўйлаб ўтказилгандир. Шоҳсанам каналига тушадиган сув Жанубий Довдондан келган, Жанубий Довдоннинг ўзи эса даштда бирон жойда Зайкаш тармоғидан сув олган бўлса керак.

Бизнинг Жанубий (Змухшир) Довдон ва Зайкаш тармоқлари ҳақида билганларимиз ана шулардан иборатдир. Унинг ғарбий боши қаерда эканлигини биз билмаймиз; бундан ташқари полковник Стебницкийнинг<sup>23</sup> оғзаки суриштириш йўли билан тўплаган материалларига кўра, Ўзбой (Сарикамиш билан Каспий денгизи ўртасидаги эски ўзани шу ном билан атайдилар) Қуртиш қудуғи ёнида (Игдидан 50 чақирим юқориқда) Амударё бўйидаги Чоржўй тарафига ўзидан

<sup>21</sup> А. В. Каульбарс, Юқорида кўрсатилган асар, 374—384-бетлар.

<sup>22</sup> М. В. Скобелев, От Замукшира до колодца Орта-Кую, Известия Кавказского отделения РГО, т. II, 1874, СПб., 166—177-бетлар.

<sup>23</sup> М. И. Стебницкий, Отчет о путешествии в Закаспийском крае в 1872 г., Известия Кавказского отделения РГО, т. II, 1874, 7-бет.

иккинчи тармоқ чиқаради. Эҳтимол мана шу тармоққа Жанубий Довдон келиб қўшилгандир<sup>24</sup>.

Шундай қилиб, сўз юритилаётган саҳро полосасида турли системага қарашли ўзанлар мавжуд бўлиб, булар асосан ва ҳатто фақат Довдоннинг эски дарёси билан боғлиқдир. Шу билан бирга, юқорида кўрганимиздек, бу ўзанларнинг ҳаммаси ўз йўлини доимо ўзгартириб турган. Шимолий Довдон ҳам ва Жанубий Довдон ҳам узоқ вақт давом этган гидрогеологик процесс натижасидир. Бу процесс чап қирғоқда сунъий каналларнинг вужудга келиши учун имконият яратиб берган.

Биз бу жойда шу муносабат билан юзага чиқадиган Ўзбой масаласи устида тўхталмоқчи эмас эдик. Бу масала икки юз йилдан ортиқроқ тарихга эгадир, аммо ҳозир уни узил-кесил ҳал қилинди деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбой ҳақиқатан ҳам дарё ўзани бўлиб, у Сарикамиш чуқурлигини Каспий денгизи билан бирлаштирган. Шунинг учун Ўзбойнинг фаолияти Сарикамиш чуқурлигига қўйиладиган сувнинг миқдори га бутунлай боғлиқ бўлган. Сарикамиш чуқурлиги ўрта асрларда ўқтин-ўқтин Амударё сувлари билан тўлган ва сув кўп миқдорда келган пайтларда у қуруқ Ўзбой ўзанига чиққан. Демак, Амударёдан келадиган янги сувларнинг Сарикамишда буғланиб ва ерга шимилиб кета олмай ва Сарикамишга сизмай қолган ортиқча қисми Ўзбойга даврий равишда тушиб турган ва оққан. Умуман олганда Ўзбойга тушадиган сув Амударё сувининг кичик бир қисмини ташкил этган. Шу сабабли Ўзбой Амударёнинг қадимги ўзани деган илгари жуда кенг тарқалган фикр нотўғридир. Чунки, биринчидан, Ўзбой ўзани кичик бўлиб у мунча сувни сиғдира олмаган, иккинчидан, Ўзбой ҳеч бир вақт Амударёнинг бевосита давоми бўлмаган, у Сарикамишдан мустақил дарё бўлиб оқиб чиққан<sup>25</sup>. Ўзбойга сув келиши Сарикамишда ортиқча сув бўлишига бутунлай боғлиқ бўлиб, у ҳам ўз навбатида Сарикамишга тушадиган сув миқдори га бутунлай боғлиқ эди.

Агар А. Глуховский ва Ф. П. Моргуненковларнинг гидрографик ҳисоблашларини асос қилиб олсак, Ўзбойда етарли миқдорда сув оқиб туриши учун Амударёнинг 15—20 процент суви кифоя қиларди. География институти экспедициясининг маълумотларига кўра, тарихий даврда ва ибтидоий даврнинг тарихий даврга энг яқин вақтларида Сарикамиш чуқурлиги Амударёнинг асосий ўзанидан эмас, балки унинг анча катта бўлган тармоғидан сув олиб тўлган<sup>26</sup>. Қадим замонларда Довдон, ўрта асрларда эса Дарёлиқ ана шундай тармоқлардан ҳисобланган.

Берунийнинг сўзларига қараганда, XI асрда Дарёлиқ орқали Амударё Сарикамиш билан боғланмаган ёки боғланиш белгилари бўлмаган<sup>27</sup>, шу сабабли биз қадимги замонларда Сарикамиш Довдондан сув олган деб тахмин қиламиз. Довдоннинг йўлини ўзгартириб турган қуруқ ўзанлар характерига ва катта-кичиклигига қараб, бу ерда биз

<sup>24</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарья, Известия РГО, т. XI, 433—436-бетлар.

<sup>25</sup> А. С. Кесь, Русло Узбоя и его генезис, Труды Института географии, вып. XXX, 1939; С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации гл. «Тайна Узбоя», М., 1948.

<sup>26</sup> А. Глуховский, Пропуск воды р. Аму-Дарья по старому ее руслу в Каспийское море, СПб., 1893; Ф. П. Моргуненков и И. А. Севастьянов, Ирригационные перспективы Туркменской ССР, Ташкент, 1925, 76-бет; А. Кесь, Кўрсатилган асар, V боб.

<sup>27</sup> Беруний, ВДИ, 1941, №1, 193-бет.

дарёнинг асосий ўзанини эмас, балки унинг катта бир тармоғини кўрамиз деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Юқорида айтганимиздек, Довдон тармоғи Амударёдан яъни унинг кенгайдиган жойидан бир оз пастроқда Туямўйин дарасидан чиқиб, ажралиб чиққан ва Хоразм текислигини умумий нишоблигига мувофиқ ҳолда шимоли-ғарб томонга оққан. Қуруқ ўзанларнинг йўналишига қараб фикр юритганда, сувнинг бир қисми Сарикамиш чуқурлиги томон оққан ва юқорида айтганимиздек, уни тўлдириб, Ўзбойга оқиб чиққан.

Эҳтимол, Сарикамишни сувга тўлдириш билан бир вақтда сувнинг бир қисми Жанубий Довдон орқали, Ўзбойнинг юқори оқимига кўндаланг равишда, жағубга ва жануби-ғарбга оқиб кетган бўлса керак.

Чирмонёпга ёндошган бутун теварак-атроф узун халқоб сувлик ботқоқликлардан иборат бўлган. Бундай сувликларнинг қуриган излари бўйлаб Чирмонёп ўзани ўтган. Бу ерларнинг шундай бўлганлигидан қуруқ ўзанларнинг ўзгариб турганлигини кўрсатувчи белгилар ва қадимий истеҳкомларнинг фақат қолдиқ баландликларда жойлашганлиги гувоҳлик беради.

Бу ерда бизни қизиқтирган энг муҳим нарсаси — сув ҳавзаларининг фаолият даврини аниқлашдир. Бу масалада қониқарли жавоб олиш учун биз, ҳаммадан аввал, Ўзбойнинг турли пунктларида сўнгги йилларда топилган археологик материалларга мурожаат қиламиз; улар жуда кўп ва асосан неолит даврида чақмоқтошдан ишланган буюмлардан иборатдир<sup>28</sup>.

Худди шундай манзарани қадимги Довдоннинг қуйи ҳавзаси районида ҳам кузатилади<sup>29</sup>. Бу ҳол даставвал, Ўзбойнинг сув ҳавзаси сифатида ҳаракат қилганидан ва унинг атрофида сўнгги неолит даврининг овчилари яшаганлигидан дарак беради. Бизнинг қўлимизда бу ердаги маконларнинг характери ва унда яшовчи овчиларнинг турмуши ҳақида фикр юритиш учун етарли маълумотлар ҳозирча йўқ. Топилган бу материалларнинг тахминий характеристикаси бу ерда Ўзбой бўйлаб асосан овчилар, эҳтимол, балиқчилар ҳам кезиб юрганини кўрсатади.

Ўзбой ва Довдон кўли оқимида қанча вақт давомида сув бўлишига қараб, у ерда катта-катта жамоалар жойлаша олган; бу ерда калта-минорлиларнинг жойлашиши учун барча шароит мавжуд эди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбойда ўтказилган махсус археологик текширишлар унинг қирғоқларида ибтидоий даврда хоразмиларнинг кўплаб яшаганлигини кўрсатади. Эҳтимол, биз келажакда бу ерда ибтидоий даврнинг шундай ёдгорликларини топармизки, улар бу даврга тегишли бўлган ўнг қирғоқ Хоразм ёдгорликларига нисбатан мураккаброқ ва хилма-хилроқ бўлар, чунки бу ерда маҳаллий маданиятнинг Ўзбой ва Қаспий денгизи қирғоқлари орқали Волга бўйи билан ҳам, Жанубий Туркменистон ва Шимолий Эрон областлари билан ҳам қилган алоқалари кучлироқ ўз аксини топган бўлиши керак.

Довдон қуйи оқими районларининг картасини қараб, ҳали жуда ҳадим замонларда, Ўзбойда сув бўлган даврда Хоразмнинг Яқин Шарқ давлатлари билан бўладиган барча қадимги алоқалари, афтидан, Қорақум полосаси орқали, Шахристон йўли деб аталган йўл орқали олиб борилган деб хулоса чиқариш мумкин. Бу йўлдан ўрта асрларда ҳам кенг фойдаланилган. Буни Чирмонёп бўйлаб бу йўл устида қаторасига кетган антик шаҳарлар ва қалъалар мавжудлигидан, шунингдек ўрта асрларда буларда ҳаёт яна тикланганлигидан яхши пайқаб олиш мумкин.

<sup>28</sup> А. Кесь, Кўрсатилган асар, 112-бет.

<sup>29</sup> С. П. Толстов, Итоги работ Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1953 г. ВДИ, 1955, № 3.

С. П. Толстов жуда қадим замон ёдгорликлари бўлмиш Қалъалиқир ва Кўзалиқирни шундай тасвирлайди. Қалъалиқир 1000 × 700 м катталиқда бўлиб, тўғри тўрт бурчакка ўхшаш шаклга эгадир. Кўзалиқир эса ўзи ишғол қилган табиий адрининг шаклига мувофиқ сатҳи 4 квадрат километр келадиган уч бурчакдан иборатдир.

Бу шаҳар харобалари табиий баландликларда жойлашган бўлиб, қалин деворлар билан ўралган. Шаҳарлар харобасининг деворлари икки қатор қилиб солинган параллель тор йўлаксимон бинолардан иборат<sup>30</sup>. Буларга қалъанинг ички томонидан ҳам ёндош қилиб бинолар солинган<sup>31</sup>.

Довдоннинг ўз ўзинини ўзгартириб турадиган тармоқлари томонидан ҳосил қилинган тошқин сувлари ва бошқа сув ҳавзаларида, афтидан, ўнг қирғоқ билан деярли бир вақтда чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи хоразмилар ўрнашган, унгача эса бу ерда анча илгарироқ мавжуд бўлган маданиятлар борлигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Сувёрғанининг ўнг қирғоғидаги каби шароитларга эга бўлган бу сувга бой жойлар бу ерда аҳолининг кўплаб тўпланишига сабаб бўлган ва унинг Орол бўйи чўллари, Каспий бўйи воҳалари ҳамда Олд Шарқ мамлакатлари ўртасидаги йўллар устидаги қулай географик ўрни бу ерда тарихий ривожланиш процессининг тезлашишига ёрдам берган. Сўз юритилаётган чап қирғоқ районида яшовчи аҳоли текисликда молларини боққан, деҳқончилик билан шуғулланган, душман яқинлашиб келган тақдирда молларни қалъа ичига ҳайдаб киритган ва сувни кўплаб гамлаган. Бу шаҳарлар харобаларининг эгаллаган майдонига қараб фикр юргизганда, уларда доимий мудофаачилар сони талайгина бўлган.

Қалъалиқир ва Кўзалиқир кўҳна шаҳарларининг мудофаа системаси анча мукамал бўлиб чиқди. Деворлар ташқи томондан кўпдан-кўп бурчлар билан мудофаа қилинган; Қалъалиқирнинг тўртта дарвозаси бўлиб, улар анча мураккаб лабиринтлар билан ўралган. Лабиринтлар бурчлар билан ҳимоя қилинган. Икки девор ўртасидаги оралиқнинг усти ёпилган.

С. П. Толстов Хоразм, Эрон ва Урта Осиёнинг бошқа областлари антик ёдгорликларидан тўпланган жуда катта қиёсий материални таққослаб кўриб, биз сўз юритаётган шаҳар харобаларининг Хоразм тарихининг жуда эрта даврига тўғри келади, унинг санасини эса VI—III асрларга оид деб кўрсатади.

Шаҳар харобаларининг мавжудлиги бу жойларни эрамизгача бўлган I минг йилликнинг ўрталарида сув билан таъминланганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бизнинг қўлимизда бу ерда Амударёдан сунъий каналлар чиқарилганлиги ҳақида далиллар йўқ, албатта; дастлаб буларнинг ҳаммаси Довдон тошқинларини бошқариб туриш билан боғлиқ бўлган бўлиши мумкин.

Ўзбойда топилган археологик материаллар ва Чирмонёп районидаги ёдгорликлар неолит ва бронза даврларида, шунингдек жуда қадимги антик даврларида Амударё сувларининг анчагина қисми эски Довдон тармоғи орқали Сарикамишга ва у ердан сувнинг бир қисми, эҳтимол, бу чўқурликни айланиб, Ўзбойга қуйилганлигини аниқлаш имкониятини беради. Шу билан бирга Сарикамишнинг жанубидаги Чирмонёп районида ҳам, унинг шимолидаги полосада ҳам Довдон оқими жуда кўп ўзгарувчан тармоқларга эга бўлган.

<sup>30</sup> С. П. Толстов. Итоги работ Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1953 г., ВДИ, 1955, № 3.

<sup>31</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 80-бет.

Биз Амударё тўғрисидаги илк тарихий маълумотларни шарқ мамлакатларнинг тарихи ва географиясига доир бўлган грек манбаларидан оламиз. Эрамизгача V асрда ўтган Геродотнинг «Тарихи» Амударё тўғрисида биринчи бўлиб хабар беради. Қайд қилинганидек Геродот Амударёни Араксдан ажратмайди ва уни доим Аракс деб тилга олади. «Дарё (Аракс) қирқ тармоқ ҳосил қилиб қуйилади, унинг бир тармоғидан ташқари, қолган ҳамма бошқа тармоқлари ботқоқликлар ва халқоблар ичида ғойиб бўлади; бу ерда яшовчи одамларнинг овқати балиқ, устларига эса тюлень терисини ёпиб юрадилар, деб айтадилар... Аракснинг ёлғиз бир тармоғи очиқ ерлардан оқиб ўтади ва Каспий денгизига қуйилади...

Хуллас, Каспий денгизи ғарбдан Кавказ билан чегараланади, шарқ томондан эса унга бепоён текислик келиб ёндошади. Бу бепоён текисликнинг кўп қисмини массагетлар ишғол қилган». (Геродот, Тарих, I, 201—205).

«Тасдиқлайманки,— деб ёзади Страбон,— кўп жойларда тармоқларга ажралиб кетадиган Аракс дарёси (Амударё — Я. Ф.) бошқа дарёларга қараганда бу мамлакатга (Хоразмга — Я. Ф.) кўпроқ сув беради; у ўзининг бутун тармоқлари билан шимолда денгизга бориб қуйилади (Орол денгизи кўзда тутилади — Я. Ф.) ва фақат унинг битта тармоғи Гиркан қўлтиғига қўшилади (Каспий денгизи — Я. Ф.)... Массагетлар ва саклар составига атаслар ва хоразмийлар ҳам киради...

Эратосфеннинг сўзларига қараганда, арахослар ва массагетлар бақтриялиларга яқин ерда, улардан ғарброқда Окс дарёси бўйида яшайдилар... Сакларни сўғдликлардан Яксарт, сўғдликларни бақтриялилардан эса Окс ажратиб туради» (Страбон, География, XI, 6—8-бетлар).

Полибийнинг (эрамиздан илгариги 204—122 йиллар) сўзларига қараганда, апасиақлар Окс (Амударё — Я. Ф.) билан Танаис (Сирдарё — Я. Ф.) ўртасида яшайдилар. Окс дарёси Гиркан денгизига қуйилади. Танаис эса Меотидага бориб тушади. Ҳар иккала дарё ҳам катта ва уларда кемалар қатнайди. Полибий кўчманчиларнинг отлари билан бирга Оксдан қуруқлик орқали ўтиб, Гирканияга боришининг қизиқ усулини қайд қилади. Окс саҳрога оқиб чиққанидан кейин ўз йўлида тик қояларга дуч келади ва сувнинг кўплиги, шунингдек сув оқиб тушаётган қояларнинг тиклиги туфайли, сув тўлқинлари шундай куч билан пастга отилиб тушадикки, апасиақлар ҳосил бўлган шаршара остидаги қуруқ жойдан отлари билан бирга Гирканияга ўтиб кетадилар, деб айтадилар (Полибий, Умумий тарих X, 48-бет).

Искандар юришларида уни шахсан кузатиб борган ва унинг юришларининг энг ишончли тарихчиси ҳисобланган Аристокл Амударё ҳақида бундай дейди: «Хиндистон дарёларидан ташқари, Окс у кўрган дарёларнинг энг каттаси деб айтади; яна у, дарёда кемалар қатнайди ва унда Гиркан денгизига кўп миқдорда ҳинд товарларини ташийдилар, у ердан молларни Албанияга (Кура дарёси этакларидаги область — Я. Ф.) олиб борадилар ва Албаниядан Кура дарёси орқали (Қора) денгизга чиқарадилар дейди»<sup>32</sup>.

Патрокл Селевка даврида (эрамизгача бўлган 312—280 йиллар) Каспий денгизини текширган вақтида Окснинг этагида, унинг шарқий қирғоғига борган<sup>33</sup>.

<sup>32</sup> В. В. Бартольд, Научные результаты Аральской экспедиции, Ташкент 1902, 11-бет.

<sup>33</sup> В. В. Бартольд, Кўрсатилган асар, 13-бет, 4-ноҳ.

Юқорида келтирилган маълумотлардан, айниқса Геродот ва Аристотул маълумотларидан эрамизгача бўлган I минг йилликнинг ўртала-ридаёқ Амударёнинг Орол денгизига қуйилганлиги ва фақат унинг бир тармоғигина Каспий денгизи томонга оқганини кўрсатади. Ўзбойда ўтказилган энг кейинги геологик текширишлар Полибийнинг катта шар-шаралар ҳақида маълумотларини тасдиқлайди. Ҳақиқатан ҳам Куртиш шаршараси ва бошқа шаршаралардан отлик апасиақлар дарёдан ўтиш учун қулай жой сифатида фойдаланганлар.

Сув Ўзбойда Игдидан пастроқда анча тинч оққан. Бу дарёда кемалар қатнаган бўлиши мумкин; Оксда Каспий денгизигача кемалар қатнайди деб Аристобулнинг берган хабарини тўғри деб ҳисоблаш қийин. Агар бу нарса мумкин бўлган бўлса ҳам, кемалар Довдонда қандайдир бир пунктгача қатнаган, сўнгра Чирмонёп орқали қуруқ йўл билан Ўзбой этакларидаги қулай пунктгача боралган.

Шундай қилиб, археологик материаллар Амударёнинг Каспий денгизига қуйиладиган тармоғи борлигини тасдиқлайди. Демак, биз Довдонни Каспий тармоғи деб аталадиган тармоқнинг қуриб қолган ўзани деб ҳисоблашга асосимиз бор, у ибтидий даврда Сарикамиш чуқурлигига қуйилган.

Амударё ҳақида Геродот ва бошқа грек авторлари берган маълумотлардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак, чунки бу ёзувчиларнинг биттаси ҳам Хоразмда бўлмаган ва бу ривоятлар, шубҳасиз, сўнги неолит даврида Ўзбой ўзанига муттасил равишда сув келиб туриши ҳақидаги тахминнинг акс садосидир, шундай экан у, Хоразм географияси тўғрисидаги баъзи ҳикояларнинг ноаниқ такроридир.

Амударёнинг чап тармоғи — Довдон музлик давридан кейинги ибтидий даврда Амударёнинг Сарикамишга оққан актив тармоғи бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас; эҳтимол сув ўқтин-ўқтин Ўзбойга қуйилгандир ва Довдоннинг ўз йўлини ўзгартиб турувчи ўзанлари, Чирмонёп сингари аниқ сезилиб турган ўзанлар ҳосил қилиб, Сарикамишнинг жанубий ва жануби-шарқий чеккаларига сув бергандир. Илк антик даврга келиб Довдоннинг суви борган сари камайди, у фақат Чирмонёп, Қалъалиқир, Кўзалиқир ва ҳоказоларгагина сув бера олади, бу ҳам доимо бўла бермаган. Довдонда сувнинг янада камайиши жанубий Хоразм атрофида сунъий суғоришнинг ривожланишига сабаб бўлди, сунъий суғоришга яна мана шу Довдоннинг юқори оқими асос бўлди.

Шубҳасиз бундан кейинги археологик текширишлар Довдоннинг ҳам, Ўзбойнинг ҳам оқимини ўзгартириб турган даврий тебранишларни ёритиб беради.

Аммо бизни бундан кейин Ўзбой масаласи эмас, балки Амударёдан бошлаб, то Сарикамиш чуқурлигигача бўлган Довдон ҳавзасидаги ўзгариш ва тебранишлар қизиқтиради.

Бу ерда сунъий суғоришнинг вужудга келиши ва ривожланиши, афтидан, худди биз Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қадимги суғорилган ерлар учун аниқлаб берган йўл билан борган.

## 2. ҚАДИМГИ ХОРАЗМНИНГ ИРРИГАЦИОН ХУЖАЛИГИДАГИ ЮКСАЛИШ

Ўнг қирғоқ ва чап қирғоқ қадимги суғорилган ерларнинг умумий тарихий топографик кўриниши Хоразмнинг ижтимоий ҳаётида бўлиб ўтган катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардан дарак беради.

Биз эрамизгача бўлган VI—III асрлардаги шаҳар харобалари маданиятида деярли бевосита кетма-кет катта магистраль каналлар вужудга келганини кўрамяз.



«Кангуй даври» деб аталадиган турли типдаги шаҳар орасида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги анча эрта қурилган канал бўйида жойлашган Бозорқалъа алоҳида диққатга сазовордир. Шаҳар харобалари қадимги катта «Узун уй» пастлиги ёнидаги текисликда жойлашган. У катта, деярли квадрат шаклдан иборат қўра бўлиб, ҳар томони тахминан 0,5 км га чўзилгандир. У қўш деворлар билан ўраб олинган ва деворлар ўртасида кенг йўлак қолдирилган. Деворлар жуда кўп катта бурчлар билан мустаҳкамланган. Шаҳарга кирадиган ёлғиз дарвоза шимолий деворнинг ўртасида жойлашган бўлиб, лабиринтсиз ишланган. Ташқари томонга чиқарилиб қурилган иккита бурч бу дарвозага таянч бўлиб хизмат қилади.

Шаҳарнинг бутун ички қисми, Чирмонёпдаги Қалъалиқир ва Кўзалиқир каби, бу ерда илгари қишлоқлар бўлмаганлиги кўриниб туради. Фақат шаҳарнинг жанубий девори бўйлаб қандайдир катта иморатларнинг излари сақланиб қолган. Шаҳар атрофидаги радиуси икки километрдан ортиқ келадиган катта территорияда кўпдан-кўп сопол синиқлари топилди. Булар Амиробод маданияти типига ва ундан ҳам илгариги кулолчилик буюмлари намуналаридан бўлиб, кулолчилик чархисиз тайёрлангандир; булар анча кам учрайдиган оч қизил рангли юқори сифатли ва рангба-ранг шаклдаги сопол идишлардир. Бу идишлар жуда кўп учрайдиган қорамтир-кулранг тусли қўлда ишланган ҳар хил кулолчилик идишларидан кескин фарқ қилади.

Чархда (қўл чархида) ясалган кулолчилик (сопол) идишлар асосан катта ҳажмдаги хумлардан иборат бўлиб, уларнинг деворчаларига деярли тўғри чизик бўйлаб горизонталь кунгиралар туширилган, оғзи кенг ва чамбари жимжимадор ва яссидир.

Кулолчиликнинг бу икки типи шаҳар ичида ҳам жуда кўп учрайдилар, улар билан бир хилдаги ёрғучоқлар ҳам топиладилар.

Бозорқалъа ўз бошидан икки даврни кечирган. Юқорида тасвир қилинганлар шаҳар ҳаёти ва атрофининг дастлабки даврига тааллуқлидир, сўнгра қандайдир сабаб натижасида у ерда ҳаёт тўхтаган.

Бир неча асрлардан сўнг ташлаб кетилган бу Бозорқалъа шаҳрида яна ҳаёт жонланган; тахминан эрамининг бошларида шаҳарнинг шимолий-шарқий қисми ички қалъага айланади, бунда унинг қадимги деворларининг шимолий ва шарқий қисмининг кераклик участкаларидан фойдаланилади.

Ички шаҳарга кирадиган йўл лабиринт билан мустаҳкамланади.

Бу қадимги шаҳарнинг ёдгорликлари ҳамма ерда эски маданият устида қатлам бўлиб ётади: ташқи шаҳар доирасида бу даврда кулолчилик мастерскойлари ва бошқа бинолар вужудга келади.

Бизни ҳозир Бозорқалъа ҳаётининг илк даври қизиқтиради.

Юқорида қайд қилинганидек, Бозорқалъа катта каналнинг бўйида жойлашган, бу канал ҳозирги Қалтаминор каналининг давоми бўлган бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда Бозорқалъа каналининг қуруқ ўзани деярли меридионал йўналишида бу шаҳар харобаларидан 1 км ғарброқдан ўтади ва унинг охири Бозорқалъадан 8—10 км шимолроқдаги пастқам ерларда йўқ бўлиб кетади.

Канал бўйи полосасида, илк Бозорқалъа даври маданиятига ўхшаш моддий маданият қолдиқлари кенг тарқалган. Бу ҳол ана шу районда қадим замонлардан бери аҳоли яшаганини кўрсатади, шу билан бирга, қадим замонларда каналларни қазिश ва уларни тозалаш вақтида ер тагидан топилган турли археологик материал бу ерда қадим замонларда аҳоли яшаганлигини яққол тасдиқлаб беради.

Бозорқалъа районининг археологик кўриниши жуда қадим замон-

ларда соддагина истеҳкомланган пункт атрофида кўп миқдорда аҳоли яшаганидан далолат беради.

Биз илк антик даврлардаги истеҳкомланган қишлоқ ва қалъаларнинг жуда катта бўлганлиги тўғрисида кўпдан-кўп маълумотларга эга-миз. Масалан, баланд қоя устида солинган «Хориёна қояси» қалъасининг айланаси 60 стадийга (тахминан 9 км) тенг бўлган (Арриан, IV, 21), «Саттибарзан қояси» нинг айланаси 32 стадийча (тахминан 5 км) бўлган (К. Курций Руф, VI, 6, 25), «Сизимитр қояси»—80 стадий (тахминан 12 км, Страбон, XI, 11, 4), «Аримаз қояси»—150 стадий (23 км дан ортиқроқ) бўлган (К. Курций Руф, VII, 11, 1).

Танаисдаги (Сирдарё) Александрия шаҳрининг айланаси 7,5 км бўлган (Трог Помпей, XII, 5) Мароқанданинг айланаси ҳам 11 км лик девор билан ўралган (К. Курций Руф, VII, 6, 10).

«Албатта,—деб ёзади С. П. Толстов, — ҳар ҳолда бу рақамларнинг баъзилари муболаға қилингандир. Аммо грек кузатувчисига Сўрд ва Бақтрия шаҳарларининг жуда катта бўлиб кўринишининг умумий тенденцияга эга эканлиги характерлидир...»<sup>34</sup>. Бозорқалъа, Мароқанда, Сирдарёдаги Александрия, кўчманчилар томонидан ҳужум қилинган тақдирда ва воҳа территориясида юз бериши мумкин бўлган бошқа ҳарбий ҳаракатларга қарши курашда воҳа аҳолисининг таянч муҳофаа пункти бўлган.

Бу, бошида Хоразм турган катта массагет иттифоқи даври эди. Геродот (Геродот, Тарих, I, 215) ва Страбон (Страбон, География, XI—8,8) хоразмликларни массагетлар составига киритадилар; Доро ва Ксеркс ёзувларида эса хоразмликлар ҳақида гапириб, улар сак ва сўғдилар қаторида ўлпон тўловчилар эди деб айтади. Афтидан, массагетлар иттифоқи типик кўчманчи иттифоқ бўлмай, улар Хоразм подшо-лар ҳокимияти қўли остида бирлаштирилган бўлганлар. Бу подшо-лар Фаразманнинг авлод-аждодлари бўлиб, улар аҳмонийлар ерларининг кенгайтирилишидан илгари Бақтрия ва Мидия билан қўшни бўлган Жанубий Туркменистон воҳаларига эгаллик қилганлар.

Фаразман Зариаспуга Искандар ҳузурига аҳмонийлар ҳокими сифатида эмас, балки Искандар ва унинг ворислари даврида ўз мустақиллигини сақлаб қолган Хоразм подшоси сифатида борган. Хоразм подшолиги эрамингача бўлган IV асрда, подшо Фаразманнинг ўз сўзлари-га қараганда (Арриан, Искандар Анабасиси, IV, 15), қудратли Аҳмоний давлати билан чегарадош бўлган ва, чамаси, ўз чегараларини Волга бўйи ва, эҳтимол, шимолий Каспий бўйи областлари томон кенгай-тирган. Юқорида айтилганидек, жануби-шарқий Европада массагетлар томонидан скифларнинг киммерий ерларига сиқиб чиқарилиши Хоразм-массагет иттифоқининг Геродот яшаган давргача бирлашганидан гувоҳлик беради. Бу сиёсий иттифоқда, афтидан, Хоразм бошчилик қилган. Шунинг учун ҳам бу ерда сўғдилар ва бақтриялиларнинг «қоялар» деб аталадиган истеҳкомларга ўхшаш роль ўйнаган катта магистраль каналлар, катта-катта қалъалар ва деҳқончилик воҳалари ичида қурилган мол қўра типидagi шаҳарлар вужудга келади. Дастлаб бу тип шаҳарлар икки қатор қилиб солинган қалин деворлар билан ўраб олинган катта тўрт бурчак шаклда бўлиб, деворлар воҳага тез-тез ҳужум қилиб турадиган кўчманчи суворилардан аҳолини ҳимоя қилган; ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳам аҳоли мана шу деворлар ичкарасида ўзини сақлаган.

Хоразмнинг аҳоли яшайдиган кўп пунктлари доира ёки тўрт бурчак шаклида турлича истеҳком усулида қурилган. Бундай шаҳар хароба-

<sup>34</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 81—82-бетлар.

лари типига бир қатор ёдгорликларни, масалан, Бозорқалъа воҳасидаги Қўйқирилган қалъани<sup>35</sup>, Қўзиқирилган қалъани, Жонбосқалъани; Чирмонёпда Қаватқалъа ёнидаги Оқтепани, Қўнарликқалъани киритиш мумкин.

Қўйқирилган қалъа дайдиб оқадиган тошқин сувларини шу жойнинг ўзида бошқариш асосида вужудга келган бўлиб, истеҳкомланган доира шаклидаги аҳоли пункти бўлган; у анча қалин, айлана девор билан ўралган бўлиб, ҳозир бу девор емирилиш натижасида пастигина кўтармага ўхшаб қолган. Девор бўйлаб қачонлардир бир-биридан 18—20 метр масофада (доира бўйлаб) тўққизта бурч қад кўтариб турган; ўртада қалъанинг доира шаклида солинган марказий биноси бўлган. Ташқи халқа девори билан арк ўртасидаги масофа 15 метр. Арkning деворлари қисман ва кучли емирилган бўлса-да, ҳар ҳолда анча яхши сақланиб қолган, буларга қараб бу бионинг дастлабки кўринишини тўла аниқлаш мумкин.

Қўйқирилган қалъа қўлда ва қўл чархида ишланган, шунингдек, янги техникани қўллаб, оёқ чархи билан тайёрланган кулолчилик типларининг ривожланишини жуда аниқ кўрсатиб берувчи ўзига хос ёдгорликдир. Қўш парракли илк скиф камон ўқининг учи ҳам биринчи марта худди шу ерда топилган эди. Худди шу ернинг ўзида кулолчилик ҳунарининг маълум пунктларда тўпланиши ва ихтисосланишнинг юзга келиши очиқ кўриниб туради; идишларни қўлда тайёрлаш билан бир қаторда, кулолчилик чархи кенг қўлланилади. Чиройли ишланган буюмларнинг кўпчилигига қараб, яхши-ёмонни ажратадиган нозик дидли харидорларнинг бутун бир табақаси пайдо бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Шу вақтнинг ўзида (тахминан эрамизгача IV—III асрлар) Хоразм жанубдан оёқ чархи билан ишлаш, идишларни бир рангли бўёқ билан безаш усулларини ўрганиб олади; шу вақтнинг ўзида қизил ёки тўқжигарранг ангоб билан идишлар сиртини қуюқ ва силлиқ қилиб бўйаш билан бирга, қадимги маҳаллий усул идиш сиртини ялтира-тиш усули яна кенг қўлланила бошланади.

Бу даврда сирти лак билан ёки қалин ангоб қатлами билан қопланган, оёқчали ёки оёқчасиз қадаҳсимон косалар ва катта, қалин хумлар ишлаб чиқариш расм бўлади. Кулолчиликнинг бу янги типи асосан қалъада ва катта уйларида учрайди, буларда, чамаси, ҳукмрон синфга тегишли аҳоли яшаган бўлса керак. Бу буюмларни ишлашда антик даврнинг юқори ҳунармандчилик техникаси қўлланганлиги шубҳасиздир. Қўйқирилган қалъа типигаги истеҳкомлар кўшкларга ўхшаб бир нарса бўлиб, уларда эҳтимол, аҳмонийлар типигаги лашкарбошилар сингари Хоразм лашкарбошилари яшаган ва уларнинг ҳам жуда яхши қуролланган шахсий дружиналари бўлган. Мана шу антик «кўшк» атрофида катта-катта очиқ қишлоқлар пайдо бўлган. Бу қаср эгалари — юқори мансабли уруғ бошлиқлари—қулдорлар ва бутун-бутун округ ҳокимлари—Хоразм подшоларининг сиёсий ва ҳарбий ҳокимиятининг таянчи бўлганлар. Аҳолини жамоат ишларига сафарбар қилиш ҳам, қўшин йиғиш ҳам мана шулар орқали амалга оширилган. Маълумки, бу вақтда янги каналлар қуриш, эскиларини кенгайтириш ишлари ҳам уруғ жамоалари кучи билан бажарилган. Бу жамоа бошлиқлари, шубҳасиз, массагетларнинг «олтин жабдуқли суворалари» бўлган, бу ҳақда Геродот ҳам (Геродот, I, 215) қайд қилиб ўтган эди. Деҳқончилик уруғи жамоаларининг мана шу жанговор намояндалари давлатнинг асосий ҳарбий-сиёсий таянчи бўлган. Улар билан бир қаторда, кўчманчилар-

<sup>35</sup> Қўйқирилган қалъа кушанлар давригача бир неча бор қайта қурилган Бозорқалъа каналида жойлашган.

дан тузилган ёлланма отрядлар ҳам катта ва даҳшатли куч бўлган. Фаразманинг у билан бирга Искандар олдига борган 1500 кишилик мулозимлари мана шу жанговар уруф-қабилла мансабдорларидан иборат бўлган бўлса керак.

Жонбосқалъа<sup>36</sup> қалъаси тепалик устида жойлашган бўлиб, катталиги 200 × 170 м келадиган тўрт бурчак шаклидадир. Унинг деворлари жуда яхши сақланиб қолган ва ҳамма ерда тепалик устидан 9,5—10 метр кўтарилиб туради. Бу деворлар икки қават бўлиб, умумий қалинлиги 5 метрдир. Деворлар ўртасидаги оралиқ 2,8 метрга тенг, у жанговар йўлакдан иборатдир. Йўлак ташқари томонга очилган шинаклар (нишонтуйнуқлари) билан ёритилади. Ташқи деворда икки қатор қилиб, шахмат тартибида очилган найза учи шаклида шинаклар очилган. Шинакларнинг эни 18—20 сантиметр, улар бир-биридан 1,20 метр масофада жойлашган. Шинаклар «юқоридан жанг қилишга» — девор тагини ўққа тутишга мўлжалланган. Уларнинг остки юзаси трапеция шаклида бўлиб, ташқарига кенг томони билан (2 метр) ва ичкарига тор (0,75 метр) томони билан қияланиб тушади. Юқори қатордаги шинаклар кичикроқ бўлиб, юқоригиларга мувофиқ 0,63 метр ва 1,30 метр рақамларни ҳосил қилади. Деворларнинг ички йўлаги текис том билан икки қаватга ажратилган, ундан ҳозирда тўсинлар ўрнатилган туйнуқлар сақланиб қолган.

Бу шинакларнинг ҳаммасидан бир вақтда ўқ отиб туриш учун икки мингга яқин ўқчи талаб қилинган — кичкинагина қалъа учун бу рақам анча каттадир. Табиийки, шинакларнинг бундай мақсадда номувофиқ жойлаштирилиши, — дейди С. П. Толстов, — бу тип мудофаанинг эскилигини ва унинг шу жойда вужудга келганлигини кўрсатади, чунки қадимги Шарқда бурчлар ёрдамида деворларни ва бурчакларни мудофаа қилиш системаси кам деганда эрамизгача бўлган III минг йилликда мавжуд эди. С. П. Толстов Жонбосқалъанинг мустаҳкамланиш усули унинг мудофаасида қалъанинг барча аҳолиси, ҳатто аёлларнинг ҳам иштирок этишига мўлжалланган система эканлигини аниқлашга имкон беради деб тўғри қайд қилади. Қалъанинг дарвозаси мураккаб дарвозаолди иншоотлари билан ҳамма қилинади. Дарвозадан кирган киши бу иншоотнинг ичида тор йўлга чиққан, бу йўл тўғри бурчак ҳосил қилиб буриладиган бешта тирсакдан иборат бўлган, улар ичкари томонга қараб очилган шинаклардан ўққа тутилган.

Шундай қилиб, Жонбосқалъанинг мустаҳкамланиш типи ҳарбий кучларнинг ўзининг архаик типда ташқил топганлигидан гувоҳлик беради. У, ибтидоий демократия традицияларнинг барча аломатларига эга бўлганлиги ва эҳтимол, ҳарбий ишларда аёлларнинг актив қатнашганликларини тасдиқловчи билвосита далил бўла олади. Массажетлар тўғрисида қадимги авторлар (Страбон эса, маълумки, хоразмликларни массажетларга тақайди) гувоҳлик берадилар (Страбон, География, XI, 88).

Шаҳарчанинг ички ҳовлисининг юзаси биноларнинг емирилиши натижасида ҳосил бўлган дўнглар билан ва сопол синиқларининг деярли ёппа қатлами билан қопланган. Сопол синиқлари шунчалик кўпки, ҳовлининг усти қизил тусга кирган. Сопол буюмлар ичида кўпгина санъат асарлари ҳам топилган.

Қалъанинг ички қисмида уй-жойлар қурилган икки массив бўлиб, булар кенг — 30 метрли кўча билан ажралган<sup>37</sup>. С. П. Толстов қалъани муфассал тасвирлаб беради-ю, аммо қалъа ёнида, унинг дарвозаси

<sup>36</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 88—94-бетлар.

<sup>37</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 88—93-бетлар.

қаршисидаги текисликда жойлашган ва ғарбга анча узоққа чўзилиб борган очиқ қишлоқ ҳақида ҳеч нарса ёзмайди. Бу қишлоқ ўрнашган жойда уйларнинг тош ва пахса пойдеворлари, кулолчилик печларининг қолдиқлари, ариқ излари ва ҳоказолар мавжуд. Агар бу қишлоқни қалъа билан таққосланса, аҳолининг асосий қисми қалъадан ташқарида яшаганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Қалъада яшовчилар сонини тахминий ҳисоблаб чиқилса, уни ҳимоя қилувчилар сони жуда озчилиқни ташкил қилади ва юзаки қарашда шинакларнинг сони қалъани ҳимоя қилувчилар сонига мувофиқ тушмагандай кўринади. Бироқ, агарда, қалъадаги жанг қилишга қобил аҳолига унинг атрофида яшовчилардан озгина ҳимоячилар келиб қўшилса, Жонбосқалъанинг мудофаа системаси тўла тушунарли бўлади. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида аҳолининг ўз чорваларини қимматли мол-мўлкини олиб, қалъаларда жон сақлаганлигини тарихий адабиёт ва халқ оғзаки ижодиётида ҳар доим қайд қилинади. Шундай қилиб, қамал қилинган вақтларда Жонбосқалъани ҳимоя қилувчилар сони талаб қилингандан ҳам кўпроқ бўлар эди.

Бизнинг фикримизча, мустаҳкамлаш системасида бурчларнинг бўлмаслиги бу системанинг архаиклигини кўрсатувчи белги бўла олмайди. Хоразмда, афтидан, турли системали истеҳкомлар бор. Масалан, бурчлари бор Қалъалиқир, Қўйқирилганқалъа, Бозорқалъа вақт жиҳатидан Жонбосқалъадан ёш эмас. Шу билан бирга, анча кейин қурилган Қўрғошқалъанинг бурчлари йўқ ва у Жонбосқалъа мудофааси системасига ўхшайди.

Бизнинг фикримизча, Жонбосқалъа дастлаб қадимги суғорилган ерлар учун қулай бўлган стратегик пунктда чегара қалъа сифатида барпо этилган. Ташқин қишлоқларнинг ва қалъа ичидаги «оташкада»нинг вужудга келиши бу қалъанинг деҳқончилик воҳасининг худди чегарасида жойлашган аҳоли яшайдиган йирик пункт сифатида тобора ўсishi билан боғлиқ бўлган.

Шаҳар харобаси очиқ қисмининг ғарб тамонига ўтказилган канал Анқоқалъа районидаги катта Бозорқалъа каналидан олиб келинган бўлиб, Жонбосқалъа тепалигидан шимол томондаги пастликда туғайди.

Шундай қилиб, Бозорқалъа, Жонбосқалъа ва Қўйқирилганқалъа Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қадимги деҳқончилик воҳасининг мустаҳкамланган йирик пунктлари бўлиб, улар қадимги тошқин сувлари ҳавзасида ва бу воҳанинг шарқидаги магистраль канал ҳавзасида жойлашган.

Ибтидоний суғоришнинг лиман усули давоми сифатида бундай магистраль каналларнинг вужудга келиш процесси ушбу асарнинг бундан аввалги бобида ёритилган эди.

Чап қирғоқ Хоразм атрофларида ҳам шу каби процесс кузатилади. Агар Девкескан қалъасига асос солинган дастлабки вақтдан (тахминан эрамининг бошларидан) ҳисобласак, Довдонда ўша вақтларда ҳам сув оққан.

Девкесканнинг Устюрт қирларида стратегик жиҳатдан жуда қулай ўринда жойлашгани ҳам антик даврда бу ерда қалъа мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Бу қалъа қудуқ суви билан таъминланган бўлиб, қудуқ ҳозирги вақтгача қалъа ичида сақланиб қолган. Довдон тошқин сувларининг яқинлиги қудуқда ҳар доим сув бўлишини таъминлаган; Устюрт қирларига сув берадиган бошқа манбаънинг бўлганлигини фарз этиш қийин.

Чирмонёп ҳавзасида аста-секин аҳолининг кўпайиши ва ў ерга сунъий канал ўтказилиши туфайли, бу канал билан бевосита боғлиқ

бўлган илк антик, яъни кангуй типдаги мустаҳкамланган қишлоқлар ва қалъалар вужудга келди. Давлатнинг стратегик таянчи жануби-ғарбга—Говурқалъа, Қалъалиқир № 2 ва бошқаларга қўчиши Қалъалиқир № 1 ва Қўзалиқир қалъаларининг даслабки ўз вазифаларидан бутунлай маҳрум бўлишига олиб келди. Аммо археологик текширишлар Чирмонёпда узоқ вақтларгача, тахминан эрамизнинг II—III асрларигача ҳаёт давом этганлигини кўрсатади.

Биз ғарбдан шарққа қараб кетган бу чизиқ бўйлаб Говурқалъа, Шохсанам, Қалъалиқир № 2, Қўнарлиқалъа, Змухшир (Земахшар) ва бошқа бир қатор антик шаҳарлар ва қалъалар борлигини кўрамиз. Уларнинг барпо этилган вақти ва уларда ҳаёт мавжуд бўлган вақти ўнг қирғоқ Хоразмдаги Чирмонёп канали, шунингдек Бозорқалъа канали ҳам эрамизгача бўлган IV—III асрлардаёқ вужудга келганини кўрсатади. Бунда шу нарсани қайд қилиб ўтмоқ керакки, бу канал эски тармоқ ўзани бўйлаб, яъни Довдон ювиб кетган чуқур дара бўйлаб ўтказилган, бу эса тадқиқотчи олдига Чирмонёп тармоғи қаердан бошланган деган масалани қўяди: унинг тармоғи Амударёдан чиқарилганми ёки Довдонданми? Кейинги фараз эҳтимолга энг яқин кўринади, чунки Қандумқалъа, Қўҳнавос ва шу каби бошқа қадимги ёдгорликларнинг мавжудлиги, суви камайиб, қуриб бораётган Довдондан бошқа сув манбаининг бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади.

Довдондаги сув оқими динамикасини фақат Вос ва Чирмонёп районларидаги ёдгорликларни археологик жиҳатдан ўрганиш йўли билан аниқлаш мумкин. Бу борада ҳозирги воҳа доирасида мавжуд бўлган қадимги канал ва тармоқларнинг бошларини ўрганиш манзарани аниқлаб бермайди деса бўлади ва бу ёдгорликлар ҳақида «тепа»деб аталадиган дўнгликлар стратиграфиясига қараб мулоҳаза юритиш мумкин. Бу тепаларнинг кўпчилиги кейинчалик мазорларга айлантирилган. Қадимги замон ёдгорликларининг кўпчилиги ўрта асрлардаёқ вайрон қилинган эди, биз буни Амударёнинг ҳар иккала қирғоғидаги қадимги суғорилган ерларнинг бир қанча жойларидаги мисолларда кўрдик. Бу ҳодисани аниқса ўнг қирғоқдаги ерларда яққол кўриш мумкин. Бу ерда илк ва сўнгги ўрта аср ёдгорликлари илк ва сўнгги антик даври моддий ёдгорликлари қолдиқлари устида қатлам бўлиб ётади. Тарихий топографиянинг анализи бу районнинг суғорилиш масштабини ва у қанча вақт давом этганлигини, ирригациянинг қачон издан чиққанлигини ва яна кейинчалик тикланиш манзарасини кўрсатиб беради.

Хоразмнинг магистраль каналлари тахминан эрамизгача бўлган I минг йилликнинг ўрталарида, хоразмлик подшоҳлар бошчилигида Хоразмда хоразм-массагет давлати ташкил топгандан кейин вужудга кела бошлади. Хоразмликлар Жанубий Туркменистон воҳаларини босиб олдилар, бу воҳаларда ҳукмдорлик қилиш ва ўз мустақиллиги учун ахмонийлар Эрони билан кураш олиб бордилар.

Искандар юришлари бошланиш арафасидаги даврда кўпдан-кўп магистраль каналлар ривож топдиким, кейинчалик бу каналлар замида, С. П. Толстов томонидан ўзига хос Хоразм «эллинизми» деб харақтерланган анча юқори маданият бунёдага келди.

Эрамиздан аввалги IV асрдан то эрамизнинг I асригача бўлган бу давр жуда тахминий равишда «кангуй» даври деб аталган. Кангуй (Қанг) подшолигининг ташкил топиш вақти ҳозирча аниқланган эмас.

Хоразмнинг деярли ҳамма қадимги каналлари, қонда тариқасида, бир ёки бир неча кангуй типдаги қалъалар билан боғлиқдир. Масалан, Чирмонёпдаги Қўнарлиқалъа, Чирмонёпдан сал шимолроқдаги Қўҳнавос ва Қандумқалъа шулар қаторидадир.

Қандумқалъа (катта 350 × 250 метр) кангуй давридаги чап қирғоқ Хоразмнинг яхши мустаҳкамланган йирик шаҳарларидан биридир. Уша замоннинг шу типдаги бошқа шаҳар харобалари каби бу шаҳар ҳам тўрт бурчаги дунёнинг тўрт томонига қарата йўналтирилган бўлиб, шимоли-шарқдан жануби-ғарбга қараб чўзилган. Деворларига бурчлар қурилган бўлиб, квадрат шаклдаги (42 × 42 × 10 сантиметр) хом ғиштдан урилган.

Шаҳар ҳаробасининг майдони бу ерда узоқ вақтлар давомида одам яшаганлигидан дарак беради, чунки қалъанинг ҳам ташқари ва ҳам ичкари қисмидаги территория антик давр сопол идиш синиқлари билан қопланган.

Қандумқалъа Қўҳна Урганчдан 38 км жануброқдаги текисликда жойлашган бўлиб, бу ерга Шоҳобод каналининг охириги қисми келиб етади. Ҳозирги вақтда бу ерда фақат туркманлар яшайди. Маҳаллий афсоналарга қараганда бу қалъани «Хоразмшоҳнинг лашкарбошиси» — Қандумсардор қурган эмиш.

Шоҳобод канали ҳавзасида бир қатор антик давр ёдгорликлари мавжуд бўлиб, уларнинг сунъий суғоришсиз вужудга келиши ва бўлиши сира мумкин эмас эди; булар қаторига Қандумқалъани, Оқтепа дўнгини, Воянгон (Раит) шаҳар ҳаробасининг антик даврдаги асосини Амбарманоқ яқинидаги Тупроққалъани ва бир қатор бошқа пунктларни киритиш мумкин. Бу ҳол бизни Шоҳобод каналининг XVII асрда қурилганлиги ҳақидаги тарихий маълумотларга танқидий қарашга мажбур этади.

Эски дарё тармоғининг (Довдон тармоғининг) қанча вақт ишлаб тургани ҳақидаги масалани ечишдан ва унинг Жанубий Хоразмда сунъий суғоришнинг тараққийсидаги аҳамиятини аниқлашдан аввал Хоразм воҳаси чап қирғоғининг бутун жанубий қисмининг археологик образини янада тўлдириш зарурдир.

Хоразм воҳасининг бошланиш жойидаги энг қадимги ва жуда муҳим археологик ёдгорликлардан бири—Хазорасп шаҳри харобаларидир. Бу улкан антик шаҳарда фақат айрим археологик қидиришларгина ўтказилган, шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда бизнинг қўлимизда бу шаҳар ҳақида археологик маълумотлар жуда кам.

Антик даврнинг кудратли қалъаси бўлган Хазорасп, тахминий археологик маълумотларга кўра, эрамиздан аввалги IV—III асрларда вужудга келган. У бутун бир системадан, ёки тўғрироқ қилиб айтганда, система қолдигидан иборат бўлган антик даври типдаги қумлар билан тўлдирилган анча мураккаб истеҳкомлар устида жойлашган. Бу истеҳкомларнинг деворлари катталиги 40 × 40 × 10—11 сантиметрли хом ғиштдан ишланган. Шу типдаги истеҳкомлар Хоразмнинг ҳам ўнг қирғоқ, ҳам чап қирғоқ қадимги суғорилган ерлардаги мустаҳкамланган бир қатор пунктларда, масалан, Аёзқалъа № 3 да, Қўнарлиқалъада, Кўзалиқирда Эмуширнинг антик деворларида, Жилдикқалъада, Тупроққалъада, Олмаотишқанда ва бошқаларда учрайди. Аёзқалъа № 3 даги катта бир тураржой биносининг асосини қазиб, археологик текширишлар ўтказилиши натижасида бино мустаҳкамланган махсус бархан устида қурилганлиги, унинг пастки қисми эса деворлар билан ажратилган катаклардан иборат бўлиб, бу катаклар сунъий равишда қотирилган қум билан тўлғазилганлиги маълум бўлди. Бу қум қавати устидан полни шуваганлар. Натижада бино жуда ҳам пишиқ ва узоқ вақтлар сақланадиган бўлиб қолган. Хоразмнинг қадимги даврида бу бино қуриш усули кенг тарқалган<sup>88</sup>.

<sup>88</sup> С. П. Толстов, Древности Верхнего Хорезма, ВДИ, 1941, № 1.

Хазорасп қурилишининг ички қисмида найзасимон шинаклари бўлган деворлар учрайди. Деворларни урганда унга кангуй даврига оид катта сопол идиш синиқлари қўшиб урилган.

Шундай қилиб, қалъанинг плани, катталиги, қуриш усуллари, истеҳкомлаш элементлари, шунингдек бу ерда топилган кулолчилик материаллар Хазорасп қалъасини Амударё бўйлаб кетган ва Хоразмни қадимги Бактрия ҳамда Марв воҳаси билан боғлаган қадимий йўл устида қурилган антик даври қалъалари (Капарос, Тупроққалъа, Жигарбанд, Оқтепа ва бошқалар) системасига кирувчи кангуй даври ёдгорлиги сифатида характерлайди.

Хоразм воҳасининг бошланган жойида ўрнашган қудратли қалъа ва йирик шаҳар бўлмиш Хазораспда Хоразм тарихининг деярли барча босқичларида ҳаёт мавжуд эди ва у ўз истеҳкомларининг қолдиқларини ҳозирги вақтгача сақлаб қолган.

Қалъажик (Довудқалъа) Хазораспдан 25 км ғарбда, бу қалъадан Хевага борадиган унча узоқ бўлмаган қадимги йўл яқинида жойлашган. Антик даврнинг «Қалъажик» ёки «Довудқалъа» номи билан маълум бўлган бу қудратли қалъасининг харобалари тошқин сувларидан ҳосил бўладиган кўллар ва Қорақумнинг қум барханлари орасида жойлашган. У ерга бориш жуда ҳам қийин, деярли мумкин эмас.

Қалъажик қалъаси кунга қараганроқ бўлиб, шарқдан ғарбга қараб чўзилган нотўғри тўрт бурчакли ҳосил этади. Қалъажикнинг шарқий деворларидан бошқа ҳамма деворлари анча баландликда сақланиб қолган; шу билан бирга улар устидаги истеҳкомлар ҳам сақланган. Жанубий деворнинг узунлиги 221 метр, шимолдагисининг узунлиги 184 метр, ғарблагиси — 72 метр, шарқий деворники — 114 метрдир.

Қалъажикнинг бутун ички майдони юмшоқ шўрхок билан қопланган: марказида унча катта бўлмаган кўл бор. Бу кўл қалъа атрофидаги тошқин сувларидан ҳосил бўлган кўллардан сизот сувлари келиб тушиши натижасида ҳосил бўлган.

Шарқий деворнинг ўрта қисмида чўзинчоқ дўнг бор; у афтидан, қалъа кириш жойидаги антик лабиринтнинг емирилишидан ҳосил бўлган бўлса керак. Ички паҳса деворлар африғийлар ва ўрта асрлар даврига хос бўлган хом ғишт билан тuzатилган. Бу деворларнинг баландлиги ички томондан 12—14 метрга этади. Қалинлиги тахминан 2,5 метр.

Шимолий деворнинг ўрта қисмида кишилар яшаган бурч қад кўтариб туради. Унинг таги 25 × 15 метр, баландлиги 16 метр.

Қалъа катталиги 45 × 45 × 14 сантиметрли йирик хом ғишт урилган қўш девор билан ўраб олинган. Бу деворлар оралиғида, худди Хоразмнинг антик даври қалъаларидаги каби ўқчилар учун йўлақлар қолдирилган ва бундан ташқари, банкет бор. Ўрта асрларда бу қалъа ўша замоннинг ҳарбий техникаси талабига мувофиқ қайта қурилган. Бу қайта қуриш деворларда ўрта аср ғишлари мавжудлиги билан тасдиқланади.

Қалъадан шарқ томонда антик даврнинг каттагина очиқ қишлоғи бўлганлиги кўриниб туради. Аҳоли ўрта асрларда бу ерда қайтадан ўрнашган. Антик даврдаги, шунингдек ўрта аср давридаги барча шаҳар ва қалъалар ёнида бундай очиқ қишлоқларнинг мавжудлиги характерлидир.

Сўз юритилаётган қалъа Хоразмнинг кангуй типидagi яхши мустаҳкамланган истеҳкомларига киради ва стратегик жиҳатдан Хазораспдан сўнг иккинчи ўринда туради.

Сақланиб қолган археологик ёдгорликлар маълумотларига кўра, Қалъажик қалъасида ҳаёт афтидан, эрамининг биринчи асрларида



тугаган. Қуйроқда биз тарихнинг бошқа босқичларида бу қалъадан одамлар қайта фойдаланганлиги учун у ҳақда яна сўз юритамиз.

Қалъажикдан шимолда, ундан 1,5 км масофада африғийлар даврига тегишли (V—VII асрлар) катта қўшк — Кичик Қалъажик жойлашган; унинг деворлари жуда емирилиб, кичик-кичик кўтармаларга ўшаб қолган. Унинг шимоли-шарқий бурчагида каттагина тураржой биносининг излари сақланиб қолган. Бу ёдгорлик тошқинлардан ҳосил бўлган кўлларнинг тагида кўп марта қолган ва шу сабабли анча ювилиб кетган.

Қирққиз тепа Хазораспдан 10—12 км масофада, Қора янтоқ қишлоғи территориясида, Хазораспни Урганч билан боғлайдиган қадимги катта йўл устида жойлашган. Қирққиз устида баланд қолдиги бор кўшк кичкинагина дўнгдан иборат бўлиб, кўриниши «тепа», ёки «тал» деб аталадиган қадимги қишлоқ қолдигини эслатади. Тепа юмалоқ шаклда бўлиб, катталиги доира бўйлаб 400 метрдан ошмайди. Тепанинг баландлиги 4—4,5 метр, кўшк қолдиги тепа устидан 5 метр кўтарилиб туради.

Тепалик майдони ҳозир мозорга айланганлиги учун ҳамма ёғи кавлаб ташланган.

Қабрлар қазиганда чиққан археологик материалларга қараганда, бу қишлоқ V—VI асрларда вужудга келган ва унда ҳаёт IX—X асрларгача давом этган деган хулосага келиш мумкин. Аммо теварак атрофдаги далалардан топилган кўпдан-кўп археологик материаллар, тепалик X асрда ташлаб кетилган бўлса-да, унинг атрофида ҳаёт мўгуллар истилосигача давом этганидан гувоҳлик беради.

Қушчақирган тепалиги Янгиариқ районининг Богот қишлоғидан—4 километр, Тепавлиё эса —6 километр ғарброқда жойлашган. Улар планташтириш ва археологик материал жиҳатидан худди Қирққиз қишлоғига ўхшайди.

Олмаотишкан шаҳри харобалари Хевадан 16 километр шарқроқда, Қаттабоғ қишлоғи территориясида, Хевани Хазорасп билан қўшган катта йўл устида жойлашган. Шаҳар территориясининг катта қисми партов кўл сувлари тагида қолиб кетган. Ҳозирги вақтда фақат иккита тепаликда текшириш ишлари олиб бориш мумкин. Биринчи тепалик—шаҳарнинг энг қадимги қисми — катталиги 115 × 90 метрлик анча мустаҳкам тўрт бурчакли қалъа қолдиқларидан иборатдир. Тепаликнинг чеккалари, айниқса шарқий шимолий томонлари қалъанинг бузилиб кетган деворига ўхшайди. Тепаликнинг жануби-шарқий бурчагида кичкинагина чўкма ҳосил бўлган, у қалъага кириш йўлига ўхшайди.

Шарқий деворнинг ташқи ёнбағрини тозалаш йўли билан у катталиги 45 × 45 × 12 сантиметрли йирик хом ғиштдан урилганлиги маълум бўлди. Бу ерда ҳам худди Хазораспдаги ва бошқа антик қалъалардагидек ғиштлар ўртасига соф саҳро қуми солинган. У зилзила зарбасини юмшатиш мақсадида ишлатилган бўлса керак. Қалъанинг топографияси ва архитектурасига қараб, уни кангуй даврининг яхши мустаҳкамланган тураржой массиви типига, масалан, Қўнарлиқалъа типига киритиш мумкин. Эрамизининг биринчи асрларида бу ерда ҳаёт тугаган бўлса керак.

Иккинчи тепа Олмаотишкан жуда емирилиб кетган ва аниқ кўриниб турган қиёфага эга эмас. Шаҳарнинг бу қисми кўп марта ва узоқ вақт давомида сув тагида қолиб кетган бўлса керак. Қидириш мақсадида қазилган шурфлар бу ерда антик даврдаги очиқ қишлоқдан сўнг ҳаёт V—VII асрларда қисқа вақт ичида такрорланган. Бу ҳақда биринчи тепаликдаги кўп миқдордаги мурдани хумга солиб кўмилган

мозорлар гувоҳлик беради. Бу кўмиш усули қадимги Хоразмнинг кўп пунктларида мурдани остадонларга солиб кўмиш билан бир вақтда қўлланилган. Африғийлар даврида биринчи тепаликда ҳаёт тикланмаган бўлса керак ва шу сабабли ундан зардуштийлар қабристонини сифатида фойдаланилган. Иккинчи тепалик территорияси ва унинг тева-рак-атрофи X—XIII асрларда уйлар зич қилиб солинган қишлоқ бўлган.

Олмаотишкандан 4—5 километр жануброқда Остона деган қишлоқ жойлашган. Унда катта қабристон бор бўлиб, унинг ўртасида катта бино қад кўтариб туради. Бу бино мачит, хонақо ва мақбарадан иборат; у XIV асрга оид бўлиб, шайх Мухтор (1287 йилда ўлган)<sup>39</sup> томонидан қурдирилган деб тахмин қилинади. Археологик материалнинг камлигига қарамай, қабристоннинг ўзи бу ерда қадимги катта аҳоли яшайдиган пункт бўлганлигидан дарак беради.

Қадимги аҳоли яшаган пунктлар ва бошқа археологик ёдгорликларнинг излари уларнинг бўлиши мутлақо қутилмаган жойларда учраб қолади ва булар ўрганилаётган районнинг қадимги маданий қиёфаси ҳақидаги бизнинг тасаввуримизни тўлатади.

Хоразм тарихчиси Мунис куйидагиларни ёзади: «... Маълум бўлсинки (китобхонга), Оқмачит (Остонадан 5—6 километр масофада — Я. Ф.) Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири эди. Шаҳар бой ва обод эди. Хоразмни Чингизхон забт этгандан кейин шаҳар вайрон қилинди ва биноларнинг асари ҳам қолмади, фақат шайх Мухтор Қозни Умар хонақосининг пойдевори сақланиб қолди. Хонақо Оқмачит деб аталар эди, шунинг учун қишлоқ ҳам Оқмачит деб атала бошланди»<sup>40</sup>. 1937 йилда Жанубий Хоразмда археологик ишлар олиб борилаётган вақтда биз Оқмачит қишлоғи ерларини текшириб чиқдик ва ҳақиқатан ҳам бу бинонинг қолдиқларини топдик. Бу қолдиқлар кичкинагина ботқоқланган участкадан иборат бўлиб, ўрта аср пишиқ гишти парчалари ва алебастр бўлаклари билан қопланган. Текширишда иштирок этган архитектура фанлари кандидати Мархум Н. Засипкиннинг аниқлашича, бу ердаги гиштар XIII—XIV асрлар учун типикдир. Бу ҳол ўз навбатида Муниснинг тўғри хабар берганлигини исботлайди.

Хева ҳам Жанубий Хоразмнинг қадимий шаҳарлари қаторига киради. Шаҳарнинг энг қадимий мустаҳкамланган қисми бўлиб, «Ичанқалъа»нинг ҳозирги ички қисми ҳисобланади. Хева ҳам, худди Хазорасп сингари, кўп мартаба ўзгариб турган<sup>41</sup>, буни археология-архитектура текширишлар тасдиқлайди. Хеванинг дастлаб қачон вужудга келганини аниқ белгилаш қийин, чунки Хеванинг ўзида қазиниш ишлари эндигина бошланмоқда ва шаҳарнинг қадимги маданий қатламнинг стратиграфиясини археологлар ҳали яхши билмайдилар. Аммо бу шаҳарнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини эски иншоотларнинг қолдиқлари ва баъзи бир бошқа белгилар ёритиб беради.

Шаҳар деворининг ички томонида, унинг асосида катталиги 36 × 36 × 9 сантиметрли, 38 × 38 × 10 сантиметрли ва 37 × 38 × 10 сантиметрли хом гиштардан урилган девор қолдиқлари топилди<sup>42</sup>, уларнинг горизонтал қаторлари 10 — 12 сантиметрли паҳса қатлами би-

<sup>39</sup> Вафот этган вақти «أفتاب العالمیان» 686 йил хижрий (1287 йил).

<sup>40</sup> Баёний, «شجره حواری مشاهی», Л, 170.

<sup>41</sup> Худойберди Қўшмуҳаммад, «دل غرائب», Хева музейи қўлёзмаси, с. 64.

<sup>42</sup> М. В. Воеводский раҳбарлигидаги 1934 йилги ГАИМК археологик экспедицияси материалларидан.

лан навбатма-навбат урилгандир. Бу ерда ғиштнинг катталиги ва қалъа деворини уриш усули эрамизнинг V—VIII асрларидаги каби қадимги суғорилган ерлардаги бир қатор ёдгорликларнинг худди ўзгинасини эслатади. Хева аркининг асосий тураржой биноси бўлган «Оқшихбобонинг антик қалъалар сингари сунъий қум тепалигида ёки табиий бархан устида қурилганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Бу ҳол традицион антик усул учун мансуб бўлганлиги туфайли бинонинг қачон қурилганлиги ҳақида хулоса чиқаришдан илгари махсус ўрганишни талаб қилади.

Кичкинагина шаҳар ҳаробаси Исмамут (Исмамутота)<sup>43</sup>. Тахта қишлоғидан тахминан 20—25 км жануби-ғарбда, Ғазовот канали тармоқларидан бирининг охирида жойлашган. Бу шаҳар XVII асрдаёқ Абулғозий ва, шунингдек ундан кейин яшаган бошқа авторлар томонидан тилга олинади. Воҳа билан Қорақум ўртасидаги чегаранинг худди ўзида каттагина майдонга (тахминан 4—5 гектар жой) қабристон жойлашган. Қабристон бирмунча баланд жойда бўлишига қарамай, уни атрофдаги ботқоқлик сувлари бир неча бор босган, афтидан, бу Зайқанг (Тунударё) қўл системасида юз берган катта тошқинлар оқибати бўлса керак. Бутун майдон юмшоқ шўрхок билан қопланган бўлиб, унга қизил тупроқдан ишланган шўралаган сопол синиқлари аралашган. Бу сопол идишлар ўзининг лойи ва пиширилиши жиҳатидан бизга афригийлар даври ёдгорликлари орқали танишдир. Улар ичида IX—X асрлар Хоразм ёдгорликлари учун хос бўлган тўқкулранг юпқа идишлар ҳам учрайди. Сопол қувурлар учрамайди.

Қабристонга ғарбий томондан майдони 170 × 170 метр келадиган баландлик (тахминан 2 метр) ёндашган бўлиб, у ҳам қабристондир. Бу жойда мураккаб планлаштирилган бинолар комплекси қурилган, улар гумбазли узун галлерея, масжид, хонақо ва мақбарадан иборатдир. Улар ичида хонақо биноси ўз плани ва қурилиши жиҳатидан XIII—XIV асрларда шу типда қурилган биноларни эслатади. Комплексининг қолган қисми, афтидан, XVIII аср охирида қурилган бўлса керак, чунки Хева тарихчиси Мунис Исмамутдаги бинони Аваз Иноқ томонидан 1791 йилда ўлдирилган Абдурахмон Мехтар қурган дейди<sup>44</sup>.

Раит (Вояноқ) шаҳар харобаси (350 × 250 метр) Шовот районининг Амбарманоқ қишлоғидан 1,5 км жануби-шарқдан ўтадиган катта йўл устида жойлашган. Бу шаҳар харобаси атрофидаги ерлардан 1,5—2 метр баланд кўтарилиб туради. Унинг шарқий қисми жуда қадимийдир. Топилган материалларга қараб фикр юргизганда, Раит мустаҳкамланган антик қишлоқ типига мансубдир. Унинг атрофи мустаҳкам кўтарма ва хандоқ билан ўраб олинган; буларнинг излари қамиш босган ботқоқ пастлик жой тариқасида сақланиб қолган. Шаҳар харобасининг бутун майдони, афтидан жуда қадим замонлардан бери қабристон сифатида фойдаланилади.

Шаҳар харобасининг ғарбий қисми қачонлардир қалин пахса девор билан ўралган бўлиб, унинг қолдиқлари кейинги вақтда урилган девор остида сақланиб қолган.

Антик даврда вужудга келган бу шаҳар хароба қалъанинг ўзидан (ғарбий қисми) ва очиқ қишлоқдан (шарқий қисми) иборат бўлган. Араблар истелоси вақтида, бундан анча илгари ташлаб кетилган қалъа қабристонга айлантирилган ва ҳаёт эса очиқ қишлоқда давом этган. Бу қишлоқни мустаҳкамлаш ишлари тахминан араблар истелоси бош-

<sup>43</sup> Исм Махмудота (اسم محمود آتا) Баёний, شجره حواری مشاهی. Л. 215 а.

<sup>44</sup> Баёний, юқорида кўрсатилган асар, варақ 99 б.

ларида олиб борилган ва бу ерда ҳаёт то мўғуллар босқинчилигигача тинмай давом этган. IX—X асрларга келиб антик истеҳком территориясидаги қабристон анча жанубга сурилган. Мана шу қабристонда XII асрда шайх Ҳасан Совроний мақбараси қурилган.

Энди Хоразмда сунъий каналларнинг барпо этилиши вақти масаласига қайтамиз.

Юқорида қайд қилганимиздек, табиий тошқин сувларидан фойдаланишдан магистраль каналларга ўтиш қадимги замон деҳқонларидан узоқ вақт давомида техник малака тўплашни ва янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мувофиқ равишда уюшишни талаб қилди.

Суғориш усултини ўзгартириш процесси воҳанинг умумий рельефининг ўзгариш тарихи билан, ва демак, тошқин каналлари режимининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқорида айтганимиздек, бутун аллювиал дельта Амударёнинг ўзани ва тармоқлари билан тарихан боғлиқ бўлган, чунки текисликдаги аллювиал чўкиндиларнинг майдони ва қалинлиги ана шу ўзан ва тармоқларда сувнинг оз-кўп оқишига ва уларда сувнинг қанча вақт давомида оқишига боғлиқ эди.

Аллювиал текисликлар юзасининг барчасида сунъий суғориш билан боғлиқ бўлган маданий-ирригацион чўкиндилар деб аталадиган чўкиндилар мавжуддир. Булар асосан сунъий ўғитлар билан аралашган лойқа чўкмасидан иборатдир. Канал қазиганда чиққан материал, шаҳар ҳаробалари ва қасрларнинг маданий қатламлари, пахса деворлар ва ҳоказолар сунъий ўғит сифатида ишлатилган<sup>45</sup>.

Бу ўринда қизиқ бир фактик материал устида бирмунча муфассалроқ тўхталиб ўтиш зарурким, бу материаллар маданий-ирригацион чўкиндиларнинг фақат таркибини ва қалинлигини характерлабгина қолмай, балки Хоразмнинг турли районларида сунъий суғоришнинг қадимийлигини аниқлашда ҳам ёрдам беради.

Жанубий Хоразмда олиб борилган гидрогеологик текшириш ишлари воҳанинг турли участкаларида маданий-ирригацион чўкиндиларнинг қалинлигини ва таркибини аниқлашга ёрдам берди.

Воҳанинг жанубий ва жануби-ғарбий чекка райони—тахминан Тошсақодан Ҳазорасп шаҳри, Богот қишлоғи ва сўнгра Қорақум ёнбағри ва Довдоннинг эски ўзани ўртасидан Хева, Ғозиобод орқали Тахта қишлоғига кетадиган кенг полоса ҳосил қилиб, Амударё қирғоқларидаги қайрлар билан Қорақум ёнбағирлари ўртасида ётади.


Бу районда маданий-ирригацион чўкиндилар қадимги дельтанинг аллювиал текислигини деярли ёппасига қоплаган ва қалинлиги баъзи бир жойларда 3 метрли ва ундан ҳам ошадиган қатламлар ҳосил қилади. Б. М. Георгиевский қайд қилганидек, қадимги суғорма деҳқончилик чўкинди ривожланган ҳар бир жойда маданий ирригацион чўкиндиларнинг қатламлари бир хил қалинликда бўлмай, улар қадимги каналлар яқинида қалинлашади ва каналлар оралигидаги жойларда юпқароқ бўлади; улар марказий қисмда жуда қалин бўлиб, чекка жойларда анча юпқадир.

Қорақум билан чегарадош бўлган ариқлар орасидаги кенг пастликларда маданий ирригацион чўкиндилар мутлақо йўқдир.

Маданий ирригацион қатламларнинг қалинлигига қараб фикр юритганда воҳанинг жануби-ғарбий чеккасидаги район Жанубий Хоразмда Амударё—Довдон тармоғининг чап қирғоғида вужудга келган<sup>46</sup> суғорма деҳқончиликнинг энг қадимги райони бўлган. Худди шу манзара-

<sup>45</sup> С. К. Кондрашев, Орошаемый Хорезм, М., 1931, 65-бет.

<sup>46</sup> Б. М. Георгиевский, Юқорида кўрсатилган асар, 100—101-бетлар.



6-расм. Ирригация пайдо бўлишининг энг қадимги босқичи схемаси. Шартли белгилар: а — сув оқиб турган каналлар; б — Амударёнинг ўша даврдаги ўзани; в — ботқоқ ва тошқинлар; г — шаҳарлар.

нинг ўзи нарироқда Довдон (шимолий ва жанубий) билан Дарёлиқ ўртаси, Дарёлиқ ва Амударё бўйи полосаси ва Сувёрган тармоғи билан Амударё ўртаси, Амударёнинг ўнг қирғоғи ва ҳоказо районларда қузатилади.

Сунъий каналларнинг вужудга келиши ва улар қанча вақт давомида ишлаб турганлиги масаласига ўтишдан аввал суғорма деҳқончиликнинг қанчалик қадимийлигини аниқлашга уринган гидрогеологларнинг илмий мулоҳазаларига аҳамият бериш зарурдир.

Воҳада маданий ирригацион чўкиндиларнинг тўпланганлиги Жанубий Хоразмда суғорма деҳқончиликнинг ўша вақтларда, яъни Амударё сувлари Сариқамишга Довдон ва Дарёлиқнинг чап қирғоқ тармоқларидан оққан вақтида вужудга келганлигини кўрсатади. Дельтанинг аллювиал текислигида Довдон тармоғининг қадимги поймаларида вужудга келган суғорма деҳқончилик, кейинчалик Дарёлиқ тармоғининг ҳар икки томонидаги поймаларда ривож топди, бу тармоқларда сув қуриб қолгандан сўнг уларнинг поймаларида ва ниҳоят «қайр» ерлар деб аталадиган Амударёнинг ҳозирги поймасида ривожланди.

Б. М. Георгиевский, маданий-ирригацион чўкиндиларнинг ҳосил бўлишини текшириб, Жанубий Хоразмда суғорма деҳқончиликнинг тарқалиши қадимги дельтанинг аллювиал текислиги шаклланишининг охириги даври ривожланиши билан хронологик равишда кетма-кет ва параллель борган деб ҳисоблайди. Бу районлардаги маданий-ирригацион чўкиндиларнинг қалинлигига қараб Жанубий Хоразмнинг турли районларида суғорма деҳқончиликнинг қанчалик қадимийлигини тахминий ҳисоблаш мумкин.

Б. М. Георгиевскийнинг ҳисоблашига кўра ҳар йили чўкиндилар дала юзасини 0,5 мм кўтаради.

Бундан, маданий-ирригацион чўкиндиларнинг қалинлигига қараб аниқланадиган суғорма деҳқончиликнинг қадимийлиги Б. М. Георгиевский томонидан Жанубий Хоразмнинг асосий районлари учун қуйидагича ҳисоблаб чиқилган:

1. Довдоннинг эски ўзани қадимги поймасининг жанубий томонидаги воҳанинг жанубий ва жануби-ғарбий чекка райони 2000 йилгача,

2. Довдон ва Дарёлиқ эски ўзанлари қадимги поймалари ўртасидаги район — 1750 йилгача.

3. Дарёлиқ эски ўзанининг қадимги поймаси ва ҳозирги Амударё поймаси террасасининг «қайр» ерлари ўртасидаги район — тахминан 900—1000 йил.

4. Довдон эски ўзанининг қадимги поймаси райони 800—1000 йил.

5. Дарёлиқ эски ўзанининг қадимги поймаси райони—400—500 йил.

6. Амударё террасасининг ҳозирги поймасидаги «қайр» ерлар райони: Амударёдан энг узоқ қисмида — 250 — 300 йилгача, Амударёга энг яқин қисмида — 50 йилдан ошмайди.

Маданий-ирригацион чўкиндиларнинг тобора кўпайиши натижасида суғориладиган ерларнинг кўтарилиши ариқларнинг чуқурлигини аста-секин ошира борди, улардаги сув юзаси баландлиги эса эскича қола берди<sup>47</sup>.

Феодализм давригача Хоразмда қазилган биринчи ва ундан кейинги тошқин каналлар жуда содда бўлиб, уларни қадимги деҳқонлар тошқинлардан сув олинадиган дарё тубининг паст-баландлигига мослаб қурганлар. Бунда канал чуқурлашиб кетмаслиги учун канал ўтказиладиган йўл микрорельефининг барча шароитларига аҳамият берилган. Қадимги деҳқонлар сувни керакли жойгача етказиш учун дарё бўйи-

<sup>47</sup> Б. М. Георгиевский, Юқорида кўрсатилган асар, 95—101-бетлар.

даги пастқам ерларнинг четларини тузатиб, дарёдан сув чиқарганлар натижада саёз ва кенг каналлар ҳосил бўлган. Канал саёз бўлса ҳам, аммо унинг кенг бўлиши катта фойда берган, агар шундай қилинмаса унга барча тошқин сувлари сиғмай қолар эди. Сув сатҳининг катта бўлиши билан бирга, унинг саёз бўлиши сувнинг тезда исишига ва демак унинг кўп миқдорда буғланишига ёрдам берар эди. Шунга қарамай, кангуй-кушан даврида Бозорқалъа, Жонбосқалъа ёки Қўрғошинқалъа районларига чиқазилган сув унга бўлган аҳтиёжни керагидан анча ортиқ қоплар эди ва ортиқча сувни пастликларга оқизиб юборишга тўғри келар эди. Бу тариқа бережали ирригацион иншоотларни фақат қулдорчилик шароити хўжалигида амалга ошириш мумкин эди, чунки у вақтда мустабид подшолик ҳокимлари ўзларига бўйсунган урув-қабилалар иттифоқлари устидан кенг ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар ва уларнинг қўлида жуда кўп миқдорда ҳарбий асир қуллар бўлган.

Қадимги суғорилган ерлардаги ирригацион тармоқларни текшириш натижасида антик даврида қазилган каналлар ўзанининг (Қирққиз, Қўрғошинқалъа, Бозорқалъа ва Жонбосқалъа) жуда саёз бўлиши билан бирга эни анча кенг бўлиши маълум бўлди.

Биз ўрта асрларда бунинг тескари муносабатини кўрамиз (масалан, Гулдурсун канали). Ташландиқ антик каналлар бўйида кенг полоса бўлиб қирғоқ кўтармалари ётади, ўрта аср каналлари бўйида эса, аксинча кўтармалар фақат сув фойдасиз оққан жойлардагина мавжуд бўлиб, қолган жойларда кўтармаларни ўғит сифатида далаларга солганлар ва канал четида зарур бўлган кичиккина кўтарма қолдирганлар. Ўрта асрларда каналлар ўзанининг чуқурлаштирилиши маданий-ирригацион чўкиндилар қатламнинг қалинлашиши ва рельефнинг кўтарилиши билан, асосан эса тобора кенгаётган воҳа ерларини суғориш зарурлиги билан тушунтирилади. Шу мақсадда, воҳанинг энг чекка нуқталарини ҳам сув билан таъмин этиш учун дарёдан сув оладиган канал иншоотлари тобора дарёнинг юқори оқими томон силжий бошлади.

Антик давр ва ўрта аср Хоразмида каналларнинг чуқурлиги билан эни ўртасидаги муносабатнинг ўзгаришини кўрсатиб бериш мақсадида Хоразм археологик экспедицияси материаллари асосида тузилган қуйидаги жадвални келтирамиз.

Жойнинг номи	Каналнинг эни, м ҳисобида	Қирғоқ кўтармасининг эни, м ҳисобида	Кўтарманинг баландлиги м ҳисобида	Каналнинг ишлаб турган вақти
Жонбосқалъа яқинида	15	5	1.5	кангуй даври
Бозорқалъа яқинида	15	5—6	1, 5	—
Қўрғошинқалъа яқинида	10	5	3—4	кушан даври
Қирққиз яқинида	30	12	3—4	—
Анқо қалъа яқинида	12	11	1	афригийлар даври
Гулдурсундан пастроқда	9,5	11	4	—
Шу каналнинг ўзи, бир оз пастроқда	7	9,5	2	—
Якка порсон яқинида	7	3	1	—
Қаргатешканқалъа яқинида	10	5	3—4	—
Қизилқалъа яқинида	11	19	4	Хоразмшоҳ даври
Қаватқалъа яқинида	3,5	4	0,6	—

Илк феодализм даврида каналларнинг чуқурлашиши туфайли далаларга чигирлар ёрдами билан сув чиқаришнинг янги усуллари кашф этилди.

Жанубий Хоразм чап қирғоқ қисмининг юқорида келтирилган археологик обзори бу ерда ҳам ва энг қадимий ўнг қирғоқ — Бозорқалъа воҳасида ҳам сунъий суғоришнинг бир вақтда вужудга келиб ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Қўнарлиқалъа, Қандумқалъа, Тупроққалъа (Амбарманоқ яқинидаги), Довдоннинг ўрта оқимидаги қатор шаҳар ҳаробалари ва Чирмонёп бўйидаги — Хазорасп, Қалъажик, Олмаотишкан — булар ҳаммаси бир қанча катта сунъий каналлар билан боғлиқдир. Хронологик жиҳатдан эса, улар ўнг қирғоқдаги бир қатор — Жонбосқалъа, Қўйқирилганқалъа ва бошқа илк шаҳар ҳаробалари билан боғлиқдир. Бу районларда деҳқончилик хўжалиги ва ирригация тарихий ривожланиш процессининг умумийлиги кузатилади.

Кейинги вақтларгача Чирмонёп каналининг қаерда тугаганлиги масаласи мунозарали бўлиб келди. Археологик авиаразведкалар натижасида Чирмонёп Говурқир баландлигига бориб етмасдан икки тармоққа бўлиниб кетиши маълум бўлди. Жанубий тармоқ баландликни жануб ва ғарб томондан айланиб ўтади; шимоли-ғарбда у шимолий тармоқ билан яна қўшилади ва ягона ўзан ҳосил қилиб, Сарикамиш томон оқади. Бу факт бизни яна қадимда Амударё Чирмонёп райони орқали Сарикамишга оққан деб Беруний чиқарган хулосага қайтишга мажбур қилади. Қуруқ Чирмонёп ўзанининг ҳақиқий йўналиши Берунийга албатта, яхши маълум бўлган.

С. П. Толстовнинг тасдиқлашича, Чирмонёп сунъий каналининг ўзани Говурқалъа атрофларигача Жанубий Довдон деб аталадиган ўзан бўйлаб борган. Демак, Довдон сувининг қаергача оқиб бориб тугаганлиги ва Жанубий Хоразмда магистраль каналларнинг вужудга келиши масаласини ҳал қилиш анча мураккаблашади.

Чирмонёп каналининг ўзида ва Шимолий Довдондаги Қандумқалъада Кўзалиқир типигаги илк археологик ёдгорликларнинг йўқлиги эраизгача бўлган I минг йилликнинг иккинчи ярмида Довдон мавсумий равишда қурий бошлаган деб ўйлашга мажбур этади. Бу эса ўз навбатида суви камайиб кетаётган Чирмонёп ўзанида оқадиган Довдон сувларини сунъий равишда бошқариш заруриятини туғдирган.

А. В. Каульбарс ва В. В. Цинзерлинг текширишларига мувофиқ, Довдоннинг бошланган жойини Тошсақо бошларидан анча пастроқда, Полвонёпнинг анча илгариги, бошқа бошланиш жойларидан қидириш керак. Довдон бу ҳолда Хазорасп районини суғора олмаган. Довдоннинг боши Тошсақо районида, яъни дарёнинг жўшқин оқими Туямўйиндан чиқиб, қирғоқни ёриб ўтиши мумкин бўлган жойда бўлган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шундай қилиб, А. В. Каульбарснинг бошқа бир тахмини ҳам тасдиқланадими, унинг айтилишича Полвонота бу ерда илгари мавжуд бўлган катта табиий ўзан тубидан оқадиган<sup>48</sup>. Бу тасдиқ Довдон номи остида маълум бўлган эски ўзанларнинг ҳолатига ва Полвонота ўзанининг жуда ҳам илонизи бўлиб оққанига асосланган бўлиб, фақат эски ўзанлар мавжуд бўлган жойлардагина шундай аҳвол юз беради<sup>49</sup>.

Шундай қилиб, дастлаб Довдон тошқинлари асосида сўнгра эса унинг сувларини бошқариш йўли билан Полвон, Ғозиобод, шунингдек энг кейинги Шоҳобод ва Ермиш каналларига мувофиқ келадиган бошқа каналлар вужудга келган.

Чирмонёп дастлаб Илялидан 15—16 км жануби-шарқда Довдондан ажралиб чиқувчи тармоқ орқали сув олган; сўнгра у Ғозиободдан

<sup>48</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарья, Известия РГО, т. XI, 367-бет.

<sup>49</sup> Шу асар, шу бет.



сув олган бўлса керак; чунки сунъий каналларнинг охириги пунктларида Говурқалъа, Қўнарлиқалъа ва бошқа шу сингари мустаҳкамланган йирик қишлоқларнинг вужудга келишини бошқача тушунтириб бўлмайди. Эҳтимол, сунъий каналлар вужудга келиши олдиан Довдоннинг сусайган оқими Чирмонёп ўзани орқали бошқарилгандир, бу билан, афтидан, Чирмонёп бўйлаб янги ўзлаштирилган ерларда бир қанча кушан даври ёдгорликларининг вужудга келиши алоқадор бўлса керак.

Жанубий ва Жануби-ғарбий Хоразмнинг шубҳасиз сунъий суғориш билан боғлиқ бўлган археологик ёдгорликларининг умимий обзорига асосланиб, кўпчилик сунъий каналлар бундан икки мианг йилдан илгари вужудга келган деб дадил хулоса чиқариш мумкин; демак Б. М. Георгиевскийнинг гидрогеологик ҳисоблашлари археологик ҳужжатлар билан тасдиқланади. Бу маълумотларнинг бир-бирига жуда тўғри келиши ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас, чунки, гидрогеологлар ирригациянинг тараққий этишидаги баъзи бир тарихий моментларнинг археологик давраларга бўлинишини ҳисобга олмайдилар ва археологик маълумотлар бўйича суғоришнинг вужудга келиш вақти гидрогеология маълумотларига қараганда анча илгариги даврни кўрсатади; бунда археология ирригация тарихидаги қадимги суғорилган ерларнинг бутун-бутун районлари вайрон қилиниб, у ерларда бир неча юз йўллар давомида ҳаёт тўхтаб қолган вақтни ҳам ҳисобга олади. Бу фактларни антик даврда ишлаб турган ва Хоразм африғийлари даврида эса улар ҳавзасида ҳаёт тўхтаб, сўнгра фақат IX асрда тикланган ҳар бир йирик канал ҳавзасида кузатиш мумкин. Маданий-ирригацион чўкиндиларга қараб ҳисоблашларни ҳам танқидий анализсиз тўғри деб бўлмайди, чунки гидрогеологлар маданий-ирригацион чўкиндилар қатламини ҳисоблаганда суғорма деҳқончиликнинг бутун даври учун бир хил ҳисоб олиб борадилар.

Ирригация ва деҳқончилик у ёки бу формада археологик ёдгорликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган, бу ёдгорликларни биз мунтазам сунъий каналларнинг барпо этилиши билан боғлаймиз.

Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қадимги суғорилган ерларда деҳқончилик ва ирригациянинг ривожланиш тарихини ўрганар эканмиз, биз аҳоли томонидан жуда кўп вақтлар илгари ташлаб кетилган, ўтган давр маданияти ёдгорликлари жуда кўп сақланиб қолган воҳалар билан иш кўраимиз. Амударёнинг чап қирғоғида ўрнашган Жанубий Хоразмда эса, ирригация тармоқларининг тинмай ишлаб турганлиги, йилдан-йилга янгидан-янги маданий қатламларнинг ҳосил бўлиши туфайли биз тупроқ остида ибтидоий даврнинг қандай ёдгорликлари яшириниб ётганини бир қарашда айтиб беролмаймиз ва бу ерда биз фақат ер устида сақланиб қолган энг узоқ ўтмиш ёдгорликларига қараб иш кўраимиз.

Довдоннинг ўнг қирғоқ полосасида жойлашган ва чап қирғоқдаги ерларга қараганда маданий-ирригацион чўкиндилар қатлами юпқароқ бўлган ерлари жиддий эътибор беришни талаб қилади; бу ерда Қандумқалъанинг илгари қурилган қисмидан ташқари, деярли ҳамма археологик ёдгорликлар асосан кушан подшолиги даврига тааллуқлидир (Раит харобалари, Қандумқалъанинг кейинчалик қурилган қисми, Кўҳнавос ва унинг атрофлари эрамининг I—IV асрлари билан саналади).

Жойнинг умумий нишоби ва микрорельефига мувофиқ Довдон деярли ҳамма ерда ўнг қирғоққа урилиб оққан, шу сабабли ўнг қирғоқ

жуда тик бўлиб қолган. Довдоннинг чап қирғоғи эса анча ётиқ. **Мана** шу кейинги шароит бу ерда деҳқончилик ва ирригациянинг ривожланишига ёрдам берган. Полвонёп ва Ғознобод чап қирғоқ магистраль каналларини ҳам шу вақтда қурилган дейиш мумкин. Чап қирғоқнинг барча полосасида учраган анча қадимийроқ маданият қолдиқлари ўнг қирғоқда мутлақо йўқдир. Довдоннинг анча тик ўнг қирғоғидаги магистраль каналлар ирригация анча ривожланган кушан даврида қурилган бўлса керак. Бу районнинг археологик ёдгорликлари шундан гувоҳлик беради.

Энди ўнг қирғоқ Хоразмдаги ирригация тарихини ўрганишга қайтайлик.

Ушбу асарнинг биринчи бобида Бозорқалъа канали деб аталадиган каналнинг вужудга келиш тарихий процессини синчиклаб текшириб чиққан эдик.

Бу канал ўнг қирғоқдаги энг қадимий каналларнинг шарқдаги чекка канали эди. Бозорқалъа канали, юқорида қайд қилинганидек, хоразмиларнинг табий тошқин сувларидан фойдаланишдан сунъий каналларга ўтиш борасида қилган биринчи тажрибаси эди.

Хоразм мироблари, шунингдек, кўпдан бери шу ерда яшайдиган маҳаллий чўпонлар ва тажрибали йўл кўрсатувчилар қадимги каналларнинг бошлари Шоббоздан 70 км жануброқдаги Оққамиш деган жойда эканлигини бир оғиздан тасдиқладилар. 1946 йил кузида инженер М. М. Лукьянченко<sup>50</sup> билан суҳбат қилган вақтда Пахтаарнанинг боши бу ерга 1928 йилда кўчирилганлиги ва у Шоббоздан 69 км жануброқда эканлиги маълум бўлди.

Гидрогеологлар ва археологларнинг кейинги йилларда олиб борган ишлари натижасида қадимги Сувёрган тармоғининг боши Оққамишда эканлиги аниқланди. Унинг ўзани самолётдан айниқса яхши кўринади; Оққамишда аллювиал текислик ҳосил қилиб, у қумлар ичига, дастлаб шимоли-шарқ томонга сўнгра эса Шўрахон қишлоғи кенглиги бўйлаб шимол томонга қараб кетади<sup>51</sup>.

Қадимги Бозорқалъа каналининг боши Сувёрганнинг юқори қисмига тўғри келади. Эҳтимол, ўрта аср канали—Говхўра билан ҳозирги Пахтаарна каналлари бир жойдан бошланган бўлиб, уларнинг бошланиш жойи Оққамишда бўлган бўлса керак. Бу ҳол каналларнинг дастлаб ўзанининг қуйи қисмида, унинг ён томонидаги тошқинида, сўнгра, тармоқ аста-секин қурий бошлаганидан кейин, оғир қумлар полосасини айланиб ўтиб, бевосита унинг юқори ўзанида, ёки унинг ёнида вужудга келиши процесси ҳақидаги бизнинг схемамизни равшан кўрсатиб беради.

Бозорқалъа каналининг дарёдан узоқ районда ибтидоний ёдгорликлар энг кўп тарқалган жойда жуда қадим замонларда пайдо бўлишига Сувёрган дарёсининг тошқин сувлари сабаб бўлган; каналдан дастлаб ҳеч қандай тармоқ ажралиб чиқмаган, у ҳозирги Қалтаминор воҳаси орқали Бозорқалъа районига — шимолга қараб оққан. У Бозорқалъанинг ғарбий томонидан айланиб ўтиб, катта пастликка оқиб тушган. Жанубда каналдан бир тармоқ ажралиб чиққан ва Қўйқирилган-

<sup>50</sup> М. М. Лукьянченко у вақтда Пахтаарнанинг бош қисмини қайта қуриш ишларига бошчилик қилар эди.

<sup>51</sup> Сувёрган ўзани Амударёнинг қуйи оқими ирригацион схематик картасида кўрсатилган. Бу карта инженер Ф. П. Моргунов раҳбарлигида тузилган бўлиб, 1928 йилда 1 см да 2 км масштабда Тошкентда нашр этилди. Аmmo картада тармоқнинг қуйи оқими қисми тўғри кўрсатилган эмас.

қалъанинг атрофларини суғорган. Анқоқалъадан<sup>62</sup> бир неча километр пастроқда иккинчи анча катта тармоқ ажралиб чиққан, бу тармоқ Жонбосқалъанинг ғарб томонидан ўтиб, у ҳам пастликларда ғойиб бўлган. Бозорқалъа каналининг қуруқ ўзанидан XIX асрда Шўраҳонни Қазалинск билан боғлайдиган почта-карвон йўли сифатида фойдаланилган.

Қалтаминор воҳаси чегараси ташқарисида каналнинг ўзани жуда равшан кўриниб туради; канал қадимий ирригаторлар томонидан анча баланд тақирлар полосасидан ўтказилганлиги кўзга ташланади. Суғорилган тақир полосасининг кенлиги канал трассасини чуқурлаштиришга имкон бермаган, чунки бу ҳолда каналдан атрофга чиқарилган суғориш тармоқларининг узунлиги ундан суғориш учун сув олишга йўл қўймасди. Ирригаторлар учун бу аҳволдан қутилишнинг бирдан-бир чораси тармоқ каналларнинг сув олинмайдиган бош қисмини узайтириб, уларни асосий каналга яқинлаштиришдан иборат, аммо бу ишни фақат ўртача микрорельеф шароитидагина бажариш мумкин эди.

Биз юқорида Қўйқирилганқалъа, Бозорқалъа ва Жонбосқалъа районлари қадимги воҳасидаги ёдгорликларнинг археологик характеристикасини берган эдик. Бу характеристика умумий нуқтаи назардан қараганимизда, учта катта мустақкамланган пункт қадимги воҳада ҳақиқатан ҳам қангуй даврида мавжуд бўлган деб хулоса чиқара олиш имконини беради.

Антик давр ёзма манбаларини археологик фактлар билан боғлаш учун ўтказилган текшириш ишларининг натижалари ҳозирча етарли эмас.

Хоразм давлатининг мустақиллигидан гувоҳлик берувчи Доро ва Ксеркс ёзувларидан ташқари, грек-македон ҳукмдорлиги давридаги грек манбалари ҳам диққатга сазовордир. Бу манбалардан биз Хоразм аҳмонийлар давлатига қарам бўлмаганлигини аниқлаймиз. Хоразм ҳокими, худди аҳмонийдир Эрони подшоси каби, подшо унвони билан аталган. Бу, Хоразм подшоси Фаразманнинг 1500 суворийлар билан бирга Искандар қошига борганлигини Арриан ёзган текстлар жуда аниқ ва равшан кўрсатиб беради. Ўзини қолх ва сувора аёлларнинг қўшнисини деб атаган Фаразман Искандарга, агар у мана шу кўрсатилган қўшниларига қарши юриш қилмоқчи ва Эвксин денгизи бўйида яшовчи қабилаларни бўйсундирмоқчи бўлса, унга Фаразман бу юришда йўл кўрсатмоқчи ва унинг қўшинларини озиқ-овқат билан таъминламоқчи эканлигини билдирган. Аррианинг сўзларига қараганда (Искандар) «Фаразманни мақтаб, у билан дўстлик ва ҳарбий иттифоқ ўрнатди, Понтга юриш бошлаш ҳали эрта эканлигини билдирди. Сўнг-ра у Фаразманни Артабаз қошига юборди. Артабазга ва бошқа сатрапларга Бақтрияни бошқаришни топширди (Арриан, Искандар Анабасиси, IV, 7).

Фаразманнинг бу сўзлари Хоразм подшоҳлигининг мустақиллигидан гувоҳлик берибгина қолмай, балки Хоразмнинг ўз ерларидан узоқ Заволжъени ҳам босиб олишга интилишини кўрсатади. Эҳтимол Хоразмнинг Хазар подшоҳлигининг сиёсий ва маданий турмушига актив аралаша бошлашига, Хоразмнинг Киев князлари билан X—XI асрларда бўлган ўзаро муносабатларига ва ниҳоят, Хоразмнинг XIII асрда Жўжи улусига киритилишига ва ҳоказоларга ана ўша вақтдан бошлаб асос солинган бўлса керак.

<sup>62</sup> С. П. Толстов, Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР, в 1946 г. Известия АН СССР, сер. истории и философии, 1947, № 2.

Агарда сунъий суғориш Хоразмга қараганда анча эртaroқ бошланган Олд Шарқ мамлакатларининг (Икки дарё оралиғи, Миср) тарихий жараёнларини текшириб чиқсақ, Хоразмнинг юксалиб кетишининг тарихий қонуниятлиги равшан бўлиб қолади. Сунъий суғориш, ўз-ўзидан, жанговар қабилаларнинг уруғ-қабила иттифоқи — қурамасининг актив негизи сифатида ўтроқ деҳқончилик аҳолиси фаолиятининг маҳсулоти бўлган. Бу деҳқончилик аҳолиси эса фақат воҳа билан чўла бир-бири билан яқиндан алоқа боғлаб кудратли давлат тузган ҳолдагина ривожлана олган, ирригацияни ривожлантирган, воҳани ҳимоя қилишга қодир бўлган, шаҳарлар қура олган.

Маҳаллий, нисбатан пассив суғориш усулларидан катта магистраль каналлар қуришга ўтиш ва шунингдек, уларни сақлаб туриш иши албатта бу ишни ўз қўлига олган марказлашган кучли давлатнинг иштирокисиз бўлмаган бўлса керак.

«Сувни тежаб ва биргалашиб фойдаланишга бўлган бу элементар зарурият,—деб ёзади Маркс,—Ғарбда, масалан, Фландрия ва Италияда хусусий соҳибкорларни ихтиёрий уюшмаларга бирлашишга мажбур қилди, бундай уюшмаларни вужудга келтириш учун ҳали цивилизация даражаси жуда паст ва территорияси жуда катта бўлган Шарқда эса бу иш ҳукуматнинг марказлашган кучининг аралашини буйруқ тариқасида талаб қилди. Бутун Осиё ҳукуматларининг мажбуран бажариши керак бўлган иқтисодий функцияси, яъни хашар ишларни ташкил этиш функциясининг сабаби ана шундандир»<sup>53</sup>. Бу функция қадим замонлардан бери фақат ирригация ва деҳқончиликкагина доир бўлмай, чегараларнинг ва қарвон йўлларининг хавфсизлигини ташкил этишга ҳам доир бўлган. Махсус отрядлар чегара ва қарвон йўлларида саҳролардаги қудуқларни қўриқлаб турган. Воҳадан анча узоқ масофада, Хоразмнинг транзит йўлларида—Амударё бўйларида ҳам, Чирмонёп бўйлаб кетган Шаҳристон йўли деб аталадиган йўлда ҳам кангуй давридаёқ яхши мустаҳкамланган қишлоқлар бекорга қурилган эмас.

Маркс «барча шарқий халқлар сингари ҳиндлар ҳам ўз деҳқончилиги ва савдосининг асосий шарти бўлган йирик жамоа иншоотлари ҳақида ғамхўрлик қилиш ишини марказий ҳукуматга топшириб қўядилар...»<sup>54</sup>, деб Шарқ мамлакатлари марказий ҳукуматлари функциясининг бир хил эканлигини жуда тўғри қайд қилиб ўтган эди.

Фаразман ва унинг ворисларидан биз антик Хоразмнинг шундай подшоларини кўрамизки, улар даврида Хоразм бирлашиб ўз территориясидан ташқарига кенг экспансия қилибгина қолмай, балки янги ирригацион иншоотлар амалга оширилди.

Айтилганларни яқунлаб, илк мустабид давлатларнинг ташкил топишида Хоразмнинг босиб ўтган тарихий йўлини қуйидагича тасаввур эта оламиз.

Бронза даврининг содда суғорма деҳқончилигининг ривожланиши натижасида рўй берган иқтисодий силжиш ўз навбатида жамиятнинг сиёсий ва идеологик турмушида силжиш ясади. Уруғлар, қабилалар ва уларнинг иттифоқлари суғориладиган воҳаларнинг мудофаачилари бўлиб қолади, бу эса оқибат натижасида воҳанинг ижтимоий турмушида шундай бурулиш ясашга асос бўлдики, натижада эрамизгача бўлган I минг йилликнинг иккинчи чорагида синфий муносабатлар ташкил топади, шаҳарлар вужудга келади ва мустабид подшоҳликлар тузилади.

<sup>53</sup> К. Маркс, Британское владычество в Индии, Сб. статей К. Маркса об Индии, М., 1933, 6-бет.

<sup>54</sup> К. Маркс, Британское владычество в Индии, Сб. статей К. Маркса об Индии, М., 1933, 8-бет.

Мустабид подшоҳликларнинг тузилиши сунъий суғоришга ўтишда ҳал қилувчи роль ўйнади. У магистраль каналлар қуришга, дамбалар кўтаришга ва бошқа иншоотларни яратишга фақат уруғ ва қабилаларнинггина сафарбар қилмай, қуллардан ҳам бу ишларни бажаришда фойдаланди.

Қадимги Эрон ҳамда қадимги грек маълумотларини ва археологик материалларни ўрганиш натижаси бу подшоҳликларнинг ташкил топиши тарихидаги баъзи моментларни ёритишга имкон беради.

Даставвал биз сак бирлашмаларининг ҳамма уч группасини қуйидагича жойлаштира оламиз:

1. Сакатна-тара дарайялар Сирдарёнинг қуйи оқимида ва ғарбга томон, то Осиё билан Европа чегараларигача жойлашганлар.

2. Сака тиграхавдалар Сирдарёнинг ўрта оқими бўйлаб Олтой чегарасигача бўлган жойларни ишғол қилганлар.

3. Сака хавмаваркаларни Ҳиндиқушгача бўлган Ўрта Осиё тоғлари ва текисликларида жойлаштириш мумкин.

Аслида Ўрта Осиёнинг Бақтрия, Марв, Сўғд, Фарғона, Хоразм ва шу каби ҳамма маданий областларининг аҳолиси сакларнинг мана шу охири группасидан ташкил топган; сак қабилаларининг массагет иттифоқи ҳам асосан сак хавмаваркалардан иборат бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас.

Бу сак подшоҳлигининг вужудга келиш вақти, ҳозир бу нарса шубҳа туғдирмаганидек, эрамизгача бўлган мингйилликнинг биринчи ярми ўрталарига тўғри келади; баъзан биргалашиб иш кўрган бир неча сак подшоҳликларининг бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Шунингдек, мавжуд фактларга биноан сака хавмаварка областларига бошчилик қилган кучли сак подшоҳликларидан бири Хоразмда ташкил топган бўлиши мумкин.

Геродотнинг хабар беришича, эрамизгача бўлган VII асрда массагетлар томонидан сиқиб чиқарилган скифлар (саклар) нинг бир қисми Волгадан ўтиб, киммерийлар ерига кетиб қолган (Геродот, Тарих, IV, II). Бу ҳол албатта, Марказий Хоразмда жойлашган массагетлар иттифоқидаги буюк снёсий воқеалар билан боғлиқдир. Бу иттифоқ ўша вақтдаёқ Европа чегаралари орқасига босқинчилик ҳаракатлари қилган ва бу ҳаракатлар муваффақиятли бўлган бўлса керак. Бундан Хоразм подшоҳи Фаразмнинг Македонияли Искандарга ўзининг колхлар билан қўшни эканлигини билдиргани дарак беради (Арриан, Искандар Анабасиси, IV, 15).

Хоразм подшоҳлиги ўз тажовузини жанубга, Жанубий Туркманистон областига ҳам тарқатган. Бу ерда у Мидия подшоҳлиги билан рақобатлашган.

«Подшо Артин даврида, — деб ёзади Диодор, — мидияликлардан парфияликлар ажралиб чиқдилар, улар ўз ерларини ва шаҳарларини сакларга топширдилар. Шунда саклар билан мидияликлар ўртасида уруш бошланди... сак подшолари мидия қабилаларини Танаисга (Сирдарё) кўчирдилар (Диодор, Библиотека, II, 34, I ва 43,6).

Скиф малликаси Зарина ва Мидия саркардаси ҳақидаги антик романдан биз саклар ва мидияликлар ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларни билиб оламиз.

Геродотнинг Акес воҳаси ҳақидаги машҳур ҳиқоясида (биз уни Тажан дарёси ҳавзасида деб биламиз) бу воҳа форсларгача, яъни аҳмонийлар давлатининг кўтарилиб чиқишигача, хоразмликлар қўлида бўлганлиги тўғрисида маълумот бор.

Шундай қилиб, антик маълумотларнинг тўла ва изчил эмаслигига қарамай, Парфия, Гиркания ва Жанубий Туркменистоннинг шарқроқ-

даги областларида ҳукмронлик қилиш учун Мидия подшоҳлигининг асосий рақиб Хоразм подшоҳлиги бўлганлиги ҳақида равшан тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Хоразм подшоҳлиги баъзан қўшни сак қабилалари билан биргаликда ҳаракат қилган бўлса керак.

Эронда аҳмонийларнинг кўтарилиши ва Хоразмнинг эрамизгача бўлган V асрда Эронга ўлпон тўловчилардан бири бўлиб қолиши Хоразм подшоҳлиги тугади ва аҳмонийларга қарам бўлиб қолди деган маънони мутлақо англамайди. Эҳтимол, Хоразм подшоҳлиги вақтинчалик кучсизланган ва форсларга ўлпон тўлагандир; аммо биз биламизки, эрамизгача бўлган IV асрнинг иккинчи ярмида Фаразман Искандар олдига форсларнинг сатрапи сифатида эмас, Хоразм подшоси сифатида келади.

Қадимги хоразмликларнинг Амударёнинг бутун дельтасини кенг ирригацион ўзлаштириш соҳасидаги фаолияти худди ана шу вақтда қулоч ёйди; биз юқорида ана шу барча тарихий жараёни характерловчи археологик материал обзори билан танишиб чиқдик.

Амударё дельтасидаги тармоқлар бўйлаб тошган сувлар хоразмликлар учун дастлабки сув манбалари бўлиб хизмат қилган. Қачонлардир, жуда қадим замонларда Амударё сувлари Туямўйин дарасидан чиққандан сўнг иккита катта тармоқ—чап томонда Довдон тармоғи, ўнг томонда— Сувёрган тармоғини ҳосил қилган.

Довдон сувлари Сарикамиш чуқурлигигача бориб етган ва эҳтимол, вақти-вақти билан Ўзбойга ҳам қуйилган. Қалъалиқир ва Кўзалиқир районидаги, шунингдек Чирмонёп бўйлаб кетган барча қадимий ирригацион система Довдон тошқинларини маҳаллий бошқаришга асосланган.

Жанубий Хоразмда ҳам шу ҳол кузатилади. Чап қирғоқ Хоразмнинг қадимий магистраль каналлари—Полвон ва Ғознобод Довдон суви асосида вужудга келган.

Сувёрган ҳавзасини, яъни ўнг қирғоқ Хоразмни ўрганиш асосида ҳам юқоридаги хулосани чиқариш мумкин.

## КУЛДОРЛИК ТУЗУМИ ДАВРИДА ХОРАЗМДА ИРРИГАЦИЯ (ЭРАМИЗГАЧА БЎЛГАН IV АСР—ЭРАМИЗНИНГ IV АСРИ)

### 1. КУЛДОРЛИК ИМПЕРИЯСИ ДАВРИ

Биз Хоразм воҳасиннинг ғарбий қисмида ўнг қирғоқ Хоразм ерларидан то Амударё бўйларигача аҳоли кенг ўрнашганлиги ҳақидаги фактларни қайд қилган эдик (II бобни қаранг). Бу фактлар бронза даври ёдгорликларининг ва айниқса амиробод маданиятининг кенг тарқалганлиги билан исбот қилинади. Бу ҳол бу ерларнинг илк темир асрида ҳам ўзлаштирилганлигидан дарак беради. Бунинг сабаби, эҳтимол, Амударёнинг ён ирмоқларининг Сувёрган ҳамда «узун уй» полосалари бўйлаб узоқ давом этган умумий сув босиш натижаси бўлса керак.

Бозорқалъа канали трассасини тартибга солиш учун Сувёрган каналининг бошини тузатишга кўп куч сарф қилинган бўлса керак. Бу ишлар тошқин вақтларида сувнинг стихияли равишда ёриб ўтиб кетиши ва канал режимини бузишининг олдини олиш учун бажарилган; биз XIX асрда қуйи дельтада бундай тадбирлар кўрилганлиги ҳақида кўп нарсаларни биламиз. Бу ҳол эҳтимол, табиий тошқинлар ёйиладиган зонани жуда қисқартиб қўйган ва қадимги суғорилган ерларнинг ғарбий полосасига суғъий равишда сув бостиришга сабаб бўлган.

Хоразм подшоҳлиги тарихида Искандар юришларидан кейинги даврда бўлиб ўтган йирик сиёсий ҳодисалар ҳақида бизнинг қўлимизда ёзма маълумотлар йўқ. Аммо кўп нарсалар ҳақида, яъни антик маданиятнинг, ҳунармандчиликнинг ва ирригациянинг гуллаши ва ҳаммадан олдин социал тенгсизликнинг тезлик билан ривожланиши ҳақида ўнг ва чап қирғоқ Хоразмдаги археологик ёдгорликлар гувоҳлик беради.

Хоразмнинг селевкийларни қувлаб чиқаришда ва аршоҳийларнинг маҳаллий қулдорлик империяларини ва Грек-Бақтриянинг ташкил топишида қандай роль ўйнаганлиги ҳақида, шунингдек, Хоразмнинг Кангуй подшолиги таркибида бўлган вақтидаги сиёсий мавқеи ҳақида маълумотлар йўқ. Биз В. В. Бартольднинг нуқтаи назарига қўшилиб, Кангуй подшолигини Қозоғистон территориясида, Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган деб биламиз. Аммо бу ҳодисаларнинг ҳаммасида Хоразм катта роль ўйнаганлигига қуйидаги тарихий факт ва маълумотлар бизни ишонтиради:

а) тахминан Жанубий Қозоғистон территориясида жойлашган Кангуй мамлакати ҳақида, эраமிழгача бўлган II аср хитой маълумотлари хабар беради;

б) барча тарихий маълумотлар Кангуй подшолиги Сўғд устидан ҳукмдорлик қилиш учун курашда Грек-Бақтриянинг кучли рақиби бўлганлигини кўрсатади;

в) Кангх (Қанғ)—Сирдарё бўйидаги областнинг номи; бу ном жуда қадимий ва Кангх (Қангуй) подшолиги номи ана шу номдан

олинган, чунки ўрта асрлардаги катта қангли қабиласининг номи ҳам «Қанг мамлакатидан чиқиб келган кишилар»<sup>1</sup> деган маънони англатади;

г) ўша вақтдаги хитой маълумотларида тилга олинган ва Қангуй подшоҳлигининг ажралмас қисми бўлган Юегенни, чап Хоразмдаги Урганч деб эмас, ўрта Сирдарёдаги Узганнинг айнан ўзи деб билиш тўғрироқ бўлади (XIII асргача Урганч Гурганж деб аталган);

д) шундай қилиб, эрамиздан илгари III—II асрларда Хоразм подшоҳлигининг тарихий майдондан тушиб қолишига Қанг давлатининг зўрайиши, бу давлат томонидан Хоразмнинг забт этилиши, қуйи Сирдарёдан дайларнинг сиқиб чиқарилиши, дайларнинг Хуросон территориясида пайдо бўлиши сабаб бўлган; Марв воҳаси атрофини баланд девор билан ўраб олиниши ҳам мана шу йирик воқеалар билан боғлиқдир;

е) кучли Қангуй кўчманчи подшолиги системасида бой ва анча маданий бўлган Хоразм иқтисодий ва маданий жиҳатдан биринчи ўринни эгаллаши мумкин ва Хоразмнинг сиёсий жиҳатдан бўйсунганлигининг унинг иқтисодий ривожланишига ҳеч бир халақит бермас эди, бу тўғрироқдир. Бу иқтисодий юксалишда бўлаётган қулдорлик тузуми ҳал қилувчи роль ўйнади, буни биз суғориладиган майдонларнинг тинмай кенгайиб боришидан, ирригацион тармоқларнинг янада ривожланишидан, янгидан-янги шаҳар, қалъа ва ҳоказоларнинг қурилишидан кўрамиз;

ж) тарихчи Табарийнинг араблар босқинчилиги вақтида Ўрта Осиё шаҳар-давлатларининг ҳокимлари Хоразм яқинидаги шаҳарларнинг бирида катта ҳарбий кенгашга йиғилдилар, деб берган маълумоти диққатга сазовордир. Бу ҳам Хоразмнинг, ҳатто у сиёсий жиҳатдан қарам бўлган даврида ҳам етакчи роль ўйнаганини кўрсатади.

Эрамиз бошларига келиб ўнг ва чап қирғоқ Хоразмдаги магистраль каналларни вужудга келтириш учун қилинаётган жуда катта ишлар тамомланди.

Ўрта Осиёда қулдорлик тузуми кушанлар даврида ўз чўққисига етди. Сўнгги йиллардаги текширишлар бу даврдаги суғориш ишлари илгарига нисбатан мисли кўрилмаган даражада ўсганлигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида жамоаларнинг емирилиши билан бир вақтда қулдорлик аристократияси йирик ер эгалигининг зўрайиши натижасида суғориладиган майдонларга бўлган талабнинг ўсишига боғлиқ бўлган.

Қулдорлик шаҳарлари ҳам бу даврда жуда гуллаб кетган: кулолчилик, тўқимачилик, металл ишлаш, бинокорлик ишлари ва шу каби буюмларнинг нафислиги ва сифати жиҳатидан ҳам ва уларни ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилганлиги жиҳатидан ҳам жуда юксак даражага кўтарилди. Ишлаб чиқарилган буюмларнинг миқдори ва сифати ишлаб чиқаришнинг кенг қулоч ёйганлигини ва халқаро ҳамда ички савдонинг анча ривожланганлигини кўрсатади.

Езув, маданият, дин, архитектура ва санъатнинг тараққиёт даражаси иқтисодий базис ва давлат тузумини қай даражада тараққий этганлигини кўрсатади ва шу билан бирга, қулдорлик тузумидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда Фарб билан Шарқ ўртасида айтарли даражада фарқ бўлмаганлигидан гувоҳлик беради.

Фақат бу даврга оид маҳаллий ёзма маълумотларнинг йўқлиги (араблар ўзлари томонидан забт этилган Ўрта Осиё ҳақларининг бар-

<sup>1</sup> Қадимги Эрон афсонасининг «Қангдиз» тарихий замига эга эмасдир; унга, тўғриси айтганда, умуман ҳеч бир белгили жойда ўрин бериб бўлмас керак.




ча ёзма ёдгорликларини йўқ қилиб ташлаганларини эсга олайлик) та-рихчиларга қуллар қўзғолонларини ва бошқа ижтимоий ҳаракатларни муттасил ёритишга имкон бермайди, шубҳасиз бу даврда бундай ҳа-ракатлар тез-тез юз бериб турган; бироқ, илк феодализм даврида қул-ларнинг актив чиқишлари ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум қилинаётган деҳқонлар-нинг феодалларга қарши чиқишларининг умумий тўлқинида қуллар-нинг оммавий чиқишининг охири босқичи сифатида бизга бу жиҳатдан кенг хулосалар чиқаришга имкон беради.

Тахминан эрамининг I асри бошларида Хоразмга кушанлар бости-риб кира бошлайдилар. Хоразм кушанлар давлати таркибига ўтгани-дан кейин ҳам ўзининг мустақиллигини йўқотмади ва унинг иқтисодий ҳамда маданий ўсиши давом этди. Суғориш тармоқларининг ривож-ланиши тўхтаб қолмайди, эски қалъалар қайта қурилади, янги қалъа ва аҳоли яшайдиган пунктлар вужудга келади. Чунончи, Бозорқалъа-нинг shimol-sharqiy бурчаги кичик бир янги шаҳарга айланади. Ун-да кушанлар даври учун типик бўлган янги мудофаа иншоотлари ку-рилади. Воҳа чеккаларида қатор янги қалъалар вужудга келади, қуйи Чирмонёнда Говурқалъа, Қандумқалъанинг кушан қисми, Устюрт қир-ларида Девкескан қалъаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу вақтда катта сув тўсқич иншоотлар билан таъминланган Қирққиз ва Тупроққалъа каналлари қурилиб бўлган бўлса керак. Ирригация тар-моқларининг кенгайиши Шўраҳон, Катта Гулдурсун, Кичик Қирққиз, Тупроққалъа, Қизилқалъа, Аёзқалъа, Қўрғошинқалъа каби яхши му-стаҳкамланган шаҳар ва қалъаларнинг қурилишига сабаб бўлган. Архе-ологик қазиш ишлари бу фаолиятнинг бутун ривожланиш схемасини аниқлади; бу схемага мувофиқ каналдан чиққан ҳар бир шаҳобча ол-дида анча мустаҳкам қалъа қурилган; ҳар бир каналнинг охирида ҳам мажбурий тартибда шундай қалъа қурилган.

Катта Гулдурсуннинг мудофаа иншоотлари ҳам қалъа ячида, ҳам қишлоқ территориясида топилган бошқа моддий маданият ёдгорлик-лари бу қалъанинг кушанлар даврига эмас, балки ундан анча илгари, яъни эраминдан бурунги I—II асрларда қурилганлигидан гувоҳлик беради. Гулдурсун—Қирққиз каналининг Уйқалъа районинда ажралиб чиқадиган шаҳобчаси охирида жойлашган Кичик Қирққиз ва Бўрли-қалъа ҳаробалари диққатни ўзига жалб этади. Бу ёдгорлик ўзининг археологик аломатларига кўра сўнгги кангуй даврига оиддир. Бу ҳол Гулдурсун—Қирққиз канали шу даврда қурилган дейишга имкон беради.

Шўраҳон қалъасининг шу сувайрғичда вужудга келишига бир то-мондан, Қирққиз ва Тупроққалъа воҳаларида ирригациянинг зўр бериб ўсиши сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, Бозорқалъа воҳасида ирригациянинг тикланиши сабаб бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Гулдурсун канали эгалари устунлик вазиятни ўз қўлларига оладилар; шуни тахмин қилиш керакки, Гулдурсун канали эгалари Шўраҳон қалъасини қуриб олгач, Бозорқалъа воҳаси каналидан сув олувчиларга нисбатан ўзларининг яхшироқ ўринларидан фойдалана бошлаганлар.

Катта Гулдурсун қўш девор билан ўраб олинган нотўғри тўрт бур-чак (280 × 230 м) шаклидаги антик қалъа бўлиб, найзасимон шинак-лари бор. У ҳам Шўраҳон қалъаси сингари иккита катта канал—Қирқ-қиз ва Тупроққалъа каналлари бир-биридан ажралган жойда қурилган. Ички ҳовлида илк кушан нусхасидаги қизил лойдан ишланган сопол-лар билан катта иморатларнинг изини кўриш мумкин. XII—XIII аср-ларда Гулдурсун қалъаси қайта қурилган; ички деворлар бузиб ташлан-ган, ташқи шинаклиси сақлаб қолинган, шу билан бирга унга ташқи томондан қалин паҳса девор урилган эди. Натижада ҳамма шинаклар қалъанинг ички томонига қараб қолган.



7-расм. Хоразмда сунъий суғориш ривожланишининг иккинчи этапи схемаси. Эраминг ҳақар IV — II асрлар. Шартли белгилар: а — сув оқиб турган каналлар; б — Амударёнинг ўша даврдаги ўзани; в — ботқоқ ва тошқинлар; г — шаҳарлар.

Дарбоза олдидаги йўлнинг антик лабиринти ҳам ўрта асрларда қайта қурилган. Унинг олдида антик даврнинг қишлоғи бор.

Гулдурсун каналининг излари Шўраҳон қишлоғидан шимоли-ғарб ва ғарб томонларда, Улубоғ қишлоғи территориясида бир неча қатор бўлиб кўтарилиб турган катта тупроқ кўтармалар шаклида сақланиб қолган. Бу излар тўппа-тўғри Гулдурсун томон олиб боради.

Улубоғ ва Тўрткўл ўртасидаги қуруқ ўзандан ҳозирги вақтда қисман автомобиль йўли сифатида фойдаланилади.

Кўтармаларнинг параллель ҳолда жойлашганлиги ва уларнинг турли даражада сақланиб қолганлиги, даставвал, каналнинг узоқ вақт давомида ишлаб турганидан дарак беради. Уни узоқ вақт давомида систематик равишда тозалаб туриш натижасида қирроқ бўйидаги кўтармаларнинг жуда баланглашиб кетишига сабаб бўлган; энди бу кўтарма устига тозалашдан чиққан тупроқни ташлаш мумкин бўлмай қолади ва бу ҳол эски трасса бўйлаб янги канал очишга олиб келади.

Бу ҳол Амударёнинг чап қирғоғидаги кўпчилик тошқин каналлари учун ҳам характерлидир.

Гулдурсун каналининг эски ўзани кейинчалик деҳқонлар томонидан ўғит учун ишлатилган ва унинг излари Улубоғ қишлоғидан кейин йўқолиб кетган. У жонсиз воҳа (1928 йилгача) зонасида Тозабоғёп каналининг ўнг қирғоғида яна пайдо бўлади. Бу ерда у аниқ кўриниб турган сунъий канал шаклида бўлиб, қирроқ кўтармалари ва канал тагини тозалашдан чиққан тупроқ уюмлари яхши сақланиб қолган. Каналнинг эски ўзани Гулдурсунга етганда қалъани жануб ва ғарб томондан айланиб ўтади ва бу ердан шимол ва шимоли-шарқ томонга йўл олиб, қадимий Бургутқалъа-Қирққиз воҳасига кириб боради. Канал ўзани шимол томон йўналишда давом этиб бу воҳанинг ўртасидан кесиб ўтади. Канал Уйқалъа харобаларига бориб етмасидан, ундан 5—6 километр жануброқда икки шаҳобчага бўлинади. Унг шаҳобча асосий оқимнинг давоми сифатида анча камайиб шимолга узоқ масофагача боради ва Кўкча қудуқлари яқинида Қирққизқалъа ва Қўрғошинқалъага чиқади. Чап шаҳобча тўғри ўзан бўйлаб шимоли-ғарб томон йўл олади ва кичик Қирққиз қалъаси атрофларига чиқиб келади. Бургутқалъа-Қирққиз канали воҳасига олиб борадиган йўлларни шимол томондан қатор антик қалъалар — Қўрғошинқалъа Қирққиз ва Кичик Қирққиз қалъалари ўраб туради.

Бургутқалъа Қирққиз каналининг узунлиги Шўраҳондан то Қўрғошинқалъагача 70 километр, унинг воҳасининг кенлиги Бургутқалъа атрофида 5 километрдан ошмайди.

Катта Гулдурсун яқинида бу магистраль каналдан шимоли-ғарб ва ғарб томонига катта канал ўтказилган. У Норинжон шаҳри орқали ўтиб, Жилдикқалъа, Қаватқалъа, Тупроққалъа томон йўл олади ва Қизилқалъа қалъаси олдида тугайди. Жилдикқалъа районидаги Кушанлар қалъаси (ундан сал юқорида) каналдан шаҳобча чиқарилган. Бу шаҳобча ўзанининг кўп қисми ҳозир қумлар тагида қолиб кетган ва кушанлар ҳукмронлиги вақтида қурилган Аёзқалъа ёдгорликларини райондаги тоғ этакларида яна пайдо бўлади<sup>2</sup>. Бу канал шунчалик каттаки, у асосий каналга, Тупроққалъа канали эса унинг шаҳобчасига ўхшайди. Бу икки каналнинг бошини мудофаа қилиш ва сув тақсимлаш тартибини текшириб турувчи марказий ҳокимият анча кучли Катта Гулдурсун қалъасида жойлашган бўлса керак. Бу сўнгги каналнинг ҳар икки шаҳобчасининг қуйи оқимларини Қизилқалъа, Аёзқалъа ва бош-

<sup>2</sup> С. П. Толстов, схемасига қаранг, Новые материалы по истории культуры древнего Хорезма, ВДИ, 1946, № 1, 99-бет.

қа қалғалар құриқлаган. Булар ичида Қизилқалға илк кушан даврида қурилган анча кучли қалға бўлган. Бу қалға баланд ғишт пойдевор устига солинган бўлиб, ундаги турар бинолар каттагина гарнизонга мўлжалланган. Қалғанинг бутун ички қисмига ёппасига равоқли узун йўлаксимон бинолар қурилган. Урта асрларда бу қалға қайта қурилган бўлса ҳам, унинг архитектурасида дастлабки гоёни кўриш мумкин.

Қизилқалға стратегик жиҳатдан муҳим ўринда қурилгандир. У Тупроққалғани ва воҳани ҳам Султон Увайс тоғи орқали ўтадиган қадимги йўл томонидан, ҳамда Амударё томонидан ҳам құриқлаб туради.

Аёзқалға комплекси ҳаробалари Султон Увайс тоғи системаси шарқий тармоқларининг иккита тепалигида жойлашган. Аёзқалға қоясининг тепасини жуда яхши сақлаиб қолган Аёзқалға № 1 қалғаси безаб туради. У баланд қўш деворлар билан ўраб олинган бўлиб, деворлар ярим доира шаклида солинган бурчлар билан мустаҳкамланган. Қалға бурчакларида икки бурчнинг бирга қўшилишидан характерли «қалдирғоч думи»га ўхшаш шакл ҳосил бўлади.

Бу типик детални илк кушанлар даврида қадимги Хоразмнинг ҳарбий истеҳком қурувчилари қўллар эди.

Хоразмга шимол томондан олиб борадиган йўл устида муҳим ўрин тутган ва атрофдаги саҳролар ўртасида баланд кўтарилиб турган Аёзқалға № 1 фақат стратегик иншоот бўлиб, у марказий ҳукумат қалғаси эди<sup>3</sup>.

Аёзқалға қоясининг пастки ёнбағрида, жанубий тепаликнинг учида тухумсимон планда солинган Аёзқалға № 2 жойлашган. Бу қалға яхши мустаҳкамланган ва гарнизон учун ёппасига қурилган бинолардир. Қизилқалға, Қўзиқирилганқалға, Қўнарлиқалға ва шу кабилар типидagi қишлоқдир. Аёзқалға № 1, Аёзқалға № 2 функционал жиҳатдан бир-бири билан боғлиқдир. Аёзқалға № 1 да турар биноларнинг асари ва деворлар ўртасидаги равоқсимон йўлакларда ҳечқандай маланий қатламларнинг йўқлиги бизни Аёзқалға №2 ни, Аёзқалға №1 ҳимоячиларини ташкил этган гарнизоннинг турар қишлоғи сифатида қарашга мажбур этади. Қамал вақтларида ҳимоячиларга атрофдаги воҳада яшовчи аҳоли ёрдамга келган.

Бу мустаҳкамланган тепаларнинг этакларида катта бир қишлоқнинг қолдиқлари жойлашган. Улар катта ҳовли қўрғонлардан иборат бўлиб, ғиштдеворлар билан ўраб олинган. Бу қўрғонлар ичида Аёзқалға № 3 алоҳида ажралиб туради; у кўп бурчли девор билан ўраб олинган.

Бутун қишлоқ хронологик жиҳатдан ягона бир комплексни ташкил этади ва у кушан подшоси Қанишқе тангалари ва тақирларда жуда кўп миқдорда топилган тангалар билан, яъни эрамининг II асри билан саналади. Қишлоқ узоқ яшамаган ва унда ҳаёт III—IV асрларда тугаган.

С. П. Толстов Аёзқалға қишлоғидаги қўрғонларни деҳқончилик аҳолисининг патриархал типдаги катта жамоалари яшаган жой деб ҳарактерлайди. Бу ерда Хоразм қишлоғида ижтимоий-иқтисодий укладнинг ўзгариши натижасида юз берган катта ўзгаришларни аниқлаш мумкин.

Катта уруғ-жамоа типидagi мустаҳкамланган қишлоқдан айрим патриархал типидagi, кўп оилали жамоалар алоҳида ажралиб чиқади. Улар айрим қўрғонлар, катта биноларда яшаганлар.

<sup>3</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 104-бет.

Кушанлар давлатининг гуллаш даврида кўп оилали жамоаларнинг ажралиб чиқиш процесси янги босқичга кўчади; жамоа қишлоғининг ўзи бўлиниб кета бошлайди, оддий жамоа аъзолари ҳам катта оилали қўрғонларга кўчиб кетади<sup>4</sup>. Бу — «катта оилали» жамоаларнинг ажралиб чиқишидан биз қулдорлик тузумининг емирила бошлаганлигини ва илк феодал деҳқончилик синфининг бунёдга кела бошлашини кўра-миз. Илк феодал деҳқончилиги бутун Урта Осиё ва Эронда феодализм талаба қилган асрларда ўз сиёсатини юритган.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш зарурки, бу қўрғонларда биз фақат қишлоқ уйларини кўра-миз, улар аҳоли зич яшайдиган Жонбосқалъа, Хазорасп, Тупроққалъа ва ҳоказолар типидagi антик шаҳарлардан узоқ масофада жойлашган.

Тупроққалъа Хоразмнинг ўз антик типини сақлаб қолган камдан-кам шаҳарларидан биридир. У тўғри тўртбурчак шаклида жойлашган шаҳарча бўлиб, шимолдан жанубга қараб чўзилган майдони 450 × 270 метр, ғиштдан урилган деворлари емирила бошлаган, деворларида квадрат шаклда кўпдан-кўп бурчларнинг излари бор. Жануб томонда қалъага кирадиган йўл бор, у дарбоза олди лабиринти билан ҳимоя қилинган. Шаҳар харобасининг бутун шимоли-ғарбий бурчагини ба-ҳайбат уч бурчли саройнинг ҳаробалари банд қилиб ётади. Бу шаҳар докимларининг саройи бўлиб, баланд кўтарма устига қурилган.

Маданий қатламнинг умумий қалинлиги 4 метр; унинг пастки го-ризонти кушанлар даври билан, юқоригиси — африғийлар даври би-лан саналади.

Тупроққалъа шаҳрининг ва Аёзқалъа № 1 ҳамда Аёзқалъа № 2 комплексидаги Қизилқалъанинг, шунингдек Аёзқалъа районидаги бир қатор қишлоқларнинг мустаҳкамланган уйларининг хронологик жи-ҳатдан умумийлиги уларнинг битта катта каналдан чиқарилган иккита шаҳобча билан боғлиқлигини исботлайди.

Ирригациянинг чап қирғоқ Хоразмнинг жанубида ривожланиши унинг ўнг қирғоқда умумий ривожланиб бориши билан чамбарчас боғ-лиқдир.

Жанубий ва жануби-шарқий Хоразм археологик ёдгорликларининг умумий обзори ирригацион тармоқларнинг кенгайиб бориши ва Хазо-расп, Қалъажикнинг янада мустаҳкамланиши, шунингдек Хева шаҳри-нинг вужудга келиш вақти ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Тахминан кушанлар даврида Хева шаҳрининг вужудга келиши ва Полвноёпнинг умумий йўналишининг ўзгариши бу канал системасида қандайдир қайта қуришлар юз берганидан гувоҳлик беради. Полвноёп-нинг қадимий воҳаси, шунингдек ўнг қирғоқдаги Бозорқалъа канали-нинг воҳаси кушанлар ҳукмронлигининг биринчи асрларида гуллаб-яшнаган эди.

Шу билан бирга, сўнгги-кушан даврида биз умумий тушкунликни ва кушан-африғий ҳамда африғийлар даврида янги юксалишни кўра-миз. Бу ҳақда биз қуйироқда муфассал тўхталиб ўта-миз.

Амударёдан ва Довдоннинг кучсизланган оқимидан мустақил ра-вишда сув олган Ғозиобод канали кушанлар даврига келиб Змухшир шаҳригача етказилган ва бу ердан у Чирмонёпга қараб оқар эди. Бу нарса ўрта асрларда Чирмонёпнинг қадимий ирригацион системасида ҳаётни тиклашга имкон берди. Ғозиободнинг бўйи юқори ва қуйи Чир-монёп бўйлаб кетган қадимий замонларда аҳоли яшайдиган жойларни сув билан таъминлаш мақсадида имкон борича узайтирилди. Бу тад-

<sup>4</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 104-бет.



бирга, шубҳасиз, Хоразм билан Хуросон ўртасидаги энг қисқа «Шаҳристон» йўли орқали олиб борилган қизғин алоқалар сабаб бўлган.

Биз III бобда кўрсатганимиздек, Довдоннинг ўнг қирғоқ полосасини суғориш тарихи масаласи биров бошқачароқдир. Агарда Шимолий Довдоннинг ҳозирги вақтдан ташқаридаги умумий тармоқларини X асрда Истахрий томонидан тасвирланган ирригацион каналларнинг умумий йўналиши билан таққослаб кўрсак, ҳозирги Шоҳобод ўрнида канал бўлганлиги масаласи шубҳали бўлиб қолади. Агарда Қандумқалъанинг ички шаҳарчаси кушанлар давригача вужудга келган ва у Шимолий Довдон ишлаб турган вақт билан боғлиқ бўлган деган фикрга қўшилсак, бу билан биз уни сунъий суғоришга боғлиқ бўлган шаҳарлар қаторидан чиқариб қўямиз, ва Кўҳнавос ҳамда унга ёндошган Қандумқалъа, Раит, Оқтепа ва ҳоказоларнинг сўнгги даврдаги қисмларининг райони каби шаҳарларнинг вужудга келиши ҳамда тугаллаши тарихини тиклашда қийналамиз. Айниқса Раит (Воянгон) шаҳрини Урта Довдон билан боғлаш қийин, чунки Раит Довдон тошқинлари сувидан фойдаланиш мумкин бўлган полосадан анча юқорида жойлашган.

Археологик ёдгорликлар ва маданий-ирригацион ётқизиқларнинг ёши Довдоннинг ўнг қирғоқ полосаси то Кўҳнавосгача кушанлар давридан бошлаб суғорилганлигидан дарак беради; аммо X аср араб географлари сўз юртилаётган районни суғора оладиган битта ҳам канални тилга олмайдилар. Бунинг сабаби, эҳтимол VIII—IX асрларда Шимолий Хоразмнинг тарихий топографиясида юз берган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса керак. Агар Истахрий тасвирлаган Мадра канали ҳақиқатан ҳам Ғозибод канали бўлиб чиқса эди, бу ҳолда у ҳозирги Шоҳобод каналининг қуйи ҳавзаси районнинг сув билан таъминлаган деб тахмин қилиш мумкин бўлар эди; аммо бу район Ғозибод оқадиган пастқамликдан юқорида жойлашганлиги туфайли бундай тахминга ўрин қолмайди.

Бошқа икки канал Бува ва Вадок X асрда Мадра (Ғозибод) каналининг тахмин қилинган бошланишидан биров қуйироқдан оқиб чиққан. Улардан Вадок қадимги замонларда ҳозирги Шоҳобод ҳавзасини суғориш мумкин бўлган. Истахрийнинг тасвирига қараганда, Бува ва Вадок шимоли-шарққа, Гурганж (Кўҳна Урганч) томонига оққан. Бу икки канал оққан районда ўрта асрларда кушанлар даврининг ёдгорликлари топилмаган.

Тахмин қилинган канал суви IX асрдан илгарироқ тиниб қолган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Иккинчи томондан, XVII асрнинг ижтимоий-сиёсий шароитларида Анушахон томонидан Шоҳобод каби жуда катта канални қуриш мумкин бўлмаган бўлса керак. Бу ерда қадимги канал тиклашган деган тахмин энг тўғри тахминдир. Бу масала устида биз ушбу асарнинг кейинги бобларида тўлароқ тўхталиб ўтамиз.

Физик-географик шароитлари ҳар хил бўлган районларни археологик жиҳатдан ўрганиб борган сари Хоразм билан Урта Осиёнинг бошқа областлари ўртасидаги тарихий параллеллар аниқланмоқда.

Фарғона водиси, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё водилари ва бошқалар кушанлар давригача ирригациянинг маълум даражада ривожланганлигини ва унинг Кушан подшолиги даврида гуллаб-яшнаганлигини кўрсатади.

1932—1933 йилларда ГАИМК томонидан ўтказилган археологик экспедиция ишларининг натижалари асосида тарих фани жуда қimmatли материаллар билан бойиди. Биз энди фактик материалларга асосланиб, бронза давридаёқ Фарғона деҳқонлари томонидан торолди

полосасини ўзлаштиришнинг қизиқ манзарасини чизиб кўрсата оламиз<sup>5</sup>.

Хитой тарихчиларининг эрамиздан илгариги II асрда Фарғона ҳақида ёзган равшан маълумотлари Катта Фарғона канали қурилиши туфайли ўтказилган катта археологик ишлари натижасида тасдиқланади<sup>6</sup>. Бу ерда ҳам, худди Хоразмдагидек, суғориш тармоқлари Кушан подшолиги даврида кенгайганлиги кузатилади. Сирдарё бўйидаги гидрографик шароитларнинг баъзи бир хусусиятларидан ташқари, Фарғона водисида катта табиий тоғ селлари—сойларни ўзлаштириш тарихи муҳим аҳамиятга эгадир. Кушанлар даврида бу сойлардан рационал фойдаланилганлиги, шунингдек Сирдарёдан узоқда жойлашган бир қанча кушан шаҳарлари ва қишлоқларигача қазилган ариқлар ситемасини кенгайтирилгани қайд қилинади. Аммо Фарғона водисида ўтказилган археологик қидириш ишлари бу районда ирригацион процессларнинг бутун тарихини ёритиш учун етарли маълумот бера олмайди. В. А. Шишкнинг аниқлашча, Зарафшон этакларида, Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида ирригацион хўжалиги Искандар Зулқарнайн юришларидан илгари ривожланган<sup>7</sup>. Бу ерда ирригация тармоқларининг ривожланиши кузатилади ва у билан боғлиқ ҳолда катта ва кичик деҳқончилик қишлоқлари вужудга келган. Улар илк ва сўнгги антик даврида барпо бўлган.

Юқори Сўғда сўнгги йилларда ўтказилган асосий археологик ишлар асосан Афросиёб шаҳри ҳаробалари ва Самарқанд атрофида — Талибарзу, Кофирқалъа ва ҳоказоларда ўтказилган эди. «Сўғднинг юраги» деб аталган Мароқанда ва унинг райони ҳақидаги грек-македон истилоси давридаги тарихий маълумотлар бу ерда сунъий суғоришнинг ва умуман деҳқончилик маданиятининг анча ривожланганлиги ҳақида шубҳаланишга ўрин қолдирмайди. А. И. Тереножкнинг 40-йилларда Мароқанда деб тахмин қилинган Афросиёб шаҳри ҳаробаларида ўтказган иши жуда қизиқарлидир. А. И. Тереножкин маълумотларига кўра, Афросиёбда ўтказилган археологик текширишлар бу шаҳарда ҳали аҳмонийлар даврида аҳоли яшаганини кўрсатди. Аммо бу нарса бизга Мароқанда шаҳри ўша вақтдаёқ Дарғом сингари биронта магистрал канал билан суғорилган дейишга асос бера олмайди.

Бу масалани ҳал қилиш учун, даставвал, Самарқанддан жануброқдаги археологик ёдгорликларни ўрганиш зарур. Бу ёдгорликларнинг келиб чиқиши Дарғом билан боғлиқ бўлиши мумкин. Афросиёб ёдгорликлари бу жиҳатдан катта ёрдам бера олмайди, чунки кушанлар ҳукмдорлиги ўрнатилгунча Афросиёб балки Сиёб дарёчасидан, ёки булоқлардан сув олган ва унда, афтидан, сунъий суғориш бўлмаган бўлса керак. Кушанлар даврида қадимги Самарқанд ўша даврга нисбатан жуда ҳам катталашиб кетди ва жануб томонга кенгайиб ҳозирги Афросиёбдан анча нарига ўтди. 1945 йилда А. И. Тереножкин Афросиёбнинг жанубий деворлари орқасида катта бир равоқсимон, пона шаклидаги йирик пишиқ гиштдан қурилган иншоотнинг қолдиқларини топди. Бу иншоотнинг материали ва қурилган ўрни Тереножкинга бу иншоот ёзма манбалари бўйича маълум бўлган «Жуи-Арзиз» деб аталадиган қадимий сув ўтказувчи иншоот деб қарашга асос берди. Бу иншоотнинг топиллиши ўз

<sup>5</sup> Б. А. Латынин, Работа ва районе проектируемой электростанция на реке Нарын в Фергане, Известия ГАИМК, вып. 110, Л., 1935, 120—157-бетлар.

<sup>6</sup> Труды института истории и археологии, т. IV, Ташкент, 1951; М. Е. Массон, Экспедиция археологического надзора на строительстве БФК, КС ИИМК, V; Б. А. Латынин, Кўрсатилган асар, 120—157-бетлар.

<sup>7</sup> В. А. Шишкин, Археологические работы 1937 г., в западной части Буварского оазиса, Ташкент, 1940, 42-бет.



навбатиди Афросиёбнинг сув билан сунъий таъминланиши фақат кушанлар даврида амалга оширилган деб тахмин қилишга имкон беради. Шаҳар территориясининг тез ўсиши, албағта, уни сув билан таъминлаш проблемаси билан боғлиқдир.

Г. В. Григорьевнинг Талибарзу шаҳари харобаларида олиб борган ишлари натижасида саналар қўйишда бир қатор хатоларга йўл қўйилганлигига қарамай, узоқ антик даврда, айниқса кушанлар даврида Сўғда сунъий суғоришнинг ривожланишини характерлаб берувчи жуда қимматли материал берди<sup>8</sup>.

Қашқадарё водийсини археологик ўрганиш ишлари яқиндагина бошланди. А. И. Тереножкиннинг рекогносцировкаси ва С. К. Кабановнинг қидириш ишлари бу районда антик шаҳарларни ва мустаҳкамланган кичик қишлоқларнинг жуда кўп ёдгорликларни борлигини кўрсатди. Улар орасида кушанлар даври билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

М. Е. Массон раҳбарлигидаги Термиз комплекс археологик экспедицияси томонидан 1936—1938 йилларда ўтказилган ишлар натижасида қадимги Термиз районида Грек-Бақтрия подшоҳлиги даври маданияти топилган. Термиз шаҳарининг ўзи ҳам ана шу даврда вужудга келган<sup>9</sup>.

М. Е. Массон кушанлар даврига оид қишлоқларнинг маданий қолдиқлари қадимги ариқлар бўйида ва бош сув тақсимловчи иншоотлар олдиди жойлашганлигини алоҳида қайд қилади ва шунга асосланиб, асосий ирригацион система Сурхон этакларида мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи далилни кўради. Бу ирригацион система бундан икки минг йил бурун, уруғ-жамоа аристократияси ҳукмдорлик қилган вақтда қуллар меҳнатидан фойдаланиб барпо этилган<sup>10</sup>.

Санзар водиси ва Нурота тизма тоғлари бўйлаб кетган баланд тоғ-олдиларида, тепаликларда суғорма деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ҳам мана шу даврга оиддир. Бу вақтда, водий ўртасидан оқиб тоғ дарёсига тушадиган булоқ сувлари ғалла экинларини суғориш учун, биринчи марта тоғ этаги бўйлаб узоққа, баҳори экинлар майдонига оқизилган бўлса керак; суғорма деҳқончилик ишлари билан боғлиқ бўлган археологик ёдгорликлар кушанлар даврига киргизилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг турли областларида ўтказилган археологик текширишлар натижасида ирригацион тармоқларнинг энг гуллаган даври ва демак, шаҳарлар, деҳқончилик қишлоқлари ва чегарадаги қалъалар сонининг ўсиши ҳам эрамининг I—II асрларига — қулдорлик тузуми юксалган даврга, Кушан империяси ўз қўл остида жуда катта территорияни—Ўрта Осиё, Ғарбий Хитой, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонни бирлаштирган даврга оиддир.

Бу давр Ўрта Осиёда қулдорлик тузуми ривожланишининг энг юқори нуқтага чиққан даврдир.

## 2. ХОРАЗМДА ҚУЛДОРЧИЛИК ТУЗУМИНИНГ ЙИҚИЛИШИ ДАВРИДА ИРРИГАЦИЯ (ЭРАМИЗНИНГ IV—V АСРЛАРИ)

Кушанларнинг ҳукмдорлик қилиши Хоразмда ва Ўрта Осиёнинг бошқа областларида бўлганидек, қисқа вақтга бўлса-да, қулдорлик тузумининг янада ривожланиши ва қулдорлар синфининг куч-қувватини сақлаб қолиш учун имконият яратиб берди.

<sup>8</sup> Г. В. Григорьев, Городище Тали-Барзу, Труды Отдела Востока, Государственный Эрмитаж, т. I Л., 1939.

<sup>9</sup> М. Е. Массон, Термезская археологическая комплексная экспедиция (ТАКЭ), М.—Л., 1940.

<sup>10</sup> М. Е. Массон, Термезская археологическая экспедиция, т. II, Труды АН УзССР, история и археология, сер. I, Ташкент, 1945, 5-бет.

Илгариги жамоа системасидан ажралиб чиққан, аммо илгаригидек давлат ҳокимияти ҳимояси остида бўлган йирик ер эгалари ўзларига иқтисодий жиҳатдан қарам деҳқонлар, қуллар ва шу кабилар билан бирга воҳа атрофига кўчиб келиб Аёзқалъа № 1 ва № 2 каби қалъалар яқинида мустақкам қўрғон ёки қўрғон типидаги жойларга ўрнашиб олдилар. Мустақкамланган қўрғонларнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда шаҳар марказларининг ўсиши кузатилади (Тупроққалъа, Змухшир, Хазорасп ва бошқалар), булар сиёсий ҳаёт, савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлиб қолади.

Эрамизнинг III асри бошларида Кушан ва Парфия давлатларида эски ва янги маҳаллий сулола ўртасида ички сиёсий кураш зўр авж олганлиги ва бу давлатларнинг заифлашганлиги кузатилади.

Кушан давлатида жиддий кризис бошланади; маҳаллий эфталийлар династияси асосан Мовароуннаҳрда давлат кучларини танг қилиб қўйди; ҳокимият учун кураш бошланди. Бу то V асргача давом этди.

Кушанларнинг кучсизланишига асосан хўжаликнинг уруғ-жамоа системасининг тарқалиб кетиши ва деҳқонлар деб аталадиган катта оилаларнинг ажралиб чиқиши сабаб бўлди. Бундай мустақил хўжаликнинг бошлиғи ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга бўлар эди ва у ер билан ҳамда ўзига қарам бўлиб қолган илгариги жамоачилар билан қаттиқ боғланиб қолар эди.

Кушанларнинг кучсизланишида Хоразм катта роль ўйнаган бўлса керак, чунки у III асрдаёқ сиёсий мустақилликни қўлга киритиш учун бел боғлаган эди.

Танга пуллардан олинган маълумотларга қараганда III асрда Хоразм ўз мустақиллиги учун кураш бошлайди. Бу муносабат билан катта ички сиёсий ларзалар юз берадики, натижада Хоразм территориясида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб олган қатор айрим ҳокимликлар вужудга келади.

Ҳақиқатан ҳам, биз кўрамизки, бу вақтда эски магистраль каналлар ва улар билан боғлиқ бўлган районлар тезда тушқунликка юз тутади. Катта мустақкам қўрғонларда ҳаёт тугайди. Анқоқалъа, Қирққиз, Филқалъа, Кўҳнавос ва шу каби бошқа янги каналларда янги қалъалар вужудга келади.

Тарихий адабиётда кўпдан бери эфталийларнинг ҳокимияти бутун Урта Осиё ва ундан ташқарига тарқалгунга қадар улар давлатининг шаклланишида Хоразм роль ўйнаган деган фикр олға сурилган<sup>11</sup>. Бу фикрнинг ҳали ҳеч ким исботлаб бергани йўқ, аммо Хоразм давлатининг мустақил ривожланиш йўллари шубҳага ўрин қолдирмайди. 1947 йилда Тупроққалъада Хоразм подшолари ҳайқалларининг галерияси топилиши бу масалани ечишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Тупроққалъа кўшкисаройлар залларининг бирида бошига тож кийган ва қўлига бургут ушлаган подшо ҳайкалининг топилиши<sup>12</sup> ва Анқоқалъа яқинида ҳам бошида тожи ва қўлида бургути бор танганин топилиши ва бу танга шу жойда зарб қилинганлиги III асрда маҳаллий династия ҳокимияти ўрнатилганлигидан гувоҳлик беради. Бу династия сиёвушлар авлодидан бўлган бўлиши мумкин<sup>13</sup>.

<sup>11</sup> Н. Веселовский, Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве, СПб., 1887.

<sup>12</sup> Ҳайқаллардан ташқари бу саройда диний аҳамиятга эга бўлган бир қатор ёдгорликлар ва мифологик сюжетли ҳамда пейзажлар тасвирланган расмларнинг бой намуналари топилган.

<sup>13</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, 185—186-бетлар.

Шундай қилиб, улуғ кушанлар билан кураш ва ички ларзалар Хоразмда кучли маҳаллий династияни вужудга келтирди. Бу династия ўз таңгаларини зарб қила бошлади ва шаҳарларда ўзларига алоҳида кўш-ки саройлар қурди, булар ўрта аср шаҳарларидаги арклар учун намуна бўлиб хизмат қилган.

Ғолиб чиққан сиёсий гуруҳ африғийлар династиясига асос солган ва ўз ҳокимиятини дастлаб Тупроққалъага таянган ҳолда воҳанинг ўнг қирғоғида ўрнатган бўлса керак. Хоразмнинг янги подшолари III асрда Кат каналини қазиганлар ва сўнгра унда Кат шаҳрини қуриб ўз резиденцияларини шу ерга кўчирганлар. Қўшни воҳалардаги бошқа уруғ-қабила бирлашмалари билан душманлик муносабатида бўлганликлари туфайли, улар ирригацияни ва деҳқончилик маданиятини тиклашга қодир эмас эдилар; Говҳўра каналининг юқори участкаларини қўлга кири-тиб олиб, улар, XIX аср Хева хонлари сингари ўзлари душман бўлган қабила ва уруғлар ўтирган каналларга кирадиган сув йўлларини беки-тиб қўйдилар, ҳолос.

Фақат узил-кесил ғалаба қозонгандан кейингина Хоразмнинг янги подшолари ташландиқ бўлиб қолган каналларни тиклашга, янги ер-ларни суғоришга ва шу қабиларга кириша олдилар. Шубҳасиз, янги сулоланинг ғалабаси олдидан кушанлар билан ҳам ва Хоразм тахти учун курашган ички душманлар билан ҳам вайронагарчилик келтирадиган қуролли тўқнашишлар бўлган. Бу тўқнашишлар вақтида қуллар, айниқса эксплуатация қилинаётган жамоа аъзолари катта қўзғолонлар кўтариб чиққан бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Афсуски, ҳозирча бизнинг қўлимизда ёзма манбалар йўқ; аммо деярли ҳамма халқлар, ҳамма мамлакатлар ўзларининг ижтимоий-сиёсий тараққиётининг шу бос-қичида шундай ўзгаришларни бошидан кечиргани бизга маълум. Демак, Хоразмдаги биз томонимиздан қайд қилинаётган тушкунлик ва гуллаш давларининг алмашилиб туриши, маҳаллий сулоланинг кўтарилиб чи-қиши ташқаридан бостириб кириш натижасида юз берган вайронагар-чиликлар ҳақида эмас, мамлакат ичидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳа-қида дарак беради. Парфиялилар Эрони ва бошқа қўшни мамлакат-ларда бўлганидек, Хоразмда ҳам қулдорлик тузумининг разолатга тушиш процесси кушанлар давлатининг емирилишига сабаб бўлган, ички ижтимоий ҳаракатларни активлаштирган, маҳаллий сулола ҳокимиятининг ўрнашини тезлаштирган бўлса керак. Маҳаллий сулола янги пайдо бўлиб келаётган илк феодал синфи—деҳқонларга таянган.

Илк феодал Хоразмда воҳаларнинг ҳаёти қуйидагича тасаввур эти-лади. III асрда чекка Шарқий Бозорқалъа канали Анқоқалъа қалъа-сигача бориб етган; ундан шимол томонда жойлашган Бозорқалъа ва Жонбосқалъа атрофидаги эски воҳа саҳро бўлган.

Бозорқалъа каналини қуриш вақтида вужудга келган Ирисқалъа каналнинг ўрта қисмида қулай ўрин тутганлиги туфайли орадан бир оз вақт ўтказиб, ўз ҳаётини давом эттирди.

Гулдурсундан шимолга қараб кетган Қирққиз канали илгаригига кўра анча кичик ҳажмда тикланган эди. Каналнинг икки охири қис-мидаги кенг маданий полосанинг марказига айлана борган. Гулдурсун ўзининг илгариги аҳамиятини бутунлай йўқотган ва қалъа сифатида ҳам, аҳоли яшайдиган пункт сифатида ҳам фойдаланилмаган.

Ғарбда, бу каналнинг чап шохобчасида ҳам катта ўзгаришлар со-дир бўлди. Қизилқалъа умрини тугатиб, ўз жойини бу вақтга келиб кучайиб кетган Тупроққалъага берди.

Аёзқалъа қалъалари системаси унга ёндашган маданий рустоқ би-лан бирга ташландиқ бўлиб қолди. Аёзқалъа ва Тупроққалъадан сув чиқарилган жойдаги сувайирғичда Жилдикқалъа вужудга келди. Жил-

дикқалъа харобалари катта турар бинонинг қолдиқларидан иборат бўлиб, баландлиги 20 метрга етади.

III асрда Жилдикқалъанинг вужудга келиши ва деярли шу вақтнинг ўзида Тупроққалъа аҳамиятининг кучайиши Тупроққалъадаги янги ҳокимият билан Аёзқалъада яшовчилар ўртасида сув учун кураш натижасида вужудга келган эмасмикан деган фикрни тўғдиради. Бу ҳулосанинг тўғрилигини Аёзқалъа рустогининг тезда сўнганлиги, Тупроққалъа рустогининг эса юксалганлиги ва узоқ вақт давомида гуллаб яшашлиги исботлайди.

Бу вақтда биз ўнг қирғоқ Хоразмнинг ғарбий қисмида маданий-иқтисодий ҳаётнинг тўпланишини кузатамиз. Шарқда, Бозорқалъа ва Қирққиз каналларида маданий ҳаёт тобора қисқаради ва тўхтаб қолади, шу вақтнинг ўзида ғарбий қисмида эса янги обод марказлар вужудга келади, ирригацион тармоқлар тартибга солинади, янги каналлар қазилади. Масалан, ўша даврда ҳозирги Амиробод ва Шоббоз районларини суғорган янги канал қуриб тугалланган. Уша вақтда Шўраҳон районида катта Гулдурсун каналидан каттагина канал ўтказилган, бу канал ўзининг катталиги жиҳатидан ҳозирги Бўзёп каналига тенг келади. Биз бу канални шартли равишда Кат канали деб атаيمиз; у қадимги пойтахт — Катни суғорган. Кат каналидан каттагина шохобча чиқарилган.

Думанқалъа (эрамизнинг III асри) Амиробод каналининг этакларида жойлашган бўлиб, у воҳани шимол томондан кирадиган йўлини ҳимоя қилиб турган. С. П. Толстов авиоразведка ўтказиб, катта Аёзқалъа канали бу ерда Думанқалъа орқали ўтган бўлиши керак деган хулосага келди<sup>14</sup>.

Бизнинг фикримизча, қатор мулоҳазаларга кўра бундай бўлиши мумкин эмас: биринчидан, бундай тахмин қилиш учун каналнинг йўналиши мувофиқ келмайди; иккинчидан, агарда ҳозирги Аёзқалъа канали қандайдир қадимги каналга мувофиқ келса эди, унинг трассаси бўйлаб бошқа каналларда бўлгани сингари, қалъалар ва бошқа ёдгорликлар бўлган бўлар эди; учинчидан, Жилдикқалъа ва Думанқалъа ўртасидаги жойини рекогносцировка қилиш ишлари канал йўлида бир қатор кўллар шаклида пастқамликлар борлигини кўрсатди, канал ана шу пастқамликларга бориб тушар эди. Ҳақиқат ҳам, археологик қидиришлар Думанқалъа шимолдан Амиробод воҳасини, бошқа каналлар охирида қурилган қалъалар сингари, ҳимоя қилиб туришини ва жойин жиҳатидан Жилдикқалъа райони билан боғланмаслигини кўрсатди.

Асосий Кат каналига келсак, у Амударё билан деярли ёнма-ён оққан ва Кат шаҳри яқинида шохобчаларга бўлинган. Биз Шоббоз билан Сарибой (Шоббоздан 18 километр юқорида) бир қатор қадимги шаҳарларни Тупроққалъа, Саркупқалъа, Катта Симота, Кичик Симота, Қорақўлқалъа ва бошқаларни рўйхатга олдик. Бу шаҳар харобалари узоқ вақт давомида суғориладиган полоса ичида жойлашган ва қисман уларни бузиб, ўғит сифатида фойдаланилган, уларнинг қолган қисмлари эса мазор сифатида фойдаланилган. Аммо тахминий стратиграфик кесмалар бу ёдгорликлар эрамизнинг IV—V асрларида вужудга келганлигини ва VII—VIII асрларда уларда ҳаёт тугаганини кўрсатди.

Кат каналда охириги қалъа сифатида Шоббоз қишлоғидан 2—2,5 километр шимолроқда жойлашган Филқалъа қалъаси хизмат қилган бўлиши керак. Ҳозирги вақтда бу қалъа қамиш босган кичкинагина кўл

<sup>14</sup> Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция Академии наук СССР, 1946 г., Известия АН СССР, сер. истории и философии, 1947, № 2.

Ўртасида қолиб кетган. Филқалъа — квадрат планда қурилган каттагина қалъа бўлиб, ҳажми тахминан 220 × 220 метрдир; унинг мушофаа иншоотлари Аёзқалъа № 1 системасининг истеҳкомларига ўхшайди. Қалъани бир неча марта сув босган; унинг деворлари жуда емирилиб ва нураб кетган; қалъанинг марказий қисмини ҳозир ҳам қамиш босган катта ботқоқлик банд қилади. Қалъанинг жануби-шарқий бурчагида квадрат шаклида кўшк (54 × 54) бор, у жуда қалин ва баланд девор билан ўраб олинган (деворнинг баландлиги 10—11 метр, қалинлиги 6 метр). Деворлар катта лой палахсалари билан урилган. Кўшкнинг ички қисми бўш. Унинг шимолий деворининг ўртасида торғина кириш йўли сақланиб қолган. Шоббоз аҳолиси ўртасида қадимги замонларда Хоразм подшолари бу иншоот ичида ўзларининг филларини асраганлар деган ривоят сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли уни «филхона» деб юритади. Бизнинг фикримизча, бу иншоот қуриб битирилмаган тураржой кўшкнинг таг қисмидир. У Жилдикқалъа ва Тупроққалъа турар жой кўшкнинг таг қисми типига ўхшайди. Филқалъадан топилган кам миқдордаги кулолчилик материаллари сўнгги кушанлар даврига оиддир.

Амударё қадимги Кат (Фил) шаҳрини X асрда ювиб кетган. Бизнинг фикримизча, Кат шаҳрининг барпо этилиш вақтини аниқроқ айтиб бериш масаласи Хоразмнинг суғориш тарихини ўрганиш билан боғлиқдир. Биз Геродотдан олдин ўтган Гекатей Милетский тилга олган Кат шаҳрини хоразмликлар мамлакати бўлмиш Хоразм шаҳрининг ўзгинасидир деб билиш тарафдоримиз<sup>15</sup>.

Ўрта асрларда Фил шаҳри шу ном остида Малоиний-Табарий томонидан 712 йил воқеаларини тасвир этиш муносабати билан тилга олинади<sup>16</sup>. Уни биринчи марта Хоразм деб IX асрда Ибн Хардодбех атайди<sup>17</sup>.

Берунийнинг Африғ кўшки ҳақидаги маълумотида Фил шаҳрининг борлиги қайд қилинади. Н. Веселовский Берунийнинг шу жойини қуйидагича ўқийди: «Ал Фир деб қалъага айтар эдилар, у шаҳар деворларининг ташқарасида лой ва ғиштдан қурилган ва бири ичига иккинчиси қурилган учта аркдан иборат эди. Улар ҳаммаси бир хил баландликда бўлиб, саройдан юқориқроқ кўтарилиб турар эди. Ал Фир 10 миль ва ундан ҳам узоқроқдан кўриниб турар эди. Буюк Искандардан кейин 616 йилда (мелоднинг 306 йили) Африғ ўзига Ал Фир шаҳри орқасида сарой қурди»<sup>18</sup>. А. С. Толстов бу жойини бир мунча бошқачароқ ўқийди: «Ал Фир Хоразм шаҳри яқинидаги қалъа эди, у лой ва хом ғиштдан қурилган бўлиб, бири ичига иккинчиси қурилган ва биридан иккинчиси баланд учта девори бор эди ва уларнинг ҳаммасидан подшоларнинг кўшки баланд эди... ва (Африғ) ўз кўшкни Искандардан кейин 660 йилда Ал Фирнинг ичига солди»<sup>19</sup>. Ҳатто бу ҳар турли ўқилишига қарамай, Хоразм (Фил — Кат) шаҳри 305 йилда Африғ кўшки қурилмасдан ва бу ерга африғиларнинг қароргоҳи кўчирилмасдан илгари ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлади.

Аммо Кат канали рустоғида, ҳатто кушанлар даврига онд ёдгорликлар ҳам мавжуд эмас.

<sup>15</sup> А. Hermann, Alte Geographie des unteren Oxusgebietes (Die Chorasmier und ihre Stadt Chorasmie) 12-бет В. В. Бартольд, Сведения об Аралском море, 4-бет.

<sup>16</sup> МИТТ, т. I, 76-бет.

<sup>17</sup> «Хоразм, унинг номи Фил» (ВГА, т. VI, 33-бет):

<sup>18</sup> Н. Веселовский, Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве, СПб., 1877, 24-бет.

<sup>19</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, 191-бет.

Жуда қадим замонларда атрофида ҳеч қандай рустоқ бўлмаган шаҳарни сув билан таъмин этилиши мумкин бўлганми деган савол туғилади. Эҳтимол, қадим замонларда шаҳар магистраль каналдан эмас, балки Амударёнинг шу жойдаги биронта тармоғидан сув олгандир. Бундай тармоқ XIX аср бошларида дарёнинг табиий тармоғи сифатида тилга олинган Қесик номли тармоқ типда бўлиши мумкин. У Шоббоздан бир оз юқорироқда Амударёдан чиқиб, Шоббоз яқинида яна Амударёга қуйилган<sup>20</sup>. Шу муносабат билан дарё ўзанининг шу қисмида вақти-вақти билан маҳаллий характерга эга бўлган тармоқлар ҳосил бўлиб турган деб ўйлашга тўғри келади.

Чап қирғоқ Хоразмда ўша вақтнинг ўзида кучли мустаҳкамланган Хазорасп вужудга келади. Хазораспнинг фортификацион иншоотларини кучайтириш юзасидан афригийлар даврида жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди; аммо бу вақтга келиб, Қалъажик ва Олмаотишкан қалъалари ташландиқ бўлиб қолди, бу вақтда Хева каналининг (Полвонёп») бутун рустоғидан ҳам катта тушкунлик кузатилади.

Катта Ғозиобод канали воҳаси учун ҳам шу манзара характерлидир. Каналнинг юқори қисми районининг топографияси ўрта асрларда жуда ўзгарган. Шунинг учун ернинг маданий ўзлаштирилишининг қай тартибда борганлигини айтиб бериш анча қийиндир. Каналнинг этакларида, Змухширдан бошлаб то Чирмонёпгача сўнгги антик даври ёдгорликлари топилмаган.

Кўҳнавос масаласи шу вақтгача ҳал қилинмай келмоқда. Бу қалъада ва унинг теварак атрофида ҳаёт IV асргача ва балки V асргача давом этган бўлса керак. Шу билан бирга, Довдоннинг сунъий канал мавжуд бўлган деб тахмин қилинган ўнг қирғоғидаги районларда ҳаёт бутунлай тўхтаб қолганлиги кузатилади. Раит, Қандумқалъа, Оқтепа ва бошқа қадимги шаҳарлар III—IV асрларда ҳаробага айланган.

Биз бироз юқорироқда Кўҳнавосни мана шу шаҳарлар системаси билан боғлаган эдик ва уни Довдоннинг ўнг қирғоғида ўтказилган каналнинг охирида қурилган қалъа деб айтган эдик. Аммо бу тахминга қарши иккита жиддий эътироз бор: биринчидан, канални Кўҳнавосгача етказилиши мумкин бўлмаган, чунки бу ҳолда у Шимолий Довдоннинг кенг ўзанини кесиб ўтиши керак бўлар эди; иккинчидан, бу вақтда канал бўйлаб сувнинг ҳатто Шимолий Довдонгача етиб бориши гумон бўлган. Бу проблема муносабати билан Довдоннинг янгидан тошганлиги масаласи кўтарилди. Бу албатта, Амударёнинг уриб кетиши билан боғлиқ бўлмай, балки тўғрироғи, Ғозиободдаги ва Довдоннинг ўнг қирғоғидаги каналдаги ортиқча сувларнинг кўпайиб кетиши билан боғлиқ бўлса керак. Каналларнинг бош қисмларида ва шунингдек ўнг қирғоғидаги каналларда бўлгани каби унда-мунда қишлоқлар сақланиб қолган; канални сақлаб қолишга фақат маҳаллий жамоаларгина эмас, балки, олий ҳокимият ҳам интилган. Хазорасп мудофаасининг кучайтирилиши шундан дарак беради. Каналга, ҳар ҳолда, озми-кўпми сув келиб турган бўлса керак; сувни четга чиқариб юборишга имконият бўлмаганлигидан уни Довдонга кўплаб оқизиб юбориш зарурияти туғилган ва у Шимолий Довдон сувининг тошишига ва Кўҳнавос районида ҳаётнинг гуллашига сабаб бўлган.

Кўҳна Урганч районининг ўзлаштирилиши ва Гурганж шаҳрининг вужудга келиши масаласи эса ҳалигача ҳал қилинмай қолади. Жуда қадим замон ёдгорликлари на шаҳарнинг ўзида ва на унинг атрофларида ҳалигача топилмаган.

<sup>20</sup> Мунис-Огаҳий, *فردوس الاقبال* СССР Фанлар академияси Шарқшўнослик институтининг қўлёзмаси, № Е-6.

Антик даврнинг битта-яримта ва жуда тарқоқ ёдгорликлари — Устюртдаги Девкескан, Нукус яқинидаги Шўрчақалъа антик даврида юқориги дельта шимолӣ қисмининг ва бутун қуйи дельта территориясининг қанчаллик ўзлаштирилганлигини аниқлашга имкон бермайдн.

Аммо шу фактни қайд қилиб ўтиш керакки, сунъий суғориш билан боғлиқ бўлган шаҳар маданияти бу вақтда Довқарадан шарқроқда қуйи дельтанинг шарқий чеккасида вужудга келди. Бизнинг экспедициямиз 1945 йилда ўтказилган археологик қазиш ишлари вақтида «Қўрғонча» ёки «Қубландиқалъа» номи остида маълум бўлган шаҳарнинг ҳаробаларини текширди.

«Қўрғонча» Тахтакўпирдан 18 километрлик масофада, Тахтакўпирдан Қизилўрдага борадиган катта автомобиль йўли яқинида жойлашган. Бу йўл «Қўрғонча» яқинида анча тор эски йўл билан қўшилади. Маҳаллий аҳолининг сўзига қараганда, эски йўл Шоббоз ва Шўрахонга олиб боради. Катталиги 400 × 380 метрга тенг ва деярли квадрат шаклда бўлган шаҳар қалин девор билан ўраб олинган ва унинг кўпдан-кўп бурчлари бор. Девор анча емирилган. Қидирув мақсадида шаҳар ичида қазилган шурфлардан олинган маълумотлар ва шаҳар атрофида топилган материаллар характери шаҳар ва унинг каттагина теварак-атрофи эрамининг II, балки III асрида (кушанлар даврида) вужудга келганлигидан гувоҳлик беради. Шаҳар атрофида катта бинолар бор. IV асрда шаҳарда ҳаёт тугаган ва у ерда фақат VI асрга келиб (африғийлар даврида) ҳаёт қайта тикланган; аммо VI асрда шаҳар узоқ яшамаган, чунки, VII асрда у тўла тушкунликка юз тутган.

Шаҳар ичида, унинг жануби-ғарбий қисмида думалоқ дўнг бор, у мазорни эслатади. Маҳаллий аҳоли (қозоқлар) уни қозоқ ва қорақалпоқларнинг машҳур-элик қаҳрамони Қубланди ботирнинг мозори деб ҳисоблаб, зиёратгоҳ жойига айлантирганлар ва шаҳарнинг ҳар иккала номи Қубланди мозори устидаги дўнг билан боғлиқдир.

Шаҳар ва унинг атрофи қандай суғорилган деган савол туғилади. Тахтакўпирдан шарқ томон, автомобиль йўли бўйлаб «Қиндиксой» деб аталган кенг қуруқ ўзан чўзилиб кетган. Кўҳнабўғут (эски тўғон) қудуғи олдида ва ундан юқорироқда бир неча жойда кўндаланг қурилган тупроқ тўғонлар кузатилади. Маҳаллий аҳолининг ҳикоя қилишича, охириги 100 йил давомида Амударёё икки марта уриб кетиб, Довқара пастекислигини сув босган ва ҳар гал сув Қиндиксойдан оққан. Аҳоли Қиндиксойдан кичик-кичик каналлар қазиб ўтказиб, деҳқончилик билан шуғулланган. Қиндиксойда сув қамайганида унга тўғонлар (бўғутлар) қурганлар ва бу билан каналларга сув чиқарганлар. Каналлар Қиндиксойдан тўғри бурчак остида чиқарилган. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки Қиндиксойнинг суви асосан оқмаган. Амударёдан сувнинг Довқара пастекислигига уриб кетиши қадим замонлардан бери вақт-вақти билан юз берган бўлса керак.

Бу бобда баён этилганлардан шу нарса маълум бўладики, Хоразмда суғорма деҳқончилик қилиш тарихини тиклаш, айниқса, биз учун тилсиз бўлган «мусулмонларгача» бўлган даврнинг тарихини тиклаш иши фақат Амударё дельтасидаги воҳаларда комплекс археологик текширишларни давом эттирган тақдирдагина мумкин бўлади.

## ИЛК ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА ИРРИГАЦИЯ

(Эрамизнинг IV—IX асрлари)

Қулдорлик тузуми гуллаган даврда олий ҳокимиятнинг таянчи бўлган ҳарбий аристократия мустақил ер эгаллигини талаб қила бошлади; деҳқончилик жамоаларининг ўз ерларини сақлаб қолиш учун кураши ва давлатнинг суғориладиган майдонларга нисбатан тобора ошиб бораётган талаби айниқса кушанлар даврида сунъий суғоришнинг янада ривожланишига сабаб бўлди.

Кушан ва шунингдек Парфия империяси ҳарбий аристократиясининг кўпчилик қисми ерга эга бўлиб олди ва кашоварларни эксплуатация қилишга киришди.

III асрнинг охирига келиб, кушанлар империяси томонидан вужудга келтирилган ҳарбий куч тарқалиб кета бошлади, айрим деҳқончилик воҳаларини ажратиб олишга интилишлар бошланди, натижада бу воҳаларда кўпдан-кўп майда подшочалар — бухорхудотлар, Самарқанд ихшидлари, Усрушон афшинлари, Тошкент тудонлари, хоразмшоҳлар ва жуда кўп шу сингарилар вужудга келди.

Бу даврни қулдорлик тузумининг емирилиши ва унинг асосида феодализмнинг бунёдга келиш даври деб қараш керак. Бу даврни таърифлаганда тарихчи Табарийнинг қолдирган қизиқ бир хабарини айтмасдан ўтиб бўлмайди. Табарийнинг хабар беришича, афсонавий подшо Манучеҳр деҳқон синфига асос солган, у ҳар бир қишлоқ бошига бир деҳқон тайинлаб, унинг қуллар ва хизматкорларга айлантирилган аҳолисини шу деҳқонга бўйсундирган.

Майли бу афсона бўлсин, аммо деҳқонларнинг — қулдорчилик муносабатларининг ривожланиши натижасида вужудга келган — илк ер эгалари-феодаллар синфининг яратилиш тарихини шу хил тушунтириш факти кўп нарсадан дарак беради.

Трог Помпейнинг давлатга энг кўп миқдорда сувора-қуллар бериб турган бой қулдорлари эндиликда озод кадовар-жамоа аъзолари устидан ҳукмдорлик қилишни қонунлаштиришга муваффақ бўлдилар. Бу эса ишлаб чиқариш кучлари характерининг ўзгаришига — ҳаммадан аввал, деҳқончиликнинг ривожланишига, деҳқончилик меҳнати унумдорлигини ошириш эҳтиёжига, — сув тегирмонининг, сув чиқарадиган техниканинг кашф этилишига, сунъий ўғитдан фойдаланишга, ғўзанинг кенг тарқалишига, селекциянинг ривожланишига ва ҳоказоларга олиб келди. Буларнинг ҳаммаси археологик маълумотлар билан тасдиқланади. Ишлаб чиқариш кучлари характерининг ўзгариши бошқа хил ишлаб чиқариш муносабатларини — феодал муносабатларни ҳам яратиши керак эди.

Ҳукмдор синфнинг ишга ташаббуси бўлмаган қулни ишлаб чиқаришдан қисман фойда кўрган крепостной билан алмаштиришининг та-



рихий сабаблари ҳаммага маълум. Деҳқон, бизнинг Урта Осиёдаги конкрет тарихий шароитда қишлоқ жойларида кадоварлар устидан ўз ҳукмдорлигини ўрнатган қул меҳнатидан кадоварларнинг меҳнатини афзалроқ кўради.

Эрамининг IV—V асрларидан бошлаб Урта Осиёнинг барча воҳаларида сугориш каналларининг устида ва экин далалари ўртасида деҳқонларнинг хом гишдан қурилган кўшклари вужудга келади, уларнинг харобалари ҳозиргача сақланиб қолган бўлиб, уларни «тепа», «оқтепа» ёки «тал» деб атайдилар. Қулдорлик шаҳарлари тушқунликка тушиб қолади ва шиддатли синфий кураш билан бирга бораётган илк феодализмнинг иқтисодий ҳаёти қишлоқларга кўчади.

«Урта асрчилик бутунлай оддий усулда ривожланди,— деб ёзади Ф. Энгельс,— у ҳамма нарсани яна бошидан бошлаш учун қадимги цивилизацияни, қадимги философияни, сиёсатни, юриспруденцияни, ер юзидан супуриб ташлади»<sup>1</sup>.

Урта Осиёда янги жамиятнинг ўрнатилиши вақтида олиб борилган синфий курашни Эронда бошланган маздакийлар ҳаракати очиқ-ойдин ёритиб беради. Бу, жуда кенг тарқалган қудратли ҳаракат жамият ҳаётидаги тенгсизликка — ерга бўлган хусусий мулкчиликдаги, бойликнинг нотўғри тақсимланишидаги, давлатни бошқаришда иштирок этишдаги ва оилавий ҳуқуқ масалаларидаги тенгсизликларга қарши норозилик билдириш эди.

Бу таълимотга VI асрнинг ҳукмрон синфлари ўша вақтда устун бўлган дин ахлоқларига қарши бидъат деб қарадилар. Бироқ маздакийлар ҳаракатининг шиорларини тарихни орқага тортувчи реакцияон чиқиш деб қаралса, чуқур ҳатога йўл қўйилган бўлар эди, чунки реакцияон ҳаракатлар ва уларнинг шиорлари ҳеч вақт оммавий, умумхалқ характерини ола олмайди. «Деҳқон ва плебейларнинг эҳтиёжларини бевосита билдирувчи муртад,— деб ёзади Ф. Энгельс — деярли ҳар доим қўзғолон билан бирга юз берди. Гарчи у попларга, папачиликка ва илк христиан черков тузумини тиклашга нисбатан бюргер муртадининг бутун талабларига қўшилса-да, аммо у чексиз узоққа борар эди. У диний жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатларда илк христиан тенглигини тиклашни, шунингдек бу тенгликни граждандар ўртасидаги муносабатлар учун ҳам қоида деб билишни талаб қилди»<sup>2</sup>.

Маздакийлар муртади деярли ҳамма ерда қўзғолонлар билан бирга вужудга келади ва деҳқонлар синфининг имтиёзларини йўқ қилиш ҳамда уларнинг бойлигини қўлга олиш ишларини олға суради.

Эронда маздакийлар ҳаракати бостирилгандан тахминан ярим аср ўтгандан сўнг Бухоро области территориясида камбағаллар деҳқонларга, савдогарларга ва бошқа эксплуататорларга қарши қўзғолон кўтардилар. Бу қўзғолонга Абури бошчилик қилади. Шубҳасиз, қўзғолон муртадлик шиори остида бошланади. Барча давлатманд синфлар қочиб кетади. Мамлакат кадоварлар, хизматкорлар ва деҳқонларга, жуда кўп миқдорда илгариги тузумдан мерос бўлиб қолган қуллар қўлига ўтади.

Тарихчи Наршахийнинг хабар беришига қараганда, давлатманд синфлар Бухорода ҳокимиятни яна ўз қўлларига олиш мақсадида мамлакатни турк ҳокимлигига топширганлар.

Мана шу тўқнашларда асосан икки янги қарама-қарши синф фигураси — деҳқонлар синфи ва кадоварлар синфи яққол кўринади.

Маълумки, қулдорлик даври ҳақида ёзма манбалар сақланиб қолмаган. Улар араблар истилосигача бўлган, албатта; шунинг учун бу

<sup>1</sup> Ф. Энгельс, Крестьянская война в Германии, в кн: К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., т. 7, изд. 2, Госполитиздат, 1956, 360-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда, 362—363-бетлар.

узоқ даврда бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги маълумотларни биз тарихчи Наршахий, Табарий, Белазурий ва бошқаларнинг асарларида ва шунингдек X аср географлари асарларидан оламиз. Уларнинг асарларида Урта Осиёда қулликнинг бўлганлиги ҳақида баъзи бир маълумотлар ва шунга мувофиқ терминология бор, масалан:

1. «Хўзайна» термини — арабчалашган «Хўжа» («Хўжайини») — унинг негизи қулдорлик даври лексикасидан келиб чиққандир. Илк Урта асрлар адабиёти ёдгорликларида хўжа фигурасига қарама-қарши «банда» (маҳбус, асир), «бурда» (қўлга туширилган), «гулом» (ёш йигит, хизматкор) ва ниҳоят, «қул» фигураси қарама-қарши қўйилади.

2. VIII асрда қулчилик тузуми ўз умрини яшаб, емирила бошлаганлигига қарамай, қулга эгаликнинг ҳажми ҳали ҳам жуда катта эди. Бу ҳақда истилоҳи-арабларнинг Самарқанд ихшиди ва бухорхудот билан ҳар йили арабларга бир неча ўн минг ёш қуллар бериб туриш тўғрисида тузган шартномаси гувоҳлик беради. Бухоро ва Самарқандда юз-юз минглаб қуллар бўлган бўлса керак. Акс ҳолда ҳар йили шунчалик кўп миқдорда ва бунинг устига, ғолибларнинг талабига мувофиқ маълум ёшдаги қуллар билан ўлпон тўлаш мумкин бўлмас эди.

3. Наршахийнинг сўзларига қараганда, Бухоро областида ишдан чиққан ва биронта камчилиги бўлган ҳайвонларни ҳамда қулларни сотадиган махсус бозор бўлган. Бундай бозорда ҳайвон ва қул сотиб олган киши кейинчалик сотувчига шикоят қилишга ҳақи бўлмаган.

4. Абу Муслим бошчилик қилган уммовийларга қарши қўзғолонга тэйёргарлик кўриш вақтида қўзғолончилар лагерига шунчалик кўп миқдорда қўзғолоннинг актив иштирокчилари бўлган қуллар тўпланганки, уларни Абу Муслим алоҳида лагерга жойлаштиришга мажбур бўлган, чунки озод кишилар қуллар билан бирга туришни хоҳламаганлар.

Кейинчалик феодализмнинг ривожлана бориши натижасида илк феодализм даврида уклад тусини олган қуллик системаси аста-секин ўзига хос равшан тусини йўқота беради.

Хоразмда феодализмнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида маҳаллий сулола юзага келди. У бу сулолага асос солувчининг номига мувофиқ—афригийлар сулоласи деб ном олди.

Афригийлар Хоразмни III асрдан то X асрнинг охиригача бошқардилар. Беруний шу династиядан чиққан ҳукмдорларнинг рўйхатини келтиради: 1) Африғ, 2) Бўгра, 3) Сахасек, 4) Аскажамуқ, 5) Аскажувар, 6) Сахр, 7) Шовуш, 8) Ҳамгирн (Ҳамжард), 9) Бўзгар, 10) Арсамух, 11) Сахр, 12) Сабри, 13) Азқижувар, 14) Азқижамуғ, 15) Шовшафар, 16) Туксебоса, 17) Абдулла, 18) Мансур, 19) Ироқ, 20) Муҳаммад, 21) Аҳмад, 22) Абу Абдулла Муҳаммад<sup>3</sup>.

Н. Веселовский бу рўйхат тўла эмас деб тўғри айтади, бу Вазамара деган ва бошқа Хоразм подшолари тангаларининг топилиши билан исботланади. С. П. Толстов бу подшоларни афригийлар династиясига киритади<sup>4</sup>.

Беруний ўзининг «Солномасида» македониялик Искандардан кейин 660 йилда<sup>5</sup> Африғ Ал Фир шаҳрига кўшк қурдирди. Бу кўшкнинг қурлиши ва мустақил хоразмшоҳлар қароргоҳининг шу ерга кўчирилиши натижасида III асрда қурилган ва узоқ вақт яшамаган уч бурчли Туп-

<sup>3</sup> Н. Веселовский, Очерк историко-географических сведений о хивинском правстве, СПб., 1877, 24—25-бетлар.

<sup>4</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 189-бет.

<sup>5</sup> Деярли барча текширувчилар бу санани эрамизнинг 305 йили деб биладилар.

роққалъа кўшки ташлаб кетилди;<sup>6</sup> унинг кишилар яшаган кўшкни қазиб вақтида топилган нарсалар комплексида шундай янги маълумотлар борки, улар Хоразмнинг сиёсий тарихини тиклашга имкон беради.

Эрамининг III—VI аср ёдгорликларининг умумий обзори ҳаммадан илгари, Африқнинг Хоразм тахтига кўтарилиши натижасида бошланган сиёсий ғалаёнлар босилмаганлигини кўрсатади. Афтидан, бунда уруғ иттифоқларининг бир-бири билан ўз аро кураши ва уларнинг ҳокимиятни ўз қўлига киритишга ҳаракат қилган янги феодализм элементлари билан курашининг мураккаб чигаллашиб кетиши юз берган бўлса керак.

Бу ҳамма тўқнашишлар натижасида ирригацион тармоқлар тобора қисқариб боради. IV асрда Анқоқалъа районида ҳаёт тугайди; Қирққиз рустоғида тўла тушқунлик кузатилади. Жилдикқалъада ҳаёт тугайди, Тупроққалъа эса тушқунликка юз тутган эди. Кат канали рустоғида ҳам ҳаёт тугайди; Кат ёнидаги Филқалъанинг қурилиши тугалмай, чала қолган бўлса керак. Чап қирғоқ Хоразмда ҳам юксалиш кузатилмади. Ҳаммаёқни вайрон этган ижтимоий-сиёсий ларзалар тахминан икки аср давом этади ва Хоразмда маданий ҳамда иқтисодий ҳаёт фақат V ва VI асрнинг бошларида янгидан кўтарила бошлайди. Бу вақт бу ерда, худди Сўғда ва бошқа областларда бўлганидек, феодализм элементларининг кучайиши, айрим рустоқларда Катдаги хоразмшоҳнинг олий ҳокимиятини танимаган бир қатор князликлар мавжуд бўлган вақт эди. Турк ҳоқонлигининг истилоси бу князликларнинг ички ҳаётига ҳеч таъсир кўрсатмади.

Катта Бозорқалъа канали рустоғида катта ўзгаришлар юз бермади. Қирққиз канали рустоғида тикланиш жараёни фақат Уйқалъа қалъасигача кузатилади. Бу рустоқ яқинида илгари бўлмаган янги Яккапорсон рустоғи вужудга келади. Катта Қирққиз канали тиклангандан кейин каттагина янги канал қурилади. Бу канал тахминан Норинжон шаҳри яқинида Тупроққалъадан чиқарилган эди. Канал Бўронқалъа Қумқалъа харобалари орқали Яккапорсон томон шимолга қараб кетган. Яккапорсондан кейин унинг изи йўқолади.

Тупроққалъа каналидан сув келиб турган. Унда янги африқ кушклари: Кичик Қаватқалъа, Қўшпорсон ва Бўрлиқалъа кушклари вужудга келади.

Бу вақтга келиб Тупроққалъа шаҳри бутунлай тушқунликка тушиб қолди ва у оссурийларнинг жуда катта қабристонига айланди. Эҳтимол, кейинчалик у атрофдаги қишлоқлар учун мазор бўлиб хизмат қилган бўлса керак. Бу қишлоқларда ҳаёт, сўнгги африқий тангаларига қараб ҳукм қилганда, африқийлар даврининг охиригача давом этган.

V—VI асрларда хоразмшоҳлар бутун воҳа чегараларини мустаҳкамладилар; бунга эфталлийларнинг сосонийлар билан тез-тез бўлиб турган ҳарбий тўқнашишлари сабаб бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Бу тўқнашишлар Хоразмга таъсир кўрсатмай иложи йўқ эди ва Хоразм ўзининг мудофаа чизигини жанубга узоққа олиб чиқишга мажбур бўлди. Чап соҳил Хоразмда Дарғонота қайр текислиги устида Дарғон деган олиб бўлмайдиган қалъа қурилди. Бу қалъа XX асргача Хева хонлигининг чегараси деб ҳисобланар эди. Қалъа жуда катта; унинг майдони 75 000 квадрат метрга тенг<sup>7</sup>. Дарғон қалъаси Кўҳнавос қалъаси каби девор билан деярли бир-бирига тенг икки қисмга ажратилган.

<sup>6</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации 184—190-бетлар.

<sup>7</sup> С. Ершов, Археологические памятники левого берега Амударьи, ВДИ, 1914, № 1.

Шимолда, Утибой тепалиги районида Хоразм археологик экспедицияси томонидан 1947 йилда Айвонқалъа деган яхши мустаҳкамланган катта шаҳар харобалари топилди. У эрамизнинг VI—IX асрлари билан саналади. Бу ерда археологик жиҳатдан жуда қизиқтирадиган Барақтом райони топилди. Бу район Довқаранинг марказий қисмидан шарқ томонда 100 километр масофада, катта тақирлар устида жойлашган. Бу тақирлар Янидарё тармоқларининг тошқинлари билан боғлиқ бўлса керак. Кўчма қумлар билан қопланган кенг текислик устида иккита кўшкнинг харобалари кўтарилиб туради. Ҳар иккала қаср икки қаватли бўлиб равоқсимон том билан ёпилган ва дарвозаси пештоқлидир. Қасрлар атрофида бир қаватли уч-тўрт хонали уйларнинг қолдиқлари топилди. Археологик ёдгорликларнинг бу комплекси ўз характерига кўра Жанубий Хоразмнинг IV—V асрлардаги ёдгорликларига мувофиқ келади.

Барақтом райони ёдгорликлари — бутунасига бир қатламлидир. Қишлоқларнинг формаси Аёзқалъа типигаги мустаҳкамланган қишлоқларнинг аста-секин Қаватқалъа районидаги ривожланган феодализм даври қишлоқларига ўта бошлаганлигидан гувоҳлик беради ва оралиқ характерига эгадир.

Африғийлар замони маданиятининг янада юксалиш даврида, масалан, Каттақирққиз рустоғида (Бургутқалъанинг ҳаёtsiz лоҳаси) қишлоқлар характерининг кескин ўзгарганлиги кузатилади. Биз бир қатор алоҳида-алоҳида турган, кичик-кичик кўшкли қалъаларни кўрамиз. Бу Хоразм деҳқончилик аҳолисининг турар жойи эди. Кўшклар эса, улар учун қамал вақтида бошпана эди, улар хавфли вақтларда шу ерга яширинар эдилар.

Бургутқалъа канали ва унинг бўйидаги аҳоли ўрнашган полоса Гулдурсун харобалари ёнидан бошланиб, лойқали ўзан шаклида гоҳ очиқ, гоҳ қумлар билан қопланган ҳолда шимолга — то Уйқалъагача етиб боради.

Бу зонада антик даврдаёқ аҳоли зич ўрнашган эди. Бу ҳақда шу ерда топилган сопол идишлар ва скиф даври типигаги камон ўқлари гувоҳлик беради. Бу районнинг баъзи бир қалъалари (Бургутқалъа, Уйқалъа) кангуй-кушан даврида қурилган, аммо африғийлар даврида тубдан қайта қурилган бўлса керак.

Бургутқалъа тақирларида ҳаёт эрамизнинг VII—VIII асрларида гуллаб яшнаган. Аммо бир қатор кўшклар бироз илгарироқ қурилган (V—VI асрларда). Улар ўзларининг дастлабки кўринишини араблар истелосигача сақлаб қолган. Бу канал боши яқинида жойлашган кўшкларнинг қасрлари йўқ, уларда топилган сопол идишлар Тупроққалъа идишларига жуда яқин туради. Шунини қайд қилиш мумкинки, кўшк-қишлоқлар канал шохобчалари бўйлаб тўпланади ва, шу билан бирга, ҳар бир группада битта каттароқ кўшк ажралиб туради; масалан, Қумбосганқалъа (8 та кўшкдан иборат), Тешикқалъа (13 та кўшк), Бургутқалъа (25 та кўшк) ва ҳоказо. 8 дан 13 тагача кўшклар группаси борки, уларнинг қурилиши иерархиянинг қандайдир куртаклари мавжудлигини кўрсатади<sup>8</sup>.

С. П. Толстов бу ерда крепостнойлик қишлоғи бўлмаганлиги учун феодал иерархияси бўлмаган, дейди<sup>9</sup>. Шу муносабат билан ҳатто тараққий этган феодализм шаронтида ҳам Хоразмда Фарғона ёки Бухоро типигаги ғуж бўлиб жойлашган қишлоқ умуман бўлганмикан, деган савол туғилади. Ахир, Хоразмнинг, деярлик ҳамма қишлоқларида, агар

<sup>8</sup> С. П. Толстов, Древний Хорезм, 129—135-бетлар.

<sup>9</sup> С. П. Толстов, Уша асар, 135-бет.

катта йўл устида вужудга келган камдан-кам қишлоқларни ҳисобга олмасак, оддий деҳқонларнинг уйлари экин далалари ўртасида ҳар жой-ҳар жойга солинган ва битта «қишлоқ» ўнлаб квадрат километр жойни ишғол этади. Шу манзарани биз XII—XIII асрларда ҳаётсиз Қаватқалъа гоҳасида ҳам кўрамиз. VI—VIII асрлар қишлоқларининг антик давр қишлоқларидан кескин фарқ қилиши феодалланиш жараёни бошланганлигидан ва феодал иерархиянинг жорий қилинганлигидан гувоҳлик бера олади.

Аммо бу янги форма у вақтда ҳали ўз тантанасига эришмаган эди деган фикр билан тўла қўшилиш мумкин.

Шундай қилиб, VI—VII асрларда Хоразмнинг бутун антик каналлари ишлар эди, аммо уларнинг кўп қисми анча қисқариб қолган эди.

Масалан, ҳозирги Қалтаминор ариғи ўрнида бўлган деб ҳисобланган Бозорқалъа канали фақат Қарғатешганқалъа харобаларигачагина етиб борган. Қирққиз канали Уйқалъа атрофларигача қисқарган. Бироқ бу вақтда тақирларнинг узун полосасида, Қирққиз (Бургутқалъа) рустоғидан ғарброқда Норинжондан шимолга, Яккапорсон кўши томон оқадиган янги канал вужудга келди.

Бу канал узоқ вақт ишланмаган ва VIII асргача яшамаган бўлса керак. Тупроққалъа каналидан илгаригидек сув келиб турди, аммо Тупроққалъа шаҳрининг ўзи ташландиқ бўлиб қолган бўлса ҳам, унинг атрофида ҳаёт узоқ вақтларгача давом этди. Катта Кат канали ҳам илгаригидек пойтахт районини суғорар эди. Бу канал анча сўнгги асрларда ҳам шу жойларни суғоришда давом этди.

Чап соҳил Хоразмда ҳам силжишлар юз берди: Хазорасп шаҳри кучли мустаҳкамланган шаҳарлигича қолди. У билан Дарғон ўртасида қатор истеҳкомлар вужудга келди, масалан, Жигарбанд, Капарос; Садвар ва бошқалар. Қалъажик қалъаси районини суғорадиган канал тикланди ва унинг олдида кичкинагина кичик Қалъажик истеҳкоми барпо қилинди. Хазорасп ва Хева ўртасидаги районда янги қишлоқлар — Қирққиз, Қушчақирган, Тепа-авлиё ва бошқалар вужудга келди. Хева шаҳрининг деворлари катталиги африғийлар вақти учун хос бўлган ғишлар билан тубдан тузатилиб чиқилди. Аммо воҳанинг чегараси бу вақтда Пахта қишлоғидан 8—10 километр жануби-ғарбда жойлашган Исмамут қишлоғидан нарига ўтмаган эди. Амбарнаоқ ва ундан юқорироқда ирригацион хўжаликнинг юксалиши кузатилади.

Шимолда, қуйи дельтанинг ўрта қисмида Айвонқалъа вужудга келди ва Довқаранинг шарқий қисмида жойлашган Қўрғонча (Қубландиқалъа)да ҳаёт тикланди.

Африғийлар Хоразмнинг ҳаёти ва турмушини муфассалроқ таърифлаш мақсадида Хоразм экспедицияси томонидан африғий даврининг типик кўшиқ—Тешиққалъада ўтказилган текширишлар маълумотини келтирамиз.

Тешиққалъа тўғри бурчак планда қурилган, бурчаклари овал шаклидаги бурчлар билан мустаҳкамланган қалъа бўлиб, майдони 10.000 квадрат метрдан каттароқ. У Хоразм учун хос бўлган диагональ йўналишда жойлашган. Антик қалъалардан шундай фарқ қиладики, унинг деворлари ёппасига пахсадан (ремонт қилинган жойларни ҳисобга олмаганда) урилган. Қалъанинг ичида, унинг жануби-шарқий бурчагидан ташқи деворга нисбатан юқароқ девор билан алоҳида майдон ажратилган.

Бу майдоннинг жануби-ғарбий томонининг ўртасида «кўшк»—қасрнинг кишилар яшайдиган бурчи жойлашган. Бу миноранинг пастки қисми кесик пирамида шаклидаги ёппасига лойдан ишланган тагкурсидан

иборат. Тагкурсининг баландлиги ички ҳавли томонидан—6,5 метр, анча пастроқ жойлашган ташқи ҳавлидан — 8 метрдир.

Тагкурси устига кишилар яшайдиган ва хўжалик биноларининг деворлари қурилган. Бу деворлар катталиги 35 X 35 X 8 сантиметрли хом гиштдан (антик давр гишти 40 X 40 X 10 сантиметр) урилган. Деворларнинг олд томони массив ярим колонналар шаклида бўлиб, улар юқорида чиройлик пештоқлар билан бир-бирига қўшилган. Бу кўшк комплексида турар ва хўжалик бинолар бор. Турар бинолар жуда ҳашаматли қилиб безатилган (қабартмагулнақш, гиламлар ва ҳоказо).

Шуни қайд қилиш керакки, Тешиққалъани қурувчилар кейинчалик маълум бўлишича, қисман қадимдан қолган қандайдир иншоот қолдиқларидан фойдаланганлар.

Тешириллаётган объектнинг муваффақиятли таълиши экспедицияни анча катта археологик материаллари комплекси билан таъминлади. Тешиққалъа материали VI—VIII асрлар ҳаёти ва турмушининг ҳамма томони: хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, санъат, архитектура, ҳарбий иш, нумизматика, геральдика ва бошқалар ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Бу комплексда кулолчилик буюмлари катта ўрин олади. У Тешиққалъанинг мавжуд давридаги турмуш ва хунармандчиликни ҳарактерлаб беради.

Тешиққалъа материалларини саналашда ва хронологик жиҳатдан группаларга ажратишда анча олдинги давр ёдгорликларини — хронологик жиҳатдан Тешиққалъадан бевосита олдин вужудга келган ёдгорликларни теширишда олинган маълумотларни асос қилиб олиш керак. Буларга: Тупроққалъа, Яккапорсон, Қумқалъа, Думанқалъа, Аёзқалъа № 3 уйлари, Анқоқалъа ва илк афригий даври ёки сўнгги кушанлар даврининг бошқа ёдгорликлари киради.

Тешиққалъа кулолчилик буюмлари икки группага бўлинади: 1) қўл чархида ишланган, 2) қўлда ишланган.

У вақтнинг хунармандчилик идишларининг сифати (қўл чархида ишланган) антик давриникига қараганда анча пастдир. Унинг сополи ҳам, шакли ва ишлаш техникаси ҳам антик давркидан катта фарқ этади. Бу идишлар қонда тарикасида, бир текисда пиширилмаган; фақат VII—IX асрлар кулолчилик буюмларининг сифати яхши ва бир текис пиширилган. Қўлда ясалган идишлар сонин антик даврдигидан кўпроқ ўрин олади. Қазииш вақтида топилган органик қолдиқлар деҳқончиликнинг ривожланганлигини тахмин қилишга имкон беради. Бунда боғдорчилик ва поллизчилик билан бир қаторда далачилик хўжалиги ҳам мавжуд бўлган (тариқ, арпа, буғдой, лўвия, узум, шафтоли, ўрик, пахта, қовун, қовоқ, бодиринг). Чорвачилик ҳам катта роль ўйнаган; уй ҳавонлари зотлари эса тахминан ҳозиргидек бўлган (қуй, эчки, сигир, туя, эшак, чўчқа, товуқ). Чўзинчоқ шаклдаги ерғучоқлар, айланадиган катта, япалоқ, тегирмон тошлари билан алмаштирилади. Тешиққалъада ерғучоқлар билан бирга қўл тегирмонлари тоши ҳам топилди. Уларнинг мавжудлиги бу давр экономикасининг умумий ривожланиб боришига қарама-қарши келмайди. Бу ерда ерғучоқни аста-секин қўл тегирмони қисиб чиқариш жараёнини кўрамиз, бу эса феодал давр тонги экономикасининг ривожланиши учун характерлидир. Тегирмон тошлари думалоқ шаклда бўлиб, усти япалоқ ёки қавариқ шаклидир. Четлари горизонтал асосга, шунингдек марказдаги тешикка ҳам бир текисда тушади. Қавариқ юзанинг бирон нуқтасида кичкинагина чуқурча ёки чуқурчали дўмбоқлик ясалади, унга айлантирувчи ричагининг пастки учи киритилади. Бу тошларнинг диаметри 29—42 сантиметр ўртасида бўлиб, қалинлиги турличадир. Улар оҳақтош, гранит ва қумтошдан ясалган. Кўпроқ оҳақтош ишлатилган.

Қўл тегирмони тошлари Тешикқалъанинг сўнги давр қатламларидагина учрамай, ўрта асрларда ҳам ва ҳатто ҳозирги кунларда қорақалпоқ, туркман, қozoқ, ўзбек ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқларида кўп учратиш мумкин.

«Харос»<sup>10</sup> термини жуда қадимги термин бўлиб, ҳайвон кучи билан ҳаракатта келтириладиган тегирмонларни тушунтиради.

Амударё этакларининг табиий-географик шароитлари сув ва шамол тегирмонларидан фойдаланишга тўсқинлик қилган. Хоразм пастекислигининг текис рельефи тегирмонларни ишлатиш учун сув шоввасини ҳосил қилишга, доим эсадиган шамолларнинг йўқлиги эса шамол тегирмонлари қуришга имкон бермаган.

Тешикқалъада «харос» тегирмон тошлари кишилар яшайдиган кўшкларнинг хоналаридан ва ҳовлидаги биноларнинг сўнги қатламларидан топилди. Шу билан бирга «харос» тошлари қўл тегирмони тошлари билан бирга топилди. Тешикқалъа ҳаётининг сўнги даврдаги қатламларда ёрғучоқ йўқ, аммо бу ҳол бу давр ҳаётида ёрғучоқлар бўлмаган дейишга асос бўла олмайди.

Тешикқалъанинг ёшини белгилашда африқийлар династияси турли ҳокимларининг танга пуллари асосий материал бўлиб хизмат қилади. Бу кумуш танга ва жез чақалар Тешикқалъадаги кишилар яшаган биноларнинг маданий қатламларида ва Тешикқалъа комплексининг кулолчилик буюмлари ҳамда бошқа материаллари билан бирга ҳамма жойдан топилди ва саналарни аниқлаб беради.

Тешикқалъани қазिश вақтида топилган материал, ўз комплекси жиҳатидан фақат қалъанинг ўзинигина характерлаб бермай, бутун Бургутқалъа воҳасидаги VI—VIII асрлар ҳаёти ва турмушини ҳам характерлайди. Воҳадаги барча аҳоли яшайдиган пунктларнинг мустаҳкамланганлиги ва моддий маданият қолдиқларининг жой жиҳатидан фарқ этиш факти воҳанинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг бошқа областларидан ажралиб қолганлигини кўрсатади. Шундай ажроқлилик Хоразмнинг бошқа рустоқларида ҳам кузатиш мумкин. X—XIII асрларнинг тарихий манбаларидан, биз, VIII асрда, яъни араблар истилоси вақтига келиб хоразмшоҳларнинг олий ҳокимияти заифлашганлигини ички сиёсий кураш ва ўзаро урушлар, эҳтимол, хоразмшоҳларни Ўрта Осиёга бостириб кирган араб босқинчилари билан тил бичиртиришга мажбур қилганлигини билиб оламиз.

XIII аср тарихчиси Ибн ал Асир сўзларига қараганда, «93 (712) йилда Қутайба ва хоразмшоҳ бир-бири билан сулҳ туздилар; бунга хоразмшоҳ ҳокимиятининг заифлашгани сабаб бўлди»<sup>11</sup>.

Табарийнинг хабар беришича, бу хоразмшоҳнинг оти Чағон бўлган, унинг Хурзод деган укаси Чағон ва унинг одамлари устидан зўрлик қилган, уларнинг ҳамма қимматли нарсаларини тортиб олган. Кишилар Чағон олдига келиб шикоят қилганларида, Чағон, укам билан курашишга қурбим етмайди деб жавоб берган. Ниҳоят, Чағон яширинча Қутайбага мурожаат қилишга қарор қилиб, агар Қутайба уни Хурзоддан ва унинг одамларидан холос қилса, унга итоат этишни ва катта бойликлар беришни ваъда қилади. Шундан кейин Қутайба ўзининг Сўғдага юриш бошлашга аҳд қилганлиги ҳақида овоза тарқатади<sup>12</sup>.

<sup>10</sup> Бу тожик термини икки сўздан — хар (эшак) ва ос (осия—тегирмон) сўзларидан тузилган.

<sup>11</sup> Ибн ал Асир, УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг № 824 фондидаги кўлёзма, варақ 474.

<sup>12</sup> Табарий, т. III, 371—372-бетлар.

Бундан кейин юз берган воқеаларни тасвирлашда Табарий билан Ибн ал Асир ўртасида тафовут бор: Табарий, Хурзод бу хабарни эшитгач, тинчланили ва ўз одамларини уй-уйларига жўнатиб юборар экан: «Бу йил Қутайба Сўғдга юриш қилади, биз эса хотиржам ўз ишларимиз билан машғул бўлайлик» деб айтган эмиш, деб ёзади.

Ибн ал Асирнинг ёзишича эса, бу овозларни Хурзод араблардан хавфсирамасин ва ўз қўшинларини тарқатиб юборсин учун хоразмшоҳнинг ўзи тарқатган деб ўқиймиз<sup>13</sup>.

Аммо Қутайба кутилмаганда мингта отлик аскар билан Чағон ёнига, Фил шаҳрига келади. Ибн ал Асир сўзларига кўра, Фил Хоразмнинг уч шаҳридан бири ва улар ичида энг каттаси бўлган. Хоразмликлар кутилмаган бу бостириб киришдан чўчийдилар ва шошилинич равишда Хурзодни ёрдамга чақирадилар. Хурзод арабларнинг келиб кириши хоразмшоҳнинг ўзи иштирокисиз бўлмаганлигини пайқаб олади. Хурзод имкон борича қўшин тўплаб, Қутайба билан жанг қилади ва ўзи асир тушади. Хоразмшоҳ Чағон Хурзодни ўлдириб, Қутайбага, дастлаб, Хурзод одамларини жазолаш учун ундан ёрдам сўраб мурожаат қилади ва сўнгра хоразмшоҳга тез-тез хужум қилиб, уни доимо безовта қилиб турган Ҳамжирд шаҳри ҳокими билан курашишга ёрдам беришни сўрайди<sup>14</sup>.

Бу хабарлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Улар Хоразм давлатидаги ички сиёсий воқеаларни билиб олишга ёрдам беради. Биринчидан, биз хоразмшоҳ билан доимс душманлик қилган қандайдир Ҳамжирд шаҳри борлигини билиб оламиз. Иккинчидан, Хоразмда Хурзод бошчилик қилган қандайдир катта ва кучли социал группировка тузилган. Бу группировка ҳал қилувчи ҳокимиятга эга бўлиб, хоразмшоҳ ҳокимияти эса номигагина бўлган. Хоразмшоҳ ўз ватандошлари орасида ҳарбий- сиёсий таянчга эга бўлмаган бўлса керак. Унинг аҳволи бухорхудот Тўғшоданинг аҳволига анча ўхшашдир. Тўғшодани Бухоро деҳқонларининг ўзи ўлдирганлар<sup>15</sup>.

Ибн ал Асирнинг ёзишича, кейинчалик Қутайба Хоразмни бутунлай истило қилишга қарор қилади ва у ерга Муғайра бин Абдулла бошчилигида катта қўшин юборади. Хоразмшоҳ Хоразмдан қочиб Қутайба ҳузурига келади, Қутайба уни Нишапур шаҳри ҳокими қилиб тайинлайди<sup>16</sup>.

Араблар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин деҳқонларнинг олий табақасига ва улар билан боғлиқ бўлган маҳаллий ҳукумат бошлиқларига таянишга уриндилар. Бу мақсадда араблар уларга ўрта ва қуйи деҳқонлар табақасига қарши курашда ёрдам қилдилар. Қуйи деҳқонлар табақаси, фикримизча, юксалаётган феодал жамиятнинг оппозицион кайфиятда бўлган катта ҳарбий кучи бўлиб, илк ўрта асрчиликнинг ҳамма қизғин сиёсий ҳаракатларида катта роль ўйнаган. Хоразмшоҳ Чағон билан деҳқонларнинг қуйи қатлами ва ҳарбий табақага таянган. Хурзод ўртасидаги курашнинг маъноси ўз умрини яшаб бўлган эски тартиб билан бош кўтариб чиқаётган янги ижтимоий синф ўртасидаги ҳокимият учун курашдан иборат бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.


VIII асрда бир қатор рустоқларнинг бўшаб қолиши ҳокимият тепасига чиқишга интилган феодал синфнинг вақтинчалик мағлубияти билан шубҳасиз боғлиқдир. Бу феодал тузумни хоразмшоҳ араблар ёрдами билан тор-мор қилган эди.

<sup>13</sup> Ибн ал Асир, Кўрсатилган қўлёзма, варақ 474

<sup>14</sup> Ибн ал Асир — *جام حود*, Табарийда — *جام جرقا*

<sup>16</sup> Ибн ал Асир, Кўрсатилган қўлёзма, варақ 475.





9-расм. Хоразмнинг III — VI асрлардаги ирригация тармоқларининг схемаси. Шартли белгилар; а—сув оқиб турган каналлар, б—Амударёнинг уша даврдаги узи; в—ботқоқ ва тошқинлар; г—сувсиз узанлар; д—шаҳарлар.

Белазурийнинг хабар қилишича, тахтга яна шу хоразмшоҳ (Чағон) ўтириб олганидан порози бўлган хоразмликлар уни ўлдирадилар<sup>17</sup>. Бироқ Қутайба тахтга Чағоннинг ўғли — Аскажамуқни миндириб, эски династияни сақлаб қолди.

Шу вақтдан бошлаб Хоразмда қўшҳокимиятчилик ўрнатилди: хоразмшоҳлар династиясидан чиққан ҳокимлар Катда ўлтирар эди; ҳалифаликнинг Хуросон ноиб томонидан тайинланган амирларнинг қароргоҳи қаердадир Хоразмнинг чап соҳилидаги шаҳарларидан бирида, эҳтимол, Маздахқонда, сўнгра эса ҳозирги Кўҳна Урганч ўрнидаги Гурганжда (Журжония) бўлган. Абу Тоҳир Тортусий (XI аср) ўзининг Абу Муслим ҳақидаги ҳикоясида бу ҳаракатнинг муваффақиятларида Хоразмнинг ўйнаган ролини алоҳида қайд қилади; унинг ҳикоясига қараганда, хоразмшоҳнинг топшириғига мувофиқ унинг жияни ва ўғли бошчилик қилган хоразмликлар армияси Абу Муслимнинг асосий таянчи бўлган<sup>18</sup>.

Хоразмда араблар ҳукмдорлигининг жабр-зулми ҳукумат бошидаги династия учун ҳам ва деҳқонлар учун ҳам тобора чидаб бўлмаслик даражада оғирлашиб борган, Абу Муслимнинг муваффақият билан тарқалиб бораётган ҳаракатида қатнашиши эса, араб ноиблигини йўқ қилиб ташлашга умид берган. Бизнинг фикримизча, Тортусийнинг ҳикоясида Хоразм феодалларининг бир вақтнинг ўзида ҳам араблар билан, ҳам хоразмшоҳлар тарафдорлари билан кураш олиб борган синфнинг актив ҳаракати акс эттирилган. Бироқ, Хоразм тахтида ҳали ҳам африғийлар династияси ўтирмоқда эди, чунки «Хитой династияси Тан тарихи»да Хоразм ҳокими Шаошифин<sup>19</sup> 751 йилда Хитой императори саройига элчилар юборди, 762 йилда Баоин ҳукмдорлик қилган вақтда иккинчи элчилик келди, дейилади.

<sup>17</sup> Яъ қубий, Китоб ал-Футух-ал-Булдон, ВГа, VII, 1892, 246-бет.

<sup>18</sup> جنکنامه امير اباسلم صاحبقران, Тошкент, 1910. 134-бет.

<sup>19</sup> П. И. Лерх (Монеты Бухархудатов, 44-бет) ва С. П. Толстов (Древний Хорезм, 188-бет) Шаошифин шахсида Беруний рўйхатида курсатилган Шошафарин танийдилар.

## ФЕОДАЛИЗМ ТАРАҚҚИЕТИ ДАВРИДА ХОРАЗМНИНГ СУФОРИЛИШ ДИНАМИКАСИ

### 1. IX—XIII АСРЛАРДА СУФОРИШНИНГ ҲОЛАТИ

Ибн ал-Асирнинг ёзишига қараганда, араблар Хоразмда ўз ҳукмронликлар 712 йилда кейинроқ батамом ўрнатиб бўлдилар. Қутайба Хоразмдан қайтиб келгач, у ерда сиёсий тушкунлик бошланди<sup>1</sup>. Бундан фойдаланган Қутайба Муғайра бин Абдуллага Хоразмни узиликесил забт этишни топширади. Муғайра кўп кишиларни қириб ташлади, кўпларини асир олди; қолганлари жузья тўлашга рози бўлдилар<sup>2</sup>.

Шу вақтдан бери қарийб бир ярим аср давомида тарихий ва географик адабиётларда Хоразм ҳақида ҳеч қандай тўла-тўқис маълумот учратмадик.

X аср бошларидан бошлаб, мусулмон Шарқининг ҳамма мамлакатларида бўлганидек, Хоразмдаги аҳвол араб ва Эрон географлари Ибн Руста, Ал Истахрий, Ибн Ховқал, Мақдисий, Худуд-ал Олам автори ва бошқалар томонидан ёритилади. Бу даврда Амударё этакларининг умумий географик баёни, шаҳарлар, каналлар, маданият, турмуш, йўллар ва халқларнинг баёни ҳамма вақтдагига нисбатан ҳам мукамалроқ ёзилган. Лекин Амударёнинг қандай оққанлиги ҳақида ҳамма авторлар ҳам аниқ маълумот беравермаганлар. Масалан, IX аср охири X аср бошларидаги авторлардан Ибн Хордадбех, Яқубий ва Ибн Фақихлар бу тўғрида чалкаш маълумотлар берганлар. Амударёнинг оқими ҳақида энг ишончли ва мукамал маълумотни Ибн Руста берган. У бундай ёзган: «Кейин у (Жайхун дарёси) Замм (Карки)га қараб оқади, бундан сўнг у Амул (Чоржўй)га, у ердан Хоразм томон оқиб, унинг пойтахти (Кат) яқинидан ўтади. Пойтахтдан ўтгач, ундан ўнг ва сўл томонларга каналлар ва шаҳобчалар ажралиб чиққан. Ана шу сув ассиди Хоразм шаҳридан тўрт фарсах қуйироқда ботқоқлик, чакалақзорлар ва ўтлоқлар пайдо бўлган. Шундан сўнг дарё Хоразмдан тўғри чиқиб Журжония ва Маздахқон ўрталаридан ўтади. Журжония ундан ғарбда, Маздахқон эса шарқда қолади. Журжония пойтахтдан 24 фарсах қуйида жойлашган; Маздахқон ёнида, дарёнинг шарқий қирғоғида Харвоз дейиладиган қишлоқ бор; бу қишлоқдан қуйироқда бирин-кетин яна икки қишлоқ мавжуддир.

(Жайхун) шу ердан оқиб ўтаётганда ундан сўл томон қараб шаҳобчалар ажраб чиқади; дарё Журжониядан тўрт фарсах қуйида жойлашган Варағдеҳ номли жойга қараб йўналади. Варағдеҳ ва Сиёкўҳ тоғлари ёнидан ўтиб Барабиз қишлоғига оқиб тушади... Шу қишлоқдан

<sup>1</sup> Ибн ал-Асир, Ал-Комил Фит-тарих, ЎзССР Фанлар академияси (кейинчалик ЎзССР ФА деб юртамиз) Шарқшунослик институтининг қўлёзмаси, № 1144, т. III, varaқ 475 а.

<sup>2</sup> Уша жойда.

пастроқда Ҳолижон деб аталувчи кўпгина ботқоқликлар пайдо бўлган. У ерларда балиқ овланиб, улар Хоразмдан ташқарига чиқарилади; унинг ўзи (Жайхун) кўлга қуйилади, кўлнинг айланаси 80 фарсахга яқин. Унинг ғарбий қирғоғида — Сиекўҳ тоғлари, шарқида бир-бирига чирмашиб кетган дарахтлардан иборат чакалакзор жойлашган. Бу ердан на пиёда, на от-аравада ўтиб бўлади. У ерда сўқмоқ, баланд-паст йўл бўлиб, унда қобонлар бўлади; (шарқий) қирғоқнинг шимолий чегарасига йўналган (йўл) орқали ҳам ўтиб бўлади, «Янги қишлоқ» деб аталувчи қишлоқнинг подшоси ҳам шу йўлдан ўтади»<sup>3</sup>.

Биз Ибн Руста маълумотидан X аср бошларида Амударё қадимий шойтахт ёнидан ўтиб, шимоли-шарққа Кўҳна Урганч томон оққанлигини кўрамиз<sup>4</sup>. Амударёнинг ўнг томонидан ажраб чиқувчи шаҳобча, XX аср бошидаги Истамас кўлига ўхшаш чакалакзорли сув ҳавзаси пайдо қилиб, Султон Увайс тоғи томон оққан<sup>5</sup>. Амударё бу ердан ҳозирги ўзанидан бирмунча ғарброқда, Хўжайлидан тахминан 20 километр ғарброқда оққан.

Маздахқон ва Журжония шаҳарлари Хоразм тарихида биринчи марта Ибн Руста томонидан тилга олинган. Маздахқон Хўжайлидан 8 километр жануби-ғарбга жойлашган. «Мазлумхон сулув»нинг ҳозирги ҳаробаларига<sup>6</sup>, Журжония эса, ҳозирги Кўҳна Урганч билан унга ёндашган қадимги шаҳар ўрнига тўғри келади.

Амударё шу шаҳарлар ўртасидан ўтиб, Устюрт қирларининг жануби-шарқий томонига йўналган. Лекин Варағдеҳ қишлоғининг шундай (тўғонқишлоқ) деб юритилишига қараганда, шу ерда оқимнинг асосий қисми тўғон ёрдамида ўнгга қараб бурилган, Устюртнинг шарқий қирлари атрофидаги катта-катта пастликлар эса, унча катта бўлмаган шаҳобча (ёки шаҳобчалар) билан суғорилган.

В. В. Бартольд Ибн Руста қайд қилган Ҳолижонни Ойбўғирда бўлган деб тўғри айтган<sup>7</sup>. Ибн Рустанинг сўзларини Варағдеҳ қишлоғидаги тўғон сувнинг бир қисмини Устюрт қирларига буриш учун хизмат қилган деб тушунса бўлади; бу ерлар X асрда ҳам суғорилган ва сув тошқинлари бўлиб турган бўлиши мумкин<sup>8</sup>. Истахрийнинг бу ердаги кўл бутун қиш бўйи музлаб ётарди<sup>9</sup> деган маълумоти ҳам, бу ерда Орол денгизи билан қўшилмаган катта сув ҳавзаси бўлганлигидан далолат беради. Қадимий Ҳолижоннинг ҳозирги Мўйноқ районига тўғри келувчи шимолий қисми шу кунгача ҳам балиқ саноатининг йирик маркази бўлиб ҳисобланади.

Дарёнинг асосий оқимига келганимизда, Ибн Руста таъкидлашича, у Варағдеҳ қишлоғи ёнидан ўтиб, ҳозирги Қўнғирот шаҳридан анчагина шимолроқда Қушқанот тоғи ва Қизилжар адрлари ўртасидан Орол денгизи томон оққан.

Истахрий Хоразмнинг суғориш тармоқлари ҳақида ёзар экан, Хоразмнинг Амул (Чоржўй) томонидаги чегара пунктини Тоҳирия деб аталганлигини айтиб ўтади. Жайхуннинг жануб томонида (сўл қирғоғи — Я. Ф.) аҳоли яшаган, унинг шимолий (ўнг қирғоғи — Я. Ф.) томони, Ғарабашна қишлоғига<sup>10</sup>, бўлган ерларда аҳоли яшамаган.

<sup>3</sup> Ибн Руста, Қитоб ал Аълоқ, ВГА, т. VII, 1892, 91-бет.

<sup>4</sup> Шу асар, шу бет.

<sup>5</sup> 1905 йилда нашр этилган масштаби 1 : 8 км ли картага қаранг.

<sup>6</sup> А. Ю. Якубовский, Городище Миздахкан, ЗКВ, т. V, 553-бет.

<sup>7</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, II, қисми, 105-бет.

<sup>8</sup> XVI асрдаги Куйгун каби (Аблғози, СПб., 1871, 280-бет):

<sup>9</sup> Истахрий, Қитоб масолик ал Мамолик, ВГА, т. I, 304-бет.

<sup>10</sup> Истахрий, Қитоб масолик ал Мамолик, ВГА, т. I, 1870, 301-бет.

Ғарабхашнадан 6 фарсах юқорироқда Амударёдан ўнг қирғоқ томон «Говхўра» деб аталган катта канал қазиб чиқарилган. Унинг кенглиги беш тирсакка яқин бўлиб, чуқурлиги икки киши бўйига тўғри келган<sup>11</sup>.

Гарчи тарихчилар Говхўра канали катта узунликка (12 ва ундан кўпроқ фарсах) эга бўлган деб қайд қилиб кетган бўлсалар-да, юқорида кўрсатилганидек унинг кенглиги тор бўлганлиги учун кема қатнай олмаганлигини кўрсатади.

Говхўра каналининг бошидан 5 фарсах қуйироқда Керих ёки Кирья<sup>12</sup> канали ажраб чиқиб, у ўнг қирғоқнинг баъзи бир рустоқларини суғорган.

Амударёнинг чап қирғоғида унинг этаklarининг охиригача дарё поймаси ётқизикларидаги аҳоли яшайдиган жойлар (Дарғон, Жигарбанд, Садвар ва бошқалар) унча катта бўлмаган маҳаллий каналлар орқали суғорилган.

Хоразмнинг сўл қирғоғидаги жойлар кўпгина қадимий ва қазилганига унча кўп бўлмаган каналлар билан суғориб келинган. Улар ичида энг жанубийси Хазорасп канали бўлган. Истахрий уни Хоразмнинг Амул томонидаги (жанубда — Я. F.) энг биринчи канал сифатида кўрсатиб ўтади.

Истахрийнинг айтишича, Хазорасп каналининг кенглиги Говхўра канали кенглигининг ярмига тўғри келган<sup>13</sup>.

Хазорасп канали шундай кичик бўлганлиги сабабли, Истахрийнинг шу каналдан кема қатнар эди деган гаплари ҳақиқатдан узоқдадир.

Хазорасп билан Туямўйин оралиғидаги жой тошлоқ бўлиб, канал ўтказиш учун яроқсиз бўлганлиги туфайли, каналнинг бошини Туямўйин дараси ва Тошсақо баландлигининг ғарб томонидан қидирмоқ лозим.

Хазорасп икки фарсах нарироқда Хазорасп каналдан каттароқ Қардаронхуш канали бўлган. Қардаронхос<sup>14</sup> шу номдаги шаҳар ёки қалъага олиб келинган бўлса керак. Мақдисийнинг айтишича, Қардаронхос қалъаси Хазораспдан уч фарсах ғарброқда, Хазорасп — Хеванинг катта йўлида бўлган<sup>15</sup>.

Қардаронхосни биз Қалъажикнинг харобаларига ўхшатамиз. X аср авторларидан Истахрий, Мақдисий ва «Худуд ал Олам» қўлёзмаси авторининг ёзишларига қараганда, Қардаронхос Хева билан Хазорасп ўртасида бўлган. Хазораспдан Қардаронхосгача уч фарсах, Хевагача беш фарсах бўлган. Бу, уч пункт ўртасидаги масофага қарийб тўғри желди.

X асрда Хазорасп ва Қардаронхос шаҳар бўлмай, дарвозалари ва хандоғи бор қалъа бўлган<sup>16</sup>.

Абулғози XVI аср воқеалари муносабати билан бу пунктни «Қардан хаст» номи билан атайди<sup>17</sup>.

<sup>11</sup> Бу ерда котиблар ёки ахборот берувчилар янглишган бўлсалар керак. Чунки бундай узун каналнинг кенглиги 5 тирсак бўлиши мумкин эмас. Унинг чуқурлиги ҳам ишонарли эмас.

<sup>12</sup> كرىه (Истахрий, ўша асар, 301-бет).

<sup>13</sup> Истахрий, ўша асар, من مایل آمل

<sup>14</sup> Мақдисий бу канални Қардаронхос деб юритади; шу ном биз учун тўғрироқ бўлгани сабабли, бу канални шу кейинги ном билан атаймиз.

<sup>15</sup> Мақдисий, Китоб Ахсан ат тақосим фи маърифат ал ақолим, ВГА, т. III, 1872, 293-бет.

<sup>16</sup> Мақдисий, Юқорида кўрсатилган асар, 343-бет.

<sup>17</sup> Абулғози, شجره ترك 227-бет.

Де Гуёе Кардаронхосни Абулғози ёзган Кардан хастга ўхшатиш тарафдоридир<sup>18</sup>. Мунис-Огаҳий асарида Кардаронхос қуйидагича тушунтирилади: «Ҳозир, бизнинг вақтимизда Нукуз кўли деб юритилаётган Кардан хаст кўли Бешариқ территориясига жойлашгандир»<sup>19</sup>. Бу, Қалъажик, яъни Кардаронхос харобалари қайд қилинган жойга тўғри келади.

Х асрда иккала канал ҳам — Хазорасп ва Кардаронхос каналлари Довдон дарёсининг қадимий бошланиш жойида бир-бирдан мустақил равишда ажралиб чиққанлиги ҳақиқатдан узоқ эмас. Ҳозирги вақтда жанубий полосанинг ҳаммаси Полвонёп аригидан чиқарилган каналлар билан сугорилмоқда.

Истахрийнинг ёзишича, Хева канали чап қирғоқда учинчи канал бўлиб ҳисобланган (унинг номи келтирилмаган). Бу канал Кардаронхосга қараганда каттароқ бўлиб, унда Хева шаҳаригача кемалар қатнаган<sup>20</sup>. Хева канали Полвонёп (Паҳлавон) деб аталгунга қадар қандай ном билан юритилганлиги масаласи шу вақтгача ҳал қилинмай келмоқда.

Мўғуллар давридан кейинги тарихий адабиёт ва расмий ҳужжатларда жанубий Хоразмнинг Ҳейконик *حیکانیک* номли катта канал бўлганлиги қайд қилинади. Бу ном биринчи марта 1349 йил тарихи билан Хоразмнинг ҳокими Қутлуғ Темурнинг вақф ҳужжатида учрайди. Бу ҳужжатда Ҳейконик каналига шимол томондан ёндошган ер участкалари бирма-бир қайд қилиб ўтилган.

Абулғозихон уруш ҳаракатларининг боришини ёза туриб, бир неча жойда Ҳейконик канални тилга олади. Лекин бунда баъзи бир ноаниқликлар учрайди. Унингча, Ҳейконикда Хонқа<sup>21</sup> олдидаги Тошкўприк ёнида Гандумкон қишлоғи бўлганмиш. Бу маълумот Ҳейконикни Ғозибод канали деб билган В. В. Бартольдни янглиштиради<sup>22</sup>.

Гандумкон қишлоғи ҳақиқатдан ҳам Хонқа ёнида эмас, Хева шаҳридан 1—1,5 км шимоли-шарқда Ҳейконикда жойлашган эди. Тошкўприкка келганимизда, бу жой Хонқа ёнида Ғозибод ва Полвонёп каналлари ўртасида бўлган. Абулғози ўзининг уруш ҳаракатларида Хонқа шаҳарига суянган, унинг Орол денгизи билан алоқаси эса Ҳейконик канали орқали бўлган. Шунинг учун Тошкўприк Орол денгизидан (аниқроғи қуйи дельтадан) келадиган кемаларнинг тўхтайдиган асосий лагери бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, XIX асрдаги Хева ва рус авторларининг ёзишига қараганда, Ҳейконик (Полвонёп) ва Ғозибод каналлари ўзаро сув шаҳобчаси билан бирлашган. Бу эса, қуйи дельта билан бўлган алоқани энгиллаштирган<sup>23</sup>.

XIX аср Хева солномалари ва бошқа асарларда бу канал гоҳ Ҳейконик, гоҳ Ҳейваник *حیونیک* деб аталади. Ҳейваник номи, албатта, Ҳейконик номининг энг сўнги бузиб айтилган шакли бўлса керак.

XVIII—XIX аср хон ёрлиқларида Жанубий Хоразм каналлари одатдагидек, уларнинг географик жойлашишлари (жанубдан шарққа).

<sup>18</sup> De Goeje, Dasalte Bett des Oxus, Leyden, 1873, p., 84.

<sup>19</sup> Мунис-Огаҳий, *فردوس الافبال*, varaқ 187.

<sup>20</sup> Истахрий, Уша асар, 302-бет.

<sup>21</sup> Абулғози, Уша асар, 303-бет.

<sup>22</sup> В. В. Бартольд, История орошения Туркестана, 95-бет.

<sup>23</sup> Баёний *قولومحاجی غه کم حیونیک دین غازی ئاباداری بیه قو ادرعان* «یارمشر» 85 ва varaқ «شجره» حوارزمشاهی

тартибида санаб ўтилган. Янгиариқ, Ҳейваник, Ғозиобод ва бошқалар<sup>24</sup>.

Мунис-Огаҳий асарларида Ҳейваник канали билан Полвонёп канали битта канал деб кўрсатилган: «Ҳейваникнинг жануб томонида, Ҳейваник ва Янгиариқ каналлари оралиғида жанг бўлиб ўтди»<sup>25</sup>.

XIX асрнинг ўттизинчи йилларидаги хевалик авторлардан бири қуйидагича ёзган эди: «Ҳейкониқ каналининг охирида Қник қишлоғи бўлиб, у ерда жийданинг энг яхши навлари ўсади»<sup>26</sup>. Ҳақиқатда ҳам бу қишлоқ Полвонёпнинг энг охирида, Хева шаҳрининг ёнига жойлашган. Ниҳоят, Мунис-Огаҳийнинг, Ҳейваник канали Паҳлавон (Полвон)-ёп номи билан маълум, деган тўғридан-тўғри кўргазмаси ҳам бор<sup>27</sup>.

Шундай қилиб, Полвонёп канали Хеванинг қадимий Ҳейкониқ ёки Ҳейваник номли каналининг ўзи эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Биз Ҳейкониқ номининг келиб чиқиши узоқ ўтмишга боғлиқ эканини яна бир марта айтиб ўтамиз. Чунки архаик географик ном — «Ҳейкониқ» Хева шаҳрининг атрофидаги бир қанча географик пунктларнинг архаик номларини эслатади. Булар: Пишканик, Ангарик, Рофаник, Безганик, Қник ва ҳоказолар<sup>28</sup>.

Истахрий чап қирғоқ Хоразмда олтига энг муҳим канал бўлганлигини қайд қилади. Биз Истахрийда юқорида айтиб ўтилган учта каналдан ташқари яна тўртинчи — Мадра каналини ҳам учратамиз. Унинг ёзишича, бу канал Говхўра каналидан икки баробар катта бўлиб, унда Мадра қишлоғигача кемалар юрган. Мадра канали билан Хева канали ўртасидаги оралиқ 2 км га яқин бўлган<sup>29</sup>. Ўзининг жойлашиши бўйича Мадра канали ҳозирги Ғозиобод каналига тўғри келади.

Ғозиобод канали билан Хева (Ҳейкониқ—Полвонёп) ўртасидаги оралиқ, X асрда деб кўрсатилган оралиққа баробар келади. Шу каналларни Хазорасп — Кўҳна Урганч катта эски йўл кесиб ўтган жойда уларнинг ўртасидаги масофа анчагина қисқаради. Лекин Мадра қишлоғи Хоразмнинг машҳур, бир мунча муҳим шаҳарлари қаторида қайд қилиб ўтилмайди.

Биз 1937 йилда Хонқа шаҳридан тўрт километрча жанубда, Ғозиобод каналининг жанубий қирғоғида эски катта Чоржўй — Урганч йўли ўтадиган кўприк ёнида жойлашган Мадир номли катта қишлоқни текширдик. Мадирда эскидан яшаб келган кишилар, қишлоқнинг ғарб томонида эски катта мазор борлигини ва қадимда унинг ўрнида «Чингизхон томонидан вайрон қилинган» Мадир шаҳри бўлганлигини айтиб, бу қадимий шаҳар билан боғлиқ бўлган кўпгина афсоналарни сўзлаб бердилар. Юқорида айтиб ўтилган мазорда Қутлуқ Темурнинг 1349 йилдаги вақф ҳужжатида шайх Сулаймон Ҳаддодийнинг мақбараси ва хонақоси сақланиб қолганлиги кўрсатилган. Бу ҳужжатда Носирий

<sup>24</sup> Шерғозихоннинг 1715 йилда Рўзибойбий номига берган ёрлиғи Хева музейи кутубхонасида сақланади.

<sup>25</sup> Мунис-Огаҳий, варақ 334 б. Янгиариқ-Полвонёпнинг жанубий тармоқларидан биридир. Демак жанг асосий канал билан унинг тармоғи оралиғидаги учбурчак жойда бўлган.

<sup>26</sup> Худайберди Қўшмуҳаммад, *دل غرائيب*, варақ 23<sup>б</sup> — 24<sup>а</sup>, Хева музейи қўлёзмаси.

<sup>27</sup> Мунис-Огаҳий, «*حيونيك كم پهلوان يافى غه مش: وردر*», варақ 42<sup>б</sup>.

<sup>28</sup> П. П. Иванов. Архив хивинских ханов, Л., 1940, 35, 36, 38, 65, 76, 83-бетлар; филология фанлари кандидати. Ф. А. Абдуллаевнинг менга илтифот билан айтишича, бир қатор фактлар «ик» қўшимчаси Хоразм топонимиясининг сўз ясадаги энг қадимий формаси бўлганлигини тасдиқлайди.

<sup>29</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, 80-бет.

каналдан ғарбда катта хонақо қурилгани ҳақида гапирилади. Шу ҳужжатдан маълум бўлишича, хонақо шайхнинг ўлимидан кейин қурилган экан. Бу ҳолат, шайх Сулаймоннинг Мадирдаги хонақоси унинг мақбараси ўрнига солинган бўлса керак деган мулоҳазага олиб келади. Мадирдаги мазор ва хонақо—сиёҳчи иморатдир; шу ерда эскидан турувчиларнинг айтишича, бу хонақо эски шакли сақланган ҳолда бир неча қайтатдан қурилган. Тузилиши бўйича унинг гумбази жуда ғала-ти ишланган: хонақонинг маркази «дарбозий» шаклидаги гумбаз билан ёпилган<sup>30</sup>.

Бир қанча вақт ўтгандан сўнг Мадир қишлоғи янги ерда (бир-мунча шарқроқда) қад кўтарди. Мадра канали бу ном билан юритилмай қўйди, ҳар ҳолда бу мўғуллар келтирган вайронагарчиликлар билан боғлиқ бўлса керак.

С. П. Толстов ҳам ўз асарларидан бирида қадимий Мадра каналини Ғозибод каналидир дейиш мумкин деб таъкидлайди. Лекин у Мадра қишлоғи Ғозибод каналининг охирига жойлашган Бадиркент ўрнида бўлган<sup>31</sup> дейди. Мадра каналдан кема қатнамаган.

Мадра каналдан нарироқда Амударёдан кема қатнайдиغان катта Вадок وداک канали чиққан. Истахрий фикрича, Вадок каналдан Хоразм (Қат) шаҳригача икки фарсахга яқин бўлган<sup>32</sup>.

Биз Вадок каналининг боши Шохободнинг эски боши ўрнида, Тўрткўл қаршида бўлган деган фикрга қўшилаемиз.

Сўнгра Истахрий, шаҳардан (Қатдан) пастроқда Журжония томонда Бува<sup>33</sup> номли канал (Амударёдан ажраб чиқади—Я. Ф.) дейди.

Унинг сувлари Андаристон дейилган қишлоқ чегарасида Вадок сувлари билан қўшилган. Бу қишлоқ Журжония томон оқимнинг бир-мунча қуйироғида жойлашган.

Истахрий фикрича, Вадок канали Бувадан каттароқ бўлган; уларнинг иккаласида ҳам Журжониядан бир галва ( $1/24$  фарсах)<sup>34</sup> нарироқда бўлган ерғача кемалар юрган, худди шу ерда тўғон бўлиб, у кеманинг сузишига йўл қўймаган<sup>35</sup>.

Мақдисиининг айтишича, шаҳар атрофини дарё (Амударё шаҳарга шунчалик яқин бўлганким—Я. Ф.) сувлари босар эди. (Аҳоли) уни бошқа томонга буриш учун тахта ва ходалардан (шу тўғонни) ўйлаб топдиларки, дарё шарқ томон оқа бошлади<sup>36</sup>.

Курдар<sup>37</sup> ёнида бош шаҳар (Қат)дан тўрт фарсах қуйироқда бошланадиган канал бор; бу каналнинг бир-бирига яқин тўрт жойдан олин-

<sup>30</sup> Гумбазларнинг шу шаклда қурилганлари кўпроқ Марказий ва Урта Осиёда, Закавказье, Ҳиндистон ва Афғонистонда учрайди. «Дарбозий гумбазлари» ҳақида проф. М. С. Андреев кўп материал тўплаган; шунингдек М. Ильинининг, «Древнейшие типы жилищ Закавказья» китобига қаранг, Сообщение Института истории и теории архитектуры, вып. 5, М., 1946.

<sup>31</sup> С. П. Толстов, Древности Верхнего Хорезма, В.Д.И., 1941, № 1.

<sup>32</sup> Истахрий, ВГА, 303-бет.

<sup>33</sup> بوه

<sup>34</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море 34-бет; МИТТ, т. I, 179-бет. «Галва» термини камон ўқининг учини узунлиги деб тушунтирилади. Шунинг учун агар фарсахни 7 км га тенг десак, у ҳолда галва тахминан 292 метрга тенг келади.

<sup>35</sup> Шу тўғоннинг қуйисидан сув суғориш учун олинганлиги сабабли кавал жуда ҳам сазланиб қолган бўлса керак.

<sup>36</sup> Мақдисиий, ВГА, 260-бет. Вадок билан Бува қўшилган жойдан Журжониягача бўлган масофани Истахрий бир мавзилга тенглаштиради. (Истахрий, ВГА, 303-бет).

<sup>37</sup> Дельтадаги كورد (Курдар) канали киритилган шаҳар номи.



ган тўртта сақоси бор. Бу сақолар бир-бирига яқин жойлашган ва бирга қўшилиб кетган, уларнинг қуввати Бува ва Вадок каналларига тенг бўлган. Айтишларига қараганда, Жайхун илгари ана шу ердан (Курдар ўзанидан) оққан. Бу каналдаги сувнинг оз-кўплиги Жайхун сувининг оз-кўплигига боғлиқ бўлган. Ғитнинг қаршисида, чўлда, (дарёдан) бир фарсах шимолроқда Мадминия номили шаҳар бор. У ҳам қирғоқда Жайхундан тўрт фарсах нарига жойлашган. Бунга (Амударёнинг) Курдар олдида ўз оқимини ўзгартиб, Ғит ва Мадминия ўрталаридан ўтганлиги сабаб бўлган. Мадминиядан кейин аҳоли яшайдиган жойлар учрамайди. Маздахқон рустоғи Жайхун билан Курдар (канал) ўртасида жойлашган; Журжония қаршисидаги Маздахқон (шаҳри)дан Жайхунгача икки фарсах келади. Курдар билан Кат (шаҳри) ўртасидаги ҳар бир қишлоққа Жайхундан канал ўтказилган, сўнгра Жайхун балиқчилар яшайдиган жойга Хоразм кўлигача етиб борган; бу ерда на қишлоқ, на иморат бор. Бу ер Хоразм дейилади. Бу денгиз бўйида, Ҳолижон яқинида ғузлар ери бор. Тинчлик вақтида шу томондан ғузлар Баратегин қишлоғига бошқа томондан Журжонияга келадилар, чунки бу икки пункт ҳам чегара олдидадир. Жайхун дарёси қуйиладиган ердан Шош (Сирдарё)нинг шу кўл (Орол денгизи — Я. Ғ.) га қуйиладиган еригача бўлган масофа тўрт кунга (Ибн Ховқал ҳисобича — ўн кунлик йўл — Я. Ғ.) яқин йўлга баробар<sup>38</sup>.

Вадок ва Бува каналларининг яратилиш вақтини ёзишдан олдин, Қизилқум чегараларигача чўзилиб ётган катта Хонобод<sup>39</sup> районининг археологик ёдгорликлари устида қисқача тўхтаб ўтамиз.

Қадимги шаҳар харобаси Қўрғонча (Қубланди)ни биз Амударёнинг шарқдаги хилват тармоғи билан боғлаймиз. Бу тармоқ катта узлишлар билан эрамизнинг II—III ва VI—VII асрларида оққан. Қуйи дельтанинг бошланиши яқинида иккита шаҳар харобаси бўлган: Айвонқалъа ва Тўққалъа. Булар устида биринчи мартаба А. Гребенкин<sup>40</sup> ёзган. Унинг ёзишича, бу шаҳар харобаларига «Тўк» ва «Айвон» номлари дельтада яшаган қорақалпоқлар томонидан кейинроқ берилган. «Тўк» номи, Дев томонидан уюлган ва устига қалъа қурилган сунъий тепалик ҳақидаги афсона билан боғлиқ; «Айвон» эса — шу қалъа пастликка жойлашишига қарамай, унинг баланд деворлари сув тошқинларидан сақланганлиги учун шундай дейилган<sup>41</sup>.

Айвонқалъа шаҳар харобаси 1947 йил ёзида текширилган эди. Бу шаҳар ички ва ташқи плани бўйича Шоббоз районидagi Тупроққалъа шаҳарининг харобасига жуда ҳам ўхшаб кетади. Дастлабки далиллар ушбу шаҳар эрамизнинг VI—IX асрларида мавжуд бўлган дейишга имкон беради.

Тўққалъа археологлар томонидан ҳали текширилмаган. Гребенкиннинг ёзишига асосланиб, Тўққалъа сўнги африғийлар даврига оид шаҳардир дейиш мумкин.

Нукус аэропорти территориясида Шўрча номили шаҳар харобаси топилган. Шаҳар илк кушан даврининг шаҳар харобалари турига киритилган.

<sup>38</sup> ВГА, т. II, 354-бет.

<sup>39</sup> Дарёликдан жануб томон, Вос, Манқир, Девкескангача ва Шаҳобод ҳамда Ермиш каналларининг этакларигача бўлган катта территорияни биз шартли равишда Хонобод деб атадик.

<sup>40</sup> Гребенкин улар устида Амударё бўлимининг бошлиғи Н. И. Иванов номига ёзган хатида тўхтаб ўтади. Бу хатнинг тексти А. В. Каульбарснинг «Низовья Аму-Дарьи» деган китобида келтирилган, 451—452-бетлар, 261-илова.

<sup>41</sup> А. В. Каульбарс, Уша асар, 451—452-бетлар.

Нукусдан анча жануброқда, Кипчоқ шаҳридан 5—6 км шимолроқда, ўнг қирғоқда Чилиқ номли айлана шаклли қалъа қад кўтариб туради. Ўз архитектураси ва топилган сопол бўлаклари бўйича бу қалъа эрамининг V—VI асрларига оиддир.

Қисноқда, дарё Султон Увайс тоғи билан Жумиртов ўртасидаги дарадан ўтадиган ерда, ўнг қирғоқда эрамининг II—III асрларида қурилган муҳим Говурқалъа бор. Буларнинг ҳаммаси Амударёнинг ҳозирги Гурлан кенглиги қуйидаги, асосий ўзандаги оқим эрамининг дастлабки юз йилликларида (эрамининг IX асригача) ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Шу ёдгорликлар дарё оқимининг ўзи билан боғлиқ бўлганми, ёки Курдар канали биланми — бунни айтиш қийин.

Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган бундай пунктда Говурқалъанинг вужудга келиши, Барақтом ва Қўрғонча районларида аҳоли яшайдиган жойларнинг пайдо бўлиши бу ёдгорликлар сунъий каналга нисбатан Амударёнинг ўз оқими билан кўпроқ боғлиқ бўлганлигини тасдиқлайди. Чунки бу канал атрофида, дельтанинг ўрта қисмида кўпгина аҳоли яшайдиган пунктлар бўлганлиги учун катта сунъий канал сувини Қўрғончага етказиш мумкин бўлмаган бўлса керак. Афтидан Қўрғонча ва Барақтом энг олисдаги пункт бўлганлиги сабабли Амударёнинг шарққа томон уриб кетган тошқин сувлари билан суғорилгандир.

Истахрийнинг дарёнинг Курдар шаҳри яқинида ўз оқимини ўзгартириши, Курдарнинг Амударёнинг эски ўзани бўйича оққанлиги ҳақидаги маълумоти шу район тарихий топографиясининг кўрсаткичларига жуда тўғри келади. Курдар каналидаги тўртта сақо хоразмликларнинг дарё ўпириши хавфини олдини олиш йўлидаги чоралари бўлган бўлса керак, агар каналнинг сақоси битта бўлганда, дарё ўпириб кетиши мумкин эди. Археологик текширишларнинг тахминий ва юзаки бўлишига қарамай, юқори дельтанинг шарқий ва шимоли-шарқий қисмлари уларнинг тарихий топографиясини аниқлашда бизга маълум материаллар беради.

Хонобод, Кўҳна Урганч ва қуйи дельтанинг ғарбий қисми районларида ўтказилган археологик ишлар ҳам ҳали фақат қидирув ҳаракатига эгадир. Қандумқалъа кенглигининг шимолроғида, Девкескан чегара қалъасидан ташқари, антик ва африғийлар даврларининг (IX асригача) ёдгорликлари қайд қилинмаган.

Тарихий адабиётда Урганчнинг Овсто «Урваси»<sup>42</sup> ва Юегенда жойлашганлиги ҳақида қатор тахминий мулоҳазалар бор (Хань Аввалги уйининг хитой солномаси)<sup>43</sup>. Шуни айтиб ўтиш керакки, Кўҳна Урганчда ҳалигача стационар археологик ишлар ўтказилмаган ва бу ерни бир неча марта текширган археологлар араблар истелосигача бўлган даврнинг маданият изларини топмаганлар<sup>44</sup>. Кўҳна Урганч ҳақиқатдан ҳам ниҳоятда мураккаб археологик ёдгорликдир; бу қадимий шаҳар харобасининг ўрта аср қатламлари анча қалиндир. У ерда кейинги вақтларда ўтказилган археологик қазилмалар материкка етгунча давом эттирилмади ва X асрдан олдинги даврга оид ёдгорликлар топил-

<sup>42</sup> E. Sachau, Zur Geschichte und Chronologie von Khwarizm I-бет С. П. Толстойнинг, «Древний Хорезм»дан цитата.

<sup>43</sup> Иакинф Бичурин, Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, СПб, 1851, т. III. 246-бет; В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 25-бет.

<sup>44</sup> Кўҳна Урганчнинг пастки қатламларида ГАИМК томонидан 1929 йилда топилган сопол буюмларни узоқ ўтмишга оид деб бўлмайд.

мади; бу ҳол Кўҳна Урганчга яқин районларнинг ҳаммасига ва Хонободнинг барча территориясига ҳам хосдир.

Агар Кўҳна Урганчда феодал давригача бўлган ёдгорликларнинг йўқлиги бу ер стратиграфиясининг мураккаблиги билан ифода этилса, атроф районлардаги худди шундай ҳолнинг сабабларини тушунтириш қийин.

Биз 1946 йилнинг кузида Хонободда археологик рекогносцировка ўтказган эдик. Бундан мақсад Хонобод территориясининг жойлашиш тарихини ўрганиш эди.

Хонобод территориясининг ҳаммасида, шу жумладан унинг шарқий қисмига ҳам, IX асрдан бошлаб сунъий каналлар ўтказилган эди. Бу каналларнинг қандай жойлашганлигини ортиқча ёзиб ўлтирилмаса ҳам бўлади, чунки XIX асрнинг ўрталарида Хонободда қазилган каналлар — Шомурод, Сипоҳийёп ва бошқалар — асосан ўша IX—X асрларда қурилган каналлар ёнидан ўтказилган. Бу эски каналлар ўтган ҳамма ерда катта бўлмаган тепаликлар, IX—XIV асрлардаги айрим уйлар ва кичик қишлоқларнинг қолдиқлари учрайди.

Шуни ҳам қайд қилиб кетиш керакки, Урганч харобалари қаршисидаги, Дарёлиқнинг чап қирғоғидаги каттагина полоса ўша вақтларда (IX—XIII асрлар) шу шаҳарнинг давоми бўлган: бу жой ўн километрдан ортиқроқ бўлиб, бошдан охиригача иморатларнинг излари, ғишт, сопол парчалари ва ҳоказолар билан қопланган. Бу ҳаддан ташқари катта харобазорнинг кўрниниши Еқутнинг Урганч ҳақидаги қуйидаги сўзларини беихтиёр эслатади. «Унинг барча вилоятларида юрасанми, ё бозорларида юрасанми — бунинг фарқи йўқ. Уйлайманки, Хоразм сингари бепоён ва кенг ер, шу сингари аҳолиси кўп юрт дунёда бўлмаса керак...»<sup>45</sup>.

Қандумқалъа харобаларидан 5—6 км шимолроқда Етти Овул номли унча катта бўлмаган шаҳар вайроналари бор. Археологик материалларга қараганда, шаҳарча IX—XIII асрларда ўтган бўлиб, у жуда обод ва аҳолиси кўп бўлган. Қурдар канали билан суғорилган Маздахқон ҳақида гапирар эканмиз, биз тўла ишонч билан унинг африғийлар ёки ундан ҳам олдинги давр шаҳри эканлигини қайд қила оламиз. Шаҳар харобаларидаги бир қанча аломатлар шаҳарнинг қадимий эканлигини тасдиқлайди<sup>46</sup>.

Маздахқон дарё ва унинг қуйиладиган ерларига яқин жойлашганлиги туфайли сувни, албатта, Қурдарнинг қадимий (асосий) ўзанидан, кейинчалик эса, Қурдар каналидан олган.

Юқорида қайд қилиб ўтилган Қутлуғ Темурнинг 1349 йилдаги вақф ҳужжатида кўрсатилишича, Маздахқон шарқдан келадиган каналдан сув олган.


Гидрогеологик текшириш маълумотларига қараганда, Хонобод ва умуман Дарёлиқ атрофидаги районнинг маданий ирригация чўкинди лойқалари Довдоннинг чап қирғоғидаги районга қараганда қарийб ўкки марта, чап қирғоғидаги лойқага қараганда бир ярим марта кам бўлган.

Бундан олдинги бобда Довдон каналининг ўнг қирғоғи ғарбдаги Қандумқалъадан бошлаб шарқдаги Хонқа шаҳригача бўлган ерларда аҳоли яшаганлиги ва, бу ҳол, III асрда қазилиб, баъзан ишлаб, баъзан яроқсиз бўлиб мўғул истилосигача етиб келган канал тарихи билан боғлиқ эканлиги қайд қилиб ўтилган эди.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: Қан-

<sup>45</sup> Е қ у т, Китоб Муъжам ал булдон, т. II, 481—484-бетлар.

<sup>46</sup> А. Ю. Якубовский, Городище Миздахкан, ЗКВ, т. 5, 560—565-бетлар.



10-расм. X асрдаги Хоразмининг ирригацион тармоқларининг схемаси. Шартли белгилар: а—сув оқиб турган каналлар; б—Амударёнинг ўша даврдаги ўзани; в—ботқоқ ва тошқинлар; г—шаҳарлар.

думқалъа канали тахминан IX асрда бутунлай қайта қурилган; уни кенгайтирганлар ва асосий ўзани Гурганчгача етказганлар.

Истахрийнинг Бува каналининг Катдан қуйроқда бошланади деб берган маълумоти, Вадокнинг сақоси Буванинг сақосидан бир оз юқорида бўлганини кўрсатади. Ибн Рустанинг: «(дарё) шаҳардан ўтгач, ундан ўнгга ва чапга қараб канал ва шахобчалар ажраб кетади» деган сўзларини Курдарнинг сақоси (ўнг томондан) ва Буванинг сақоси (чап томондан) ҳақида гапирган деб тушуниш керак. Демак, Буванинг сақоси қаердадир Янги Урганчдан пастроқдаги районда бўлган. Дарёлиқ ва Довдон ўрталаридаги районнинг археологик обзори IX—XIII асрларда Воянгон (Амбарманоқ) шаҳри районида суғориш иншоотлари бўлганлигидан дарак беради; Вадок каналининг кенгайтирилиши ва унинг этакларини Гурганчга етказилиши, афтидан, Воянгон районидаги суғориш ишларини тубдан ўзгартмаган бўлса керак, чунки Вадокнинг ғарб шахобчалари, илгаригидан камроқ миқдорда бўлса-да, аввалгидек маданий полосани сув билан таъминлар эди. Шундай бўлса-да Вадок сувлари, афтидан, Гурганчгача зўр қийинчилик билан бориб етган. Районнинг суғоришга бўлган эҳтиёжининг ўса бориши Вадок каналини кенгайтириш зарурлигини туғдирган. Тошқин сувларига ишониб бўлмас эди, чунки биз юқорида айтганимиздек, тошқин каналларини жуда ҳам кўпайтириш катта хавф-хатарликлар билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун Бува каналининг қазилиши ва Вадок билан бирлаштирилиши қонуний бир ҳол бўлган. Бу чора суғоришни кўпайтирган ва айни вақтда сув босиш ҳавфидан сақлаган; у Хонободда ва умуман Гурганч районида суғориш ишларини ривожлантиришга ҳам ёрдам берган бўлса керак. Истахрийнинг сўзига кўра, шу канал орқали Гурганчга қараб сузган кемалар шу шаҳардан тахминан 300 метр нарида ёғочдан ишланган тўғонга келиб тўхтаганлар<sup>47</sup>.

Мақдисийнинг ёзишича: Бува канали «Бош шаҳардан (Катдан) пастроқда, асосий ўзан жойлашган томон йўналган; иккала (каналнинг) суви Андаристон қишлоғи ёнидаги ерда қўшилади»<sup>48</sup>;

Унда Журжониягача кемалар қатнайди, шундан кейин канал тўғон билан тўсилади... (Андаристон) қишлоғидан тўғонгача бир кунлик йўл. Журжония — Хуросон томонидаги бош шаҳар бўлиб, ундан Жайхун оқиб ўтади, шунинг учун ҳам унинг чеккаларини дарё ювиб ўтади. (Аҳоли) уни (Жайхунни) тахта ва ўтинлар билан тўсиб қўйишга анча уринганлар, шунда, у ҳайрон қоларли даражада шарқ томонда йўлини ўзгартди, унинг сувлари чўлга, Баратегин қишлоғи томон бурилиб, бир томондан оқабошлади. Улар сув ичиш мақсадида шаҳар дарвозалари олдига каналлар қазиб ўтказдилар, лекин шаҳар кичкина бўлганлиги сабабли (каналлар) шаҳаргача етказилмаган, у (шаҳар) эса, борган сайин кенгайиб бормоқда<sup>49</sup>.

Амударёдаги шу тўғон устида Ёқут жуда ҳам аниқ ёзади: «Улар (Гурганч аҳолиси) катта-катта ёғоч ва шохдан Жайхунга қарши уй-

<sup>47</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар, 303-бет; бу ерда гап Вадок—Бува каналида қурилган тўғон ҳақида боради, Аммо бу кейинчалик Мақдисий ёзган Амударёда қурилган тўғон эмас.

<sup>48</sup> Истахрийда бир манзил 25—30 кмга, Мақдисийда бир кунлик йўл—50—55 кмга тенг, булар ўртасидаги тафовут, каналларнинг Андаристоннинг қайерда қўшилишганлигини аниқлашга имкон бермайди. Агар биринчисини асос қилиб олсак, каналлар Калинин шаҳридан (Пурсидан) 15 км ғарброқда қўшилишган бўлади. Бу ерда гап Истахрий қайд қилиб ўтган тўғон ҳақида боради.

<sup>49</sup> Мақдисий, Юқорида кўрсатилган асар, 288—289-бетлар; бу ерда гап тошқинлардан сақланиш учун Амударёнинг ўзига қурилган тўғон ҳақида боради.

ларини бузилишдан сақлаб қоладиган тўғон қурганлар. Аҳоли уни ҳар йили янгилаб, бузилган жойини тузатиб турадилар»<sup>50</sup>.

Жувайнийнинг сўзига қараганда, мўғуллар истилоси вақтида шаҳар ичидан қандайдир канал ёки дарё оқиб ўтиб, унинг устида кўприк бўлган<sup>51</sup>. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлган бўлса керак, чунки археологик текширишларнинг кўрсатишича, XII—XIII асрларда Дарёлиқ ўзанидан ғарбда шаҳар жойлашган бўлиб, уни биз Гурганнинг ярми деяламиз. Шаҳарнинг ҳар икки бўлагининг кўприк билан боғланганлиги табиийдир; лекин шу кўприк бир вақтнинг ўзида Амударёнинг кучли оқимини тўсиб турувчи тўғон ҳам бўлганлиги ҳақиқатдан анча узоқ. Лекин биз шундай тўғоннинг бўлганлигини кўрсатувчи маълум далилга эгамиз. Ибн ал Асир бу ҳақда қуйидагича ёзади: «(Татарлар) Жайхуннинг сувларини шаҳардан тўсиб турувчи тўғонни бузиб ташладилар; сув тошиб, бутун шаҳарни босиб кетди»<sup>52</sup>.

Хўжайли ва Манғит ўртасидаги ернинг топографияси Ибн Руста ва Истахрийлар қолдирган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Амударё Ибн Руста замонида (903 ёки 913 йил) ҳақиқатдан ҳам ҳозирги ўзанига нисбатан ғарброкдан оққан бўлса керак; Катдан қуйироқдаги районда (карталардаги Шоббоз ёки Шайх Аббос) бироз шимоли-ғарброққа бурилган, Қубатов ёнида ялангликдан, Дарёлиқ ўзанига параллель бўлган қўл ва ботқоқликлар системаси орқали, Амударёнинг энг охириги ва ҳозирги ўзанлари ўртасидан оққан. Дарё шу йўналишда (Кўҳна Урганч) ва Маздахқон (Хўжайлидан 8 км ғарбда бўлган Мазлумхонсулуд тепаликлари) ўртасидан ўтган. Ибн Рустанинг ёзишича, дарё (Амударё Маздахқонга нисбатан) дарёдан икки фарсах нарида (Гурганчга яқин) бир фарсах узоқликда бўлган.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Истахрий Вадок-Бува каналидаги тўғон ҳақида гапирган. Мақдисий бу тўғонни тилга олиб, Амударёдаги тўғон ҳақида ҳам сўзлайди. Мақдисийнинг сўзларини Амударёдаги шу тўғонни ўз кўзи билан кўрган Еқут ҳам тасдиқлайди. Бундан, Ибн Руста (913 й.) билан Истахрийлар (941 й.) ўз асарларини ёзган вақтдан Мақдисий асаридаги санагача (985 й.) бўлган давр ичида қандайдир ўзгаришлар бўлган бўлса керак деган фараз туғилади.

Бу ўзгаришлар қуйидагича бўлди, биринчидан, Вадок-Бува каналининг ўзани Амударё билан қўшилиб шунчалик кенгайиб кетдики, ҳатто унинг сувлари Гурганч территориясини босиб кетиш хавфи туғилди.

Шундай қилиб, Мақдисий даврига келиб Амударё Вадок-Бува каналининг ўзанига тахминан Ловзон шаҳобчасининг XI асрда уриб кетган жойида йўл ўйиб олган, деган фикр биз учун ягона тўғри хулоса бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолда Мақдисий ва Еқутнинг ёзганлари тўғри бўлиб чиқади. X асрнинг сўнгги чорагида дарёнинг ўзани, афтидан, ғарб томонга сурилган бўлса керак ва унинг оқими шаҳарнинг икки бўлаги ўртасидан ёриб ўтиш жараёнида бўлган бўлса керак; бу ҳол янги — Дарёлиқ ўзани ҳосил қилишдан дарак берар эди ва XIII асрда ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди.

Китобхоннинг фикрини шунга жалб қиламизки, дарё ўзани шаҳардан четлаштирилиши қандайдир сиҳрли нарса бўлиб кўринди ва у Мақдисийни ҳайратда қолдирди; унинг бу сўзларини, дарё шаҳарни тварқ томонидан оқиб, илгаригидек Орол денгизига қуйилар эди, деб тушиниш мумкин. Шу билан бирга, бир муҳим ўзгариш бўлиб ўтди:

<sup>50</sup> Еқут, Юқорида кўрсатилган асар, 285-бет.

<sup>51</sup> Жувайний, МИТТ, т. I, 487—488-бетлар.

<sup>52</sup> Ибн ал Асир, т. XII, 207—208-бетлар.

дарё оқими, афтидан, Вадок-Бува каналининг этаклари билан қўшилиб Гургангча яқинлашган. Демак, Мақдисийнинг Вадок ва Бува каналларининг қўшилишидаги тўғон ҳақидаги сўзларини, ўзидан олдин ўтган Истахрийнинг<sup>53</sup> сўзларини ўйламасдан, тўғридан-тўғри қайтарилиши деб тушиниш лозим. Бу маълумот янги шароитга тўғри келмас эди.

Демак, Мақдисий замонда Ёқут замонда бўлганидек, Вадок-Бува каналлари бирлашгандан кейин Амударё шуларнинг ўзидан оққан ва Гурганчнинг худди деворлари ёнидан ўтган. Бу фикрнинг тўғрилигини шаҳарнинг шарқ томонида бўлган ернинг топографияси ҳам тасдиқлайди.

Истахрийнинг ёзишича, Хоразм воҳаси шимол томон торайиб бориб, Журжония ёнида унинг кенглиги тахминан икки фарсахга тенг (13—14 км бўлиб қолади)<sup>54</sup>. Амударёгача бўлган масофанинг 6—7 км га чўзилади дейиш мумкин. Демак, Гурганч ўша вақтда чўл билан бевосита чегарадош бўлган.

Биз олдинги бобларда Говхўра канали Пахтаарна ўнг қирғоғининг ҳозирги каналига асосан тўғри келади, деб айтиб ўтган эдик. Араб географлари айрим-айрим пунктлар ўртасидаги масофа ва уларнинг Говхўра билан алоқалари ҳақида ёзиб қолдирганлар, бу маълумот каналлар ва аҳоли пунктларининг ерларини аниқлашни анча енгиллаштиради. Бош шаҳар Хоразм (Қат) билан Говхўра ўртасидаги масофани (12 фарсах)<sup>55</sup>, афтидан, В. В. Бартольд ўйлаганидек<sup>56</sup>, кенглик бўйича тушунилмасдан, каналнинг бошидан Катгача, яъни унинг оқими бўйича ҳисоблаш керак. Бу Оққамишдаги Пахтаарна бошидан Шайх Аббос қишлоғигача бўлган масофага жуда тўғри келади. Демак, Ғарамхашна (ёки Ғарабхашна) Говхўра каналининг бошидан олти фарсах нарида бўлган ва у ўнг қирғоқнинг деҳқончилик ерлари бошланадиган жойдаги Шўраҳон қишлоғига тўғри келади<sup>57</sup>. Биз ўнг қирғоқ Хоразмнинг катта ва илк қадимий канали — Говхўранинг шахобчаларга бўлинадиган ерида жойлашган антик қалъа Шўраҳонни Ғарамхашна (Ғарабхашна)га ўхшатиш учун қуйидаги асосларга эгамиз.

«Ғарамхашна» ёки «Ғарабхашна» номини биз фақат Истахрий асарларида учратамиз. Унинг маълумотига кўра, бу қишлоқ Говхўра канали бошидан олти фарсах узоқда жойлашган. Мақдисий Шўраҳонни ҳам худди шу ерда («Говхўра каналининг сақосидан олти фарсах нарида») жойлашган деб кўрсатади. Афтидан Истахрий ва Мақдисийнинг асарлари чиққунга қадар ўтган давр ичида қишлоқнинг номи ўзгартирилган бўлса керак (балки Мақдисий бу аҳоли яшайдиган пунктнинг номини аниқлаб ўтгандир). Чунки Мақдисийдан бошлаб то ҳозирги кунгача бу қишлоқ Шўраҳон номи билан юритилади.

Истахрийнинг кўрсатишича, Говхўра канали канал сақосидан беш фарсах қуйироқда, яъни Ғарамхашна (Шўраҳон) дан бир фарсах юқориоқда шахобчаларга бўлинган, тўғрироғи шу ерда ундан Гиръа канали ажраб чиққан<sup>58</sup>.

<sup>53</sup> В. В. Бартольднинг тахминига кўра, Мақдисийнинг ўзи Хоразмда бўлмаган (В. В. Бартольд Сведения об Аральском море, 37-бет).

<sup>54</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар, 302-бет.

<sup>55</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар, 303-бет.

<sup>56</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, 80-бет.

<sup>57</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар, 301-бет.

<sup>58</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар, 301-бет, В. В. Бартольд бу номни «Гиръа» деб ўқиган (История орошения Туркестана, 80-бет); С. Волин эса «Қарих» деб ўқиган (МИТТ, т. I, 179-бет). Биз шартли равишда Бартольд ўқиганидек қилиб олдик.

Говхўра канали марказий шаҳар (Кат) рустоғини, Гиря эса, бошқа рустоқларни суғорган<sup>59</sup>.

Бундан, текширилаётган давр, чапга қараб, пойтахт районига қараб оққан сув Говхўра каналининг асосий оқими ҳисобланган<sup>60</sup> деган хулоса келиб чиқади. Демак, Говхўра канали Шўраҳондан қуйироқда ва умуман Бўзёпнинг ҳозирги жойидан оққан дейиш мумкин. Бўзёп Шўраҳондан юқорироқда Пахтаарна каналидан ажраб чиқиб, Шоббоз (Шайх Аббос) райони томон оқади.

Мақдисийча, бу ерда узунлиги 5 фарсах бўлган фақатгина битта Гиря канали маълум бўлган<sup>61</sup>. Мақдисийнинг маълумоти, албатта, каналнинг бош қисмига, унинг иккита бўлиниб кетадиган еригача тааллуқлидир. Истахрий билан Мақдисий маълумотларини бир-бирига солиштириб кўриб, уларнинг ичида Истахрий қолдирганлари анча тўғрироқ дейиш мумкин.

Истахрий кўргазмаларига асосланиб, Гиря (ёки Киря) канали Шўраҳондан қуйида бўлган, у шимолга — Гулдурсун қалъаси томонига бурилган, бу ердан эса. Норинжон ва Қаватқалъа шаҳарларининг харобалари орқали Қизилқалъагача бориб етган каналга тўғри келади дейиш мумкин. Гиря ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилиги яна, ундан ажраб чиқиб, ҳозирги Қалтаминор каналига тўғри келувчи ва тор Қалтаминор рустоғини ташкил қилувчи каналда ўрта аср бошларига тўғри келувчи бир қатор ёдгорликларнинг мавжудлиги билан тасдиқланади. Гиря канали нарироққа ўтиб, Гулдурсун, Норинжон ва ниҳоят Қаватқалъа атрофларида рустоқлар ҳосил қилган. Бургутқалъа воҳасида эса, X асрда суғориш ишлари бўлмаган.

Говхўра номини биз дастлаб Истахрийда учратамиз.

Истахрий Говхўра сўзи форс-тожик сўзи бўлиб, у «сигир еми» деган маънони беради, дейди<sup>62</sup>. Гарчи биринчи қарашда бу номни шундай таҳлил қилиш тўғри бўлиб кўринса-да лекин буни чуқурроқ текшириш талаб қилинади. Биринчидан, араб авторларининг транскрипциясида „Гавхўра“ (كاهوارة) эмас, Гохвора“ (كاهواراه) деб ўқилса ҳам, бу ерда биз форс сўзи „хўр“ (خور) (خوردن) хўрдан феълидан (емоқ) ни кўрмай, балки сўзнинг биринчи қисмига оид бўлган „Х(в) оразм“ (حوارزم) ни кўришга мажбурмиз. Иккинчидан, «гов» олд қўшимчаси икки қадимий канал, ҳатто дарё шахобчаси номи билан боғлиқ бўлиб, бу қўшимча «шахобча» деган тушунчани ҳам бериши мумкин. Булар Сувёрган ўзани шахобчасининг бошланиш ерида жойлашган Говхўра ва қуйи Зарафшондаги Говхўрфардир.

Бу нарса бизни «ўкуз» (хўкиз) термини билан ассоциация қилишга шиттиёрсиз олиб келди. Бу сўз Ўрта Осиёнинг қадимги халқларида «тармоқ» ёки «дарё»ни англатган. (Масалан, «Қоонўкузи» — Қоон қишлоғи ирмоғи «Ўкуз кеткан» — ирмоқ ҳосил қилган ўзан, «Ўкуз бўйн» — ўкуз — ирмоқ бўйидаги жой, Амударёнинг қуйи дельтасидаги «Ўкуз» ирмоғи ва ҳоказо). Демак, агар Говхўра ва Говхўрфар номларида «Гов» сўзи «Ўкуз» сўзига эквивалент бўлиб, ирмоқни англатган бўлса, у ҳолда «Гов» ва «Ўкуз» сўзларининг буқа ёки сигир билан алоқадор-

<sup>59</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар 301-бет.

<sup>60</sup> Езган ишларимдан бирида (Я. Ф. Фуломов, Из истории орошения в Кара-Калпакии, Бюлл. АН УзССР, 1945, № 9—10) мен Кат рустоғига Говхўра канали эмас, Гиря канали кириб борган деб ёзган эдим. Энди мен бу фикрни ўзгартдим.

<sup>61</sup> Мақдисий, Уша асар, 292-бет.



лигидан қатъий назар Говхўра ва Говхудфар «Ўкуз» сўзига эга бўлган томонларининг номи билан боғлиқ бўлган ирмоқларнинг номини англаган деб қарамоқ лозим. Шунинг учун Говхўра сўзида «Гов» (ирмоқ) сўзи бор дейишимиз анча тўғри бўлади. Бу ерда «Гов» сўзи (X(v)or) деган пункт ёки область билан боғлиқ бўлса керак. Истахрий тушунганидек «сигир еми» (ёки буқа еми) деб тушуниш нотўғри бўлур эди.

X асрда ва ундан кейинроқ ҳам Говхўра каналининг Амирободдан ўнгга, Думанқалъа харобасигача етган шахобчаси бирмунча мунтазам оқиб турган. Думанқалъа ва унинг жануброғидаги Ноибқалъа атрофларидаги археологик ёдгорликлар бунинг далилидир.

X асрда Гиря канали атрофида жойлашган қишлоқ ва қалъалар орасида, айниқса Катта Гулдурсун харобаларидан 7—8 км шимол-ғарбда жойлашган Норинжон шахри харобаси алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги вақтда бу шаҳар харобаси бутунлай қум остида қолиб кетган. У ерда аҳоли томонидан зиёрат қилиб туриладиган «Норинжонбобо»—XIX аср мақбараси бор.

Археологик ёдгорликларга қараб ҳукм қилганда, Норинжон X асрда катта ва аҳолиси зич бўлган. У ички ва ташқи пахса деворлар билан ўраб олинган. Лекин шундай бўлса ҳам, X аср ёзма ёдгорликлари Хоразмнинг аҳоли яшайдиган пунктлари орасида мутлақо тилга олинмайди. Текширувчилар узоқ вақтгача Норинжонни ўнг қирғоқдаги аҳоли яшайдиган пунктлардан бири бўлса керак, деб ҳисоблаб келдилар.

«Норинжонбобо» мақбарасида 1312 йил санаси билан ва Норинжонбобо (Муҳаммад бин Мусо бин Довуд Абу Абдуллоҳ Норинжоний) Норинжон қишлоғининг ғарб томонидаги девор олдида кўмилганлиги ёзиб қўйилган<sup>63</sup>.

Бу шаҳар харобаси топографиясини текшириш шу маълумотнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Шаҳар чегарасидан четда ғарбга томон сопол синиқлари билан қопланган ва кўп миқдорда иморат пойдеворларининг излари бўлган жуда катта ва аҳолиси зич бўлган работнинг харобаси жойлашган. Улар орасида барханлар занжири тагида кўмилиб кетган қадимги каттагина каналнинг ўзани кўриниб туради. Каналнинг йўналиши унинг Гулдурсун ва Қаватқалъа райони билан боғлиқ бўлганлиги ҳақидаги бизнинг мулоҳазаларимизнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Норинжон шахрининг асосий территорияси қумлар остида қолиб кетганлиги сабабли, XIV асрда бу район қайси манба орқали сув билан таъминланганлиги аниқ маълум эмас, балки қандайдир ирмоқ ёки қудуқ манба сифатида хизмат қилгандир. Қудуқлардан 1930 йилларгача фойдаланиб келинган.

Шу каналнинг этагидаги Тупроққалъа рустоғи жуда катта бўлган. Шаҳарнинг ўзи тахминан эрамизнинг VI асрида оссуарийлар қабристонига айланиб кетган. Шаҳар атрофида эса, ҳаёт анча узоқ давом этган: X асрда у ерда катта истеҳком қурилган, унинг атрофида аҳолиси зич жойлашган район вужудга келган. Археологик маълумотлар XI аср бошида бу ерларнинг узоқ вақтгача сув остида қолиб кетганлигини ва ҳаёт тўхтаб қолганлигини кўрсатади. Сув босиш сабаблари яхши аниқланмаган: Истамас кўл сувининг уриб кетиши натижасида сув босган бўлса керак.

<sup>63</sup> «و دفن في قرية نارنجان و قبره معروف بزاريتبركة به و قدرته و هو عندها لحصار القرية القديمة من جانب مغرب»

Хоразмнинг қадимги географияси асосан X асрда ёритилган. Ибн Руста маълумотлари фақат Амударёнинг оқими ва Кат, Журжония (Гурганч) Маздахқон, Харвоз ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларга оид бўлган. Бу пунктларнинг номлари ҳам дарёнинг асосий оқими йўналиши муносабати билангина келтирилган.

922 йилда Хоразм орқали ўтган Ибн Фадлан даврида Хоразмнинг бош шаҳари ҳали ҳам Кат эди ва биз унинг сўзларига биноан Гурганчнинг ниҳоятда гуллаганлиги ва сиёсий аҳамиятга эга эканлигидан хулоса чиқара оламиз. Ибн Фадланнинг Гурганчдан фузлар мамлакати ва ундан нарига ўтишда юрган йўли у, унинг ёзишига қараганда<sup>64</sup>, Устюрт қирларининг шарқий томонида, яъни Гурганчдан ҳозирги Қўнғирот райони бўйлаб шимол томонга қараб йўналган. Қўнғиротдан сўнг шимоли-ғарбга бурилган. Бу ерда Устюрт ясси тоғига қараб чиқиш учун қулай баландлик бўлган. Бу, қадимий машҳур Қораумбат йўлидир; бу йўлда истехком, работ ва бошқа йўл пунктларининг харобалари сақланиб қолган<sup>65</sup>.

Хоразм географияси ҳақидаги маълумотлар кўп жиҳатдан Хоразм ҳаётини ҳар томонлама ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Истахрий ва Мақдсийларнинг асарлари билан тўлдирилган.

Истахрий 941 йилда «Китоб ал Масолик ал мамолик» (Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб) номли китобини ёзган. Бунда у ал Балхийнинг унга қадар 20 йил илгари ёзилган «Суврат ал Ақолим» (Областлар тасвири) китобидан фойдаланган. У китобда кейинги ўзгаришларни назарга олган. Шунинг учун ҳам Хоразмнинг ирригация тармоқлари ва қишлоқларининг тасвири Истахрийда анча мукамал ёритилган; айниқса ирригация тармоқларининг баёни ўша давр учун ниҳоятда атрофли ва мукамал бўлган.

Мақдсийнинг «Ахсан ат тақосим фи маърифат ал Ақолим» (Мамлакатларни ўрганиш учун энг яхши тақсимот) номли асари анча кейинроқ — 985 йилда ёзилган. Гарчи у Хоразмнинг ирригация тармоқларини баён қилишда Истахрийдан кейинда турса ҳам, лскин шаҳарлар, қишлоқлар, улар ўртасидаги масофа, савдо, турмуш ва ҳоказоларни анча мукамал ёзади. Ҳар иккала автор ҳам, афтидан Хоразмда бўлмаган бўлсалар керак, шунинг учун ҳам қанчалик синчиклаб шархланишга қарамай, кўп ҳоллар, хусусан, айрим аҳоли яшайдиган пунктларнинг жойлашиши, улар ўртасидаги масофа етарли даражада аниқ ёритилмаган, баъзан эса бутунлай хатодир.

Бу географларнинг ёзишларига кўра Амударёнинг ўнг қирғоғида Амул (Чоржўй) дан бошлаб Шўрахонга қадар йирик аҳоли яшайдиган жойлар бўлмаган. Бухородан келган серқатнов йўл устидаги кўпгина пунктлар эса, мустақамланган работлар линиясидан иборат бўлган; буни археологик текширишлар ҳам тасдиқлайди.

Араб географларининг ёзиб қолдирган маълумотлари ва археологик текширишлар X асрда ва ундан кейин ҳам Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб, Туямўйинга қадар бўлган йўл энг серқатнов ва яхши йўл деб ҳисобланган.

X асрдаги географларнинг кўрсатишларича, Хоразмнинг ғарбий чегаралари Тоҳирия работидан бошланган. В. В. Бартольд бу районни катта бўлмаган «Кетмончи<sup>66</sup>» кўшқининг харобалари ўрнида, «Доя хотин» работи харобаларидан 3—4 км шимоли-ғарбда деб кўрсатади.

<sup>64</sup> Записки Ибн-Фадлана, МИТТ, т. 1, 156—158-бетлар.

<sup>65</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, М., 1948, X боб ва карта.

<sup>66</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского владычества, 97-бет.

Аммо 1939 йилда археологик текширишлар натижасида Тоҳирия, «Доя хотин» атрофидаги истеҳкомлар харобаларининг ўзгинасида бўлганлиги аниқланди<sup>67</sup>.

«Доя хотин» харобалари комплекс қирғоқ бўйидаги катта йўлда каттакон мустақамланган рабтни ташкил қилади. У даставвал эра-мизнинг VI—VII асрларида пайдо бўлиб, Доя хотин биносининг ўзи эса, XI—XII аср монументал бинолари туридандир.

Археологик текширишларнинг кўрсатишига қараганда, Тоҳирия (Доя хотин) X асрда аҳоли яшайдиган обод пункт бўлиб, Сўғд ва Бухородан келган карвон ўтган ерда, шунингдек, Хуросондан Хоразмга боровчи йўл устида жойлашган.

Тоҳириядан жануброқда ҳозирги Қабоқли қишлоғига тўғри келув-чу Нушкари работи бўлган<sup>68</sup>. Ўтмишда, бу ерда худди XIX асрда бўлганидек, йўл икки томонга айрилган: бири тўғри Амулга қараб, иккин-чиси қум саҳроси ичига чуқур кириб, Марв воҳасига чиққан. XIX аср Хева хроникаларида бу кейинги йўл «Тахт йўли» номи билан маълум бўлган<sup>69</sup>.

Тоҳириядан қуйроқда йирик аҳоли яшайдиган пункт ва мустақам истеҳком—Дарғон бўлган. Унинг харобалари Дарғонота қишлоғидан 3 км жануброқда сақланиб қолган. Дарғон келиб чиқиши бўйича у ўзининг деворларидан ташқари катта работи бўлган катта истеҳкомлар турига киради. Археологик маълумотларга қараганда бу истеҳком қурилиши эра-мизнинг VI асрига тўғри келади; у мўғул истилосига қадар яшаб келди. Шу вақт ичида у кўп марта тузатилди ва қайта қурилди.

Дарғон айниқса IX—XIII асрларда тез ўсди. Магистрал йўл худди ҳозиргидай истеҳком дарвозалари ёнгинасидан ўтган. Шаҳар харобалари кенг Дарғонота тўқай полосасидан кўтарилиб турувчи адоқ террасасининг чеккасидир. X аср араб географларининг айтишича, ҳозирги тўқайзорлар ўрнида беш юз туп токка эга бўлган деҳқончилик ерлари бўлган<sup>70</sup>.

Дарғон харобаларининг умумий археологик кўриниши<sup>71</sup> унинг X асрда ҳақиқатдан ҳам Хоразмнинг катта шаҳари бўлганлигини тасдиқлайди. Мақдусий эса, уни янглишиб, Гурганчдан кейин иккинчи шаҳар қаторига киритган эди.

Шаҳарнинг ривожланиши кўп жиҳатдан унинг серқатнов йўллар туташган ерда жойлашганлиги билан ифодаланади<sup>72</sup>. Дарғон, Бухоро, Амул ва Марвдан Хоразмга борадиган йўлларнинг муҳим тугунига айланган эди.

Дарғондан 44 км қуйроқда адоқ террасасида Жигарбанд шаҳрининг харобаларини кўрамиз. Археологик маълумотларга қараганда у эра-мизга қадар III—II асрда қурилган экан.

Жигарбанд истеҳкомининг асосий қадимий қўрғони унча катта бўлмаган (100 × 80 м), афригийлар даврида ва IX—XIII асрларда

<sup>67</sup> С. А. Ершов, Археологические памятники левого берега Аму-Дарьи, ВДИ, 1941, № 1.

<sup>68</sup> В. А. Жуковский, Развалины старого Мерва, СПб., 1874, 58, 61, 81-бет. 81-бет.

<sup>69</sup> МИТТ, т. II, 434, 436, 440, 444-бетлар.

<sup>70</sup> Мақдусий, Уша асар, 289-бет.

<sup>71</sup> Қадимги Дарғонни хоразмликлар у ерда VIII асрда аббосийлар ҳаракатининг бошлиғи Абу Муслимнинг мозори бўлганлиги учун «Дарғонота» деб атайдилар. Бу ер диний ёдгорлик сифатида зиярат қилинадиган жойга айлантирилган эди. Мақбаранинг ўзи XIX аср бошлари санаси билан белгиланади. Абу Муслим мозори ва унинг шогирди Аҳмад Замжийнинг Хевадаги мозори қалбакидир: уларнинг икка-ласи ҳам Марвда қўмилган эди.

<sup>72</sup> Мақдусий, Уша асар, 292-бет.

қўрғондан яхши фойдаланилган. Шундан сўнг Жигарбанд кичик истеҳкомдан кўп аҳоли жойлашган шаҳарчага айланади ва мўғуллар истилоси даврида яшашдан тўхтади.

Араб географларининг ёзишича Жигарбанддан қуйироқда бир кунлик йўл (55 км) чамасида Садвар қишлоғи жойлашган. Бартольд бу қишлоқ шу номдаги ҳозирги қишлоққа тўғри келади, дейди<sup>73</sup>.

Эски Садвар, Чошқалъа харобаларига тўғри келади<sup>74</sup>. Бу ҳаробалар ҳозирги қишлоқ ёнига жойлашган. Чошқалъа истеҳкомининг сақланиб қолган харобалари ўнг қирғоқ работлари турига кирса керак. Чошқалъа ҳам XIII асргача яшаб келган. Ҳозирги вақтда Садвар райони Амударёдан қазиб чиқарилган унча катта бўлмаган канал орқали суғорилади. Бу канал қадимги, Чошқалъага ҳаёт бахш этган каналнинг эски ўрнидан ўтса керак. Араб географлари, афтдан фақат бош каналлар, айниқса дельтадаги каналлар билан қизиққан бўлсалар керак. Шунинг учун улар кичик каналларни (Дарғон, Жигарбанд, Садвар, Қапарос, Питнак ва ҳоказо ерларидаги каналлар), тилга олмайдилар.

Садвар билан Хазорасп ўртасида Қапарос истеҳкомининг харобалари сақланиб қолган бўлиб, у ҳам антик истеҳкомлардандир. Қапарос унча катта бўлмаган қуруқ ўзанининг охирига жойлашган. Бу қуриқ ўзан X—XIII асрларда ҳаракатда бўлган ва воҳани суғорган қадимий кичик каналнинг изидир. Археологик маълумотларга қараганда, худди шу даврда Қапарос истеҳкоми ҳам мавжуд бўлиб, унинг атрофида кичкина қишлоқ пайдо бўла бошлаган. Бу кичкина воҳада ҳозирда ҳам ҳаёт бор. Унда колхоз далалари жойлашган. Тарихий адабиётда Қапарос ва унинг райони мутлақо кўрсатилмаган. 1939 йилда Қапарос харобалари С. Ершов томонидан текширилган. Ершов унга адашиб, «Отатурк қалъа» деб атаган эди ва унинг қачон қурилганлигини айтмаган эди<sup>75</sup>.

Питнак воҳаси бошқа ерлардан ажраб қолган. У Хоразм воҳасидан баланд Тошсақ тепаликлари билан ажратиб қўйилган. Жанубда ва жануби-ғарбда у Қорақум саҳроси билан туташган. Питнак унча катта бўлмаган Хонёп канали билан суғорилади. Ривоятларга қараганда, бу канал Хева хони Муҳаммад Раҳимхон (1806—1825) томонидан қаздирилган. Суғориш учун қулай бўлган Питнак воҳасидан бундан анча илгариги вақтларда ҳам фойдаланган бўлсалар керак. Бўлажак археологик текширишлар бу воҳанинг узоқ ўтмишдаги ва ўрта асрлардаги ҳаётини ёритиб берса керак деб ишонмоқ зарур.

Хоразм воҳасининг бошланишида, стратегик жиҳатдан ниҳоятда қулай ерда Хазорасп (мингта от) қалъаси бор. Унинг фортификацион иншоотларининг қудрати ва ҳайбати тарихчилар ва географлар томонидан Хоразмнинг бутун тарихи давомида таъкидлаб келинди.

«Бу,— деб ёзган эди Екут, мустаҳкам қалъа ва чиройли шаҳардир. Уни орол каби сув ўраб туради. Унга биргина йўл — Хоразм томонидан (яъни шимолий томондан) кириш мумкин. Уларнинг (Хоразм шаҳри билан Хазорасп) ўртаси уч кунлик йўлдир. У текисликда жойлашган ва савдогарлари кўп. Аҳолиси бой»<sup>76</sup>.

Хоразм афсонасига қараганда, бу қалъани баҳайбат дев қурган эмиш. Бу дев алдаш билан бу ерга сув ичгани келадиган 1000 та қа-

<sup>73</sup> В. В. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, 98-бет.

<sup>74</sup> С. А. Ершов, Археологические памятники левого берега Аму-Дарьи, ВДИ, 1941, № 1.

<sup>75</sup> С. А. Ершов, Юқорида кўрсатилган мақола.

<sup>76</sup> МИТТ, т. I, 238-бет.

нотли отни қўлга киритади. Шундан сўнг уларнинг қанотини кесиб, уларни ўзига ўргатади. Шу отларнинг ниҳоятда яхши авлодлари туфайли шуҳрат қозонган бу қалъани «Хазорасп» дея бошладилар.

Тарихчилар томонидан ёзилган қалъа атрофидаги сувли ер қисман ҳозир ҳам сақланиб қолган. Бу сувлар фақат ерости сувлардан йиғилган.

Маҳаллий аҳоли ўртасида яна бир афсона бор. Афсонага кўра, қалъа Амударёдан ер остидан сув олишга мўлжаллаб қурилган бўлиб, дарё билан у «маҳфий йўл» (оби дузд) орқали боғланган. Шунинг учун қалъа сув билан, ичидаги қудуқлар орқали таъминланади. Шу сувнинг ўзи қалъа атрофида ер устига ҳам чиқади. Ҳақиқатдан ҳам қалъанинг ичи атрофидаги уни ўраб турган жойга қараганда 5—6 см баланд, лекин қудуқлардаги сувнинг сатҳи қалъа сатҳига жуда ҳам яқин туради<sup>77</sup>.

Истахрий Хазораспдан Хевага борадиган йўлда, воҳанинг жанубий томонида Қардаронхос қалъаси борлигини ёзади<sup>78</sup>. Мақдсий бу қалъани катта ёғоч дарвозалари ва хандаги бўлган кучли истеҳком сифатида кўрсатади<sup>79</sup>.

Қалъажик (Қардаронхос) Хева билан Хазорасп оралигининг қарийб ярмида жойлашган. Истахрий Хазорасп билан Қардаронхос ўртасидаги масофани уч фарсах, Қардаронхосдан Хевагача беш фарсах деб кўрсатади. Мақдсий эса Хазорасп билан Қардаронхос ўртасида яна Зардух қалъаси бор деб ёзиб, Хева билан Хазорасп ўртасидаги масофани аслидагисига нисбатан қарийб икки марта ошиқ кўрсатган<sup>80</sup>. Афтидан, Зардух бу ерга янглиш киритилган бўлса керак<sup>81</sup>.

Агар Зардух бу маршрутдан чиқариб ташланса, Хевадан то Қардаронхосгача бўлган ҳақиқий масофа — 4 фарсах (28 км) бўлиб қолади. Хазораспгача ҳам худди шунча масофадир.

Мақдсийнинг ёзишича, Зардух қалъаси кучли истеҳкомга ва шаҳар атрофидаги қишлоқларга эга бўлган<sup>82</sup>. Зардух жойлашган ер ҳалигача аниқланган эмас.

Хевадан 18 км шарқда Каттабоғ қишлоғининг территориясида Олмаотишган шаҳри бор. X аср авторларида бу шаҳар мутлақо учрамайди.

Бир қанча вақтдан кейин шу районда Совкан қишлоғи эслатиб ўтилади. Уни Олмаотишганда бўлган дейиш мумкин. Ёқутнинг ёзишича, Совкан обод шаҳар бўлиб, унда жоме мачити ва минора бўлган<sup>83</sup>.

Ҳозир Олмаотишган шаҳрининг харобаси ҳаракатсиз Совкан канинининг энг охиридадир. Бу канал ўзининг бир қанча белгилари бўйича Полвонёп системасида жуда эски каналлар системасига киради<sup>84</sup>.

<sup>77</sup> Бу ҳол ҳали илмий жиҳатдан тўлиқ текширилмаган.

<sup>78</sup> Истахрий, Уша асар, 299—300-бетлар.

<sup>79</sup> Мақдсий, Уша асар, 289-бетлар.

<sup>80</sup> МИТТ, т. I, 206-бет.

<sup>81</sup> В. В. Бартольд ҳам Зардухни шу йўлда кўрсатилишига қаршидир. Чунки, у Мақдсийда аҳоли яшайдиган пунктлар рўйхатида ўнг қирғоқдаги пунктлар қаторида келтирилган (В. В. Бартольд, «Туркестан в эпоху монгольского нашествия 101-бет).

<sup>82</sup> Мақдсий, юқорида кўрсатилган асар, 286-бет.

<sup>83</sup> МИТТ, т. I, 334-бет.

<sup>84</sup> Бу райондаги ҳозирда мавжуд бўлган Совкан хўжа қишлоғининг аҳолиси ўзларини шу районнинг асл яшовчилари деб ҳисоблаб, унинг атрофидаги яшовчиларга эса келгиндилар сифатида қарайдилар.

Эҳтимол, Совкан шаҳри босиб олингандан кейин, унинг аҳолисининг бир қисми Совкан канали бўйлаб бир оз юқорироққа кўчишгандир.

Канални у оқиб ўтган шаҳар номи билан аташ (Хазорасп, Мадра, Курдар ва бошқа каналлар, оддий кичик-кичик қишлоқларни эски шаҳар номи билан аташ ҳам Хоразмнинг кўпгина шаҳарлари учун хос бир ҳолдир. (Масалан: Шўраҳон Дарғонота, Мадир ва шу кабилар). Буларнинг ҳаммаси XIII асрдаги Совкан шаҳрини Олмаотишган шаҳарининг харобасига ўхшатиш учун имкон беради.

Олмаотишган шаҳар харобасининг четида, Каттабоғ майдонида кўп миқдорда ўрта аср даврига оид ғишт, сопол ва моддий маданиятнинг бошқа қолдиқлари учраб туради. Каттабоғ канали кенгайтирилган вақтда катта миноранинг пойдевори топилган; пойдевор қорахонийлар ғишtidан ишланган. Минора олдига ишланган ғишт ва сопол топилмалага қараб, у тахминан XI—XII асрларда қурилган дейиш мумкин.

«Ичанқалъа» доирасидаги Хева шаҳри кушан даври шаҳарлари типига киради. Фортификацион иншоотлари ва шаҳар планини кўп марта ўзгартирилиши муносабати билан унинг қадимги аломатлари деворларга урилган ғиштларда ва бурчларнинг асосларида онда-сонда сақланиб қолган <sup>85</sup>.

Хева, афтидан, ўз ўрнини ҳеч қачон ўзгартмаган ва X асрда канал (Хейконик, Полвонёп) охиридаги «унча катта бўлмаган шаҳар»ни эслатган; бу каналлардан худди Хевагача кемалар қатнаган<sup>86</sup>.

«Хева,—деб ёзади Мақдисий, —саҳро чегарасида бўлиб, катта шаҳардир, ундан дарёдан чиқувчи канал оқади, обод жоме мачити бор. Ёғоч эшиклари ва хандаги бўлган Қардаронхос ва Хазорасп ҳам худди шу шаҳарга ўхшайди<sup>87</sup>».

Хева сўзи биринчи марта X аср араб географлари асарларида ишлатилган. Ёқутнинг ёзишига қараганда, бу шаҳарни «Хевақ» (حيوق) деб ёзганлар; халқ уни XIX асрда «Хева» (حيوه) деб юритган<sup>88</sup>.

Хазорасп — Хева, Ардахушмитон — Гурганч катта йўлида Остона қишлоғида. Боғот қишлоғи ёнида шаҳар харобалари ва Оқмачит территориясида қишлоқ излари топилган. Ёзма манбаларда улар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган, уларнинг ҳақиқий номлари номаълумлигича қолмоқда, лекин археологик материаллар уларнинг ўрта аср бошларида, мўғул истилосига қадар яшаганликларини кўрсатади.

Жанубий Хоразмнинг Хева билан Хазорасп ўртасида жойлашган, юқорида зикр этилган барча аҳоли яшайдиган пунктлари қадимий Хейконик (ҳозирги Полвонёп) канали суви билан таъминланган район доирасига киради ва бу пунктлар каналнинг ва унинг тақсимловчи тармоқларининг ҳаётини яхши ифодалаб берувчи ажойиб кўргазма бўлиб хизмат қилади.

Истахрий Хевадан Гурганчга борадиган йўлдан ташқари Сафардиз қишлоғи орқали Катга борадиган бошқа йўлни ҳам қайд қилган. Бу қишлоқ билан Хева ўртасидаги масофа 5 фарсах, Катгача эса 3 фарсах бўлган<sup>89</sup>. Бу йўл Абулғози (XVII аср) кўп марта тилга олган йўлнинг ўзидир. Ана шу йўл билан Хонқа шаҳри орқали Хевадан Катга борганлар. Бу уч пункт ўртасидаги масофа ҳақида Истахрий келтирган рақамлар ҳақиқатга тўғри келади. Шунинг учун Сафардизни Хонқа шаҳри ўрнида бўлган дейиш мумкин. Хонқа аҳолиси ўз шаҳарлари тарихи ҳақида кўпгина ривоятларни биладилар.

<sup>85</sup> Я. Г. Гулямов, Памятники города Хивы, «Ичан-Қала», Труды Узфана I серия, 3 вып., Тошкент, 1941.

<sup>86</sup> МИТТ, т. I, 217-бет.

<sup>87</sup> Ушаерда, 188-бет.

<sup>88</sup> Ёқут, т. III, 503-бет.

<sup>89</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар, 303-бет.

Бу ривоятларга қараганда, шаҳар қадим ўтмишда бошқача ном билан аталган, лекин улар бу номни билмайдилар.

Бу шаҳарда машҳур яссавийчи шайх Саидотанинг ўғли ёки жиянига атаб солинган хонақо бор. Мўғул истилоси даврида Хонқа шаҳри вайрон қилиниб, фақат хонақо сақланиб қолган эди. Бу хонақо атрофида кейинчалик ҳаёт тикланган эди. Ўша вақтдан бошлаб шаҳар «Хон(а)қо» (Хонқо) деб аталган.

Бу афсона тарихий ҳақиқатга тўғри келса керак; Абулғози ва Хева солномаларининг авторлари бу шаҳарни оддийгина Хонқо (حانقا) демай, балки транскрипцияда Хонақоҳ (حانقاہ) деб атайдилар<sup>90</sup>.

Самъаний ва Еқут Сафардиз ҳақида гапириб, уни қаердадир Амул<sup>91</sup> (Чоржўй) олдида жойлашган дейдилар. Шу асосда де Гуйе Сафардизни маълум бўлган Садварга ўхшатади<sup>92</sup>. Бундай ўхшатиш албатта, хатодир, чунки биринчидан, Садвар Мақдисий давридан то ҳозирги кунгача ўз номини ва жойлашган ўрнини сақлаб қолган; иккинчидан, Хева билан Садвар ўртасида 5 фарсах (35 км) бўлмай, балки 10 фарсахча келади. Сафардиз қишлоғининг ўрни ҳалигача аниқланмаган.

Истахрий, Мақдисий ва улардан кейинги авторлар катта Гурганч йўлидаги оралиқ пунктлардан бири сифатида. Ардахушмитон (ёки Артахушмитон)ни кўрсатадилар. Хевадан то Ардахушмитонгача бир манзилда масофа бор<sup>93</sup>.

Йўловчиларнинг маълумотлари синчиклаб текширилса, Ардахушмитон Амбараноқ ёнидаги Раит (Воянгон) шаҳри харобаларининг ўзгинасидир. Амбараноқ XIX асрда, айниқса Хоразмнинг шимолий об-ластлари билан савдо—соғиқ жонланган даврда, яна ўрта аср бошларидагидек, муҳим савдо маркази бўлиб қолди. У орқали рус сайёҳлари ва хеваликларнинг ўзлари ўтганлар.

Қат билан Ардахушмитон ўртасидаги масофа Истахрийча бир кунлик йўл<sup>94</sup>. Ардахушмитонда Нузворгача, у ердан Гурганчгача ҳам бир кунлик йўл<sup>95</sup>. Нузвор шаҳрини Булдумсоз шаҳри харобаси ўрнида бўлган дейиш мумкин. Булдумсоз харобалари кўпгина географик карталарда кўрсатилган. Булдумсоз номи анча кейинроқ ва биринчи марта Абулғози томонидан XVI аср воқеаларини баён қилиш муносабати билан тилга олинган<sup>96</sup>.

Нузвор-Булдумсознинг моддий маданияти тўғрисидаги археологик маълумотлари унда ҳаёт, ҳеч бўлмаганда, XIII асргача бўлганлигини тасдиқлайди. Сўнги ўрта асрдаги Булдумсоз қадимий Нузвор харобалари олдида бўлган.

Андаристон қишлоғи бўлган жой аниқ маълум эмас. Истахрий ва Мақдисийларнинг ёзишига қараганда, Андаристон Гурганчдан жануби-шарқ томонда бир манзил (25—30 км) масофа нарида бўлган. Бу Вадок ва Бува каналлари бирлашган жойнинг ёнидадир. Андаристон Дарёликда 2-сон тўғон ёнида, ҳозирги Порсу қишлоғидан 15 км ғарб-

<sup>90</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 268, 269, 303, 305-бетлар.

<sup>91</sup> В. В. Бартольд, Туркестан..., 102-бет.

<sup>92</sup> Истахрий асарига изоҳ ВГА, т. 1, 338-бет.

<sup>93</sup> Мақдисий, Юқорида кўрсатилган асар, 343, 344-бетлар. Истахрий маълумотлари таржима қилинганда Хева янглиш ҳолда Гурганч дейилган (МИТТ, т. 1, 181-бет) дн, МИТТ, т. 1, 181-бет.

<sup>94</sup> МИТТ, т. 1, 181-бет.

<sup>95</sup> Бу пунктлар ўртасидаги масофа Ҳўжа Халфа ва Ҳамдаллох Казвинийда ҳам кўрсатилган бўлса, Истахрийда ҳам шунча кўрсатилган (В. В. Бартольд, Туркестан..., 106—107-бетлар).

<sup>96</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, Демезон нашри, 206-бет.

да бўлган. Истахрийда Андаристон билан Гурганч ўртасидаги масофа бир мархал (ўтиш) деб кўрсатилган<sup>97</sup>.

Х асрдаги Змухшир шаҳри харобаларининг ўзидир<sup>98</sup>.

«Змухшир,—дейди Мақдисий,—унча катта бўлмаган қишлоқ-дир), унда девор, хандақ, қамоқхона, темир билан қопланган дарвоза, ҳар кеча кўтариб қўйиладиган кўприклар бор. Шаҳарни катта йўл кесиб ўтади; жоме мачити чиройлик, у бозорнинг четида (жойлашган)»<sup>99</sup>.

Мақдисий берган маълумот археологик маълумотлар билан тасдиқланади. Лекин хоразмшоҳлар даврида у ерларда катта ўзгаришлар рўй берди; шаҳар кенгайди, унинг фортификацияси ўзгарди; у худди ҳозиргидек қадимий Мадра (Ғознобод) каналининг этаклари билан суғорилган.

Нузвор ва Змухширнинг қадимий қишлоқларининг ўрни ва улар ўртасидаги масофа анча тўғри аниқланган. Мақдисийда бу масофа жуда қисқа кўрсатилган. Хазорасп-Хева, Ардахушмитон-Гурганч катта йўллари устида бўлган аҳоли яшайдиган пунктлар оралиғи Мақдисийда ҳамма вақт тўғри берилмайди<sup>100</sup>. Масалан, Хева билан Змухшир ўртаси тахминан 170 км деб кўрсатилган, ҳақиқатда эса у 70 километрдан ҳам ошмайди.

Чап қирғоқ Хоразм воҳаси археологик жиҳатдан жуда бўш ўрганилган. Кўпгина археологик ёдгорликлар ҳали аниқланмаган. Шунинг учун Даскохонхос, Рузунд, Вазарманд ва бошқа шу каби қадимий аҳоли яшаган пунктларининг ўрнини тахминан бўлса-да, аниқлаш қийиндир. Буларни Мақдисий шу йўл устида жойлашган деб қайд қилади.

Змухшир орқали ўтган йўл Шахристон йўлининг айнан ўзгинаси бўлиб, бу йўл Ғарбий Хуросон чегараларидан бошланиб, Қорақум саҳросидан ўтган, ундан Ўзбойдаги Куртиш қудуғига чиққан, бу ердан Чирмонёпга ўтган, сўнг Чирмонёп бўйлаб Змухширга, ундан Ардахушмитон орқали Гурганч ва Катгача етган. XIX асрда Хева хонларининг Шимолий Хуросонга қарши ҳарбий юришлари вақтида кўпинча қўшинлари шу йўлдан ўтганликлари қайд қилинади. Шу билан бирга Змухширдан Гурганч ва ундан нарига олиб борилган анча тўғри йўл ҳам бор<sup>101</sup>. Жойлари, аниқланмаган аҳоли яшайдиган пунктлардан Даскохонхос, Вазарманд, Рузунд ва бошқалар эҳтимол шу йўл устидадир. Масалан, Кўҳна Урганчдан 22 км жанубда автор томонидан унча катта бўлмаган Еттиавлиё шаҳрининг харобалари кўздан кечирилган эди<sup>102</sup>. Унинг бутун майдони IX—XIII аср сопол ва ғишт парчалари билан тўлиб ётибди. Кўринишидан Еттиавлиё бир вақтлар аҳолиси кўп унча катта бўлмаган шаҳар бўлган бўлса керак.

Кичик Гурганч шаҳарчаси шу Еттиавлиё ўрнида бўлган дейиш мумкин. Кичик Гурганч ҳақида биринчи марта X асрда Мақдисий

<sup>97</sup> Бартольдда ҳам худди шундай. Сведения об аральском море 34-бет.

<sup>98</sup> В. В. Бартольд, Туркестан..., 108-бет.

<sup>99</sup> Мақдисий, 289-бет, Змухшир харобалари 1934 йилда М. В. Воеводский бошчилигидаги экспедиция ва 1936 йилда биз томондан текширилган эди. (M. A. Wolevodsky, A. Summary Report of Khwārizm Expedition, Bull. Of American Ins It. for Iranian Art. and Arch., V, 1938, p. 235 - 248)

<sup>100</sup> В. В. Бартольд, Туркестан..., 101-бет.

<sup>101</sup> Бу йўл Каульбарс томонидан 1873 йилда тузилган картага киритилган.

<sup>102</sup> Бу шаҳар харобаси ҳозирги вақтда туркманларнинг катта мазорига айланган.



гапиради<sup>103</sup>. Еқут эса, у Катта Гурганчдан 3 фарсах нарида бўлган дейди<sup>104</sup>. Лекин унинг қайси йўналишда эканлигини кўрсатмайди.

Исм Маҳмуд (Исмамут) ота шаҳари харобаси ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Бу шаҳарда антик дунёга ва IX асрга оид ёдгорликлар кўп. Исмамутотанинг кейинги мақбараси ҳам худди шу шаҳардадир. Исмамут шаҳари аҳоли яшаган пункт сифатида ўрта аср бошларида биронта автор томонидан тилга олинмаган. Афтидан, у X асрда яшашдан тўхтаган.

Абулғозида Исмамут қишлоғи биринчи марта Исмамутота номида Шаҳристондан Хоразмга борадиган йўл устидаги пунктлар орасида учрайди<sup>105</sup>.

Мунис Исм Махмудота мазорининг бир қатор бинолари Абдураҳмон меҳтар томонидан яъни XVIII аср охирида солинган деб<sup>106</sup>, унинг санасини аниқлаштиради.

Де Гуйе Гит қишлоғини янглиш ҳолда Девкесган харобаларига ўхшатади<sup>107</sup>. В. В. Бартольд ҳам у билан шу фикрга қўшилади<sup>108</sup>. Улар, Истахрий Гитни ғузлар мамлақати чегарасидаги мустаҳкамланган пункт деган, деб шу хулосага келганлар. Лекин археологик текширишлар Девкескан кушанлар даврининг чегара қалъаси бўлганлигини ва ҳаёт унда аллақачонлар тўхтаганлигини кўрсатади; X асрга келиб у ерда ҳаёт тўхтаган ва у XV асрдагина тикланган<sup>109</sup>. Бундан ташқари, Истахрийнинг ёзишича, X асрда маданий жойлар Гурганчдан фақатгина бир фарсах масофага ёйилган. Гурганчдан Девкескангача эса 6 фарсах бўлган. Шундай қилиб, де Гуйе билан В. В. Бартольдининг мулоҳазалари ўз-ўзидан бекор бўлиб қолади.

Юқорида биз ўнг қирғоқ Хоразмнинг жанубий қисмидан то пойтахтгача, яъни Кат шаҳригача бўлган канал ва аҳоли яшаган пунктлар устида мукамал тўхтаб ўтган эдик.

Тошқалъа ва Тупроққалъа харобалари олдидан Бухородан Амударёга йўл чиққан, Бу — машҳур Сапонн йўлидир. X аср авторларининг ёзишича, бу ерда Мош работи бўлган, ундан бир манзил нарида (30 км га яқин) Сандала (Мешикли харобалари — Я. Ғ.) работи бўлган, ундан бир манзил йўл масофада Бақирғон (Оқмачитдаги Мискинсаид), яна бир манзил нарироқда Шўрахон, ундан кейин Кат бўлган. Бу кейинги икки шаҳар ўртаси ҳам бир манзил йўл бўлган.

Хоразмнинг энг қадимий пойтахти Кат шаҳри номининг келиб чиқиш тарихи анча мураккабдир.

Гекатей уни «Хорасмий»<sup>110</sup> шаҳри деб атайдди. Арабларнинг Ибн Руста<sup>111</sup> ва Ибн Фадлан каби дастлабки авторлари уни Хоразм дейдилар<sup>112</sup>. Агар Гекатейнинг Хорасмийси араб авторларининг Хоразмига тўғри келса, қадим замонларда Хоразмнинг пойтахти ҳам шу мамлакатнинг исми билан, яъни Хоразм деб аталган деб тахмин қилиш

<sup>103</sup> Мақдисиёй, Уша асар, 287-бет.

<sup>104</sup> Еқут, т. IV, 261-бет.

<sup>105</sup> Абулғози, *شجره ترك*, қўлёзма № 217, 104-бет.

<sup>106</sup> Мунис-Огаҳий, *فردوس الأقبال*, Аваз иноқ даври воқеалари.

<sup>107</sup> Истахрий, Уша асар, 302-бет, илова.

<sup>108</sup> В. В. Бартольд, Тўрқестан... 104-бет.

<sup>109</sup> С. П. Толстов, Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР в 1946 г., ИАН ССР, СИФ т. IV, 1947, № 2.

<sup>110</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 4-бет. А. Негманп, *Khorezm Stadt*, 12-бет. Фрагменты № 172, 173.

<sup>111</sup> BGA, т. VII, 91—92-бетлар.

<sup>112</sup> МИТТ, т. I, 156-бет.

мумкин. Мамлакат пойтахтини Табарий—«Мадинат ал Фил»<sup>113</sup>, Истахрий<sup>114</sup>, Ибн Ховқал<sup>115</sup> ва Мақдисиёлар<sup>116</sup> эса — Кат ёки Қас деб, Беруний эса Фил ёки Фир<sup>117</sup> деб атайди. Шу борада Ибн Ховқал «(Хоразмнинг) пойтахти Даржош درجاوش бўлиб, у ҳалокатга учраган, шундан сўнг унинг аҳолиси унга қўшни бўлган бошқасини (шаҳарни) барпо этганлар. Хоразмчасига бу шаҳар Қас (Кат) деб аталган» деб, хабар беради. Еқут эса, бошқача таърифлайди. У «Хоразм шаҳарнинг номи бўлмай, бутун бир областнинг номидир ва ўтмишда Хоразмнинг пойтахтини Мансура деганлар», — дейди<sup>118</sup>.

«Унинг пойтахти, — дейди Истахрий, — Хоразмчасига Қас дейилади. Унда қалъа бўлиб, қалъада ҳеч ким яшамайди. Унинг ичида шаҳар (мадина) бор, лекин уни дарё бузиб юборган, халқ эса унинг орқасига (бошқа) шаҳар (мадина) қуриб олган; дарё (ҳеч ким яшамайдиган) қалъа яқинига келиб қолганлиги сабабли, уни вайрон қилса керак деб хавфланадилар. Жоме мачити қалъа орқасида (ундан шарқроқда), Хоразмшоҳнинг саройи жоме мачити ёнида ва зиндон (шу) қалъа ёнидадир. Шаҳар (мадина) ўртасида Жардур канали бор, бу канал шаҳар ва бозорни икки қисмга бўлиб туради. Шаҳарнинг узунлиги  $\frac{1}{3}$  фарсахга (2 км дан ортиқроқ) тенг, кенлиги ҳам шунча, Дарбозаларига келганимизда, шаҳарнинг бир қисми ва дарбозалари унинг вайрон бўлган қисмида йўқ бўлиб кетган. Қолган қисми эса, дарё бузиб кетган бўлагининг орқасига солинган»<sup>119</sup>.

Истахрийнинг ёзишига қараганда, шаҳарча катта бўлган.

Орадан 15 йил ўтгач, яъни Ибн Ховқал даврида анча ўзгаришлар юз беради:

«Унинг (Хоразмнинг) пойтахти Даржош эди, у ҳалокатга учраган (فهاكت) ва кишилар унинг ёнида бошқа (بحوارهاغیرها) пойтахт қурганлар у хоразмчасига Қас дейилади. Унда (ҳалок бўлган шаҳарда) арк (قوس) ва шаҳристон (мадина) бўлган, шаҳристонни дарё бўлиб юборган. Дарё арк, шаҳристон, жоме мачити ва арк ёнидаги зиндонни вайрон қилган, шаҳардан асар ҳам, уй-жойларнинг излари ҳам қолмаган»<sup>120</sup>.

Мақдисий шаҳарни тўққиз йилдан сўнг яна «Қас (Кат)ни Шаҳристон деб атайдилар дейди. У (дарё) қирғоғида ва (катталиги бўйича) Нишопурга ўхшайди, дарёнинг шарқ томонидадир. Бозоржойнинг ўртасида жоме мачити бор. Ҳукумат девони шаҳар ўртасида (билод), арк бўлган, лекин уни дарё бузиб ташлаган...»<sup>121</sup>.

Одатдагидек Хоразмнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқлари сув тошқини (Дегини) хавфидан сақланиш учун дарёдан узоққа қурилган: бундан Қипчоқ қишлоғи мустаснодир<sup>122</sup>, у қаттиқ тоғ жинси устига қурилган. Кат шаҳри ҳам дарёдан узоққа жойлашган, лекин қирғоқни сув ювиб кетиши натижасида у ҳам худди дарё ёнида бўлиб қолган.

<sup>113</sup> Табарий, Юқорида кўрсатилган асар, (ҳижрий 93 йил воқеалари ҳақида).

<sup>114</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар, 300-бет.

<sup>115</sup> BGA, т. I, 351-бет.

<sup>116</sup> BGA, т. III, 287-бет.

<sup>117</sup> Sachau, Chronologie, т. I, 20—24-бетлар.

<sup>118</sup> Еқут, т. II, 481—483-бетлар. Мансура сўзи арабчадир. Афтидан бу ном шаҳарга Марв Шоҳижаҳон, Балх Уммулбилод Термиз Маланатул Ражал ва бошқаларга ўхшаш дабдабали қилиш мақсадида берилган бўлса керак.

<sup>119</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар, 300-бет.

<sup>120</sup> Ибн Ховқал, Юқорида кўрсатилган асар, 351-бет.

<sup>121</sup> Мақдисий, Юқорида кўрсатилган асар, 287-бет.

<sup>122</sup> А. Гедройц, Предварительный отчет о геологическом исследовании в Бухаре, руслах Аму-Дарьи, Известия РГО, т. XVIII, 2-китоб.

А. В. Каульбарснинг 1873 йилда тузган картасида Тўрткўл шаҳри Амударёдан 5 км дан ортиқ масофада жойлашган деб кўрсатилган, ҳозирги вақтда эса, дарё шаҳарни ярмини ювиб кетган. Тўрткўлни дарё билан ювилиб кетиш процесси бизнинг кўз ўнгимизда бундан минг йил муқаддам Хоразмнинг қадимий марказида бўлган процесснинг қайтарилиши сифатида гавдаланади.

Катнинг кўҳандизи, шаҳристони, жоме мечити ва зиндони Истахрий замонидан (балки ал Балҳий даврида ҳам) ташлаб кетилган эди. Ибн Ховқал даврида эса, улар мутлақо бўшаб қолган.

Истахрийнинг айтишидан, унинг замонидан шаҳарнинг фарбий деворларининг дарбозалари билан қўшиб дарё ювиб кетганлиги куринади. Кўҳандиз омон қолганлигидан, у шаҳар ўртасида жайлашган бўлса керак, деган фикр келиб чиқади<sup>123</sup>.

Шу маълумотнинг ўзига қараганда, шаҳарнинг қадимий қисми бузилаётган бир вақтда, ундан шарқ томонга қараб янги шаҳар қурила бошлаган. Афтидан шаҳарнинг Ибн Ховқал даврида аҳоли кўчиб ўта бошлаган қисми Мақдсий даврига келиб, бутунлай қурилиб бўлган катта шаҳарга айланган.

Берунийнинг сўзига қараганда, Фил (Фир)нинг охири қолдиқлари 994 йилга келиб йўқ бўлиб кетган<sup>124</sup> (дарё ювиб кетган), яъни африкийлар сулоласи тугашидан бир йил илгари мўғуллар истилосидан кейин, то XVII асргача бу шаҳар Кат деб аталган.

Катдан пастроқда, ундан бир манзил нарида дарёнинг ўнг қирғида Хос ёки Дархос<sup>125</sup> деган аҳоли яшайдиган пункт бўлган. Бу ҳозирги Гурлан шаҳри ёки Гурланнинг ёнига тўғри келади.

Абулғозида биз Хостминор деган пунктни кўп учратамиз<sup>126</sup>. У бир ерда шу минора орқали Хевадан Катга ўтганлар деса, бошқа бир ерда бу минора унинг акаси Асфандиёрхон шу минорадан то Хазораспгача бўлган ўзбекларни қириб ташлашни буюрганлиги муносабати билан тилга олади<sup>127</sup>. Абулғози яна бошқа бир жойда 1573 йилда Амударё ўз ўзанини ўзгартганлигини ва Хостминорнинг юқориригидан Орол денгизига қараб оқа бошлаганлигини ёзади<sup>128</sup>.

Абулғозининг бу маълумотларидан Хостминор Катдан (Шайх Аббосдан) анчагина қуйроқда бўлганлиги, аниқроғи Гурлан ёнида, яъни дарё Катга бурилган жойда бўлганлиги кўринади. Гурлан пристани яқинида, Алибобо мозори ёнида яқингача ҳам катта минора қолдиқлари сақланиб келган, уни «Хос минораси» дейишган<sup>129</sup>. Дарё суви камайганда сувдан унинг учи кўриниб турган. Сув тошган пайтларда бу ерда кема сузиши ҳавфли бўлган, чунки кўпинча кемалар сувда яширинган минорага урилиб кетган. Қадимдан шу ерда яшаган кишиларнинг айтишича, кемада сузувчи ўзбеклар бу минорани авлиё Алибобо кароматлари билан пайдо бўлган дейдилар. Сўнги 35—40 йил ичида минора йўқ бўлиб кетган, чунки уни аста-секин бузиб, ёштини ташиб кета бошлаганлар. Афтидан Хостминор юқорида айтилган Хосга таллуқли бўлса керак.

<sup>123</sup> Sachau, Chronologie, 35-бет. Табарий ва Беруний бу ҳақда қизиқ маълумот қолдирганлар. Табарий Мадинат ал Фил номли пойтахтни гапирса, Беруний пойтахт ёнида эски Фил ёки Фир қалъаси бўлган дейди.

<sup>124</sup> Sachau Chronologie, 35-бет.

<sup>125</sup> Мақдсий, Юқорида кўрсатилган асар, 343-бет.

<sup>126</sup> Абулғози, *شجره ترك*, қўлёзма, 277-варақ

<sup>127</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 35-варақ.

<sup>128</sup> Шу асар, 87-варақ.

<sup>129</sup> Ҳозирги вақтда ҳам шу минорани кўрган кишилар бор.

XVI асрда дарё ўзанининг ўзгариши натижасида, Хостминор дарёнинг чап қирғоғида бўлиб қолади. XVI, XVII ва XIX асрларда энг катта кечув Хостминор районида, тахминан ҳозирги Гурлан кечувида бўлган<sup>130</sup>. Хевадан Катга шундай айланма йўл билан борилгани ажабланарлидир. Балки бу кечув йўл қадимдан бўлиб, бир жойда узоқ вақтгача мустаҳкам сақланиб қолган бўлса керак, қадим ўтмишда бу кечув пойтахтни Маздахқон билан боғловчи асосий кечув йўли бўлгандир. Гурлан Темурнинг Хоразмга қилган юришлари тарихида эслатиб ўтилади<sup>131</sup>. Уша вақтда у ўнг қирғоқда жойлашган.

Хосдан 25 км пастроқда Нузкат қишлоғи бўлган. Агар бу қишлоқ Нузворнинг ўзи бўлмаса, у ҳолда у Манғит шаҳри жойлашган ерга ёки ундан биров шарқроқдаги Жумиртов этагидаги Жумир қалъасининг харобаларига тўғри келади<sup>132</sup>.

Нузкатдан пастроқда, бир манзил масофа нарида Вайхон шаҳри бўлган, ҳозирча уни ҳозирги ўрнини аниқлаш мумкин эмас. Мақдисий фақат, у «ўнгда» жойлашган дейди, холос<sup>133</sup>. Буни эҳтимол, бош йўлга нисбатан ўнг томонга жойлашган деб тушуниш мумкин.

Вайхон билан Маздахқон ўртасидаги йўл устида Нукбоғ бўлган. Мақдисийнинг тасвирига қараганда, Нукбоғ эски Порсуга тўғри келиши керак. Мақдисий яна Нукбоғ атрофидан Амударёдан чиқарилган ва чўлга кегган канал ўтган дейди<sup>134</sup>. Бу канал аҳамиятсиз, кичик канал бўлса керак, чунки у ҳақда Мақдисий ҳам ва Истахрий ҳам каналлар бобида гапирмайдилар.

Мақдисий томонидан воҳанинг ўз ичидаги дарёнинг ўнг қирғоғидаги иккинчи ва учинчи йўллар ҳақида келтирилган маълумотлар бизнингча жуда яхши тушунарли эмас. У аҳоли яшаган пунктларнинг номи ва улар ўртасидаги масофани келтиради;:

#### Иккинчи йўл

Работи Мошдан Амиргача	—1 манзил*
Амирдан Барабсаргача	—2 манзил
Барабсардан Ардхивагача	—1 манзил

#### Учинчи йўл

Катдан Гардимонгача	—1 манзил
Гардимондан Вайхонгача	—1 манзилга яқин
Вайхондан Ардхивагача	—2 фарсах;
Ардхивадан Нукбоғгача	—1 манзил <sup>135</sup> .

Шу йўллардан бири, ҳар ҳолда, Курдар каналининг ўнг томонидан, бошқаси шарқроқдан, яъни Норинжон—Қаватқалъа орқали ва ундан нарироққа, Шўрахоннинг ёнидан ўтиб, Султон Увайс тоғи шарқ томонига йўналган бўлса керак<sup>136</sup>.

Агар Мақдисийга ишопилса, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги уччала йўл ҳам Маздахқонга олиб борган. Гургангча эса<sup>137</sup>, чап қирғоқдаги икки тўппа-тўғри йўл олиб борган.

<sup>130</sup> Баёний *كرلان ياقشیده دريادین اوتب* варақ 176 б

<sup>131</sup> Низомиддин Шомий, МИТТ, т. 1, 515-бет.

<sup>132</sup> Хева музейига келтирилган археологик материаллар X аср билан савал-

\* Бир манзил 7 фарсахга тенг.

<sup>133</sup> Мақдисий, Юқорида кўрсатилган асар, 344-бет.

<sup>134</sup> Мақдисий, Уша асар, 288-бет.

<sup>135</sup> Юқорида кўрсатилган ерда, 244-бет.

<sup>136</sup> Сўққули йўли (XIX аср Хева авторларида учрайди).

<sup>137</sup> Кат билан Гургангча ўртасида, шунингдек ҳам дарё, ҳам Бува канали орқали сув йўли ҳам бўлган. Ибн Фадлан худди шу йўл билан борган. (Ибн Фадлан, МИТТ, т. 1, 156-бет).

Энди Амударёнинг қуйи дельтасини шархлашга ўтамиз.

Мақдисийнинг Курдар ҳақида юқорида келтирилган маълумотлари, бу ўзани дарёнинг эски ўзанидан ўтказилган сунъий канал дейишга асос беради<sup>138</sup>.

Қуйи дельтада аҳоли яшаган пунктлар ўртасидаги масофаларни Мақдисий қуйидагича белгилайди: Маздахқондан Дарсонгача 2 барид (4 фарсах); у ердан Курдаргача — 1 манзил, ундан Жувакингача—2 барид, сўнг Баратегингача—1 манзил, Баратегиндан денгиз қирғоғигача — 1 манзил.

Агар қадимий Курдар шаҳрини тахминан ҳозирги — Чимбой ўрнида бўлган десак<sup>139</sup>, у вақтда Дарсон Тўк қалъаси харобага тўғри келади дейиш мумкин. Жувакиннинг ўрни номаълумлигича қолади.

Ҳозирги Чимбой шаҳри Кегайли каналининг ҳар икки томонига жойлашган ва қуйи дельта шарқий қисмининг йирик савдо-ҳунармандчилик маркази бўлган. Ҳамма эски ва янги йўллар шу ерда туташади. Кегайли канали Қувонишжорма бошидан 25 км пастроқдан бошланади.

Канал атрофида дельта аҳолисининг ярми яшаб, Амударёнинг қуйи дельтаси учун унинг иқтисодий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. У, даставвал, дельтани суғоради. Чимбой шаҳрини воҳанинг жанубий қисми билан боғлаб транспорт магистрали бўлиб ҳисобланади.

Қадимий Курдар канали ҳозирги Кегайли каналига асосан тўғри келади. Бу, унинг ободлиги ва унинг системасининг яхши ишлаб чиқилганлигини тасдиқлайди. Бошланишидан то Чимбой шаҳригача ундан 350 км яқин сунъий суғориш каналлари ўтказилган, шу жумладан, Кегайлининг ўнг қирғоғидан — 175 га яқин, ва чап қирғоғидан — 125 га яқин ариқ қазилган<sup>140</sup>.

Буларнинг ҳаммаси бизга ниҳоятда қадимий шаҳар Чимбойни қадимий Курдар шаҳрининг ўзидир дейишга имкон беради. Курдарда ҳаёт дельтада ўтроқ деҳқончилик кенг ривож топганда ва атрофдаги кўчманчи чорвадор аҳолиси ҳамда хонликнинг ички областлари билан товар айрибошлаш имконияти туғилганда бошланган. Бундан анча илгари Курдар шохобчасининг этакларида оқим вақти-вақти билан ўз йўлини ўзгартириб турган. Гоҳ Кўкўзак ўзани (Қувоншжорма) бўйлаб, гоҳ ҳозирги Кегайли бўйлаб ва, ниҳоят, Чўртанбой ўзани бўйлаб оққан.

Истахрий дарё илгари Курдар ўзанидан оққан дейди; демак, Айвонқалъанинг бўшаб қолишига, асосий ўзанининг Курдардан Гурганч билан Маздахқон ўртасига кўчиши сабабчи бўлган. Айвонқалъада топилган археологик ёдгорликлар у ерда ҳаёт IX асрда тўхтаб қолганлигидан дарак беради.

Истахрий ва Мақдисий маълумотларида қуйи дельтанинг юқорида номлари кўрсатилган аҳоли пунктлари кетма-кет Курдардан ғарб ва шимоли-ғарб томонда жойлашган. Иккала географда ҳам, Жуванкиндан ташқари, бу пунктлар ҳақида баъзи бир умумий маълумотлар бор.

«Баратегин қишлоғи, — дейди Мақдисий, — каттадир, у тоғ ёнидаги чўлда жойлашган, тоғдан тош ташийдилар; у ерда обод бозор ва жоме мечити бор. Иморатлар яхши пишитилган лойдан ясалган»<sup>141</sup>.

<sup>138</sup> XIX асрда Хоразмнинг маҳаллий ирригаторлари уни Амударёнинг Орол ярмоғи деганлар. Бу вақтда Амударё Сарикамиш томон оққан. «Бу Кўкўзак номи билан юритилган (Нахр) Халаж дарёси (Орол) денгизига оққан» (Мунис-Оғаҳи ва Ҳ, қўлёзма, 183 а—183 б варақлар).

<sup>139</sup> Бундай яқинлаштириш учун Мақдисий маълумотлари ва қуйида келтирилган билвосита мулоҳазалар асос бўла олади.

<sup>140</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарьи, 121—122-бетлар.

<sup>141</sup> Мақдисий ва Ҳ, Юқорида кўрсатилган асар, 288-бет.

«Гит (Жит), — деб ёзади Мақдсий, — катта рустоқлари бўлган лирик шаҳардир; у чўлда бўлиб, ғузлар билан бўлган чегарада деворлар билан ўраб олинган чегара қўрғони (ҳисобланади), улар олдига шу ердан борилади»<sup>142</sup>.

Истахрий юқорида айтилганидек, Мадминия ҳақида ёзиб, у Курдарнинг ўзани ўзгариши туфайли Журжония билан дарёнинг бир томонида «Жайхундан тўрт фарсах нарида» бўлиб қолганлигини айтади<sup>143</sup>. «Мадминия билан Баратегин қишлоғи, — дейди давом этиб у, — баробар масофададир, лекин Жайхунга Мадминия яқинроқ»<sup>144</sup>.

В. В. Бартольд Баратегинни Қушқаноттов тоғи ёнида бўлган дейиш мумкинлигини айтади, лекин уни бу ерда бирон нарса ишлаб чиқариш учун яроқли бўлган тош бўлмаганлиги иккилантириб қўйган<sup>145</sup>. Ҳақиқатан ҳам бу ерда тош кони бўлмай, фақат гипс тайёрланган<sup>146</sup>. Гипсни бу ерда ҳозир ҳам оладилар ва у Қўнғирот, Чимбой ва воҳанинг бошқа жойларида Оқҳижо номи билан машҳурдир.

1928 йилги этнографик экспедиция қатнашчиларининг айтишларича, Қушқаноттов тоғи этагида Куюкқалъа шаҳри харобасининг қолдиқлари бор; экспедиция бу ерда сопол парчаларини ва танга пуллари топган. Археологик материалларнинг умумий характеристикаси у ерда шаҳар харобалари ўрнида X асрда кичик шаҳарча бўлганлигини тасдиқлайди<sup>147</sup>.

Курдар билан Қушқаноттов (Куюкқалъа) ўртасидаги масофа, у ерда қачонлардир Баратегин бўлган дейишга имкон бермайди; Куюкқалъа Жувакинга тўғри келади десак тўғрироқ бўлади. Бизнинг тахминимизча Қўнғирот шаҳридан 10 км шимоли-шарқдаги Қубатов ёнидаги Қизқалъа харобалари Баратегиннинг ўзидир. Қубатов ёнбагирларида қурилиш учун яроқли учламчи давр жинслари бор<sup>148</sup>. Шу билан бирга, Қизқалъадан Куюкқалъагача бўлган масофа Мақдсийнинг Жувакин ва Баратегин ҳақидаги маълумотларига жуда тўғри келади. Мадминия шаҳрининг жойлашган ўзанини биз Қўнғирот шаҳридан 17 км шимолда бўлган Буғрохон шаҳари харобаси билан тенглаштирамиз, Гитни эса, Буғрохондан 30 км ғарбда Устюрт қирининг бурнидаги Пулжой шаҳари харобаларига тенглаштириш мумкин. Истахрийнинг сўзига қараганда, Баратегин Жувакин ва Мадминиянинг иккисидан ҳам баробар узоқликда бўлган. Буни картографик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Буғрохон (بغراخان) шаҳар харобаси ёки Хованд (حاوند) XIX аср хроникаларида Ҳаким ота Бақирғоний мақбараси билан Қўнғирот ўртасидаги шаҳар харобалари сифатида тез-тез қайд қилинган. Мунис-Огаҳий фикрларига қараганда, шаҳар харобасининг ҳақиқий номи—Хованд деб аталган, лекин у Буғрохон номи билан маълумдир<sup>149</sup>.

<sup>142</sup> Шу асар, 289-бет.

<sup>143</sup> Истахрий, Юқорида кўрсатилган асар, 303-бет.

<sup>144</sup> Юқорида кўрсатилган ерда, 341-бет.

<sup>145</sup> В. В. Бартольд, Туркестан..., 104-бет (изоҳи).

<sup>146</sup> И. В. Мушкетов, Туркестан, т. I, СПб., 1886, 637-бет; Н. Барбот-де-Марни, О геологических исследованиях в Аму-Дарьинском крае, ИРГО, т. XI, 1875, 68-бет. А. Д. Архангельский, Юқорида кўрсатилган асар, 93-бет.

<sup>147</sup> 1928 йил экспедициясининг материаллари, Ленинградда сақланмоқда.

<sup>148</sup> ЎзССР ФА нинг гидрогеологик ишларининг раҳбари М. М. Крилов хушатишларидан.

<sup>149</sup> Мунис - Огаҳий فردوس الاقبال кўлэзма, ЎзССР ФАнинг Шарқшунослик институти. № 68, варақ 149 а. «حاوند قلعهسى كم بغراخان غه مشهوردور» Ҳозир шаҳар харобаси ўрнида катта мазор бор.

Шаҳар катта текисликда Мачонкўли номли кўлга яқин ерга жойлашган. шунинг учун ҳам шу кўл тошқини содир бўлганда тез-тез ушбу сув босиб турган.

Шаҳар арк, шаҳристон ва катта работдан иборатдир. Шаҳарнинг умумий плани яхши сақланиб қолган. Шаҳристон арк билан бирликда 35000 кв м дан кўпроқ жойни эгаллайди. Маданий қатламнинг шаҳристон ичидаги қалинлиги 3,5 метрга етади. Маданий қатлам Кўҳна Урганчдаги каби IX—XIV асрларга оид археологик материалларга бой. Аркдан жануби-шарқда XI—XII асрдаги катта биноннинг излари сақланиб қолган, афтидан бу, минорали жоме мачити бўлса керак. Миноранинг пойдевори икки метр баландликда сақланиб қолган<sup>150</sup>.

Работ майдони шаҳристон майдонидан 4—5 марта каттадир. Сунинг бир неча бор босиши натижасида работнинг катта қисми боқоққа айланиб, қамишзор бўлиб кетган. Бу сўнгги ҳол бизга работ конфигурациясини аниқлашга имкон бермади. Шаҳар харобасининг умумий кўриниши шаҳарнинг ўтмишда обод, аҳолиси кўп бўлганлигидан, Амударё этакларида савдо-ҳунармандчилик маркази сифатида катта аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Археологик рекогносцировка кўрсатишига биноан, Буғрохондан қуйида (дарё оқими бўйлаб) X аср шаҳар харобалари бўлмаган. Шундай қилиб, Буғрохон (Хованд)ни X асрдаги Мадминиядир дейишга кўпроқ асос топилмоқда. Шаҳар харобалари 992 йилда Мовароуннаҳрни босиб олган қорахонийлардан чиққан Буғрохон номига қўйилган. Буғрохоннинг Хоразмга ҳеч қандай алоқаси бўлмаганлиги сабабли, биз, балки Ҳакимота Бақирғоний тўғрисида афсона билан боғлиқ бўлгандир деб, ўйлаймиз. Афсонада гўё Буғрохон Ҳакимота Бақирғонийни ниҳоятда ҳурмат қилган ва Бақирғоний унинг қизига уйланган эмиш<sup>151</sup>. Хоразмда бу афсонани анчагина мукамал равишда айтадилар.

Буғрохон шаҳари ҳаробасидан 200—250 м жануби-ғарбда жанубдан шимолга қараб дарё шаҳобчасининг ярим қуриган ўзани чўзилиб ётади. Маҳаллий аҳоли уни «Қоракўл» деб атайдн ва Амударёнинг илгариги ўзани деб ҳисоблайди. Бу ўзан ҳақида шундай ривоят бор: узоқ ўтмишда шу дарёда Буғрохон порт шаҳари бўлган эмиш. дарё борган сари ғарбга томон оғабошлаган ва Пулжой шаҳри районини босиб кетиш хавфини туғдирган. Пулжой ҳокими ўз ерларини сунъий марза билан ўраб олишга қарор қилибди, марзага «Оқ қочи» номи берибдилар. Ҳақиқатан ҳам Буғрохондан 3,5—4 км ғарбда тупроқдан қилинган марза излари жанубдан шимолга қараб йўналган. Марзанинг баландлиги 1,5 м, эни 4 метрга яқин. Оқ қочи марзаси атрофдагиларнинг сўзига қараганда, Чуманой районидан бошлаб Орол денгизигача чўзилган.

X асрдаги Ғитни биз Пулжой билан бир жой бўлган деймиз. Буни қуйидаги далиллар билан асослаймиз.

Истахрий, Ғит гузлар мамлакати чегарасидаги сўнгги (ғарбий) пунктдир дегани учун (ҳозир эса, Пулжой шундай пункт ҳисобланади), шунингдек, Ғит билан Мадминия ўртасидаги масофа бир фарсахга тенг бўлганлигини<sup>152</sup> (бундай масофада ҳечқандай қадимий аҳол яшаган пункт йўқ) назарга олиб, Ғит Пулжойнинг ўзи дейишдан бошқа илож қолмайди; бундан ташқари, Пулжойдан яқинроқ ерда дарё оқимининг излари йўқ. У ерда ўрта қисми кум билан тўлиб қолган эски каналнинг изларигина сақланиб қолган. Гарчи ушбу районда дарё анча

<sup>150</sup> Минора XIX асрнинг охирида яхши кўринишда бўлган бўлса керак, у А. В. Каульбарс картасида кўрсатилган (1873 йил).

<sup>151</sup> رشحات عين الخبات, Автор тўплаган қўлёзмалардан, варақ 144 а.

<sup>152</sup> Истахрий, Уша асар, 303-бет.

ғарброқдан оққан десак ҳам Ғитнинг Мадминиядан, Истахрий айтгандек, 1 ёки 2 фарсах нарида бўлиши мумкин эмас. У бу ерда «фарсах» билан «манзил» бирлигини чалкаштириб юборган. Агар Истахрий айтганидек, Мадминия Амударёдан 4 фарсах (28 км) узоқда бўлса, у вақтда Ғитдан 1 фарсах нарида бўлиши ҳеч мумкин эмас. Ҳатто Истахрий ўз ўтмишдоши Балхийга асосланиб Амударёнинг Мадминиядан шарқда бўлган эски оқимини назарда тутган десак ҳам, у вақтда илгари Амударё Қубатов яқинидан оққан, демак Баратегин ўша вақтда дарёга жуда ҳам яқин бўлган, деган хулосага келамиз, холос.

Бундай ҳолда дарё оқимининг йўналиши ҳақидаги бизнинг Ибн Руста фикрига асосланган мулоҳазамиз Балхий кўрғазмасига тўғри келади. Истахрийнинг «дарё Курдардан ўтди ва Ғитни Мадминиядан айриб қўйди» деган жумласини дарё ўзанидан 4—5 фарсах ғарбга бурилиб, Курдардан меридан йўналишида янада ғарброққа оққан деб тушуниш мумкин. Бундай ўзгариш Варағдеҳ қишлоғида таҳмин қилинган тўғонни<sup>153</sup> (Гурганчдан 4 фарсах куйроқда) уриб кетиши туфайли бўлган бўлиши мумкин<sup>154</sup>.

Шундай қилиб, Истахрийда гап қуйи дельтанинг ғарбий қисми доирасида дарё ўзанининг ўзгаргани ҳақида кетмоқда. Бу ҳодиса дарё ўзани Курдардан четлашиб Амударё Гурганч билан Маздахқон ўртасида оқа бошлаган вақтдан анча кейин юз берган. Мақдисийнинг Ҳолижонни эслатиб ўтмаслигига ҳам шу сабаб бўлган, чунки Мақдисий даврига келиб дарё Варағдеҳ қишлоғидаги тўғонни уриб кетиб, Ҳолижондан оққан ва Ғитни Мадминиядан ажратиб қўйган.

Пулжой (Ғит) Девкескан (Вазир) сингари икки ярус бўлиб, жойлашган: қалъа Устюрт қири муйилишида ниҳоятда қулай пунктга жойлашган. Бу ердан унинг кенг қири ва дельта ҳосил қилган текислик кўриниб туради. Қалъа унча катта эмас ва у IX—X асрларда қурилган қалъалар туридандир. Қир этагида кўпгина иморат изларига эга бўлган катта очиқ қишлоқ бор. Қишлоқнинг бутун майдони IX—XV асрлар сопол идиш синиқлари ва ғиштарининг парчалари билан қопланган.

Шу қишлоқдан кейин оддий рустоқ бошланган, у жануб, ғарб ва шарққа қараб чўзилган. Рустоқнинг 5 км гача кузатиш мумкин (шундан кейин излари кумда йўқ бўлиб кетган), унда кўпгина катта ва кичик қишлоқ кўрғонлари бўлиб, улар экин майдонлари билан ўраб олинган.

Пулжой эски карвон йўлида бўлиб, бу йўл воҳа ичидан бошланади, чўлга, ғузлар юртига кириб боради. Бу йўл Хоразм аҳолиси ўртасида «Қораумбат йўли» номи билан машҳурдир. Бу йўл ҳақида XIX аср Хева солномаларининг авторлари кўп ёзганлар<sup>155</sup>.

Пулжой (танга пул ўрни) ўз номини шундан олганким, у ерда кўп миқдорда кумуш ва мис пуллар топилган<sup>156</sup>.

Бу жойни қачонлардир узоқ вақт сув босган, унинг излари ҳамма ерда шаҳар ҳаробасида ҳам, рустоғида ҳам яхши кўриниб туради.

X аср географлари Мадминия ва Ғит билан пойтахт (Гурганч) ўртасидаги масофани ёзмаганлар; фақат Истахрий Ғитдан 5 фарсах

<sup>153</sup> Биз МИТТда «Варгада» деб кўрсатилгандан кўра, Бартольднинг бизга анча тўғрироқ кўринган транскрипциясини қабул қилдик.

<sup>154</sup> Ибн Руста, юқорида кўрсатилган асар, 91—92-бетлар.

<sup>155</sup> Мунис-Огаҳий.

<sup>156</sup> Кўнғиротнинг эскидан яшаб келган кишиларининг айтишларича, бу ерга тажрибали «мутахассислар» таяга пул ва бошқа қиммат нарсалар қидириб борганлар. Уларни Урганчда яшириб қўйилган бойликларни топувчи кишилар ўқитар экан. Мунис-Огаҳий, Қўлёзма, ЎзФАН нинг Шарқшунослик институти, № 168, ғарақ 169-бет.



нарида бўлган Куджоғ қишлоғини кўрсатади<sup>157</sup>. Де Гуйё Куджоғни Кичик Гурганч билан ўхшатиб янглишган<sup>158</sup>, бунда у Ёқутнинг, Кичик Гурганчдан 3 фарсах узоқликда бўлган деган кўргазмасига амал қилган<sup>159</sup>.

Агар, Баратегинни Орол денгизидан 30—35 километрдан узоқ бўлмаганлигини, воҳа аҳоли яшаган қисмининг энг шимолий қисми Мадминия бўлганлигини назарда тутсак, у вақтда Мадминия Баратегиндан икки кунлик йўл масофада бўлган, бу 15 фарсахдан кўпроқ бўлган масофани ташкил қилади. Демак, Куджоғ Гурганчдан 40 фарсах нарида, Гурганч билан Мадминия ўртасида бўлган.

Қўнғиротдан 12 километр жануби-ғарбда, Устюрт қирига кўтарила беришда Тупроққалъа ҳаробалари бор. 1905 йилнинг 10 чақиримлик картасида у Кутен-Қала деб кўрсатилган, XIX аср хроникаларида эса, кўпинча Қўхтан қалъаси деб юритилган<sup>160</sup>.

Қалъа унча катта эмас, лекин жуда мустаҳкамланган. Ички майдонни 6400 кв. метрдан иборат. Унга жануб томондан кирилган. Қалъа дарвозаси олдида катта майдон бўлиб, бу қишлоқ қолдиғидир. Унда IX—XIII асрнинг сопол ва ғишт парчалари сочилиб ётади. Бу майдонда кўлочилиқ ва шиша ясайдиган жуда кўп устахоналарнинг пойдеворлари кўзга яхши ташланади. Шаҳр харобасининг майдони жануби-шарқдан келувчи унча катта бўлмаган канал билан суғорилган. Каналнинг йўналишига қараб ҳукм қилинса, унинг сақоси Қўнғиротдан 25 километр жануброқда бўлган.

Кўхтан қалъаси (Тупроққалъа) масофаси ва санаси бўйича Истаҳрийнинг Куджоғига бутунлай тўғри келади.

Археологик маълумотларга қараганда, IX—X асрларда саҳро кўчманчиларидан воҳа чегаралари хавфсизлигини таъминлаш учун барча чоралар кўрилган. Устюрт қирининг ҳамма баландликларида қалъалар бўлган. Уларнинг олдида хабар берувчи динглар бўлиб, улар тошлардан терилган. Улар шундай қилиб қурилганки, хоҳ кечаси, хоҳ кундуз бўлсин хавф яқинлашаётганда олов ёки тутун билан хабар бериш мумкин бўлган. Сигнал берилгач бир соат ичида ҳар қандай шароитда ҳам чегарадаги ҳамма гарнизонлар қўзғатилган. Гарнизонлар Орол денгизидан Сарикамишгача бўлган барча қалъаларда бўлганлар. Шундай қалъалар ёнида яшаш анча хавфсиз бўлганлиги туфайли, уларнинг ён-атрофида секин-аста аҳоли тўплана бориб, очиқ қишлоқлар пайдо бўларди. Бу аҳоли пунктларига каналлар ўтказиларди ва чўл-биебон секин-аста гуллаётган рустоққа айлана борарди.

Хоразмнинг барча шаҳарлари яхши мустаҳкамланган бўлиб, шаҳарларнинг дарвозалари темир билан қопланарди. Бу дарвозалар тепасида ҳавоза устида тош отувчи машиналар турарди<sup>161</sup>. Қалъа атрофи сув тўлдирилган хандақ билан ўраб олинарди. Қалъа ташқаридагилар билан кечаси кўтариб кўйилиб, кундузи яна тушириладиган осма кўприк орқали алоқа қиларди. Қалъалар улар атрофидаги рустоқлар учун якка-ю ягона сақланиб қолиш жойи бўлиб ҳисобланган. Қалъа деворидан у ёқда кенг, аҳолиси зич бўлган қишлоқлар жойлашиб, улар ҳам девор билан ўраб олинарди. Бундай шаҳарларнинг ички истеҳкомлари (кўпинча антик даврда) сувни одатда дарвозанинг ташқари томонига яқин кавланган қудуқ ёки сунъий ҳовузлардан олган; қамал

<sup>157</sup> Истаҳрий, Уша асар, 303-бет.

<sup>158</sup> De Goeje, Das alte Bett des Oxus, 74-бет.

<sup>159</sup> Ёқут, т. IV, 261-бет.

<sup>160</sup> Мунис-Огаҳий, فردوس الاقبال, varaқ 166, 202.

<sup>161</sup> Мақдисиёй, Уша асар, 288-289-бетлар.

вақтларида мудофаачилар ва аҳоли олдиндан қудуқ ва ҳовузларга сувни ғамлаб олган бўлар эди. Баъзан қалъаларда «обдўзлар» (сув тўлдирилган хандаққа олиб чиқадиган яширин йўл) қазиларди.

Ташқари шаҳар ҳар доим оқар сувга эга бўларди. Бу ҳолни фақат Хоразм шаҳарларидагина эмас, балки Шарқнинг барча мамлакатларида учратиш мумкин.

Араб географларининг маълумотлари ва археологик материалларига асосланиб, баъзи бир тарихий яқунлар чиқариш мумкин.

Араб ҳалифалиги олий ҳокимиятни Хоразмнинг маҳаллий сулоласи қўлида қолдирган эди. Бу сулола илгаригидек, Хоразмнинг қадимий пойтахти Катда ўлтириб, мамлакатни бошқарган, лекин воқеаларнинг кейинги йўналишига қараганда, бу сулола ҳокимияти ўз мустақиллигини йўқота боради. Хоразм Муғайра бин Абдуллоҳ томонидан батамом забт этилгач, араблар қуйи дельта (Курдар ёки Маздахқон) районида Хоразмшоҳ Чағоннинг укаси Хурзоднинг ҳокимиятини тугатиб, қуйи Хоразм областларини бевосита бошқарадиган бўлиб олдилар. Хурзод кўтарилиб келаётган феодал жамиятининг ўртача ва қуйи табақаларининг манфаатини ҳимоя қиларди. Мақдисий Хоразмнинг чап қирғоқ қисмини баён этганда, бу устида қисман тўхтаб ўтади<sup>162</sup>.

Арабларнинг Хоразмни бошқарувчи ноиблари резиденцияларининг қаерда бўлганлиги: у вақтда Гурганчининг бўлган-бўлмаганлиги ёки шу резиденция илгари Курдар ёки Маздахқонда бўлганлиги маълум эмас. Фақат 728 йилда (ҳижрий) Курдар аҳолисининг арабларга қарши қўзғолон кўтарганлиги маълум, холос<sup>163</sup>.

Хоразмшоҳлар ҳам бухорхудотлар каби, мамлакатни араблар босиб олгач, узоқ вақтгача ўз динларига содиқ бўлиб қолдилар<sup>164</sup>. Мусулмон бўлмаганлардан «жузья» олиниши халқни мусулмон динини қабул қилишга мажбур этди. Лекин кўп вақтгача бу формаль характерга эга бўлди; ислом ҳукмрон динга айлангунча, анча вақт ўтиб кетди. Унинг бу даври феодал тузумининг ривожланиш даврига тўғри келди. Бундай ривожланиш араблар истилосидан кейинроқ бошланмади, ривожланишни босқинчилар ёки исломнинг «маданий таъсири» деб ҳам бўлмайди. Аксинча, арабларнинг ўзлари ижтимоий ва маданий ривожланиш нуқтаи назаридан ўша вақтда босиб олган мамлакатлар: Эрон, Византия, Миср, Ўрта Осиё ва бошқалардан анча орқада турарди.

Ўрта Осиё воҳаларини босиб олган араблар бу ерда сунъий каналларнинг ривожланган тармоқларига асосланган гуллаб-яшнаётган деҳқончилик маданиятини, бой савдо-ҳунармандчилик шаҳарларни, ёзув, яхши ривожланган меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик ва болаларни ёшлигидан саводлик қилишни кўрдилар<sup>165</sup>. Араблар келганда янги феодаллашиб бораётган оқ суяклар билан традицион ҳукмрон хонадон бухорхудотлар ва хоразмшоҳлар бошчилик қилган эски патриархал қулдор зодагонлар деҳқонлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий кураш авжига чиққан эди. Истилочи араблар шу династиялар билан тил бириктирдилар, уларни қўллаб-қўлтиқладилар, уларга қарши чиқувчи прогрессив кучларни таъқиб остига олдилар. Маҳаллий ёзув, санъат таъқиб этилиб, қимматбаҳо нарсаларни ташиб кета бошладилар, моҳир ҳунарманд ва олимларни асир қилиб олиб кетдилар.

Ўрта Осиё халқи келгиндиларнинг қаттиқ зулми остига тушиб қолди. Улар солиқ тўловчиларнинг бўйнига тамға осиб қўядилар.

<sup>162</sup> Мақдисий, Уша асар, 288-289-бетлар.

<sup>163</sup> Табарий, т. 2. 1525-бет.

<sup>164</sup> Н. Веселовский, Уша асар, 26-бет.

<sup>165</sup> Сюян-Цзян маълумотига кўра.

Уларнинг уй-жойларини араблар фойдасига тортиб олардилар. Араблар Урта Осиёда ҳукмронлик қилган даврда Урта Осиё халқларининг ёрдами билан амавийлар ҳукмронлигини ағдарган аббосийлар тўнтарувигача бу ерда биз хўжалик ва маданиятнинг ривожланганлигинигина эмас, балки, аксинча, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқсизликни деҳқончилик ва шаҳар маданиятини тушқунликка учраганлигини, феодал муносабатлар ривожланишини сунъий равишда тўхтатиб қўйилишини кўрамиз. Лекин араблар босиб олган мамлакатлар ўртасидаги чегараларни йўқолиши босқинчиларнинг хоҳишига қарши ўлароқ, ўша вақтдаги маданий дунёнинг мусулмон ва мусулмон бўлмаган мамлакатлари халқлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг зўр ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Шундай шароитда амавийлар ҳалифалиги ўзининг бошқариш системаси ижтимоий ҳамда ғоявий йўналишининг фанатик тусда бўлиши билан фақат босиб олган мамлакатларинигина эмас, балки арабларнинг ўзларини ҳам бўғиб қўйган эди. Прогрессив араб оппозицияси бу эскириб қолган давлат машинасига қарши курашда, Урта Осиё ва Эроннинг арабларга ва исломга қарши бўлган кучайиб борувчи кучларига таянди.

Урта Осиё халқлари қўллаб-қувватлаган аббосийлар ҳаракатининг талабаси аввало шунга олиб келдики, Урта Осиё ва Хуросон халқлари ҳалифаликнинг сиёсий ҳаётига фаол қатнаша бошладилар. Ўз мамлакатларида араблар ҳокимиятига барҳам бердилар, маҳаллий-йирик феодаллар-тоҳирийлар ва сомонийлар бошчилигида ўзларининг мустақил давлатларини барпо қилдилар. Амавийлар ва аббосийларга қарши узоқ давом этган қонли қўзғолонлари натижасида Урта Осиё халқлари ўз мустақилликларини тиклаб олдилар, босқинчилар келиши билан узулиб қолган тарихий тараққиётларини яна давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. Шундан бошлаб, феодал муносабатлари, деҳқончилик, ҳунармандчилик, шаҳар маданияти ва фаннинг табиий ривожланишига тўсиқ қолмади.

Хавфсиз савдо йўллари орқали олиб борилган халқаро мол айрибошлаш ўз гирдобига ҳалифалик қўл остидаги ва у билан қўшни бўлган давлатлар хўжалик ривожланишининг ҳамма томонларини тортди.

«Қатта суммаларга тузилган савдо битимлари бўйича бериладиган буйруқлар узоқ шарқда ҳам, ғарбнинг бир бурчагида ҳам бажо келтирилади ва улар бўйича тўловлар ҳокимларнинг хазинасига тушадиган тўлов ва хирожларга нисбатан тез адо қилинади»<sup>166</sup>—деб ёзган эди X аср авторларидан бири.

Бу даврга келиб Хоразм халқаро савдонинг йирик марказларидан бирига айланади; Шарқий Европа, Урта Осиё, Эрон ва бошқа давлатлар йирик бозорларининг молга бўлган эҳтиёжлари ва сотиладиган моллари Хоразм орқали бошқариларди. Катта бойликлар тўпланишини тезлаштирган қизгин савдо айрибошлашлари феодализмнинг хўжалиги, диди ва феъл-атворига, сўзсиз, ўз таъсирини кўрсатди. Бу янги шароит феодал тузуми тараққиётининг катта қадам билан илгарилаб кетишини таъминлади.

Феодал шаҳарлари жуда тез кенгая борди. Уларни майда феодалларнинг қалъалари ва уларга тобе кўп сонли кадоварларнинг мустақам қўрғончалари жойлашган кенг рустоқлар ўраб олган. Хоразмнинг энг йирик рустоқларидан бири Маздахқон бўлиб, унда 12000 кўшк<sup>167</sup> бўлган, бу шаҳар Бургутқалъа, Норинжон, Қаватқалъа ва шунга ўхшаш ҳаётсиз рустоқларни бир оз йириклаганини эслатади.

<sup>166</sup> А. Ю. Якубовский, Развалины старого Ургенча, 10-бет.

<sup>167</sup> Мақдисиё, Юқориде кўрсатилган асар, 288-бет.

Бошқа шаҳарларда бўлганидек, Маздахқон атрофида ҳам бу «кўшклар»нинг жойлашишида маълум даражада иерархия бўлиши керак, албатта. Мақдсийнинг сўзларига қараганда, бу рустоқнинг уйлари Бургутқалъа районидаги уйлар сингари мустақамланган характерда эди ва бу жиҳатдан анча кейинги даврга оид бўлган Қаватқалъа районидаги деҳқон уйларидан бир қанча фарқ қилар эди<sup>168</sup>.

Мақдсий феодалларнинг қўрғонча ва кўшкларини биргина термин билан ифодалаган. Бу рустоқларнинг вақт-вақти билан тўқнашиб турган кўчманчи ғўзларга қўшни бўлиши<sup>169</sup> оддий ер эгаларининг уй ва қўрғонларини қалъа характерида бўлишига, балки сабаб бўлгандир.

Хоразмда учта халқаро йўл туташган: 1) Мовароуннаҳрдан бошланган асосий карвон йўли; 2) Хуросондан; 3) Журжондан. Биринчи йўл Бухоро—Варахша—Қизилқум (Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб) орқали, Шўраҳон—Қат—Хос—Нузкат—Вайхон—Нукбоғ—Маздахқон—Гурганч орқали ўтган; иккинчи йўл Амул—Тоҳирия—Дарғон—Жигарбдан—Садвар—Хазорасп—Хонқа—Гурлан—Порсу (Калинин) Гурганч орқали ўтган; учинчиси Журжондан Змухшир қудуқлари бўйлаб Қизиларвот орқали Гурганча ўтган. Гурганча бошланган йўл Устюрт орқали Эмбага, ундан Волга бўйларига, хазарларга ва Булғорга олиб борган. Масъудийнинг берган маълумотларига қараганда, хоразмликлар сув йўлларида фойдаланган ва Хоразмдан ҳар хил юк ортиб катта-катта кемалар Волга дарёсидан қатнаган<sup>170</sup>. Шу билан бирга, бир қанча шаҳар ва қишлоқларни айланиб ўтувчи йўл бир қанча тармоқларга бўлинган ва яна қайтадан бир-бирига қўшилиб кетган<sup>171</sup>.

Х асрнинг бошларида Исмоил Сомоний Хуросон ноибининг рухсати билан Хоразмни ўз ҳукмронлигига қўшиб олди<sup>172</sup>. Аммо хоразмшоҳлар сулоласи Хоразмнинг ўнг қирғоғида қадимгидек ҳукмронлик қила берди; сомоний ноиблари эса, Гурганчада<sup>173</sup> резиденцияга эга бўлиб, фақат Хсразмнинг чап қирғоғини идора қилдилар. Гурганчининг иқтисодий ва сиёсий қуввати тобора кучая борди.

Хоразмнинг ҳар иккала ҳокими ўртасидаги узоқ давом этган кураш Гурганч ҳокимининг 995 йилда Кат шаҳрини эгаллаши ва унинг энг охири африғий хоразмшоҳи Абу Абдуллоҳнинг қатл қилиниши билан тугади.

Гурганч бутун Хоразмнинг маркази бўлиб қолди<sup>174</sup>. Бу сомонийлар ноиб Маъмун даврида бўлиб ўтди. Маъмун сомонийларга номигагина қарам эди. Сомонийлар бу даврда ўз ҳокимиятининг сўнгги йилларида яшамокда эдилар; Хуросон янги сулола—ғазнавийлар қўлига, Мовароуннаҳр ва сомонийларнинг шарқий ерлари борган сари янги истилочилар—қорахонийларнинг ҳукмронлигига ўтиб бормокда эди. Маъмуннинг ўғли Али (907—1004 йиллар) ва унинг укаси Маъмун ўғли Маъмун (1004—1017 йиллар) Хоразмни мустақил идора қила оладиган бўлиб қолган эдилар. Бу даврда бутун Устюрт қирларида кўчманчи ғўзлар чегараси бошланган ерларда чегара қалъалари қурилди. Булар атрофида

<sup>168</sup> С. П. Толстов, Новые материалы по истории культуры древнего Хорезма, ВДИ, 1946, № 1.

<sup>169</sup> Ибн Ховқал, Китоб ал Масолик ал Мамолик, ВГА, т. II, 1873, 350-бет.

<sup>170</sup> Масъудий, Notices et Extraits VIII. Алмаштириладиган моллар ва уларнинг келиб чиқиш ўрни Бартольд асарларида муфассал гапирилади. В. В. Бартольд, Туркестан..., 163—165-бетлар.

<sup>171</sup> В. В. Бартольд, Юқ. кўрс. асар, ўзбек тилига таржима қилинган. М.—Самарқанд, 1931, 99—108-бетлар.

<sup>172</sup> Н. Веселовский, Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве, 28-бет.

<sup>173</sup> В. В. Бартольд, Юқорида кўрсатилган асар., 163-бет.

<sup>174</sup> В. В. Бартольд, Юқорида кўрсатилган асар, 163-бет.

Ўз навбатида анчагина савдо-ҳунар қишлоқлари вужудга келади. Устюрт бўйлаб йўналган саҳро йўллари қатор қудуқлар, Белеули типигаги карвон саройлар билан таъминланган эди. Кўчманчи чорвадорлар — ғўзлар ва бижноқлар бу карвон савдосига муҳтож эдилар, улар ўзларига зарур бўлган молларга кўчманчи хўжалик маҳсулотлари ва юк ташувчи ҳайвонларни олماштирганлар. Бу савдога қудратли Хоразм давлати билан бир қаторда, воҳа ва саҳро ўртасида тинчлик муносабатлари яхши йўлга қўйилишига эришган. Бу парса ҳамма вақт муваффақиятли чиқа бермаган, албатта; айрим кўчманчи қабилалар ва уларнинг иттифоқлари вайронагарчилик келтирувчи ҳужумларни тез-тез уюштириб турганлар. Айниқса чегараолди рустоқлар кўп зарар кўрган; Устюрт қалъаси чегараларининг вайроналари ва араб географларининг берган маълумотлари ўтроқ воҳа ва кўчманчи саҳро ўртасидаги жиддий ўзаро қарама-қаршилиқни етарли даражада тасвирлаб беради.

Гурганч Маъмун II даврида Шарқ мамлакатлари ўртасида энг йирик марказлардан бирига айланди. Унда савдо, ҳунармандчилик, санъат ва фан мужассам бўлган эди. Ҳокимнинг саройи Урта Осиёнинг буюк олимлари — Ибн Сино, Беруний, Форобийларнинг илмий маркази бўлиб қолди, маълумки, бу нарса бўлажак ҳоким Маҳмуд Ғазнавийнинг ёмон кўз билан қарашига олиб келди. Маъмуннинг Хоразм мустақиллигини сақлаб қолиш учун қилган урушлари бефойда бўлиб чиқди ва Хоразм тез орада ғазнавий султонлари ҳукмронлиги остига тушиб қолди. Ички низо бошланди.

Ғазнавийлар, улардан кейин салжуқийлар даврида Хоразм қарам ҳолда эди. XII асрнинг охирида Хоразм шоҳи Отсиз салжуқийлар султони Санжар билан узоқ давом этган курашдан сўнг Хоразмнинг тўла мустақиллигига эришди. Аммо хоразмшоҳларнинг бу мустақиллиги бу сафар ҳам узоққа чўзилмади; XII асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Туркистонда қорахонийлар ва салжуқийлар қорахитойларга бўйсинишга мажбур бўлдилар. Хоразм гарчи улар томонидан забт этилмаган бўлса-да, аммо уларнинг хирожхонасига айланди. Бу Хоразмнинг салжуқийларга қарши курашишда эпчил тактик йўл эди.

Хоразм шоҳи Текеш (1172—1200 йиллар) ўз давлатининг ҳарбий қудратини мустаҳкамлаб олиб, қорахонийларга бож тўлашдан бош тортиди ва уларни Урта Осиёдан суриб чиқаришга ҳаракат қилди. XII асрнинг охирида хоразмшоҳлар давлати Сирдарёдан тортиб, Эроннинг ички областларигача чўзилган эди, мўғуллар истилоси даврига келиб эса, хоразмшоҳлар давлати мусулмон Шарқида энг қудратли давлатлардан бири бўлиб қолди. Хоразм XII асрнинг охири, XIII аср бошларида шундай қудратга эга бўлдики, у ўзининг бутун тарихида бундай кучга эга бўла олмаган эди.

X асрдан кейин воҳанинг ирригация тармоғи кенгаймади. Воҳанинг ирригация системаси мавжуд бўлган чап қирғоқ қисмида бир оз жонланиш бўлди; тарихчилар эски шаҳарларнинг ўсишини ва янги шаҳарларни юзага келишини қайд қилиб ўтдилар. Археологик текширишлар бу даврга мансуб бўлган фортификация усулларидаги ўзгаришни аниқлаш имконини беради. Бу янги техниканинг намунаси сифатида Хазорасп ва айниқса, Дарғон қалъаларини кўрсатиш мумкин.

Текешдан бошлаб, «буюк хоразмшоҳлар» ҳукмронлик қилган даврда Чирмонёнда ҳам маданий ҳаёт тикланди. Шоҳсанам, Змухшир, Говурқалъа, Девқалъа, Қалъалиқир № 2 каби қадимий шаҳар ва қалъалар яна қайтадан жонланиб кетди<sup>176</sup>. Буларнинг ҳаммаси,

<sup>175</sup> С. П. Толстов, Древности Верхнего Хорезма, ВДИ, 1941 й., № 1

дастлаб, Чирмонёпнинг янгидан сув билан таъминланганлигидан далолат беради.

Кушанлар даврида Мадра (Ғозиобод) каналининг узайтирилиши муносибати билан вужудга келиб, X асрда Хоразм воҳасининг анча ғарбий пункти бўлган Змухшир шаҳри Гурганчдан Шаҳристон ва Нисога олиб борадиган йўлда оралиқ пунктлардан бири эди. Мана шу «Шаҳристон йўлида» Змухширдан ҳам Субурна ва шунга ўхшаш қишлоқлар<sup>176</sup> борлиги эслатиб ўтилади. «Субурна,— деб ёзади Еқут,— Хоразм областидаги бир шаҳарчадир. Бу Хоразмнинг Шаҳристон томонидаги охириги чегарасидир. Мен уни 617 йилда гуллаб-яшнаган ҳолда кўрганман»<sup>177</sup>.

Хоразмнинг Хуросон ва шу каби ғарбий областлар билан бўлган қизғин сиёсий ва иқтисодий алоқалари «Шаҳристон» йўлида ҳам жонланишни вужудга келтирди, бу нарса Чирмонёпга сув чиқаришда асосий сабаблардан бири бўлди. Сувнинг ва аҳоли яшайдиган пунктларнинг мавжудлиги савдо карвонларининг, шунингдек, ҳарбий қўшинларнинг кўчиб юриши учун қулайлик туғдирди. Хоразмнинг Шаҳристон йўлидаги истеҳкоми ўша даврда Чирмонёпнинг жануби-ғарби бўйлаб Левқалъагача чўзилган эди. Сўнгра бу йўлдан юрувчилар қудуқлардан фойдаланганлар.

XII—XIII асрларда Чирмонёпга сув чиқариш усуллари ҳақидаги масала ҳалигача текширилмаган<sup>178</sup>.

Гурганч ўша даврда буюк давлат ва жонланган транзит савдонинг муҳим маркази сифатида жуда тараққий этди.

Еқутнинг сўзларига кўра, Журжония Жайхуннинг шарқий қирғоғидаги катта шаҳардир, бу шаҳарни Хоразм аҳолиси Гурганч (арабчиси Журжония) деб атайтиди. Утмишда Хоразмнинг бош шаҳрини Фил, сўнгра Мансура деб юритилган. Уни дарё харобага айлантирган ва у ерда яшовчи аҳоли Амударёнинг ғарбий қисмидаги Мансурага нисбатан унча катта бўлмаган Гурганч шаҳрига кўчиб ўтган. Мансура бутунлай харобага айланиб кетган, ундан асар ҳам қолмаган, Журжония эса катта шаҳарга айланган. «Мен уни 616 (1219) йилда татарлар забт этмасдан ва вайронага айланмасдан илгари кўрганман,— деб ёзади Еқут. Мен умримда бу шаҳарга ўхшаш катта бойликка ва хўснга эга бўлган яхшироқ шаҳарни кўрмаганман. У татарлар томонидан вайронага айлантирилгандан сўнг, унинг шундай бўлиб қолганлигига ишонмайди киши, чунки менгача етиб келган (маълумотларга) қараганда, у шаҳардан асар ҳам қолмаганлиги ҳақида гапирилади ва у ерда яшаган аҳолининг барчаси қатл қилинган. Битмас-туганмас бойликлари ва пойтахтининг кенлиги, аҳолиси сонининг жуда кўплиги ва яхшилиги билан Хоразмнинг бош шаҳарига ўхшаган шаҳар бўлмаган бўлса керак деб ўйлайман...»<sup>179</sup>.

Бу даврда юқори дельтанинг шимолий қисмида воҳанинг ғарб томонга қараб анча кенгайганлиги кузатилади. Гурганчдан ироқда, ғарб

<sup>176</sup> С. П. Толстов Субурна қишлоғини қуйи Чирмонёпдаги Шоҳсанам вайроналарига ўхшатади.

<sup>177</sup> Еқут, III том, 32-бет.

<sup>178</sup> XX асрда Чирмонёпга сув чиқариш проекти тузилган. Биз Исфандиёрхоннинг биринчи вазири Исломоҳожиннинг буйруғига асосланиб Тунударё бўйлаб Змухширгача бўлган ерлар реконструкция қилингандан сўнг қуйидагича проект тузилганлигини аниқлашга муяссар бўлдик: Довдондаги четга чиқариб ташланадиган барча сувларни Ғозиобод каналининг қуйи томони билан бирлаштириш ва Чирмонёп томон йўллаш, бошқа томондан эса, шу ерларнинг ўзига Тунударёда йиғилган сувни йўллаш тавсия қилинган. Чирмонёпга сув чиқаришга шу асосда ҳаракат қилинган эди. Бу проектининг кейинчалик қай аҳволда бўлгани номаълум.

<sup>179</sup> Еқут, II том, 54 ва 486-бетлар.

томонда Шимоҳийқалъа ва шунга ўхшаш аҳоли яшайдиган пунктлар вужудга келади. Шимоҳийқалъанинг харобалари Кўҳна Урганчининг ғарбидан 30—35 км нарида, худди Устюрт бурнининг ўзида жойлашган.

Шимоҳийқалъа XII—XIII асрларда барпо этилиб, то XVI асрнинг ўрталаригача ҳукм суриб келди. Археологик ёдгорликларнинг кўрсатишича, шаҳарнинг гуллаб-яшнаган даври Хоразмнинг Олтин Ўрда хонлиги билан мустақкам алоқа қилган даврига тўғри келади. Шимоҳийқалъанинг вужудга келиши XII асрда Қоон (Қовун) каналининг бўлганлигидан далолат беради. Бу канал ҳозирда ҳам Кўҳна Урганч орқали оқиб ўтади.

Истахрийнинг гувоҳлик беришига кўра, X асрда Хоразмнинг чап қирғоқ воҳаси Гурганчининг ғарбидан фақат 6—7 км. масофага жойлашган. Археологик материаллар бу ёзма манба маълумотларини тасдиқлайди ва ўз навбатида, Қоон канали XII асрдан илгари қурилмаган деб тасдиқлашга ёрдам беради. Кейинги археологик текширишлар бу ўрта аср канал воҳасининг ўтмиш тарихини ёритиш учун зарур бўлган материаллар беради.

Гурганчга борган Еқут Амударёнинг қуйи дельтасида бўлмаган бўлса керак, чунки у бу областдаги бир қанча аҳоли яшайдиган пунктлар ва шаҳарлар ҳақида ҳеч нарса айтмайди. У, X асрда Истахрий, Мақдисий ва Ибн Фадланлар қайд қилиб ўтган бир хил номда аталадиган каналда Курдар шаҳари бўлганлигини билмайди. Еқут Қардар (Курдар) шаҳрини Хоразмдаги бирор жой (область)нинг номигина деб кўрсатади. Унинг Курдар аҳолиси тили ҳақида берган маълумоти айниқса характерлидир (Еқутдан илгари Курдар аҳолиси тилининг ўзига хос хусусиятга эга эканлиги ҳақида Ибн Фадлан қайд қилиб ўтган эди)<sup>180</sup>. Еқутнинг таърифича, бу тил «на Хоразм ва на турк тили»<sup>181</sup> бўлган. Берунийнинг ўша вақтдаёқ Орол денгизидан, шарқ-шимоли-шарқ томонда бўлган туркман мамлакатлари ҳақида маълумот бериб,<sup>182</sup> шу билан бир қаторда у Каспий денгизи бўйида яшаган қабилаларнинг (олон ва осларнинг) тили хоразм тилининг бижноқ (турк) тили билан аралашмасидан иборат деган фикрини эслайлик. Гарчи Ибн Фадлан бу халқнинг X асрдаёқ шу ерда яшаганлигини аниқ кўрсатса-да, Беруний ва Еқутнинг берган маълумотларини таққослаб, Еқут ҳам туркман қабилалари Амударё этагидан Амударё қуйи дельтасига ёйилганлар демоқчи, деб фараз қилиш мумкин. Курдар аҳолисининг тили, афтидан, Хоразм ва турк тилининг бирикмасидан иборат бўлган бўлса керак.

Хоразмнинг маданий ва иқтисодий аҳволи Еқут саёҳат қилган даврда (1219—1220 йиллар) жуда юқори даражада бўлган. Археологик маълумотлар, бу даврда Хоразмнинг чап қирғоғидаги ерлар то Орол денгизига қадар ўзлаштирилган деб кўрсатишга имкон беради.


Амударёнинг ўнг қирғоғи ҳам Хоразмнинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаган манзарасини кўрсатади.

Амударёнинг Туямўйингача бўлган барча қирғоғи қадим даврларда бўлганидек, дарё бўсағаларини ҳимоя қилувчи стратегик пунктларга мўлжалланган мустақкам қалъалар билан ўралган, шунингдек Бухоро воҳасидан Амударёга олиб борувчи карвон йўлларини ҳимоя қилган. Улар ичида Наргиз, Оқрабат, Қизқалъа, Тошқалъа, Мешикли ва бошқалар алоҳида диққатга сазовордир.

<sup>180</sup> МИТТ, I том, 156-бет.

<sup>181</sup> Еқут, IV том, 257-бет.

<sup>182</sup> Беруний, ВДИ, 1941 й, № 1.



11-расм. Чингизхон истелосидан олдин (XIII аср) Хоразмининг суғориш тармоқлари ва гидрографиясининг схемаси. Шартли белгилар: 1—сув оқиб турган каналлар; 2—Амударёнинг ўша даврдаги ўзани; 3—ботқоқ ва тошқинлар; 4—шаҳарлар



Амударёдан 2 км наридаги баланд адрнинг устига жойлашган чап қирғоқдаги Қизқалъа алоҳида диққатга сазовордир.

Адрнинг энг юқори қисми бутунлайича мудофаа мақсадида фойдаланилгани учун қалъа жуда мустаҳкам бўлган. Қалъага жанубдан тор қия йўлаксимон пастлик ўтган, афтидан бу ўша вақтда пандус бўлиб хизмат қилган. Бу пандус қўрғоннинг худди олдида гипс қоришмасидан қурилган лабиринт билан тамом бўлади.

Адрнинг барча майдони тош парчалари аралаштириб лой билан ишланган девор билан ўралган. Девор бўйлаб қалъа гарнизони учун тураржойлар қурилган. Шарқий қисмида шундай тошлардан қурилган катта бинонинг деворлари сақланиб қолган, афтидан, бу жой қўмондонлик состави учун мўлжалланган бўлса керак. Бинонинг марказида сув сақлаш учун айлана шаклидаги ҳовуз бўлган.

Қалъанинг ғарбий қисмида қалин қоясимон грунтда 5 та айлана ва овал шаклидаги ҳовуз қазилган. Уларнинг баъзилари пишққ гишт билан қопланган ва гипс билан сувалган. Ҳовузнинг диаметри ўрта ҳисоб билан 4—4,5 м. Улар Урта Осиёнинг бир қанча пунктларида сақланиб қолган сахро сардобаларига ўхшаш бўлиб, гумбазлар билан қопланган бўлса керак.

Қалъанинг ғарб томон деворлари сиртдан ярим айлана шаклидаги учта бурч билан мустаҳкамланган. Қалъанинг жануби-ғарбий бурчагида жойлашган бу бурчлардан бирининг ичида теварак-атрофи пишққ гишт билан ўралган қудуқ бўлган. Қудуқнинг девори катта чарм қовға билан сув олиниши натижасида суркала бериб, силлиқ бўлиб кетган, қалъа аҳолиси қудуқдан сув олиб ичган. Қудуқ Қизқалъа баландигининг асосига етиб борган ва унга ер остидан сув оқадиган махсус йўл ўтказилган<sup>183</sup>.

Қизқалъадан 2 км йироқда Амударё қирғоғида унча катта бўлмаган Йигитқалъанинг харобалари жойлашган, бу ҳам тошдан қурилган. Унинг ҳам ички деворлари бўйлаб унча катта бўлмаган гарнизон учун тураржой қурилган.

Сув ўтказилган йўлнинг умумий йўналишига қараб ҳукм қилганда, Йигитқалъа сув тўплашда бу яширин ер ости каналининг ёрдамчи, асосан олганда ҳимоя қилувчи пункти бўлиб хизмат қилган.

Бундан ташқари, ҳар иккала қалъанинг ўртасида тўғри йўл бўйлаб ҳар бири 300—350 м масофада унча катта бўлмаган дўнглар, ер ости сув йўллариға мансуб бўлган қандайдир иншоотларнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Худди шу ернинг ўзида диаметри 50—60 см бўлган сопол сув қувурларининг бўлаклари қолган. Бу дўнглар сув қувурларини тозалайдиган жой бўлган бўлса керак. Ер ости сув йўлларининг сув билан таъминлаш системасини кориз системаси билан аралаштириб юбормаслик лозим.

Бу ер ости сув йўлида ер устидан ўтказиладиган каналлардаги сингари сув ўз табиий кучи билан қувурлар орқали қудуқларға келиб тушган, бу қудуқлардан аҳоли челақларда юқорига сув тортиб олган ва хсвузларда сақлаган.

Барча археологик маълумотларға қараганда, Қизқалъа ва Йигитқалъа фақат XII асрнинг ўрталаридан бошлаб XIII асрнинг бошларигача ишлаб келган; мўғуллар истилосидан сўнг бу қалъаларда ҳаёт тугаган.

<sup>183</sup> Қудуқнинг тасвири 1877 йилда Петрусевицнинг «Предварительный отчет об исследовании Дарьялька (Узбоя) и местности между Аму-Дарьей и Сары-Камышем», житобида берилган, Известия КОРГО, т. XVIII, отдельный оттиск, 9-бет.

Говхўра канали воҳасидаги деҳқончилик қилинадиган ерлар қадимгидек Шўраҳон шаҳри районидан бошланган. Бозорқалъа ва Қирққиз каби қадимий каналлар қайта тикланмаган. Қирққиз каналининг суви XII—XIII асрларда Бозорқалъа (ҳозир Қалтаминор) орқали оқиб ўтиб, қадимги Ирисқалъанинг харобаларигача бориб ўтган<sup>184</sup>. Шундай аҳвол Қалтаминор воҳасида ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Бу даврда Говхўранинг асосий оқими ва унинг Керих ёки Гиря деб аталувчи шохобчаларида анча жонланиш бўлган. Анчадан буён бўш ётган қадимий Улу Гулдурсун қалъаси қайтадан ишга туширилган, унинг фортификация иншоотлари замоннинг талабига мувофиқ янгидан қурилган.

Бу даврда Улу Гулдурсундан 1,5 км жануби-ғарбий томонда Кичик Гулдурсун деб аталувчи катта кўшк ва бир қанча қўрғонлар бунёдга келган, булар Гулдурсун районини суғориш тармоғининг бир оз кенгайганидан далолат беради.

Керих (Гиря) каналининг воҳаси Қаватқалъа районлари билан чегараланган.

Қаватқалъа ўша вақтда ташландиқ қалъалардан бири бўлган, унинг излари ҳозирги кунгача сақланиб келади, бу излар орқали ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий қиёфасини белгилаш мумкин. Феодал тузумни ўтаётган Хоразм ҳаётида африғийлар давридан бошлаб катта ўзгаришлар юз берган. Жиддий тус олган ўзаро урушлар тинч ҳаёт ва аҳолининг хавфсизликка бўлган ишончи билан алмашинади. Тураржойларнинг қиёфаси ўзгаради: африғийлар даврининг мустаҳкам қалъалари феодалларнинг ҳашаматли турар жойларига ўрин бўшатиб бера бошлайди.

## 2. XIII—XVI АСРЛАРДА ХОРАЗМ ИРРИГАЦИЯСИ

Хоразмнинг сўнги подшоси Алоуддин Султон Муҳаммад ҳокимлик қилган даврда (1200—1220 йиллар) Хоразм феодал давлати энг кучли турк қабилалари — қанғли, қипчоқ, туркман, шунингдек тожик аҳолисини ўз ҳокимияти остига вақтинчалик бирлаштириб, катта қудратга эга бўлади. Хоразмшоҳ Муҳаммад деҳқончилик қилинадиган воҳаларнинг ва шаҳарларнинг ҳукмрон синфларига суяниб шарқда қорахитойлар ва ғарбда халифаликка қарши кураш олиб боради. У қорахитойларни. Мовароуннаҳрдан сиқиб чиқарди ва дунёни забт этишни ҳаёт қилиб, халифаликнинг маркази бўлган Бағдодга қарши юришга тайёргарлик кўради.

Энди буюк давлатга айланган Хоразмнинг ички қисмида кўчманчи турк қабилалари ва маҳаллий зодагонлар вакиллари ўртасида тўхтовсиз сиёсий кураш давом этади, бу кураш хоразмшоҳ атрофидаги сарой доиралари ўртасида ҳам жиддий тус олади. Хоразмшоҳнинг қипчоқ онаси ва унинг қариндош-уруғларининг, шунингдек, кўпгина руҳонийларнинг таъсири остидаги, халифаликка ён босган турк группалари ҳокимиятни ўз қўлига олишга уриндилар, бунга хоразмшоҳнинг ўғли ва тахт эгаси Жалолиддин Мангуберди шаҳар ва қишлоқ зодагонлари ёрдамида тиш-тирноғи билан қарши туради.

XIII асрнинг ўнинчи йилларида бундай кескин вазият ҳукм сурган. Бир вақтда шарқдан янги хавф вужудга келади: ҳозирги Мўғулистон территориясида Чингизхоннинг кўчманчи давлати тузилади, у қадимги

<sup>184</sup> С. П. Толстов, Новые материалы по истории культуры древнего Хорезма, ВДИ, 1946 г. № 1.

савдо йўлида бўлган барча мамлакатларни ўз ҳукмронлигига бирлаштириш учун ҳаракат қилади.

Шарқда кучли душманнинг вужудга келиши ва у томонидан Хитойнинг босиб олиниши хоразмшоҳнинг дунёга ҳоким бўлиш планларини пучга чиқарди. Хоразмшоҳ мўғул давлатининг юксалиб келаётган қудратини менсимай, Хоразмга нисбатан вақтинча муътадил дипломатия ўтказувчи Чингизхоннинг ғазабини келтирди, бу билан у Чингизхоннинг Ғарбга бўлган юришини тезлаштирди.

Мўғуллар биринчи марта хоразмликлар билан 1218 йилда Қозонистон территориясида тўқнашади. Такаббур хоразмшоҳ аввало ўз душманини менсимайди, аммо тез орада шароитнинг жиддийлашиб бораётганини сезгач, саросимага тушди ва душман билан очиқ жанг қилишга қарор қилмади.

Мўғуллар ғарбга томон яшин тезлигида юра бошладилар. Бир неча ой ичида Мовароуннаҳр ва Сирдарё этагидаги Жанд областлари қўлдан кетди, мўғуллар Хурасонга деярли уруш қилмасдан кириб бордилар; Рашидиддиннинг жонли равишда тасвирлашига кўра, «Хоразмни узилиб ерга ёпирилиб қолган чодир тагида қолди»<sup>185</sup>.

Мўғул лашкарлари ўзлари босиб олган маданий ерлардаги барча буюмларни қўлга киритдилар. Қадимий бой шаҳарлар қанчалик қаршилиқ кўрсатмасин, талон-тарож ва вайрона объекти бўлиб қолди. Мўғулларга очиқ-ойдин қаршилиқ кўрсатган пунктлар бутунлай харобага айлангирлар, аҳолиси эса, аёвсиз қириб ташланар эди. Босқинчилар маҳаллий ҳукмрон сулолаларнинг барча вакилларини йўқ қилиб юбордилар.

Хоразмшоҳ саройида бутунлай тушкунлик ҳукм сурди. Хоразмшоҳ қочиб кетди, на ҳарбий бошлиқ, на мамлакатни ва на марказ—Гурганчни қутқариб қолиш плани бор эди. Мўғул лашкарларининг барча кучи Чингизхоннинг ўғиллари Жўжи, Чигатой, Угадой бошчилигида Гурганчга қаратилган эди. Тарихчи Муҳаммад Насавийнинг сўзларига кўра, Чингиз Хоразмни ўз ўғли Жўжигга мулк қилиб бермоқчи бўлган, Жўжи Хоразмнинг бой ва гўзал марказини бузмасдан сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Шунинг учун шаҳарга босиб киришдан аввал шаҳар аҳолиси билан музокара олиб борган, у шаҳарни ўз хоҳиши билан топширишга кўндирган ва шундай қилинганда аҳолига озор етказмасликка ваъда берган.

Насавий ўзининг бу ахборотини қуйдагича қувватлайди. «Мўғул қўшинлари Гурганч яқинида туриб унинг қишлоқларини талон-тарож қилишга урунмадилар, Гурганчни бошқа (область) лардан юқори қўйиб, унга зўр эътибор ҳамда эҳтиётлик билан қаради ва уни йўқ қилиб юбормаслиги учун тиришди»<sup>186</sup>.

В. В. Бартольд ҳам Гурганч масаласи ҳақида Чигатой билан Жўжи ўртасида бўлиб ўтган келишмовчиликни<sup>187</sup> таъкидлайди. Мўғулларнинг тактик одатига амал қилган Чигатой шаҳарни талон-тарож қилиш ва сўнг вайрон қилишни талаб қилган бир вақтда бу бой ва гуллаган шаҳарни ўз ерларига киритишга ишонган Жўжи, шаҳарнинг тақдирига эътиборсиз қарай олмади. Жанжални Чингизхон бартараф қилди, у бу жанжалнинг сабабини билиб олиб, бош қўмондонликни кичик ўғли Угадойга топширди ва урушни одатдаги тарзда давом эттириш ҳақида

<sup>185</sup> Рашидиддин, Жомий ат-таворих, ВОРАО асарлари, V ва XI т. СПб., 1858, 69-бет.

<sup>186</sup> Насавийнинг «Сира ас-Султон Жалолиддин Мангуберди» китобидан таржима (цитата) МИТТ, I т. 480—481-бетлар.

<sup>187</sup> В. В. Бартольд, Туркестан..., ўзбекчага таржимаси, 308-бет.

Буйруқ берди. Аҳолининг кўрсатган қаршилигига қарамай, мўғуллар шаҳарга ёриб кирдилар ва шаҳарни вайрон қилдилар. Амударё сувини тутиб турган тўғоннинг бузиб юборилиши солномаларда кўрсатилмаслиги алоҳида диққатни жалб этади, ваҳоланки, тўғоннинг мўғуллар томонидан бузиб юборилганлиги шубҳасиздир. Рашидиддинда мўғулларнинг кўприкни бузишга, «шаҳарда кўприк қурилган» Жайхун дарёсининг сувини буриб юбориш учун урунганлиги, бунинг учун 3 минг мўғул жангчилари ажратилганлигини тасвирловчи маълумотларга эгамиз. Аммо, бундай уринишлар аҳоли томонидан пучга чиқарилган. Шундай қилиб биз яна, кўприкни тўғон билан ўхшатишликни кўрамиз.

Барча босиб олинган ерлар Чингизхон ўғиллари ўртасида катта улус сифатида тақсимланган. Хоразм ҳамда Ғарбий Қозоғистон ва РСФСРнинг Европа қисмидаги шарқий район территориясидаги ерлар Жўжи улуси бўлиб қолди. Чингизхон ўша вақтдаёқ Хоразмнинг жанубий қисмини Кат ва Хева шаҳарлари билан Жўжи улусидан айириб, Чигатой улусига қўшиб берган эди<sup>188</sup>. Ҳақиқатан ҳам 1329—1331 йилда тузилган ва Палладий томонидан чиқарилган Хитой картасида Жўжи ва Чигатой улусларининг чегаралари Кэ-ти (Кат) ва Хула-цзы-му (Хоразм-Урганч) шаҳарлари ўртасида эканлиги кўрсатилган<sup>189</sup>.

Хоразм Мовароуннаҳр ва бошқа мамлакатлар сингари бир қанча даврлар хароб бўлиб ётди, ундаги шаҳар ва рустоқлар вайрон қилинди.

Деҳқонлар ва шаҳар ҳунармандлари қисман қириб юборилди, аҳолининг кўпгина қисми эса, Мўғулистонга ҳайдаб кетилди. Омон қолган савдогарлар, дин вакиллари ва бошқа аҳоли мусулмон Шарқнинг ғарбидаги мамлакатларга қочиб кетдилар.

Тоҳирия, Дарғон, Жигарбанд, Садвар, Қардаронхос, Совкан, Ардахушмитон, Нузвор, Гулдурсун, Шўраҳон, Норинжон, Қаватқалъа, Маздахқон, Курдар ва шу каби шаҳарлар ҳамда қалъалар абадий харобага айланиб қолди. Қолган шаҳарлар ва қишлоқлардаги ҳаёт бир қанча вақт ўтиши билан тикланган эди. Аҳолининг бутунлай қириб юборилиши ва барча шаҳар ҳамда рустоқларнинг вайрон қилиниши ҳақиде гап бўлиши мумкин эмас; солиқ йиғиб олишга қизиққан мўғуллар Хоразмда аҳоли бўлиши кераклигини тушунган эдилар.

Аммо мўғуллар империясининг бошлиғи Угадой қооннинг (1229—1239 йиллар) фармониға мувофиқ аҳолининг маълум қисми ўз ватанига қайтарилган эди. Масалан, қайтиб келганлар ичида Хиротдан олиб кетилган бир тўда ҳунармандлар ҳам бор эди<sup>190</sup>.

Бу чора Хоразмда асир олинганларға нисбатан ҳам қўлланган бўлиши мумкин.

Доймий равишда тозалаб туришни ва қараб туришни талаб қиладиган суғориш тармоқлари тушкунликка тушди.

Мўғуллар истилоси билан боғлиқ бўлган тарихий-географик воқеалардан бири— Гурганч ва ундаги тўғоннинг бузилиб кетиши натижасида Амударёнинг Сарикамиш чуқурлиғи томон уриб кетиши бўлди, шаҳардаги тўғон Амударё сувини тўхтатиб ва бошқариб турар эди. Демак, Хоразмнинг суғориш хўжалиғи ҳам (ўз давриға нисбатан) юқори даражада эди, чунки Гурганч шаҳри яқиниға қурилган тўғон сувни шаҳарға ўтказмай, Амударёнинг кучли оқимини тўхтатиб турарди ва дарёнинг ўрта дельтасида барча суғориш системасининг турғунлиғи-

<sup>188</sup> Зафарнома, Низомиддин Шомий, МИТТ, I том, 514-бет.

<sup>189</sup> Юқоридаги карта Пекиндаги Россия диний миссиясининг асарларида кўрсатилган, I том, В. В. Бартольд ҳам «Сведения об Аральском море» китобида шу маълумотни келтиради.

<sup>190</sup> А. Беленицкий, Историческая топография Герата XV в., сб. «Алишер Навои», М., 1946, 176-бет.

ни таъминлар эди. Тўғоннинг бузилиб кетиши Хоразмдаги суғориш системасини бутунлай ўзгартириб юборди ва бу районда асрлар давомида яратилган суғориш системасини узоқ муддатга ишдан чиқарди.

Биз юқорида Урганч шаҳрининг майдони Дарёлиқнинг ўнг қирғоғидангина иборат бўлмаганлиги ҳақида гапирган эдик. Дарёлиқнинг чап қирғоғида ўнг қирғоқ харобаларидан жануб-шарқ томон чўзилган катта территория мўғуллар истилосигача бўлган шаҳар билан банд. Шаҳар харобасининг умумий қиёфаси ҳақиқатда ҳам ўша ерда халокат юз берганидан далолат беради.

Шаҳардаги барча ерлар даҳшатли сув тошқини билан харобага айланган ва ювилиб кетган. Амударё сувининг ўпириб кетганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи дарё лойқалари шаҳар территориясини қалин қатлам билан қоплаган. Ҳозирги вақтда бу дарё ётқирикларни ўпирилиб ва нураб, улар остидан маданий қолдиқлар чиқмоқда.

Чингизхон истилосидан илгари Гурганчга борган Ёқут аҳоли томонидан қурилган ва дарёнинг бузиб юборувчи кучига тўсқинлик қилган тўғон ҳақида гапирди<sup>191</sup>.

Ибн ал Асирнинг берган маълумотиغا қараганда, шаҳарликлар қаршилигини бостириш ва шу шаҳарлардаги ҳаётни йўқ қилиш учун бу тўғон мўғуллар томонидан бузиб юборилган<sup>192</sup>.

Сув тошқинидан ҳаммадан аввал шаҳарнинг қирғоқнинг ўнг қисмига нисбатан пастроқда жойлашган чап соҳилидаги қисми кўп зарар кўрган бўлса керак. Сув тошқини натижасида кўп жойлар харобага минора, Фаҳриддин Розийнинг мақбараси). Агар бу ёдгорликларни лар шаҳарда сақланиб қолган (Султон Текеш мақбараси, 1011 йилги минора, Фаҳриддин Розийнинг мақбараси), Агар бу ёдгорликларни шимол томонда, яъни шаҳарнинг анча баландроқ қисмида жойлашган ва узоқ вақт сув таъсирига дуч келмаган деб ҳисобланса, бу ёдгорликларнинг сақланиб қолиши ҳақида ажабланишга ўрин қолмайди.

Шаҳарни қоплаб олган сув ахир аста-секин ўзи учун йўл очиб Сариқамишга қуйилди. Бу Дарёлиқ ўзанининг ўзи эди.

Ёқут ўзининг 1229 йилда ёзиб тугатган луғатида Амударёнинг Каспий денгизига қуйилиши<sup>193</sup> ҳақида гапирди. Унинг бундай дейишига сабаб, Амударёнинг Сариқамиш ва Ўзбойга бурилиши ҳақидаги бўрттириб айтилган гаплар бўлган бўлса керак. Ўз-ўзидан, маълумки, Амударё ўша вақтда Сариқамиш дарёсини тўлатиб, ортган сув XIII асрда Ўзбойга уриб кетган бўлиши мумкин. Аммо сув Каспий денгизига доимо оқиб турган эмас ва оқмаган ҳам, бу ҳақда биз қуйироқда сўзлаймиз.

Ўзбойда ўтказилган янгидан-янги геологик<sup>194</sup> ва археологик<sup>195</sup> текширишлар у ерда ирригация, деҳқончилик бўлмагани ва аҳоли яшамаганидек, тарихий даврда Ўзбой бўйлаб оқим ҳам бўлмаганлигини тасдиқлади.

Абдулғозихоннинг<sup>196</sup> Урганчдан тортиб то Ўғирчигача бўлган ерларнинг қадим замонлардаги ажойиб хусусиятлари тўғрисида берган гувоҳномаси Дарёлиқ соҳилларининг фақат Сариқамиш чуқурлигигача бўлган ерларига оид бўлиши мумкин.

<sup>191</sup> Ёқут, II том, 433-бет.

<sup>192</sup> В. Тизенгаузен, Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, I том, СПб., 1884, 32-бет.

<sup>193</sup> Ёқут, IV том, 670-бет.

<sup>194</sup> А. Кесь, Русло Узоя и его генезис (выводы), Труды института географии, вып XXX, М.—Л., 1939.

<sup>195</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, 12-боб.

<sup>196</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, Демезон нашри, 207-бет.

А. Кеснинг берган ишончли маълумотларига қараганда, Узбой ажойиб равишда сақланган типик дарё водисидир. Узбой, унинг фикрича, фақат Сарикамиш ҳавзасидан сув олиб турувчи қадимги мустақил дарёнинг қуруқ ўзани бўлиб, у ўз навбатида Амударёдан ҳам сув олган. Тарихий даврда Узбойга фақат Сарикамишдан вақти-вақти билан сув уриб турган бўлиши мумкин.

Мўғуллар истилосигача бўлган авторлардан бирортаси ҳам Гурганч билан Сарикамиш ўртасида қандайдир оқим ёки сақланиб қолган қуруқ ўзан борлигини кўрсатмайди. Бу борада Берунийнинг Сарикамиш ҳақидаги анализи алоҳида қимматга эга. Унинг фикрича, Амударё қадим замонлардаёқ Қорақум орқали, тахминан ҳозирги Хоразмнинг жанубий чеккалари орқали оқиб ўтган ва Сарикамиш ҳавзасига қуйилган.

Қизиғи шундаки, Беруний Амударёнинг барча қадимий ўзанлари ва тармоқларини синчиклаб тасвирлар экан, Дарёлиқ ҳақида ҳеч нарса гапирмайди. У Сарикамишнинг қадимги сув оладиган жойини Тунударёнинг мавжуд бўлган жанубий ўзани Зайкаш тармоғи деб кўрсатади, унинг қуйи оқими Довдонга тўғри келади.

XI асрда Гурганчда яшаган ва Амударёнинг илгариги оқимлари ҳақида маълумот тўплаган Беруний шаҳар яқинидан ўтган ва Сарикамиш чуқурлигини сув билан таъминлаган Дарёлиқ каби муҳим ўзани хотирадан чиқармаган бўлса керак. Шундай ўзан мавжуд бўлган бир вақтда, у ўтмишда Сарикамишни сув билан таъминлаган манбани ахтариб ҳам ўтирмас эди. Берунийнинг бу ҳақда гапирмаслигига сабаб шундаки, унинг замонида Дарёлиқ бўлмаган ва у мўғуллар истилоси даврида илгариги дарё ўзанининг шарқдан ғарбга, Гурганч шаҳари томон аста-секин сурилиши натижасида ўзан сифатида вужудга келган.

Агар дарё ўзани Ибн Руста ва Истахрий замонида Гурганч шаҳридан шарққа томон бир фарсах нарида бўлган бўлса, Мақдисий замонида дарё шаҳарга шунчалик яқинлашиб қолганки, шаҳар аҳолиси сув тошқинига қарши тадбирлар кўрган, тўғонлар қурганлар, дарё оқимини шаҳардан четга буриб юборганлар<sup>198</sup>.

Бу тўғон дарёнинг бош ўзани уриб кетиши хавфидан қутилиш учун яхшилаб ва доим ишланиб турилган. Дарё Екут кетгандан сўнг уриб кетади. Ибн ал Асир кўрсатганидек, бу ўпирилиш мўғулларнинг тўғонни атайин бузиб юборишлари асосида вужудга келганми, ёки шаҳарнинг бўшаб қолиши натижасида ҳар йилги ремонтлари тўхтаб қолишидан келиб чиққанми, ҳозир биз бу ҳақда фикр юрита олмаймиз. Қандай бўлмасин ўпирилиш бўлган ва Амударёнинг кўпгина суви Сарикамишга бориб қуйилган.

В. В. Бартольд ўзининг машҳур «Сведения об Аральском море» деган асарида Ибн Рустанинг тезисларини қанчалик тўғри шархлайди деган савол туғилади. Бартольд XIII асрда вужудга келган Дарёлиқ ўзанини Руста эслатиб ўтган «чап шохобча» билан битта ўзан деб кўрсатишга уринган.

Ибн Рустанинг кўрсатишича, Харвос қишлоғининг (Маздахқон ўзани) қуйида дарёдан чап томонга қараб шохобча ажралиб чиққан, шохобча Варағдеҳ (Журжониянинг қуйидан 4 фарсах нарида) қишлоғигача бориб етган<sup>199</sup>. Демак, шу жойлар билан тўла танишиб чиқиш натижасида чап шохобча Журжониянинг қаердадир шимолроқ томонида дарёдан ажралиб қолганлиги ҳақида ишонч ҳосил бўлади.

<sup>198</sup> Мақдисий, Юқорида кўрсатилган асар, 288—289-бетлар.

<sup>199</sup> Ибн Рустанинг текстидан Варағдеҳгача дарёнинг асосий оқими ҳам бориб етганлигини тушуниш мумкин.

Хоразмда бўлмаган ва унинг тарихий топографиясини билмаган ҳамда фақат ёзма манбаларга асосланган В. В. Бартольд эса, Ибн Рустанинг «чап шохобча» сини Журжониянинг жанубироғида бўлган деб кўрсатади. У «чап шохобча» XIII асрда тўғон ўпирилган вақтда қайта тикланган ва ҳатто дарёнинг бош ўзани бўлиб қолган дейди<sup>200</sup>. В. В. Бартольд Ал Умарийнинг (XIV аср) Гурганч Жайхуннинг икки тармоғи ўртасидаги хароба бўлиб қолди деган кўрсатмасига ва ўзининг чалкаш фикрига асосланиб, Истахрий, Ибн Хавқал ва Ибн Русталар эслатиб ўтган Ҳолижон жойларини Сарикамиш чуқурлиги билан бир нарса қилиб кўрсатмоқчи бўлади<sup>201</sup>.

Бизнинг тахминимизга кўра бу айрини (Ал Умарий «Чолвор») Гурганчнинг шарқий томонидан оқиб ўтган ва XIII асрда бунёдга келиб, Гурганччи жануб томондан айланиб Сарикамиш томон йўналган, Амударёнинг Дарёлиқ вужудга келтирган эски (Орол) ўзани яратган.

Мўғуллар истилосигача бўлган Амударё ўзани, гарчи анча кичиклашиб қолган бўлсада, сув ундан узоқ даврлар давомида оқиб турган чунки Хонёл (асли исми Қоон—Я. Ф.) Олтин Урда даврида ҳам ҳаракатда бўлган ва Шимоҳий шаҳри қадимгидек яшаган ва гуллаб-яшнаган.

Абдулғозининг Урганчнинг шарқ томонида Дарёлиққа яқин ерда Фотмахотун тўғони борлиги ҳақида берган кўргазмаси мўғуллар даврида сув билан таъминлашни сақлаб қолиш учун эски тўғонни тиклашга тегишли гап бўлса керак.

Чингизхоннинг ўлкан империяси, юқорида айтилганидек, эндиликда учта катта давлатга бўлинди: 1) Ўрта Осиёда Чигатой давлати; 2) Эронда хулагийлар давлати ва 3) Олтин Урда давлати.

Бу янги кўчманчи давлатлар босиб олинган ерлардаги халқларни ўз ҳокимияти қўли остида сақлаб туриш учун кўчманчилардан жуда кўп миқдорда қўшин сақлашга мажбур эдилар. Улар қўшинларни ўз қўллари остидаги мамлакат ва халқларни талаш билан рағбатлантирар эдилар.

Мўғул хонлари ўлпон ва солиқлар йиғишда қатнашмас эдилар, маҳаллий феодаллар уларнинг вакили бўлиб, ўзларининг босқоқларини ёрдамга юбориб турардилар. Ута кетган оғир солиқ зулми деҳқон ва ҳунармандларни қашшоқлашиш ва ачинарли аҳволга олиб келди. Аҳолининг норози бўлиб чиққан ҳар қандай кўтарилиши мўғул қўшинлари томонидан аёвсиз равишда бостирилди.

Аммо мўғуллар мамлакатнинг экономикасини қўллаб-қувватлаш зарурлигини тушуниш соҳасида анча узоқни кўрардилар; мўғул империясининг бепоён ерларида областлар ўртасида иқтисодий алоқа қилиш ва хавфсиз карвон савдосининг юриши таъминланган эди. Ҳунармандлар марказий шаҳарларга жойлаштирилган ва улар маҳсулотларини сотиш учун ишлар эдилар. Сарой Берка, Сарой Боту ва Урганч шаҳарлари карвон савдосининг маркази бўлиб қолган эди, бу ерларда ҳунармандчилик ва маданий ҳаёт гуллаб-яшнаган эди. Бу шаҳарларда турли маданиятдаги, дин ва эътиқоддаги халқларнинг вакиллари йиғилар эди. Устюртнинг сувсиз чўлларида оғир шароитда узоқ саёҳат қилиш қийин бўлишига қарамай, Хоразм ва Қуйи Волга шаҳарлари ўртасида савдо бутунлай жонланиб кетган эди.

1933 йилда Мароқаш сайёҳи Ибн Ботута ҳар иккала Саройга ва Урганчга келган эди. Унинг ёзишига қараганда, саройдан Хоразмгача

<sup>200</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, стр. 47.

<sup>201</sup> Шу асар, 39-бет.

(Урганчгача) 40 кунлик йўл бўлган. У Берка Саройдан Боту Саройгача отда 10 кун юрган, сўнгра чўл билан Хоразмгача туяда 30 кун юрган. Ибн Батутанинг сўзларига қараганда, Хоразм (Урганч — Я. Ф.) турк шаҳарлари ичида энг гўзал, бозорлари бой, кўчалари кенг, бинолари кўп бўлган. «У (Урганч) аҳолисининг кўплигидан денгиздек тўлқинланиб туради. Бир куни мен отда кетдим... бозорга кириб бордим. Шўр деб аталадиган жойга бориб қолдим ва шунча оламон ичида қолиб кетдимки, нариги томонга силжий олмадим. Орқага қайтмоқчи бўлдим, аммо оламон ичидан чиқа олмадим. Ниҳоят зўр машаққатлар билан чиқиб олдим».

Бу шаҳар Султон Ўзбекка (Ўзбекхон — Я. Ф.) қарам эди ва унинг ноибни Қутлуғ Темур томонидан идора қилинарди. Шаҳардаги мадрасани Қутлуғ Темур, жоме маҷитини эса, унинг хотини (Ўзбекхоннинг қизи) Тўрабек қурдирган эди.

«Шаҳар чегараси ортида жаннатдан оқиб чиқадиган тўрт дарёнинг бири бўлган Жайхун дарёси оқиб ўтади. Дарё оби-ҳаво совуқ бўлганда Итиль (Волга — Я. Ф.) каби музлайди; одамлар муз устидан юридилар ва у 5 ой шу тарзда музлаб ётади. Ёзда бу дарёдан солларда Термизгача борадилар ва у ердан бугдой, арпа олиб келадилар. Пастга сузишда (дарё бўйлаб) бу юриш 10 кунга чўзилади<sup>202</sup>.

Ибн Ботута Урганчдан Бухорога жўнайди, йўлда Қатда бўлади<sup>203</sup>, сўнгра ўнг қирғоқ бўйлаб Тошқалъа ҳамда Тупроққалъанинг харобалари жойлашган Сепоя (Уч Учоқ) қишлоғига ўтган, бу ерда Абдуллахон сардоби сақланиб қолган. У Бухорога олиб борадиган серқатнов карвон йўлига чиқиб олган.

Урганч жуда тез тикланди ва Олтин Урда составида энг йирик савдо-хунармандчилик ҳамда маданий марказлардан бирига айланди.

1340 йилда савдогарлар учун махсус қўллашма тузган Флоренция савдо фирмасининг агенти Бальдуччи Пеголетти Урганчни савдо маркази сифатида қўйдагича таърифлайди: «Осиёнинг ичкарасига киришнинг ҳожати йўқ, чунки Хоразмнинг маркази—Урганчдан Европа бозорлари учун барча керакли нарсаларни сотиб олиш мумкин<sup>204</sup>».

Урганч шаҳари иморат излари майдонининг катталиги, XIII—XIV аср маданий қатламнинг миқдори ва қалинлиги, сақланиб қолган ўша замон архитектура иншоотларининг излари, хунармандчиликнинг ҳар хил қолдиқлари Урганчнинг бу даврда буюк иқтисодий кўтарилишни босиб ўтганлигидан ва ўзининг бутун тарихида кўрмаган қудратга эришганлигидан далолат беради.

Мўғуллар истилосидан кейин юқори ва қуйи дельтанинг баъзи районларининг суғориш хўжалигини характерлаш учун шайх Сулаймон Хаддодийнинг 1349 йилда Урганчда таъсис этилган вақф ҳужжатларини мисол қилиб келтирамиз<sup>205</sup>.

«...Ушбу вақф Ибн Турк Тўйдининг ўғли... амир Нажмиддин ўғли, Хоразм шаҳарларининг ноибни ва уларнинг ҳакими буюк амир Қутлуғ Темурнинг ташаккурномаси сифатида таъсис этилди.

Хурмат ва эҳтиром юзасидан пайғамбарнинг авлоди бўлмиш, машхур сандга, шайхлар шайхи бўлмиш Сулаймон Хаддодий Масавийга Хоразмнинг машхур тақводори Маздахқон қирининг этагида оқ хона-

<sup>202</sup> Ибн Ботута... تحفة النظار, Стамбул, 1914, II қисм, 404—405-бет.

<sup>203</sup> Шу асар, 410-бет.

<sup>204</sup> Jule, Chatay and the way thither, II том, 279-бет.

<sup>205</sup> Ибн Ботута бориб келгач, 16 йил ўтгандан кейин.



қо „حائقاء سفيد“ қуриб берди. Унга Маздахқон ва Бағдод ўртасида жойлашган ўз мулкларидан кўпгина ерни Тули Яқтон канали билан вақф этиб берди. Бу канал ва унинг ҳар икки томонидаги ерлар унинг мулки эди. Яна учта ( سهجوی ) канални совға қилди, булардан биринчиси амир Аҳмад бин Севинч Темурники, иккинчиси Абдурахмон бин Бексолар Ҳожиники ва учинчиси хонзода Тўрабекхоним жаноб олиялариники эди.

Маздахқон ва Бағдод ўртасидаги юқорида кўрсатилган ерлар қуйидагича чегараланган: шарқий томон машҳур Маздахқон канали билан, жанубий томони қисман Герай Муҳаммад ва қисман бўлса-да, Муҳаммад ибн Оллоёр қўл остидаги ерлар билан чегараланган. Герай Муҳаммаднинг ерлари Маздахқон канали орқали, Муҳаммад бин Оллоёрнинг ерлари эса Садрож ( سدراج ) канали орқали суғорилган. Бу ерлар ғарб томондан Муҳаммад Кулсоқ ( محمد قولساق ) ерлари билан, қисман эса, Усмоншайх ва Садрож қишлоғи аҳолисининг ерлари билан чегараланган. Шимол томондан Бағдод қишлоғига олиб борувчи Журжония Урганчдан Бағдод каналининг баланд қирғоқларигача ( نارائش نهر بغداد ) этиб чегараланган. Маздахқон ва Бағдод ўртасида жойлашган, Маздахқон яқинидаги шоҳ Маздахқонга қарашли бўлган ерлар ҳаммаси деҳқончилик учун яроқли бўлган ва 8000 ман (Хоразм ўлчови бўйича) бугдой бера олган. Бағдодга тегишли қисми ҳам деҳқончилик учун яроқли бўлган ва 15000 ман бугдой бера олган. Бу хонақонинг биноси қуриб бўлингандан кейин ва ушбу вақф таъсис этилгандан сўнг, бу шайхга илтифотли ва содиқ бўлган амир бу билан қаноатланиб қолмади ва Хевак вилоятига доир Носирий ёки Варий номи билан машҳур бўлган каналнинг жанубида катта хонақо ( حائقاء سفيد ) қуриб берган. Вақфни таъсис этиб, бу «Катта хонақога тегишли бўлган ерларни қуйидаги чегарада инъом қилди. Шарқдан Қобулога мақбараси яқинидаги Закки мачити билан туташади ва қисман Ҳожибек тепалиги ҳамда Модилкатга бориб етади. Шимол томондан қисман Давлатшоҳ Сардор кўприги, қисман қумлик йўллари билан, қисман эса, Номозгоҳ Нурихос билан чегараланади. Ғарб томондан қисман Нурихос йўли ва ҳаммоми билан, қисман эса бу ҳаммомга тегишли деҳқончилик қилинадиган ерларга бориб туташади ва қисман Бобо Мангу мақбараси яқинидаги Низом маҳалласи билан, қисман Нурихос канали билан чегараланади ва шу канал суви билан суғорилади. Сўнгра бу ҳам ғарб томондан Қора Омил ва Журён каналлари ва Ҳейконикдаги Пиртак деб аталувчи жойлар билан ва шундай давом этиб қумлик йўлга чиқади. Жануб томондан Ҳейконик канали ва Ҳейконикнинг шимол томонида ётган чеккадаги узун қумлик йўллари билан чегараланади. Ундан юқорида айтиб ўтилган Закки мачитигача ва шу каби юқорида чегараси кўрсатилган ерлар вақф ерлари ҳисобланади. Бу ерлар ўз-ўзидан суғориладими ( از آب روان ) ёки чиғириқ ёрдами ( از آب چرح ) билан суғориладими, барибир уларнинг ҳаммаси вақфга айлантирилган».

Ҳужжатнинг якуловчи қисмида бу ерлардан ва каналлардан олинган даромадни тақсимлаш шарти кўрсатилади, бу шарт вақфни таъсис этувчи киши томонидан қўйилган.

Бу ҳужжат 750 ҳижрий (1349) йилнинг 2 рамазон кунинда тузилган. Бу ҳужжат 1070 ҳижрий йилида (1659—1660) Абулғози Баҳодирхон подшоҳлик қилган вақтда қайта тикланган, чунки сайднинг уруғларидан бири вақфномада кўрсатилган ердан олинадиган «ушур» — عشر га даъвогарлик қилган. Абулғози Баҳодирхон муҳокама қилган ва ҳужжат-

ни кўчириб ёзиш учун мулла Тоҳир ибн Мулла Ошиқ Хевакийга буйруқ берган<sup>206</sup>.

Бу ҳужжатда бизни биринчи навбатда Бағдод шаҳрининг номи қандай вужудга келганлиги (бу шаҳар биз кўрсатиб ўтган Курдар шаҳрининг шимол томонида жойлашган), шунингдек мўғуллар истилоси давригача маълум бўлиб келган Курдар номининг адабиётлардан ва ҳужжатлардан йўқолиб кетиши ҳаммадан кўпроқ қизиқтиради.

Биз юқорида Курдар шаҳрини ҳозирги Чимбой шаҳри ўрнида бўлганлигини кўрсатиб ўтдик. Шу билан бирга, баъзи аломатлар, масалан, Истахрийнинг «Жайхун билан Курдар ўртасида Маздахқон ўзани бор»<sup>207</sup> деб кўрсатганидек, Маздахқон билан Курдар ўртасидаги масофа ҳисобга олинди.

Бу даврда умуман янги шаҳарлар вужудга келди ва тараққий этди. Улардан Кумкенд ва Тирсак (Шимоҳийқалъа харобалари)ни алоҳида кўрсатиб ўтишга тўғри келади.

Абулғозининг сўзларига кўра, улардан биринчиси, яъни Девкескан харобасидан 7—8 км шарқда жойлашгани ўша вақтда жуда обод ва бой шаҳар бўлган<sup>208</sup>, иккинчиси 1948 йилларда ўтказилган қазиш ишлари маълумотларига асосланиб ҳукм қилганда, буюк савдо-ҳунармандчилик аҳамиятига эга бўлган бўлса керак<sup>209</sup>.

Бағдод шаҳари харобаси Чимбой шаҳаридан шимоли-шарққа томон 18 км нарида, Чимбой районидаги «Олғабос» колхозининг территориясида жойлашган ва Кегайли канали ёнидадир. Шаҳар харобаси кўпгина қасрларнинг бурч қолдиқлари билан бузулган деворларидан иборат бўлиб, текислик устида чўзиқ тўртбурчак кўринишида бўлган. Шаҳар харобасининг ҳажми 350×260 м; унинг ярмидан кўпроғини қалин жингил билан қопланган қабристон ишғол этади.

Бағдод, афтидан, қачонлардир узоқ ва кўп сув тошқинига дучор бўлган бўлса керак, бу нарса шаҳарнинг маданий қатламига ва унинг қўрғонларининг умумий архитектурасининг сақланишига ёмон таъсир этган.

Дастлабки археологик текшириш материалларига қараганда Бағдод шаҳри XII асрда бунёдга келган ва орада танаффус билан тахминан XVI асргача ҳукм сурган.

Бағдод шаҳри харобасининг қанча вақтдан бери ҳукм суриб келганлигини, унинг қадимги шаҳар харобаси бўлган Курдар билан тенглаштириш имкониятига эга эмасмиз: Бағдод шаҳри Курдар каналининг ўзида бунёдга келди, аммо унинг янги жойда жойлашганлиги Қутлуғ Темурнинг вақфномасидан бошқа ҳеч қаерда эслатиб ўтилмайди. Фақат 1388 йилда Темурнинг Урганчга қилган юриши муносабати билан Шарафиддин ал Яздий, унинг қўшинлари Бағдодик каналидан<sup>210</sup> ва ғарбда Садрож каналидан ўтганлигини қайд қилади<sup>211</sup>.

Бартольд Бағдод шаҳарига ўз вақтида эътибор бериб, уни Екут<sup>212</sup> эслатиб ўтган Буғайдид шаҳари билан тенглаштиради. Бундай ўхша-

<sup>206</sup> Кўчириб ёзувчи Мулла Тоҳирнинг имзоси ҳужжатнинг охирига қўйилган, бу ҳужжат 1936 йилда Хева музейи кутубхонасида сақланган. Авторнинг тўпламида бу ҳужжатнинг копияси бор.

<sup>207</sup> Истахрий, юқорида кўрсатилган асар. 303-бет.

<sup>208</sup> Абулғозинي شھرہ ترک، Демезон нашри. 220-бет.

<sup>209</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации; М—Л, 1948, 311—312-бет. Шунинг ўзи, Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция, АН СССР, ИАН СИФ, V том, 1947., 2-сон.

<sup>210</sup> МИТТ, I том, 524-бет, 1 эслатма.

<sup>211</sup> Низомиддин Шомий, Уша асар, 524-бет.

<sup>212</sup> МИТТ, I том, 412-бет.

тиш шубҳа туғдиради, чунки Еқут, биринчидан, «Бағдод» каби машҳур номни бузиб кўрсатмаган бўлса керак; иккинчидан, у Буғайдид «Туркистон вилоятида Хоразм ва Жанд ўртасида жойлашган шаҳарча бўлиб, у бу ерда жуда машҳурдир»<sup>215</sup> деб очиқ ойдин қайди қилиб ўтади. Бу ерда гап қандайдир узоқ Жонидарё томонидаги аҳоли яшайдиган жой тўғрисида кетаяпти.

Биз Кегайли каналини Курдар канали этакларида жойлашганлигини қувватловчи мулоҳазаларимизни айтиб ўтдик. Юқорида кўрсатилган вақф ҳужжатида Курдар шаҳарининг кўрсатилмаганлиги, шунингдек Маздахқон воҳасининг шарқий чегарасини Бағдод канали ўтган Бағдод қишлоғининг рустоғи قريه ташкил этади деб кўрсатилганлиги ўша вақтга келиб мўғуллар истилосигача бўлган бу йирик шаҳар мавжуд бўлмаган деган хулосага далил бўла олмайди. Амударё сувининг бир қисми Сарикамиш томонга оқишлигини ҳисобга олмаганда, у қадимгидек Маздахқоннинг ғарб томонидан оқаберганлиги сабабли, Курдар (Бағдод) каналининг оқимида бирорта муҳим ўзгариш рўй берганлиги ҳақида ўйлаш мумкин бўлармикан.

Қутлуғ Темурнинг вақф ҳужжати Бағдод шаҳри ҳақидаги масалани аниқлаш ва Бағдод каналини (Шарафиддин ал Яздийда — Бағдодик) қадимий Курдар канали билан таққослаш учун ёрдам беради. Бу каналнинг сунъий қазилганлиги, шунингдек Бағдод шаҳаригача чўзилган ва тўртта канал билан — Тулиякгон, Амир Аҳмад, Абдурахмон бин Бексолар ва Тўрабекхоним билан суғорилган Маздахқоннинг обод районлари ҳақида биз ҳужжатдан тўппа-тўғри маълумот оламиз<sup>214</sup>. Бундан ташқари, вақфномада Маздахқон атрофидаги ерлар Маздахқон канали орқали суғорилганлигини кўрсатувчи баъзи далиллар бор, афтидан бу сув Бағдод каналидан чиқарилган бўлса керак. Маздахқоннинг ғарбий қисмидан Садрож канали оқиб ўтган. Охириги каналнинг номи Темур замонидаги тарихчилар томонидан бузиб кўрсатилган бўлса керак<sup>215</sup>, чунки биз томондан вақфномада келтирилган, Урганчда тузилган расмий ҳужжатда бу анча тўғри кўрсатилган.

Ибн Ботутанинг Урганчдан Катгача аҳоли яшайдиган қишлоқларни учратмаганлиги ҳақида айтган сўзлари бир қанча текширувчиларда бу йўл атрофидаги ерлар кета-кетгунча саҳродан иборат деган тасаввурни келтириб чиқаришга сабаб бўлган. Афтидан ибн Ботута катта обод қишлоқлар бўлмаганлиги ҳақида фикр юритган бўлса керак, чунки 1349 йилги вақф ҳужжатида Маздахқоннинг шарқ томонидаги ерлар бир қатор каналлар билан суғорилганлиги ва у ерда Садрож ва шу каби қишлоқлар бўлганлиги кўриниб турибди.

Темурнинг биринчи юриши даврида (1372 й) Кат яхши мустақамланган шаҳарлардан бўлган.

Темурнинг олдинги қисм қўшинлари Гурлан (كرلان) каналига бориб етган. В. В. Бартольд бу Бағдод (Бағдодик) каналининг боши бўлиши керак деб тўғри кўрсатган, кейин бу каналдан дарёнинг асосий оқими йўналган<sup>216</sup>.

Низомиддин Шомийнинг ҳикоя қилишига кўра, Темур қўшинлари 1379 йилда қайтадан Хоразм марказига етиб келган. «Қўшинлар, турк-

<sup>213</sup> МИТТ, I том, 412-бет.

<sup>214</sup> „Бағдод канали рошигача“ (تاراش نهر بغداد) ибораси бу каналнинг сунъий характерини баён қилади, чунки «рош» сўзи канал қазилгандан сўнг қирғоққа тўкилган тупроқни аяглашиб, у сунъий каналга хосдир.

<sup>215</sup> МИТТ, I том, 524-бет. Низомиддин Шомийда — «Жодрис», Шарафиддинда эса — «Чодрис».

<sup>216</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 47 ва 70-бетлар.

лар «Эски Ұкуз» деб атайдиган қадимий дарёдан ўтдилар ва шаҳарни қуршаб олдилар»<sup>217</sup>.

Қўшинлар афтидан Урганчга шарқ томондан етиб келган ва дарёнинг мўғуллар истилосигача бўлган асосий ўзанини кечиб ўтишга мажбур бўлганлар. «Эски Ұкуз» (Эски Амударё) номи шуни кўрсатадики, дарё оқими Сариқамишда кучайган, у ўзига чуқур очиб олган, қадимги, яъни Орол ўзани қуриб қолган. Бу нарсанинг ўзи шуни ифода этадики, тахминан XIV асрнинг ўрталарига келиб қуйи дельтанинг ғарбий қисмида ҳаёт сўна бошлаган; Мадминия (Бўғрохон), Ғит (Пулжой), Қуджоғ (Тупроққалъа) ва шу каби шаҳарлар бутунлай бўшаб қолган.

Шарафиддин ал Яздийнинг ҳикоя қилишига кўра, Темур қўшинлари Урганчдан қочган душман отрядлари кегидан қувиб етишга шошилганлар ҳамда Қумкенд ва Қир (тепалик) га етиб борганлар<sup>218</sup>. Ҳақиқатан ҳам Шимоҳийқалъа Устюртнинг энг баланд чеккасига жойлашган, хоразмликларнинг ўзлари ҳам уни «Арангқирин» деб атайдилар<sup>219</sup>. Туркманлар уни «Чинк» деб юритадилар.

Шимоҳийқалъа ўзининг Девкескан (Вазир)дан узоқда жойлашганлиги<sup>220</sup> ва шунингдек археологик қиёфаси жиҳатидан Қумкендга жуда мос келади<sup>221</sup>. Абулғози унинг бойлиги ва обод эканлигини қайд қилиб ўтади.

XIV асрнинг иккинчи ярми Темур давлати билан Олтин Урда қўшинларининг тўқнашиши билан характерланади. Бу тўқнашиш Ўртаёрденгизи ва Шарқий Осиё хавзасини Олд Осиёнинг айрим давлатлари билан бирлаштирувчи буюк карвон йўлларига танҳо эгалик қилиш учун бўлди. Темур Олтин Урда хони Тўхтамишни тор-мор қилишга, унинг марказини вайрон қилишга ва Олтин Урда орқали ўтадиган шимолий савдо йўлини бузишга муваффақ бўлди. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Олтин Урда билан алоқадор бўлган Хоразм карвон савдосининг энг муҳим марказларидан бири бўлган ва Олтин Урданинг Темурга қарши босиб борувчи курашида истехком сифатида хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Темур Хоразмни йўқ қилиб ташламоқчи бўлган. Темур 18 йил (1370 йилдан 1388 йилгача) давомида беш марта юриш қилди<sup>222</sup>. Ниҳоят Урганчни харобага айлантиради, унинг харобаларига грпа эктирган ва Хоразмнинг шимоли-ғарбинини ҳамда барча шимолий областларини вайрон қилган.

Хоразмнинг харобазорга айланиши ва унинг Темур империясига қўшилиши Олтин Урданинг кучсизланиб қолиши билан жипс боғлиқ бўлган ва Темур томонидан шимолий савдо йўлини издан чиқоришда асосий момент бўлган.

Темур 1391 йилда Урганчни тиклашга рухсат берди. Аммо, шаҳарнинг фақат бир қисми — Қоон кварталигина тикланган<sup>223</sup>. Темурийлар даврида Хоразм асосий савдо йўлларидан четда қолган. Дашти Қипчоқда кўчманчи ўзбек хонлари ва султонлари ўртасида ўзаро кураш авж олган вақтда Олтин Урданинг илгариги марказлари билан бўлган алоқага хотима берилади. Хоразмнинг Урганч ва шунга ўхшаш шаҳарлари ил-

<sup>217</sup> МИТТ, I том, 518-бет.

<sup>218</sup> МИИТ, I том, 524-бет.

<sup>219</sup> Мунис - Огаҳий, *فردوس الاقبال*, 236-варақ.

<sup>220</sup> С. П. Толстов, *По следам древнехорезмийской цивилизации*, М, 1943.

311-бет.

<sup>221</sup> Шу асар, 331-бет.

<sup>222</sup> Темурнинг Хоразмни қўлга киритиш учун олиб борган кураши давомида Хоразмда суфийларнинг қўнғирот авлодидан бўлган маҳаллий сулоласи ташкил топан.

<sup>223</sup> В. В. Бартольд, *Сведения об Аральском море*, 71-бет.

таригидек савдо-хунармандчилик марказлари ролини ўйнай олмадилар, энди бундай ролини Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарлари ўйнай бошлади.

Бу вақтда Амударё Сарикамиш кўлига оқишда давом этган. XIV асрда Дарёликнинг қуйи қисмларида қисман жонланиш бўлган. Қадимги қалъанинг харобаларида Вазир шаҳари, ундан ғарб томонда Адоқ шаҳри, Янгишаҳар, Тирсак ва шу каби шаҳарлар бунёдга келган.

С. П. Толстов томонидан 1947 йилда ўтказилган археологик авиоразведка янги ёлгорликлар борлигини аниқлади, шунингдек, Дарёлик этакларига жойлашган айрим шаҳарларнинг ва шу жумладан, Бутунтовнинг жануби-шарқ томонидаги қирнинг этагида қадимий Сарикамиш кўлига яқин жойда Куржук Узакнинг эски ўзанига яқин бўлган (Дарёликнинг Сарикамишга қуюладиган жойидаги ирмоғи) Оққалъа харобаларининг ўтган даврини аниқлаш имконини берди<sup>224</sup>. Оққалъа; Дарёлик бўйлаб қараганда энг ғарбий пункт ҳисобланади.

Сарикамишнинг шарқий томонидан унга ёндош турган ва XVI—XVII асрларда Адоқ<sup>225</sup> номи билан юритилган шаҳарнинг локализацияси аниқ эмас. XVI—XVII аср маълумотларида Адоқ шаҳри Урганч ва Вазир шаҳридан анча узоқ, ғарб томонга жойлашганлиги эслатиб ўтилади; у Хуросонга олиб борувчи йўлда жойлашган<sup>226</sup>.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги хроникаларда Адоқ шаҳри Хоразмнинг Хуросон тарафдаги энг яқин шаҳарларидан эканлиги бир неча марта қайд қилинади.

Уша ерининг ўзида Вазир районида Амударё орқали ўтиш ва «Асаф Укуз»<sup>227</sup> тармоғи ҳақида гапирилади. Амударё орқали кечиб ўтилган асосий йўл «Уша вақтларда, Вазир билан Урганч ўртасида»<sup>228</sup>, аниқроғи, Қумкенд районида бўлган. Абулғозининг ҳикоя қилишига қараганда, Амударё этакларидан ўтиб Хуросонга бормоқ учун Урганч орқали қуруқликдаги катта йўлдан юрганлар.

Адоқ территориясидаги Оққалъа бутун районнинг ҳарбий-сиёсий ва ҳатто иқтисодий маркази сифатида кўрсатилади. Бу хандақлар билан ўралган, паҳса пойдевори устида 24 × 24 × 6 см ли хом гишт ишлатилган, ҳар ер-ҳар ерига бурч ўрнатилган, девори жуда яхши сақланган, унча катта бўлмаган икки қават шинакли тўғри бурчак шаклидаги қалъадир. Шарқдан шаҳарга томон худди шундай, лекин ёмон сақланиб қолган девор билан ўралган тўғри бурчакли ташқи шаҳар ёндошган. Вазир ва Шимоҳийга нисбатан бу шаҳар бир қатламли бўлиб, узоқ яшамаганлиги очиқ-ойдин кўриниб туради<sup>229</sup>.

Оққалъада тўпланган терма сопол материал унинг архетектураси сингари Вазир ва Шимоҳий шаҳарларининг кейинги давр қатламларига ўхшайди.

<sup>224</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, 313 бет.

<sup>225</sup> اداق — ўзбекча термин бўлиб, бирор оқимнинг охирини, бирор процесснинг ёки нутқнинг охирини ифодалайди. Адоқ яъни районнинг географик шароити билан чамбарчас боғлиқдир.

<sup>226</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 76-бет.

<sup>227</sup> Уша ерда.

<sup>228</sup> Абулғози, شجره نرك، Демезон нашри, 224—225-бетлар.

«اولوغ يول برلان اور گنج كېلىدلار كېمە اول وقتدە اور گنج برلان وزير نينك ار اسيد بن يورور ايردى كېمە دېن اونوب دوروندە دېن محمد حان قاشيغە باردى»

<sup>229</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, 314-бет.

С. П. Толстов тарихий манбаларда область ёки мамлакатларнинг бош шаҳарларига кўпинча область номи берилганлигини назарга олиб, XVI асрларда Урганч, Вазир ва Тирсак билан бирга эслатиб ўтилган. Адоқни Оққалъа ва Янгишаҳарга ўхшатади<sup>230</sup>. Ҳақиқатан ҳам бутунлай янги жойда пайдо бўлган ёш шаҳар-қалъа «Янгишаҳар» деб аталиши ва шу билан бир вақтда Адоқ ерларининг ҳарбий пункти сифатида ҳам Янгишаҳар, ҳам Адоқ деб аталиши мумкин эди<sup>231</sup>.

Дарвоқе Абулғози ва бошқа шу замонда яшаган авторларнинг асарларида икки номнинг фақат биттасигина учрайди. Адоқ (اداق) Абулғозида ҳаммадан илгари юқорида эслатиб ўтилган Дарёлиқ этагидаги район деб кўрсатилади. У бошқа жойда Янгишаҳар ҳақида ва уни Вазир шаҳарига нисбатан ғарбга жойлашган<sup>232</sup> ҳарбий-сиёсий марказ эканлиги ҳақида гапиради. Ундан илгариги бошқа бир авторда тахминан ўша жойнинг ўзида Янгишаҳар мутлақо эслатилмай, Адоқ қалъаси тилга олинади<sup>233</sup>. Кейинроқ Хева тарихчилари Янгишаҳар билан Адоқни Орол денгизининг сув тошқини остда қолиб кетган алоҳида-алоҳида шаҳар деб ҳисоблайдилар, бу мутлақо нотўғри фикрдир<sup>234</sup>.

Тарихий маълумотлар кам бўлганлиги туфайли Тирсак шаҳри ҳақидаги мулоҳазалар аниқ бўлмай келмоқда. С. П. Толстов уни Шимоҳий қалъанинг ҳаробалари деб ҳисоблаш тарафдоридир<sup>235</sup>.

Аммо қуйидаги мулоҳазаларга биноан бундай тенглаштириш бизнингча тўғри эмасдир: биринчидан, Шимоҳийқалъа ҳаробалари стратегик хусусиятига биноан, мўғуллар истилосининг дастлабки даврига, балки мўғуллар истилосигача бўлган даврга мансубдир. Иккинчидан, агар Девкескан ҳаробаларини Вазир шаҳрига ўхшаш деб сана-сак, унда Абулғозининг гувоҳлик беришига қараганда, XVI асрда Вазир шаҳридан 7—8 км шарқда обод Кумкенд қишлоғи бўлган<sup>236</sup>. XIV асрда Низомиддин Шомий ҳам худдий шу жойнинг ўзида Кумкенд шаҳри борлигини қайд қилади<sup>237</sup>. Шунинг учун Тирсак жойлашган ерни Вазир шаҳридан бир оз нарироқдан қидиришга тўғри келади. Тирсак XVI—XVII асрларда Хоразмнинг сиёсий ҳаётида ҳеч қандай муҳим роль уйнамаган ва Вазир шаҳрига тобе бўлган. Абулғозининг аҳоли яшайдиган пунктларни санаб чиқиш тартибига<sup>238</sup> асосланган ҳолда фикр юритилганда, Тирсак шаҳри Вазирдан ғарбда, тахминан Сарикамишнинг шимоли-шарқий соҳилларида жойлашган бўлиши керак.

<sup>230</sup> С. П. Толстов, ўша бет.

<sup>231</sup> С. П. Толстовнинг асосий маълумотларига асосландик, Уша асар, 314-бет.

<sup>232</sup> Урганч ҳокимининг Вазир шаҳрига қилган юриши даврига, Дарёлиқнинг қуйи оқимидаги воқеа-ҳодисаларга қараб фикр юритиб, Вазир ҳокими Янгишаҳар ҳокимига мурожаат қилиб, ундан қўллаб-қувватлашни илтимос қилган, Абулғози, *شجره ترک*, Демезон нашри, 220-бет.

<sup>233</sup> В. В. Бартольд Сведения об Аральском море, 79-бет.

<sup>234</sup> Мунис—Огаҳий, *فردوس الاقبال* ркп. ИВАН № Е—6, л. 214 б.

«اداق بيلەن يىنگى شەر كم حوارزم بلادينيگ معظماتيدىن اردى اول تنگزينىك آستيدە دور حالا اول شەرلارنىك ناشدىن بنا تابغان عماراتلارى كيمە اهلى غە سوتويىدىن كورونور ايرميش».

<sup>235</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, 312-бет.

<sup>236</sup> Абулғози *شجره ترک*, Демезон нашри, 220-бет.

<sup>237</sup> МИИТ, 1 том, 524-бет.

<sup>238</sup> Абулғози, юқорида кўрсатилган асар, 198-бет.

Абулғозининг фикрига кўра, дастлабки даврларда Вазирга қарам бўлган шаҳарларнинг сони кўп бўлган, аммо Элбарсхон Хоразмга келгандан сўнг (1512 йил) Вазир, Янгишаҳар ва Тирсак шаҳарларидан бошқа шаҳарлардаги ҳаёт<sup>239</sup> сўнган. Маълумки, XV асргача Вазир ёки бошқа бир шаҳарнинг бўлганлиги манбаларда кўрсатилмайди. Шу билан бирга, Вазир шаҳрининг археологик стратиграфияси Девкескан харобалари ўзининг келиб чиқиши билан қадимги даврларга мансублигини кўрсатади. Урта асрдаги Вазир шаҳри эса, археологик, шунингдек тарихий маълумотларга асосланиб қаралганда, XV асрда бунёдга келган. Бу нарса XV аср ва XVI асрнинг бошларида Вазирнинг атрофида шаҳар харобалари бўлган деган тахминга олиб келади. Аммо бундай харобаларнинг бўлмаслиги, Абулғози Вазирнинг жанубида ҳамда шимол-шарқда жойлашган қадимий ва энг илгариги шаҳар ва қалъа харобаларини кўзда тутган бўлса керак деган фикрга олиб келади.

Хондамир 1464 йилги воқеаларни тасвирлар экан, қуйидагича маълумот беради, султон Ҳусайн Бойқаро 1464 йилда жўжий Мустафоҳоннинг пойтахти Вазир шаҳрини қўлга киритиб<sup>240</sup>, ўз вақтида унинг томонидан бу ерга шаҳарни барпо этиш учун юборилган аҳолининг Урганчга қайтиб кетишига рухсат берди<sup>241</sup>.

Қўринадики, XV асрнинг иккинчи ярмида Вазирнинг юксалиши сиёсий негизда рўй берган.

Темур ўлгандан сўнг (1405 й.) 1409 йилгача темурийлар давлати ўртасида тахтни эгаллаш учун ўзаро курашлар қизғин тус олди. Бундай ўзаро курашлар ўша вақтда анча заифлашиб қолган Олтин Урда хонлигида содир бўлди. Темурийлар тахтига ўтирган Шоҳрух Олтин Урдадаги ғалаёндан фойдаланиб, 1413 йилда Хоразмни ўзига бўйсундирди<sup>242</sup> ва шаҳарни унинг ноиблари идора қила бошлади. Аммо XV аср иккинчи ярмининг бошларидаёқ, Хоразм қайтадан темурийларга бўйсунмай қўйган эди. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳол Шоҳрух ўлгандан сўнг (1447 йил), темурийлар ўртасида тўхтовсиз жанглр бўлиши натижасида вужудга келган эди.

Султон Ҳусайн Бойқаро XV асрнинг олтмишинчи йилларида тахтни эгаллаш учун Абусаидга қарши бўлган курашда (1452—1459 йиллар) Астрободдан Хоразмга бир неча марта қочиб борган.

Гарчи Ҳусайн Бойқаро дастлаб Мустафоҳонга қарши курашган бўлса-да, кейинчалик у Хоразмни Абусаидга қарши плацдармга айлантиришга муваффақ бўлди. Ҳусайн подшолигининг сўнгги йилларига-ча Хоразмни унинг ноиблари идора қилиб келди. Урганчга маҳаллий қўнғирот суфийлари династиясидан чиққан, Султон Ҳусайнга тобе бўлган<sup>243</sup> Чинсўфи ҳукмронлик қилди. Шайбониҳон 1505 йилда Хоразмни ишғол қилмасдан олдин бир неча бор гоҳ бевосита Хоразмга, гоҳ у орқали Астрободга ҳужум қилди.

Шайбониҳон 1510 йилда барча қўшинлари билан Эрон шоҳи Исмоил I Сафовийнинг жуда кўп қўшинлари билан бўлган жангда Марв остонасида ҳалок бўлди, шундан сўнг султонлар, яъни кўчманчи ўзбек ноиблари вақтинча Мовароуннаҳр ва Хоразмдан чиқиб кетдилар. Бун-

<sup>239</sup> Абулғози, Шу асар, 197—198-бетлар.

<sup>240</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 71—77-бетлар, Шу автор, К вопросу о впадении Аму-Дарьи в Каспийское море, ЗВО, XIV том, I китоб, 26—27-бетлар.

<sup>241</sup> Дашти Қипчоқдаги ўзбек хонларидан бири, Абулхайрхоннинг рақиби.

<sup>242</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 73-бет.

<sup>243</sup> Шу асар, 89-бет, I эслатма.

дан фойдаланган Исмоил I ўзининг ноибларини Хоразмга томон йўллади. Улар Урганч, Вазир, Хева ва Хазораспда ҳукмронлик қилдилар. Орадан бир ёки икки йил ўтгандан сўнг Хоразм аҳолиси ёт элдан келган кишиларни йўқ қилишга қарор қилди; бу ишда Вазир аҳолиси айниқса катта ташаббус кўрсатди<sup>244</sup>, шунингдек ўша вақтда Бақирғон қишлоғида яшаган ва Шайбониҳоннинг душмани султон Берка (ёки Бурга) хонадонидан чиққан ўзбек султонлари билан алоқаси бўлган Саидота авлодидан бўлган ҳожилар катта ташаббус кўрсатдилар. Вазир аҳолиси Эрон ноибларидан яширин ҳолда Султон Элбарс ва унинг укаси Бэлбарс билан музокаралар олиб борди. Ака-укани яширин ҳолда Вазир шахрига келтирилди, шу ерда эронликларни қириб ташлаб, Хоразмни улардан тозалашди ва Элбарсни Хоразм тахтига ўтказдилар<sup>245</sup>. Шундай қилиб, бу ерда Шайбониҳондан қолган кўчманчи ўзбекларнинг янги сулоласи вужудга келди; Элбарсхоннинг Хоразмга шоҳ қилиб тайинланишига Шайбониҳон ўлимидан сўнг (1510 й) муваффақ бўлинди ва бу воқеа 1511 ёки 1512 йилда содир бўлган деб қаралиши лозим.

Темурийлар Хоразмда ҳукмронлик қилган даврда, ҳатто мўғуллар истилосигача бўлган воҳа доирасида бўлса-да, суғориш тармоқларини кенгайтириш юзасидан бирорта тadbир кўрилганлиги бизга маълум эмас. Ноиблар тинчлик ва тартибни сақлаш, солиқ йиғиш ва савдо йўлларини қўриқлаш билан чекланганлар. Мавжуд каналлар ва тўғонларни маълум тартибда сақлаш, ҳар йили уни тозалаш, янгисини қуриш буларнинг ҳаммаси эски традиция бўйича аҳоли зиммасига тушар ва мироблар орқали амалга оширилар эди. Ҳокимдан эса фақат соҳибкорлар (ишбошилар)ни тайинлаш билан қуруқ фармонлар бериш талаб қилинарди.

Ибн Ботутанинг берган маълумотида кўра, Кат шаҳри районини ҳисобга олмаганда, қирғоқнинг ўнг томонидаги ерлар саҳродан иборат бўлган. Темурийлар даврида Бағдод (Бағдодик), Бўғроҳон (Мақдисийча—Мадминия ёки Мунис-Огаҳийча—Хованд), Фит (Пулжой), Маздахқон ва шу каби шаҳарларда, шунингдек қуйи дельтанинг ғарбий қисмидаги Олтин Урданинг алоқа йўллари бўйлаб кетган карвон саройларда ҳаёт тўхтаган. Темурнинг Хоразмга ва унинг Олтин Урда билан бўлган савдо йўлларига берган зарбаси воҳанинг бу полосаси учун фалокатли бўлди.


Жанубий Хоразмнинг суғорилган ерлари ва Хева, Хазорасп, Хонқа ҳамда Кат каби шаҳарлари Олтин Урда ва темурийлар даврида ҳам яшаб келди. Кат ва Хевада сақланган айрим архитектура ёдгорликлари, ҳатто бу вақтда маданий ҳаётнинг бир қанча юксалганлигидан ҳам далолат беради. Бу соҳада Хевадаги Саид Алоуддин қабри устига қурилган сарқафо (XIV асар), Катдаги Саид Аббос мозори архитектура-сининг деталлари айниқса диққатга сазовордир<sup>246</sup>. Бу шаҳарлар ўша вақтда Хоразмнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан умуман юксалишини ифодалар эди. Дарёлик (Кўнадарё) оқими масаласи ҳамон ҳал қилинмай келмоқда. Кўп давом этган ва қизғин тус олган баҳслашувлардан кейин ҳамда географик ва тарихий адабиётлардаги

<sup>244</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 195-бет.

<sup>245</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 197-бет.

<sup>246</sup> Я. Г. Гулямов, Памятники города Хивы, Ташкент, 1941 йил, 17—21-бетлар.





12-расм. Хоразмнинг XIV асрдаги сугориш тармоғи ва гидрографиясининг схемаси. Шартли белгилар: 1—сув оқиб турган каналлар; 2—Амударёнинг уша даврдаги ўзани; 3—ботқоқ ва тошқинлар; 4—шаҳарлар.

мунозалардан<sup>247</sup> сўнг, янги географик<sup>248</sup> ва археологик<sup>249</sup> текширишлардан кейин ҳам, XIII—XVI асрларда Дарёлиқ бўйича бўлган оқимнинг ҳажми ва характери аниқланмай қолди. А Кесь ва С. П. Толстовнинг кузатишлари тарихий даврда Ўзбой бўйлаб оқим бўлмаганлигига ва Амударё XIII—XIV асрларда фақат Сарикамиш чуқурлигигача оққанлигига бизни бир қадар инонтирди.

Аммо шу муносабат билан Амударёнинг ортиқча сувлари қаерга оққан деган савол туғилади. Сиртдан қараганда манзара очиқ-ойдиндай туйилади. Қутлуғ Темурнинг 1349 йилда ёзилган вақф ҳужжатида кўрсатилишига кўра, Бағдод шохобчаси сунъий қазилган канал бўлиб, икки томонида баландлик (рош) бўлган ва X асрдаги Курдар каналига тўғри келади. 1333 йилда Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб саёҳат қилган Ибн Ботута мўғуллар истилоси давригача Амударёнинг бирорта шохобчаси бўлганлиги ҳақида гапирмайди. 1221 йиллардан сўнг ва умуман XIII, XIV ва XV асрларда сувнинг каналларга тақсимланиши кўпаймаган, аксинча камайган; Говхўра, Вадок ҳамда Бува каналлари ҳаракатдан тўхтаган.

Инженер-ирригатор Ф. П. Моргуенковнинг ҳисоблаб чиқишига кўра, Амударёнинг суви шунчалик кўп бўлганки, 1911—1914 йиллардаги майдонларга сарф қилинган максимал сув миқдоридан фойдаланилганда, Сарикамиш кўлини тўрт йилда тўлдириш мумкин бўлар эди. Бешинчи йилга келиб сув Ўзбой томонида шохобча яратиши керак эди<sup>250</sup>.

Аммо Амударё Сарикамишга тўрт йил эмас, балки 300 йилдан ортиқроқ оқди. Уша вақтларда сув ирригация учун 1911—1914 йилларга нисбатан анча кам сарф қилинар эди. Шундай қилиб, ҳар қандай тадқиқотчи қуйидаги икки ҳолга рози бўлишга мажбурдир: 1) Амударё XIII—XVI асрларда ягона кучли оқим билан Сарикамишга бориб қуйилган ва у ердан Ўзбой орқали ўтиб Каспий денгизига қуйилган ва 2) шу билан бир вақтда, унинг асосий оқими Урганч билан Маздахқон ўртасидан ўтадиган Эски Ўкуз (Амударёнинг мўғуллар истилосигача бўлган оқими) бўйлаб ҳам оқиб ўтган. Шу билан бирга, сайёҳ Ибн Ботутанинг (1333) бу шохобча ҳақида ҳеч нарса айтмаслиги кишини ажаблантиради, ваҳоланки, орадан 46 йил ўтгандан сўнг, Шарафиддин Эски Ўкуз орқали кечиб ўтилганлиги ҳақида гапирди<sup>251</sup>. Абулғози Урганчнинг шарқ томонида Амударёга қурилган «Фотмахотун» тўғони:

<sup>247</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVII в., ИТОРГО, IV том, 1902; шу автор, К вопросу о впадении Аму-Дарьи в Каспийское море, ЗВОРАО, т. XIV, вып. I, 1902; М. Н. Богданов, О старом русле и течении Аму-Дарьи в Каспий, ИРГО, т. X, 1874, № 6; А. И. Глуховской, Пропуск вод реки Аму-Дарьи по старому её руслу в Каспийское море и образование непрерывного водного Аму-Дарьинского-Каспийского пути от границ Афганистана по Аму-Дарье, Каспию, Волге и Мариинской системе до Петербурга и Балтийского моря, СПб., 1893; А. М. Коншин, О древнем течении Аму-Дарьи по современным геологическим и физико-геологическим данным, Записки КОРГО, т. XV, 1893; Р. Э. Ленц, Наши сведения о прежнем течении Аму-Дарьи (перевод с немецкого), Записки РГО, т. IV, 1871; В. А. Обручев, Закаспийская низменность, Записки РГО, т. XX, 1890, № 3; Б. А. Федорович, Приузбойские Кара-Кумы, ТИГ АН СССР, Отчеты Туркменской экспедиции АН, М., 1934.

<sup>248</sup> А. Кесь, Русло Узбоя и его генезис, ТИГ АН, вып. XXX.

<sup>249</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, М., 1948, гл. XII.

<sup>250</sup> Ф. П. Моргуенков, И. А. Севастьянов, Ирригационные перспективы Туркменской ССР, Ташкент, 1925, 76—77-бетлар.

<sup>251</sup> مَرْخَلَه ظَفْرَنَامَه Калькуттада нашр этилган, 1887, 1290—1293-бетлар.

ҳақида маълумот беради. Ҳожи Муҳаммад (Ҳожим) хон Хевадан Урганчга кета туриб шу тўғондан ўтган<sup>252</sup>.

«Фотмахотун» қадимий, ҳеч бўлмаганда, мўғуллар истилосигача қўйилган номдир. Мўғуллар истилосидан кейин «хотун» сўзи туркман хотинларига муомила қилишда алоҳида ҳурматни билдирувчи «хоним» сўзи билан алмаштирилган (Тўрабекхоним, Сароймулкхоним ва ш. к.).

«Фотмахотун» Мақдсий, Екут, Ибн ал Асир ва шунга ўхшаш авторлар томонидан эслатиб ўтилиб, Урганчнинг шарқ томонида жойлашган, лекин номи тилга олинмаган тўғоннинг ўзи бўлиши мумкин, бу тўғоннинг бузилиб кетиши Дарёлиқнинг ташкил топишига алоқадордир. Дарёлиқ Орол денгизига томон Сарикамиш томонга қараганда анча қия бўлган<sup>253</sup>. Бу, Дарёлиқнинг қуйи дельталарини суғоришда анча қийинчиликлар туғдириши мумкин эди, халойиқ бу қийинчиликдан қутилиш учун суғориш тармоқларини сув билан таъминлаш учун дарёни илгариги оқимида сақлаб қолиш йўлида сунъий тадбирлар қўллашга мажбур бўлган. Тўғонни қайтадан тиклаш шунинг учун ҳам лозим эди. Тўғон ҳар ҳолда тикланган бўлса керак, чунки Урганчдан пастда Дарёлиқ бўйлаб икки боши очик кема юрадиган йўл бўлганлиги ҳақида ҳеч қайси манбаъда маълумот берилмайдиган. Ибн Ботута Урганчдан юқорида Термез томонга олиб борувчи сув йўли<sup>254</sup> бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Ибн Ботутанинг сўзларига қараганда, Урганчнинг жанубидаги оқиб ўтувчи Жайхун дарёси беш ой давомида музлаган. Бу, Дарёлиқ суви шиддат билан оқмаганлигини тасдиқлайди, чунки шундай қиялик ва кўп миқдорда дебит бўлганида эди, дарё музламаган бўлур эди.

Шуларнинг ҳаммасини назарга олиб, XV асрдаги ал Умарийнинг Урганч ўша вақтда Жайхуннинг чалворга ўхшаш<sup>255</sup> икки шоҳобчаси ўртасида қолган деган фикрига қўшилаемиз. В. В. Бартольд бу соҳада Урганчнинг жанубидин оқиб ўтган сувни дарёнинг асосий шоҳобчаси деб тўғри кўрсатади<sup>256</sup>. Эски Укузнинг шимолий шоҳобчаси анча кучсизланиб қолган бўлса керак, гарчи шундай бўлса-да Орол денгизигача етиб борган.

Дарёлиқнинг юқори районларида сув оқимининг сунъий тарзда тўхтатилиши, унинг Курдар (Бағдод) каналига томон оқишини кучайтирган, бошқача қилиб айтганда, дарёнинг қадимги (IX—X асрлардаги) оқимини тезлаштиришга олиб келган. Курдарнинг активлиги оша бориши билан Дарёлиққа оққан сув кучсизланган ва дарёнинг юқори томонида лойқаланиш кучайган. XV асрда Эски Укуз бўйлаб скаётган сув тўхтаб қолган бўлиши мумкин, чунки бу юз йилликнинг охирига келиб Маздахқондан бошлаб Бақиргонгача<sup>257</sup> бўлган дельтанинг ғарбий қисмидаги кенг территория буғдой экиш учун ҳайдаб қўйилган<sup>258</sup>. Эски Укуз бўйлаб оқадиган сув тўхтагандан сўнг, сув остида

<sup>252</sup> شجره نريك، Демезон нашри, 1871, 233-бет.

«حاجم حان اوركنچنيك كون تغوشينده فاطمه حاطون توغانيدىن آموسوينى اوتوب يورودى».

<sup>253</sup> Ф. П. Моргунов, И. А. Севастьянов, Ирригационные перспективы Туркменской ССР, 51-бет.

<sup>254</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 61-бет.

<sup>255</sup> В. Тизенгаузен, Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды т. I, 1884, 242-бет.

<sup>256</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 48-бет.

<sup>257</sup> Абулғози, Демезон нашри, 280-бет.

<sup>258</sup> Эски қўллардан ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш усуллари ҳақида ушбу житобнинг II бобига қаралсин.

<sup>259</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 280-бет.

қолиб кетган пастлик ерлар (қадимий «Ҳолижон») сув қуйиб деҳқончилик қилиш учун жуда қулай бўлиб қолган; XVII асрнинг бошларида бу ерларга канал ўтказилган<sup>259</sup>.

А. И. Глуховской ўз вақтида Амударёнинг Ойбўғир қўлтиғига (қадимги «Ҳолижон») қуйилувчи шохобчаларининг тўхтаб қолиши хонликка фойда келтирганлигини қайд қилиб ўтган эди. Чунки, илгариги қўлтиқнинг бир қисмида деҳқончилик қилиниб, унинг тупроғи ишлаш учун қулай бўлган. Шу билан бир вақтда, агар Амударёнинг суви бу ерларга келмай қолса, улар саҳрога айланиб қолиши ва бунда намни сақлаб туриш имконияти йўқолишини кўрсатган эди<sup>260</sup>.

Ўриндарёга (Дарёлиқнинг Урганчдан Сарикамишгача бўлган участкаси)<sup>261</sup> келгапимизда, у 1537 йилда серсув бўлиб, ундан кечиб ўтиш қийин бўлган. Дин Муҳаммад ва Ҳожимхон Хоразмга юриш қилган вақтларида Дурундан Куртишга келганлар, бу ерда бўлажак ҳаракат планини муҳокама қилиб, душманни енгилга нисбатан дарёдан кечиб ўтиш қийинроқ деган қарорга келганлар<sup>262</sup>.

Аммо орадан 21 йил ўтгандан кейин, Женкинсон бу шохобчанинг тугаганлиги ҳақида хабар беради.

Бу ерда биз юқорида айтиб ўтилганидек, кўпгина тадқиқолчиларнинг диққатини ўзига жалб этган масала—мўғуллар давридаги дарё оқимининг ўзгаришлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтамыз.

Амударёнинг Каспий денгизига қуйилишига қатъий ишонган В. В. Бартольд, бу ҳақда де Гуйе билан баҳслашди. Гуйе эса аксинча, Амударё тарихдан илгариги даврдан бошлаб фақат Орол денгизига келиб қуйилган деб кўрсатади<sup>263</sup>.

В. В. Бартольд дарёнинг ғарб томонга бурилганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай асосга эга эмас. Шунингдек, у Ўзбой бўйлаб кетадиган оқим бўлган деб хато қилади; унинг ишончли деб ҳисоблаган манбалари ҳақиқатини олиб қараганда бундай ишончга сазовор эмасдир<sup>264</sup>.

Масалани ечмоқ учун Хамдуллоҳ Қазвиний маълумотларини<sup>265</sup> X асрдаги араб географларининг Амударёнинг Каспий денгизига қуйилиши ҳақидаги маълумотлари билан таққослаб кўрамиз.

Хамдуллоҳ Қазвиний шундай дейди: «Жайхуннинг бош тармоғи Хоразм орқали ўтиб, туркча Гурлади деб аталувчи Хулм тепалигидан пастга тушган; унинг шаршараси икки, ҳатто уч фарсахдан эшитилиб турган; Дарё шундан кейин Ҳолижон деб аталувчи балиқчилар яшайдиган Хазар денгизига бориб қуйилган. Хоразмдан денгизгача олти кунлик йўл. Дарёнинг узунлиги 500 фарсах бўлган. Бу дарё қишда шундай қалин муз билан қопланадики, айрим вақтларда унинг устидан қарвонлар ўта олган»<sup>266</sup>.

X асрдаги учта араб географи Ибн Руста<sup>267</sup>, Истахрий<sup>268</sup> ва Ибн

<sup>259</sup> Абулғози, Юқоридаги кўрсатилган асар, 280-бет.

<sup>260</sup> А. И. Глуховской, Об исследованиях древнего русло Аму-Дарья, ИРГО, т. XI, вып. I, 1875, 1—2-бет.

<sup>261</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарья, 408-бет.

<sup>262</sup> Абулғози, Юқоридаги асар, 225-бет.

<sup>263</sup> De Goeje, Das alte Bett des Oxus. Leyden, 1875, 20—22-бетлар.

<sup>264</sup> В. В. Бартольд, К вопросу о впадении Аму-Дарья в Каспийское море ЗВОРАО т. XIV, 1902, СПб., 1-бет.

<sup>265</sup> Отрывок из *نزہة القلوب* приведенный В. В. Бартольдом в статье „Хафиз Абру и его сочинение“, Сборник статей учеников бар. Розена, СПб., 1897.

<sup>266</sup> Сборник статей учеников бар. Розена «Ал-Музаффария», СПб., 1897, 6-бет.

<sup>267</sup> МИТТ, т. 150-бет.

<sup>268</sup> ВГА, т. I, 303-бет.

Ховқалларнинг<sup>269</sup> баёнига кўра, Жайхун дарёси (Амударё) Ҳолижон деб аталадиган ва балиқчилар яшайдиган Хоразм кўлига бориб қуйилган. Ибн Ховқал бунга қўшимча қилиб, дарёнинг қишда қаттиқ музлашиши, унинг устидан юк ортилган ҳайвонларнинг юришини ва бу музлик Хоразм атрофларини ҳам қоплашини айтади<sup>270</sup>.

Шубҳа йўқки, Хамдуллоҳ Қазвиний X асрдаги араб географларининг, айниқса, Ибн Ховқалнинг асарлари билан таниш бўлган. Аммо Амударёнинг Орол денгизидаги (балиқчилар яшайдиган Ҳолижон) Ибн Ховқал томонидан эслатиб ўтилган қуйилиш жойи Хамдуллоҳ Қазвиний томонидан Қаспий денгизининг соҳилларига ўз-ўзидан кўчириб ўтказилган. Хамдуллоҳ Қазвиний араб географларининг бу маълумотларига «Хулм» ва «Гурлади» тўғрисидаги ўз замонидаги янги хабарларни қўшди. Лекин у буларни Амударёнинг Қаспий денгизига қуйиладиган жойи билан боғлайди. Бартольднинг ўзи Қазвинийнинг баъзи маълумотларида шубҳа борлигига иқрор бўлади. У шундай деб ёзади: «Биринчидан, Ҳолижон деган жой номи, иккинчидан, (Қазвиний—Я. Ф.) айтган Хоразмдан «денгизгача» бўлган масофа: олти кун<sup>271</sup> ичида Хоразм марказидан Орол денгизигача (масофани ана шундай бўлишини Бакрон ҳам айтган<sup>272</sup> кўриб ўтдик)<sup>273</sup> ёки Сариқамишгача бориб етиш мумкин эди, лекин Балхан кўлигача эмас дейишнинг ўзи шубҳалидир<sup>274</sup>.

Гарчи Хамдуллоҳ Жайхуннинг Хазар (Қаспий) денгизига қуйилишини айтса-да, аммо бунини Қаспий денгизига эмас, балки Сариқамиш кўлига қуйилган деб тушуниш лозим. Гурлади номли жойни Сариқамишнинг жануброқ томонидаги Декча чегараларига киради деб билмоқ лозим, сув оқими бу ерда атрофи тик, деярлик ўтиб бўлмайдиган чуқур жарлик ҳосил қилади.

В. В. Бартольд Ўзбой бўйлаб сув оқими бўлганлиги ҳақидаги масалада Заҳириддин ал Марошийнинг маълумотларига асосланади. Заҳириддин ал Мароший Темур томонидан сайдларни Мозондарондан Хоразмга сув йўли билан юборилганлиги ҳақида ҳикоя қилади. «Отрядлари Сарига келиб кирганда,— деб ёзади у,— гаванларла кемаларни тайёрлаб қуйилиши ва сайдларни кемаларга ўтказиб Мовароуннаҳрга жўнатилиши ҳақида буйруқ берилган эди. Олий фармонга биноан сайдларни кемаларга ўтказиб Уғирчига олиб кетганлар ва шу тахлитда Жайхун дарёси бўйлаб сузиб бориб, маълум жойда сайдларни кемалардан туширганлар ва кўргазмага биноан уларни ҳар қайси областлар бўйича тақсимлаб юборганлар»<sup>274</sup>.

Бу қизиқарли ҳикоя Ўзбой этаклари, лоақал, Куртиш остонасигача, балки ундан ҳам қуйироқгача сув йўллари бўлганлигини кўрсатади. Шунинг муносабат билан, Г. С. Карелиннинг Ўзбой этаги бўлган Оқтом ўзани ҳақидаги фикрини кўз олдимизга келтирамиз. Унинг узунлиги 40 чақирим бўлган, у сув билан тўла бўлиб, чуқурлиги уч саржинча ва эни 160 саржинча бўлган. «Оқтом оқмайди, — деб ёзади Карелин, — туркманларнинг тасдиқлашига кўра, унинг суви шунчалик

<sup>269</sup> В. Г. А., т. II, 354-бет.

<sup>270</sup> В. Г. А., т. II, 354-бет.

<sup>271</sup> Бу ерда Қазвиний кун тўғрисида эмас, балким тўхтаб ўтиш тўғрисида гапирди. Мархала *مرحله* сўзи бир кунлик йўлнинг (22—25 км) ярмига тўғри келади.

<sup>272</sup> Муҳаммад ибн Нажиб Бакрон, «Жаҳоннамо»нинг автори (XII—XIII асрлар).

<sup>273</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море, 50—51-бетлар.

<sup>274</sup> В. В. Бартольд, К вопросу о владении Аму-Дарьи в Каспийское море, 25-бет.

шўр бўлганки, қаттиқ шамол кучи билан қўлтиқдан ҳайдаб чиқарилган балиқлар қисқа вақт ичида кўр бўлиб қолади»<sup>275</sup>.

Г. С. Карелин ва А. Кеснинг Оқтомнинг юқори участкалари ҳақида берган маълумотларига асосланиб, денгиз суви Ўзбойнинг ичкари-сига вақти-вақти билан кириб турган деб тахмин қилиш мумкин<sup>276</sup>.

1925 йилда Каспий қатламлари устида текшириш ишлари олиб Ёрган П. А. Православлев қуйидаги хулосага келди: Каспийнинг Сарин трансгрессиясида денгиз сатҳи ҳозирги вақтдагидан 15 м кўтарилганлиги XIV асрга тўғри келади<sup>277</sup>. Агар бу ҳақиқатдан ҳам шундай бўлган бўлса, Каспий денгизининг суви XIV асрда Ўзбой водисининг анча ичкари-сига кириб бориш имконига эга бўлган бўлар эди; Каспий денгизи ва Ўзбойнинг ярмидан кўпроғигача сузиб бориш имкони бўлганлиги ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас.

Бошқа томондан, биз Дарёлиқдаги сув миқдорига қараб, Сарикамишдан Ўзбойга вақти-вақти билан сув кириб турганлигини инкор этувчи ҳеч қандай асосга эга эмасмиз. Ўзбойда ўтказилган янгидан-янги географик текшириш натижалари ҳам илгариги вақтда сувнинг бундай ўпириб ўтиш имконияти бўлганлигини инкор қилмайди.<sup>278</sup>

В. В. Бартольд Ўзбой бўйлаб оқим бўлганлигини тасдиқлаш учун Хондамирнинг Султон Ҳусайн Бойқаронинг Астробод ва Хоразм ўртасида кезиб юрганлиги ҳақидаги ҳикоясини келтиради. Бу ҳикоянинг биринчисида Ҳусайннинг Абусаиддан сақланиш учун Астрободдан Уғирчи ва Адоқ области томон қочганлиги ҳақида гапирилади; аммо Абусаид қўшинларининг душман изидан қувиб етиши учун ёмғир ҳалақат берган ва Ҳусайн етти кундан сўнг беш юз одами билан Амударё (Дарёлиқ) соҳилига етиб кема ва қайиқларга тушиб, сувдан ўтиб кетган<sup>279</sup>.

Бу текстда қочоқларнинг Дарёлиққа эмас, Ўзбой дарёсининг худди ўзига борганликларини кўрсатувчи маълумот йўқ. Агар отлиқларнинг сувсиз саҳродаги юриш тезлиги назарга олинса, Дарёлиқ соҳилларига етиб олиш учун етти кун жуда етарли бўларди.

Абулғозиннинг ҳикоя қилишига қараб ҳукм қилинганда, ҳозир шарҳ қилинаётган йўл яхши маълум бўлган. У Динорқудуқ деб аталувчи қудуқдан Куртишга ва у ердан ўша қуруқ йўл орқали Дарёлиқ қирғоғига бориб етади. Дарёлиқ орқали кема ва қайиқларда тахминан Қумкенд районида Урганч ва Вазир ўртасидан ўтганлар<sup>280</sup>.

Хондамир ўзининг иккинчи ҳикоясида қуйидагича баён қилади: Ҳусайн 1464 йилда Астрободдан шимол томонга яна қочишга мажбур бўлган; аммо бу сафар у адашиб қолган ва қўшинига кўп қийинчилик келтирган денгиз яқинига ҳамда жуда катта лойли йўлга дучор бўлган. Ҳусайн бу жойдан муваффақият билан ўтиб олди ва тўхтамоқчи бўлди, аммо унинг орқасидан душман қувиб келиб уни бу жойдан кетишга мажбур қилди; уч-тўрт кундан кейин у Адоққа ва у ердан Амударё соҳилларига етиб келди. Бу ерда у Усмоннинг (Муҳаммад Сўфининг ўғли) душманлик найрангларини сезиб қолиб, Амударёдан сузиб ўтиб кетди ва Асаф Ҳуз шохобчаси қирғоқларига жойлашди. Усмон

<sup>275</sup> Путешествие Г. С. Карелина по Каспийскому морю, Записки РГО, т. X, СПб., 1883, 409—410-бетлар.

<sup>276</sup> А. Кесь, Русло Узбоя и ее генезис, Труды Института географии АН СССР, 1939, 64-бет.

<sup>277</sup> Шу асар, 88-бет.

<sup>278</sup> А. Кесь, Шу асар, 112-бет.

<sup>279</sup> В. В. Бартольд, К вопросу о впадении Аму-Дарьи в Каспийское море, 26-бет.

<sup>280</sup> Абулғозин, Юқорида кўрсатилган асар, 221-бет.

тумтарақай бўлиб қочиб кетди; Хусайн Вазир шаҳрини ишғол қилди<sup>281</sup>.

Иккинчи ҳикояга қараб ҳукм қилинганда, Хусайн Куртиш томон йўл олган. (Астробод ва Хуросондан чиққан йўловчилар, одатда Куртишда тўхтаб ўтганлар). Аммо Хусайн бунга муяссар бўлмаган ва у денгиз сувининг Ўзбой ичкарисидан вужудга келтирган ботқоқлиғида адашиб қолган.

Ҳикояда кўрсатилган Асаф Ўкуз шохобчаси манбаларда биринчи марта учратилди. Агар бу шохобчани Вазир (Девкескан) шаҳрининг жанубий районида деб талқин қилинса, унда уни дарёнинг бир тармоғига деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Абулғозининг Амударёнинг Каспий денгизига қуйилувчи қадимги оқими, туркманлар ва уларнинг Сўфиёнхон давридаги Хева хонлиги билан ўзаро алоқалари ҳақидаги маълумотини келтирамиз. Унда туркман уруғлари ва қабилаларининг ўтроқлашиши ҳамда машғулотларини ифодаловчи далиллар биринчи марта учратилади.

Абулғозининг сўзларига кўра, XVI асрда учта туркман уруғи хизир элининг адоқ группаси, али эли ва тевачилар Пешгоҳдан Қариқичитгача, Қариқичитдан Абулхон тоғигача Амударё бўйларидаги ерларда деҳқончилик билан шуғулланганлар. Улардан етиштирилган ҳосилнинг ўндан бири олинган ва айни вақтда чорва учун солиқ ҳам тўлаганлар<sup>282</sup>. Бу Сарикамиш қирғоғидаги бепоён яйловларда чорвачилик қилувчи ва Дарёлиқ этакларидаги суғорма ерларда деҳқончилик қилувчи туркман деҳқонларининг турмуш қиёфасини ифодаловчи энг характерли деталлардан биридир.

Туркманлар қўнгилдагидек деҳқончилик қила олмас эдилар, чунки Хева хонлари ва феодал зодагонлари уларни каналларнинг охирига қисмига жойлаштирар эдилар. Деҳқонлар бу ерда сувдан талаб қилинган миқдорда фойдалана олмас эдилар (вегетация даврида сув етиб бормас эди, йиғим-терим даврида эса, ҳеч кимга сув керак бўлмаган вақтда сув деҳқонлар ерига оқизиб қўйилар эди). Хонлар кўпинча сиёсий мулоҳазаларни ҳисобга олиб, уларни бутунлай сувдан маҳрум қилардилар. Шу сабабли бир ерга ўтроқлашиб қолган туркманлар ҳам лоақал тирикчилигини ўтказиш учун яйловларда молни ҳайдаб боқиш-ни давом эттирганлар.

«Абулхонда, — деб ёзади Абулғози, — ўша вақтда эрсари деб аталувчи туркман қабилалари яшаган; Сўфиёнхон уларга одам юбориб қўйидаги сўзларни айтишни буюрган: «Илоҳий қонун закот беришни лозим топди, шунинг учун сизлар ўз молларингиздан ҳар йили закот бериб туришларингиз зарур, мен шундагина закотни зўрлаб олиб келиш учун одам юбормайман».

Туркманлар хонга итоат қилдилар ва ҳар йили ўзларининг мулкларидан закот бериб турдилар. Улар бир неча йил шундай қилдилар, аммо бир куни хонга итоат қилишдан бош тортиб, солиқ йиғувчиларни ўлдирдилар. Хон уларни жазолашга қарор қилди ва Абулхонга борди.

«Бу вақтда Урганчдан Абулхонга ўтиш, бир овулдан иккинчи бир овулга ўтишдек иш эди, чунки Амударё Урганч қалъасидан Абулхон

<sup>281</sup> Бу ҳар икки ҳикоя В. В. Бартольднинг «К вопросу о впадении Аму-Дарья в Каспийское море» китобида келтирилган, 26—27-бетлар.

<sup>282</sup> *شجره ترك*. Демезон нашри, 210—211-бет. Абулғози Дарёлиқни ўзбой (Амударё) деб кўрсатади.

«أموسوینیک یقاسنده ایکن ایکیب اولتورغان اوچ اوروقی تر کمان بارایردی  
حضر ایلی نیک ادافلسی علی ایلی و تیوچی ایلی بولارنیک ایکن لاریدین  
ده یک آلدیلار تیوچی برلان علی ایلینه مال هم سالیب آلدیلار...»

тоғининг шарқий томонига қараб оқар эди; бу тоғнинг этагидан бу оқим жанубга томон бурилиб кетарди; бу ердан ғарб томонга оқар эди. Уша жойдан Уғирчига ўтиб, Мозондарон (Каспий — Я. Ф.) денгизига қуйиларди. Амударёнинг ҳар икки соҳилидан то Уғирчига еткунча бўлган ерлар экинзор, тоқзор ва дарахзордан иборат эди. Ёзда баланд ерларга чиғириқ ўрнатиларди;<sup>283</sup> чорвадорлар бу ерда чивин ва бўканинг кўплигидан дарёдан икки манзил наридаги қудуқларга кетиб қолардилар. Улар кузда чивин ва бўка қолмаган вақтда яна қайтиб келарди. Мамлакатнинг ободонлиги ва ҳосилдорлиги юқори даражада яхши бўлган».

Сўфийхон қўшинидан қочган туркманлар Чўтакка яширинганлар<sup>284</sup>. Хон ўз қўшинлари тўплангач Чўтакни қамал қилган. Қамалда қолганлар Оқатойхонга итоат этганлар, хон туркманларга ҳар йили 40 000 қўй хирож солган. Бу хирожни „ташқи солур“ (تاشقى سالور) уруғини ташкил этган така, ёвмуд, сарнқ ва эрсарилар тўлаганлар.

Бу воқеалардан сўнг бир неча йил ўтгандан кейин бу солиқ жон бошига ҳамда чорвасининг миқдорига қараб бошқа туркманларга ҳам жорий қилинди. Бу ички солур (ئىچكى سالور) уруғи ва хасанэли, игдир, човдур, ушоқ, аробачи ва гўкланлардан иборат эди. Солиқ «барат кўйи» (навкарларнинг хизматчи учун бериладиган кўй) ва «қозон кўйи» (хон қозони учун бериладиган кўй)дан иборат бўлиб, унинг умумий миқдори 58800 кўйни ташкил этарди.

Абулғозининг Ўзбойдаги боғлар, экинзорлар ва тоқзорлар ҳақидаги маълумотининг тўғрилиги жиддий шубҳа туғдиради. Ўзбой қирғоқларида суғориш ишлари бўлмаган, хизир эли, али эли ва тевачи эли каби ўтроқлашиб қолган қабилалар ҳақиқатан ҳам Дарёлиқ этакларида жойлашганлар. Бундан ташқари, Абулхондаги чорвадор туркманлар афтидан Амударёнинг Ўзбой томон оқадиган сувига алоқалари бўлмаган ва уларнинг чорва хўжаликлари кўпгина булоқ суви жилғалари асосида ривожланган<sup>285</sup>. Абулғозиди Сарикамиш кўл сифатида ҳам, денгиз сифатида ҳам кўрсатилмайди. У томонидан кўрсатилган Адоқ Жанубий Хоразмдаги бирқанча кўллардан иборат бўлган «Оёқкўл» га ўхшаб, Сарикамиш кўлининг атрофидан бошқа нарса эмас.

Де Гуйе ўз кузатишларида Адоқ, Янгишаҳар ва Янгикентни аралаштириб юборади<sup>286</sup>. Аммо у Абулғозининг Ўзбойнинг XVI асрдаги ерлари ҳақидаги, Сўфийхон давридан кейин юз йил ўтгач аҳоли ўртасида кенг тарқалган афсонага биноан Амударёнинг асосий оқими кучайган даврдаги «хаёлий тасаввурларини» ҳақли равишда эслатиб ўтади<sup>287</sup>.

Юқорида туркманларнинг машғулоти ва ҳар турли жойда яшаганлиги ҳақида айтилганларнинг ҳаммасидан Амударёнинг XIII—XVI асрларда Сарикамишга оққанлиги кўриниб турибди. Сарикамиш кўлидан вақти-вақти билан ортиқча сув Ўзбойга тушиб турган, буни ўрта аср авторлари Амударёни Каспий денгизига қуйилган деб ҳисоблаганлар.

Географик ва археологик кузатишларнинг якунлари бизни тарихий даврларда Ўзбойга қуйиладиган оқим бўлганлиги ҳақида ишонттиради.

<sup>283</sup> „Баланд ерларга чиғириқ қурилади“ — „بلند يەرلارگه چغر قورورلار ايردى“

жумласи Абулғозидан аниқланган, № 217 ИВ АН УзССР. Бошқа кўлёмзада айниқса Демезон нашрида бу ибора котиб томонидан бузиб берилган.

<sup>284</sup> Чўтак Абулхоннинг шимолий томонидаги чиқиб бўлмайдиган тепалик. Абулхон билан Чўтак ўртасидаги йўл отлиқ учун у кунлик йўл.

<sup>285</sup> Путешествие Г. С. Карелина по Каспийскому морю, Записки РГО, X т., СПб., 1883, 330—341-бетлар.

<sup>286</sup> De Goeje, *Dasalt Bette des Oxus*, Leyden, 1875, 65-бет.

<sup>287</sup> Уша асар, 56-бет.



Ўзбой соҳилларида суғориш ва деҳқончиликдан асар ҳам йўқ. Аммо худди Ўзбой оқимининг кенг ички участкаларида экин экиладиган ерларнинг борлигини кўрсатувчи фактларни инкор этиб бўлмайди<sup>288</sup>.

Қадимги ўзан ва кўллар билан боғлиқ бўлган пастлик ерлардаги деҳқончилик қуйи Амударё ҳавзасининг барча ерларида учрайди; деҳқончилик чуқурлик ерларга сув келмай, тўхтаб қолган вақтларда ва ўзида жуда кўп нам запаси бўлган қисман бўлса-да ёғин-сочиндан фойдаланиладиган ерларда ўтказилган. Тарихчилар ва географларга XIX—XX асрларда Ўзбой оқимида ҳеч қандай деҳқончилик бўлмаганлиги маълум. Бу ерда деҳқончилик бўлмаган ва ҳозирги вақтда ҳам бўлиши мумкин эмас. Демак, Ўзбой тагидаги экин экиш учун ажратилган ерларни Ўзбойга кириб турган сув вақт-вақти билан тўхтаб қолган даврида қилинадиган деҳқончилик ерлари деб ҳисоблаш лозим, бу даврда Ўзбой тагидаги ерларнинг нами қуримасдан туриб бошоқли экинлар экиш мумкин эди. Шунинг учун бу ердаги экинларни ёғин-сочин асосида кўкартирилганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай асос йўқ. Биринчидан, метеорологиянинг берган маълумотларига қараганда бу ерда ёғин-сочин жуда кам бўлади; иккинчидан, Ўзбойнинг қумлоқ тупроқли соҳиллари ёғин-сочин намини сақлаб қололмаган; учинчидан, ер устидаги намнинг заволи бўлган жазирама иссиқ ва шамол Ўзбой ерларининг остида запас намликнинг тўпланиши учун йўл қўймаган. Уйдим-чуқурликларнинг изини, албатта, сувнинг Сарикамишдан Ўзбойга вақтинча уриб кетиши билан боғлаш лозим.

Бундан ташқари, бундай вақтинча жонланишга туркман қабила-ларининг XIV—XV асрларда Ўзбой ҳавзасига кўплаб тўпланиши ҳам сабаб бўлди. Бу ерда чучук сувнинг пайдо бўлиши уларнинг Дашти Қипчоқдан, Устюртдан, Жанубий Туркменистон ва Шимолий Эрондан кўчиб келишларига сабаб бўлган бўлса керак. Бизнинг фикримизча, Ўзбойда чучук сувнинг йўқолиши бу туркман қабилаларининг Манғишлоқ, Абулхон ҳамда Адоқ ерларига йиғилишга мажбур қилган.

Бу воқеаларнинг ҳаммаси, тахминан Олтин Урда даврида «Фотмахотин» тўғонининг тикланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, тўғоннинг тикланиши Дарёлик сувини заифлаштириб қўйган. Тўғоннинг бузилиши, афтидан, Урганч, Вазир ва ҳоказо районларининг ободонлиги устида туғилган хавф — сувсизликнинг олдини олмасди, чунки сувнинг асосий оқими Курдар томон йўналган.

Женкинсоннинг йўлномаси XVI асрнинг иккинчи ярмидаги Дарёлик ва Сарикамиш аҳволини анча дуруст ёритади.

Женкинсон 1558 йилда подшо Иван IV нинг қўриқловчи ёрлиғи билан Москвадан чиқиб кетди. У Волга дарёси бўйлаб сузиб Астрахань шаҳрига етиб борди, у ердан Қаспий денгизи орқали сузиб ўтди ва Манғишлоқ яриморотида қўнди. У билан бирга, ҳожилар (Маккага ҳаж қилиш учун кетаётганлар), Мовароуннаҳр савдогарлари ва эрондиклар бор эди.

«Биз бу ерда, — деб ёзади Женкинсон, — бир неча кишини қирғоққа ҳоким ва халқ билан сўзлашиб келиш учун юбордик ва ҳоким ҳамда халқнинг биз билан яхши муомилада бўлишини, биз келиб тушган ердан 25 кунлик йўлда, яъни, Селлизюр<sup>289</sup> (Sellisure) деб аталувчи жойга молларимизни олиб бориш учун бизга туялар етказиб беришни

<sup>288</sup> С. П. Толстов, Юқорида кўрсатилган асар, 303-бет.

<sup>289</sup> С. П. Толстовнинг маълумотига кўра, Шаҳри Вазирдир (Қ: По следам древнехорезмийской цивилизации, 53-бет). «Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке» тўплами, инглизчадан Ю. В. Готье таржимаси, Л., 1937, 167-бет.

сўрадик». Улар бир неча кундан сўнг Темур султон қўл остида бўлган Манғишлоққа етиб келдилар<sup>290</sup>.

«Бу султон кўшк ва шаҳарда яшамай, саҳрода яшаган ва мен унинг кичкинагина қамишдан ясалган, усти кигиз, ичи эса гиламлар билан ўралган ўтовига кириб борганимда у ўтирган эди. У билан бирга, бу саҳройи мамлакатнинг бош руҳонийси ўтирган эди. Европанинг каттагина қисмида Рим епископини қанчалик ҳурмат қилсалар, уни ҳам халқ шунчалик азизлар эди. Улардан бошқа бир неча амалдорлар ҳам бор эди. Мен у билан хўшлашиб жўнадим, ўзимизнинг карвонларимизга етиб олдим ва биз саёҳатни давом эттирдик, денгиз соҳилидан бошлаб бирорта ҳам шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойни кўрмасдан, ўзимизга керакли бўлган озиқ-овқатни юклаб, саҳрода 20 кун йўл юрдик. 20 кун ичида ўша эски чуқур қудуқлардан олинадиган шўртанг ва жуда ҳам шўр сувдан бошқа сувни учратмадик, баъзи вақтларда эса, икки-уч кунлаб шу сувга ҳам зор бўлдик. 5 декабрда биз яна қайта Каспий денгизи қўлтиғига етиб келдик, бу ерда биз чучук сув ичишга муяссар бўлдик. Бу ерда бизни туркман шоҳининг бож олувчилари кутиб олдилар, улар биздан солиқ сифатида ҳар бир 25 молдан биттадан мол ва шоҳ ҳам унинг ака-укалари фойдасига<sup>291</sup>, тўққиз хил молнинг ҳар биридан еттитадан бож олдилар. Барча йиғилган нарсани олиб улар жўнадилар, биз яна бир кун дам олиш учун бу ерда қолдик.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, улуғ Оксус дарёси илгари замонларда Каспий денгизининг мана шу қўлтиғига келиб қуйилган; бу дарё Ҳиндистондаги Паропамиз (Pарароміsus) тоғларидан бошланган; эндиликда унчалик узоққа етиб бормади, аммо шимол томонга оқувчи ва ер остига шимилиб кетадиган Ардоқ деб аталувчи бошқа дарёга қуйиладиган бўлиб қолган. Ер остида 500 мил силжиб бориб, яна қайтадан ер бетига чиқади ва Хитой қўлига қуйилади<sup>292</sup>. Юқорида айтилган қўлтиқда дам олиб, биз тўртинчи октябрда жўнадик, еттинчи ноябрда эса Селлизюр (Шаҳри Вазир — Я. Ф.) қалъасига кириб бордик. Шу ерда мен Азимхон исмли шоҳ ва унинг учта ака-укалари ҳузурда бўлдим<sup>293</sup>.

«...Селлизюр қалъаси баланд тепаликка жойлашган; бу ерда хон деб юритиладиган қирол яшайди. Унинг саройи пастгина, чўзиқ бўлиб,

<sup>290</sup> Абулғозиннинг фикрича, Ҳожим Муҳаммад (Ҳожим)хонни ўзбек султонлари 965 ҳижрий йилда (1559 й.) Вазир шаҳрида тахтга ўтказганлар; Урганч, Хазорасп ва Катни Али султонга берганлар; Хева шаҳрининг ярмини, шунингдек, қўнаш туркманлари ва Улугтепани Пулат султонга ажратиб берганлар. Хеванинг қолган ярмини ва қорабековул туркман қабилаларини Темур султон ҳукмронлигига ўтказганлар. (Юқорида кўрсатилган асар, 336—337-бетлар). Буларнинг ҳаммасидан қорабековул туркманлари Манғишлоқда яшаган деб хулоса чиқариш мумкин. Темур султоннинг ўзи Манғишлоқда яшаган ва Хевада у томондан қўйилган кишиларгина шоҳ номидан солиқ йиққанлар.

<sup>291</sup> Женкинсоннинг сўзлари ҳақиқатга тўғри келади, чунки Абулғозиннинг хабар беришига кўра, Ҳожимхоннинг укаси Маҳмуд султон унинг олдида, Вазирда яшаган (Абулғозин, Юқорида кўрсатилган асар, 237-бет).

<sup>292</sup> Бу ерда биз А. Каульбарснинг фикрига қўшилаемиз, у қуйидагича ёзади: «Қатта дарёнинг текис қумлоқ жойда йўқ бўлиб кетишига инониб қийин, бунга ҳозир биз кузатаётганимиздек, яъни Амударёнинг қумлоқларда эмас, балким бепояён дарё қуйилишида қамишзорларга кириб йўқ бўлиб кетишига таққослаб аниқлаш мумкин эмасмикан. Женкинсон таржимонлар томонидан янглиштирилган бўлиши мумкин» (А. К. Каульбарс, Низовья Аму-Дарьи, 448-бет, 258-эс-латма). Агар бу фикрга Мунис-Оғаҳийнинг «Амударё Ҳожимхон замонида Довқарани босиб кетиб, шу жой орқали денгизга қуйилган» деган маълумотларини қўшсак, унда А. Каульбарснинг мулоҳазалари ҳақиқатга янада яқинроқ келади.

<sup>293</sup> Абулғозин Маҳмуд султондан ташқари, Оқатойхоннинг яна икки ўғли (Ҳожимхоннинг ака-укалари) Оллоқули ва Сулаймонларнинг бўлганлигини қайи қилади (Юқорида кўрсатилган асар, 236-бет).

унча мустаҳкам эмас. Аҳолиси қашшоқ ва савдо ишлари билан шуғулланмайди.

Қалъанинг жанубий қисми пастликка, аммо жуда унумдор ерга жойлашган;<sup>294</sup> бу ерда жуда кўп хилма-хил экинлар ўстирилади, булардан биттаси (Dunie) қовундир, у ўзининг катталиги ва шираси билан ажралиб туради. Аҳоли уни овқатдан сўнг сув ўрнига ейди<sup>295</sup>. Бу ерда яна тарвуз (Carbuse) деб аталувчи мева бор, унинг катталиги катта бодрингдай (?), сариқ ва шакардек ширин<sup>296</sup>, шунингдек иегур (iegur)<sup>297</sup> деб аталувчи дон экини ўсади, унинг пояси ва бўйи шакарқамишга жуда ўхшаб кетади, дони гуручга ўхшайди ва у поянинг юқори қисмига жойлашган, узум бошларига ўхшаб осилиб туради. Бутун мамлакат фойдаланаётган сув жуда суви камайиб кетган Оксус дарёсидан каналлар орқали олинади. Мана шунинг учун ҳам унинг суви илгаригидек Каспий денгизига қўйилмай қўйган. Бу мамлакат яқин вақтлар ичида Оксус дарёсининг суви етишмаслиги натижасида вайрон бўлади ва саҳрога айланади.

Биз 16 октябрда бу Селлизюр қалъасидан жўнаб кетдик, шу ойнинг 16 сида эса, Урганч (Urgence) деб аталувчи шаҳарга кириб келдик, у ерда ҳар бир киши ҳисобидан ва шунингдек ҳар бир бош туя ҳамда от ҳисобидан бож тўладик.

...Урганч шаҳри текисликка жойлашган бўлиб, унинг атрофи 4 милга яқин пахса девор билан ўралган. Биноси ҳам пахса девордан қурилган, аммо харобага айланаётган ва тартибсиз ҳолда эди; битта узун кўчасининг усти бекитилган; бу кўча уларнинг бозори эди. Шаҳар етти йил мобайнида тахт учун бўлган ўзаро жанжаллар натижасида тўрт марта қўлдан-қўлга ўтган. Шунинг учун у ерда савдогарлар кам ва камбағал. Бутун бошли шаҳарда ҳаммаси бўлиб тўрт бўлак мата сотдим. Бу ерда сотилаётган асосий моллар Бухородан ва Эрондан келтирилди, аммо у моллар шунчалик камки, улар ёзишга ҳам арзимайди. Каспий денгизидан тортиб Урганчгача бўлган бутун мамлакат туркманларга ва юқорида кўрсатиб ўтилган Азим (Ҳожим — Я. Ф.) хонга ҳамда унинг беш кишидан иборат бўлган ака-укаларига қарашли бўлган. Улардан биттаси улуғ шоҳ ёки хон деб юритилади, аммо унинг шахсан қўли остидаги ва ҳатто у ўзи яшаётган ердаги кишилар унга яхши бўйсунмас эди, чунки бу шахсларнинг ҳар қайсиси ўз ерида мустақил шоҳ бўлишни истар эди.

...Биз 26 ноябрда Урганч шаҳридан жўнаб кетдик, ва Оксус дарёси бўйлаб 100 миль ерни ўтиб, бошқа дарёга — Ардоққа етиб келдик, бу ерда биз бирозгина<sup>298</sup> бож тўладик. Ардоқ жуда катта ва тезоқар дарё, у Оксусдан ажралиб чиқади ва шимол томонга қараб 1000<sup>299</sup> милча оқади.

...Биз иккинчи ойнинг, декабрнинг еттинчи куни Қайт (Kait) деб аталувчи кўшкка (шаҳарга) кириб бордик. Бу шаҳар Сарамат сул-

<sup>294</sup> С. П. Толстовнинг ёзишича, Девкескан тепалигининг остонасида «пастки шаҳарча»нинг кенг майдони ва XVI—XVII асрда яшаган аҳолининг ҳар хил қолдиқлари жойлашган. (С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, 63-бет).

<sup>295</sup> Гап тарвуз ҳақида бормоқда, автор тарвузни форсча «харбуза» (қовун) сўзи билан алмаштириб юборган.

<sup>296</sup> Қовоқ демоқчи.

<sup>297</sup> Оқ жўхори; таржимон ва комментатор кунжут бўлса керак деб нотўғри тахмин қиладилар («Английские путешественники о Московском государстве» тўплами, 177-бетга изоҳ).

<sup>298</sup> Шунинг учун ҳам бирозгинаки, Кат ҳам ўша Али султонга қарашли эди. (А б у л г о з и, Юқорида кўрсатилган асар, 236-бет).

<sup>299</sup> Бу ерда фикр қарама-қаршилиги бор — юқорида 500 миль деб кўрсатган эди.

тон номли киши қўл остида эди, у ўз акаси, Урганч подшоси Али султондан ҳайиқмаганда, бизнинг карвондаги барча христианларнинг мол-мулкни тортиб олмоқчи эди»<sup>300</sup>.

Женкинсоннинг ҳикоясидан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Сариқамиш 1558 йилда, Шайбонихоннинг XV аср охирларида Адоққа қилган юриши давридаги «Қоратенгиз»дек<sup>301</sup> мавж уриб оқмасди, у Дарёлиқдан сув олувчи осойишта, чучук сувли кўлга айланган.

2. Дарёлиқ бўйлаб йўналган оқим аста-секин тинабошлаган ва жўхори, қовун, қовоқ ва шу каби экинлар экиш мумкин бўлган қуйи ерлардаги деҳқончиликни зўрға таъминлаган.

3. Ардоқ ҳозирги вақтда Хўжайли ва Нукус шаҳарлари ўртасидан оқаётган, қадимги Курдар оқимига тенг бўлган дарёнинг шохобчасидир. У, Абулғозининг кўрсатишича, 1573 йилда, балки ундан ҳам илгари ўзи учун шу янги оқим йўлини очиб олган, жуда бўлмаганда, 1558 йилда «Ардоқ» Женкинсоннинг кўрсатишига биноан асосий шохобча сифатида бутун қуввати билан ҳаракатда бўлган.

Абулғози ўзининг автобиографик маълумотларида бироз бошқача гувоҳлик беради. У шундай ёзади: «Мен туғилмасдан ўттиз йил илгари,<sup>302</sup> Амударё «Хостминор»дан юқорида жойлашган. Унинг оқими Қораайғир деб аталувчи тўқайдан ўзига йўл очиб олган; у нарироқ бориб, Тўк қалъасигача<sup>303</sup> етиб борган ва Сир<sup>304</sup> денгизига қуйилган, шунинг учун ҳам Урганч сувсиз қолган<sup>305</sup>. Шундай бўлишига қарамай, Урганчнинг аҳолиси шаҳарни тарк қилмаган. Ёзда қўшинлар хон бошчилигида Амударё соҳилларига жўнаганлар ва у ерда деҳқончилик учун қулай бўлган ерларга экин экканлар. Ҳосилни йиғиб-териб олгандан сўнг Урганчга қайтиб келганлар<sup>306</sup>. Мен туғилган йилнинг баҳориди ўн етти киши савдо ишлари билан Россияга борган. Қўшёнлик деб аталган жойда минг кишидан иборат рус, казак отрядлари уларга ҳужум қилган. Казаклар Урганчда қўшин йўқлигини шу савдогарлардан билганлар.

Казакларнинг мана шу отряди яширин равишда Урганчга кириб олиб шаҳарни талон-тороғ қилган. Арабмуҳаммадхон бу вақтда Хевада эди. Хон бундан хабардор бўлиб Урганчга етиб келган. Казаклар шаҳарни ташлаб дарёга томон жўнаганлар. Арабмуҳаммадхон казакларнинг олдини тўсиб чиққан, чуқурлар қазиб, баррикадалар қурган<sup>307</sup>. Казаклар икки кун жанг қилганлар ва баррикадаларни бузиб-ёриб, йўлда давом этганлар. Хон қўшинлари жаҳл билан казакларни саҳрода ушлаб қолмоқчи ва қириб ташламоқчи бўлган.

Улар, агар казаклар сувгача (дарёгача — Я. Ф.) етиб борсалар, бир кунда қалъа қуриб олишларидан қўрқар эдилар... Казакларнинг суви тамом бўлиб қолган эди ва ташналиқда улар қуршовдан чиқиш қобилиятига эга эмас эдилар; уларни қириб ташладилар, фақат 100

<sup>300</sup> Английские путешественники о Московском государстве, 174—179-бетлар.

<sup>301</sup> В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море. 80-бет.

<sup>302</sup> Унингча у 1014 (1603) ҳижрий йилида Урганчда туғилган.

<sup>303</sup> توك قلعه سی

<sup>304</sup> سر تنگرينه

<sup>305</sup> اول سببدين اوركنچ چول بولوبدى

<sup>306</sup> Абулғози, Демезон нашри, 291—292-бетлар.

<sup>307</sup> چيپ

жишигина орадан сурғилиб чиқиб кетди, у ерда (тўқай) дарахтларни қесиб, ўзларига қалъа қуриб олдилар ва балиқчилик билан тирикчилик қилдилар<sup>308</sup>.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Абулғозининг 1573 йилги дарё оқимининг ўзгариши ҳақидаги фикри ҳаққоний фикр эмас; дарё оқимининг ўзгариши, афтидан, илгарироқ бўлиб ўтган бўлса керак.

Мунис ҳам оқимнинг ўзгарганлигини қайд қилиб ўтади; у Орол денгизи ҳақида гапириб қуйидагича маълумот беради: «Уни Баҳри Хоразм деб атайдилар». «Равзатус сафо» китобининг хотима қисмида унинг айланаси юз фарсах деб кўрсатилган, айтишларига қараганда эса, икки юз фарсахдан кўп бўлган. Хоразм (Урганч — Я. Ф.) чўлга айланмасдан илгари Амударё Балх ҳамда Хоразм дарёси ва Жайхун юми билан машҳур бўлиб, Кўҳна Урганч яқинидан оқиб ўтган; у Балхан тизма тоғининг шарқ томонигача етиб бориб, бу тоғнинг жанубий томонини ювиб кетган ва ғарб томонга қараб бурилган, сўнгра Ўғирчи орқали ўтиб Мозондарон (Каспий — Я. Ф.) денгизига қуйилган. Фақат биргина Кўкўзак деб танилган Халаж дарёси<sup>309</sup> (ёки дарё шохобчаси — Я. Ф.) мана шу денгизга (Оролга — Я. Ф.) келиб қуйилган. 986 (1578) йилда Ҳожимхон подшолик қилган даврда Амударё ўз оқимини ўзгартирган. У Хостминорнинг юқоридаги Қораайғир тўғонида ўзига янги йўл очиб олган: Тўк қалъасининг яқинидан оқиб ўтиб шу денгизга (Оролга — Я. Ф.) келиб қуйилган»<sup>310</sup>.

XIX аср Хева тарихчиси Худойберди Қўшмуҳаммад дарёнинг шу бурилиш йилини 984 (1575) йилга тўғри келади дейди<sup>311</sup>.

Мунис Халаж ёки Кўкўзак дарёсининг ўша вақтда Орол денгизига қуйилганлигини қайд қилиб ўтади. Агар автор Дарёлиққа томон йўналган оқимнинг тўхтаб қолишини назарда тутган бўлса, бунда унинг фикри Женкинсоннинг Адоқ ҳақидаги маълумотларига мос келади. Акс ҳолда, бу масалани узоқ даврларда, ҳаммадан илгари X асрдаги Курдар канали ҳақидаги ва XIV асрдаги Бағдод канали ҳақида тарқалган миш-миш маълумотлар қаторига ўтказишга тўғри келади.

Қораайғир тўқайининг қаерга жойлашганлигини билишдан олдин, Ибн Рустанинг, Жайхун Хоразм маркази яқинидан ўтган деган фикрига яна қайтадан диққатни жалб қилиш лозим. Марказнинг жануброқ томонида Жайхун дарёсининг чап ва ўнг томонидан каналлар ҳамда шохобчалар ажралиб чиқади.

Шулар асосида тахминан шаҳарнинг қуйи томонида, тўрт фарсах нарида ботқоқ ва ўтлоқлар вужудга келган, «...шундан сўнг у (Жайхун — Я. Ф.) Хоразмдан бошлаб Журжония ва Маздахқон ўртасидаги тўғри йўналишда оқа берган»<sup>312</sup>. Истахрий шундай деб ёзади: «Курдарда бош шаҳардан тўрт фарсах нарида бир-бирига яқин бўлган тўрт жойдан сув олувчи канал бор... Айтишларига қараганда, Жайхун дарёси шу ердан оққан, ва қачон Жайхунда сув камайса, бу каналнинг суви ҳам камайган»<sup>313</sup>.

<sup>308</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 274-бет.

<sup>309</sup> نهر حلاج (Мунис, Юқорида кўрсатилган асар, 244-бет).

<sup>310</sup> Мунис-Огаҳий, فردوس الاقبال E—6, 241-бет.

<sup>311</sup> Худойберди Қўшмуҳаммад, دل غرائب ИВАН УзССР.

44-варақ; Мунис-Огаҳий ва Худойберди Қўшмуҳаммаднинг берган маълумоти маълум даражада комплиятив характерга эга.

<sup>312</sup> МИТТ, I том, 150-бет.

<sup>313</sup> МИТТ, I том, 179-бет.

Ибн Руста бундай дейди: «Сўнгра у (дарё — тарж.) Хоразмдан чиқиб (Катдан — Я. Ф.) тўппа-тўғри оққан».<sup>314</sup> Буни шундай тушуниш лозимки, дарё шаҳардан диагонал чизиқ орқали Қўҳна Урганчга йўналган ва ҳозирги Бийбозор ҳамда Шоббоз қишлоқлари ўртасидан ўтган. Масалани шундай талқин қилганда ҳозирги замон геологияси, географияси, гидрологияси<sup>315</sup> ва тарихий манбаларнинг маълумотлари ўртасида ҳар хиллик туғилмайди.

Кат шахрдан тўрт фарсах нарида бошлаувчи, Истахрий кўрсатиб ўтган Курдар каналини ибн Рустанинг берган маълумоти билан боғлаш лозим бўлади. Истахрийнинг кўрсатишича, Амударёнинг ўнг ва чап томонидан шохобча оқиб ўтган ва тахминан Хоразмнинг куйидан тўрт фарсах нарида ботқоқлик ҳосил қилган. Ибн Руста бу ерда Истахрий кўрсатиб ўтган эски Курдар оқимини кўзда тутса керак. Оқим Султон Увайс тоғлари олдида сув тўпламларини ҳосил қилган ва куйи дельтанинг каттагина қисмини сув билан таъминловчи канал шу ердан ўтказилган бўлса керак.

Абулғозининг ҳикоя қилишига кўра, XVI асрнинг охирларига келиб Урганч, Вазир ва Адоқ шаҳри районлари сувсиз қолган. Экинлар Амударёнинг қирғоқларига, ҳозирги Хўжайлининг шимоли-шарқий ва шимолий районларида экилган. Бу нарса суғориладиган ер майдонларини кенгайтиришга мажбур этди. Абулғозининг сўзларига қараганда, унинг отаси Арабмуҳаммад 1602 йилда Тўк қалъасининг юқорисидан канал ўтказган. Бу канал орқали дельтанинг ғарбий қисмидаги Қўнғирот кенглигигача бўлган ерлар суғорилган ва улардан жуда кўп ва бугдой ҳосили олганлар. Бугдой ўрмидан сўнг у ерга сув қўйганлар, сентябрь ойларида эса, каналнинг бошидан сувни яна бекитиб қўйганлар. Орадан бир неча йиллар ўтгандан кейин бу каналнинг суви катта оқимга айланади ва унинг ортиқча суви Орол денгизига бориб қуйилади<sup>316</sup>.

Урганч ҳамда унинг кўп сонли аҳолиси қайси сувдан фойдаланган? Урганч аҳолиси Дарёлиқ ўзанида қазилган қудуқ сувларидан фойдаланган бўлиши мумкин;<sup>317</sup> ёки уларни шаҳар ичидаги чуқур қудуқ сувлари қутқаргандир? Ҳар ҳолда ўша вақтда «Қоон Укуз»<sup>318</sup> ёки «Обиқовун»<sup>319</sup> каналлари бўлмаган (бу каналлар фақат Урганчнинг шимолида Дарёлиқ билан параллель ҳолда оққан). У XIV—XV аср манбаларида тахминан Хонёп ўрнида бўлган деб кўрсатилади. Унинг ўша вақт-

<sup>314</sup> BGA, VII том, Leyden, 1892, 91-бет.

<sup>315</sup> Б. М. Георгиевский, Южный Хорезм, Ташкент, 1937 (Жанубий Хоразмнинг геологик картасини қаранг); А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарьи, 387-бет, 1873 йилги карта; Н. Г. Петрусевич, Предварительный отчет об исследовании Дарьялык (Узбоя) и местности между Аму-Дарьей и Сары-Камишом, КОРГО асарлари, айрим оттиск, 1883; А. Гедройц, Предварительный отчет о геологических исследованиях на сухих руслах Аму-Дарьи, ИРГО, XVIII, 1882, 93—94-бетлар; В. Цинзерлинг, Орошение на Аму-Дарье, М., 1927, 390-бет (график иловаси ҳам шу асарда); Н. А. Северцов, О результатах физико-географических наблюдений в Арало-Каспийских степях в 1874 г., ИРГО, XI, СПб., 1876, 223-бет.

<sup>316</sup> Абулғозин, Юқорида кўрсатилган асар, 280-бет.

<sup>317</sup> 1593 йилда Вазир шахрини қамал қилиш даврида, шаҳарни қамал қилувчилар дарё (Дарёлиқ) ўзанининг узунасига қараб қудуқлар қазганлар, шунинг натижасида янгидан сув жилгалари пайдо бўлган. Жазирама иссиқ бўлганлиги учун сув тезда қуриб қоларди. Аммо Вазирни қамал қилиш даврида фақат қалъанинг чуқур жойларидагина сув қолган ва ана шу сувдан қамалда қолганлар ҳам, қамал қилувчилар ҳам фойдаланганлар. Лекин бу сув ҳам тез орада йўқ бўлиб кетган (В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, 93—94-бетлар).

<sup>318</sup> Шарафиддин Али Яздий, ظفر نامہ, 1 том, 238—239-бетлар.

<sup>319</sup> В. В. Бартольд уни Мусавий «Қоғон Укузи» деб кўрсатганлигини айтди (В. В. Бартольд, Сведения об Аральском море. 68-бет, 1-изоҳ).

да Урганч районининг Қумкендгача асосий сув манбаи бўлганлигига шубҳа йўқ.

Кўчманчи ўзбекларнинг Хоразмга келиши билан мамлакат янада оғир аҳволда қолди; Элбарсхон ва Бэлбарс султон Вазир ва Урганчни эгаллаб, ўзларининг ўша Едгорхон хонадонидан бўлган укаларини тақлиф қилганлар.

Элбарсхоннинг ўзи Вазирда қолди, Урганчни эса, ўз амакиси Омангхоннинг ўғилларига тақдим этди. Уларнинг ҳужумлари Эрон гарнизонларини XVI асрда Жанубий Хоразмни ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилди.

Энди Мовароуннаҳрдаги Абулхайрхон хонадонидан чиққан ўзбеклар даставвал Шайбонихон, кейинроқ эса, Убайдуллахон атрофига тўпланиб, Едгор хонадонидан бўлган ўзбеклар билан биргаликда Хоразмдан, шунингдек Хуросон ва Астрободдан эронликларни сиқиб чиқара бошладилар.

Хоразмдаги ўзбек хонлари доимий равишда Манғишлоқ, Абулхон, Дурун, Астробод ва шу каби ерларга ҳужум қилиб туркман қабилаларни устидан ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Аммо Хоразм шаҳзодалари ўртасида ўзаро курашлар қизғин тус олди. Бу курашда улар шайбонийлардан ёрдам сўраб тез-тез мурожаат қилар эдилар. Бу воқеа Бухоро хони Убайдуллахоннинг Хоразмнинг ички ишларига аралашшига имкон берарди. Ниҳоят Убайдуллахон 1537 йилда Хоразмга қарши юриш қилиб Урганчни эгаллади; Аванешхон бошчилигидаги подшо хонадонининг аъзолари қириб ташлангандан сўнг Убайдуллахон Хоразмни идора қилиш ишини ўз ўғли Абдулазизга топширди, Хоразм аҳолисига оғир солиқлар солди, ўзбек уруғларини тўрт гуруҳга бўлиб ташлади ва уларни ҳарқайси областларга: Бухоро, Самарқанд, Хисор ва шунга ўхшаш ерларга жойлаштирди.

Хоразм шаҳзодалари кучни бир ерга йиғиб Абдулазизга қарши курашиш учун тил бириктирдилар. Убайдуллахон Хоразмга яна қайтадан қўшин тортди. Бухоролик ва хеваликлар ўртасидаги жанг Хазорасп билан Хева ўртасидаги Кардаронхос деган жойда бўлиб ўтди. Хоразмликлар анча кам кучга эга бўлишларига қарамай, бухороликларнинг кўпгина қўшинларини қириб ташладилар ва Убайдуллахоннинг Хоразмга кўз олайтиришидан бош тортишга, ҳамда биринчи юриш даврида асир тушириб олиб кетилган хоразмликларни қайтариб беришга мажбур эдилар. Шундай қилиб, Хоразм бир йилдан сўнг мустақил бўлиб олди.

Аммо мамлакатда ўзаро жанглар тўхтамади; Урганч, Кат, Вазир, Янгишаҳар, Тирсак, Хева, Хазорасп ва шуларга қарашли районлар ҳоким хонадон шаҳзодаларининг удел ерлари бўлиб қолди. Баъзи вақтларда бир шаҳар ўзининг даромадига қараб икки шаҳзолага удел қилиб бериларди. Масалан, Хева шаҳри XVI асрнинг иккинчи ярмида ҳам Пўлат султоннинг, ҳам Темур султоннинг удели эди<sup>320</sup>.

Хон ва султонлар ўз ҳузурларида ёлланма қўшинларга—навқарларга эга эдилар. Буларни боқиш ва ҳокимларнинг шахсий харажатлари учун деҳқон ҳамда чорвадор аҳолидан йиғилган солиқлар сарфланар эди. Ҳар бир хон ёки султон ўз навқарининг миқдори ва уларга нисбатан бўлган саҳийликлари билан фахрланар эди. Туркман уруғи чорвадорларидан ҳар йили 100000 бош қўй солиғи (барот) ва шилон учун (подшо саройидаги зиёфатлар учун) 10000 бош қўй йиғиларди<sup>321</sup>.

<sup>320</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 273-бет.

<sup>321</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 209—211-бетлар.

Солиқдан тушган қўйларни навкарларга берар эдилар. Абулғозининг сўзларига кўра, Али султоннинг оддий навкари йилига 16 тадан қўй олган<sup>322</sup>. Удел ҳокимларининг ҳар бирининг саройида маҳаллий ҳоким саройи аҳлларида иборат мансабдорлар бўларди. Улар ўртасида дин хизматчилари, қушбегилари, қуролчилар, машшоқлар, ҳарбий мансабдорлар, мироблар, котиблар, меҳмонлар (кўпинча бошқа шаҳардан қочиб келганлар) ва бошқалар бўларди. Саройда «шилон» (шоҳ саройида ҳар куни меҳмондорчилик учун тайёрланадиган таомлар) пиширилди.

Навкарларнинг асосий қисмини ўзбеклар ва туркманлар ташкил қиларди; ҳар иккала миллат ҳам кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолда ҳаёт кечирарди. Навкар ўз оиласи ва мол подалари билан ҳоким хизматчига тайинланган жойга яқин ерларда яшарди ва вақтинчалик дарё ҳамда каналлар қирғоқларига жойлашиб олиб, деҳқонларнинг ерларига сув бостириб, уларни сиқиб чиқарарди. Навкарларнинг бир қисми ўтроқ ҳолда яшаб, буғдой, арпа, жўхори, қовун, қовоқ ва шу кабилар экардилар.

Шаҳзодалар кўпинча ҳосилдор уделларни қўлга киритиш учун ўзаро жанг қилиб турардилар. Масалан, Урганч етти йил ичида тўрт марта қўлдан-қўлга ўтган<sup>323</sup>.

Бошқаришнинг удел системаси бирлашишга бўлган интилишни рағбатлантирмади ва Хоразм каби бой мамлакатнинг халқ хўжалигини тушкунлик ва хонавайронликка олиб келди. Солиқ солинганларнинг қўлга илинадиган нима нарсаси бўлса, шуни олганлар ва шулар ҳисобидан навкарларни боққанлар ҳамда сарой ҳаражатлари ҳам шу солиқлар ҳисобига бўлган. Агар «ички ресурслар» етишмай қолса, кўпинча Жанубий Туркманистон ва Шимолий Эрон областларига талаш учун ҳужумлар уюштирганлар<sup>324</sup>.

XVI асрнинг иккинчи ярмида аҳвол биров ўзгарди, Хоразм хонлигига Оқатойхоннинг ўғли Ҳожимхон (1558 — 1602) бошчилик қила бошлади. Хоразмда бир қанча вақт тинчлик ҳукм сурди. Ҳожилар (Манғишлоққа, ундан Каспий денгизи орқали Ширвонга ўтганлар<sup>325</sup>. Сафвийлар Эрони билан ўзаро муносабат ўрнатилди, Москва давлати билан нормал алоқа ўрнатиш учун ҳаракатлар бошланади.

1593 йилда Мовароуннаҳр ҳокими Абдуллахон Хоразмни ишғол этди. Ҳожимхон ўз ҳокимиятини қайтадан тиклаш учун уриниб кўрди, лекин бу умидига 1598 йилда, Абдуллахон ўлгандан сўнг эришди.

Абулғозиди Янгиариқ<sup>326</sup> ва Тошли Ермиш деб аталувчи икки каналнинг номи учрайди, бу каналлар Али султон (1558—1567) томонидан, у Урганч ва Катда ҳукмронлик қилган даврда қазилган эди. Бу каналнинг бошланиш жойини унинг номига қараб ҳам, шунингдек Абулғозининг кўргазмасига асосланиб ҳам тахминан аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, Абулғози 1621 йилда Катдан Урганчга кета туриб Хостмиюрга (Гурланнинг шимолида) яқин ерда ўз отаси Арабмуҳаммадни учратган. Ота-бола у ердан чиқиб, эртасига Эчкиқуми деган жойга келиб тўхтаганлар. Улар иккинчи куни Тошли Ермиш канали сақосига етиб борганлар ва шу ерда тўхтаганлар<sup>327</sup>. Амударё бўйлаб 60 км га чўзилган бу йўл, бизни Хўжайли шаҳридан 15—17 км юқори-

<sup>322</sup> Шу асар, 244-бет.

<sup>323</sup> Английские путешественники..., 177-бет.

<sup>324</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 211-бет.

<sup>325</sup> Шу асар, 257-бет.

<sup>326</sup> Шу асар, 256-бет.

<sup>327</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 286-бет.



роқдаги, Тахиатош яқинидаги Сувонли ирмоғига олиб чиқади (кейинги вақтлардаги Ловзоннинг сақоси шу ерда бўлган).

Тошли Ермиш каналини илгари Хўжайли ва Ойбўғирга туташган Районни суғорадиган, тикланган каналнинг ирмоғи деб ҳисоблаш мумкин, буни биз Қутлуғ Темурнинг вақф ҳужжатларида кўрсатилганлигини кўриб ўтдик.

Тошли Ермиш (тошли ердан қазилган) номининг ўзи ҳам унинг сақосини Тахиатошдан излашга мажбур қилади. Абулғозининг сўзлари<sup>329</sup> 1602 йилда қазилган Арабмуҳаммад канали экин майдонларининг кенгайиши учун хизмат қилган деб хулоса чиқаришга имкон беради. Қутлуғ Темурнинг ҳужжатларида кўрсатилишича, бу ерларга буғдой экилган. Демак, Тошли Ермиш XVI асрда (XIX асрда Сувонли, Севгонли) Ойбўғир районининг жанубий ва жануби-шарқий томонидаги экин майдонларини суғориш учун ўтказилган бўлиши мумкин.

Қуйи дельтанинг ғарбий қисмидаги илгариги Ойбўғир сув ҳавзалари ўрнидаги деҳқончиликнинг экстенсив характери, мамлакатнинг ҳамда атрофни ўраб олган кўчманчиларнинг донга бўлган катта талаби Хева хонларини бу ерда деҳқончиликни ривожлантиришга мажбур эгди.

«Мен туғилмасдан бир йил илгари,—деб ёзади Абулғози,—бизнинг хонимиз (Арабмуҳаммад — Я. Ф.) Тўк қалъанинг юқорисидан канал қазиб ўтказди, бу канал бир неча йиллардан сўнг кенгайиб, унинг кенлиги бир ўқ учиб борадиган ердан кўпроқ кенгайди. Каналнинг охири Қуйғунгача етиб борди ва у ердан Шўр (Орол — Я. Ф.) денгизига қуйилди. Бу ерларга фақат буғдой экилар эди»<sup>329</sup>.

Арабмуҳаммад каналининг бошланишини фақат тахминан белгилаш мумкин. Юқорида айтиб ўтилган Тўк қалъаси Нукус шаҳридан 10—12 км шимоли-ғарбда жойлашган ва у тепасида истехком қолдиги бўлган табиий баландликдан иборат. Бу тепалик Абулғозиди биринчи марта «Тўк қалъаси» номи билан учрайди; Абулғозининг ўзини гувоҳлик беришига кўра, XVI аср биринчи ярмининг дастлабки йилларида Тўк шаҳрида ва унинг теварак-атрофида аҳоли яшамаган<sup>330</sup>. Фақат ўша асрнинг охирларига келиб, Амударё оқимининг ўзгариши билан дарёнинг ўнг ва чап томонидаги Тўк районларида бироз жонланиш бўй берган. Аммо Тўк тепасидаги қалъа ҳамон ҳаракатсиз эди. XVI асрнинг иккинчи ярми бошларида Хева хонларининг ғарбий қучларини ташқил этувчи кўчманчи аҳоли Урганч ва Вазир яқинида истиқомат қилган<sup>331</sup>. 1604 йил воқеалари баёнида Хўжақўл қўлидан тортиб, Тўк шаҳригача бўлган аҳолини қалмоқлар томонидан талон-торож қилинганлиги гапирилади<sup>332</sup>. Асфандиёр подшолик қилган даврда (1623—1642)<sup>333</sup> Урганч районида сув бўлмаганлиги туфайли ҳокимнинг резиденцияси Амударёнинг чап соҳилига, Тўк қаршисидаги қалъа қурилган чегарага кўчирилган<sup>333</sup>.

Агар Хўжайли кечув йўлининг тарихий ва стратегик жиҳатдан қанчалик муҳим бўлганлигини эътиборга олганда, бу қалъа Тўк қаршисида, ҳозирги Хўжайли шаҳри ўрнида бўлган дейиш мумкин.

<sup>329</sup> Қаранг: ушбу асарнинг 1 бобини ва В. В. Бартольд, «К истории орошения Хорезма», 94-бет.

<sup>329</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 280-бет.

<sup>330</sup> Шу асар, 230-бет.

<sup>331</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 230-бет.

<sup>332</sup> Шу асар, 275-бет.

<sup>333</sup> Шу асар, 300-бет. «آمونى سوي نىڭ قىلە طر فندە توك قلعەسى نىڭ روى برونندە قلعە سالب اندا اولتوروب ايردوك»

«روى برونندە قلعە سالب اندا اولتوروب ايردوك»

<sup>334</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 251-бет.

1873 йилда тузилган Хоразм картасида Тўкнинг юқорисидаги чап-қирғоқда Чимбой ўзанининг қуриб қолган Ўзак ирмоғи - кўрсатилган. Ирмоқ (Ўзак) ғарб томонга йўналган ва Минчоқли кўлига бориб қуёилади, у ердан биринчи ирмоққа ўхшаш ирмоқ оқиб чиқади. Арабмуҳаммад каналининг қуриб қолган оқими ўрнини топиш мумкин эмас, чунки қуйи дельтанинг топографияси турғун эмас ва ирмоқларнинг ўрни қадимги замонлардан ҳозирги кунга қадар ўзгариб келади.

Полвонёпдан ўтказилган ва Жанубий Хоразм районларини сув билан таъминлайдиган Янгиариқ канали Абдуллахоннинг 1575 йилги юришлари муносабати билан биринчи марта эслатиб ўтилади<sup>334</sup>. Каналнинг номидан унинг яқин орада вужудга келганлиги маълум бўлиб турибди.

Амударё қуйи дельтасининг XVI асрдаги географик ва хўжалик аҳволини қараб чиқишга киришамиз.

Юқоридаги бобларда дельтанинг X асрдаги (Қурдар оқими ҳаракатда бўлган давр, X асрдан кейинги (Ибн Руста, Истахрий ва Мақдасийлар даври) ва XV асрдаги Қурдар канали ўрнида Бағдоднинг пайдо бўлиш даври устида тўхталиб ўтган эдик. XVI асрнинг ўрталарига келиб асосий оқим яна қайтадан қадимги Қурдар оқимига ўтган, ва Тўк қалъасигача бориб, унинг яқинидан ўтиб Орол денгизи томон йўналган. Юқорида айтиб ўтилганидек, Мунис Амударёнинг Каспий денгизига қуйилиш даврида, унинг ягона ирмоғи—Нахри Халаж ёки Кўкўзак Орол денгизига қуйилганлигини айтади. Афтидан, Мунис Бағдод каналининг XVI аср ўрталаридаги аҳволини назарда тутган бўлса керак, ваҳоланки бу канал ўша вақтда секин-аста Ардоқнинг ирмоғига айланаётган эди. Мунис бошқа бир жойда дельтанинг шарқий қисмидаги пасттекисликни тасвирлаб, қуйидагича дейди: «Ҳожимхон давридан (1558—1602) бошлаб, Муҳаммад Амин иноқ (1755—1790) давригача Товқара (Довқара—Я. Ф.) катта денгиз бўлган; унинг айланаси тахминан 30 фарсах (200 км га яқин) келарди. Кўкўзак сувининг каттагина қисми шу денгизга қуйилган. Муҳаммад Амин иноқнинг буйруғига биноан шу ерларнинг аҳолиси, хусусан, қангли ва қипчоқ қабилалари сувнинг шу дарёга оқишини тўхтатиб қўйганлар. Аваз иноқ ҳукмронлик қилган даврда (1790—1804) денгиз суви қуриган ва у ерлар деҳқончилик қилиш учун яроқли бўлиб қолган»<sup>335</sup>. Тасвир этилаётган манзаранинг ҳақиқатга яқин бўлишига тўлиқ ишонил мумкин. Чимбойнинг шимоли-шарқидан 18 км нарида бўлган Бағдод шаҳарчаси ва унга қарашли бўлган районлар устида ўтказилган бизнинг кўзатишларимиз Бағдод атрофини ўраб олган жуда катта миқдордаги сув тошган ерлар борлигини тасдиқлади. Янису шохобчасига сиға олмаган ортиқча сув Киндиксой (ўрта шохобча) шохобчаси ёки Кирккравук орқали узоқ шарқ томонга йўналган бир даврда Довқара пасттекислигини бир неча марта сув босган, унинг излари қолган<sup>336</sup>.

XVI асрда Амударё оқимининг Қурдар ўзани бўйлаб йўналиши муносабати билан у ерда сув тошқинлари вужудга келган бўлиши мумкин. Абулғозининг сўзларига кўра, XVI асрдаги янги асосий ўзан Тўк қалъаси яқинидан ўтган; демак, дарёнинг барча оқими Кўкўзак ва унинг шохобчаси томон йўналган деган фикр инкор этилади, чунки Кўкўзак Тўк қалъага нисбатан анча юқорида бўлган. Фақат Кўкўзакнинг суви ҳайқириб оққандагина, унинг оқими ўзининг эски ўзани бўйлаб, умуман кўп оққандагина Довқарани сув босган бўлиши мумкин.

<sup>335</sup> Мунис-Огаҳий, Юқорида кўрсатилган асар, 159-варақ.

<sup>336</sup> Шу асар, 84—85- варақлар.

Аммо Муниснинг Довқарани доимо сув босиб ётиши ҳақидаги маълумоти тасдиқланмайди. XVIII асрнинг қирқинчи йилларида бу ерга келган рус сайёҳлари Гладишев, Муравин ва Данилевскийлар Довқара периферияси бўйлаб Сирдарё этакларидан Хевага бориш йўлининг тасвирини ёзиб қолдирганлар. Уларнинг йўлни тасвирлашларида ҳам, улар тузган картада ҳам Довқара денгиз сифатида кўрсатилмайди; у ердаги айрим кўллар, шудгорлар, шаҳарчалар, қуриб қолган ва сув оқаётган каналлар тасвирланади<sup>337</sup>.

Рус сайёҳлари ва Муниснинг берган маълумотлари Оллоқулихон ҳокимлик қилган даврдан илгариги даврга мансубдир, манбаларнинг кўрсатишича, Оллоқулихон Қувоншжорма каналини ўтказишга ружсат этган<sup>338</sup>.

Оллоқулихон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида (1842 й.) Хоразмга келган Д. И. Данилевский Довқара Амударёнинг ўнг томонида ётган, Ойбўғир сингари дарёнинг бир тормоғидан пайдо бўлган кўл эканлигини ёзади. Унинг энг узун жойи 120 чақирим, қирғоқлари ясси; унинг шимолий қирғоғи денгизга жуда туташ ва деярли у билан қўшилиб кетган. Амударёнинг ўнг томонидан чиқадиган Кўкўзак ҳамда Қорабўйли кўлга келиб қуйилади ва уларнинг ўртасидаги масофа 25 чақирим<sup>339</sup>.

XIX аср охиридаги адабиётларда Довқара пасттекислик сифатида кўрсатилади, унинг ерлари Қувоншжорма каналининг суви орқали суғорилган, каналнинг ортиқча суви унча катта бўлмаган ҳалқасимон кўлни ташкил этган. Бу кўлдан ортиб қолган сув Янису шохобчаси орқали Орол денгизига чиқариб юборилган<sup>340</sup>.

1945 йилда Довқарада қадимдан яшовчи кишилар бу жойлар бир неча марта сув тошқини остида қолганлигини айтганлар; масалан, уларнинг сўзларига кўра, 1910 йилда овуллар бир-бири билан фақат қайиқ орқали алоқада бўлган. Шу билан бирга, сув ҳар сафар Киндиксой бўйлаб шарқ томонга қараб жуда ичкаригача кириб борган, у ерда ҳар хил даврда қурилган тўғонлар устидан ошиб тушган. Каульбарс вақти-вақти билан Довқарага тошган сув тошқини ҳақида анча қизиқарли ҳикоялар тўплашга муяссар бўлган<sup>341</sup>.

Довқарани қадим замонларда, Қурдар даврида сув босган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олмасдан, бу унумдор пасттекисликни вақти-вақти билан сув босганлигини ва ўрта асрнинг кейинги давларида унинг қуруқликка айланишини яққол тасвирловчи манзарани кўрамиз. Шу билан бирга, шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, Хева хонларининг шахсан ўзлари шарқий дельтада яшовчи деҳқон ва чорвадор қабилалари билан, хусусан, қорақалпоқлар билан ўзаро алоқалари кескинлашган даврда Довқарага сув бостириб юборар эдилар.

Довқара бир қанча сув тошқинларини кўриб ўтган бўлиши мумкин.

Мунис бу тошқинлардан биринчиси XVI асрда бўлиб ўтганлигини кўрсатади. Муниснинг Аваз иноқ давридаги (1790—1804) Довқаранинг қуритилиши ҳақидаги маълумоти иккинчи, ҳаттоки учинчи сув тошқинига тааллуқли бўлса керак.

<sup>337</sup> Поездка из Орскa в Хиву и обратно, совершенная в 1740—1741 годах Гладышевым и Муравиным, СПб., 1851, 60—64-бетлар.

<sup>338</sup> А. В. Каульбарс, Юқорида кўрсатилган асар, 45-бет.

<sup>339</sup> Я. И. Данилевский, Описание Хивинского ханства, Записки РГО, V китоб, СПб., 78—79-бетлар.

<sup>340</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарьи, 76-бет.

<sup>341</sup> Шу асар, 479-бет; шунингдек, тўғонлар қуриш билан Довқарага тошган сувга қарши курашини тасвирловчи қисмини қаранг (44—45-бетлар).

Гладишев ва Муравинлар бу пасттекисликка анча кечроқ, бу район тамомила қуриганда ва аҳоли ўрнашиб бўлганда келганлар.

Г. И. Данилевский келган вақтда (1842 й.) Довқарани қайтадан сув босган эди, сув ҳавзасининг катталиги Мунис келтирган маълумотларга мос келса керак.

Мунис, шунингдек, Амударёнинг қуйи дельтаси, Укуз Кетган, Кирккравук, Кўкўзак ва Нахри Халаж деб аталувчи шарқий дельта шохобчалари ҳақида анча тўлиқ маълумот беради. Бу шохобчани шарқий шохобча деб билиш шубҳа туғдиради, аниқроқ айтганда бу шохобча Курдар (Кегайли)нинг ўзи бўлса керак. Бу ном XVI асрда Амударё ўзанининг ўзгариши муносабати билан эслатиб ўтилади, кейинроқ эса шарқий тармоқнинг жойлари ва йўлларини тасвирлашда бу ном қайта учрамайди. Шунинг учун Курдар каналининг номи ўзгариб, Нахри Халаж деб айтилмаганмикан деган савол туғилади<sup>342</sup>.

Биз бу икки жойнинг географик номи жиҳатидан (даврига ҳамда территориясига нисбатан ҳам) бир-биридан бутунлай узоқ материалга эмасиз ва шулар асосида дурустроқ хулоса чиқариш имкониятига эга эмасмиз. Укуз Кетган (Укуз дарёси уриб кетган жой маъносида) номи бу шохобчанинг табиий равишда келиб чиққанлигини кўрсатади. Муниснинг берган маълумотларига асосан Кирккравук Укуз Кетган билан бир деб кўрсатилади ва шохобчанинг бошланиш жойи ҳозирги Куваншжорма ўрнида деб кўрсатилади, бу Нукус шаҳри яқинидаги Қизкетганнинг бошланиш жойига тўғри келади. Кўкўзак ҳам Укуз Кетганга тўғри келади<sup>343</sup>.

Каульбарснинг тасвирига кўра, Кўкўзак бошидан 220 километр қуйироқда бошқа шохобча бўлган, бу ўзининг бошланишидан 18 километр нарида Кўкўзак шохобчаси билан қўшилган ва натижада «Куваншжорма» деган янги ном олган. Каульбарс бу номни маҳаллий аҳолидан сўраш йўли билан аниқлаган, бу ном қуйидаги ривоят билан боғлиқ бўлган.

Кўкўзак илгари Довқара пасттекислигига қуйилмай, унинг шимол-ғарбий томонидан оқиб ўтган ва ўша вақтда сақланиб қолган Янисунинг қуруқ ўзани орқали Орол денгизига қуйилган. Қадимдан яшаб келаётган кишиларнинг ҳикоя қилишича, Довқара аҳолиси сув танқислигини назарда тутиб, Кўкўзакдан канал қазиб ўтказиш учун Хева хони Оллоқулихондан (1825—1842) ижозат сўраганлар. Канал қазиш учун рухсат этилгандан сўнг бундан манфаатдор бўлган қорақалпоқ Куванш ишни амалга ошириш учун киришган. У Кўкўзакнинг ўрта оқишида сув тўғони қура бошлади. Каналнинг биринчи участкаси тамом бўлиши биланоқ, сув шундай ҳайқариб оқадики, кейинги қилинадиган ишлар ортиқча бўлиб қолди; дарё янги қазилган каналда ерни шундай тез ювиб кетдики, Кўкўзакнинг суви янги канал қазилган ердан бироз нарига ўтиб қуриб қолди. Янги канал шу канални қазиган шахснинг номига қуйилди<sup>344</sup>.

<sup>342</sup> Халаж катта турк қабиласининг номи бўлиб, у кўпинча IX—X аср араб авторларида учраб туради ва улар ўша даврдаёқ Хуросон территориясига кириб қолган.

Халажлар Амударёнинг қуйи дельтасида қачонлардир яшаган-яшамаганлиги, умуман Муниснинг бу каналнинг номини қаердан олганлиги номаълум; агар бу бироз бўлсада ҳақиқатга яқин бўлса, X асрдаги Ҳолижон исми шу халажларга қандайдир алоқадор эмасмикан?

<sup>343</sup> А. И. Глуховской, Пропуск вод реки Аму-Дарья по старому ее руслу в Каспийское море, 149-бет.

<sup>344</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-дарьи, 45-бет.

Ҳақиқатан ҳам «Куваншжорма» (қорақалпоқча) ёки Қувончёрма (Ўзбекча) номининг ўзи Қулёрган, Тошли Ермиш, Эшонёрган номлари сингари канални Куванш қазиганлигини кўрсатади. Аммо кейинроқ, афтидан, қуйи шохобчада оқимнинг кучайиши натижасида бу ном Кўкўзакнинг барча шохобчасига ёйилган бўлиши мумкин.

Каульбарснинг картасида Чимбой шаҳрининг шарқига томон 18 км нарида Кўкўзақда эски тўғоннинг қолдиқлари сақлангани кўрсатилган. Бу ҳол Довқара пасттекислигида сув ҳўжалигини ривожлантиришда Кўкўзакнинг катта роль ўйнаганлигидан дарак беради.

Куваншжорма Довқара пасттекислиги бўйлаб ўтиб, чуқурлик жойларга қўйилиб, шимоли-ғарбда—Қоратерин<sup>345</sup>, ҳамда жануби-ғарбда — Қўнғироткўл каби кўллар системасини ташкил этган. Янису дарёси Довқара кўллариининг сувини Орол денгизига олиб боради. Тампоёғи кулининг ғарбий қисмидан бошланади<sup>346</sup>.

Куваншжормадан ўтказилган каналлар ичида энг кучлиси Кегайли ва Пурхон каналлари бўлган.

Кегайли канали Чимбой шаҳригача келган; бу канал Чимбойнинг этагидан 7—8 км нарида Қушқаноттов тепалиги томон йўналиб, шимоли-ғарбга қараб бурилган. Кегайлининг Новпир деб аталган катта тармоғи шимоли-шарқ томонга йўналишни давом эттирган, сўнгра эса кўлга бурилиб, Уроз Оталиқ қалъаси райони харобаларида йўқ бўлиб кетган<sup>347</sup>.

Куваншжорманинг унумдор ҳавзаси қадимдан кўчманчи деҳқон ва чорвадор аҳолининг яшаш жойи бўлиб келган. Бу ерни илгари туркманлар ва бошқа кўчманчи қабилалар обод қилганлар, улар шарқий дельтанинг иқтисодий маркази сифатида Курдар шаҳрига томон интилганлар. Сўнгра биз IX—X ва XVI асрлар ўртасидаги кўп асрли танаффусдан кейин бутун Довқарага аҳоли интенсив равишда кўчиб кела бошлашини кўрамиз. Юқорида кўрсатилган даврда дельта шарқий қисмининг Курдар-Бағдод ҳавзасида аҳоли яшаган, бу жой гарчи ҳамма вақт бўлмаса ҳам, ҳозирги Кегайли канали ҳавзасига тўғри келади.

XVI асрнинг иккинчи ярмида дельтани, шу жумладан Довқарани ҳам сув босиши Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида яшовчи деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи кўпгина қорақалпоқ, шунингдек қозоқларнинг кўчиб келишига сабаб бўлди. Қозоқлар бу ерда XVII аср охирида Орол ўзбеклари ва қорақалпоқлар билан бирликда ҳар хил халқ уруғларининг бир қанча қолдиғидан курама халқни ташкил этди. Улар Довқаранинг янги сув чиқарилган участкаларида мустаҳкам ўрнашиб олмаган, ҳам давлат тузумига эга эмас эдилар ва гоҳ Хева хонларига, гоҳ Бухоро амирларига, ёки Кичик Урданинг Сирдарё этакларидаги қозоқ хонларига суянардилар.

Дельтанинг ўрта қисмига келганда, Абулғозининг тасвирича, Амурдарёнинг асосий ўзани XVI асрда ўз оқимини ўзгартириб, Тўк қалъа яқинидан шимол томонга йўналган, Қушқаноттов районини сувга бостириб Орол денгизига қўйилган. Ҳар ҳолда Абулғози даврида дельта атрофидаги дарёнинг асосий оқими дельтанинг ғарбий қисмини суғориш

<sup>345</sup> Қоратерин кўлининг ғарбий қисми Тампоёғи номи билан юритилади (А. В. Каульбарс, Юқорида кўрсатилган асар, 129-бет).

<sup>346</sup> Шу асар, 196-бет, шунингдек А. И. Глуховскойнинг «Пропуск вод реки Аму-Дарьи в Каспийское море» китобининг 151—152-бетларига қаранг.

<sup>347</sup> Довқара пасттекислигида онд бўлган анча мукамал маълумотни А. В. Каульбарс ўзининг «Низовья Аму-Дарьи» асарида ва А. И. Глуховской юқорида кўрсатилган асарида келтиради.

учун бевосита таъсир кўрсатмаган ва бу ерлар Али султон<sup>348</sup> ҳамда Арабмуҳаммад<sup>349</sup> томонидан қазилган сунъий каналлар орқали суғорилган. Абулғозининг сўзларига кўра, охирги канал кучли шохобчага айланган.

XVII асрнинг учинчи ва тўртинчи ўн йилликлари (Асфандиёрхон подшолик қилган ва унинг Абулғози бошчилигида бошқа шаҳзодалар билан курашган даври) ўзбек уруғларини анча камситиш даври бўлди. Асфандиёрхоннинг ўз ҳокимияти учун вақтинчалик олиб борган кураши даврида туркманлар томонидан таъқиб остида қолган ўзбек уруғлари Жанубий Хоразм атрофларидан дельтанинг ғарбий ва шарқий территорияларига кетиб қолганлар. Уша вақтда улар 3000 хонадондан иборат бўлган; уларни «оролликлар» деб атаганлар, чунки Амударё дельтасидаги жойлар бир-бирдан шохобча ва ирмоқлар (шарқда — Кўкўзак, ғарбда—Қуйган ва ўрта дельтада дарёнинг асосий ўзани) билан ажралган ороллардан иборат бўлган; шимолдан уларни Орол денгизи ўраб олган эди. Ҳатто «Орол» сўзининг ўзи Хоразмда Амударё дельтаси маъносида Абулғозида биринчи марта учратилади<sup>350</sup>.

Дельтанинг шарқий қисмини сув бостириш орқали нисбатан яхши деҳқончилик ўтказиш муносабати билан, дельтанинг ғарбий қисмидаги бепоён территорияда илгари бўлганидек, эски кўчманчи деҳқонлар тўпландилар ва ўтроқлашдилар, қамишнинг жуда кўп бўлиши эса, у ерда чорва хўжалигини ривожланишига ёрдам берди. Шу билан бирга, буғдой ҳосилининг мўл-кўл бўлиши оролликларга Манғишлоқ, Устюрт ва Жанубий Хоразмга кўп миқдорда буғдойни сотиш имконини берди.

XVIII асргача Амударёнинг шарқий дельтасида жойлашган қабилаларнинг хўжалик ҳаёти тарихий адабиётларда шў вақтгача ҳали деярли ёритилмаган. Бу соҳада дарё ўзани оқимининг ўзгариши, уларнинг шохобчалари, сунъий каналларнинг яратилиши ва вайрон бўлиши тўғрисидаги тарқоқ маълумотларга халқ хўжалиги тушунчасини бериш учун у ер-бу ерда сочилиб ётган айрим маълумотларни йиғишга ҳаракат қилинмоқда.

<sup>348</sup> Урганч ҳокими (XVI аср охири).

<sup>349</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 290—291-бетлар

<sup>350</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 316-бет.

## XVI АСРДАН СЎНГ ХОРАЗМНИНГ СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИ ДИНАМИКАСИ. ҚАБИЛАЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШИ ВА ХЕВА ХОНЛАРИНИНГ СИЁСАТИ

Орол-Каспий ҳавзасининг қадимий аҳолиси бўлган туркман ғузлар Хоразмда қадимдан яшовчи асосий халқлардан бири бўлган. Урта асрларда улар Хоразм воҳаси чеккаларида, Манғишлоқда, Қорақумда яшаганлар. Улар чорвачилик ва қисман Адоқ районида деҳқончилик билан шуғулланганлар. Хоразм туркманлари ўзларининг ҳаётий манфаатларини Хоразм билан боғлаб олиб борганлар, Хоразм ҳукмронларининг хазинаси учун солиқлар тўлаганлар, ҳарбий куч сифатида шоҳларга содиқ хизмат қилганлар. Улар Хоразм ўзбеклари билан бирга Жанубий Туркменистон (Мурғоб водийси, Тажан, Атрек, Гурган водийси) да яшовчи ўзларининг уруғдошларига қарши бир неча марта урушга чиққанлар. Улар бу курашни Хоразм шоҳларига садоқатликлари юзасидан эмас, Хоразмнинг қолоқ аҳолисига шоҳларнинг қилган «ғамхўрлиги» туфайли эмас, балки сиқув остида қолмаслик, ердан, сувдан ва она ўлканинг яйловларидан ажраб қолмаслик учун қилганлар. Шундай бўлса-да, сўнги ўрта аср даврида кўп ўринларда «туркманларнинг Хоразмдан ҳайдаб чиқарилганлиги»<sup>1</sup> ҳақидаги маълумотга эгамиз.

Абулғозининг баён қилишига кўра, 1537 йилда Хоразмнинг ўзбек шаҳзодалари Бухоро хони Убайдулла билан узил-кесил жанг қилмасдан олдин Адоқ хизирэли бошлигини чақириб, унга шундай сўзлар билан мурожаат қилганлар: «Ватани талаб қилиш учун кетаётимиз; агар сиз ёрдам берсангиз, душман устидан ғалаба қозонгудай бўлсак, сизнинг уруғингизни ўзбекларнинг энг имтиёзли уруғлари билан тенглаштирамиз ва тахтнинг чап томонидан ўрин берамиз, ҳамда сизнинг уруғингизни «тархон» деб эълон қиламиз»<sup>2</sup>.

Шундай ваъдага ишонган туркманлар Хоразм шаҳзодаларига ҳақиқий ёрдам бердилар ва мамлакатни бухороликлардан қутқариб олдилар, ammo кейинги воқеалар ҳақиқатан ҳам хизирэли туркманлари шаҳзодалар томонидан ваъда қилинган ҳуқуқни олганликлари ҳақида гувоҳлик бермайди.

Хоразмликларнинг бу ғалабасидан кейин бирнеча ўн йиллар ўтгач, Кўҳна Урганч, Вазир, Адоқ районлари сув қуриб қолганлиги сабабли саҳрога айланган; хизирэли ва бошқа уруғлар учун Жанубий Хоразм каналининг охириги участкаларига кўчишдан бошқа чора қолмади. Али сўлтон ҳам Арабмуҳаммад канали орқали суғориладиган Ойбўғир ерларни эса<sup>3</sup>, қўнғирот ва қиётли ва шу каби ўзбек уруғлари билан бу-

<sup>1</sup> Баёни, *ترکماننى بورتدين چقاردى* 43а, 596, 1166 варақалари.

<sup>2</sup> Абулғози, Юқорнда кўрсатилган асар, 225-бет.

<sup>3</sup> Арабмуҳаммад даврида марказни Хева шаҳрига кўчирганлар, шу даврда бошлаб хонлик Хева ховлиги деб атала бошлаган.

тунлай банд эди. Қалмоқлар (жунгорлар) тез орада Манғишлоқдан туркманларни сиқиб чиқарганлар<sup>4</sup>, туркманлар, афтидан, Хоразм воҳаси атрофига кўчган бўлсалар керак.

Жанубий Хоразм районлари XVII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, ўзбек ва туркманлар ўртасида ер, бинобарин, сув учун кураш майдони бўлиб қолди. Туркманлар ҳамда ўзбеклар ўртасида жуда муҳим, иқтисодий манфаатлар учун бўлган бу курашдан Арабмуҳаммаднинг ўғиллари Абулғози ва Асфандиёр ўз мақсадлари—тахт учун кураш йўлида фойдаландилар. Асфандиёр туркманларга таяниб отасининг тахтини эгаллади. Ўзбек уруғларига суянган Абулғози фақат Асфандиёрхон ўлгандан сўнг, шунда ҳам бирданига эмас, **Хонликни ўз қўлига олган.** 1643 йилда аввало уни Орол хони қилиб сайладилар. Ҳокимсиз қолган Хева туркманлари Хевани табааликка олиш ва бу ерга ноиб юборишни сўраб Бухоро хони Нодирмуҳаммадга (1642—1645) мурожаат қилганлар. Абулғози Орол ўзбекларига таяниб Хевага қарши уруш бошлади. У 1645 йилда Хевани ишғол қилди ва туркманларни Хоразмдагина эмас, балки Жанубий Туркманистонгача бўлган ерларда ҳам қира бошлади. Абулғози туркманларни сиқиб қўйиб ва кучсизлантириб, Бухоронинг шимолий ва ғарбий областларини хонавайрон қилиб, Бухоро хонлигига қарши кураш бошлади. Абулғози ўзи подшолик қилган даврда Бухорога қарши етти марта қирғин келтирувчи ҳужум қилган. Унинг ворислари ҳам шу сиёсатни давом эттирганлар. Н. Веселовский бу ҳужумни «Хазинани тўлдириш учун қилинган талон-тароғлик»<sup>5</sup> деб қарайди. Аммо бу, масалага бир томонлама қараш эди, масаланинг иккинчи, асосий томони бу жиддий рақибни кучсизлантириш учун Бухоро хонлигининг ички келишмовчиликларидан фойдаланиш эди. Абулғози ўзбек уруғларини қўллаб-қувватлаб, уларга суғориладиган ерларни олиб берди; масалан, Даргондан то Орол денгизигача бўлган Амударёнинг чап ва ўнг қирғоғидан олинган канал атрофидаги ерлар улар ўртасида тақсимланган эди<sup>6</sup>. Ўзбек уруғларининг оқсоқол феодалларига давлатнинг юқори мансаблари берилган эди<sup>7</sup>.

Абулғози даврида хонлик иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Мовароуннаҳр ва Хуросонга интилди. Бу, янги марказ бошчилигида Жанубий Хоразмдаги «Бешқалъа» (беш шаҳар)нинг<sup>8</sup> салмоғини кучайтирди. 1646 йилда, яъни Абулғози Хева тахтига ўтиргандан кейин бир йил ўтгач, у Янги Урганч (ҳозирги Урганч шаҳри) истеҳкомини қурди ва у ерга ўрта аср Хоразмнинг маркази — Урганчдан аҳолини кўчириб келтирди. Эски Урганчнинг харобалари ўша даврдан бошлаб Кўна (Кўҳна) Урганч деб атала бошлади. Ўрта асрдаги Вазир шаҳри харобалигича қолиб кетди<sup>9</sup>. Эски Вазир шаҳрининг аҳолиси кўчирилган Кичик Вазир Гурландан 12 км шимоли-ғарб томонга жойлашган<sup>10</sup>. Янги Вазир шаҳри XIX асрда аҳолиси анча зич шаҳарга айланган.

Абулғози 1663 йилда Хоразм тахтини ўғли Анушага топширди.

<sup>4</sup> Мунис-Огаҳий, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 56а.

<sup>5</sup> Н. Веселовский, Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве, СПб., 1877, 138-бет.

<sup>6</sup> Мунис-Огаҳий, Уша асар, варақ 56б.

<sup>7</sup> МИТТ, II том, 328-бет.

<sup>8</sup> «Бешқалъа»—«беш шаҳар» ёки «беш истеҳком» маъносида бўлиб, у XVII аср авторларида Жанубий Хоразмни англатган, «Беш шаҳар»га Хазорасп, Хонқа, Урганч, Шохобод кирди (МИТТ, II том, 334-бет, 2-изоҳ).

<sup>9</sup> Карталарда—Девкескян, Хева хроникаларида—Кўна Вазир ва Огаҳийда **جامع الواقيعات سلطانی** номи билан кўрсатилган, ркп, ИВАН, Е 6, 463—464-варақ.

<sup>10</sup> Баёниевий, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 45б.



Анушахон даврида Хева хонлиги анча мустаҳкамланди. Анушахон ўзининг Бухоро хонлиги территориясига ва Хуросоннинг ички районларига қилган талончилик ҳужумлари билан бухороликлар, туркманлар ҳамда эронликларга даҳшат соларди. У Машҳад шаҳрини эғаллаб, у ерда Эрон шоҳларининг тахтини ишғол қилди ва шундан кейин у ўзини шоҳ (Анушоҳ) деб атай бошлади<sup>11</sup>. Анушоҳ Абулғозихоннинг туркманларга нисбатан қўллаган сиёсатини ўзгартирди, бу унинг учун уруш сиёсатини амалга оширишда ҳарбий куч сифатида керак бўлган эди. Шунинг учун биз Анушоҳ даврида туркман уруғларининг яна қайтадан Хоразм воҳаси атрофларида яшаганлигини кўрамиз. Анушоҳнинг ўзи Дарғон районида чикқан туркман қизи Тўхтаҳонимга уйланган<sup>12</sup>.

Анушоҳ ҳукмронлик қилган даврда (1663—1686) Жанубий Хоразмда Шоҳобод ва Ермиш каби иккита катта канал қурилган.

Муниснинг ҳикоя қилишига кўра, Ермиш каналининг қурилишига Анушоҳ ҳукмронлиги даврида ўнг қирғоқдаги Кат шаҳрининг сувсиз қолганлиги сабаб бўлган<sup>13</sup>. Шунинг учун шаҳар аҳолисининг сувга муҳтожлигини назарга олиб, чап қирғоқдан Ермиш деб аталадиган канални қазиб ҳақида буйруқ берган ва у ерда Қиёт қалъасини қурдирган, эски Катда яшовчи аҳоли эса, янги Қиётга кўчиб ўтган<sup>14</sup>. Бу тадбир Шоҳобод канали қурилмасдан илгари (1681 й) амалга оширилган эди. Анушоҳ Жанубий Хоразмда Хоразмнинг қадимги шаҳарларида яшаган аҳолини йиғиб Бешқалъани мустаҳкамлашга, уни обод қилишга ва ҳафсизликни таъминлашга ҳаракат қилган. Ермиш канали Урганчдан 15 км шарқда Амударёдан қазиб ўтказилган ва у Дарёлик билан параллель равишда оқади.

Каналнинг узунлиги 96 км, ўртача кенлиги 17,5 м, бошланиш қисмининг чуқурлиги 2 м. У Иляли шаҳрининг шимолидан 10,5 км наридаги Оқкўл чегарасида тамом бўлади<sup>15</sup>.

Иккинчи канал—Шоҳобод (халқ тилида Шовот) Хоразмда энг катта канал ҳисобланади. Унинг бошланиш жойи қадимги Довдон дарёсининг ўзанида бўлиб, соҳил бўйи участкалари ёш аллювиаль қатламлар (қайр) билан қопланган<sup>16</sup>. Канал Хонқа шаҳри яқинида Довдоннинг очиқ қатламларига кириб боради ва шу эски ўзанда 30 километрча оқади. У Урганчнинг ғарб томонида шимоли-ғарбий томонга қараб кескин бурилиш ясайди ва анча қадимий бўлган аллювиаль қатламлар полосасига ҳамда Ермиш канали билан параллел равишда водининг ўзанлараро умумий қиялигига ўтади<sup>17</sup>. Шоҳобод каналининг узунлиги 143 км, ўртача кенлиги 30 м, ўртача чуқурлиги 3,5 м. У Хонқа, Урганч, Шоҳобод, Тошовуз ва Иляли шаҳарларининг ғарбидан 6—7 км нарида тамом бўлади. Уша замоннинг шоир-тарихчилари Шоҳобод каналининг қайта қуриш санасини «پرفايض» («пурфайз») — мўл-кўл номи билан атаганлар. Бу сўз ҳарфларининг сон суммасини ҳисоблаб чикқанда ҳижрий йили билан 1092 (эрамининг 1681) йили келиб чиқади.

<sup>11</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, 95-бет.

<sup>12</sup> МИТТ, II том, 330-бет.

<sup>13</sup> Шаҳарни сув билан таъминловчи каналнинг бошини дарё юзидан кетган бўлса керак, ўша ердаги кейинги қурилган каналларнинг бошланиш жойида ҳам бу воқеа тез-тез содир бўлиб турган.

<sup>14</sup> Қиёт эски ўрнида сақлаб қолинганда, уни сув билан таъминлашни қайтадан тиклаш мумкин эди, Хоразмнинг чап қирғоғида иккита катта канални қуриш эса, кўп маблағни талаб қиларди.

<sup>15</sup> А. В. Каульбарс, Юқорида кўрсатилган асар, 370-371-бетлар, Г. И. Давильский, Описание Хивинского ханства, 83-бет.

<sup>16</sup> Б. Георгиевский, Южный Хоразм; картасини қаранг.

<sup>17</sup> Шу асар, шу ерда.

Шоҳобод каналининг ўрта ва қуйи ҳавзаларига тўғри келувчи Довдоннинг ўнг қирғоғидаги район анча қадимийдир. Кушанлар ҳукмронлиги даврида ва қисман ўрта аср бошларида бу ерда Қандумқалъа, Райт, Тупроққалъа ва шу сингари бир қанча аҳоли яшайдиган пунктлар вужудга келди.

Шоҳобод ва Ермишни янги канал деб ҳисоблаш мумкинми деган савол туғилади.

Х аср араб географларининг тасвирига кўра, Анушоҳ қаздирган Шоҳобод ва Ермиш каналлар жойлашган ерда Вадок ва Бува каналлари бўлган. Бундан Вадок канали кенглиги ва жойлашиш ўрнига қараб Шоҳободга, иккинчиси эса, Ермиш каналига тўғри келади.

Вадок ва Бува Кўна Урганчга етмасдан 30 км берида бирлашиб кетган ва умумий бир ўзан билан (Амударё бу вақтда Кўна Урганч билан Маздахқон ўртасида оққан) шаҳар томонга оққан.

Х асрнинг иккинчи ярмида Амударё ғарб томонга сурилиб Вадок-Буванинг умумий ўзанига уриб кетган ва марказни хавф остида қолдирган. Шу муносабат билан Вадок канали қадим замонларда, гарчи танаффус билан бўлса-да, тахминан ҳозирги Шоҳобод ўрнида жойлашган деган тахмин келиб чиқади. Амударёнинг Вадок ва Бува каналларига уриб кетиши муносабати билан мўғуллар истилосига қадар дарёнинг янги ўзанини инкор этувчи баъзи фикрлар бўлган. IX—X асрлардаги Хонобод территориясидаги қуруқ ўзанлар бу икки каналдан ажралиб чиққан тармоқларнинг пастликлари бўлиши мумкин. Анушоҳнинг «кирригаторлари» қадимги ўзани кузатиб борганлар ва Дарёлиқнинг қуруқ ўзанини айланиб чиқиб, бу икки канални тиклаганлар. «Шоҳобод» сўзининг ўзи ҳам кейинчалик Мадра канали Ғозиобод дейилган сингари янги қурилиш эмас, балки эскининг қайта тикланишини ва обод қилинганлигини кўрсатади.

Анушоҳ Шоҳобод каналда шу ном билан қалъа қурдирди. Иккита янги каналнинг қурилиши Анушоҳнинг туркманларга нисбатан бўлган янги сиёсати эди; у туркманларга бўш ерларни бириктириб қўйиб, уларни яна қайтадан жанубий Хоразм атрофига қайтаришга ва жойлаштиришга ва бунинг учун ҳарбий хизматга улардан одам олишни кўзлади. «Дарғондан денгизгача» бўлган суғориладиган ерлар Абулғоziхон томонидан ўзбек уруғлари ўртасида тақсимланган эди. Бу ерларни ўзбеклардан тортиб олиб туркманларга бериш жуда жанжалли эди.

Анушоҳ бу масалани Шоҳобод ва Ермиш каналларини қуриш билан ҳал қилди. Аммо шундай бўлса-да, у каналга қарашли бўлган асосий ерларни ўзбекларга берди, уларни давлатнинг юқори органларига ишга тайинлади, туркманларни эса, Ғозиобод, Шоҳобод ва Ермиш каналлари этақларига жойлаштирди. Қиёт, Шоҳобод каби янги қалъаларга фақат ўтроқ ўзбеклар — «сарт»лар жойлаштирилди. Туркманларнинг ўша вақтдаги Бешқалъа атрофига келишига йўл қўйилмас эди. Бундай сиёсат оқибат натижада Хева хонлиги ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Мўғуллар истилоси давригача бўлган Мадрага тўғри келувчи Ғозиобод канали номининг келиб чиқиш ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мўғуллар истилоси давридан кейин Мадра номи йўқолади ва Қутлуғ Темурнинг 1349 йилдаги вақфнома ҳужжатида у Наҳри Носирий (نهری) (نهری) еб эслатилади; бу ном ҳам кейинроқ бориб йўқолиб кетган. Абулғозида Янгиариқ, Хайконик (Полвонёп) ва Заҳ каналлари бир неча марта учратилади, аммо Мадра-Ғозиобод мутлақо учрамайди. Ғозиобод канал сифатида биринчи марта Анушоҳнинг ўғли Арангхон ёрлиғида

учратилади<sup>18</sup>. Демак, канал 1643—1688 йиллар орасида қайтадан номланган экан.

Шундай саналиш учун биз қуйидаги асосларга эгамиз. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, бирор каналга ном беришда албатта шу канални қурган кишининг номи ёки лақаби қўшилиши керак эди, бу ерда «ғози» номга қўшилган қўшимчадир. Бундай ҳоқимлар жуда кўп бўлган. Элбарсхоннинг (1512—1513) ўғиллари ўз исмларига «ғози»—«ғолиб» қўшимчасини қўшганлар (Султонғози, Муҳаммадғози ва ш. к.)<sup>19</sup>, аммо улар Хевани ишғол қилмаганлар, буларнинг бири Вазирда, яна бошқаси Дуррунда ҳукмронлик қилган<sup>20</sup>.

Шундай қилиб, Ғозиобод номининг «ғози» билан алоқадор деб бириш имконияти инкор этилади. Гарчи тарихда Абулғози ҳукмронлик қилган даврда унинг номига қўйилган канални учратмасак ҳам, Хевани эгаллаган ва Жанубий Хоразмни обод қилиш соҳасида катта ташаббус кўрсатган Абулғози (1645—1663) қолади. Шубҳа йўқки, Абулғози Мадра каналини (X аср) ёки Носирий каналини қайта тиклашда ташаббус кўрсатган. Бунинг учун Дурғадик қишлоғининг шарқидан 3 км нарида, Қулум Ҳожи табиий чегарасида Полвонёпдан Ғозиободга сув чиқариб партов қазилган, каналнинг қуйи томони тартибга солинган ва у ерда Ғозиобод<sup>21</sup> қалъаси барпо қилинган.

Хева шаҳрининг шимоли-ғарб томонида Ғозиобод каналида шу номдаги қалъанинг қурилиши туркманларни марказга кириш йўлини бекитиш каби ҳарбий-стратегик мақсадни кўзлаган эди. Ҳақиқатдан ҳам бу қалъа кейинги воқеаларда фақат хонликни мудофаа қилиш ролини Қулум Ҳожи мавзеида Полвонёпдан Ғозиободга сув чиқариб партов қазилган, каналнинг қуйи томони тартибга солинган ва у ерда Ғозиобод<sup>21</sup> қалъаси барпо қилинган.

Нима сабабдан биз Абулғози асарларида бу тадбирлар ҳақида маълумотга эга эмасмиз? Биринчидан, Абулғози ўзи подшолик қилган даврдаги тарихни ёзмаган; биз ўқдириб ўтганимиздек унинг китобини урганчлик Маҳмудий бин Муҳаммад Замон давом эттирган. Аммо бу автордош Абулғозихоннинг фақат ҳарбий юришларини ёзиш билангина чекланган. Абулғози ва Анушоҳнинг иқтисодий ва сиёсий тадбирлари ҳақида фақат XIX ва XX аср Хева хроникаси авторлари жуда қисқа ҳамда жуда чекланган маълумот берадилар. Масалан, Мунис Абулғозининг Янги Урганчни барпо қилганини гапиради, аммо Урганч арна ҳақида мутлақо гапирмайди. Маълумки, ўша вақтларда Шоҳобод ва Ермиш каналлари бўлмаган, демак, Абулғози шаҳар қурдирмасдан аввал уни сув билан таъминлаш ҳақида қайғириши керак эди, шунинг учун ҳам унинг буйруғига мувофиқ унча катта бўлмаган мустақил канал қурилган ва у Янги Урганчга асос солиш учун хон мўлжаллаган пунктга етказилган.

Шунингдек, биз Жанубий Хоразмдаги X асрда машҳур бўлган Дархос ва Сафардиз деб аталган, кейинчалик Хонқа ва Гурлан деб янги ном олган икки шаҳар устида тўхталиб ўтамиз.

Мўзулар истилоси даврида бу икки шаҳар афтидан тушкунликка тушган ва уларнинг эски номлари унутилган бўлса керак. Одатда у ёки бу аҳоли яшайдиган районнинг тарихий жиҳатдан вужудга келган иқтисодий марказининг ўрни шундай мўлжал билан танлаб олинардики, ўша ерда ёки шу жойнинг яқинида бошқа аҳоли яшайдиган пункт вужудга

<sup>18</sup> Ўзбекистон ССР ФА нинг Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

<sup>19</sup> Н. Веселовский, Юқорида кўрсатилган асар, 102-бет.

<sup>20</sup> Абулғози, Юқорида кўрсатилган асар, 216—222-бетлар.

<sup>21</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 185а.

<sup>22</sup> Бир қанча вақт кейин келиб чиққан бу Бешқалъа номини фақат шартли равишда қўллаймиз.

келарди. Бу соҳада Кат шаҳрини мисолга олиш қизиқарлидир; X асрда Амударё уни бутунлай ювиб кетган, ammo унинг яқинида Янги Кат вужудга келган ва у XVII асрларгача ҳукм суриб келди. Унинг сув хўжалиги мутлақо ишга ярамай қолгач, у ерда яшовчи аҳолини чап соҳилга (Янги Қиётга) кўчирганлар, эски шаҳар бўшаб қолган; халойиқ фақат шайх Аббос (XIII асрда ўлган) мазорига зиёрат қилиш учун келиб турганлар. Ammo, XIX асрда келиб у ерда Шайх Аббос (Шоббос) деб ном олган шаҳар яна бунёдга келган.

XVII асрнинг охирларида Жанубий Хоразмда Хазорасп, Хева Хон(а)қо, Урганч, Шоҳобод, Қиёт, Гурлан, Вазир ва Ғознобод шаҳарлари машҳур бўлган; уларнинг ҳар бири паҳса девордан ясалган қалъаларни ташкил этиб, дарвозаси ва сув тўлатилган хандағи бўлган.

Гурландан 12—13 км қуйроқда Амударёдан ўтказилган Манғитарна канали Манғит қишлоғи территориясидан шимоли-ғарбий томонига қараб 18 км нарига оқиб ўтган; унинг қурилган даврини аниқлаш қийин. Абулғозида бу эслатилмайди, Хева хроникаларида у «Оталиқ арна»<sup>23</sup> номи билан машҳур. Бу номнинг ўзидан бу канал Хева хонликлариининг бир оталиғи томонидан қазилганлиги кўринади<sup>24</sup>.

Хева хроникаларида XVIII аср воқеаларини ҳикоя қилиш муносабатин билан каналнинг шу номи тез-тез эслатиб ўтилади<sup>25</sup>. Ҳар эҳтимол Абулғози ҳокимият тепасига келгунча Манғитарна бўлмаган, чунки Хева хонлари Хоразмнинг шимолий районларига юриш қилган даврларида одатда бу каналнинг номи эслатиб ўтилган бўлар эди. XVIII асрда бу каналда манғит уруғи яшаган.

XVII асрнинг саксонинчи йилларида Арангхон даврида манғитлар ҳамма Одина Муҳаммад оталиқ бошчилигидаги Орол қўнғиротлари Хевадан ажралиб чиқадилар ва Бешқалъа ерларига ҳужум қила бошлайдилар. Арангхон улар билан келишиб Одина Муҳаммадни Хева хонлигига оталиқ қилиб тайинлади. Манғитлар томонидан ажратилган ерларни суғорувчи «Оталиқарна» канали ўша Одина Муҳаммад оталиқ ташаббуси билан қазилган бўлиши мумкин; демак, Абулғози ва Анушоҳнинг суғориш соҳасида қилган буюк тадбирлари натижасида Дарёлиқ атрофидаги ерлар сув билан таъминланган, Одина Муҳаммад оталиқ томонидан Арангхон даврида ўтказилган канал шу канал қаздирган кишининг номини олган.

Хева хонлигининг нисбатан сиёсий бирлиги ва баъзи хўжалик ҳамда маданий юксалиши XVII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади<sup>26</sup>. Хева хони Абулғози давлатини бошқаришни реформа қилган, кенг суғориш тадбирларини жорий қилган, бу ўзбекларнинг суғориладиган ерларга ўтроқлашишини тезлаштирган. Бу даврда бир қанча шаҳар ва қалъалар қурилган, рус давлати билан дипломатик алоқалар тиклашга ташаббус кўрсатган<sup>27</sup>. Анушоҳ даврида Мовароуннаҳр ва Хоразмни Хева хонлиги қўл остига бирлаштириш тадбирлари кўрилган.

Хоразмнинг сиёсий бирлиги ва нисбатан тинч ҳаёт Омангхон хондонининг тугалланиши билан тамом бўлди<sup>28</sup>. Улардан охиргиси Анушоҳнинг ўғли Арангхон бўлган.

<sup>23</sup> Мунис-Огаҳий, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 145 а. منافع الانسان

<sup>24</sup> «Оталиқ» унвони Хоразмда биринчи марта Абулғози асарларида унинг отаси Арабмуҳаммад хонлик қилган даврдаги воқеаларни ёзишда учрайди.

<sup>25</sup> Баёнӣ, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 55а.

<sup>26</sup> Абулғози, Анушоҳ, Худайодхон ва Арангхоннинг ҳокимлик қилган даври.

<sup>27</sup> Шу киши томонидан тарих ва медицина бўйича она тилида асарлар ёзилган.

آفاق آرناسى شجره تراكمه شجره ترك.

ЎзССР ФА нинг Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

<sup>28</sup> Урганч ўзбек хонларининг сўлоласига асос солувчи.

Хоразм шундан кейин Бухоро хонлигининг ноиблари томонидан идора этиладиган бўлиб қолди. Аммо шуни айтиб ўтиш лозимки, бу хонларнинг ҳаммаси Бухорога тобе бўлиб қолмаган; узоқ муддат ҳукмронлик қилган Шохниёз (1698—1704), Шерғози (1715—1728), Элбарсхонлар (1728—1740) Бухорога нисбатан мустақил, лекин лояль сиёсат олиб бордилар. Бухоро ҳокимлари Хева хонлигининг ҳарбий кучларини ва сиёсий бирлигини заифлатиришга уриндилар ҳамда Хоразмга қарши бўлган ороликлар ва манғитларнинг оппозициясини қўллаб-қувватладилар.

XVIII асрда Бухоронинг ҳукмдор доиралари тепасига манғит уруғининг вакиллари кўтарилди, Хевада эса Ўмбай иноқнинг авлодлари — қўнғирот уруғининг вакиллари шундай рольни ўйнадилар<sup>29</sup>.

Бу даврда Бухорода ва Оролнинг барча қисмларида бир қанча ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ деҳқонлари ҳамда чорвадор уруғлари ва қабиалари ўрнашиб қолганлиги кузатилади. Бухоро билан алоқа қилган манғитлар сиёсий жиҳатдан гегемонлик қилар эди.

Биз юқорида Довқарада бўлган жойларнинг манзарасини ёритдик. Кўкўзакдан ажраб чиққан Оқжақиснинг (Хева авторларида Оқёқиш<sup>30</sup>) ирмоғи, XIX асрнинг охирида ҳам Қоратерин қўлининг шарқий қисмига қўйилган. Бу қўлнинг шарқий қисмини ўша вақтда Тампоёғи деб атаганлар; ундан Янису дарёси оқиб ўтган. XVIII асрнинг биринчи ярмида Оқёқиш яқинида мустақкам қалъа бўлган. Дельтанинг шарқий қисмидаги обод ерларнинг аҳолисини Хева тарихчилари «Оқёқиш аҳолиси»<sup>31</sup> ёки «уч шохобча соҳилининг аҳолиси»<sup>32</sup> (Эшим, Кўкўзак ва Пурхон шохобчаларининг) деб атаганлар. Оқёқишнинг номига қараб ҳукм қилганда, ўша вақтда бутун Кўкўзак ва Янису, балки Орол денгизи бўйлаб ҳам, Кўкўзак ва Терсоқарда тўғон қурилгунга қадар сув йўли мавжуд бўлган. Бу тадбир, ҳар ҳолда Эшим (Исним)-Яраған<sup>33</sup> канали бўйлаб сув оқимини кучайтиришга мўлжалланган бўлса керак.

Канални қорақалпоқ хони Эшим Муҳаммад рус экспедицияси ҳалок бўлмасдан икки йил илгари қурдирган<sup>34</sup>.

Эшимхон қорақалпоқларнинг машҳур бошлиқларидан бири бўлган<sup>35</sup>. Орол ўзбеклари Едгор давридаёқ уни хон деб эълон қилганлар. Хева хроникаларида Хева ҳокимияти тепасига Шерғозихон (1715) келгандан кейин, қорақалпоқлар Эшимхон бошчилигида Орол ерларини ташлаб қочганлар<sup>36</sup>.

Оқёқиш (أقباقش قلعهسى) Хева хроникаларида тез-тез учраб туради. Хроникаларда Янису дарёси кўпинча Оқёқиш Оёғи деб аталади, бу қисман бўлса-да, Оқёқиш қалъасининг жойлашган ерини аниқлаб беради.

Юқорида айтилганидек, Хева хонлигида ҳукмронлик ролин кўнғирот қабиаларининг вакиллари ўйнар эди, унга Оролда жойлашган манғитлар қўшилганлар. Манғитлар барча хонликка қарши норозилик билдирганлар. Орол ўзбекларига мустақил ҳукмронлик қилган Одина Муҳаммадбий Арангхон давридаёқ хонликнинг оталиғи қилиб тайинланган

<sup>29</sup> Хева қўнғиротларининг бошлиғи.

<sup>30</sup> «Ёқиш» термини хоразмча «қароргоҳ ёки манзил» маъносини ифодалайди; «Оқёқиш—Оқ манзил (Б а ё н и й, варақ 176а)

<sup>31</sup> Б а ё н и й, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 155а.

<sup>32</sup> Ш у а с а р, варақ 155а.

<sup>33</sup> Ш у а с а р, варақ 147б.

<sup>34</sup> 1717 йилги Бекович-Черкасский экспедицияси кўзда тутилади. Автор каналнинг қурилиш йилини ўша ерда қадимдан яшаб келган аҳолидан сўраш йўли билан аниқлаган.

<sup>35</sup> Қорақалпоқлар тарихи бўйича материаллар, ИВАН асарлари, VII том, М—Л, 1935, 58, 60, 152, 170, 171, 212-бетлар.

<sup>36</sup> Б а ё н и й, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 48б ва 49а.

эди<sup>37</sup>. Бу узоқ давом этмади; XVIII асрнинг ўнинчи йилларида оролликлар ўз мустақиллиги учун курашиб, қорақалпоқ Эшимхонни хон қилиб таъинламоқчи бўлганлар. Шерғозихон давлат тепасига келиши биланоқ, қорақалпоқларга қарши курашди. Бу курашда Орол қўнғиротлари оролликлар тарафида турди, аммо Хева ҳокимлари қўнғиротларни ўз томонларига тортдилар. Оролликлар ўзларининг илгариги иттифоқдошларига сотқинлик қилганликлари учун аёвсиз жазоландилар. 1721 йилда Орол қўнғиротларига қарши ҳужум қилиб, Қўнғирот қалъасини ишғол қилдилар, хотин-қизлар ва болалардан бошқасини қириб ташладилар, шаҳарни талон-торож қилдилар.

1722 йилда азоб чеккан қўнғирот уруғлари Жанубий Хоразмнинг Янгиариқ территориясига кўчирилди. Қўнғирот шаҳри ўша вақтда ҳам ҳозирги ўрнида бўлган бўлса керак. Гладишев Хевадан Оролга қайтиб келатуриб, йўлда, Хевадан қочиб келаётган Абулхайрхон билан Хўжайли яқинида Амударёдан ўтган ва Орол ҳукмронлигида бўлган «Қўнғирот» ерига етиб келган, бу ернинг аҳолиси, кичик уйларда яшаганлар, уларнинг атрофи девор билан ўралган ва бу жойларга Улударёдан сув чиқарилган<sup>38</sup>.

Ҳозир Қўнғиротда яшаётган халқларнинг берган маълумотиغا кўра, қўйи дельтанинг «ғарбий қисмида жойлашган ерлар, яъни Қўйғундаги эски ҳайдаладиган ерлар «ишкили» уруғи бошчилик қилган бир қанча қўнғирот уруғларига берилган.

Қўнғирот уруғининг баъзи авлодлари Кўкўзак Қувоншжорма дарёсининг юқори оқими томонида жойлашган. Уларнинг ҳикоя қилишига қараганда, Шерғозихон Кўкўзак ҳавзасида жойлашган унча катта бўлмаган учта қалъадан бири Ғозоёқда яшовчи аҳолини янги ариққа кўчирган. Манғитлар Шерғозихондан кейин Элбарсхон даврида яна қайтадан Жанубий Хоразмни эгалладилар ва қўнғиротларни янги ариқдан илгариги жойига кўчирдилар. Аммо Ғозоёқ қўнғиротларининг асосий қисми ўша даврдан бошлаб Шимолий Қўнғирот районидаги ишкили қўнғиротлари томон кетган<sup>39</sup>.

Оролликлар билан Хева ўртасидаги кураш 1740 йилгача, эронликларнинг Хоразмни босиб олишига қадар давом этди.

Ортиқбек ҳамда Хўрозбек бошчилигидаги Хоразм манғитлари, Бухоронинг манғитлардан чиққан оталиқлари сингари сотқинлик йўлига ўтиб олдилар, улар Эронга хизмат қила бошладилар, ва Нодиршоҳ Хевада ҳокимиятни манғит беклари — Шердалибийнинг ўғилларига топширди, Хева хонлари бу даврда мамлакатда реал ҳокимиятдан ажраб қолиб, ўзаро курашаётган группалар қўлидаги қўғирчоққа айланиб қолган эди. Манғит иноқлари эронликларнинг қўллаб-қувватлашлари орқасида Хевада ўз хонларини 8—9 йил тутиб турдилар. Аммо Хевада қиёт, қўнғирот, нукус, уйғур ва шу каби уруғларнинг вакилларидан Эронга қарши коалиция кучайди, улар сотқин манғит беклари ҳокимия-

<sup>37</sup> Баёний, Шу асар, варақ 466.

<sup>38</sup> Гладишев ва Муравинлар томонидан 1740—1741 йилларда Орсдан Хевага, яна шу йўлдан орқага қайтиб қилинган саёҳат, 15—16-бетлар.

<sup>39</sup> Гладишевнинг ёзишига қараб фикр юритилса, ўша вақтда Қўнғирот «сингир» (вақтинчалик истеҳком) типидagi қалъа бўлган деб фараз қилишимиз мумкин. Бундай қалъалар айниқса шимолий Хоразмда кўп учрайди. Мисол учун Қораўзакдаги биз 1946 йилда кўздан кечирган Говурқалъани кўрсатиш мумкин. Бу қалъа 220 × 180-метрни ташкил қилувчи тўғри бурчакли майдондан иборат, атрофи баланд пахса деворлар билан ўраб олинган.

Довқаранинг жануби-шарқий қисмида биз худди шундай лекин анча яхши сақланиб қолган қалъаларни кўрдик. Булар Қиличқалъа ва Меҳтарқалъа бўлиб, ярим км оралиқда бир-бирларига қарама-қарши қилиб солинган (С. П. Толстовнинг «По следам древнехорезмийской цивилизации» асаридаги картага қаралсин).

тини йўқ қилдилар, Хоразм хонлигида эронликлар зулмига хотима бердилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида мамлакатда тахт учун ўзаро курашлар қизиб кетди; Бухоро династияси томонидан қўллаб-қувватланган Орол манғитларининг бошлиқлари Хевага қарши тўхтовсиз жанг қилдилар. Човдур ва ёвмут туркман қабилалари яна қайтадан Бешқалъа районига бостириб кирдилар. Ҳақиқий қирғин бошланди. Натижада қисқа муддат ичида мамлакат бўшаб қолди, бутун бошли Хева шаҳарида фақат бирнеча хонадонгина қолди<sup>40</sup>. У ёки бу қabila группаси фойдасига хизмат қилган қирғинчилик уруши Хоразм аҳолисини ҳолдан тойдирди ва унинг деҳқончилигини ишдан чиқарди. Хонлар халққа кўпинча фавқулодда солиқлар солардилар. Сарой тарихчилари ҳаммадан аввал хонга ва уларнинг ноибларига қарши бўлган баъзи қуроли чиқишларининг ҳақиқий характерини яширишга урунардилар, ёки керак бўлган ўринда баъзан хонларни оқлаш учун хизмат қиладиган воқеалар бўлса, уни очиқдан-очиқ ёзаберганлар. Масалан, 1756 йилда Хева хони Ғойиб Бешқалъа аҳолисига 40 000 тилладан (олтин пул билан 144000 сўм) иборат бўлган фавқулодда солиқ солди. Бу меҳнаткаш аҳолини (فقرا) кучли қўзғолонига сабабчи бўлди ва хонни тахтни ташлаб қочышга мажбур этди<sup>41</sup>.

XVIII асрнинг иккинчи ярми фақатгина Хоразм учунгина эмас, балки бутун Ўрта Осиё учун хўжалик, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда бироз юксалиш даври бўлди. Жанубий Сибирда рус давлатининг мустақамланиши, рус ҳокимияти томонидан Ўрта Осиё билан Сибирь шаҳарлари ўртасидаги савдо алоқаларининг рағбатлантирилиши, Россияда ёп-газлама калаваларига ва Сибирь ерларида Ўрта Осиё тўқимачилик молларига нисбатан ўсиб бораётган талаб пахта майдонини кенгайтиришга, унинг маҳсулдорлигини оширишга, савдонинг, ҳамда шаҳар ҳунармандчилигининг ривожланишига ва шаҳар ҳаётининг жонланишига қисман бўлса-да, таъсир этди.

Бу даврда Ўрта Осиёда бир томондан кўчманчиларнинг ўтроқлашиши, қabila ва уруғлар ўртасида ижтимоий табақаланишнинг кучайиши, қabila оқсуяклари ҳокимиятининг мустақамланиши, иккинчи томондан, хонларнинг марказий давлат ҳокимияти учун интилишлари кузатилади.

Бу процесс XVII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлигида қонли тўқнашувлар билан марказий хон ҳокимияти тарафдорлари фойдасига ҳал бўлди, Хева ва Қўқон хонликлари бу соҳада чорак асрдан кўпроқ вақт орқада қолди.

Бу вақтда Хоразмда сиёсий майдонга қўнғирот уруғидан бўлган Эшмуҳаммадбийнинг ўғли ғайратли ёш Муҳаммад Амин иноқ келади. Уни шаҳар ва қишлоқ зодагонлари қўллаб-қувватлайдилар.

Муҳаммад Амин иноқ туркман сардорлари—ҳокимлик қилиш учун ўзаро кураш даврида мамлакатда сиёсий ҳукмронликни ўз қўлига олган туркман феодалларига қарши, шунингдек Бухоро иғвоси таъсирида бўлган Орол манғитларига қарши кураш олиб борди. Ўзаро тахт учун бўлган барча курашлар оқибатида мамлакат очарчилик ва зулм остида қолди; шаҳарлар айниқса тушкунликка юз тутди. Оғир аҳволда қолган шаҳар аҳолиси қўзғолон кўтарди, бу қўзғолонга йирик ер эгалари қўллаб-қувватлаган шаҳар зодагонлари (хўжалар) бошчилик қилди, йирик ер эгалари ҳокимиятни марказлаштириш тарафдори бўлиб, уларнинг ман-

<sup>40</sup> Мунис-Огаҳий, *فردوس الاقبال*, ркп, ИВАН, № С 571, варақ 1146.

<sup>41</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 56а.

фаатига иқтисодий ҳаётнинг издан чиқиб кетиши туфайли зарар етказилган эди. Қўнғиротлар бу курашда ҳам ўзларининг бошлиғи сифатида Муҳаммад Амин иноқни илгари сурдилар ва унга ҳақиқий ёрдам бердилар. Туркман сардорларини мамлакат атрофидан қувиб чиқардилар; Орол ўзбеклари (манғитлар) ҳам узоқ вақт қаршилик кўрсата олмадилар, чунки Орол қабилалари ўртасида қисман ички ихтилофлар бор эди.

XVIII асрнинг саксонинчи йилларида Манғитқалъа манғитларнинг бошлиқлари турадиган жойга айланди. Хева хроникалари авторларининг, аниқлашчи, бу қалъа Қорабойли тармоғининг ғарбий томонига жойлашган<sup>42</sup>. Хроникалар нукус қабиласи Саримой тармоғининг шарқий соҳилига жойлашганлигидан дарак беради. Манғит уруғидан бўлган Жонмурод иноқ 1787 йилда Бухородан келиб Манғит қалъасини эгаллаган, у ерда Қорақалпоқ султони Абдураҳмонни хон қилиб тайинлаган ва «нукус қабиласи қалъасига» ҳужум қилган<sup>43</sup>.

Гладишев ва Муравинларнинг маршрути Шоҳтемир шаҳри ҳозирги Чимбой шаҳри ўрнида жойлашган деган хулосага олиб келади, бунинг шунингдек Амударё экспедициясининг суриштириш орқали тўплаган маълумотлари ҳам тасдиқлайди<sup>44</sup>. Демак, Нукус қалъасини Тўк тепалигидан 10 км шимолда жойлашган Бўзқалъа қишлови ўрнида жойлашган деб тахмин қилиш мумкин.

XIX аср Хева хроникаларида Нукус ўрнашган деб тахмин қилинган жойдан бироз шимоли-ғарбда Оққалъа бўлганлиги эслатиб ўтилади. Бу қалъани Шерғозихон ҳукмронлик қилган даврида Шоҳтемирхон ва Шердалибий қурган<sup>45</sup>. Бу хроникаларда мана шу барча пунктларнинг жойлашган ерини аниқлашга ёрдам берадиган Хева отрядларининг маршрути келтирилган.

Юқоридаги отряд Хўжайлининг юқорисида Амударёдан ўтган ва ўнг қирғоқдан йўл олиб Оққалъага етиб борган; Қорабойли қирғоғидаги Манғит қалъасида тунаб Қўнғирот шаҳари томон йўл олган<sup>46</sup>. Саримой тармоғи ёки каналнинг номи кўрсатилмайди (балки ўша вақтда у йўқ бўлиб кетган бўлса керак); Хева отрядининг маршрутига қараб ҳукм қилинганда, Оққалъа Торли каналининг энг пастки участкасида, Кегайли каналидан анча ғарброқда бўлиб чиқади.

1873 йилги картада Нукуснинг иккита харобага айланган қалъаси кўрсатилган. Бу қалъалардан бири — юқоридагиси Қорабойлининг қуйи ичмоғидан саккиз километр нарида, иккинчиси эса, биринчи қалъадан қуйироқда жойлашган (аммо бу қалъаларни XVIII асрда Нукус билан боғлаб бўлмайди). Ҳар иккала Нукус ҳам XIX асрнинг биринчи ярмида олдинма-кейин вужудга келган, ана шу асрнинг иккинчи ярмида эса, Паноҳхон қўзғолони (1858) муносабати билан аҳоли янги жойга кўчирилган эди.

Ҳозирги Нукус аҳолиси билан ўтказилган суҳбатда бу шаҳар аҳолиси илгари (XIX асрнинг биринчи ярми) Қўприкли мазорнинг чегарасидаги Қорабойли тармоғи ҳавзаларида яшаганлиги аниқланди ва улар

<sup>42</sup> Баёниё, Юқорида кўрсатилган асар, varaқ 93а.

<sup>43</sup> Бу воқеалардан Нукус қалъани Манғит қалъасидан анча жануброқда жойлашган деб хулоса чиқариш мумкин. Гладишев ва Муравиннинг 1740—1741 йилги маршрутида ҳам «Нукус» (Нукус) қалъаси Шоҳтемир шаҳрининг жануби-ғарбидаги 28 чақирим нарида жойлашган деб кўрсатилган (Баёниё, Юқорида кўрсатилган асар, varaқ 932; Гладишев ва Муравинлар томонидан 1740—1741 йилларда Орскдан Хевага ва ундан орқага қайтиб қилинган саёҳат, 62-бет).

<sup>44</sup> Л. Н. Соболев, 216-хат, Исторические известия, СПб., 1884.

<sup>45</sup> Баёниё, Юқорида кўрсатилган асар, varaқ, 1836.

<sup>46</sup> Шу асар, шу бет.



Хева хонлари сардовулларининг зўрлаши билан кўчирилганлиги ҳақидаги оталарининг ҳикояларини ёдларида сақлаб қолганлар.

Манғит қалъаси Кубатов ва Қушқаноттов тепалигидан бир оз жануброқда бўлган Қоракўл районида жойлашган бўлиши мумкин, бу далилни юқорида кўрсатиб ўтилган Хева отрядининг маршрутига асосланиб келтириш мумкин. Буни Хева отрядининг маршрути бўйича Манғит қалъаси жойлашган районлар билан Қорабойлининг сайёр тармоғининг алоқадор бўлганлиги ҳам кўрсатади.

Хева хроникалари 1772 йил воқеаларини тасвирлар экан, у ерда Қулобия тармоғи бўлганлиги эслатиб ўтилади, Муравин ҳам Амударёнинг чап қирғоғида «Қулабий» деб аталувчи тармоқ борлигини кўрсатади<sup>47</sup>. У афтидан дарё билан Хўжайли шаҳари ўртасидан оқиб ўтган бўлса керак. Баёний ҳам қаердадир, Хўжайлида Қулобия тармоғи бўлганлиги<sup>48</sup> ҳақида ёзади.

Уша Хева хроникаларида Элтузархоннинг 1802 йилда Хўжайли шаҳрини қамал қилиши муносабати билан шаҳарни ҳимоя қилувчилар ўртасида қулоб қабиласи **قوالب جماعهسى**<sup>49</sup> бўлганлиги эслатиб ўтилади. Қуйи дельтанинг юқорисида яшайдиган қулоб қабиласининг номи Қулобия тармоғининг номи билан боғлиқ эканлиги инкор этилмайди.

Хеваликлар 1787 йилда манғитлар устидан қозонилган ғалабадан фойдаланиб, Нукус қалъасини таг-туғи билан харобага айлантирдилар, унинг аҳолиси соқчилар ёрдамида Бешқалъага кўчирилди<sup>50</sup>. Аҳоли Хазорасп ва Янгиариқ ўртасидаги Бешариқ районига кўчирилган бўлса керак, чунки Қалъажик (Қардаронхос) харобаларида жойлашган кўл Хева хроникаларида Нукузкўл деб юритилади<sup>51</sup>. Мана шу 1787 йилнинг ўзида, манғитлар устидан узил-кесил ғалаба қозонилгандан сўнг Манғит шаҳрининг аҳолиси Жонмурод иноқ билан бирликда Муҳаммад Амин иноқнинг фармониغا мувофиқ Оталиқ арна каналига кўчирилади ва шу ерда Манғит қалъаси вужудга келтирилди<sup>52</sup>, кейинчалик ҳозирги Манғит шаҳри келиб чиқди.

Абулғози замонасида ўзбекларни Хоразмнинг барча суғориладиган ерларига жойлаштирилгани ҳақидаги масалага қайтамиз. Абулғози қабила ва уруғларни қуйидаги тўрт гурппага («тўпга») бирлаштирган<sup>53</sup>.

Уларга қуйидагилар ҳам кўшилган:

I тўп	уйғур найман	дўрмон, юз, минг, шайх, бурлоқ
II тўп	қўнғирот, қиёт	жалойир, али-эли
III тўп	нукус манғит	кенагас, хўжайли
IV тўп	қангли қипчоқ	ўн тўрт уруғ

Бу уруғ ва қабилаларнинг Хоразмда территория жиҳатдан жойлашиши қуйидагича кўринишда бўлган:

<sup>47</sup> Орсдан Хевага ва ундан орқага қайтиб қилинган саёҳат, 64-бет.

<sup>48</sup> **قولاييه كناريدہ** (Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 87а).

<sup>49</sup> Уша ерда, л. 1116.

<sup>50</sup> Баёний, Шу асар, 93а ва б.

<sup>51</sup> Мунис - Огаҳий, **فردوس الاقبال**. **رپك.، ۋزССР**

Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси. № 168, варақ 166.

<sup>52</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 97а.

<sup>53</sup> Мунис - Огаҳий, **فردوس الاقبال**

Найманлар асосан Питнақдан тортиб то Янгиариққача ва Урганч шаҳри атрофигача бўлган Хазорасп районини эгаллаганлар. Найманлардан кейин Амударё оқими бўйлаб Урганч шаҳри атрофидан тортиб то Гурлан районигача, шунингдек, Амударёнинг қарама-қарши (ўнг) қирғоғига қарашли бўлган ерларни уйғурлар ишғол қилганлар. Гурландан то Ловзон ирмоғигача бўлган ерларда<sup>54</sup> манғитлар жойлашган, улардан кейин дарё оқимининг қуйида ҳамда дельтанинг ўрта қисмида нукус ва манғитлар ўрнашган. Дельта ғарбий қисмининг ҳаммаси, яъни Қуйғун районининг бой ғаллакор ерлари қўнғирот ва қиётларга қарашли бўлган. Амударёнинг чап қирғоғидаги ҳозирги Қипчоқ районининг бир қисми, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Хўжақўлдан тортиб Кўкўзакгача бўлган барча ерлар ва яйловлар, шунингдек дельтанинг шарқий қисмидаги ерлар қангли-қипчоқларга қарашли бўлган. Улар билан бирга, ўн тўрт уруғ қабиласи ўрнашган. Бундан ташқари, марказ (Хева) атрофида барча асосий қабилалардан ташкил топган унча катта бўлмаган группа ва уларнинг уруғларига кирувчи қабилалар ўрнашган эди. Айниқса қиётлар билан биргаликда қўнғиротлар бу районда катта территорияни (Хевадан Янгиариқнинг ўрта оқимигача бўлган ерлар) эгаллаган эдилар.

Чорвачилик билан жипс алоқада бўлган манғитлар Хева хонлигидан бой ўсимликлари ҳамда қўлай ер майдонлари бўлган, бепоеън кўл ерларида бемалол экстенсив равишда ғаллакорлик қилиш учун осон бўлган дельтанинг шарқий қисмига кетиб қолдилар.

XVIII асрда қўнғирот, нукус, ўн тўрт уруғни Оролдан Бешқалъага кўчиришда уларни Бешариқ, Янгиариқ ва шу каби атрофи кўл билан чегараланадиган, қамишлар ўсиб, чорвачиликка яроқли бўлган Қорақум ялангликларига ўрнаштирганлар.

Манғитларнинг юқори дельтадан кетиб қолиши учун бўлган иккинчи сабаб, Орол манғитлари бошчилигида оролликларнинг Хевага қарши олиб борган курашлари бўлди, чунки Муҳаммад Амин иноқ ўзбекларнинг кучли сиёсий группаларини вақтинча йўқ қилиб юборган эди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, археологик текширишлар натижасида олинган маълумотларга қараб ҳукм қилганда Амударёнинг қуйи дельтасини ўзлаштириш асосан Жанубий Хоразмга нисбатан анча кечроқ бошланганлигини кўрамыз. Биз бу ҳақда фақат шартли равишда гапирамиз, чунки кушанлар ва африғийлар давридаги шаҳар харобаларининг (Нукус шаҳри яқинидаги Шўрча Авлиё, Шарқий Довқарадаги Қўрғончақалъа, Чирик работ, Янидарёдаги Бобишмулла ва қуйи дельтанинг ўрта қисмидаги Айвонқалъа) мавжудлиги Оролда деҳқончилик ва чорвачилик аҳолиси яшаган энг қадимги қишлоқлар бўлганлигини инкор этмайди. Дельта тармоғи оқимларининг доимий бир-бирига қўшилиб кетиши, дельтанинг катта-катта районларини сув босиб туриши бир қанча қадимги ёдгорликларни йўқ қилиб юборишда катта роль ўйнаган. Феодал тузуми давригача сақланиб қолган ёдгорликлар деҳқонлар томонидан ўғит сифатида ишлатиш учун бузиб юборилган, бу нарсани ҳозирда ҳам Жанубий Хоразмда учратиш мумкин.

XIII асрда мўғуллар томонидан олиб борилган катта қирғин урушларидан сўнг Довқара ва Қушқаноттов ўртасидан оқиб ўтадиган эски Курдар канали бўйлаб суғориш ишлари тикланган. Аммо, XV асрнинг бошларида бу ерда маданий ҳаётнинг тушкунликка тушганлиги кузати-

<sup>54</sup> Б а ё н и й, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 556.

خەرازىبىك كوران جنوبيدین حراب و ادر يرلارنى كم منقت جماعسى  
ئىك ملكى حالى ايردى آرىق فازدروب اباد ايتدبرور ايردى



лади. Дельтанинг ғарбий қисмида ҳам худди ана шундай ходиса рўй берган; бу район XVI асрда саҳрога, унинг Бўғрохон ва Пулжой каби шаҳарларида ҳаёт тўхтаб қолган эди.

Аммо Устюрт қирлари бўйлаб узунасига чўзилиб кетган илгариги кўл ҳавзасининг майдони, у ерда дон хўжалигини ривожлантириш учун катта имкониятлар туғдирган. Шунинг учун, юқорида айтиб ўтилганидек, ўзбек хонлари ва султонлари бу районни сув билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қила бошлаганлар. Масалан, Али султон Тошли Ермиш канални кавлатган, сўнгра Арабмуҳаммад бу ерга бошқа канал ўтказган. Анча кам меҳнат сарф қилиб мўл-кўл буғдой ҳосили олиниши натижасида бу ерга ўзбек уруғлари ва қабилалари тез йиғила бошладилар. Амударё асосий оқимининг Орол денгизи томон тўлиқ равишда қайтадан тикланиши табиий сув чегаралари бўйлаб катта-катта ер участкаларини ўзлаштиришга кенг имконият очиб берди, бу ерларда магистрал канал ўтқазилмаган, каналларни тузатиш ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмаган, сув тақсимотини бошқариш осон бўлган ва фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлигини сақлаб қолиш учун ортиқча меҳнат сарф қилинмаган, чунки Орол аҳолиси дастлаб бу ерларни ўзлаштиришда бир участкадан иккинчи участкага кўчиб юрган эдилар.

XVII асрнинг охирида Жанубий Хоразмда бўлгани сингари Орол ер участкаларини кенг кўламда ўзлаштириш ва табиий тармоқлар ҳамда сунъий канал бўйидаги ерларга ўзбекларнинг, кейинчалик қорақалпоқларнинг аста-секин ўтроқлашиши кузатилади.

Бу ерда дельтанинг бир қанча тармоқлари бўлганлиги ва улар оқимининг тез-тез ўзгариб туриши, дастлаб бу ерда магистраль канал қуриш заруриятини туғдирмади, чунки тармоқларда жуда кўп катта ва кичик тўғонларнинг мавжуд бўлганлиги, ерларнинг қуритиш ва тармоқларни бошқариш соҳасида катта иш олиб борилганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, Эшим (картада Исим) сингари анча аҳамиятга эга бўлган сунъий каналлар қурилганлигини кўрамиз.

XVIII асрнинг ўрталарида Орол территориясида чорвачилик ривожланган бир қанча деҳқончилик/воҳаларини кўрамиз, бу ерларда ўзбек ва қорақалпоқлар ўрнашиб, уларнинг марказий жойлари дельтанинг ўрта қисмидаги Шоҳтемир ва Манғит, Довқарадаги Оқёқиш шаҳарлари бўлган.

Булардан ташқари Оролда айрим кучли қабилалар томонидан бир қанча қалъалар, масалан Нукус, Қиёт, Қўнғирот қалъалари қуриб битказилган, булардан Қўнғирот қалъаси XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг бошларида Оролнинг янги сиёсий бирлашмасининг маркази бўлиб қолди.

Орол ерларининг чегараси Хўжайли шаҳрига бориб тугаган, у кўп сонли аҳолиси бўлган чегаранинг қудратли қалъаси эди.

Абулғози замонасида Хўжайли шаҳар ва қалъа сифатида мавжуд бўлмаган. Хўжайли қалъаси ўзбекларнинг уруғ-қабила группаларига бирлашиши муносабати билан, хўжайли уруғи (хўжа эли, яъни «хўжа уруғи») манғит-нукуз группаси составига (тўпига) киритилган даврда, яъни XVIII асрда бунёдга келган бўлиши мумкин<sup>55</sup>.

Гурландан қуйроқдаги Амударёнинг асосий оқими бўйидаги ерлар манғит, хўжайли ва нукусларга берилган. Бу жуда қулай район бўлган, чунки у ер Орол ерларидан келтирилган ғалла ва чорва моллари билан савдо қилиш учун мўлжалланган эди. Хўжайли шаҳри Орол ва Хева ўртасидан ўтадиган асосий қулай йўл бўлгани сабабли, карвонлар тўхтайдиган асосий пункт ва ҳукумат бож (باجمان حانه) оладиган жой бўлган.

<sup>55</sup> Б а ё н и я, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 43в.

Хева хроникалари маълумотига қараб ҳукм қилганда, Хўжайли олиб бўлмайдиган қалъа бўлган ва у Хева хонларига қарши ороликларнинг истеҳкоми бўлган. Элтузархон 1804 йилда бу қалъани ишғол қилган ва ҳаммадан аввал, қалъанинг деворларини бузиш ҳақида фармон берган. Хоннинг катта қўшини шаҳарнинг барча истеҳкомларини уч кунда харобага айлантирган<sup>56</sup>.

Хоразмнинг барча суғориладиган ерларида, йирик суғориш каналлари бўйлаб, шунингдек, дарё ёқалари бўйида ўзбеклар ўрнашган. Қадимий шаҳарлар яқинидаги суғориладиган йирик районлар уруғларга ажралмаган, сартлар деб аталувчи маҳаллий ўтроқ аҳоли қўлида қолган. Кейинчалик бориб ўтроқлашган ўзбеклар традицион уруғларга бўлишни сақлаб қолганлар ва ўзларининг тили ҳамда урф-одати бўйича сартлардан ҳечқандай фарқ қилмаганлар.

Агар суғориш тармоқларида учрайдиган номларни этнография маълумотлари билан таққосланса, бир қанча уруғларни канал ва дарё тармоқлари бўйлаб ўрнашганлигини кўриш мумкин. Масалан, Сувонли канали у ерга ўрнашиб олган уруғ номи билан Хўжайли деб аталган<sup>57</sup>; Омонқули канали Кенагас деб, Оталик канали Манғит арна деб атала бошлаган. Ловзонинг ғарбидаги Қанғли канали<sup>58</sup>, Қипчоқ<sup>59</sup>, Уйғур, Найман, Гурлан яқинидаги Нукус канали<sup>60</sup>, Ҳизр эли<sup>61</sup> (Хазорасп ва Гурлан ўртасидаги), бошқирд уруғи канали<sup>62</sup> ва шу каби каналлар тўғридан-тўғри ўша ерда яшовчи уруғларнинг номи билан юритилган.

Шайх Аббосдан бироз шимол томонда, дарёнинг ўнг қирғоғида Қўнғирот<sup>63</sup>, Уйғур, Уйшун<sup>64</sup> ва шу каби каналлар бор. Албатта, ҳозирги вақтда янги ижтимоий-иқтисодий шароитда ижтимоий ўзгаришлар ва уруғ муносабатининг йўқ бўлиб кетиш муносабати билан уруғларнинг ўрнашган жойлари сақланмаган, аммо этнографик кузатишлар орқали қадимги манзарани қайтадан тиклаш унча қийинчилик туғдирмайди.

Энди қорақалпоқларнинг Хоразм ва унинг атрофида ўрнашганлиги ҳақида тўхтаб ўтамиз. Биз юқорида Сирдарёда ва унинг дельта тармоқлари бўлган Қувондарё ҳамда Янидарёда яшовчи, шу ерларда суғориб деҳқончилик қилган, сунъий каналлар ва тўғонлар қурган қорақалпоқлар ҳақида гапириб ўтган эдик<sup>65</sup>.

XVIII аср сайёҳлари ва сўнги тадқиқотчилар Қувондарё ва Янидарё водисининг кўпгина ерларида суғориш иншоотларининг излари сақланиб қолганлигини қайд қилиб ўтадилар; бу иншоотлар XVII аср охири ва XVIII асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқлар яшаган зонага тўғри келган<sup>66</sup>.

Хоразм археологик-этнографик экспедицияси авиоразведка йўли билан Қувондарё ва Янидарё хавзаларида қорақалпоқларнинг суғорма деҳқончилик ерларининг ажойиб изларини аниқлади. Ҳамма ерда суғориш тармоқларининг изи, майдонларнинг планировкаси, ўтовлар-

<sup>56</sup> Баёниёй, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 128а.

<sup>57</sup> Шу асар, варақ 150б.

<sup>58</sup> Баёниёй, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 150б.

<sup>59</sup> Шу асар, шу бет.

<sup>60</sup> 1905 йилги ўн чақиримлик картани қаранг.

<sup>61</sup> Баёниёй, Юқорида кўрсатилган асар, варақ, 126а.

<sup>62</sup> Мунис-Огаҳий, فردوس الاقبال, ркп., ИВАН, № 6, варақ 64б.

<sup>63</sup> Баёниёй, Юқорида кўрсатилган асар, варақ, 148б.

<sup>64</sup> Шу асар, варақ 169а.

<sup>65</sup> Материалы по истории каракалпаков, Сборник, Труды ИВАН, VII том, Л., 1935, 47-бет.

<sup>66</sup> Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная Гладишевым и Муравьевым в 1740—1741 годах, 54—55-бет.

нинг қачонлардан бери у ерда мавжуд бўлган доиралари, нотўғри планлаштирилган ҳовлиларни бир-биридан ажратиб турувчи пахса деворлари, пахсадан ясалган унча катта бўлмаган бинолар, бир қанча мазор группаларининг излари топилди. Ирригация ва аҳоли яшайдиган жойларнинг излари, айниқса Яни ва Қувондарё ўртасида зич жойлашган<sup>67</sup>.

1743 йилда қозоқлар томонидан тор-мор келтирилган қорақалпоқлар бир қанча чорвасидан, еридан ва яйловидан маҳрум бўлди ва Кичик Ўрданинг кўчманчилари манзилига чегарадош бўлган районларини ташлаб кетишга мажбур бўлганлар<sup>68</sup>. Уларнинг бир қисми Янидарёга ва Орол денгизининг (Орол ерлари ва Хева билан чегарадош) ғарби-шарқ районларига ёйилди. Шунини айтиш керакки, Янидарёга ва ҳатто Хева чегараларига борган қорақалпоқлар Кичик Ўрда хонлари зулмидан қутила олмади.

Қозоқларнинг ривоятига қараганда, Янидарёга кўчиб борган қорақалпоқлар бу ерда суғориш ишларини кенг кўламда олиб борганлар, ва оқибат натижада, бу меҳнатларининг самарасидан узоқ вақт фойдалана олмаганлар.

П. П. Ивановнинг фикрича, қорақалпоқларнинг кўпгина қисми XVIII асрнинг бошларидаёқ Орол ерларига ва Хева хонлиги ичкарасига кириб олганлар<sup>69</sup>.

Хева тарихчиси Огаҳийнинг берган маълумотига кўра, қорақалпоқлар фақат Муҳаммад Амин иноқ даврида (1755—1790) Хева хонлиги атрофига жойлашиш учун ижозат сўраганлар, Муҳаммад Амин иноқ унга розилик берган ва дельтанинг шарқий қисмидаги Кўкўзак ва Орол ўртасидаги ерларга ўрнашиш учун рухсат берган<sup>70</sup>. П. П. Иванов Огаҳий ҳамда Бланкеннагелларнинг<sup>71</sup> тўғридан-тўғри берган бу кўрсатмасини эътиборга олмай, қорақалпоқлар Амударё дельтасига анча кечроқ келиб жойлашган деб тасдиқлайди<sup>72</sup> Огаҳий қорақалпоқларнинг Шерғо-зихон замонасидаёқ вақти-вақти билан бу ерларга бостириб кириб турганлигини қайд қилади; Оқёқишдан қорақалпоқларни суриб чиқариш учун махсус юришлар қилишига тўғри келган. Аммо бу ҳужумлар бу ерда узоқ муддат яшаб туришга ёрдам бермади; маълум бўлишича Хева хонлари Кичик Ўрда қозоқларининг зулмидан азоб чеккан ва шунинг учун ҳам Хева хонлигида яшаш учун ҳаракат қилган қорақалпоқларга бу хонликда ўрнашиш учун рухсат бермаганлар.

Аммо қорақалпоқларнинг ҳаммаси ҳам Хоразмда яшаш учун ҳаракат қилмаган; уларнинг кўпгина қисми қозоқлар билан биргаликда Қувондарёда қола берган<sup>73</sup>. Хоразмда фақат Орол ерларида яшаш учун ҳаракатлари муваффақиятсиз чиққан қорақалпоқларгина жойлашдилар ва ниҳоят Муҳаммад Амин иноқдан Хева хонлиги фуқароси бўлиш ва ерлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш ҳақида расмий розилик олдилар. 1801 йилда Довқара территориясига киритилган хитой деб юритилувчи қорақалпоқ уруғи 1772 йилда Хўжайли ва Кўкўзак райони яқинига жойлашди.

Қорақалпоқлар XVIII асрнинг элгинчи йиллари охирида Хева хонлигининг суғориш соҳасидаги тadbирларини амалга оширишда актив

<sup>67</sup> С. П. Толстов, По следам древнехорезмийской цивилизации, М., 1943, 125—128-бетлар.

<sup>68</sup> Материалы из истории каракалпаков, сборник, Труды ИВАН, т. VII, Л., 1935, 66-бет.

<sup>69</sup> П. П. Иванов, Очерки истории каракалпаков, 66—67-бетлар.

<sup>70</sup> Огаҳий, رياض الدوله, ркп, ИВАН, № Д 123, варақ 74а ва б.

<sup>71</sup> Записки Бланкеннагеля, Вестник РГО, 1858, XXII том, 96-бет.

<sup>72</sup> Материалы по истории каракалпаков, 73—74-бетлар.

«иштирок этдилар, улар фақат дельтанинг ўзидагина эмас, балки унинг атрофларида ҳам шундай ёрдам кўрсатдилар. Мунис Омонқули каналини тасвирлар экан, қорақалпоқларнинг кенагас ҳокими—Омонқулибий бу ариқни Севгонли канали ирмоғи яқинидаги Амударёдан кавлатганлигини ва Муҳаммад Амин иноқ ҳукмронлигининг дастлабки даврларида уни кенагас ерларигача етказиб келганлигини қайд қилади<sup>74</sup>.

Бундай суғоришнинг барча тадбирлари XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидаги картографик материалларда ўз ифодасини топди.

Хўжайли шаҳрининг жанубида Омонқули каналини кавлаган ва шу ерда ўрнашган қорақалпоқларнинг кенагас уруғи, кейинчалик бориб Кубатовнинг жанубий районларига кириб борганлар. Шундай қилиб, Хева хонлари Янидарё ва Оқёқишда қорақалпоқлар устидан ўз ҳукмронлигини тикламоқчи бўлган бир даврда қорақалпоқларнинг бир қисми аллақачонлар хонликнинг ички районларида Хева хонлигига қарам бўлиб қолган эди.

Муҳаммад Аминнинг ороликлар устидан қозонган ғалабаси мустаҳкам эмас эди. Оролдан ҳозирги Манғит шаҳрига кўчирилган ороликларнинг 1793 йилда, Аваз иноқ (1790—1804) ворислари давридаги қаршилигига ака-ука Хўжамурод сўфи ҳамда Тўрамурод сўфи (ҳар иккаласи ҳам ўша қўнғирот уруғидан бўлиб, Хева иноқлари ҳам шу уруғга кирардилар) бошчилик қилди<sup>75</sup>. Хева хонлари ороликларнинг ҳужумини қайтариб туриш учун Қўнғирот билан 18 йил (1793—1811) кураш олиб борди. Хева иноқлари хонликнинг барча ишларида ҳар томонлама ҳукмронлик қилдилар; аммо Ўрта Осиёнинг барча хонликларида одат тусга кириб қолган традицияни қўллаб, улар Чингиз авлодидан бирор кишини сохта хон сифатида марказда сақлар эдилар.

Хеванинг иноқ-қўнғиротлари мустаҳкам ҳокимиятга эга бўлганларидан сўнг, қўғирчоқ хонни олиб ташлашга ва ўзлари хон бўлиб олишга қарор қилдилар. Улардан биттаси Аваз иноқнинг ўғли Элтузар (1804—1806) бўлиб, у ўзининг тарафида бўлган шериклари билан эски тартибни йўқ қилиб ташлади ва ўз ҳокимияти остига бутун авлодни бўйсундирди ва ўз ватандошларига оғир кулфатлар солди, барча Хева халқининг хони ва чексиз ҳукмдори бўлиб олди<sup>76</sup>.

Элтузархон ўз маркази бўлган Хева шаҳрини янгидан-янги қурилишлар билан беади ва мамлакатга янги тартиб кирита бошлади.

Хева хроникаларида солиқ тўлаш тартибининг Элтузархон томонидан киритилган қандайдир янги реформаси ҳақида чалкаш маълумотлар берилган.

Бунда солиқ йиғиш ва жамоа ишларини марказлаштириш, қабила бийлари ҳокимиятини ҳамда айрим область ҳокимларини бекор қилиш ҳақида гап бораётган бўлса керак. Ҳақиқатдан ҳам шу даврдан бошлаб шахсан Хева хонлари томонидан ҳар хил область ва районларга қози ҳамда ҳоким тайинлаш ҳақида тез-тез гапирилади<sup>77</sup>. Туркман ва қорақалпоқларни ҳисобга олмаганда ўзбеклар Хева хонлари томонидан тайинланадиган шахслар томонидан бошқариладиган бўлиб, илгари у ёки бу уруғ ёки қабиланинг бошлиғи ўз хоҳиши билан қанча солиқ йиғса ва ана шу солиқ билан Хевага келган бўлса, энди хонларнинг ўзи район-

<sup>74</sup> Мунис-Огаҳий, *فردوس الاقبال*, варақ 1966.

<sup>75</sup> Баёний бу унвонни дарвиш-сўфилар билан бўлган алоқага боғлайди. Оролнинг янги қўнғирот ҳокимлари деб кўрсатишга ҳаракат қилади. Ҳақиқатда эса бу унвон Хоразмда ҳукмронлик қилган қўнғирот династиясидандир.

<sup>76</sup> Н. Муравьёв, Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819—1920 годах гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьёва, посланного в сии страны для переговоров. М., 1822, II қисм, 18-бет.

<sup>77</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақлар: 1156, 2016, 202а.

ларнинг қобилиятига қараб солиқ соладиган ва у ерда солиқ йиғиш учун ўз одамларини тайинлайдиган бўлиб қолди. Маҳаллий ҳокимлар ихтиёрида бўлган ҳарбий мансабдорлар хон хазинасидан ойлик олиб туради<sup>78</sup>.

Хева иноқлари (кейинроқ хонлар) хонликдаги ва ундан ташқарида бўлган эркесвар туркман қабилаларига қарши узок вақт кураш олиб борган. Туркманлардан ўзларининг шуҳратпараст ҳатти-ҳаракатларида, оролликлар ва Мовароуннаҳрга қарши курашда ҳарбий куч сифатида фойдаланмоқчи бўлган Хева хонлари, туркманларга ер бериб уларни хонликка жалб қилишга уриндилар.

Жанубий Туркменистон ерларидан така қабиласи билан суриб чиқарилган туркманлар Аваз иноқ даврида (1790—1804) Хоразмга келдилар. Аваз иноқ уларни Омонқулиннинг қуйроғидаги (Хўжайли шаҳрининг жанубидан 10 км нарида) кенасига қабиласи территориясига жойлаштирди<sup>79</sup>.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Оролнинг ғарбий қисмида човдурлар яшаган. Човдурлар қалъаси Қўнғирот шаҳрининг шимоли-шарқидан 15—18 км нарида Устюрт остонасида жойлашган.

Човдурлар Орол аҳолиси сифатида Қўнғирот билан доимо алоқада бўлганлиги ва уларга Хевага қарши курашда ҳарбий ёрдам бериб тургани ҳам маълум<sup>80</sup>. Хева хонлари човдурларни Қўнғиротдан айириб олиш учун ҳар қанақасига ҳаракат қилдилар ва фақат 1810 йилда уларни Манғит шаҳрининг ғарбидаги Порсу районига кўчириш билан бунга муяссар бўлдилар.

Элтузархон даврида Жанубий Туркменистон атрофидан така қабиласи суриб чиқарган ёвмутлар ҳам Хоразмга келди. Уларга Музқумғон райони «марҳамат» қилиб берилган эди, бу ерда яшовчи имрэлилар эса, Ягниариқ районига кўчирилган эди<sup>81</sup>.

1806 йилда Амударёнинг ўнг қирғоғида, Шайх Аббос районида Бухоро хонининг қўшинлари билан жанг бўлиб ўтди. Уруш хеваликларнинг мағлубияти билан тамом бўлди.

Бу жангда Элтузархон ҳалок бўлди. Элтузархон ўрнига унинг укаси Муҳаммад Раҳим I (1806—1825) бўлиб, у ҳам тахтга мазлум халқ оммасининг манфаатларини босиб-янчиш ва зўрлик билан эришди.

Икки қўшни хонлик Мовароуннаҳр ва Хоразмга бўлинган ўзбеклар ўзларининг ҳокимлари томонидан ўз қон-қариндошларини ҳалокатга келтирувчи урушларда қатнаштирилган эди, бундай урушлар бир тўда феодаллар ва беклар фойдаси учун қилинган эди. Тахт учун бўлган ўзаро кураш, аҳолига нисбатан талон-торож ва зўрлик билан қилинган тўхтовсиз ҳарбий юришлар, феодалларнинг ўзбошимчилиги — буларнинг ҳаммаси кўпгина ўзбек қабилаларини Хоразмни ташлаб чиқиб кетишига ва Муҳаммад Раҳим I га қарши қўзғолон кўтаришга мажбур этди<sup>82</sup>.

Муҳаммад Раҳимхон бу қўзғолонни бостирди ва шундан сўнг ўзининг барча кучини Қўнғиротга қарши йўллади; бунинг учун у Қўнғиротни унинг атрофида яшовчи човдур, қорақалпоқ ва шу каби қабилалардан ажратиб қўйишга ва шаҳарга кирадиган сувни тўхтатиб қўйишга қарор қилди.

Муҳаммад Раҳимхон аввало қорақалпоқларнинг хитой, ҳасанбой,

<sup>78</sup> Хева хонларининг Салтиков-Щедрин библиотекасида сақланаётган архиви, 60-дафтар.

<sup>79</sup> МИТТ, II том, 355-бет.

<sup>80</sup> Баёни, Юқорида кўрсатилган асар, varaқ, 150 б, 151 а.

<sup>81</sup> МИТТ, II том, 370-бет, فردوس الافبال

<sup>82</sup> Баёни, Юқорида кўрсатилган асар, varaқ, 1416.



манғит қабилаларини бўйсундирди ва сўнгра уларни Оқёқиш, Кўкўзак, Хўжайли районларига кўчирди.

Муҳаммад Раҳимхон худди ана шу усул билан човдур қабиласини Қўнғиротдан ажратиб қўйди ва уларни жанубга кўчирди.

Дельтанинг ғарбидаги барча ерлар, шу жумладан Қўнғиротнинг атрофидаги ерлар Чумоной, Чанғлибосув ва Терсоқар каби учта тармоқ суви билан суғорилган.

Илгариги каналлар ўрнини босган бу тармоқлар суви билан Ойбўғир ва Қуйғундаги катта экин майдонлари суғорилган. Чанғлибосув, Чумоной ва Терсоқарларнинг ирмоқлари бир-бирига жуда яқин бўлиб, тахминан Хўжайли шаҳрининг шимоли-шарқидан 40 км нарида оққанлар. «Чанғлибосув ва Чумоной илгариги вақтларда Амударёнинг энг кичик тармоқларидан бўлган ва у Аранг қиридан ўтиб *ارنه سيدين اوتوب* арне сийдин аутоб шимол томонда қўл ҳосил қилган. Кўпинча уларнинг суви камайиб, қуриб қоларди; Отйўли деб аталадиган кечув йўлининг (Қўнғиротнинг жанубидан 10 км нарида — Я. Ф.) чуқурлиги ҳатто от қорнигача ҳам етмаган. Муҳаммад Амин иноқ ҳукмронлик қилган даврдан (1790) кейин бу тармоқларга сув келган, Муҳаммад Раҳимхон даврида эса, бу тармоқларда сув кўпая бориб, катта дарёга айланган. Сойкечувнинг юқорисидан (Отйўлидан 2 км юқорида — Я. Ф.) бу икки тармоқ қўшилиб кетиб битта оқим бўлиб Орол денгизига (Очиқ тенгиз) қуйилган; Отйўлидан энди қайиқсиз кечиш ўтиб бўлмайдиган бўлиб қолди. Орол аҳолиси бу сувдан катта-кичик каналлар қазиб, шу сув воситаси билан ўзларининг экинларини суғорадиган бўлиб қолдилар<sup>83</sup>.

Хон ҳазратлари қўзғолончиларнинг (қўнғиротлиларнинг) зарарли ҳаракатлари учун бу тармоқ сувини бекитиб қўйишга қарор қилган; у қўшин ва кўнгилли қўшинларни (*قراچيريك*) уч отрядга бўлиб, улардан биттасига тўқайдаги чўп-хасни йиғишга, бошқасига чим йиғиш, учинчи группасига қамиш ва тупроқ йиғиш ҳақида топшириқ берган. Ҳар қайси қирғоққа тўпланган материаллардан цилиндрсимон навардлар<sup>84</sup> (узунлиги 60 газ,<sup>85</sup> диаметри 20—30 газли тўғонга босиладиган ғов) ясаганлар. Қунига ҳар бир қирғоқдан 15 навард сувга ташланарди ва хон Тўрасўфи ҳузурига огоҳлантириш билан элчи юборган. Шу усул билан Чумоной ирмоғининг сувини узунлиги ва чуқурлиги 50 газ бўлган 200 қарил<sup>86</sup> тўғон билан саккиз кун ичида бекитиб бўлганлар. Чанғлибосувни ҳам 8 кунгача бекитиб қўйганлар. Бу тўғоннинг узунлиги 180 қарига яқин, чуқурлиги эса 60 газ бўлган. Шу билан бир вақтда, Терсоқар («тескари оқар» маъносидан) ирмоғи сувини ҳам бекитиб қўйганлар, бу ерга қурилган тўғоннинг узунлиги 30 газ, чуқурлиги 6 қари бўлган.

Хон сув кирадиган йўлларни бекитиш юзасидан барча ишларни тамомлаб, Қўнғиротга юриш учун қарор қилди, аммо унга яқин кишилар сув йўлини бекитиш билан чегараланишни маслаҳат бердилар. Тўғон атрофида қалъа қурганлар ва бу ерга хоннинг укаси — Қутлуғ Мурод иноқ бошчилигида беш минг кишидан иборат гарнизон қолдирганлар.

Аммо тўғон сувнинг оқим кучига чидаш бера олмаган ва 20 кундан кейин уни сув оқизиб кетган; Қутлуғ Мурод иноқ гарнизон билан Хевага қайтиб келган.

<sup>83</sup> Манбаларда бу каналлардан фақат иккита-учта катта бўлмаган Ингичка ва Ихлос каналларининг номлари кўрсатилади. Бу каналлар Қўнғиротнинг жанубидан олти-саккиз километр нарида қазилган.

<sup>84</sup> Ушбу китобнинг «Хоразмда суғориш техникаси тарихидан» бобига қаранг.

<sup>85</sup> Газ 110 сантиметрга тенг.

<sup>86</sup> Қари — бир метрга яқин ўлчов бирлиги.

Хон 1811 йилда Қўнғиротга қарши тўртинчи марта юриш ташкил қилган ва уни узоқ вақт қамал қилиб, қамалда қолганларни очликка маҳкум этади. Қўнғиротнинг шимолидан 40 км нарида қорақалпоқлар яшайдиган Толдиқ ирмоғида Шўрқалъа деб аталган қалъа бўлган. Хон тезлик билан шу қалъа шахсан ўзи боради, шу куннинг ўзида қалъани ишғол қилган ва у ерда яшовчи аҳолини Оролнинг жанубий чегараларига кўчирган. Мачанкўл кўли ўша вақтларда деҳқончилик қилиш учун қулай бўлган. Орол аҳолиси у ердан мўл-кўл дон ҳосили олган. Хон бу ердаги ҳосилдан истаганича олиб, қолганини шу ернинг ўзида пайҳон қилиб ташлаш ҳақида махсус отрядга топшириқ берган. У Қўнғирот атрофидаги Бўғрохон шаҳар харобаси ёнидаги экинларни ҳам шундай пайҳонлатиб ташлади<sup>87</sup>.

Қўнғиротнинг шимолидан 15 км нарида жойлашган Мачанкўл кўли катта территорияни ишғол қилади. Биз 1946 йилда кўл майдонига борганимизда, унга сув тўлиб қолган ва қамишлар билан қопланиб ётган эди. Қўнғиротнинг шимолидан 22 км наридаги мозор ва Ҳакимота (Бақирғон) мавзеи ҳам ўша вақтда шу кўлнинг суви билан тўлиб ётган эди. Қўнғиротдан 15—16 км шимолроқда жойлашган Мадминия (Хева хроникаларида Бўғрохон) харобаларини ҳам тез-тез сув босиб турган. Мачанкўл 1905 йилги ўн қақиримлик картада унча катта территорияга эга бўлмаган деб, Ҳакимота мавзеи эса, фақат қуруқликда жойлашган деб кўрсатилган. А. В. Каульбарснинг 1873 йилги картасида Мачанкўлнинг территорияси катта қилиб, Ҳокимота мавзеи тўқайли жой деб кўрсатилган.

Хева хроникаларининг берган маълумотига қараб ҳукм қилганда, XIX асрнинг боши ва биринчи чорагида бу ерларни сув босмаган.

Айрим каналлардан сув уриб кетиш ва дарё суви оқимининг ўзгариб туриш ҳоллари бир неча бор такрорланиб турган; шунинг учун бошқа ҳамма дельталар сингари, дельтанинг ғарбий қисмини сув босиши ва қуруқликка айланиши тарихини текшириб бўлмайди. Ажойиб воҳа билан ўралган Қўнғирот шаҳри кам аҳоли яшайдиган кичкина қалъадан анча катта шаҳарга айланди. 1811 йилда хеваликлар томонидан босиб олинган даврда унинг тўртта дарбозаси, шунингдек, ички ва ташқи истеҳкоми бўлган. Унинг майдонига 20000 хонадон сиға олган (бу, албатта, ошириб-тошириб айтилган бўлса керак)<sup>88</sup>. Хеваликларнинг ғалаба қозонишига Қўнғирот ичидаги баъзи қабила группаларининг хиёнаткорлиги сабаб бўлган. Шаҳар уч кун ичида бутунлай вайронга айлантирилди ва у ерда яшовчи аҳоли зўрлик билан Хоразмнинг жанубий районларига кўчирилган<sup>89</sup>.

Қўнғирот устидан қозонилган ғалаба, Муҳаммад Раҳимхоннинг қорақалпоқ ва туркманлар устидан ҳукмронлигини мустаҳкамлашда асосий ишлардан бири бўлган. Оролликлар ҳокимияти йўқ қилиб юборилгандан сўнг, Муҳаммад Раҳимхон нукус қабиласини Саримой тармоғидаги қадимги жойига қайтадан кўчирган<sup>90</sup>. Манғит қабиласининг қалъаси хеваликлар томонидан 1800 йилда бузиб юборилган. Аммо, Муҳаммад Раҳимхон қўнғиротлар устидан ғалаба қозонгандан сўнг манғитларни қайтадан бир ерга тўплаган ва уларнинг қалъасини тиклаган<sup>91</sup>.

Қорақалпоқларнинг Қозоқ Урдаси билан бир қанча вақтлардан бе-

<sup>87</sup> Баёниёй, Юқорида кўрсатилган асар, варақлар 165а, 191а ва б.

<sup>88</sup> Баёниёй, Юқорида кўрсатилган асар, варақ, 196а ва б.

<sup>89</sup> Баёниёй, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 197б, 200б.

<sup>90</sup> Шу асар, 201-варақ.

<sup>91</sup> Шу ерда.

ри олиб борган кураши, ўша вақтлардаёқ Хева хонларининг диққатини ўзига жалб этган эди.

Қорақалпоқлар Янидарёдан Оқёқишга кўчирилгандан сўнг, Хева хроникаларининг сўзларига кўра, қозоқлар қорақалпоқларга қарши ҳужум қилиб турганлар ва Россия томонга кетаётган Хева ҳамда Бухоро қарвонларини талаганлар. Қозоқлар бу территорияни Хева хонлиги ҳукмронлигига қўшиб юборилганлигига қарамай, Янидарёга кўча бошлаганлар<sup>92</sup>.

Муҳаммад Раҳимхон 1227 (1812) йилда Қўнғирот устидан ғалаба қозонгандан сўнг қозоқларга қарши урушга жўнади. Унинг бу юриши муваффақиятли чиқди. Шундан сўнг қозоқлар анча вақтгача Хевага тобе бўлиб қолди ва ҳар йили бож тўлаб турар эди<sup>93</sup>.

Муҳаммад Раҳим энди Сирдарёдаги қозоқ хонларини шахсан ўз ихтиёри билан тайинлай бошлади<sup>94</sup>.

Мамлакатнинг шимолида «тартиб ўрнатиб», — деб ёзилади Хева хроникаларида,—Муҳаммад Раҳимхон ўз қуроли кучларини ҳозирги Туркманстоннинг жалубий область қабилалари томон йўллади ва бир қанча туркман қабилаларини Хоразмга кўчириб келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу ерда у Тажан ва Мурғобга хеваликларнинг келишини ёқтирмаган, бу ерларда ўз сиёсатини юргазган Бухоро манфаатлари билан тўқнашади.

Хева хонлигида нисбатан тинчлик ҳукм суларди. Муҳаммад Раҳимхон пойтахтни мустаҳкамлашга ва суғориладиган майдонларни кенгайтиришга киришди, бу туркман қабилаларини марказга кўчириш, шунингдек ҳарбий амалдорларни мукофотлаш учун зарур эди.

Йирик суғориш ишларидан бири 1815 йилда Қилич Ниёзбой каналининг қурилиши бўлди. «(Канални) Боғлон арнасини (тармоғидан—ред.) ёрдириб, Қиёт устидан ўтқариб, бўзга чиқориб, ёинки қалъайи Хитойнинг жанубий худудидан (чегарасидин — ред.) ўтқариб, итмомга еткур (тамомланган—ред.). Ул ариқнинг оёғи Шарқравуқга (Дарёлиқ—Я. Ф.) борурким, они Қиличбой арнаси дерлар»<sup>95</sup>. Хева хроникаларида эслатиб ўтилган Боғлон арнада ҳақиқатан ҳам Амударёнинг анча суви оққанлиги кўрсатилади. А. В. Каульбарс уни Кичик дарё<sup>96</sup> деб тасвирлайди, бу ариқда Қилич Ниёзбой ва Ермиш каналларининг ирмоқлари бўлган. Уларнинг ўртасида Дарёлиқ ўзани бўлган<sup>97</sup>.

Қилич Ниёзбой каналидан чап томонга Бешуйли, ўнг томонга эса, Гурлан, Нукус, Уйғур, Полвонбек каналлари ажралиб чиққан<sup>98</sup>.

Қилич Ниёзбой канали Дарёлиқнинг ўнг киргоғи бўйлаб кетган қўрғоқ ерларни суғориш учун махсус қурилган. Бу билан Жанубий Хоразмнинг суғориладиган ерлари анча кенгайтирилган. Канал ирмоғидан 66 км нарида эски традицияга асосан катъа қурилган. Канал ҳам, катъа ҳам Муҳаммад Раҳимхоннинг машҳур амалдорларидан бири Қилич Ниёзбой номи билан юритилган.

Г. И. Данилевский Қилич Ниёзбой билан Манғит арна ўртасидан Булдумсознинг шимоли-ғарби томон оқиб ўтадиган Қорақўз канали бўлганлигини эслатиб ўтади.

Г. И. Данилевский берган маълумотга кўра, «Арна каналининг (Оталиқ арна ёки Манғит арна) ирмоғи Қорақўз канали ирмоғидан

<sup>92</sup> Баёний, Шу асар, 203—205-варақлар.

<sup>93</sup> Н. Муравьев, Путешествие в Туркмению и Хиву, II қисм, 44—45-бетлар.

<sup>94</sup> Н. Веселовский, Юқорида кўрсатилган асар, 271—272-бетлар.

<sup>95</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 217-б.

<sup>96</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарьи, 29—30-бетлар.

<sup>97</sup> Шу асар, шу бет.

<sup>98</sup> Г. И. Данилевский, Описание хивинского ханства, записки РГО, 1851, V китоб, 83-бет.

24 чақирим пастда ва Манғит шаҳридан 8 км юқорида оққан. Каналнинг узунлиги 60 чақирим бўлган; Арнанинг қуйи томонида шу каналдан Янгиёп канали ажралиб чиққан ва жануби-ғарбга томон йўналиб, 33 чақирим ерни босиб ўтиб, қумлар орасига сингиб кетган»<sup>99</sup>.

Г. И. Данилевскийда бу икки каналнинг қайси томонга йўналганлиги ва уларнинг ирмоқлари орасидаги масофа аниқ кўрсатилмаган. Агар у томонидан келтирилган рақамларга қараб ҳукм қилганда, Манғит арнанинг боши Манғит шаҳарининг кенглигида бўлган; бу фикр унинг канали «шарқдан ғарбга оқади» деган кўрсатмасига тўғри келмайди; Манғит шаҳарининг бу каналнинг оқими бўйлаб саккиз чақирим пастда бўлиши ҳам мумкин эмас.

XIX аср бошларидаги Хева хроникаларида Янгиёп канали Маздахқон харобасининг жануби-шарқий районидаги воқеалар муносабати билан тасвирланади<sup>100</sup>. Бундай маълумот, Янгиёп ва Қоракўз канали дастлаб бир ном билан аталган ҳамда XIX асрнинг биринчи ярмида Хева хонлигининг машхур амалдори Давлат Қоракўз томонидан қурилган деган хулосага олиб келади. Давлат Қоракўз Хева хроникаларида Қилич Ниёзбойнинг ўзгинаси қилиб кўрсатилади. Хоразм миробларининг берган маълумотига кўра, Янгиёп канали Давлат Қоракўз томонидан Қўнғирот устидан ғалаба қозонишидан уч йил илгари, яъни 1808 йилда қурилган. Қоракўз канали кўп марта ўзгартирилган: гоҳо унинг қуйи оқимини Оталиқ арнага қўшиб қисқартганлар, гоҳо қайтадан узайтирганлар<sup>101</sup>.

Янгиёп (Қоракўз) каналининг қисқартирилиши ёки унинг оқимини ўзгартирилиши ва унинг қуйи оқимини Манғит арнага қўшиб юборилиши, Муҳаммад Раҳимхон оролликлар устидан ғалаба қозонгандан ва Манғит қалъасини тиклаш ҳақида буйруқ бергандан сўнг вужудга келган, албатта. Шу билан бир вақтда Манғит арна каналининг ирмоғи ва унинг қуйи оқими ҳам ўзгартирилган бўлса керак.

Ловзон (Ловдон)<sup>102</sup> томонга биринчи марта сув уриб кетиш ҳодисаси XIX асрнинг бошларидан аввал бўлмаган. Баёний унинг келиб чиқиши ҳақида қуйидагича маълумот беради: Ловзонбой деб аталган ғллақандай қорақалпоқ ўзининг хусусий экинларини суғориш мақсадида кичкина ариқ қазиган. Натижада дарё шу ариққа ўтиб кетган ва катта гармоқ ҳосил қилган, тармоқ қадимгидек, Ловзонбой номида қола берган<sup>103</sup>. Баёний бу воқеа Оллоқулихон ҳукмронлик қилган даврда (1825—1842) бўлиб ўтган деб хато қилади, яъни уни Ловзоннинг иккинчи марта уриб кетиши билан аралаштириб юборади.

1814 йилда Муҳаммад Раҳимхоннинг буйруғига биноан Шоҳобод каналининг этаклари яхшилаб тозаланади, 1815 йилда эса, у ерда Тошҳовуз қалъаси (تاش حوض, картада Тошовуз—Я. Ф.) барпо этилади<sup>104</sup>.

Муҳаммад Раҳимхон 1810 йилда Янгиариқ канали этакларидан

<sup>99</sup> Г. И. Данилевский, Юқорида кўрсатилган, асар, 83—84-бетлар.

<sup>100</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 102.

<sup>101</sup> Қоракўз канали узунлиги ва йўналиши жиҳатидан Янгиёпга тенг бўлган. У А. В. Каульбарс картасида, шунингдек 1905 йилги картада ҳам шу ном билан узунлиги 60 км ли унча катта бўлмаган канал сифатида кўрсатилади. А. В. Каульбарс картасида унинг янги оқимини кесиб ўтган қуруқ ўзан кўрсатилган.

<sup>102</sup> Хева хроникаларида ҳар икки вариантдаги ном учрайди.

<sup>103</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 329б.

<sup>104</sup> Шукитоб, варақлар 218а, 294а. Баёнийда фақат канални қазिशга тайёргарлик ҳақида гап кетаётган бўлса керак, чунки бошқа жойда у Тошовуз қалъасининг қурилиши 1835—1836 йил, яъни Оллоқулихон ҳукмронлик қилган даврда бўлган деб кўрсатади.

Оқмачит (Хеванинг жануби-шарқидан 20 км нарида) мавзеигача сув ўтказиш ва бу жойларни обод қилиш ҳақида буйруқ берган<sup>105</sup>.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси Гурлан районидан кўчирилган «қўзғолончи» уйғурларни жойлаштириш мақсадида ўтказилган эди. Муҳаммад Раҳимхон жазо чораси сифатида бутун қабилани уч қисмга бўлган: уларнинг бир қисмини Оқмачитнинг янги ўзлаштирилган ерларига, иккинчисини Тошовузга, учинчисини эса Хева шаҳрининг шимолидаги Зах каналига кўчирган.

XIX асрнинг биринчи чорагида Амударёнинг ўнг қирғоғида ҳали аҳоли яшайдиган катта пунктлар йўқ эди. 1806 йилги воқеалар тасвирида Элтузархоннинг Шайх Аббоснинг шимолида қурган мустақам работи ҳақида гапирилади<sup>106</sup>.

Элтузархоннинг ўғли Раҳмонбердибий Шайх Аббоснинг шимолидан унча катта бўлмаган канал қазиб ўтказган ва унинг қирғоқларига ўз номини қўйган. Бийбозор қишлоғининг номи шундай келиб чиққан<sup>107</sup>.

Бу районда Раҳмонбердибий каналдан ташқари уйғур, қўнғирот ва найман қабилаларининг унча катта бўлмаган каналлари ҳам бўлган<sup>108</sup>.

Дарёнинг чап қирғоғида тинчлик бўлмаган, чунки Янидарё ва Қувандарё районларидан қозоқлар ва бухороликлар тез-тез ҳужум қилиб турганлар: шунинг учун ҳам Шўрахон ва Шоббоз воҳаларини кейинчалик қайтадан тиклаш масаласи Бухоро—Хева алоқаларини яхши-ланишигагина боғлиқ бўлиб қолган.

XIX асрнинг йигирманчи йилларида Хоразмнинг Бухоро билан Марв воҳасига ҳукмронлик қилиш учун олиб борган кураши айниқса қизғин тус олган. Бухоро ва Хева қўшинлари Чоржўй ва Фороб атрофида икки марта тўқнашган ва ҳар сафарги тўқнашиш хеваликларнинг мағлубиятга учраши билан тугаган.

Муҳаммад Раҳимхон тактикани ўзгартиришга қарор қилган ва душманини кучсизлантириш учун Бухоро воҳаси ерларига ҳужум қилган: човдур, қорақалпоқ ва ўзбеклардан иборат махсус отрядлар бири-биридан иккинчиси ҳар ой Бухорога ҳужум қилиб турган. 1823 йилда Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи катта қўшин билан Бухорога юриш қилган. У Қоқуштувон қишлоғини ишғол қилиб, унинг аҳолисини Хоразмга кўчирган ва Иляли районида жойлаштирган<sup>109</sup>.

Хева отрядлари 1824 йилда Пойкент шаҳрини ишғол қилиб, унинг аҳолисини ҳам Иляли районида кўчирган<sup>110</sup>. Шу районнинг ўзида Хайробод қишлоғи бўлганлиги кейинчалик эслатиб ўтилади<sup>111</sup>. Бу ном Бухоро воҳасидаги қишлоқнинг номидир.

Бу қишлоқ номи афтидан, Муҳаммад Раҳимхоннинг 1820 йилда Бухоро воҳасидаги номдош қишлоқ Хайрободга қилган юришидан кейин қўйилган бўлса керак. Муҳаммад Раҳимхон бу қишлоқ аҳолисини ҳам Хоразмга кўчирган бўлиши мумкин. Аммо Хева хроникаларида бу тўғрида ҳеч нарса айтилмайди.

Ниҳоят 1825 йилда амир Ҳайдар ташаббуси билан ҳар икки хон бир-бири билан келишди, лекин бу келишиш узоққа чўзилмади.

Муҳаммад Раҳимхон Бухоро воҳасига ҳужум қилиш билан бир вақтда Жанубий Туркменистон воҳаларидаги барча аҳолини ўзига бўйсун-

<sup>105</sup> Баёний, Шу асар, варақ 170а.

<sup>106</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 137а.

<sup>107</sup> В. В. Бартольд, Қ историй орошения Туркестана, 102-бет.

<sup>108</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 149б.

<sup>109</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 245а, 250а.

<sup>110</sup> Шу асар, варақ 249б.

<sup>111</sup> Шу асар, варақ 396а.

диришга ва жанговар туркман қабилаларини Хоразмнинг чеккаларидаги янгидан суғориладиган ерларга кўчиришга интилди. Уларни суғориладиган ерлар билан таъминлагач, бунинг эвазига, одатдагидек, кўчириб келтирилган туркманлардан ҳарбий хизмат учун одам талаб қилган. Масалан, Муҳаммад Раҳимхон Марв учун кураш даврида така қабиласининг баъзи бошлиқларига махсус хат билан мурожаат қилган, хатда шундай дейлади: «Така жамоасидин ҳар ким сизларга қўшилиб Хоразмга борса, маъфудур (авф этилади—ред.) ва гар на (акс ҳолда—ред.) сиёсат подшоҳига сазавор бўлур. Яна бири бу мазмундаким, сизларга Хоразм музофотидин Нойман оёғи деган мавзени (жой — ред.) бердик<sup>112</sup>». Хева хони такаликларни гапга тезроқ кўндириш мақсадида айни вақтда Жанубий Хуросондаги курдларга ҳам қуйидаги хат билан мурожаат қилган: «Биз билан дўст бўлишни истасангиз, така қабиласига қарши тезда ҳужумга отланинг»<sup>113</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Увос<sup>114</sup> районида яшаган Қизилрабат (Қизиларвот) така қабилалари 1814 йилда Хоразмга кўчиб келган<sup>115</sup>.

XIX асрнинг биринчи чорагида Жанубий Туркменистоннинг барча воҳалари Хева қуролли кучлари ҳужумига дучор бўлди, унинг аҳолиси эса хеваликларнинг босқинчилик юришлари натижасида ҳаддан ташқари қийналган ва ҳолдан тойган эди. Шу асрнинг иккинчи чорагида хеваликлар Шимолий Эронга ҳам худди шундай ҳужум уюштирдилар.

Хева қўшинлари 1826 йилда Хуросон атрофига бостириб кирди ва Оқдарбанд қалъасини харобага айлантирди, унинг аҳолисини эса Хоразмга, ҳозирги вақтгача Оқдарбанд номи билан маълум бўлган қишлоғига кўчирди; бу қишлоқ Хева шаҳрининг шимоли-ғарбидан 17 км нарида жойлашган.

1828 йилда Шимолий Хуросонда Хоразмга Желкан қалъасининг аҳолиси кўчириб келтирилди; Хуросон чегарасидан алиэли қабиласини Булдумсоз атрофига кўчириб келдилар.

Ингирманчи йилларнинг охирида иккита катта ирригация қурилиши амалга оширилди, 1828 йилда Полвонёпнинг янги боши Тошсақо қурилди ва 1831 йилда Қўҳна Урганч райониغا канал ўтказилди.

«Баҳор ойи эрди вилоёт экинлари сувдин танқислик топдилар. Ул ҳазрат (хон — Я. Ф.)... отланиб Паҳлавонота наҳрининг сақосига (боши—ред.) бориб, ўтган йил қирдин ёрдурган сақониким Тошсақо дерлар, янгидан қаздуруб, сув оқизиб қайитди»<sup>116</sup>.

Шағалдан иборат бўлган ердаги мустаҳкам канал боши Тошсақонинг қурилиши Жанубий Хоразмнинг серсув каналини анча фойдали қилди.

Биз юқорида Амударё суви 1815 йилда Ловдон (Ловзон) каналига уриб кетганлиги ва уни 1819 йилда бекитилганлиги ҳақида гапириб ўтган эдик.

Хева авторлари Ловзонга ва унга яқин бўлган каналларга яна қайтадан сув уриб кетганлиги ва Урганчдан шарқ томонда катта кўл ҳосил бўлганлиги ҳақида маълумот беради<sup>117</sup>. Бу катта кўлнинг суви бир томондан Шарқровуқ (Дарёлиқ ўзани)га уриб кетган, иккинчи томондан қуйи дельтанинг ғарбий қисмидаги Устюрт қирлари томон йўнал-

<sup>112</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 2206.

<sup>113</sup> Шу асар, шу варақ.

<sup>114</sup> Шу асар, варақ 265 б.

<sup>115</sup> Шу асар, варақ 232 б.

<sup>116</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 2776.

<sup>117</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 2326; В. В. Бартольд, Орошение Туркестана, 99-бет.

ган. Сув у ерда кенг Ойбўғир кўлини ҳосил қилган; дельтанинг шимол-ий қисмидаги ортиқча сув Орол денгизига қуйилган<sup>118</sup>.

Кўна Урганч канални (арнасини қуришда сувни Ловзонда тўпланиб қолган сувдан олганлар, канални шайх Нажмиддин Кубаро мазоридан шимолроқ, шаҳардан икки фарсах наридан олиб ўтганлар<sup>119</sup>).

Хеваликлар бу канални ўтказиш билан Кўна Урганч районининг ва умуман Дарёлиқнинг ўнг қирғоқ қисмининг суғориш системасини қайтадан тикладилар. Бу суғориш системаси XVI асрдаёқ сувнинг қуриб қолиши муносабати билан тамомила ишдан чиқиб қолган эди. Аммо канал бу районнинг илгари суғорилган ерларини сув билан таъминлай олмас эди. Уни ҳатто Шимоҳий (Қумкенд) ва Девкескан (Вазир) харобаларигача етказмаган эдилар.

Хева тарихчиларининг сўзига қараганда, канал кенг ва чуқур (عريض و عميق) бўлган<sup>120</sup> ва ўзининг жойлашиш ўрнига кўра, Қоон (Низомиддин Шомийда—Қовун суви<sup>121</sup>) каналининг худди ўзи бўлган.

Оллоқулихон суғориладиган ерларни кенгайтиргач, у ерларга кўчишни истамаган барча янги қабила ва халқларни зўрлик билан кўчиришга киришган.

У 1836 йилда Гурлан соҳилидан Кўна Урганч районуни гўклан қабиласини кўчирган<sup>122</sup>. 1841 йилда шу давргача Хуросон атрофидаги Бадгис<sup>123</sup> областида яшаб келган ва аҳолиси 12000 хонадондан иборат жамшид қабиласини Қилич Ниёзбой каналининг этакларига кўчирган (шулардан 7600 хонадони Хоразмга жўнатилган эди)<sup>124</sup>. Жамшидлар ўтакетган уста чавандоз бўлганлар ва тез орада Оллоқулихон қўшигидаги икки минг отлиқ жамшид донгдор ёвмут отлиқлари билан тортишиб биринчилиكنи ола бошлаган.

Оллоқулихон 1841 йилда Уста, Илжиқ, Хирож, Денов, Чекас, Хўжа Кенафс ва шу қаби унча катта бўлмаган Бухоро қишлоқлари аҳолисини Хоразмга кўчирган. Хон уларни Қорақўз, Қилич Ниёзбой ва Хонёп (Кўна Урганч) каналлари этакларига жойлаштирган.

«Бухоронинг Лабоб қишлоғи аҳолиси,—деб ёзади Хева хроникалари,—Оллоқулихон уларни кўчиргандан бошлаб Манғит билан Қипчоқ ўртасидаги Бўзсув канали бўйида яшардилар. Оллоқулихон Кўна Урганч (Девкескан) харобалари яқинидаги Дарёлиққа тўгон солган ва у ерда деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларни суғорган. Лабоб аҳолисини у ерда Бўзсув каналдан кўчириб олиб келганлар»<sup>125</sup>.

XIX асрнинг қирқинчи ва элгинчи йилларида Дарёлиқнинг жанубидаги кенг саҳро полосаси суғорила бошланди. Бу тадбирнинг тафсилоти Хева хроникаларида қуйидагича баён қилинади:

«Муҳаммад Аминхон (1846—1855—Я. Ғ.) 1846 йилда... Қўхна Урганж атрофида шикор (ов—ред.) этиб юрур эрди. Ул ерларнинг ҳавоси табега хуш келиб, Шоҳмурод иноқға амр этдиким, Ловзондин сақо

<sup>118</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 232б; Г. И. Данилевский 1842 йилда бу кўлни кўрган, кўлга бу вақтда сув кам кираётганлиги туфайли у қурий бошлаган эди. (Г. И. Данилевский, Описание Хивинского ханства, 77—78-бетлар).

<sup>119</sup> Огаҳий, ркп., № Е—6, варақ 336 ва б; Баёнийнинг фикрича канал шаҳардан уч фарсах наридан олиб ўтилган (Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 282б).

<sup>120</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 232б.

<sup>121</sup> МИТТ, I том, 516-бет.

<sup>122</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 294а.

<sup>123</sup> Шу асар, варақ 303б.

<sup>124</sup> Н. Веселовский, Юқорида кўрсатилган асар, 307-бет.

<sup>125</sup> Огаҳий, جامع الواقيعات سلطاني, ркп., ИВАН, № Е—6 варақ 464а.

олиб, бир ёп (канал — *ред.*) ёриб бу ерларга сув келтирилди... Шоҳмурод иноқ ёп ёрмоққа маъмур бўлди. Бориб Ловзондин сақо олиб бир ёп ёриб, оёғин Қандумқалъага келтурди ва онда хонга боғ ва ҳовли бино қилди. Бу ёпни Шоҳмурод иноқнинг исми била мавсум этиб, Шоҳмурод дерлар (карталарда «Шомрод!» — Я. Ф.).

Муҳаммад Амин юз бошига амр этдилар- Дарёликдин<sup>126</sup> (Шарқоровуқ — Я. Ф.) бир ёп олиб онинг оёғини «Боғи Ашрақ» отлиғ мавзега олиб борди. Бу ёпни «Сипоҳий ёпи» дедилар. На учун ким бу ёпнинг каноридин (соҳили — *ред.*) тамомий тўралар ва бекларга ва томокий сипоҳийларга ер бердилар. Мундин яна бир ёп ёриб «Қаттиқоқар» мавзега олиб бордилар. Ул ерда ўзиға боғ ва чордара (шийпон — *ред.*) бино қилмоқни буюрди ва ўғли Абдуллатўраға ул ерда 20000 таноб ер берди. Ул ерларни ёпларин ўн икки кунда қаздириб обод этдур (ди)... Ул ерга, «Хонобод» ном қўйдилар<sup>127</sup>.

Икки йилдан кейин хон яна Хонободга борган ва Муҳаммад Еқуб мехтар 12000 ер қазувчиси билан хоннинг буйруғига биноан Шоҳмурод каналини «бир танобга» кенгайтирган, каналнинг охирини Увосга етказиб шу ердан иккита тармоқ ажратган; тармоқнинг биттасини Тешиклитом чегарасигача етказган, иккинчисини эса, такаликлар қалъаси (Увос районида) яқинидан олиб ўтган<sup>128</sup>. Ер қазувчиларга ёрдамлашиш учун қорақалпоқларни ҳайдаб келганлар ва уларни икки сафга бўлганлар: Отамурод бошчилигидаги биринчи сафни Кўҳна Урганчи (Хонёп) кенгайтириш ҳамда узайтириш ва уни Кўна Вазир яқинидаги Шимохийгача етказиш учун юборганлар<sup>129</sup>. Бу каналнинг бир тармоғини Кўҳна Урганчининг шимоли-ғарбидаги Қизилчақалъа чегарасигача етказганлар. Иккинчи отряд эса, Сипоҳийёп каналини кенгайтириб, ундан Назарбой Тегин мавзега борадиган янги канал ажратиб чиқарган. Бу ерда туркман қабиласидан бўлган қора юлғунликларнинг 700 отлиғига<sup>130</sup> ер берилган.

Қирққиз чегарасида Сипоҳийёпдан бошқа канал қазиб, ўни Сақар Чаға мавзеидаги Қорақумгача етказганлар. Туркманларнинг сақар қабиласи бу ердан 300 отлиқ учун суғориладиган ер олган. Бундан ташқари сақарлар Қаттиқоқар каналидан 200 отлиққа, Қизаной каналидан эса, яна 100 отлиққа ер олганлар<sup>131</sup>.

Қирққиз (Сипоҳийёп<sup>132</sup> системасидаги) каналининг бошларидан 100 та беватанга, Шоҳмурод каналининг этагидан такали ва 200 беватанга ер тақсимлаб берилган. Қизилчақалъа районида қорачоқа қабиласига, Чоштепа районида човдур қабиласига ер берилган. Гўклан қабиласи Хонёп каналининг этагидан 1000 отлиққа ер олган.

Шундай қилиб, 1855 йилга келганда юқори дельтанинг чап қирғоқ қисми, ва шу жумладан Хонободнинг катта территориясида суғориб ўзлаштириш ишлари тўлиғича амалга оширилган. Шу билан бирга туркманларга ҳар бир отлиқ хизматини ҳисобга олиб ер берилган (бўлиб берилган ерни ҳатто «отли» ери деб юритилган), уларни каналнинг этакларига, каналнинг юқори қисмига эса ўзбеклардан чиққан беватанларни жойлаштирганлар. Хева хонлари ўзбекларнинг канал бошида яшашини доим ҳимоя қилиб келганлар, чунки ўзбеклар экви-

<sup>126</sup> Лобдон уриб кетган ердаги каттагини оқим.

<sup>127</sup> Б а ё н и й, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 329аб.

<sup>128</sup> Ш у а с а р, варақ 332 б;

<sup>129</sup> О г а ҳ и й, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 463б.

<sup>130</sup> Ҳар бир отлиқ жангчига 20—30 танобдан суғориладиган ер ажратилган.

<sup>131</sup> Б а ё н и й, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 332б.

<sup>132</sup> Амлок ерларида яшовчи ерсиз деҳқонлар.



ларни сув билан таъминлаб турганлар. Бу ҳақда Ўрта Осиёда махсус мақол<sup>133</sup> ҳам келиб чиққан.

Хон Ловзонни Дарёлиқ ўзанига янгидан уриб кетганлигидан фойдаланиб, сув ресурсларидан максимал фойдаланиш мақсадида янги каналлар ўтказди; каналлардаги сувни бошқариш сувдан фойдаланувчилар устидан ҳукм ўтказишига ёрдам берди.

Муҳаммад Аминхоннинг сарой тарихчиси Огаҳий бу соҳада жуда қизиқ факт келтиради. Хон 1850 йилда халқ ҳаёти билан танишиш мақсадида мамлакат бўйлаб саёҳат қилади. У Кўна Урганчга боради ва унинг жанубидан оқадиган Кўнадарёда Шарқровуқ деб аталувчи тўғонни қуришни буюрган. Тўғонни «дарёнинг (Дарёлиқнинг) этагида яшовчи ва ғалаён қилувчи ҳамда қароқчилик билан шуғулланувчи ёвмулларни сувдан маҳрум қилиш мақсадида қурдирган эди»<sup>134</sup>. Бу воқеани Ризоқулихоннинг 1851 йилда Хонободга келган элчиси ҳам тасвирлайди<sup>135</sup>.

Бу маълумотдан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: ёвмут қабиласининг бир қисми—«қулли ёвмуллар» сунъий суғориш бўлмаган Адоқнинг қадимги ерларида ва ундан юқорида мустақил яшаган. Шунинг учун хон ёвмулларни канал этакларига кўчиб келишга ва илгартидек ҳарбий хизматда бўлишга мажбур қилиш мақсадида табиий сув йўлларини бекитиб қўйишга қарор қилган. Дарёлиқнинг ҳар ер-ҳар ерига қурилган кўпгина тўғонлар (бандлар) ёвмулларнинг хонлар билан бўлган оғир курашда Дарёлиқ ерларида чекинмасдан туриб қолганликларидан далолат беради<sup>136</sup>.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Хонобод ерлари Муҳаммад Амвнхон давридан анча илгари ўзлаштирилган. Биз юқорида қорақалпоқларнинг Муҳаммад Раҳимхон давридаёқ Шарқровуқ (Дарёлиқ) районида янги ерлар излагани ҳақида гапирган эдик.

Кўнғирот районида қадимдан яшаб келган аҳолининг сўзига кўра, Хонобод каналларидан бири — Қорақалпоқёрган канали XIX асрнинг ўттизинчи йилларида қорақалпоқлар томонидан қазилган. Хева хони Оллоқули уларга бу ерда яшаш учун ижозат берган бўлса-да, қорақалпоқларнинг туркманлар томонидан эзилишига қарши ҳеч қандай чора кўрмади. Қорақалпоқлар у ердан чиқиб кетганлар, канал ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Амударёнинг қуйи дельтаси (Орол) ерларини кейинчалик ўзлаштирилишига келганда шуни айтиш керакки, қорақалпоқлар XIX асрнинг биринчи чорагида Оролда ва ундан юқорида мустақам ўрнашиб олганлар.

Агар Муҳаммад Амин иноқ даврида қорақалпоқларга Кўкўзак қирғоқларидан тортиб Орол денгизигача бўлган ерларда ўрнашиш учун расмий руҳсат берилган бўлса, Муҳаммад Раҳим I даврида уларнинг бир қисми Оролнинг шимоли-ғарбий районларига кўчирилган. Муҳаммад Раҳим ҳар сафар қорақалпоқ уруғлари ёки қабилаларига ҳужум қилганда уларни кўчира борган, аммо бу сафар Оролнинг жанубий чегарасига кўчирган. Натияжада қорақалпоқлар Амударё ўнг қирғоғидаги Чилпак атрофидан бошлаб, то Амударёнинг чап қирғоғидаги Қипчоққача бўлган ерларни бутунлай ўзлаштирганлар.

<sup>133</sup> «Отанг мироб бўлса ҳам, сувнинг бошида бўл».

<sup>134</sup> Огаҳий «الارغه سويتماي جمعيتلارى پریشانلىق تاباقاي» جامع التوازيات سلطاني

<sup>135</sup> МИТТ, II том, 293-бет.

<sup>136</sup> А. В. Каульбарс, Низовья Аму-Дарья, 408—425-бетлар.

Кўнғиротлар устидан Хева хони ғалаба қозонгандан сўнг шаронт бир оз яхшиланди ва қорақалпоқлар юқори дельтанинг юқорида айтиб ўтилган ерларини ўз қўлларида сақлаб, қуйи дельтанинг ўрта ва шарқий қисмида жойлашганлар.

Улар Хева хонига тобе бўлиб қолдилар, чунки: 1) қозоқ ўрдаси Хевага тобе бўлганлиги учун, қорақалпоқлар бу ерга кўчиб ўтиш имконига эга бўлмаганлар; 2) Кўкўзақдаги улар томонидан ўзлаштирилган Довқара ерларини суғоришда хоннинг ҳукмига тобе бўлганлар.

Қорақалпоқлар Пурхон ва Эшим канали билан бирга, Кегайли канали ҳавзасини кенг ўзлаштирганлар. Кегайли Амударёнинг энг кучли эски тармоқларидан бўлиб, унинг қадимги Курдар ўзанига тўғри келади.

Ривоятларга қараганда, Кегайлидаги Чимбой шаҳрининг келиб чиқиши 1740—1741 йилларда Гладисhev ва Муравинлар берган Шоҳтемир харобалари билан боғлиқ бўлган<sup>137</sup>.

Кегайли номидаги канал биринчи марта 1820 йилда тилга олинди<sup>138</sup>. Гладисhev ва Муравинларнинг кўрсатишича, Шоҳтемир шаҳари кўл яқинида бўлган, деворининг атрофида хандақлар бўлган, аҳоли сувни қудуқлардан ичган<sup>139</sup>.

Бошқа жойда у бошқачароқ баён қилинади, «Ороллиқларнинг Шоҳтемир шаҳри Улу дарё (Амударё)га етмасдан 53 км бериди, Ўзандарёдан (Кўкўзақ) сув олувчи каналда пахсадан қурилган ва ҳозирда харобага айланган»<sup>140</sup>.

Бундан Кегайли канали XVIII асрнинг ўрталарида оққан деган хулоса келиб чиқади. Чимбой Оролнинг шарқий қисмининг маркази сифатида XIX асрнинг иккинчи чорагида қад кўтарган бўлиши мумкин. Шаҳар Кегайли ҳавзасининг суғориш тармоқлари қайта тиклангандан ва кенгайтирилгандан сўнг вужудга келган. Бу давргача қорақалпоқ ҳокимларининг қароргоҳи сифатида манбаларда Довқарадаги Оқёрмиш қалъаси кўрсатилади. Муҳаммад Раҳим I кўнғиротликларга қарши курашган даврда қорақалпоқларнинг бошлиғи Ойдўстбийга қорақалпоқлар томонидан Оқёрмиш қалъасини қуришга, аниқроқ қилиб айтганда, қалъани қайта тиклашга ва у ерда қорақалпоқларнинг асосий қисми жойлашиши учун ёрдам берган<sup>141</sup>.

Ойдўстбий 1827—1828 йилларда Оллоқулихонга қарши қўзғалиб, Хева отрядлари билан бўлган жангда ўлдирилди, шундан сўнг Оқёрмиш манбаларда қалъа сифатида учратилмади. Оллоқулихон бу ғалабадан сўнг репрессия тартибда Довқарага кирадиган сув йўлларини бекитиб қўйиши мумкин эди. А. Қаульбарснинг юқоридаги ҳикоясидан шунини аниқлаш мумкин: Оллоқулихон қорақалпоқ Қувоншга. Кўкўзақдан Довқарага сув очишга рухсат берган. Шундан сўнг қум қоплаб қолган тўсиқни сув ювиб кетган ва сув Ўкуз Кетганнинг эски қуруқ ўзини бўйлаб ҳеч қандай қаршилиқка учрамай оқа берган.

Жорма (Ерма) номи билан боғлиқ бўлган Қувонш (Қувонч) қолдовули уруғидан бўлган Қувонш баҳодирнинг ўзи бўлиши мумкин, у Ойдўстбий билан бирга хеваликларга қарши курашга чиққан ва хева-

<sup>137</sup> Л. Соболев, Письмо № 216, Исторические Известия, СПб., 1884; Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740—1741 годах Гладышевым и Муравинным, СПб., 1851, 61-бет. Шаҳар Хева хроникаларида кўпинча چن بای

номи билан учрайди (Баёниё, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 401а).

<sup>138</sup> Баёниё, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 239б.

<sup>139</sup> Поездка из Орска в Хиву и обратно..., 61-бет.

<sup>140</sup> Шу асар, 72-бет.

<sup>141</sup> Огаҳиё, «Риёзуддавла», варақ 75а.

ликлар Ойдўстбийни тор-мор келтирган вақтда қочиб қутилган. Қувонш баҳодир Оллоқулихондан кечирим сўраган ва Довқарага сув очиш учун ижозат сўраган бўлса керак.

Ҷимбой шаҳри XIX асрнинг иккинчи ярмида қорақалпоқларнинг асосий маркази бўлиб қолган.

Туркманлар ва қорақалпоқлар XIX асрнинг ўрталарида Хева хонининг суғориладиган ерларида мустаҳкам ўрнашиб олганлар, аммо, Хева хонининг Туркменистон ва Шимолий Эронга нисбатан олиб борган талон-торожлик сиёсати уларнинг тинч машғулотини доимо бузиб турган.

Маҳаммад Раҳим I ўша даврдаёқ Мурғобда қўмондонлик мавқени қўлга олиб, туркманлар устидан ҳукмронлик ўрнатиш учун ҳаракат қилган эди. Мурғоб тўғони бузилиб кетганлиги, Мурғоб суви ҳар томонга ейилиб оқиб кетганлиги сабабли Муҳаммад Раҳим I туркманларнинг Мурғоб сувидан ўз ерларини суғориш учун фойдаланишга ҳалал бера олмаган; уларни ўзига бўйсундириш учун деярлик ҳар йили юриш қилишга тўғри келган, бу юриш кўпинча муваффақиятсиз чиққан.

Шунинг учун бузилиб ётган «Банди Султон» тўғонини қайта тиклаш ва у ерда, Махвон чегарасида Эгригузар қалъасини қуриш зарур бўлган<sup>142</sup>, чунки тўғонни қуриб битказилса Хева хонлари суви ўзлари истаганча бошқара олар эдилар.

Биз Хева хроникаларида Сефахс қалъасини қўлга киритиш учун узоқ вақт уруш ҳаракатлари қилинганлигини тасвирловчи тўлиқ маълумотларга эгамиз. Эрон ва Бухоро аҳалтакаликларнинг Хевага бўйсундиришга тиш-тирноқлари билан қарши турдилар, аҳалтакаликларнинг Шимолий Эронга қарши қилиб турган ҳужумлари уларни доим хавф остида тутган. Серахснинг хеваликлар қўлига ўтиши, уларга Хурросон дарвозасини очиб беришни англатарди.

Баҳорда, — деб ёзади Хева хроникалари, — Хоразм капалларини тозалаш учун умум қазув эълон қилинди: хон, одатда Полвонёп, Шоҳобод каналларини тозалашда шахсан ўзи тепасида турган<sup>143</sup>; ёвмут<sup>144</sup>, гўклан, жамшидлар территориясидаги каналларни тозалашда ҳукумат амалдорлари раҳбарлик қилган, шундан кейин кўшинга юришга тайёргарлик кўриш ҳақида буйруқ берилган. Қушбеги ва мехтар юришга чақириб мамлакатнинг ҳамма ерига жарчи қўйган.

Қалъа бекалари, ҳокимлари хоннинг буйруғини олиб, ўнбошиларга ва юзбошиларга навкарларнинг юришга тайёргарлик кўриши, гўшт қуриши, толқон ғамлаш ҳақида топшириқ берган. Навкарлар ер-сув билан яхши таъминланган эди; уларнинг ерларини суғорадиган каналларни бошқа район аҳолиси тозалаб берган. Навкарларнинг кўпида жангда минадиган от бўлган. Уларга қуролни давлат берган, бунинг учун шаҳар хонадонларидан, шунингдек қишлоқ аҳолисидан «милтиқ пули» учун махсус солиқ олинган<sup>145</sup>. Солиқ миқдори олтин ҳисобида 60 тийин бўлган.

Юришда беш-олти навкар биргалашиб, «қўш»ин ташкил этган, буларда битта-иккитадан туя бўлган, туяга кўшиннинг барча қурол-аслаҳаси: палас, кўрпа, қийим-бош, идиш-товоқ, қозон, сув солинган идиш, озиқ-овқат, порох ва шу кабилар ортилган.

<sup>142</sup> Баёниёй, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 247а.

<sup>143</sup> Шу асар, варақ 332 а, 338б, 340а.

<sup>144</sup> Шу асар, варақ 356а.

<sup>145</sup> Бу солиқдан фақат навкарлар ва урушга боришлари керак бўлган шахслар озод қилинган.

Тайёргарчиликни тамом қилган навкарлар бек бошчилигида қалъа ёнига жанговор саф тортиб чиққанлар.

Ўзбек навкарларидан ташқари, туркман, жамшид, қорақалпоқ ва орол ўзбеклари қабиласининг навкарлари ҳам қалъада шу тартибда саф тортиб турганлар.

Хонлар ва хон хонадонининг аъзолари ўзларининг кўп сонли отрядларига эга бўлганлар<sup>146</sup>. Баёний Хева Хони Муҳаммад Аминнинг сафарга чиқишини тасвирлар экан, хон олдидан унгача ҳумкронлик қилган барча қўнғиротларнинг сўнгра ёвмут, жамшид, қорақалпоқ, оролликлар ва шу каби (жами 25 та) қабилаларнинг байроқларини кўтариб ўтганликларини ёзади<sup>147</sup>.

Така қабиласига қарши қилинган ҳарбий юришда қуйидаги отлик навкарлар қатнашган: 600 қўнғиротликлар, 2000 қорақалпоқ, 2000 ёвмут, 700 имрэли, 1000 човдур, 1000 гўклан, 600 сақар, 700 қорачақа, 700 эли тоза қўнғирот, 650 ағорли, али-эли, тевачи, 450 ота, 2000 жамшид, 300 манғит, 300 қипчоқ, 400 қорадошли, ҳаммаси бўлиб 13400 отлик қатнашган.

Бундан ташқари, бўш қуролланган шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан кўпгина киши сафарбар қилинган, улар «қорачирик»<sup>148</sup> (қўнғилли қўшин) деб аталган.

Қатта юришлар вақтида туркман ва қорақалпоқларнинг бирлашма қўшинларига шу қабилаларнинг бошлиғи эмас, эҳтиёткорлик учун хон томонидан тайинланган ўзбеклар бошчилик қилган<sup>149</sup>.

Навкарлар ва тинч аҳоли сафарбар қилинган бундай ҳар йилги юришлар Хоразмнинг тинч яшаётган аҳолисига бўлган ҳарбий хавфни қайтариш, мамлакатни бирлаштириш ва ички низоларни бартараф қилиш мақсадида эмас, балки тинч ахалтақаликларга ҳужум қилиш, Шимолий Эрон областларини талон-торож қилиш учун уюштирилар эди.

Деҳқонлар ўз хўжаликларида керагича, ишлай олмаганлар, қолган тинч аҳоли эса, кўп сонли навкарлар хизматини қилган, уларнинг участкасидаги каналларни тозаллаган.

Гарчи XIX асрнинг эллигинчи йилларида бу юриш Хоразм аҳолисининг жонига теккан бўлса-да, аммо улар бу мажбуриятдан бош тортишга журъат этаолмаганлар. Агар улар шундай қилганларида талон-торож қилинган, қириб ташланган ёки Хоразм тупроғидан четга чиқарилган бўлардилар, чунки хонлар «исёнчиларга» қарши бошқа қабила ва уруғларни гиж-гижлатганлар. Шундай бўлсада, ёвмутлар, сўнгра қорақалпоқлар ва гўкланлар, жамшидлар ва бошқа қабила ҳамда халқлар бир оз бўлса-да Хева хонларининг бундай бемаъни ҳаракатларига қарши чиққанлар.

1855 йилда Муҳаммад Аминхоннинг Серахсга қилган охириги юришида туркман қабилалари ўртасида Хева хонининг сиёсатига қарши миллий бирдамлик аломатлари кўрина бошлайди.


Баёний намунали бир эпизодни қуйидагича тасвирлайди: Серахс узоқ вақт қамал қилингандан сўнг, қалъадан унинг хони Ковшут чиққан ва Хева хонининг элчисини чақирган, у Муҳаммад Аминхонга қуйидагиларни топширишни сўраган: серахсликлар ўзларини илгаригидек хон фуқароси деб ҳисоблайдилар ва ҳар қандай солиқ тўлашга

<sup>146</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 439а.

<sup>147</sup> Шу асар, варақлар: 333б, 334а.

<sup>148</sup> Шу асар, варақ 335а.

<sup>149</sup> Юқорида кўрсатилган асар, варақлар: 333б, 334а.



14-расм. XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразм ирригация тармоғининг схемаси.

розилик билдирадилар. Ковшут Серахсни таслим бўлган деб ҳисоблашни, Эрон шоҳининг қарзидан қутилгунча, яъни келаси йилгача кутиб туришни, акс ҳолда серахсликларнинг айримлари (оқуйлилар) эронликлар томонидан қириб ташланишини эътиборга олишни илтимос қилган<sup>150</sup>.

Бу илтимос жуда ўринли эди. Аммо Муҳаммад Аминхон ўз сўзида турган ва ўз қўшинларини ҳужумга юборган.

«Ўша вақтда,—деб ёзади Баёний,—Серахснинг така қабиласи ёвмутларга (Муҳаммад Амин қўшини сафида бўлган ёвмутларга — Я. Ф.) мурожаат қилган: «Қариндошлар, бизнинг хотин-бола-чақаларимизнинг оёқ ости бўлмаслиги сизнинг ихтиёрингиздадир». Ёвмутлар тўсатдан жанг қилишдан бош тортганлар ва тум-тарақай бўлиб қочганлар, бу ўз навбатида барча Хева қўшинларининг мағлубиятига сабабчи бўлган, Хева хонини ҳалокатга олиб келган<sup>151</sup>.

Шундан сўнг кўп ўтмай Хева хонлари қўзғолончи ёвмутларга қарши човдурларни юборган, човдурлар ҳам қўзғолончиларга қўшилиб кетганлар.

Хеваликларнинг Серахс остонасида ҳалокатга учраши Хева хонларининг босқинчилик планларини умрбод пучга чиқарган.

Ёвмутлар Хеванинг янги хони Абдулла (1855—1856) уларни таъқиб остига олишини билардилар. Ҳақиқатан ҳам хон ўзининг яқин кишиларининг юриш қилмаслик ҳақидаги маслаҳатларига қарамасдан, ёвмутларга қарши жамшидлар, човдурлар ва ўзбекларни юборган<sup>152</sup>. Ёвмутлар туркман Ота Муродхонни ўзларига йўлбошчи қилиб сайлаганлар<sup>153</sup>. Жангда Хева қўшинлари енгилган, Хева хони ва ўзбек ҳамда жамшид ҳарбий бошлиқлари ҳалок бўлган. Энди ёвмутларга имрэлилар қўшилган<sup>154</sup>. Янги хон Қутлуғ Мурод даврида (1856) жамшидлар ҳам, қорақалпоқлар ҳам ва шу каби бошқа қабилалар ҳам ёвмут ва имрэлиликларга қарши чиқишга рози бўлмаганлар. Имрэлилар Шоҳмурод каналини бўғиб қўйганлар ва Хонобод ерларини сувга бостирганлар. Хонобод ерларида яшаган ўзбеклар Хоразмнинг жанубий районларига кўчганлар<sup>155</sup>.

Шунда хон Жанубий Туркменистонда сариқ қабиласини ёлланма қўшин сифатида таклиф қилган ва ёвмутларга қарши юборган; у Увос ерларида яшовчи така қабиласини ҳам ёвмутларга қарши юборган. Сариқ қабиласи хондан ҳар кун олиб турадиган «қўнуқ» (قونوق) пулдан ташқари, хонликдаги тинч аҳолини талаб ҳам турган<sup>156</sup>. Ёвмутлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлар ва такалар уларнинг зарбасига чидай олмай, Хоразм атрофидан чиқиб, Туркменистоннинг жанубий районларига кетиб қолганлар. Улар билан бирга, сақар қабиласи ҳам кетиб қолган<sup>157</sup>.

Хевадан қорақалпоқ бойлари ҳам кетиб қолганлар. Тез орада Орлда қолдovли қабиласидан чиққан қорақалпоқ бийи Эрназарбий бошчилигида қорақалпоқларнинг қўзғолони бошланган<sup>158</sup>.

Қорақалпоқлар ёвмутлар, имрэли, жамшидлар ва шу каби қабилаларга писбатан ёмон аҳволда яшаганлар. Гарчи уларни доимо бошқа қабилла ва уруғларга қарши юришга отлантирган бўлсалар-да, удар

<sup>150</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 352а.

<sup>151</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 352б.

<sup>152</sup> Шу асар, варақ 361.

<sup>153</sup> Шу асар, варақ 360.

<sup>154</sup> Шу асар, варақ 361.

<sup>155</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 365а.

<sup>156</sup> Шу асар, варақ 364.

<sup>157</sup> Шу асар, варақ 366б.

<sup>158</sup> Огаҳий, Гулшанад давла, ркп. ИВАН, № 1891, варақ 44б.

туркман, ўзбек ва бошқа қабилаларнинг навкарлари фойдаланган имтиёздан, чекланган даражада бўлса-да, фойдаланмас эдилар. Қорақалпоқларни Хонободда каналлар қазिशга, Жанубий Хоразмдаги каналларни тозалашга, шунингдек атрофида ёвмутлар яшаган сув тақсимловчи тармоқларга ишга ҳайдаганлар. Л. Соболев қорақалпоқларнинг қашшоқланиш сабабини кўрсатиб, мамлакат хонлари уларга хонликда яшовчи аҳолига солинадиган солиқ ва мажбуриятлардан ташқари қорақалпоқларни чап қирғоқда яшовчи бошқа халқлар фойдасига эксплуатация ҳам қилганликларини, туркман ерларида суғориш каналлари қуриш ва уларни тозалаш учун мажбур қилганликларини таъкидлайди.

Бундан ташқари, қорақалпоқларга навкарлар етиштириб бериш каби оғир мажбурият юкланган эди. Хева хонлигининг қорақалпоқлари ҳокимларнинг талаби билан икки мингта навкар беришлари керак эди; тўпланган маълумотларга қараганда, бу нарса уларга йилига 100 минг тилладан 140 минг тиллагача ёки 180 мингдан 250 минг сўмгача зарар келтирар эди.<sup>159</sup>

Қорақалпоқлар худди туркманлар каби Хева хонлигининг кучсизланишини кутиб ётар эдилар; улар бош кўтариб бошқа халқлар каби тенг ҳуқуқли бўлиш мақсадида эдилар.

Қорақалпоқлар Эрназарбий кўзғолони жаранёнида қозоқлардан чиққан Зарлик Тўрани ўзларига хон қилиб сайлаганлар. Зарликхон ўз резиденциясини Чимбойда ўрнатган, сўнгра Нукусга кўчган. Аммо орадан кўп ўтмай, хеваликлар қорақалпоқларнинг «ўн тўрт уруғ» группировкаси билан Эрназарбийнинг қолдовлиси ўртасида низо чиқариб уларни бир-биридан ажратиб юборганлар. «Ўн тўрт уруғ» бошлиқлари Эрназарбийнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, Зарликхонни қўлга туширганлар ва уни кишанлаб Хевага келтирганлар. Бухоро бу исбандан фойдаланмоқчи бўлган ва қорақалпоқларга ўз вакилларини юборган; ёвмутлар ҳам бу ҳаракатга қўшилган. Хева отрядлари Эрназарбийга қарши курашаётган қорақалпоқлар билан бирликда кўзғолонни бостирганлар. Хева хонларига сотилган кўзғолончилар Эрназарни ўлдирганлар<sup>160</sup>.

Айни замонда ёвмут ва имрэли кўзғолони давом этган; 1856 йилда, Қутлуғ Муродхон даврида хеваликлар шундай найранг ишлаганлар: улар туркманларга хоннинг хизматига олинган ҳар бир жангчига «қўнуқ» пули кун сайин тўланишини айтганлар. Туркманлар аввало кичик-кичик тўда бўлиб Хевага келганлар ва ҳиммат совғалар, «қўнуқ» пули олиб қайтганлар. Кейинчалик улар катта-катта отряд бўлиб келганлар; хеваликлар уларга совғалар ва тўнлар тақдим қилганлар. Қунбай «қўнуқ» пули тўланганлиги туфайли шаҳарда қола бошлаганлар; уларнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланиб бир қанча шахзодалар Қутлуғ Муродни ўлдирганлар.

Хева амалдорлари ҳамма туркманларнинг шаҳарга йиғилганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилгач, шаҳар дарбозасини бекитганлар. Қирғин бошланган. Шаҳардаги барча туркманларни қириб ташлаганлар, шаҳар ўликлар билан тўлиб кетган<sup>161</sup>. Фақат шаҳардан ташқаридаги уй ва қўрғонларда бўлган кишиларгина қочиб қутилганлар.

1856 йилда Саид Муҳаммадни Хева хони қилиб сайлаганлар. Бу қирғиндан ғазабланган ёвмут ва имрэли қабилаларнинг кўзғолони давом этган. Хонлар жамшидларни уларга қарши қўймоқчи бўлган, аммо жамшидлар хоннинг таклифини рад этиб, ўз рўзгорлари билан

<sup>159</sup> Материалы по истории каракалпаков, 253—255-бетлар.

<sup>160</sup> О г а ҳ и й, Гулшанад давла, варақ 63—65.

<sup>161</sup> Б а ё н и й, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 370—376.

намоишкорона Хуросонга қайтиб кетганлар<sup>162</sup>. Гўкланлар ҳам Гурланга кетиб қолганлар, аммо улар у ерда курдлар сиқиғида бўлганлар ва орадан икки йил ўтгач улар яна Хоразмга қайтиб келиб, Тошовуз районунига жойлашганлар<sup>163</sup>. Имрэли қабиласининг кўпчилиги қисми Хуросон атрофига кўчиб кетган<sup>164</sup>.

Саид Муҳаммад туркманлар билан келишиш учун ота-бобосидан қолган сиёсатни қўллашга киришган. У туркманларнинг Хонободда деҳқончилик қилиши учун ҳалақит бериш ва воҳадаги бозорларга уларни киритмаслик учун Тошовуз ва Иляли қалъаларига катта отряд билан Амир тўрани (Саид Муҳаммад тўрани) юборган. Орадан тўрт-беш ой ўтгач, очарчиликдан қийналган туркманлар ярашишни сўраганлар. Хон уларни Хонободдан Оқсарой, Музқумғон ва Янгиёпга, яъни Ғознобод ва Шоҳобод каналларининг этагига кўчиб ўтишлари ҳақида шарт қўйган. Бундан хон Бадирикент, Ғознобод, Тошовуз, Иляли, Қилич Ниёзбой ва Қўна Урганч қалъалари линиясига таяниб, туркманларни бутунлай қарамликда сақлаши мумкин эди. Аммо бу шартга туркманларнинг ҳаммаси ҳам рози бўлмади; уларнинг фақат бир қисмигина кўчиб ўтган. Ота Муродхон бошчилигидаги каттагина қисми эса Хонободда қолган.

Бу чорадан кутилган натижа чиқмаганлигига ишонч ҳосил қилган хон Ловзоннинг сувини бекитишга ва Хонобод районини чўлга айлантиришга қарор қилган. Огаҳий Дарёлиқни сув билан таъмин этиш тарихини тасвирлаб қуйидагича ёзади: «Сув катта майдонни қоплаб оқа бошлади. Илгари ишланмаган ерлар, одатдан ташқари, унумдор бўлиб қолди. Евмутлар бошчилигидаги (бу ерда яшовчи) туркманлар бу ерлардан мўл-кўл ҳосил йиғиб олиб, ўзларига тўқ бўлганлиги туфайли исён кўтара бошлаганлар.

«يمود باشلق اكثر تركمان طوايغى اول مز رعە لاردين كوب محصولات آلب تويد يلا».

Юқорида кўрсатилган канал (Ловзон) дан оққан сув тармоғи туркман исёнчиларининг тартибсизлик ва ғазаблари учун сабабчи бўлганлиги туфайли... (хон) (1857 йил 23 октябрь, жума куни — Я. Ф.) Ҳасан Мурод қушбегини канални бекитиш учун юборган ва бу билан исёнчиларнинг экин ҳосилини йиғиб олишга бўлган умидларини йўқотмоқчи бўлган. Қушбеги буйруқни бажариш учун шу куннинг ўзидаёқ бир қанча ер қазувчи (белдорлар)ни ва (раият) аҳолидан бир қанча ишчиларни олиб жўнаган. У тахминан ўн кун давомида «Искандар девори»дек кучли тўғон (банд) ясаган<sup>165</sup>.

Уша даврдан бошлаб, Девкескан атрофигача бўлган гуллаб яшнаган Хонобод ва Қўна Урганч ерлари саҳрога айланган. Евмутлар ва гўкланлар жойлаштирилган Ғознобод, Шоҳобод ва Ермиш этақларидаги ерлар бу икки кўп сонли туркман қабилаларининг эҳтиёжини қондира олмаган, улар ярим очликда яшашга мажбур бўлганлар.

Хон туркманларга қарши юриш билан банд бўлган бир вақтда, 1858 йилда солиқ йиғиш вақтида қўнғиротлар Хевага қарши қўзғолон кўтарганлар. Улар Хева хони Қутлуғ Муроднинг ноибини — Қўнғирот ҳокимини, шунингдек хон томонидан солиқ йиғиш учун юборилган Муҳаммад Қарим девонни ўлдирганлар.

<sup>162</sup> Баёний, Шу асар, 376—377.

<sup>163</sup> Шу асар, варақ 402.

<sup>164</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 394а.

<sup>165</sup> МИТТ, т. II, 580 — 581-бетлар (Огаҳий, Гулшанад давла, варақ 1176).

چون اوشبوسو اول مقسدلار افسادلاريفه باعث ايردى... حان حضرتلارى  
اول آرنانى باغلاماق امرى برلا معمور ايئيب يبارديلار...



Бу вақтда қўнғиротлар орасида Хева яқинидаги Каттабўғ қишлоғида яшовчи бўлғадикўнғирот уруғидан чиққан Муҳаммад Паноҳ бўлган<sup>166</sup>. Қўнғиротлар уни ўзларига хон қилиб сайлаганлар ва ёвмутларга ўзбеклар билан тенг ҳуқуқ бериб уларни ёрдамга чақирдилар<sup>167</sup>.

Бир қанча қорақалпоқ уруғларини зўрлаб Қўнғирот шахрига кўчирмоқчи бўлган қўнғиротлар ва хеваликлар ўртасида яна кураш авж олди. Хеваликлар отряди эпчилроқ ҳаракат қилиб, бу ишда ютиб чиқдилар, баъзи бир қорақалпоқ ва ўзбек уруғлари, шу жумладан нукусликлар, қисман бўлса-да Кўпрали мазор<sup>168</sup> мавзеидаги Қорабойли қирғоқларидан Амударё бўйлаб унинг юқорисига кўчирилган. Нукус-қорақалпоқлар ва нукус-ўзбеклар биргаликда ҳозирги Нукус районидаги бутазорларга жойлашганлар. Нукусликларнинг илгариги қалъаси Қорабойли қирғоғида бўлган бўлса керак. Унинг харобалари А. В. Қаулбарснинг картасида кўрсатилган<sup>169</sup>.

Саид Муҳаммадхон Паноҳхонга қарши юришга мажбур бўлган, чунки у юборган отрядлар қўнғирот ва ёвмутларнинг бирлашган қўшинларига нисбатан кучсизлик қилиб қолган Хон юришга отланиб Исмамут, Змухшир ва Хонобод районида яшовчи ёвмутларга ўзининг амалдорларини юборган ва Қўнғиротга қарши юришни сўраган. Туркман бошлиқлари Хонободдан хон юборган вакиллар атрофида тўпланганлар ва агар хон Ловзон сувини очиб берса юришга иштирок этишларини айтганлар, бу ҳақда қўшма баёнот ёзганлар.

(سوتلاماك بابيدا عريضه داشت)

Кейин туркманлар шундай мулоҳазага келганлар: агар хон гарчи сувни очиб беришга ваъда берса-да, аммо у юришда бўлганлиги учун ҳозирнинг ўзида бунга бажара олмайди; туркманлар ёрдамида қўнғиротлар қўзғолонини бостиргандан сўнг эса ваъдасига мутлақ вафо қилмайди. Туркманлар бошқачароқ талаб қўйишга қарор қилганлар: хон киши бошига кунига икки тангадан (30 тийин) берса, Қўнғиротга қарши курашга чиқажакларини айтганлар. Хоннинг вакили бунга рози бўлмаган, ёвмут бошлиқлари Қўнғиротга қарши курашишдан бош тортганлар („آنداغ بولسه بزلار حنمت ايتماكکه بارماسمز“) ва ўз овулларига тарқаб кетганлар<sup>170</sup>.

Баёнийнинг хоннинг Орол ерлари бўйлаб қилган юришларини тасвирлаши дельтанинг ғарбий қисмидаги гидрография ва ирригацияга ҳам тааллуқлидир: хон Хўжайли яқинидан ўтиб дарёнинг чап қирғоғига етиб бориб ва Амударёнинг ўнг қирғоғига соллар орқали ўтиб Бегжоп каналининг бошланиш қисмида тўхтаган. У дарёнинг ўнг қирғоғидан йўл олиб ўз қўшинини Қорабойли тармоғидан ўтказган ва Шўрқочувгача етиб борган.

Амударё бу ерда учта ирмоққа бўлинган: 1) Шўрқочув. У Амударё сувининг учдан икки қисмини олиб кетиб, Укузнинг эски тармоғига уриб кетган; шарқ ва шимол томонидан Кубатов (Қизилжар) тепалигини қиялаб ўтиб шимол-ғарб томонга йўналган; Қўнғиротдан тахминан 13 км пастда Кўнадарё билан қўшилиб кетган; 2) Кўнадарё. У қа-

<sup>166</sup> Баёний, варақ 401 а.

<sup>167</sup> «Ёвмутлар Муҳаммад Паноҳ даврида бир қанча лавозимларга эга бўлганлар», — деб ёзади Баёний (шу асар).

<sup>168</sup> 1945 ва 1946 йилларда сўров йўли билан тўпланган маълумот орқали аниқланган.

<sup>169</sup> Юқорида айтилганидек, бу картада «Нукус» номи билан аталувчи икки қалъа кўрғазилган. Ўзбек ва қорақалпоқларнинг нукус қабилалари шу қалъаларда ёнма-ён яшаган бўлишлари мумкин.

<sup>170</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 401а.

димгидек Қўнғирот шаҳари яқинидан шимол томонга қараб оққан; 3) Қиётжорған. У Қўнадарёдан ажралиб чиққан ва Қўнғирот билан Устюрт қирлари ўртасидан оқиб ўтган<sup>171</sup>. Хон қўшинлари бу ердан ўтган вақтида ёз тошқинлари даври эди; дельтанинг Қўбатовдан Бўзғулгача бўлган марказий қисмига сув тошган эди ва отлиқлар сув кечганлар. Хева хроникаларида Шўрқочув фақат сўнгги етти-саккиз йил ичида<sup>172</sup>, яъни тахминан 1850 йилдан бошлаб кучайиб кетганлиги қайд қилинади. Огаҳийнинг сўзларига кўра, бу вақтда Муҳаммад Амин қўйи дельта бўйлаб саёҳат қилиб, Қўнғирот районига келган, шу даврда Қўнғиротнинг жанубида Амударё суви катта тармоқларни вужудга келтирган эди.

Бу тармоқлар етти жойдан ғарбга томон уриб кетган. Уларнинг кенглиги 70 ва 140 метргача бўлган. Хон бу тармоқларнинг ҳаммасини бекитиб ташлашни буюрган ва у ерда шундай буюк тўғонлар қурганларки, гўёки бу тўғонларни «кишилик тарихида ҳеч ким кўрмаган, ва ҳатто ҳаёлга ҳам келтирмаган» эмиш<sup>173</sup>.

Қўнғиротдаги Қўнадарё суви эски Қуйғун ерларини босиб ўтиб, ғарб томонга уриб кетган бўлиши мумкин. Сув тармоқлари тўғонлар билан бекитилгандан сўнг, бу ердан бир оз юқориқодан, шарқ томондан Шўрқочув суви уриб кетган. Амударёнинг учдан икки қисм суви Шўрқочув орқали оққанлиги туфайли марказий дельтадаги кучли сув тошқинини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Қиётжорған ўзининг жойлашиш ўрнига кўра XIX асрдаги Чуманойга мос келади. Чуманой номи унда узоқ муддат сақланиб қолган ва кўпгина карталарда шундай (Чуманавий ёки Шуманой) деб берилади. Қиётжорған қадимги тармоқ бўлиши керак. XVII асрда ўзбек қабила-ларини жойлаштириш даврида қиётлар қўнғиротлар билан биргаликда битта «тўпни»ни ташкил қилганлар ва ўзбеклар билан Қуйғуннинг энг увумдор ерларига жойлашганлар. Қўнғиротнинг жануби-шарқида Қиёт қалъаси бўлган. Қиётжорған (қиётлар қазиган) канали уларнинг экин майдонларини суғориш учун қазилган бўлиши мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрларда Қўнғирот шаҳри районида иккита канал бўлган: Хонжоп (Хонёп) ва Бегжоп (Бегёп). Қадимдан Қўнғиротда яшаб келаётган кишиларнинг ҳикоя қилишига қараганда, Қўнадарё XX асрнинг сўнгги чорагида икки марта қуриб қолган, унинг шарқида эса Чўлан деб аталувчи кучли тармоқ вужудга келган. Қорабойлининг этагидаги суви ҳам Чўланга қўшилиб кетган. XIX асрнинг 80 йилларида Қорабойлини қайтадан тиклаганлар, аммо бу сафар суви Чўландан чиқарганлар. Қорабойлидан ташқари у Евмутёп деб ҳам юритилган. Бу каналнинг қўйи оқими Қўнғирот шаҳри территориясидан ўтган. Канал Хева хони Муҳаммад Раҳим II нинг ижозати билан қурилганлиги учун уни Хонёп деб атаганлар.

Қўнғиротликларнинг бир евоздан тасдиқлашига кўра, Бегжоп канали дастлаб Толдиқдан ўтказилган ва денгизгача етказилган. Унинг қурилишини 1857 йилги кўзғолондан олдин Қўнғирот шаҳри истеҳкомларини мустаҳкамлаган Қушбегибекка тақоза қиладилар (у кўзғолончи сифатида Хева хонлигининг бошқа амалдорлари билан биргаликда ўлдирилган). Қўнғиротликларнинг ҳикоя қилишига кўра, Бегжопнинг боши дастлаб Қоратовнинг жанубида бўлган. Шўрқочувнинг уриб кетиши муносабати билан Бегжопнинг сўнгги оқими Қўнғиротгача етиб бормаган. 50 йил давомида (1946 йилгача) Бегжопнинг бошланиш

<sup>171</sup> Баённий, Шу асар, варақ 40ба.

<sup>172</sup> Баённий, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 40ба.

<sup>173</sup> Жаме ал воқоти султоний, ркп. ИВАН, № Е—6, варақ 480-бет.

қисми олти марта гоҳ Амударё тармоғига, гоҳ Хонёпга қўшилиб турган. Хонёпнинг бошланиш қисми шу тартибда ўзгариб турган. Дарё тармоғи кўпинча Қўнғиротга яқинлаша борган ва Хонёпга қараб уриб кетган.

Қўнғиротликлар сувнинг уриб кетишини тўхтатиш учун кўп куч сарф қилганлар. 1940 йилда Сувонли Ленинёп канали қурилганидан сўнггина Қўнғирот районини сув билан таъминлаш тартибга тушган.

Жанубий Хоразмнинг чап қирғоқ қисмидаги суғориш ишлари XIX асрда аста-секин тиклана бошлаган. Юқорида айтиб ўтилганидек, Султон Увайс тоғи ва Шайх Аббос (қадимги Кат) тоғлари ўртасида унча катта бўлмаган каналлар қурилган. У ерда уйғур, қўнғирот, найман каби айрим уруғларнинг баъзи насл-насаблари жойлашган. Бу ерлар Гурландан кечиб ўтиладиган жойнинг қаршисида бўлган. Бухороликлар ва қозоқлар томонидан хавф туғилган тақдирда, кишилар барча нарсасини ташлаб чап қирғоққа ўтиб, қалъа ҳимоясида бўлганлар. Бу кечув йўли орқали чап қирғоқдан аҳолини ҳимоя қилиш учун отрядлар юбориш мумкин бўлган. Ўнг қирғоқдаги қадимги суғорилган ерлар ҳаммадан аввал Хеванинг ҳукмрон сулоласини қизиқтирган. Хоннинг ижозати билан ўнг қирғоқ ерларига кўчириб келтирилган қорақалпоқлар ва қозоқлар жойлаштирилган. Улар қирғоқ ерларни суғориш иши билан машғул бўлганлар. Бегор ишлаш<sup>174</sup> учун барча куч талаб қилинмаган вақтда, ёки бу ишлар муддатидан илгари бажарилган бўлса, хон ва унинг қариндошлари кўпинча бўш одамлардан сувнинг ўнг қирғоғидаги ирригация ишларида фойдаланганлар<sup>175</sup>. Янгитдан суғориладиган жойлар уларнинг хусусий мулкига айланиб қолган.

Шўраҳон аҳоли яшайдиган пункт сифатида ва Хоразмнинг ўнг қирғоғидаги Шўраҳон канали X—XI асрлардан кейин Данилевскийда биринчи марта учратилади<sup>176</sup>. Уша вақтда дарёнинг ўнг қирғоғида Шўраҳон, Найман, Уйғур ва Элтузархон номли каналлар бўлган.

Муҳаммад Раҳим I ёки Аллоқулихон даврида Шўраҳон канали (қадимги Говхўра) қисман бўлса-да тикланган бўлса керак.

Сўроқлаб тўпланган маълумотларга кўра, Оллоқулихоннинг амалдорларнинг ўғли — Иноқбий (Сарибий) ўтинчилар, чўпонлар ва овчиларнинг айрим тарқоқ уйчаларидан бошқа ҳеч нарса топмаган. Шўраҳон канали бу вақтда бутунлай бўш ва қашишзордан иборат бўлган. Унинг чегараси ҳозирги Тўрткўл аэропортигача етган, каналнинг атрофидаги ерлар тўқайзор бўлган. Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида Амударёдан унча катта бўлмаган Бўзёп каналини ўтказганлар ва аста-секин уни узайтириб, 15—16 йил ичида Қилич иноқ мавзенигача етказганлар. Бу янги қурилиш бўлмай балки қадимги Кат каналини қисман тиклашдан иборат эди, фарқ шунда эдики, канал Шўраҳон каналидан олиб чиқилмай, унинг бошланиш қисмини тўғридан-тўғри Амударёда қазиганлар. Шўраҳондан тортиб, то Султон Увайс тоғигача бўлган қирғоқ бўйидаги ерларнинг ҳаммаси деярлик шу канал орқали суғорилган.

Шайх Аббос районига унча катта бўлмаган ариқлар (солмалар) қазилган, бу ариқларни мақбара шайхлари Кесик тармоғидан қазиб ўтказганлар. Хева хони Саид Муҳаммад (1856—1864) бу ердаги эски канални тиклаган. Канал суви Шайх Аббоснинг шимолида жойлашган

<sup>174</sup> Асосан суғориш тармоқларини қуриш ва тозалашда қишлоқ аҳолисининг йилига ўн икки кун мажбурий равишда қилиб берадиган иши.

<sup>175</sup> Бегор деб аталувчи бу ишни шундай сунистеъмол қилиш тез-тез юз бериб, ундан хоннинг қариндошларидан ташқари кишилар ҳам фойдаланганлар.

<sup>176</sup> Г. И. Данилевский, Описание Хивинского ханства, 85-бет.

Шимомкентни суғорган; хон суғориладиган ерларнинг кўпгина қисмини Шайх Аббос мазорининг вақф ерларига қўшиб юборган<sup>177</sup>.

Бўзёп ва Шўраҳон каналлари қайтадан тиклангандан сўнг, Хева шаҳзодалари ҳамма жойда ўзлари учун катта-катта боғ ва экинзорлар яратганлар, у ерларга арзон-гаров ишчи сифатида қорақалпоқларни ва ерсиз ўзбекларни ҳайдаб борганлар. Ўзбеклар маҳаллий ҳокимларнинг, миробларнинг ва Хева мансабдорларининг зулмидан қутилиш учун ҳар қандай шароитда ҳам ишлашга рози бўлганлар.

1874 йилга келиб Шўраҳон районидаги қорақалпоқлар анчагина бўлиб қолган эди<sup>178</sup>.

Эллигинчи йилларда Шўраҳон каналидан Қалтаминорёп (қадимги Бозорқалъа канали ўзани бўйича), Боғёп (Гулдурсун-Қаватқалъа канали ўзани бўйича), Амиробод (Думанқалъа ўзани бўйича), Сарибий (эски Говхўра каналининг шохобчаси билан қўшилган канал) каналлари қазиб ўтказилган<sup>179</sup>.

XIX асрнинг олтинчи йилларида Шўраҳон шаҳри ривожланиб, шу унча катта бўлмаган участканинг савдо маркази бўлиб қолган. Шўраҳоннинг қуйида иккинчи савдо маркази — Шайх Аббос (Шоббоз) шаҳри тараққий этган.

Амударёнинг чап қирғоғида туркманларнинг сув учун бўлган кураши давом этган. Туркман қабилалари хон билан Қўнғиротдаги қўзғолонни бостириш учун юриш қилишдан бош тортдилар ва бўлажак жазо экспедициясига қаттиқ зарба бериш учун тайёргарлик кўрганлар. Хон иғво, сотқинчилар ва фитналар воситаси билан Қўнғиротда ғалаба қозонган. Паноҳхон қатл қилинган.

Бу воқеа туркманлар позициясини ёмонлаштириб қўйди. Саид Муҳаммадхон 1859 йилда туркманларга қарши юриш ўрнига, уларга қарши иқтисодий характердаги репрессияни қўллашга қарор қилди. Хон ўша йилнинг июнь ойида Ғозиобод қалъасининг шимоли-шарқида, Томоч мавзеида исёнчи ёвмулларни воҳанинг ички районларга киритмаслик мақсадида янги қалъа қуриш ҳақида фармон берган;<sup>180</sup> сўнгра... «уларни сиққ шароитда қолдириш учун»,—деб ёзди Огаҳий, — туркманларни Хева хонлиги бозорига киритмаслик ва «исёнчилар» билан озиқ-овқат савдосини тўхтатиш ҳақида буйруқ берган». Бундан ташқари унинг буйруғи билан Ғозиободдан унча узоқ бўлмаган Ғозиобод каналида тўғон қурилган, тўғон ёвмулларнинг экинларига кирадиган сувни бўғиб қўйган. Туркманлар қаршилиқ кўрсатмасликка ва ҳамма қарзларини тўлашга мажбур бўлганлар, шундан кейингина барча чеклашлар бекор қилинган ва туркманларнинг экин майдонларига сув юборилган<sup>181</sup>. Хон Хеванинг мудофаа чегарасини ёвмут ерларининг ичкарасига янада чуқурроқ киритиш мақсадида Томоч мавзеида янги қалъа қурдирди, лекин хон уларнинг экинларининг даҳлсизлигига ваъда беради. Аммо Томочда турган гарнизон туркманларга уларнинг илгариги ерларида деҳқончилик қилиш учун йўл бермаган ва шу хусусда ҳам улар билан хеваликлар ўртасида анча келишмовчиликлар келиб чиққан.

<sup>177</sup> П. П. Иванов, Удельные земли Сейид Мухаммед-хана, Записки ИВАН, т. VI, 43 ва ундан кейинги бетлар; Мунис-Огаҳий, Уша қўлёзма, № Е—6, варақ 590б.

<sup>178</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, қўлёзма, варақ 403а.

<sup>179</sup> Амиробод каналининг номи Амиртўра исми билан, Сарибий эса Сариниоқ (Иноқбий) исми билан боғлиқ бўлган.

<sup>180</sup> Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 413а.

<sup>181</sup> МИТ, II том, 600—601-бетлар.

Туркманлар қандай қилиб бўлмасин қалъалар линиясини ёриб дарёга (Амударё) чиқмоққа қарор қилганлар, улар Ловзондаги тўғонни бузмоқчи ва Хонобод ҳамда Кўна Урганчга сув юбормоқчи бўлганлар, ammo хеваликлар уларнинг дарёга чиқадиган йўлларини тўсиб қўйганлар ва туркманларни ҳолдан тойдириб, уларни эски жойларига қайтиш учун мажбур қилганлар.

Тарихчи Огаҳий ёвмутларнинг хеваликлар билан курашиш воқеаларини жуда ажойиб тасвирлайди. Бу сарой тарихчиси туркманларни доимо «қароқчи» ва «исёнчи» деб атаб келган, уларга душманлик руҳида бўлсада ва ўзи бунни хоҳламасада, унинг асарларидан қадим замонлардан бери Шарқда деҳқончилик сунъий суғоришга боғлиқ бўлгани, у ишлабчиқаришнинг асоси, маданият таянчи эканлиги ва шунинг билан бирга ҳукмрон синфлар қўлида эзиш қуроли бўлиб келганлиги кўриниб туради. Бир неча асрлардан бери жим ётган антик қалъалардан Шўраҳон, Гулдурсин, Жилдикқалъа, Қандумқалъалар ҳозирги вақтда, археологик текширишлардан сўнг, XIX асрда сув бўйларида Хоразм мустабид ҳокимиятининг таянчи бўлган Хева, Ғозибод, Томоч, Шоҳобод, Тошовуз, Иляли, Қилич Ниёзбой, Кўна Урганч қалъалари каби ўша даврлардаги синфий сиёсатнинг тимсоли бўлмоқда.

Сувдан синфий ҳукмронлик қуроли сифатида фойдаланиш сиёсати Геродотдан тортиб, то сўнгги ўзбек хонлари ҳукмронлиги давригача давом этиб келди.

Туркманлар ҳали ерга ўрнашиб олмаган даврларда, Хева хонларидан Элтузархон ва Муҳаммад Раҳим I уларнинг устига бир неча марта юришлар қилганлар, ёки катта-катта ер майдонлари беришга ваъда қилиб уларни ўзларига қаратмоқчи бўлганлар. XIX асрнинг иккинчи ярмида туркманлар ерларга узил-кесил жойлашганларидан сўнг хонлар иқтисодий жиҳатдан сиқиш сиёсатини қўллашга киришганлар.

Хева хонларининг фикрича, туркман ва қорақалпоқларни итбаткорликда сақлаш ва ишлатиш учун уларни доим ярим очлик ҳолида сақлаш ҳамда бир қабилани иккинчи бир қабилага қарши гиж-гижлатиш сиёсатини устакорлик билан олиб бориш керак эди. Хева хонлигининг аҳолиси хон ва бекларнинг бундай сиёсатининг моҳиятини жуда яхши тушунган. Хон ўз фуқаролари кўзи олдида қизғончиқ ва шуҳратпараст, фирибгар сифатида гавдаланар эди, у давлат бошлиғи сифатида зиммасига юкланган вазифани бажармас эди. «... Сиёсий ҳукмронлик асосида,— деб ёзади Энгельс,— қандай бўлмасин бир жамоат вазифасини бажариш ётади... сиёсий ҳукмронлик ана шу жамоат вазифаси бажарилгандагина узоқ муддат ҳукм сура олади»<sup>182</sup>.

Туркманларнинг сув учун, Хонободнинг қадимги суғорилган ерларини қайтадан тиклаш учун, ёки сув оқиб турган каналларнинг этакларидаги экин майдонларини кенгайтириш учун бўлган курашлари тўхтамаган. Туркманлар ҳосилни йиғиб-териб олгунча ҳар қанча таъқибга чидам берганлар, ҳосилни йиғиб олганларидан кейин эса, ҳарбий ҳаракатлар қайтадан авж олиб кетарди. Бу, одат тусига кириб қолган ва у Хоразм ҳаётида «ўроқ ярашувни» дейилади.

Биз туркманларни қанчалик сиқувда йшаганлари ҳақидаги жозибали ҳикояни келтирамиз. Ҳикояни 1936 йилда Ғозибод канали этагидаги Дирайли чегарасида яшовчи ёвмут Отониёз исмли кекса кишидан эшитганмиз.

«Ҳаққоният ва адолатнинг кўзи кўр, қулоғи қар бўлиб қолса, улар кучлилар орқасида турган бўлади; қараб кўрингчи, ёвмут эркаклари ичида уларнинг баданида Хева хонлиги душманларининг ўқи ёки қи-

<sup>182</sup> Ф. Энгельс, Анти-Дюринг, М., 1948, 168-бет.

личининг изи бўлмаган киши бормикан. Уша вақтларда, биз Дарбанд дараларида, Олондашт кенгликлариди, Пойкенд остоналарида ёки Дашти Қипчоқда яшаганимизда ер ва сувга эга эдик, ҳамда янги тўн кийиб юрар эдик; биз Хоразм қўшинлари бошчилигида Хоразмга кирадиган йўлларни душман учун бекитиб қўйганимизда, хон душманларини мумдек эритиб юборганимизда ва хонлардан шу билан қаноатланишни сўраганимизда бизни сиқув остига олдилар, бизнинг экинзорларимизга кирадиган сувни бекита бошладилар, ака-укани бир-бирига қарши гиж-гижлата бошладилар. Ниҳоят қопга қамалган сичқонлар сингари бизни каналнинг боши берк жойларига кўчирдилар ва қалъалар занжири билан боғлаб қўйдилар. Қўлингиздаги карталарингизга қаранг,— дея ўз сўзида давом этди у,— қопни тобора бўға бошладилар. Биз Оллоқулихон даврида худди Хева яқинидаги, Ғозиобод ва Шоҳобод яқинидаги суғорилган ерларда ҳаёт кечирганмиз. Саид Муҳаммадхон даврида бизни ҳеч қандай сабабсиз сиқув остига олиб Бадиркентдан нарига ҳайдадилар. Томочда қалъа қурдириб Ғозиобод атрофидан то Иляли мавзеигача бўлган ерлардан бизни сиқиб чиқардилар. Хонлар даврида хеваликлар бизни «ёвмут қароқчи», «ёвмут исёнчи» деб атар эдилар. Энди давр советларники бўлиб қолди, хонлар, беклар, маҳрамлар жаҳаннамнинг қаърига жўнадилар; ўзбеклар ва туркманлар яшамоқдалар;— қани ўша «қароқчи», «исёнчи» ва қани адолатсиз ўзбек! Буларнинг ҳаммаси ҳам ўшалар билан ернинг қаърига жўнади.

Халқ манфаатларини доимо қонунсиз бузиб келган хонлар ўзларининг аҳоли ўртасида тутган мавқеининг омонат эканлигини тушунар эдилар. Шунинг учун хонлар ташқаридан бостириб, кириш ҳолларини сезган вақтларида туркманлар билан ярашишга уринганлар. Масалан, 1872 йилда Чор Россияси қўшинларининг Хоразм чегараларига кирганлиги ҳақида биринчи хабарни эшитган хон, тезлик билан туркманларга ер (Ойбўғир кўли атрофидаги ерлар) тақсимлаб беришни буюрган<sup>183</sup>.

Хонлик даврида ўзбек аҳолисининг аҳволи қорақалпоқ ва туркманлардан яхши эмас эди. 380025 десятина ишланадиган ердан 100 000 десятинаси «хонга, унинг қариндош-уруғларига, амалдорларига ва бадавлат кишиларга тегишли эди»<sup>184</sup>.

Меҳнаткаш аҳолининг турмуши қанчалик оғир эканлигини тасвирлаш учун улар тўлаган солиқларни санаб ўтиш мумкин, бу солиқлардан шайхлар, руҳонийлар, амалдорлар, тархон ёрлиқлари эгалари ва бошқалар озод эдилар.

Солиқ ва мажбуриятлар ҳисобига қуйидагилар кирган: 1) бегор; 2) қазув («бало қазув» деб аталувчи олти кунлик мажбурий меҳнат ва сув тақсимловчи тармоқларини тозалаш); 3) қочув (эҳтиёт дамбаларини қуриш учун сафарбар қилиш); 4) олғут (бир йўла олинадиган йиғимлар, солғут бунга кирмайди); 5) солғут (ер солиғи); 6) милтиқ солиғи (аҳолидан қўшинга қурол-аслаҳа сотиб олиш учун олинадиган пул солиғи); 7) арава олув (араваларни давлат эҳтиёжи учун сафарбар қилиш); 8) улоқ тутув (туя ва отларни, аҳолини сафарбар қилиш); 9) қўнолға (деҳқонлар томонидан амалдорларга кечаси тунаш учун жой бериш); 10) сўйсин (уй эгаси томонидан қўноқда қолган кишини қўй ёки бузоқ сўйиб меҳмон қилиши); 11) чопар пули (солиқ йиғиш хабарини етказганлик учун тўланадиган ҳақ); 12) тароз ҳақи (солиқ

<sup>183</sup> Баёниҳ, Юқорида кўрсатилган асар, варақ 441б.

<sup>184</sup> Гиршфельд, Военно-статистическое описание Хивинского оазиса — Ташкент, 1902—1903, II қисм, 45-бет; Г. И. Данилевский, Уша асар, 123-бет.

тўлаш жараёнида тарозибонга бериладиган пул); 13) миробона (мироб фойдасига бериладиган пул); 14) дарбозабон пули (юк билан шаҳарга кирганда шаҳар дарбозабонига бериладиган пул); 15) отланув (халқ лашкари ва хон қатнашадиган овда мажбурий қатнашиш); 16) ипак моли (аҳолининг ипакчилик даромадининг қирқдан бир қисмини олиш); 17) мир тумон ҳақи (маҳаллий ҳоким ҳақи); 18) шиғовул пули; 19) қоровул пули; 20) пул солиғи тўлаш вақтида ҳазиначига тўланадиган солиқ; 21) кўрувбон пули (дарахт қоровули ёки яйловни назорат қилиб турувчи шахсга тўланадиган ҳақ); 22) мушрифона (ҳосилни текширадиган ва миқдорини белгилайдиган кишига бериладиган пул); 23) афанак пули; 24) чивик пули; 25) оммавий ишлар ўтказиш даврида руҳонийлар фойдаси учун йиғиладиган пул ва бошқалар.

Бу солиқлар ва мажбуриятлардан бирортаси ҳам маълум миқдорда қўйилган нормадан кам олинмаган. Очкўз чиновниклар ва солиқ йиғувчилар солиқ тўлайдиган халқнинг овомлигидан ва саводсизлигидан фойдаланиб ҳисобни чалкаштиришга, уларни қўрқитишга ва улардан кўпроқ олиб олишга интиланлар.

Масалан, ўрнатилган тартиб бўйича «бегор» нинг муддати 12 кундан ошмаслиги лозим бўлса, у 15—20 кунга, айрим вақтларда 50 кунга чўзилиб кетган<sup>185</sup>. Ўзбек деҳқонлари ўзлари фойдаланаётган каналнинг тақсимот тармоқларини тозалашдан ташқари, туркман навқарлари жойлашган каналларни тозалаб беришга мажбур бўлганлар. Бунинг устига тинмай бўлиб турган уруш ҳаракатлари муносабати билан уларни кўнгилли қўшинлар (қорачирик ёки аламон) сафига чақириб турганлар.

Чиғириқ билан суғорма деҳқончилик меҳнати жуда оғир бўлган. Чиғириқ билан суғориладиган ерларга ўз-ўзидан оқиб келувчи сувлар билан суғориладиган ердаги ишга нисбатан тўрт марта ортиқ меҳнат сарф бўлган<sup>186</sup>. Деҳқон кўпинча кечаси билан ишлаган. Деҳқон ерга ўғит солиш учун бутун деҳқончилик даврида сарф бўладиган вақтининг 22% ини сарф қилган<sup>187</sup>. Деҳқонлар доимо судхўрга тобе бўлган; ўша ерда қадимдан яшаб келган кишиларнинг сўзига қараганда, судхўрнинг қўлига қарздор бўлиб тушган одамнинг бирортаси ҳам тириклигида қарздан қутилолмаган ва қарзи болаларига «мерос» бўлиб қоларди.

1873 йил шартномасига мувофиқ қуйи дельтанинг шарқий ярмидаги ерлар ва юқори дельтасининг ўнг қирғоқ қисмига кирувчи ерлар Туркистон генерал-губернаторлигининг Амударё бўлимига ўтган. Бу билан Хева хазинасининг даромади анча камайди. Бундан ташқари Хева хонлиги ўша шартномага мувофиқ 2200000 сўм миқдорига контрибуция тўлашга мажбур эди. Янги контрибуциянинг барча оғирлиги ҳаддан ташқари қашшоқлашган ишлаб чиқарувчи омма устига тушар эди. Хева хонлари чор ҳокимиятининг хонликни ташқи душманлардан сақлаш ҳақида ишонтириб қўйганлиги учун туркманларнинг ҳарбий хизмат қилиб беришини бекор қилиб унинг ўрнига ҳам улавога солиқ солганлар.

Хонлик даврида ҳар қандай халқ ҳаракати Амударё бўлимининг гарнизони ва ҳарбий маъмурияти томонидан аёвсиз бостирилган.

Ерни ишлаш ва суғориш усуллари, шунингдек, солиқ миқдори ва мажбуриятлар хон даврида қандай бўлган бўлса, Амударё бўлими

<sup>185</sup> Ор. Шкапский, Аму-Дарьинские очерки, Ташкент, 1900, 71-бет, 208-бетдаги жадвал.

<sup>186</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи, II том, Тошкент, 1947, 193-бет.

<sup>187</sup> Ор. Шкапский, Юқорида кўрсатилган асар, 200-бет.

<sup>188</sup> Ор. Шкапский, Юқорида кўрсатилган асар, 51 ва 171-бетлар.

даврида ҳам ўзгармай илгаригича қола берган; меҳнат мажбуриятларининг ҳажми ҳатто кўпайган.

1892 йилда Шўраҳон каналининг кенгайтирилиши Амударё бўлимининг ирригация тадбирларидан бири бўлган<sup>189</sup>. Бу даврда ирригация ва мелiorация соҳасида қандай бўлмасин муҳим тадбирлар ўтказилган эмас.

Хонобод ерлари қадимгидек саҳролигича қола берган. Туркманлар Кўҳна Урганч канали—Хонёпни зўр машаққат билан тиклаганлар; каналнинг бошланиш жойини Сувонли каналига кўчирганлар. 1917 йилгача Довдон каналини икки марта очганлар, аммо Хева хони (Муҳаммад Раҳим) ҳар сафар тезлик билан сувни бекиттирган. Хон бу ишни, «туркманлар сув билан таъминланиб, ўзларига тўқ бўлиб қоладилар ва хон жаноб олийларига бўйсунмай қўядилар»<sup>189</sup> деган мақсадда қилган.

Шундай қилиб, 1873 йилда Хевада чор Россиясининг протекторати ўрнатилиши мамлакатни хонлик томонидан бошқариш тартибига, айниқса, унинг ирригация хўжалигига ҳеч қандай ўзгартиш киритмади. Хонлар ўртасидаги тахт учун бўлган ўзаро курашларнинг тўхтатилиши туфайли, аҳоли ҳарбий хизматдан озод бўлди, бу қисман аҳоли учун энгиллик эди.

Фақат Октябрь социалистик революциясидан сўнг совет ҳокимияти, яъни чинакам халқ ҳокимияти суғориш ишларини мисли кўрилмаган даражада амалга ошириб, барча Хоразм ерларини сувга тўйғазиб, бутун Урта Осиё халқлари каби Хоразм халқини ҳам «бу туркман, бу ўзбек» деб миллий томондан ажратилишларига ҳам чек қўйди.

---

<sup>189</sup> О г а ҳ и й, Юқорида кўрсатилган қўлёзма, варақ 1176.



## ХОРАЗМДА СУҒОРИШ ТЕХНИКАСИ ТАРИХИДАН

## I. Тақсимловчи тармоқ,

«...Дарёям тошмарам нейларсан?!

— Қазарам, ичкарам...»<sup>1</sup>

Бу хоразмча мақол сувдан фойдаланишнинг табиий сув тошқинидан тортиб магистрал каналлар қуришгача бўлган бутун бир тарихнинг асосий моҳиятини ақс эттиради.

Бундан олдинги бобларда биз қадимий Хоразм деҳқонларининг табиий сув тошқинларидан фойдаланишдан уларни маълум жойда тартибга солиш ва аста-секин дарё шохобчаларининг бошига чиқишлари характери масаласи устида батафсил тўхтаб ўтган эдик.

Қадимий хоразмликлар табиий шохобчаларни сунъий шохобчалар билан алмаштирсаларда, аммо улар барибир дарё режимига тўла тобе-лигача қолавердилар, чунки ҳали ундан ирригация мақсадлари учун фойдаланишни ўрганмаган эдилар. Шу сабабли улар канал бошини қуриш учун дарё қирғоғининг тошқин вақтида сув канал бўйлаб ўзи оқадиغان жойини излар эдилар.

Бундай каналлар фақат тошқин вақтидагина фойдали бўлганликлари сабабли улар «тошқин» каналлар деб юритилади. Хоразм деҳқонлари Амударёдаги бу пайтни сабрсизлик билан кутардилар. Тошқиннинг қачон бошланишини олдиндан айта оладиган кишилар воҳада жуда катта обрўга эга эдилар.

Хоразмда қадимдан тошқинлар календари мавжуд эди, бунда дарё режимдаги у ёки бу ўзгаришларнинг бошланишини кўрсатувчи аломатлар бор. Бу календар бўйича биринчи тошқин «Кўк қамиш тошуви» деб аталади. Бу тошқин орол ва кўлларда қамиш эндигина ўсиб чиққанда бошланади. Бу мартнинг йнгирмаларига тўғри келади. Қамишнинг тез ёки секин ўсиши хоразмликларнинг айтишича, тошқиннинг ўз вақтида бўлишини ёки кечикишини олдиндан аниқлаб беради.

Иккинчи тошқин «Оқ балиқ тошуви»<sup>2</sup> деб юритилади, бу апрелнинг ўрталарига тўғри келади, яъни бу вақтда Орол денгизидан оқ балиқлар Амударёнинг юқори оқимига ўта бошлайди. Учинчиси «Юлдуз тошуви» бўлиб, майнинг ўрталарига тўғри келади. Хоразмликлар бу тошқинни Хулкар юлдузлар туркумининг кўриниш вақти билан белгилайдилар. Тўртинчи тошқин «Қирқ чилғов тошуви» (қирқ кун чилла) бўлиб, бу июннинг иккинчи ярмида бошланиб, августнинг бошларида тугайди. Бу тошқин қирқ кун давом этади.

Берунича бу тошқин ҳазيران (июнь) ойининг 24-кунларида бош-

<sup>1</sup> Сув ишининг кекса устаси, Хоразм область Хазорасп район сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи Бобожон Отабевнинг фикрича, бу мақол узоқ ўтмишда яратилган мифологик ривоятлар.

<sup>2</sup> Уша Бобожоновнинг маълумотига кўра.

ланиб, унинг энг кучайган пайти тамуз (июль) ойининг 25-числоларига тўғри келади<sup>3</sup>.

Ҳар йили экиш олдидан ва ёзги суғориш вақти келиши билан деҳқонлар тошқин ўз вақтида бўлармикан ёки кечикармикан деб ташвишлана бошлаганлар. Илгарилари тошқин кечиккан вақтда традицион тантанали ибодат бошланар эди. Руҳонийлар Хевадан чиқиб (бу дарров бутун Хоразмга эшитилар эди). Туямўйиннинг қуйи қисмида жойлашган Оролча Авлиёда тўпланишар эди. Уруғ зодагонларининг вакиллари, умуман мамлакатдаги бутун оқсуяклар ҳам худди шу ерга тўпланар эди. Улар руҳонийларга совғалар, қурбонлик учун ҳўкизлар олиб келишар эди.

Ўз кўзи билан кўрганларнинг ҳикояларига қараганда, ибодат қилинган, дарёга сув худосига қурбонлик сифатида сўйилган ҳўкизни, ташлаганлар. Бу одат тошқин каналларига нисбатан ҳам кенг қўлланилган. Тошсақо канал боши қайта қазилиб сув қўйилган унга қурбонлик учун Оллоқулихоннинг ўзи шахсан бир ҳўкизни қурбон қилганлиги ҳақида ҳикоя ҳам бор<sup>4</sup>.

Шарқ мамлакатларидаги ҳамма қадимги жамоалар тошқинларга бутунлай тобе эди; дарёлардаги сув сатҳи кўтарилиб каналларга сув оқса, улар хурсандлик билан тантана қилишар, тошқин бўлмай қолганда эса қийналишар эди. Улар буни худо ва руҳлардан деб билар ва ўз тилақларига етиш учун уларни рози қилишга ҳаракат қилар эдилар.

Худди шундай ҳолни биз Шарқнинг бошқа кўп халқларида ҳам учратамиз. Масалан, Месопотамиянинг қадимий ривоятларида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Бэла раислигидаги худолар мажлиси Ширпурла (Лагош) тақдирини кўриб чиқмоқда. Ширпурла сувсизликдан қийналмоқда, унинг каналлари қуриб қолган. Худолар, Гудея ибодатхона қургандагина тошқин бўлдирамиз деб ваъда қилмоқдалар...»<sup>5</sup>

Қадимий хоразмликлар билан Месопотамиянинг қадимий аҳолиси...

дарё оқимидан юқори бўлган каналларга сув чиқаришда, ҳатто жуда ҳам пастдаги дарё суви эркин чиқа олсин учун канал ўзанини борган сари нишоблаштириб иншоотлар қуришар эди.

Хоразм ирригаторлари учун энг қийин вазифа тошқин канали бошини қуриш учун қулай жой танлаш ҳисобланарди. Бунда қуйидаги ҳоллар назарда тутилди:

1) канал боши қуриладиган жойдаги қирғоқ тупроғининг мустаҳкамлиги (дарё қирғоқлари асосан унинг ўз лойқаларидан иборат бўлиб, булар мустаҳкам эмаслиги билан ажралиб туради), кўпинча тошқин вақтида ёки сел кучайган пайтда каналларнинг боши сув билан кучли равишда ювилиб кетади ва ўйилади, натижада сув уни ўзи билан бутунлай олиб кетади, бунда асосан унинг пастки бурчаги ювилиб кетади, натижада канал боши сувни йўналтирувчи таянчдан ажралади ва каналдан сув оқмай қўяди<sup>6</sup>.

2) тошқин даврида ўзанининг режими; кўпинча тошқинлар мавсуми вақтида асосий оқимнинг жойи ўзгаради, шу сабабли ирригаторлар сув доимий ва муътадил оқадиган жойлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар.

3) танланган жойнинг қандайдир дарё тармоғининг эски бошига тўғри келиб қолиши.

Хоразм суғориш техникасида, мустаҳкам тупроқли жойларни мустаҳкам қилганда, магистрал каналдан яхши фойдаланишни таъминлайдиган катта-катта канал бошини қурмас эдилар, чунки тупроқнинг мустаҳкам эмаслиги сабабли канал боши тошқин сувларининг кучи билан кенгайиб кетиб, канал тез вақтда ҳеч нима билан бошқарилмайдиган, ҳеч ким қаролмайдиган ўзанга айланиши мумкин эди. Шундай ўпирилишлар XVI асрда Курдар каналда, XVII асрда Чалиш дарёси шохобчасида, XIX асрда Ловдонда бўлди ва ҳоказо. Фалокатни олдини олиш учун катта тошқин каналларнинг бошини кўпинча бир неча жойдан очар эдилар. Уларнинг ҳар қайси алоҳида олинганда кучсиз, аммо буларни тартибга солиш осон, бу эса дарёнинг ўпириш хавфини йўқотишга, истегаган натижага эришишга имкон беради. Ирригацион сувни кўпайтириш зарур бўлиб қолган ҳолларда кўпинча қўшимча канал бошларини қуришар эди. Масалан, XIX асрда Бешариққа янги кўчиб келганлар Полвонёп каналига қўшимча канал боши қуриш учун хон руҳсатини олишга муяссар бўлдилар. Шу усул билан улар магистрал канал сувини кўпайтирдилар ва Полвонёп сувидан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Каналнинг янги боши (сақоסי) ҳозиргача «Бешариқ ёрган» номи билан юритилади (яъни Бешариқ аҳолиси қазиган).

Тошқин каналларини қалин лой босарди. Бунга сабаб, каналга сув кириши билан оқим тезлигининг анча пасайишидир. Амударё сувидаги лойқаларнинг йирик бўлаклари чўкабошлайди, хусусан лойқа ҳаммадан олдин каналларнинг бош қисмларида тезроқ чўкади.

Хоразмнинг тошқин каналлари, албатта, лойқаланади, чунки уларнинг боши Амударё ўзанининг доим оқиб турувчи ва анча чуқур жойларида қурилган бўлади.

Ҳиндистондаги Ҳинд ва Панжоб ҳавзаларида суғоришда фақат қисқа муддатли тошқин мавсумида оқадиган «дундс» деб аталувчи ўзан доирасидаги дарё шохобчаларидан фойдаланилади. Бу вақтинча дарё шохобчалари тагининг сатҳи асосий дарё ўзани тагининг сатҳидан анча баланд, шу сабабли сел вақтида дундслардан сувнинг фақат таркибида лойқанинг бир озгина миқдорда оғир зарраларига эга бўлган юқори қат-

<sup>6</sup> Хоразмликлар буни ҳалокатли офат деб қарайдилар. «Бошини дарё олиб кетди деб гапиршади, яъни сақони дарё олди».

ламигина оқади. Ҳиндистон тошқин каналларининг унчалик лой тўлмаслигининг сабаби ҳам шудир. Йилнинг бошқа даврларида вақтинча оқадиган дарё шохобчалари (дундслар) ҳам, булардан чиқиб кетадиган тошқин каналлар ҳам тамомила қуриб ётади<sup>7</sup>.

Хоразмдаги тешқин каналлари, Мисрдаги сингария<sup>8</sup>, доим оқиб туради, фақат қишдагина тўхтайди.

Кўпроқ сув оқиши, шунингдек қуйи тақсимловчи тармоқлар сувининг ўз-ўзидан оқишининг кучайиши нуқтаи назаридан каналларнинг фойдалилиги канал бошининг қурилишига ва трасса нишоблигининг ошиб боришига боғлиқ. Бу ерда ирригацион техниканинг оддийлигидан келиб чиқадиган иккита қарама-қаршилиқни кўрсатиб ўтиш керак: бир томондан, агар бутун канал трассировка системаси етарлича нишоб қилиб ишланмаса, унинг энг майда ва охири тармоқларига сув ўз-ўзидан оқиб қирмайди, иккинчи томондан, жуда нишоб бўлиб кетса, дарёнинг канални ўпириш хавфи туғилади. Шунинг учун Хоразм мироблари давтавал канал бошини мустақкамлаш устида кўп бош қотирганлар.

Тошқин каналларида тўсатдан сув босиш хавфидан сақлайдиган ҳеч қандай бошқариш техникаси бўлмаган. Хоразм ирригаторлари мумкин қадар қаршилиқни йўқотишга ҳаракат қилардилар: канални сув билан таъминлаш учун улар бир неча канал боши қурадилар, каналдан ортиб қолган сувни эса, трассадан атрофга оқизиб юборар эдилар. Ҳамма тошқин каналларининг атрофларида каналдаги сувнинг миқдорига қараб тартибга солинадиган ошиқча сувлар чиқариб ташланадиган жойлар—партовлар (сброслар) пайдо бўлади.

Дарёнинг эски ўзанлари, воҳа чеккаларидаги пастликлар шундай партов сифатида фойдаланилади. Масалан, Пахта арна учун ўнг қирғоғида қурилган Сувёрган ўзани, Полвонёп учун Ғўзиобод деган кичикроқ канал, Шоҳобод канали учун Довдоннинг эски ўзани партов сифатида хизмат қилади ва ҳоказо.

Кўпинча каналнинг бекор ётган қисмида ортиқча сувни қайтадан дарёга оқизадиган махсус партов вужудга келтирадилар, бу дарё оқимининг пастки қисмида бўлади. Бундай махсус партовлар Хоразмда «бадров» деб юритилади. Бадровнинг икки охириги қисмида иккита тўғон бўлиб, уларни фақат сув хавфи даражада кўтариладиган очадилар.

Ҳамма тошқин каналларининг, грунги тошли бўлган мустақкам жойлардан оқиб чиқадиган баъзи каналларни мустасно қилганда, бир-бирдан узоқда жойлашган бир неча боши бўлади.

Кўп жойлардан бошланадиган тармоқларни қуриш практик аҳамиятга эга бўлган; Хоразм ирригаторлари тошқин сувларининг горизонтига нисбатан бош участкаларнинг ҳар хил нишобидан фойдаланишни назарда тутганлар ва шу билан каналнинг оқим тезлигини кучайтирмай оқишига эришмоқчи бўлганлар.

В. Цинзерлинг канал бошини ҳар хил жойда қуришда Хоразмнинг қадимий ирригаторларнинг<sup>9</sup> ҳисобини қуйидагича тушунтиради:

«СД тошқин каналдир, АС ва ВС—унинг бош участкалари... А ва В каналнинг боши бўлиб, иккисининг оралиғи тахминан олти чақирим келади.

Дарёда сув жуда кўпайиб кетганда канал В бошдан, камайганда эса А бошдан таъминланади. Амударё сувининг энг кўпайган ва энг ка-

<sup>7</sup> С. Ф. Островский, Ирригационная система Индии, СПб., 1907, 15. 41-бетлар.

<sup>8</sup> М. Н. Ермолаев, Современное орошение и хлопководство в Египте, СПб. 1910, IX боб.


<sup>9</sup> В. Цинзерлинг томонидан чизилган схемага қаралсин.

майгандаги горизонти тахминан қуйидагича белгиланади: А да 100, 60 ва 99,60, В да эса 100,00 ва 99,00 саржин.

Канал бошининг таги одатда сув энг паст жойда, яъни А нуқтасидаги 99,60 саржинга яқин белгида ва В да 99,00 белгида қурилади.

Сугоришнинг бошланиши дарёдаги сув горизонти тахминан 0,40 саржинча кўтарилиб, А бошидаги 100,00 саржингача кўтарилган даврга тўғри келади. СД канали шундай мўлжал билан қуриладики, канал тагининг белгилари С ёнида В бошдаги таг белгиларидан биров бўлса ҳам фарқ қилмайди, тошқин вақтида сув ўтказиладиган ВС бош участкасида ювилиб кетиш хавфи бўлмайди.

Келтирилганлардан кўришиб турибдики, оддий ҳолдаги жойларда канал бош қисмининг тагини (АС участкаси) 1 чақирим масофада 0,10 саржинга нишоблаш мумкин экан (6 чақиримда 0,6 саржин пасаяди). Шунга қарамай сув сатҳининг нишобланиши унча сезиларли бўлмайди, чунки АС бош участкасининг кесими аста-секин, яъни аввал 0,4 саржин, энг охирида 0,6—0,7 саржингача чуқурликда бўлади. Бу ҳолатга АС участкасидаги сув сатҳининг 1 чақиримда 0,05 саржин нишобланиш тўғри келади.



15-расм. Бирнеча бош орқали сув оладиган тошқин каналининг схемаси

Агар дарёда сув сатҳи паст бўлса, канални сув билан А боши таъминлайди. Бу вақтда ВС бош участкаси боши ва охиридан, икки еридан тупроқ билан тўсилади, чунки бу участкани тўсиб қўйилмаса, каналдаги сув, В дарёдаги ва С каналдаги сув горизонтлари таққослаганда, қайтадан дарёга оққан бўлур эди. Дарёда сув сатҳи баланд бўлганда АС участкаси бекилади ва канал В боши орқали таъминланади. ВС бош участкасини шундай кесиб керакки, сув сатҳининг нишоблиги тахминан 1 чақиримда 0,05 саржиндан ошмаслиги керак. Бундай ҳолларда тошқин вақтида С атрофидаги чуқурликни 0,9 саржинга яқинлаштириш мумкин. Демак, тошқин вақтида каналдаги сув горизонти С олдида 99,90 саржин бўлади, сувнинг чуқурлиги эса 0,9 саржин бўлади. Амударёда сув пасайган вақтда каналдаги сув горизонти худди ўша жойда 99,70 саржин.

чуқуурлиги эса, 0,7 саржин ёки атиги 0,2 саржин пастга тушади. Шундай қилиб, тошқин каналларини бир нечта бош орқали таъминлаш системаси ёрдами билан каналнинг сув горизонтини тартибга солиш имконияти туғилади»<sup>10</sup>

Қадимги ирригаторлар канал боши учун мустаҳкам грунт ва унинг ўзани учун тўғри келадиган нишобликни излаганлар. Улар канал бошини оқимга қарши мумкин қадар баландроқ қурганлар, шу билан бирга каналнинг ҳали тармоқланмаган бош қисмини—сақосини жуда кенгайтирмасликка ҳаракат қилганлар. Хоразм пасттекислигининг сатҳи суғориш учун қулай, яъни таҳминан Тошсақо кенлиги линиясидан бошлаб пасттекислик Орол-Сариқамиш чуқурлигига қараб шимол ва шимолиғарб томон сари 1 км да ўртача ҳисобда 0,2 м га, яъни сағал нишобланиб боради»<sup>11</sup>. Бу ҳол қадимги ирригаторлар учун канал трассалари нишобини тўғрилашда енгиллик туғдирган.

Тошқин каналлар дарёда сув кам бўлишига мўлжаллаб қурилди, аммо сув пасайган вақтда буларнинг ҳаммасидан барибир фойдаланиб бўлмас эди.

Шу билан бирга Амударё сувида лойқа ниҳоят кўп бўлганлиги учун тошқин каналларининг бошини жуда чуқур қилиб қуриш ҳам мумкин эмас эди, каналдаги оқим тезлиги дарёниқига нисбатан анча секин, яъни дарё ўзанида чўкмайдиган лойқа, дарё тагидан анча юқори бўлганлиги сабабли каналнинг бош қисмларида чўқади. Шу сабабли дарё ўзанидаги оқиб бораётган таг қумлари каналга деярлик ўтмайди. Каналга асосан лойқадаги қум ўтади, булар оқим тезлиги пасайиши билан дарров чўқади.

Шундай қилиб, Хоразм тошқин каналларининг чуқурлиги унча катта бўлмаса ҳам, уларга, ҳар ҳолда, анчагина лойқа жинслар кирди.

Вегетацион мавсумда тошқин каналларида лойқалар 0,60—0,80 м қалинликда қатламланади. Фақат Жанубий Хоразмнинг ўзида ҳар йили каналлардан 7000000 м<sup>3</sup> лойқа чиқариб ташланади<sup>12</sup>. Энг оғир заррачалар, асосан қум, каналнинг бош қисми тагида қолади, лойқа эса, каналнинг қуйи қисмидаги суғориш тармоқларида чўқади. Лойқалар канал боши олдида жуда кўп саёз жойларни вужудга келтиради. Бу саёз жойлар аста-секин дарё оқимига нисбатан юқорига ва пастга қараб қатламланади. Агар буларни кучли тошқин ювиб кетмаса ёки дарё ўзинини ўзгартирмаса, у ҳолда бу саёз жойлар каналлар бошидаги шохобчаларни дарёнинг асосий ўзанидан ажратиб турувчи оролларга айланади. Энди канал шу шохобчалар суви билан таъминланади. Дарё шохобчалари аста-секин торайиб, лойқалана боради, ниҳоят канал боши билан орол ўртасида боши берк жой пайдо бўлади ва канал бошидан тамомила ажралиб қолади. Энди ё шу пайдо бўлган орол орқали янги канал боши қуриш, ё оқимга қараб канал бошини юқори кўтариш керак бўлади.

Каналларни нишоблашда канал оқимини ундаги серунум созни суғориладиган майдонларгача етказадиган, шу билан бирга қирғоқларни ювиб кетмайдиган қилишга ҳаракат қилардилар.

Бу ҳолларнинг ҳаммаси, эҳтимол, Хоразмдаги каналларнинг кенг ва чуқур бўлмаслигига сабаб бўлгандир; маҳаллий мироблар трасса ўтказилаётган жойнинг нишоблигини ва бу трасса баландлигининг Амударё сув сатҳининг баландлигига мувофиқлигини назарда тутганлар, чунки бундай мувофиқлик қирғоқ олдидаги сизот сувларининг баланд-пастлигига сабаб бўлган. Уйилган дамбалар каналдаги сувнинг максимал оқи-


<sup>10</sup> В. Цинзерлинг, Уша асар, 563, 564-бетлар.

<sup>11</sup> А. В. Архангельский, Уша асар, 28-бет.

<sup>12</sup> Г. М. Георгиевский, Южный Хорезм, Ташкент, 1937, 112-бет.

мига мўлжаллаб, анча юқори кўтариларди. Канал қазиб вақтида чиқарилган тупроқ қирғоқ бўйлаб кўтарма шаклида уюларди.

Каналларнинг ёнбағир қиялигини қадимги хоразмилар жуда қадим вақтларда ва тўғри ишлаб чиққанлар. Шубҳасизки, буни Муҳаммад бин Муса ал Хоразмийнинг унинг математик асаридан каналларни қуришда ҳам фойдаланганликлари ҳақидаги сўзи қисман тасдиқлайди<sup>13</sup>.



16-расм. Тошқин канали бошларининг ёнидан кўриниши ва плани

Хоразмда сунъий канал боши «сақо» термини билан аталади. Бу термин билан Эрон ва Афғонистонда кўпинча сув ташувчиларни ёки бошқача айтганда «(бошқаларни) сув билан таъминлайдиганлар»ни атайдилар<sup>14</sup>.

Шарқ халқлари бадий адабиётда ёмғир булутлари кўчма маънода «Нил сақо»си деб юритилади<sup>15</sup>.

Канал боши бу номни сув берадиган ва суғорадиган жой сифатида ўз вазифасига яраша олган.

Ҳар бир канал бошланишида бўш, чўллик ердан ўтади, яъни каналнинг фойдасиз қисми бўлади. Каналнинг фойдали қисми сал қуйроқда бошланади. Одатда каналнинг бу бекор қисми махсус номга эга бўлмайди. Хоразмнинг тарихий адабиётида кўрсатилишича, у кўпинча сақо қисмига киради.

Хоразмнинг ирригацион терминалогиясида сунъий каналлар одатда «يان» ёки «ياپ» — ёп (Полвонёп, Хонёп, Янгиёп ва бошқалар) деб аталади.<sup>16</sup>

Катта каналлар ва каналларнинг боши ҳамда каналнинг кенг участкалари «арна» (آرنه) деб аталади. Бу термин асл маънода дарёнинг ўзанда шохобчаларга ажралишини англатади. «Арна» терминидан дарёдан орол ёки саёз жой орқали ажралиб турадиган дарёнинг бир қисмини ёки шохобчасини тушиниш мумкин. Сунъий каналларнинг бу термин билан аталишига сабаб, бу каналлар ҳажми жиҳатидан дарёнинг бир қисми деб ҳисобланади. Масалан, Пахта арна, Шовот арна, Полвон арна

<sup>13</sup> The Algebra of Muhammed ben Musa, transl. by F. Rosen, London, 1831. Бу ҳолга мени диққатимни Н. Б. Байкова жалб этган.

<sup>14</sup> غياث اللغات سقا: كسكه آب نوشسهندن پيشه\* اوباشد


(Ғиёз ал луғат) Бомбай, 1904.

<sup>15</sup> لغات سقاى نيل: كنا به ازابر است كه بهر بي سرحاب ميكونيد  
برهان قاطع (Бурхонн Коте): Бомбай, 1804 й.

<sup>16</sup> Полвонёп кўпинча Арна деб юритилади.

Оталиқ арна худди шундайдир. Шу билан бирга Амударёнинг Боғлан арна, Кесик арна каби шохобчалари ҳам шу терминда юритилади. Урта ва кичик каналлар «ёп» деб аталади. Мустақил каналларгина эмас, балки тақсимлаш тармоғининг йирик каналлари ҳам ёп деб юритилади. Масалан, Пахта арнадан бошланадиган тақсимлаш каналларининг ҳаммаси ёп деб юритилади: «Тозабөгёп, Сарибийёп, Қалтаминорёп, Бўзёп ва бошқалар.

Епдан бадоқ деб аталувчи ўртача ариқлар ажралиб чиқади. Бадоқнинг кенлиги бир метргача бўлиб, чуқурлиги унинг кенлигига, жойнинг қиялигига ва чиғир усулида суғориш даражасига боғлиқ. Чиғир усулида суғорилса, бадоқлар чуқурроқ қавланади. Бадоқ бошини сув ювиб кетишидан сақлаш мақсадида махсус «долдарға» иншооти қурилади. Бадоқ солма ва тортмага бўлинади. Солма деб асосан ёпнинг қуйи участкаларида бўладиган ўзичоқ ариқлар тушунилади. Хоразмда кўпинча бадоқларни «солма» термини билан ҳам юритадилар. Тортмаларга, яъни қисқа ариқларга тўпланган сув коризларга тушади, ундан чиғир ёрдами билан чиғир-солмага қуйилади.



17-расм. Хоразмнинг йирик канал системасидаги суғориш тармони ва иншоотларининг схемаси

Ҳозиргача биз классик ирригацияга эга бўлган Шарқ мамлакатларининг ҳаммасида жуда кенг тарқалган тошқин каналлари устида гапирдик.

Каналлар бошида сувни регулятор ёрдами билан бошқариш Амударёнинг ўзида бўлмаган. Регуляторлар фақат каналларнинг тақсимловчи тармоқларидагина қўлланилади. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, Хоразмнинг умуман ирригация тарихида Амударё оқимини тартибга солинадиган тўғонлар каби жуда катта иншоотлар ҳам қурилган.

Мақдисий ва Еқутлар Амударёнинг эски жуда қатнаш оқимида, худди Кўҳна Урганч дарвозасининг ёнида дарё оқимини шу пойтахт шаҳардан четга оқи-




задиган катта ёғоч тўғон бўлганлиги ҳақида гапирадилар. Буларнинг ёзишича, тўғон ходалардан ва шох-шаббалардан ясалган<sup>17</sup>.

Абулғозининг айтишига қараганда, XVI аср ўрталарида Кўҳна Урганч яқинида, шаҳардан сал шарқроқда Фотмахотин тўғони бўлган<sup>18</sup>. Бу қисқа изоҳлар бизга бу тўғонлар конструкциясининг қандай бўлганлигини ҳам, булар ёрдами билан дарё оқимини тартибга солиш принципини қайта тиклашга ҳам имконият бермайди.

Одатда тақсимловчи каналлар бошида «долдарға» деб аталувчи тўғон кенг тарқалган эди, бу ичи хашак ёки шох-шаббага тўлдирилган, силлиқланмаган ғўла тўсинлардан иборат оддий иншоотдир. Ғўлалар горизонтал ҳолда канал равоғи устидан ташланади ва кўприкча ясалади, ғўлаларга вертикал ҳолда тўсинлар уланади, тўсинлар ўртасидаги оралиқ хашак ёки шох-шабба билан тўлдирилади. Шу усулда сув қисман тўсилади ва биринчи каналга нисбатан сатҳи анча баланд бўлган кўшни каналга оқади, ёки аксинча, долдарға каналга, агар у жуда қияликка эга бўлиб, таги саёз бўлса, сувнинг кўп миқдорда киришга йўл қўймайдиган иншоот бўлиб хизмат қилади.

Долдарға баъзан шох-шаббалар билан бирга уч оёқли ёғоч (сепоя) дан қурилади. «Долдарға» термини Фарғона ва Тошкент областларининг ирригацион хўжалигида кенг тарқалган «тўғон» терминига тўғри келади.



18-расм Тик тоқуртқа ва унинг ишлаши

Одатда ёпдан кичкина ариқ ажралиб чиқади, бунинг боши махсус асбоб билан тартибга солиниб туради. Бу бошқарғич тўқуртқалар фақат ёпдаги сув сатҳи ариқдан ташқарига чиқиб кетадиган сув сатҳидан баланд бўлгандагина ўрнатилади. Тўқуртқа узунлиги 50—60 см дан то 2 м гача, диаметри 5—10 см дан 30 см гача бўлган оддий қувурдир. Қувурни ариқ бошидаги тешикка тик ўрнатадилар<sup>19</sup>. Зарур бўлганда, тешикни бекитадилар ва ариққа сув оқмай қўяди.

Хоразмда тўқуртқаларнинг деярлик ҳаммаси ёғочдан қилинган бўлиб, уларнинг ҳажми сопол тўқуртқалар ҳажмига тўғри келади. Баъзан, сувни қатнов йўл тагидан ўтказишга тўғри келганда, анча узун тўқуртқалар қуришади. Каналдан чиқаверишдаги бадокларга ҳам тўқурта-регуляторлар қўйилади: булар деворларида бир нечта бир-

<sup>17</sup> Мақдисиё, Уша асар, 288-бет; Еқут, т. II, 483-бет, МИТТ, т. I, 187—188 ва 420-бетлар.

<sup>18</sup> Абулғози, Демезон нашри, 233-бет.

<sup>19</sup> О. Р. Шкапский, Аму-Дарьинские очерки, Ташкент, 1900, 46-бет.

бирига қарама-қарши тешиқлар бўлган ёғоч қувурлардир. Бундай тўқуртқаларни каналнинг ён томонларига мослаб, бadoқ ўзанида вертикал ҳолда қурилади. Бу қувурларни «тик тўқуртқалар» деб юритадилар. Агар ариққа кўп сув оқизиш зарур бўлиб қолса, бир вақтда бир неча тешиқ ишлайди. Тўқуртқадан оқаётган сувни камайитиш учун юқориги ёки пастки тешиқ бекитилади.

Тик тўқуртқа ёпдаги сувнинг ҳар қандай даражада бўлишини назарда тутилиб ўрнатилади; сув кам вақтда пастки тешиқ очилади, сув кўпайиб кетганда эса юқориги тешиқлардан фойдаланилади.

Бу одатда, сувнинг пастки қатламларида бўладиган лойқа қумлоқларининг оғир заррачаларини тўқуртқадан мумкин қадар камроқ ўтказиш мақсадида қилинган.

Ёпда сув кўпайганда, оқим анча кучая боради ва оғир заррачаларнинг ҳаракат доираси кенгайди, натижада бу заррачалар ариққа кўп ўтади: шу пайтда пастки тешиқларни ёпиб, сув ариққа лойқа зарралар камроқ бўлган оқимнинг юқори қисмидан оқсин учун юқоридаги тешиқларни очадилар.

Солма Хоразмнинг суғориш тармоқлари системасида энг кичик сув йўли ҳисобланади. Булардан сув суғориладиган участкаларга тушади. Солма икки хилдир: оёқ солма ва чиғир солма.

Оёқ солма ёпнинг бевосита тармоқчаси сифатида етарли тезликка ва горизонтга эга бўлган ўзи оқар солмадир. Умуман Хоразмда ўзи оқар тармоқ «оёқсу», яъни сув оёғи, этаги деб аталади. Оёқ солма энг қулай усул ҳисобланади ва ҳар бир деҳқон хўжалиги уни, сув билан таъминловчи энг қулай восита деб қадрлайди.


Чиғир солма фақат чиғир ёрдами билан вужудга келтирилади.

## 2. СУВ ЧИҚАРАДИГАН МЕХАНИЗМЛАР

Юқорида айтиб ўтилгандек, Нил, Амударё, Ҳинд, Панжобдаги тошқин каналлар суғориладиган ерларни сув билан етарли даражада тез таъминламайди. Каналдаги сув горизонти кўпинча далалар сатҳидан анча паст бўлади. Шу сабабли Шарқда қадимдан оқ сувни сунъий йўл билан пастдан юқорига чиқарганлар. Сувни юқорига чиқаришнинг энг қадимги қўл усули Миср типи—шодуфлар бўлиб, улар қадимий Мисрда, Месопотамияда ва Ҳиндистонда кенг тарқалган эди. Улар устунга дастақ боғлаб ҳавозага ўхшатиб ясаллади ва одатда дарё ёки қудуққа қурилади. Дастакнинг бир томонига оғирлик, иккинчи томонига қовға (пақир) ўрнатилган бўлиб, одатда теридан қилинади. Сув ботириб олувчи дастак пақирни ботириб сув олади ва уни тарновга тўқади, ундан сув экинзорга оқади. Шодуф ёрдами билан бир соатда икки метр баландликка—3400 л, уч метр баландликка 2700 л, тўрт метр баландликка—2050 л, беш метр баландликка эса, 1800 л сув чиқариш мумкин эди<sup>20</sup>. Меҳнатни энгиллаштириш ва шодуфлар ишини тезлаштириш учун уларни бир неча қаватли қилар эдилар. Дастак 1,5 метрдан ортиқ бўлмаган чуқурликдаги қудуқдан сувни олиб, бир қават юқорида бўлган ховузга қуяр, ундан юқоридагилари ҳам худди шундай қуйилиб бориб, ниҳоят сув бироз баландликка чиқарилгач, катта-катта экинзор ва боғларни суғорганлар.

Шодуф системаси Ҳиндистонда «денсли» номи билан тарқалган. Ҳиндистонда «рати» деб юритиладиганлари ҳам кенг тарқалган бўлиб,

<sup>20</sup> И. Лурье и др. Очерки по истории техники древнего Востока, М., 1946, 149-бет.




19-расм. Шодуф



20-расм. Сув кўтаргич маятник

булар Миср «атуэ» сига ўхшашдир<sup>21</sup>. Қудуқ устига одам бўйи баландлигида горизонтал вал ўрнатилади ва унга арқон ташланади, арқоннинг икки учига икки челақ боғланади. Икки киши қудуқнинг икки томонида туриб, сувни шундай мўлжал билан ботириб оладики, биринчи челақдаги сув тарновга қуйилгунча иккинчиси тўлиб туради<sup>22</sup>.

Ирригация техника тараққиёти тарихида яна, Мисрда Архимед винти ва Ҳиндистонда сув чиқарадиган маятник каби сув чиқарувчи асбоблар ҳам маълум. Ҳиндистоннинг сув чиқарувчи маятниги ҳозирги кунда ҳам баъзи жойларда қўлланилади. Бу маятник унга кўндалангига бир қанча тарновларни синиқ чизиқлар шаклида боғлаш йўли билан қурилади. Маятник каналнинг ўртасига қурилади. Маятникнинг вертикал ўқига узун арқон боғланади ва унинг икки учини каналнинг икки қирғоғида икки киши ушлаб туради. Улар маятникни олд ва орқага бирин-кетин бир текис қимирлатиб, сувни пастки тарновдан юқорисига чиқарадилар, шу билан бирга ҳар бир тарновнинг қимирлатиш вақтида ундаги сувнинг тўлқинланиб орқага оқиб кетишига йўл қўймайдиган ёғоч клапани бўлади.



21-расм. Ҳинд хурус

Шарқ мамлакатларининг ирригация хўжалигида сувни юк ҳайвонлари кучи билан чиқариш кенг расм бўлган. Канал ёки қудуқ қирғоғида икки устун ўрнатилиб, уларнинг устки учи ғалтак билан бирлаштирилади. Бу ғалтакка арқон ташланади ва бир учига теридан қилинган катта қовға боғланади; иккинчи учини уй ҳайвонларидан ҳўкиз, от, туя ёки эшак тортган. Бобир Ҳиндистонда кенг тарқалган «хурус» деб аталувчи бу иншоот ёрдами билан сув чиқаришни қуйидагича таърифлайди: «Хурус»га боғланган ҳўкиз қовға қудуқдан сувга тўлиб чиққунга қадар устунлардан узоқлашиб, арқоннинг бир учини тортади; бунда одам сувни тарновга қуяди, ҳўкиз эса аввалги жойига қайтиб келади, яна шу ишини қайтаради<sup>23</sup>. Месопотамияда бу усул «черд» деб аталади<sup>24</sup>.

Урта Осиёда бу кенг қўлланилмайди, фақат Қашқадарё областининг баъзи жойларида учрайди ҳамда саҳроларда чуқур қудуқлардан сув чиқаришда қўлланилади.

Хоразмда каналлардан далаларга сув чиқаришнинг энг оддий усуллари «сепма», «депма» ва «нова» ҳисобланади.

Сепма уч томони берк куракдан иборат. Ариқ қирғоғига вертикал равишда иккита учоёқ тўсин ўрнатилиб, устига тўсин (яккачўп) қўйила-

<sup>21</sup> Х. В. Гельман, Отчет о поездке в Египет, Тунис, Алжир, Италию и Францию, СПб., 1893, 10-бет.

<sup>22</sup> С. Ф. Островский, Ирригационная система Индии, СПб., 1907, 18-бет.

<sup>23</sup> Бобир, Бобирнома, Қозон, 1856, 355-бет.

<sup>24</sup> И. Лурье и др., Очерки по истории техники древнего Востока, М., 1940, 22-бет.

ди. Чўзинчоқ тоғорага ўхшаган куракнинг бир нечта кулоқлари бўлиб, булар орқали, арқон билан тўсинга боғланади. Сепма аргимчоқ шаклида тузилган. Ип вертикал бўлганда, курак сувга тўлади, олдинга тортганда эса, у қийшайган ҳолда бир текис кўтарилади ва сувни қуюди. Сувни қуйишда қулайлик туғдириш учун пастки ариқдан бироз сув ажратилиб, кичик ҳовуз ясалади ва шундан сув ботириб олинади. Ишчи куракнинг соpidан ушлаб қимирлатади ва сувни пастки ариқдан суғориладиган майдоннинг юқориги ариғига қуюди.



22-расм. Сепма усули

Қорақалпоғистонда сепманинг бироз бошқача тури сақланиб қолган; у ерда курак ерда кўндаланг қўйилган ёғочга ўрнатилган бўлиб, ричакка ўхшаш, кишининг қўли билан ёки оёғи орқали ҳаракатта келтирилади. Агар сепма оёқ билан ҳаракатлантиришга мослаштирилган бўлса, «депма» деб аталади.

Хоразм миробларининг ҳисоби бўйича сепма усули билан кун бўйи 0,05 га гача майдонни суғориш мумкин.

Сепма ҳозиргача сақланиб қолган, лекин жуда кам миқдорда. У шунинг учун ҳам сақланиб қолганки, уни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш осон. Сепма асосан кичик майдонларни суғориш учун қўлланилар эди.

«Нова» усули Жанубий Туркменистонда ва жуда кам миқдорда Хоразмда қўлланилар эди. Бу усул ёрдамида сув 3,5—4 метрли бир томони берк ёғоч тарнов билан рельефнинг энг пастки жойларидан анча баландга чиқарилади. Баъзан тарнов икки томонига баравар қийшайиши мумкин бўлган кўндаланг ёғочга ўрнатилади. Тарновнинг берк томони сувга тўлади ва ишчи ҳар гал новани сувдан кўтариши ҳамда юқоридаги солмага оқсин учун маълум даражада қийшайтириши керак. Жуда такомиллашган усулда нованинг берк томонига боғланган арқон дарахт шохи ёки сепоя тўсини орқали ташланади ва киши арқоннинг ташланган

учини тортиб новани кўтаради. Бундай усул билан киши бир жойда туриши, суғориш учун кам куч ва вақт сарфлаши мумкин.

Ниҳоят, Миср ва Месопотамияда «соқия», Эрон ва Ҳиндистонда «чарх», Хоразмда «чиғир» деб аталувчи қадимий сув чиқариш машинаси энг «такомиллашган» усул ҳисобланади.

Шарқда деҳқончиликнинг узоқ тараққиёт процесси давомида сув чиқариш механизмларининг энг оддий усулларидан аста-секин анча мураккаб турларига ўтиши натижасида (бу албатта жамиятнинг социал-иқтисодий ҳаётининг ўзгаришини кўрсатади) у ерда ўзига хос ирригацион техника вужудга келган.

Месопотамия ва Мисрда шодуфдан, Ҳиндистонда рати, денслидан, Марв воҳасида новадан, Хоразмда нова ва сепмадан чердга (Месопотамия ва Миср), хурусга (Ҳиндистон) ўтиш киши меҳнатини енгиллатиш йўлида олдинга қўйилган қадам бўлди. Хоразмда сепманинг уч хили ва нованинг икки хили ҳам (унинг жуда оддий ва унчалик эффектив бўлмаган стадияда қўлланишига қарамай) сув чиқариш техникасининг такомиллаша борганини кўрсатади.

Иш ҳайвонлари ёрдами билан сув чиқаришнинг янги усулларининг ўзидаёқ ирригаторнинг меҳнат унумдорлигини оширган ихтирочиликдан иборат эди.

«Конвейер» системасига ўтиш сув чиқариш техникаси тараққиёт тарихида иккинчи йирик қадам ҳисобланади. Биз бу системанинг энг оддий ва ўртада турувчи хиллари ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз, аммо Мисрдаги «атуэ», Ҳиндистондаги «рати»лар бу янги механизмнинг намуналари бўлганлар деб фараз қила оламиз. Бу конвейер айланувчи филдирак ва унга ўрнатилган идишлардан иборат. Идишлар сатҳи паст бўлган дарё ёки каналдан сув олиб кўтариб, юқори қирғоқдаги ариқларга қуяр эди.

Хитойда филдирак конвейер билан бир қаторда, унинг бошқача, «лентали» хилидан ҳам фойдаланилади. Бундай конвейер занжирдек силжийдиган бир-бирига уланган тахтачалар тасмасдан иборат бўлиб, қия қилиб қўйилган тарнов орқали ўтади; тахтачалар тизмаси сувга тўлган пастки ва ўқида мустаҳкамланган тарновнинг охирини эгиб қия юза бўйлаб, олдидаги сувни қувиб юқорига ҳаракат қилади; тарновнинг юқориги учига тизма иккинчи ўқни тўхтовсиз айланиб ўтиб туради. Сув тарновнинг учига етгач, иккинчи тарновга қуюлади, бундан далага оқади<sup>25</sup>. Хитойларнинг бу сув чиқариш иншооти икки хил: бир жойда турувчи ва кўчма бўлади. Биринчиси ҳайвон кучи билан айланувчи—узатувчи механизмга боғлиқ бўлса, иккинчиси дарё қирғоғининг ҳар қандай жойига қурилаверади. Баъзан ўқни бир киши қўли билан ҳаракатлантиради, бошқа ҳолларда тарнов учи ёнида, ўқнинг бошидан охиригача крест шаклда зина тахтачалар қоқилган бўлиб, буларни бир ёки икки киши оёғи билан босиб айлантириб туради; айлантирувчи кишининг ўзи қўллари билан кўндалангига қоқиб қўйилган ёғочни ушлаб туради. Бу машиналар ўзининг енгиллиги билан ажралиб туради ва бир киши бемалол кўтариб кўчира олади.

Шарқда «форс филдираги» жуда кенг тарқалган эди. Эрон ва Ҳиндистонда бу «чарх» (филдирак) номи билан, Миср ва Месопотамияда «соқия», Хоразмда «чиғир» деб юритилади.


«Чиғир» (چغیر) ҳозирги адабиётда чиғир деб юритилади ва уни «чиқармоқ»<sup>26</sup> феъли билан боғлайдилар.

<sup>25</sup> И. Клинген, Среди патриархов земледелия, ч. III, СПб., 1899, 98—100-бетлар.

<sup>26</sup> «чиқар»—шу феълнинг буйириш майли.




23-расм. Қўл новаси



24-расм. Нова



25-расм. Тасмали конвейер



26-расм. Ҳинд чархи



Бошқа ривоятга қараганда, «чиқир»нинг номи «чиғирик» (айлан-тирмоқ) феълдан келиб чиққан. Чиқирнинг маҳаллий номи биринчи марта XVII аср ўрталарида Абулғози томонидан айтиб ўтилади. Абулғози, унинг сўзига қараганда, ўз китобини жуда содда тилда ёзишга ҳаракат қилган. Шу сабабли у эронча ўрнига халқ терминини ишлатишни афзал кўрган деб хулоса чиқариш мумкин<sup>27</sup>.

Хоразмий X асрда Марв воҳасидаги чиғирлар ҳақида гапирганда олти термин ишлатади: 1) дўлоб, 2) далия, 3) ғаррафа, 4) зурнуқ, 5) наура, 6) манжанун. В. В. Бартольднинг фикрича, бу терминларнинг ҳар қайсиси чиғирнинг турли хилларидан бўлиб, алоҳида маънони англатган ҳамда баланд ерларни суғориш учун сув чиқарадиган иншоот ҳисобланган<sup>28</sup>.

1349 йилда Хоразмда тузилган шайх Сулаймон Ҳаддодийнинг хонақо вақф ҳужжатида чиғирнинг эронча «чарх» номи келтирилади.

Чиғир (чиқир) уч асосий қисм: сув ботириб олувчи идишлари бўлган ғилдирак, горизонтал ўқ ва тарновлардан иборат.

Чиғирни ўрнатишда суғоришда қулайлик туғдирадиган жойда чуқурлиги 3 м, кенлиги 1 м ва узунлиги 3 м бўлган қудуқ қазилиб, унинг уч томони ўпирилиб кетмаслиги учун ёғоч ва шох-шаббалар билан тўқилади; тор бир томони эса, сув оқиб кириши учун очиқ қолади. Бундай қудуқ «кориз» деб аталади. Кориз сувнинг манбаи билан «тортма» деб аталувчи ариқ орқали боғланади. Тортманинг ўзига сув солма ёки ёпдан кўпинча тўқуртқа орқали келади. Кўпинча тортма оқар сувдан анча пастда қурилади; шу сабабли тўқуртқа ёпилиши билан коризга оқаётган сув ҳам тўхтайд.

Чиғирнинг ғилдираги вертикал ҳолда коризнинг ичига ўрнатилади. Ғилдирак ўқининг учли томони йўғон ёғочни ўйиб ўрнатилади. Бу ёғоч тарновга қарама-қарши бўлган деворнинг ўртасига ўрнатилади. Ғилдиракни коризда шундай ўрнатиш керакки, ундаги идишлар сувга бемалол тўлсин. Шу билан бирга ғилдиракнинг катта қисми кориз оғзидан юқориди бўлиши керак, яъни идишлардаги сув тарновга анча қиялик билан тушсин.

Чиғирнинг икки хили учрайди: «улу чиқир» (катта чиғир) ва «кичи чиқир» (кичик чиғир). Булар бир-биридан ғилдирагининг, демак, идишларининг ҳажми билан ҳам фарқ қилади. Ғилдиракнинг диаметри бир ярим метрдан икки ярим метргача бўлади. Ғилдиракнинг тўғини («қасноқ») кенлиги 6—7 см, қалинлиги 2 см бўлган катта ёғоч гардишга ўхшайди. Ғилдирак тўғинига сопол кўзалар («дигирлар») ўрнатилади; ҳар бир кўзанинг таги ясси даста шаклига ўхшайди. Дигир шу дастага —тўғинга боғланади, шунингдек тут ёки толнинг ёш навдаси пўстлоғидан эшилган ип билан кўзанинг бўйнидан ҳам боғланади. Дигирларни тўғинга шундай қиялик билан жойлаштириладики, коризга қайта ботирилганда ундаги сув ғилдирак олдида тарновга куйилади. Чиғир ғилдирагига, унинг катта-кичиклигига қараб, 24 дан 36 тагача дигир боғланади. Кўпинча 28—30 дигир боғланади<sup>29</sup>.


Дигирга ўрта ҳисобда 3 литр сув сиғади. Катта чиғирни туянинг кучи билан, кичик чиғирларни эшак, от ва ҳўкизларнинг кучи билан ҳаракатга келтирилади.

<sup>27</sup> Абулғози, *شجره نرك* УзССР Фанлар академияси асосий кутубхонасининг 217-сонли қўлёзмаси, 285а varaқ, Бундан кейинги баёнимизда чиғир деб атаймиз.

<sup>28</sup> В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, 54—55-бетлар.

<sup>29</sup> С. К. Кондрашев, Орошаемый Хорезм, М., 1931, 137-бет.

Чиғир ғилдирагининг горизонтал ўқи («ётиқ ўқ»)нинг кориздан ҳам четта чиқадиған узун учи бўлади. Бу учига бир қанча тишли бошқа кичикроқ ғилдирак ўрнатилади. Бу, оддий узатувчи қатор тишли ғилдиракчани эслатади. Горизонтал ўқдаги бу вертикал ғилдирак «кичи кўмач» деб аталади. Кичик кўмачнинг эркин айланиши учун ерда кичик



27-расм. Улуғ чиғир


чуқурча қазилади. Чиғир ғилдираги билан кичик кўмач ўртасидаги жойни ишчи ҳайвон ўтаоладиган қилиб тўсин ёки тупроқ билан қоплайдилар. Кичик кўмачдан сал нарида унинг юқориги учи баландлигида горизонтал «улу кўмач» ўрнатилган. Бунинг ўқи вертикал бўлиб, «тик ўқ» деб аталади. Бу кўмач устида икки устундан иборат ёғоч иншоот—ўра ўрнатилган, унинг устида тўсини бўлиб, у «мослиқ» дейилади; унинг узунлиги 4—5 м. Улу кўмач вертикал ўқининг юқориги ўтқир учи мослиқнинг ўртасини ўйиб ўрнатилган, пастки учи эса, кичик кўмач ўқи йўналишида горизонтал ётган йўғон тўсиннинг худди шундай ўйиб қилинган тешигига ўрнатилган. Кичик кўмач ўқининг учи шу тўсинни ўйиб ўрнатилган. Шундай қилиб, кичик кўмачнинг горизонтал ўқи ҳам, улу кўмачнинг вертикал ўқи ҳам шу тўсинга ўрнатилган.

Иккала кўпач ҳам бир хил қилиб, Хоразмда ўсадиган мустаҳкам қайрағочдан ишланади. Улу кўмач тўғи узунлиги 15 см, кенглиги юқорида 10 ва пастда 6 см, қалинлиги 5 см бўлган тишлар билан қопланган. Горизонтал кўмачга оддий, узунлиги 1,5 м ли таёқча—«қутлик» ўрнатилган бўлиб, унга ҳайвонни қўшганлар.

Иш ҳайвони сифатида чиғирга туя, от, ҳўкиз ёки эшак қўшилади. Ҳайвон вертикал ўқ атрофида кориз билан дастак орасида юради. У горизонтал (улу) кўмачни соат стрелкаси йўналишида айлантиради. Бунда горизонтал тишлар вертикал (кичик) кўмач тишлари билан бирикади ва шу усулда чиғир ғилдираги ўрнатилган ўқ ҳаракатга келади. Дигирлар бирин-кетин кориздаги сувга тўлади. Сув коризнинг четигача кўтарилиб, ғилдиракка параллел ўрнатилган ёғоч тарновга қуйилади. Тарновдан сув «чиғир солма» деб аталувчи ариқ билан далага оқади.

Хоразм чигири ўз тузилиши билан Миср «соқия»си, ҳинд ва эрон «чархи»га жуда ўхшайди.

Хоразмда кўп ярусли чигир системаси бўлган эмас, чунки бунга муҳтожлик бўлмаган. Хоразм аҳолиси ўртасида тарқалган афсонага кўра, жуда қадим замонда қандайдир Ноилжобобо деган бир дарвеш Устюрт ясси тоғини у ерда етти ярусли чигир системасини қуриб суғорган эмиш. Ноилжобобонинг хаёлий мақбараси Устюрт қири устида Девкесган қўрғони харобаси ёнида жойлашган, ammo бу ерда Хоразм археологик экспедицияси сув чиқаришнинг бирон белгисини топмади.



28-расм. Чигирнинг тузилиши. Шартли белгилар: 1—мослик; 2—ўра; 3—тик ўқ; 4—улу кўмач; 5—қутлик; 6—кориз; 7—ётиқ ўқ; 8—нова; 9—чигир филдираги; 10—11—дигир; 12—кичи кўмач


Хоразмда Ҳиндистон ва Волга бўйи атрофида кенг тарқалган чигирларнинг тизма системаси ҳам учрамайди. Бу система Хоразм чигиридан шу билан фарқланадиги, унда дигирлар бевосита филдиракка эмас, балки занжирдек ипга боғланади ва қудуқдаги сув юзасигача осилиб туради. Филдирак айланганда дигирлар сувга тўлиб, ипда филдиракка кўтарилади ва сувни тарновга қуяди.

Хитойдаги сув чиқариш машинаси ҳам Хоразм чигири принципида қурилган, ундан фақат шу билангина фарқланадиги, ҳайвон кучи билан ҳаракатлантириладиган узатувчи механизм унда Хоразмдагидек чигир филдирагига эмас, балки, «лентали конвейерга» ўрнатилади.

Хоразм чигири сувни асосан 2 метрча баландликка чиқаришга мўлжалланган. С. К. Кондрашев маълумотига кўра, чигир филдираги бир соат давомида 265 марта айланиб, шу вақт ичида 20.000 л га яқин сув олиб беради ва уч десятина ерни суғоради<sup>30</sup>.

<sup>30</sup> М. Громов и В. Баранов, Чигир—как водоподъемная машина и как привод, Ташкент, 1931, табл. I; С. К. Кондрашев, Орошаемый Хорезм, табл. 25; С. П. Грамбачев, Предварительные материалы к вопросу о развитии ирригационного строительства в Средней Азии, Вестник ирригации, 1925, № 12. Чигирнинг фойдали иш коэффициенти филдирагининг диаметрига боғлиқ, бу баъзан жуда катта бўлади.

Чиғир билан суғоришнинг оқар сув билан (оёқ) суғоришдан фарқи шундаки, далага чиғир орқали оқизиладиган сув коризда туриб қолади, натижада оқиб турган Амударё сувидаги лойқаларнинг кўп қисми чуқур тагига чўкади. Аммо, эриган тузлар далага тоза ҳолида оқиб боради ва тупроқнинг шўрланишини тезлаштиради. Хоразм деҳқонлари оқар сувдаги лойқалар эриган тузлар таъсирини деярлик тўхтатади деб ҳисоблайдилар ва шу сабабли ҳам улар оқар сув билан суғоришни афзал кўрадилар.



29-расм. Кичи чиғир

Энди Хоразм воҳасида жуда кенг тарқалган сув чиғирлари устида тўхталиб ўтайлик. Булар оқар сув кучи билан ҳаракатга келтирилганлиги сабабли, сув чиғири деб юритилган.


Сув чиғири икки катта ғилдиракдан иборат бўлиб, бир умумий ўқ билан бирлаштирилган. Бу ғилдиракка кўндалангига бир қанча белкуррақнинг кафти ўрнатилган. Оқим белкуррак кафтига урилиб, ғилдиракни айлантиради. Ғилдиракнинг енгилроқ бўлиши учун унга оғир сопол дигирлар ўрнига ёғоч ёки туникадан қилинган енгил идишлар ўрнатилади.

Хитойларнинг сув чиғирларида бундай идишлар ўрнида бамбукдан ишланган тарновлар ишлатилади<sup>21</sup>.

Сув чиғирлари қирғоқ ёнида ёғоч ходалар устида қурилади. Дигирлардан тушаётган сув тарновга қуйилади, ундан далага оқади. Агар сув

<sup>21</sup> И. Клинген, Уша асар, III қисм, 101-бет.

керак бўлмаса, тарновни четга олиб қўйилади ва сув қайтадан ариққа тушади. Сув чиғирлари тузилишининг рентабеллиги, оддийлиги туфайли сунъий суғориш мавжуд бўлган ҳамма ерда тарқалган.



80-расм. Хитой чиғири

Хоразмда Амударёнинг ўзида катта сув чиғирлари фақат қирғоқнинг тузилиши ва оқим характери қулай бўлган жойлардагина учрайди.

Хоразмнинг сунъий каналларида унча катта бўлмаган чиғирлар қўлланилар эди. Бундай чиғирлар жуда кўп эди, айниқса Шоҳобод каналлида. Канал бўйлаб йўловчи киши тўхтовсиз айланувчи сув чиғирларнинг бир хил овозли шовқини ва шикоятли чиғирлаши орасида сузар эди.

Чиғир билан суғоришнинг қачондан бошланганлигини аниқлаш қийин. Фақат шу нарса маълумки, Месопотамияда эрамизгача III минг-йилликда Фар-Шуруппак текстларида хўкиз ва эшак ёрдамида фойдаланиладиган «суғориш машинаси» ва уни қуриш учун «ёғоч кераклиги»<sup>32</sup> ҳақида эслатиб ўтилади.

Бундай «машиналар» қадим вақтларда чердлар бўлган бўлиши мумкин, булар ҳозирги вақтда ҳам у ерда кенг тарқалган. Чердлар соқия (чиғир)га нисбатан анча оддий. Чердларни қуриш учун ҳақиқатда кўп ёғоч талаб қилинади ва улар ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтирилади.

Ҳар ҳолда, сув чиқаришнинг энг оддий тебраш усули «сепма»дан кейинчалик айланишга асосланган чиғир усулига ўтилиши бизни умуман тебранишга асосланган «маятник» техникасидан анча мукамал айланиш техникасига ўтишнинг хронологик чегарасини аниқлашга мажбур этади. Буни ёрғучоқдан қўл тегирмонига ўтиш, кейинчалик ундан айланма ҳаракатга асосланган хурусга ўтиш даври билан белгилаш мумкин. Мана шу вақтда сув чиқариш филдирагига ҳам ўтилган бўлиши мумкин.

<sup>32</sup> И. Лурье и другие, Очерки по истории техники древнего Востока, М., 1940, 22-бет.

Чиғир техникасининг вужудга келиши ва тараққиёти ҳақидаги тасаввурларимизнинг тор доирасига асосланган бундай изчилликни ҳозирча ишчи гипотеза тарзида тавсия этиб, чиғирнинг вужудга келишини сув тегирмон ғилдирағи (паррағи)нинг келиб чиқиши билан боғласа бўлар эди. Ҳақиқатда эса, классик ирригация мамлакати бўлган Мисрнинг ҳали антик даврда, ҳеч бўлмаганда сув тегирмони вужудга келишидан анча илгари сув чиқарадиган ғилдирак техникасини билмаганлиги даргумондир. Кўриниб турибдики, дастлаб Олд Осиёнинг таъсири Хоразмда, айниқса ирригацион техника каби энг муҳим соҳада сезилган.

Шунингдек, сув тегирмонига чиғир механизми асос бўлган дейиш ҳақиқатдан узоқ бўлмаса керак ва қачонлардир жуда қадим замоннинг чиғир хўжалиги ёдгорликлари топилди.

Хоразмда жуда қадим вақтларда суғорилган ерларнинг ишдан чиққан ирригацион тармоқларини текширишда биз ҳозирча чиғир хўжалигининг ҳеч қандай белгисини топмадик. Қадимий каналлар сувайирғичдан қазилгандек бўлиб, оқиш учун анча нишоб бўлган. Каналлар саёз ва кенг бўлган. Бундан мақсад — уларни ўзбоқар қилиш эди.

Ҳеч қаерда кориз чуқурларини англатувчи бирон белги учрамади. Шунингдек чиғир кўзаларининг (дигирларнинг) ишлатилганини кўрсатувчи сопол идишларнинг синиқлари ҳам топилмади.

Араб географлари Хоразмда чиғир системаси ҳақида мутлақо гапирмаган. Буни қисман шу билан тушинтирса бўладик, уларга бу вақтда чиғир системаси Эрон ва Олд Шарқ мамлакатларидан маълум эди. Шу сабабли улар Хоразмда чиғир системасининг мавжудлигини айтиб ўтмаган бўлсалар керак. Хоразмийнинг X асрда Марв воҳасида чиғир системаси мавжуд эди, деб ёзиши, ирригацион техниканинг бу усули, шубҳасиз, бутун Хоразм воҳасида тарқалган эди деб фараз қилишга имкон беради.

Феодал даврининг ўлик воҳаларида (Қаватқалъа районида) чиғир қўлланилганини кўрсатувчи бирон белги ҳали топилгани йўқ; шу билан бирга ўша даврдаги каналларнинг сувсиз ўзанлари анча чуқур бўлган ва буларнинг узунлиги анча масофагача чўзилган бўлишига қарамай, антик каналларга nisбатан бир мунча тор бўлган. Мана шу энининг торлиги ва жуда чуқурлигининг ўзиёқ сув чиқариб суғоришга мўлжалланганини кўрсатади.

Б. М. Георгиевский, юқорида кўрсатиб ўтилгандек, Хоразмда чиғир системасининг маданий-ирригацион уюмларнинг кўпайишидан келиб чиққанлиги ҳақида қизиқ фикрни баён қилди. Унинг ҳисоби бўйича, қадимий воҳаларнинг сатҳи тарихий давр ичида икки метрдан ортиққа баландлашган. Бу ҳол, шубҳасиз, магистрал каналлар тагини ҳам, тақсимловчи тармоқнинг тагини ҳам тозалаб туришни талаб қилган, каналларда сувнинг камайиши эса, деҳқонларни сепма, нова ва чиғир ёрдами билан сунъий усулда сув чиқаришга мажбур этган.

Хоразмда чиғир ҳақида биринчи марта XIV асрда эслатиб ўтилди<sup>33</sup>. Лекин бу чиғир системасининг анча кейин қўлланилганини исботлайдиган далил бўлаолмайди: мамлакатнинг ҳамма ерида чиғир кўп тарқалганига қарамай, бу ҳақда XIX аср Хева хроникаларида ҳам ёзилмаган.

Баъзибир фикрларга кўра, Хоразмда чиғир билан суғориш феодал

<sup>33</sup> 1349 йилда Қутлуғ Темур тасдиқ этган вақф ҳужжат, ЎзССР Фанлар академияси, 2046 varaқ. Бу ҳужжатда, чиғир (الچرخ) ёки оқар сув (ازاب دوان) билан суғорилишидан қатъий назар, ҳамма ерлардан олинadиган солиқ миқдори белгиланган.

лизмнинг вужудга кела бошлаган даврида, яъни бизнинг эрамининг V—VI асрларида келиб чиққан деб фараз қилса бўлади.

Чигир билан Миср соқиясининг умумий тузилиши ва деталларидаги ўхшашлик Хоразм аҳолиси анча қадимий классик ирригация ватани ҳисобланган Миср чигирдан ўрнак олган деб фараз қилишга имконият беради, аммо, бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, чигирнинг турли хиллари ҳамда улар қисмларининг номланишида ҳеч қандай ўхшашлик йўқ.

### 3. ТЎҒОНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Шўх Амударё сувини тартибга солишда Хоразм аҳолиси дарёнинг тошқин вақтидаги ўпиришлари билан жуда кўп банд бўлар эди. Бундай фалокатнинг олдини олиш ва бундан сақланиш учун одатда тўғонлар қуришарди. Қиш вақтида канални тўсиш равоқ қуришни талаб қиларди. Бу ишларнинг ҳаммаси кўп меҳнат сарфлашни ва ўпиришга қарши чидаш бера оладиган жуда кўп миқдорда инерт материал талаб қилар эди. Хоразмда бундай ишларга тош кам ишлатилади<sup>34</sup>, унинг ўрнига фашиналар кўп ишлатилади, буни Хоразмда «навард» деб юритилади. Навард шох-шабба ва чимли тупроқдан (чим энг арзон ва қулай материалдир) цилиндр шаклида 6—8 м узунликда, 1—1,5 м диаметрли<sup>35</sup> қилиб ишланади ва думалатиб канал қирғоғига келтирилади-да, сувга ташланади; бунинг орқасидан иккинчисини, учинчисини ва бошқаларини ташлайверадилар. Навардлар бир вақтда қирғоқнинг икки томонидан равоқ бекилгунча (тўлгунча) ташланади.

Баъзан бу техника анча катта дарё шохобчаларини ва катта ўпирилишларни тўсишда ҳам ишлатилар эди, у ҳолда шохобча ёки ўпирилиш ҳажмига қараб навардларнинг ҳажми ҳам жуда катта бўлар эди.

Мироб Мунис ва Баёний Хева хони Муҳаммад Раҳимнинг бўйсинмаган ороликлардан ўч олиш учун Амударёнинг уч шохобчаси йўлини ўзгартиб, Қўнғирот шаҳри районидан бошқа томонга оқизгани ҳақида гапириб ўтади. Чумоной, Чанглибосув ва Терсоқар бекитилган эди. Шохобчаларга навардлар ташланади. Наварднинг узунлиги 60 газ (66 м), айланаси 20—30 газга яқин бўларди. Уч шохобчанинг ҳаммаси саккиз кун давомида тўсилди. Тўсилган Чумонойнинг кенглиги 200 м дан ортиқ, чуқурлиги эса 10 м га яқин эди. Чанглибосувнинг кенглиги 180 м ча бўлиб, чуқурлиги 11 м га яқин эди. Терсоқарнинг кенглиги 33 м, чуқурлиги 6 м эди<sup>36</sup>.

Тўғондан ташқари яна бошқа инженер иншоотларидан ҳам фойдаланилар эди.

Тошқин вақтида Амударё суви билан тўладиган қирғоқ атрофидаги текислик минтақанинг деярлик ҳамма жойида баъзан бир неча қатор бўлиб, бутун Хоразм воҳаси аҳолисининг сердиққат меҳнати натижасида қурилган катта дамбалар—қочилар қўзилиб ётади<sup>37</sup>.

<sup>34</sup> Тош тўғон Ловзон бошида бор эди; у ҳеч очмаслик мақсадида тошдан қилинган эди.

<sup>35</sup> Навард шундай ясалади: шох-шабба ва қамишни текис жойга қўйиб, устига чим солинади ва чимни шох-шабба ҳамда қамниш билан ўраб, қўндалангига сими билан бойланади. В. В. Ц и н з е р л и н г, Уша асар, 568-бет.

<sup>36</sup> Б а ё н и й, Уша асар, varaқ 158б.

<sup>37</sup> Хоразмча «қочи» терминининг келиб чиқиши номаълумлигича қолмоқда. Баъзи хоразмликлар буни этимологик тушунтириб, қочиш фелидан дейишади, ва ҳоказо. Қочи термини Урта Осиёнинг бошқа областларида ва унга қўшни мамлакатларда учрамайди.

Қочилар тоза тупроқдан ишланади, бунда қамич ҳам, шох-шабба ҳам ёки бирон бошқа ёрдамчи материал аралаштирилмайди, натижада улар жуда зич, маҳкам бўлади<sup>38</sup>.

Дамбалар дарё қирғоғидан сал четроқда қурилар эди, чунки грунтнинг мустаҳкам эмаслиги туфайли қирғоқ доим эрозияга учрар эди. Ҳозирги вақтда бу Шайх Аббос (Шоббоз) қаршисидаги қирғоқда рўй бермоқда, бу ерда кейинги 40 йил ичида Амударё олти қатор дамбаларни ювиб кетди ва аҳоли деярлик ҳар йили дарё қирғоғидан борган сари четлатиб янги-янги дамбалар линиясини қурмоқда.

Қирғоққа яқин бўлган дамбалар анча катта ҳажмда бўлади; дамба асосининг кенглиги одатда 20 м гача етади, баландлиги 2,5—3 м бўлади. Дамбанинг устки юзасининг кенглиги 8—10 м дан ошмайди.

Дамбалар, сув тошқини вақтида тошиб, атрофдаги экинларга зарар келтирадиган тошқин каналлар бўйлаб ҳамда сув қуйиладиган кўлларнинг қирғоқ линиялари бўйлаб пастқам жойларда (минтақада) ҳам қурилади. Бу дамбаларни қуриш ва тузатиш қадимдан бутун воҳа аҳолиси зиммасига тушади. Ҳар йили дала ишлари тугагач, аҳолининг кўпчилиги қисми ишлатилаётган дамбаларни тузатиш билан, албатта, банд бўлган.

Эзги тошқин вақтида ва қишки муз тиқилиши натижасида дамбаларда кўплаб катта ўпирилишлар бўлади, бу кўпинча чап қирғоқда рўй беради; бунда аҳоли яшайдиган пунктлар билан бутун районларни сув босади.

Масалан, 1933 йилда сув жуда кўпайиб Гурлан қишлоғидан юқорироқдаги дамба линиясини ўпиради ва сув Қилич Ниёзбой каналига оқади, ундан Дарёлиқнинг эски ўзанига тушади. 48 жойда ўпирилиш юз берди ва дамбаларни тез вақт ичида тиклаб олиш учун 2700000 иш куни сарфланди.

Хоразм деҳқонлари учун каналларни ҳар йили лойқадан тозалаш оғир мажбурият ҳисобланар эди<sup>39</sup>.

Қазу, яъни Хоразмда каналларда лой тўпланиб қолиши воҳанинг ҳамма жойида муқаррар юз берадиган ҳодисадир. Унумдор Амударё лойқаси дала учун жуда яхши ўғитдир, шу билан бирга ирригацион тармоқ учун офат ҳамдир.

«Ариқ» лойи интенсив равишда қатламланиб бир вегетацион давр давомида Жанубий Хоразм ариқларида 0,60—0,80 м гача катламни ташкил этади. Бу миқдордаги лойнинг 60% и магистрал каналнинг бош қисмида, қолган 40% и эса тақсимловчи тармоқнинг охириги қисмидада чўкади. Магистрал каналларнинг ўрта қисмида, Пахта арнани мустасно қилганда, лойқа тўпланмайди<sup>40</sup>.

Шу сабабли каналларни лойқадан ҳар йили тозалаш (қазув) қадимдан икки зонага бўлинган: 1) сақо қазуви (бош қисмини тозалаш) ва 2) обхўра қазуви (тақсимловчи тармоқни тозалаш).

Каналнинг сақоси (бош қисми) олий ҳокимиятга тегишли бўлиб, тозалашни ташкил этиш ва уни сақлаш учун маблағ билан таъминлаш ҳукумат зиммасига тушади. Деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг

<sup>38</sup> Кекса ирригатор Отабоев Бобожоннинг айтишига кўра, Хоразм мироблари орасида бир қонда қонун тусига кириб кетган бўлиб, унга асосан тўғонга қуруқ ёки музлаб қолган лой ёки бошқа ғовак ва майдаланиб кетадиган материал ишлатган шахслар қаттиқ жазоланганлар.

<sup>39</sup> Қазувдан ва бошқа мажбуриятлардан руҳонийлар, хоннинг қариндошлари, амалдорлар, навкарлар ва бошқа имтиёзга эришган кишилар озод қилинар эди.

<sup>40</sup> Б. М. Георгиевский, Уша асар, 112-бет; В. В. Цинзерлинг, Уша асар, 573-бет.



ҳаммаси сақодан фойдаланиш ва уни сақлаш юзасидан маълум миқдорда қонуний мажбуриятни адо этган.

«Обхўра қазуви» бўйича ишлаб бериш маҳаллий характерга эга бўлган, яъни сақодан оқиб келадиган сув истеъмолчиларининг ўз иши ҳисобланган. Каналнинг бу қисмларини тозалашда жуда катта ҳажмда иш олиб борилади. Фақат биргина Жанубий Хоразмнинг ўзида каналлардан ҳар йили 7 млн. куб. метрга яқин лой чиқариб ташланар эди. Бутун Хоразмдаги каналларни тозалаш учун ҳар йили 1 млн гача иш кунни талаб қилинар эди<sup>41</sup>.

Қазув йилига икки марта: баҳорда ва кузда бўлади. Қазув иши катта каналларда икки ҳафтадан ошмас эди, чунки бунга жуда кўп қазувчи юборилар эди.

Улуғ қазув ва ташқи қазувни ташкил этиш ҳукумат зиммасида эди. Ишни олиб борувчи—соҳибкор албатта катта тўралардан бўлиб, у бош миробнинг розилиги ёки таклифи бўйича хон томонидан махсус ёрлик билан тайинланар эди<sup>42</sup>.

Улуғ қазув эълон қилинишидан олдин йирик амалдорлар соҳибкорлик мансабларига эга бўлиш учун бир-бири билан рақобатлашиб пора ва найрангларни ишга солар эдилар, чунки улар қазув даврида бойиб олишлари мумкин эди. Ишни олиб борувчи соҳибкор катта ваколат ҳуқуқига эга бўлиб, мансабли кишилар аппаратини ўзи тўлдирарди. Мана шунинг орқасида унинг учун янги маъмурий лавозимларга интилувчилардан пора олиш имконияти туғиларди. Аммо хиёнат шу билангина тугамас эди. Соҳибкор қазувчи учун янгидан-янги қийинчилик ўйлаб чиқарар эди. Пул топишнинг энг яхши усули қазувчини энг чекка районлардан чақириш ҳисобланарди. Масалан, Шоҳобод ёки Полвонёп каналида қазув иши учун қазувчи дельта қорақалпоқларидан ёки Хўжайли районидан чақирилар эди. Агар қазувчилардан биронтаси ишга кела олмайдиган аҳволда бўлса, ундан 5 тилла олинар эди (олтин курси бўйича 18 сўм, яъни ўша вақтдаги нарх билан етти-саккиз қўй баҳоси).

Иш муддатига етиб келиш осон эмас эди. Ҳукумат қазувчиларни иш жойига бирон нарса билан олиб келмас эди, бечора қазувчилар арава учун, қайиқ учун ўзлари ҳақ тўлар эдилар, шу билан бирга бутун узоқ йўл учун озиқ-овқатларини ҳам гамлашлари керак эди.

Шу сабабли хабарчи қишлоққа келиб, қазув учун чақираётганини эълон қилганда аҳолининг ҳаммаси ташвишга тушар эди. Хабарчи соҳибкорнинг топшириғи бўйича маҳаллий ҳокимлар билан қазувдан тўлов билан қутилувчиларнинг сони устида савдолашар эди. 100 қазувчидан фақат 8 тасига мажбуриятдан қутилиш учун рухсат бериларди. Булардан 40 тилла олинар эди (144 сўм); уч қазувчининг тўлаган суммаси маҳаллий ҳокимлар фойдасига қолар эди, қолгани эса соҳибкор фойдасига тушар эди. Хабарчи, қондага кўра ўз фойдасига ҳар бир қазувчидан икки тангадан йиғиб олишга (30 тийин) ҳақи бор эди. Бу «афанақ пули» дейиларди.

Қазувчи иш жойига етиб келганда бир тангадан (15 тийин) чибиқчига<sup>43</sup> тўлар эди. Ҳар бир қазувчи тўлаши шарт бўлган ҳақ билан чегараланмай, белини «чибиқ»дан озод қилиш учун чибиқчига кўпроқ ҳақ беришга ҳаракат қилар эди. Қазувчидан яна бошқа йиғимлар: тўраларга

<sup>41</sup> Б. М. Георгиевский, Уша асар, 112-бет; В. В. Цинзерлинг, Уша асар, 573-бет.

<sup>42</sup> Мироб—сув ҳокими демақдир.

<sup>43</sup> Чибиқчи—50—100 қазувчининг устидан кузатувчи шахс. У қазувчиларни чибиқ (таёқ) билан ургани учун номланган.

хизмат қилувчи ошхона учун, уларнинг отларига бериладиган ем-хашак учун, руҳонийлар учун йиғим ва ҳоказолар олинар эди.

Ниҳоят, соҳибкор буйруғи билан арқончилар канални чекларга (қисмларга) бўлар эдилар, ҳар бир чек, жойнинг кенглиги ва чуқурлигига қараб, 25 м дан 40 м гача бўлар эди. Ҳар бир чекка чибиқчи бошчилигида 50 дан 102 гача одам ажратилар эди. Мироблар қизиладиган лойнинг қалинлигини аниқлар эдилар.

Мана шундан кейин, қазувчилар чеклар бўйича тақсимлангач, «пул тўлаб қутулувчилар» билан ҳақиқий савдо бошланар эди. Олдингига қараганда тўлов ҳақи уч тиллагача камайтирилар эди. Ясовуллар ва чибиқчи соҳибкор кўрсатмаси бўйича, қазувчини пул бериб қутилишга ундар эдилар; бунга кўнмаган қазувчи ҳар қандай хўрликка мубтало қилинар эди. Мана шундай йўл билан қазувчининг сони борган сари камайиб борар эди, чек нормаси аввалгича тураверар эди; шундай қилиб, бутун ишнинг оғирлиги деҳқонларнинг пул бериб қутилишига қурби етмайдиган энг камбағал қисми устига тушар эди.

Қазувнинг бошланиш вақтига хоннинг ўзи келар эди. Ҳар йили март ойида хон шахсан Полвонёп, Ғозиобод, Шоҳобод каби катта каналлардаги қазув учун пойтахтдан чиқар эди<sup>44</sup>. Иккинчи даражали каналлардаги қазув учун соҳибкордан ташқари яна юқори мансабли тўралардан ҳам юборилар эди.

Руҳонийлар иштирокида ўтказиладиган катта тантана маросимидан кейин хон каналга тушиб қўлига курак оларди ва кўринишидан биринчи курак тупроқни ўзи олмоқчи бўларди; аммо эски одат бўйича, қазувчилардан бири унинг қўлидан куракни олиб, бир парча лойни олиб ташлар эди. Бу «хизмати» учун шу қазувчини қазувдан озод қилишарди. Шундан кейин иш бошланар эди.

Маълумки, каналнинг бош қисми қирғоқларида доимо канални бундан олдинги тозалашда чиққан лой уюмлари—рош уюлиб ётар эди; шу сабабли қазувчи лойни 4—5 м баландликкача отишга мажбур бўлар эди. Ҳамма иш қўлда бажарилар эди. Бирдан-бир қуроли бўлиб «капча», яъни узун сопли кичкина курак ҳисобланар эди (кафт, кафтча маъносида).

Соҳибкорлар ва уларнинг маъмурияти фақат бойиш ҳақида ўйлар эдилар; жазолаш ва штраф авжига чиқарди.

Яхши иш ҳеч қандай йўл билан рағбатлантирилмас эди, шунингдек ер қазувчилар устида на олий ҳукумат, на маҳаллий ҳокимлар ғамхўрлик қилардилар.

Хоразм чолларининг айтишларича, 1828 йили Оллоқулихон катта Полвонёп каналининг янги боши Тошсақони қазишга қарор қилган. У бу ишга 40000 кишини юборган. Грунт тошли бўлган. Капча ва курак билан ҳеч нарса қилиб бўлмаган, чўкич ва лом ҳаммада йўқ эди. Иш чўзилиб кетди. Ваҳшийларча азоблаш чидаб бўлмайдиган даражага етди; қазувчилар ниҳоятда хўрландилар ва қутилиш учун Бухорога қочиб кета бошладилар.

Қазувчилар руҳонийлар орқали хонга мурожаат қилиб, ишчиларнинг аҳволини енгиллатишни илтимос қилдилар ва одилонга талаблар қўйдилар:

1. Мажбурий хизматнинг ҳар йилги муддати (12 кун) аллақачон тугади.

2. Грунт тошли, хон эса, ер қазувчиларни зарур қуролилар билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилмайди.

<sup>44</sup> Баёний, Уша асар, 218а, 355б-варақлар.

3. Энг муҳими шундан иборатки, янгидан қурилган каналнинг суви аввалгидек амалдорлар, руҳонийлар ва навкарларнинг мулки бўлади. «Мусулмонларнинг муҳтарам раҳбарлари, сизлардан илтимос, — дейилган эди охирида, — хонимиздан шу сувдан фойдаланишда тенглик олиб берсаларингиз».

Руҳонийлар ва хонга жуда муътадил бўлган шу талаблар ҳам ёқмади. Хон ўзининг бош вазири Юсуф меҳтарни чақириб, беш-олти кишини «сишига буюрди, натижада энг актив «ғалаёнчилар» осилди. Полвонённинг машҳур Тошсақо деган боши шу усулда қурилган.

Хоразмда мана шундай янги канал қуриш, канал бошларини тозалаш, катта қирғоқ дамбалари (қочилар)ни қуриш, дарё шохобчаларида тўғонлар қуриш, истеҳкомлар ва катта монументал иморатлар қуриш каби давлатнинг катта тадбирлари аҳолининг меҳнат мажбурияти («бегор») ҳисобланарди. Бегор учун ҳар бир кишига бир йилга 12 кун белгиланган эди. Бу норманинг ким томонидан ва қачон белгилангани маълум эмас.

Обхўра қазуви каби маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишлар, дамба (қочиларни) қуриш, катта қочиларни тез вақт ичда ремонт қилиш каби маҳаллий характердаги ишлар бегорга кирмас эди; буларни ўша районнинг ўз аҳолиси бажарар эди.

Ўн икки кунлик бегордан ташқари Хоразмда олти кунлик меҳнат мажбурияти «бало қазув» ҳам бор эди. Бу мажбуриятларнинг ҳаммаси леҳқонлар аҳволига ёмон таъсир кўрсатарди. Кеч куз ва эрта баҳор бўлиши билан қазувчиларни ҳукуматнинг кўрсатмаси бўйича қаёққа бўлса ўша ёққа олиб борар эдилар. Уларнинг ўз ерлари қаровсиз қоларди, хўжалиги тушкинликка учрарди.

#### 4. ХАШАР ИШЛАРИ ВА МИРОБЧИЛИК.

Хоразмнинг ирригацион хўжалигида сувдан фойдаланувчиларнинг «жабди» деб аталувчи кичик территориал жамоалари белгиланган эди. Аммо уларнинг ҳажми тўрри аниқланган эмас эди. Фақат Муҳаммад Раҳимхон I (1806—1825) давридагина жабдининг ҳажмини ўн таноб деб аниқладилар.

Сувдан фойдаланиш етарли даражада яхши аниқланган Жанубий Хоразмда ўн таноб ерни суғорувчи сув бир «сув»<sup>45</sup> ҳисобланарди, бир сувдан фойдаланувчилар эса, сувдан фойдаланувчиларнинг территориал жамоаси сифатида «жабди» деб аталарди.

Хўжаликнинг сонидан қатъий назар, ҳар бир жабди ўз бошлиғига эга эди ва у жабдибоши деб юритилар эди. Жабди сувдан фойдаланувчиларнинг пастки ва ташкилий бирлиги сифатида олий маъмурият олдида жамоа ишларини ташкил этишда жавобгар эди.

Қазув ва бошқа жамоа ишлари ҳақида жабдибоши хабардор қилинар эди. У жабдидан бир ишчини ажратиши керак эди. Агар жабди бир неча майда хўжалиқдан иборат бўлса, улар бир-бири билан келишиб, бир кишини қурол яроқ билан таъминлаб ишга юборар эдилар.

Агар жабдининг ҳажми (ўн таноб) бир кишининг ери ҳажмига тенг келса, у ҳолда ер эгасининг ўзи жабдибоши сифатида чиқар ва ўз ҳисобига бир киши берар эди. Кўпинча бойлар, руҳонийлар, амалдорлар ва ҳукмрон оила аъзоларининг ерлари жабди ҳажмидан неча марта ошиб кетарди, шунга қарамай, бир жабди деб ҳисоблашарди ва бир ишчигина талаб қилишар эди. Амалда эса бундай хўжалиқлар жамоа ишларидан умуман озод қилинар эди. Маҳаллий ҳокимлар ва хашар ишларининг юқори идо-

<sup>45</sup> «Сув» суғориладиган ер ўлчови сифатида Хева архивининг ҳужжатларида «ўп учрайди».

раси улардан ишчи олмасликка ҳаракат қилар эди, чунки жабдиннинг оз ерли бечора аъзоларига нисбатан уларга жуда эҳтиётлик билан муомила қилиш керак эди.

Жабди тартиби доим жуда ҳам расмий характерда бўлган; ундан фақат катта ер эгаларигина фойда кўрар эдилар, жабдиннинг кам ерли аъзоларига келганда, уларни ҳар қандай ишга «ҳайдар эдилар»<sup>46</sup>.

Ҳар бир ёпнинг ирригацион хўжалигида кўпинча экиннинг сувга энг муҳтож бўлган даврида сув танқис бўлиб қоларди. Шу асосда каналнинг юқори ва қуйи қисмидаги сувдан фойдаланувчилар ўртасида жиддий тўқнашувлар бўларди. Кўпинча амалдорлар ва имтиёзли шахслар миробларни ўзларининг ерлари сувга тўймагунча бошқалар учун сувни бекитишга мажбур этар эдилар. Бундай ҳолларда оддий деҳқонлар катта тўполон билан пойтахтга келиб, хонга ўз мусибатлари устидан шикоят қилар эдилар, буни маҳаллий ирригаторлар ва Хоразмнинг қолган аҳолиси эсидан чиқарган эмас. Шундай ҳоллар бўлар эдики, улар адолатни тиклаш имконига эга бўлардилар ва хоннинг рухсати бўйича ўз қўллари билан сувни тўсиб турган тўсиқни йўқ қилар эдилар. Кўпинча талаён шу даражага бориб етар эдики, мироблар қочиб қутилишга мажбур бўлар эдилар.

Сувни тезлик билан тартибга солиш ва тақсимлаш учун ҳар бир ёп бошидан охиригача уч ёки тўрт қисмгача бўлинар эди. 1) боши; 2) ўртаси; 3) оёғи; ҳар бир участканинг охирида ўз навбатида фашинадан ёки тахтадан қилинган тўсиқ қуриларди, у «бўғут» ёки «тахта» деб аталар эди. Бўғут ёпда сувнинг тезда кўтарилишини таъминлар эди, демак, юқорида жойлашган далаларни ҳам тезда сув билан таъминлайди. Шундай қилиб, мана шу ёп қарамоғидаги ҳамма ерлар тезда сувга қониқар эди. Сувни бундай навбатли тежаш «асвак» деб аталарди. Кўпинча асвак айрим бадоқ ёки катта ёпдан чиқадиган кичик ёпларда қўлланилар эди.

Хоразм ирригацион системасининг кўп меҳнат талаб қилишлиги ва мураккаблиги туфайли мироблик тартиби доим Хева хонлигида катта ва жуда муҳим ўринни эгаллаб келган. Маълумотлардан билишимизча, мироблар хон атрофидаги ҳукмрон доира составига кирганлар<sup>47</sup>.

Биз миробларнинг бундан анча олдинги даврларда олий ҳокимиятда бошқариш ишларида тутган ўрнини кўрсатувчи тарихий маълумотларга эга эмасмиз. Аммо халқ хўжалигида суғориш масаласининг катта аҳамиятга эга бўлганлиги, бизни, мироблар Хоразм тарихининг ҳамма даврларида Абулғози давридагидек, катта ўринни эгаллаганлар деб ҳисоблашга мажбур этади. П. П. Иванов мироблик мансабининг олий ҳокимиятда «сув администрациясига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди» деб даъво қилади<sup>48</sup>, фактлар бу тушинтиришнинг нотўғри эканлигини исбот қилади; XIX аср Хева хроникаларида бошдан-оёқ бош миробларнинг муҳим ирригацион ишларни тартибга солишда иштирок этганликлари кўрсатиб ўтилади.

«Муҳаммад Раҳимхон, — деб ёзади Баёний, — Султон мироб, Мунис мироб ва Бекали миробни Хейваник каналининг боши (Полвонёп)ни тозалашга эҳтиёж бор-йўқлигини билиб келиш учун Туйнукли деган жойга юборди»<sup>49</sup>.

<sup>46</sup> Хоразмиларнинг ўзи «қазувга ҳайдаб кетдилар» дейишар эди.

<sup>47</sup> Мунис-Оғаҳий, Фирдавс-ул Иқбол, ЎзССР ФА Шарқ институтининг қўлёзмаси. №С 571 (520а), 566-варақ.

<sup>48</sup> МИТТ, II қисм, 331-бет, 1-эслатма.

<sup>49</sup> У вақтда Тошсақо йўқ эди, бу ерни Туйнукли деб аталди.

<sup>50</sup> Баёний, Шажараи Хоразмшоҳий, қўлёзма, 185а варақ.

1809 йилда Чумоной ва Чанглибосув шохобчаларида тўғон қуришда қурувчилар устидан Мунис мироб ва Қора Баҳодир мироб раҳбарлик қилдилар. Мунис ва Огаҳий асарларининг ҳамма жойида уларнинг ўпирилган жойларда дамбалар қуришда, қазув ишида ва бошқаларда қатнашганликлари кўрсатиб ўтилган... Душанба кунни биз канал бошини (Полвонёп) Қулумхожигача, яъни Хейваникдан Ғозибодга сув чиқарғич жойлашган ергача тартибга солиш ишларини тугатдик<sup>51</sup>.

Сийсий хроникаларнинг авторлари Мунис мироб ва Огаҳий миробларнинг ирригация соҳасида мутахассис эканликларига бемалол ишонса бўлади, чунки икки автор ишни тўла билган ҳолда каналлар, уларнинг қурилиши, дарё ва унинг шохобчалари оқимининг ўзгариши ҳақида гапирмаган бирон воқеани учратиш қийин.

Биз бу икки мироб ўз фаолияти жиҳатидан маҳаллий маъмурият билан биргаликда дамбаларнинг ўпирилишига, маҳаллий суғориш тармоғининг ўз вақтида тозаланишига жавобгар бўладиган ва жойларда сувни тақсимлаш билан бевосита боғлиқ бўлган оддий мироблардан фарқ қилар эди, деган фикрга қарши эмасмиз.

Бу мисраларнинг авторига кекса сув мутахассислари билан махсус сўхбатлашишга тўғри келди. Уларнинг айтишича, «хон мироблари» каналларни қуриш ва қайта қуришни лойиҳалаш билан шуғулланганлар ҳамда уларни нивелировка қилишда раҳбарлик қилганлар, «улу қазув» вақтида катта ўпирилиш бўлган жойларга маслаҳат бериш учун борар эдилар. Улар «фарназ илмини (математик ҳисоблаш — Я. Ғ.) жуда яхши билар эдилар ва ҳамма нарсани қоғозга чизар эдилар».

Афсуски, ўз кўзи билан кўрганлар айтган ўша «қоғозда нивелировка қилиш» бизгача етиб келмаган. Таърифлашларича, улар узун ўралган қоғоздан иборат бўлиб, унда дунё томонларининг белгилари ва жуда кўп цифрлар бўлган. Бир неча кишиларнинг, жумладан юқорида эслатиб ўтилган Бобожон Отабоевнинг айтишига кўра, аввалги мироблар канални грунт суви сатҳи бўйича нивелировка қилгандар. Кўҳна Урганч районининг бир группа тажрибали сув мутахассисларининг тушунтиришича, лойиҳада кўрсатилган канал трассасини бутун узунлиги бўйлаб 40×40 қўлочда бирнеча квадратга бўлиб нивелировка қилишган. Ҳар бир квад-



31-расм. Бадоқ.

<sup>51</sup> Мунис-Огаҳий, Уша асар, № 168, 213а варақ.

ратга шахмат усулида грунт сувигача шурф қўйиларди. Кейин мавсумий ёзги тошқинлар вақтида грунт сувлари сатҳининг ўзгаришини шурфларда белгилар эдилар: айтувчиларнинг ўзи буни жойида кўрмаганлар, фақат миробнинг 50—55 йил муқаддам Кўҳна Урганча келган рус инженерига тушунтириб берганини эсларида сақлаб қолганлар. Инженер таржимони орқали Отамироб нима айтган бўлса, ҳаммасини ёзиб, чизиб олган<sup>52</sup>.

Канал трассасида шахмат усулида чуқур қазилиши, эҳтимол, унинг трассировкаси олдида текширув иши бўлса керак. Трассировканинг математик ҳисоби, Ал Хоразмий асарларидан маълум бўлишича, аллақачон ишлаб чиқилган, аммо уни фақат сув ишининг юқори билимли мутахассислари, биринчи навбатда хонликнинг катта миробларигина билар эдилар.

Ҳар бир магистрал канал бевосита хоннинг ўзи тайинлайдиган ва кушбеги ёки меҳтарга бўйсунадиган бир ёки йкки катта мироб назорати остида бўлар эди. Мироблар хазинадан маош олишар эди<sup>53</sup>.

Маҳаллий мироблар тақсимловчи каналларнинг айрим ҳавзаларида хизмат қилар эдилар. Уларнинг иши анча мураккаб эди. Агар канал фақат бир қишлоқни сугорса, мироб шу қишлоқнинг ўзидан маҳаллий ҳокимларнинг ва магистрал канал миробининг кўрсатмаси бўйича тайинланар эди. Агар шу каналда бир неча қишлоқ бўлиб, унда бир неча уруғ жойлашган бўлса, у ҳолда мироблик лавозими булар ўртасида доимий жанжалнинг объекти ҳисобланарди. Жанжал ҳар доим меҳтар ўрдасига ча бориб етар эди.

Сувни тақсимлаш доим жанжалнинг келиб чиқишига сабабчи бўлар эди, чунки мироблар кўпинча адолатсиз бўлар эдилар. Бу жанжалларни тортишувчи томонларнинг қайси биридан поранинг кўп тушишига қараб хон идораси ҳал қилар эди.

Маҳаллий мироблар хазинадан маош олмас эдилар, уларни эски одат бўйича сувдан фойдаланувчиларнинг ўзлари таъминлар эдилар. Мироб ҳосилни йиғиш вақтида деҳқондан ўзига тегишли бўлган қисминни олишга ҳақи бор эди.

Бу қисм «миробона» деб юритилар эди; бу ҳеч қандай қонун билан белгиланмаган эди ва у ҳосил хўжайинининг хоҳишига қараб берилар эди. Шунга қарамай, эски одат бўйича миробонанинг маълум миқдорда нормаси вужудга келган эди ва асосан шунга амал қилишар эди. Одат бўйича мироб хўжайин бераётган нарсанинг ҳажми ҳақида жанжаллашмаслиги керак. Ҳақиқатан ҳам бундай жанжаллар бўлмас эди, чунки ҳар бир киши миробни рози қилишга тиришар эди. Агар мироб миробонани олиш учун ўз вақтида келмаса, у ҳолда миробонани уйига олиб келиб беришар эди. Ҳаммага тарқалган ишончга кўра, миробонани тўламаса, деҳқон бошига кулфат тушар эмиш.

Шу билан бирга аҳоли бу миробларни уларнинг адолатсизликлари, порахўрлиги ва тамаъгирликлари учун жуда ёмон кўрар эди.

Мавжуд бўлган қонунга мувофиқ мироб буйруғини ҳар қандай йўл билан бажармаслик ёки уни секин бажаришлик қаттиқ жазоларга олиб келарди. Айбдорни эсини йўқотгунча калтаклашарди ва унинг иш ҳайвонларини ишчи ёллаймиз деган баҳона билан зўрлаб сотиб тугатишар эди ва ҳоказо. Бундан фақат бечора камбағалларгина азоб чекардилар. Мироблар дамбаларни (қочиларни) қуриш ёки тузатиш вақтида ғайри

<sup>52</sup> Ловзон бошидаги Тошбўғут (тошдан қилинган тўғон) шу мироб томонидан қурилган эди.

<sup>53</sup> Хева хонларининг Ленинградда Салтиков-Шчедрин номидаги Халқ кутубхонасида сақланаётган архивлари, 60-дафтар, 11 бет.

қонуний йиғимлар тўплар эдилар; қурувчиларни хўрлаб, сал секин ишлагани учун уриб, ишни жўрттага чўзиб, охири қурувчиларнинг пул бериб қутилишига эришар эдилар.

Хоразм аҳолиси ўртасида уларнинг миробларга бўлган муносабатини англатувчи ўхшатиш ва мақоллар мавжуд эди. «Рошда номоз ўқиб бўлмайди, чунки у ердан мироб ўтган ва у жой унинг оёғи билан булганган».

Миробнинг нарсасини сотиб олиш мумкин эмас эди, чунки бахтсизлик келтирар эмиш.

Агар бирон киши бирон амалдорнинг ғазаби ва тамаъгирлигидан шикоят қилса, унга: «Демак сен ҳали миробнинг қўлига тушмаган экансан!», дер эдилар.

Бу мақоллар миробларнинг Хоразм меҳнаткаш аҳолисининг нафрат ва ғазабини келтириб, ўзларига қарши норозилик туғдириб, уларни азоб-уқубатга солганини кўрсатувчи яққол далилдир.

## АМУДАРЕНИНГ ҚУЙИ ОҚИМИДА ИРРИГАЦИЯНИНГ УЛУҒ ОКТАБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИДАН КЕЙИН РИВОЖЛАНИШИ<sup>1</sup>

Улуғ Октябрь революциясининг ғалабаси собиқ чор Россияси ва унинг колониялари халқларини мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига ҳамда халқларнинг маданий ўсишига тўсқинлик қиладиган социал ва иқтисодий занжирлардан озод қилди.

Туркистонда, жумладан Хева хонлигига бевосита яқин жойлашган собиқ Амударё бўлимида, Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши бу хонликдаги меҳнаткаш омманинг манфур хонлик тузумига қарши курашида Совет ҳокимияти ва Коммунистик партия раҳбарлиги остида бўлган рус ишчилар синфининг мададини таъминлади; Хева ерларини хонлардан, беклардан, мироблардан ва бошқа эксплуататорлардан тозалашда Хоразм меҳнаткашларига ёрдам қилди.

Ҳокимият Хева хонлигининг меҳнаткаш оммаси қўлига ўтди ва бу ҳокимият Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) деб эълон қилинди; бироз вақт ўтгач, халқ революцияси Бухородаги амир ҳокимиятини ҳам йиқитди ва Бухоро ҳам халқ Совет республикаси (БХСР)га айлантирилди.

Урта Осиё бутун хўжалик ҳаётининг вақтинча бирлашиши натижа-сида эндигина ташкил топган Урта Осиё республикалари халқлари иқтисодий жиҳатдан мустақамланди, Коммунистик партия раҳбарлигидаги илғор рус пролетариатининг доимий равишда иқтисодий ва сиёсий ёрдам туфайли барпо этилган бу республикадаги халқ совет ҳокимияти эса, капиталистик тузумни бошидан кечирмай туриб, мисли кўрилмаган қисқа тарихий вақт ичида феодал тузумдан социализмга ўтишга имконият туғдирди.

1924 йил охирида Урта Осиёнинг миллий давлат чегараланиши бўлди, буни В. И. Ленин 1920 йилдаёқ белгилаб берган эди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг доно миллий сиёсати туфайли, рус халқининг бевосита ёрдами орқасида Хоразм халқларининг меҳнаткашлари—туркманлар, ўзбеклар ва қорақалпоқлар Туркистон ўлкасида ва собиқ Хева хонлигида ҳамда Бухоро амирлигидаги ўз қабилалар билан эркин бирлашиш имкониятига эга бўлдилар. Миллий давлат чегараланишидан сўнг улар социалистик тараққиёт йўлига ўтиб, социалистик республикаларга айлантирилди ва ССР Иттифоқига кирди. Хоразм ўзбеклари Бухоро ва Туркистон ўзбеклари билан бирлашдилар; туркманлар Каспийбўйи области ва собиқ Чоржўй беклигидаги туркманлар билан бирлашдилар; қорақалпоқлар автоном республика қилиб аж-

<sup>1</sup> Бу бобда Совет ҳокимиятининг суғоришни яхшилаш соҳасидаги асосий тадбирларигагина тўхталиб ўтилди, чунки улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги Хоразм халқ хўжалигидаги йирик ва асосий ўзгаришларни ёритиш алоҳида чуқур текшириш ишлари талаб қилади.



ратилди. Коммунистик партия томонидан миллий сиёсатни изчил амалга оширилиши натижасида, ўз вақтида Хева ва Бухоро хонлари томонидан сунъий равишда вужудга келтирилган, собиқ чор ҳокимияти қўллаб-қувватлаган ва рағбатлантирган уруғ-қабил аждратишлар, миллатлар ўртасидаги низолар тез орада йўқотилди.

Совет ҳокимияти томонидан янги қардош Ўрта Осиё республикаларида ер-сув реформасининг ўтказилиши хон ҳокимияти даврида ерсиз бўлган ҳамма меҳнаткаш деҳқонларни хонлар, беклар, бойлар ва руҳонийларнинг мусодара қилинган ерлари ҳисобига ер билан таъминлади.

Эркин ва ҳаммага баробар бўлган меҳнат, коммунистик партиянинг йўл кўрсатувчи ва ташкилий раҳбарлик фаолияти, совет давлатининг доимий ёрдами меҳнаткаш деҳқонга асрлар давомида ўзи ортдирган тажрибадан самарали ва унумли фойдаланиш имконини берди ва уларни қашшоқликдан қутқарди.

Совет ҳокимияти барпо этилишининг биринчи кунларидан бошлаб деҳқончилиги сунъий суғоришга асосланган, ирригацияни йўлга солмасдан туриб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва халқ оммаси ҳаётини яхшилаш мумкин бўлмаган районларда ҳам ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга киришилди.

1918 йил баҳорида В. И. Ульянов (Ленин) имзоси билан Халқ Комиссарлари Совети «Туркистондаги суғориш ишлари ва уларни ташкил этишга 50 млн. сўм ажратиш тўғрисида» декрет чиқарди.

Декретда Туркистонда ирригация ишларининг Махсус Бошқармасини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бу бошқарма қарамоғида техника ва хўжалик комитети очилди. Техника ва экономиканинг турли соҳасида ишловчи эксперт ва мутахассислар кенг жалб қилинди. Ирригацион ишлар соҳасини қурилиш материаллари, инвентарь, машиналар, озик-овқат, кийим-кечак, ем-хашак ва бошқа зарур бўлган асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва жиҳозлаш кўзда тутилган эди.

Бошқармада сиёсий комиссар лавозими бўлиб, унинг вазифасига меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари—иш кунининг вақтини белгилаш, иш вақтидан ташқари ишлаш нормалари ва унга ҳақ тўлаш, доволаш учун нафақа ажратиш, майиб бўлганда ва вафот этганда нафақа тўлаш, социал страхование масалалари кирар эди. Бу декрет хонликда ўтказилиб келган маҳаллий, умумий мақсадга боғлиқ бўлмаган тadbирларга қарама-қарши ўлароқ, суғориш ишларини кенг кўламда плавлан ривожлантиришга томон қаратилган эди. Планди кўзда тутилган ирригацион қурилишлардаги ишчиларга нисбатан бўлган ғамхўрлик ҳам катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бу қазувчилар учун тамомла янгилик эди, чунки улар хон ҳокимияти даврида сурбетларча, энг ваҳший эксплуатациянинг объектига айлантирилган эди.

Декрет Совет ҳокимиятининг Ўрта Осиё аҳолисининг туб эҳтиёжларини чуқур тушунганлигини исботловчи катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжат бўлди. В. И. Ленин Озарбайжон, Грузия, Армения, Доғистон, Горск республикасидаги коммунист ўртоқларга ёзган мактубида «деҳқонлар аҳволини яхшилашга шу вақтдан киришиш ва электрлаштириш, суғориш соҳасида катта ишларни бошлаш» зарурлигини кўрсатган эди. «Суғориш ҳамма нарсадан зарурроқ ва у ўлкани қайта қуради, уни қайтадан тиклайди, эскиликни кўмади, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди»<sup>2</sup>.

Бу тарихий декретдан сўнг Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 2 ноябрдаги янги, жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган махсус қарори чиқарилди. Бунда пахтачилик ва ирригацияни ривожлантириш соҳасида

<sup>2</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 32 том, 4-нашри, 297-бет.

белгиланган ва тезда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида гапирилган эди.

Суғоришни ривожлантириш каби кун тартибдаги энг муҳим масалалар тўғрисида В. И. Лениннинг программа кўрсатмалари ва партия ҳамда ҳукуматнинг қарорлари суғорма деҳқончилик қилинадиган районлар (Совет Туркистони, Бухоро, Хоразм)нинг кенг оммаси орасида қизғин кутиб олинди. Фарғона водисиди, Зарафшон водисиди, Мирзачўлда ва Амударёнинг қуйи оқимларида суғориш ишлари бошлаб юборилиб, Янги Фарғона, Деҳқонобод, Янгиариқ, Совай, Қувоншжорма, Норпой, Учқўрғон, Далварзин, Булунғур, Қумқўрғон, Хазорбоғ, Жун, Назархон ва бошқа каналлар қурилди.

Совет ҳокимияти аввал Амударёнинг қуйи оқимларида, ўнг қирғоқ ерларида, яъни собиқ Амударё бўлимида ўрнатилганлиги учун, биринчи йirik ирригацион тадбирлар шу ерда амалга оширилди.

1919 йилдаёқ қуйи дельтанинг ўрта ва шарқий қисмида сув билан таъминлаш ишини тартибга солиш учун Қувоншжорма системасини тиклашга киришилган эди. Бу ишда энг асосий куч Қувоншжорма шохобчасининг энг кучли манбаларидан бири бўлган Қизкетганнинг қирғоқларини тўғрилаш ва мустаҳкамлашга сафарбар қилинган эди. Бутун системани кенгайтириш ва мустаҳкамлашда қуйи дельтада яшовчи ўзбек ва қорақалпоқлар катта ер ишларини жуда тез вақт ичида бажардилар. Қувоншжорманинг қуйи оқимларида суғоришни тартибга солиш ва Довқара пастекислигида пахтачиликни ривожлантириш мумкин бўлиб қолди. Қувоншжорма сувининг асосий қисмини Кегайли канали орқали оқиздилар. Чимбой воҳасида муттасил сув режими ўрнатилди. Қизкетганда сувни тартибга солувчи шлюзнинг қурилиши бутун система бўйлаб бир хил сув юборишни таъминлади.

Қувоншжорма (Қизкетган) системасида ишлар тугагач, ўнг қирғоқнинг жанубий районларида ирригацион тармоқларни кенгайтириш ишлари бошланди.

Бу ерда аҳвол айниқса жиддий эди. Чўкинди грунтлардан ташкил топган ўнг қирғоқ ўзгарувчандир; каналларнинг бошини кўпинча тошқин олиб кетарди, дарё фарватери ёзги суғориш энг авж олган пайтларда вақт-вақти билан бурунги участкасидан бурулиб кетарди. Шўраҳон каналини максимал даражада кучайтириб, бир қатор катта ва кичик каналларнинг бошини Шўраҳон системасига ўтказишга қарор қилинди. Каналбоши кенгайтирилди ва оқимга қарши юқори томон кўчирилди. Бироқ бош регуляторнинг йўқлиги тошқин сувларнинг Шўраҳон каналига ўпириб кириши ва қатор районларни сув босиш хавфидан сақламас эди. Шунинг учун ҳам 1926—27 йилларда Сувёрганнинг эски ўзани ошиқча тошқин сувларини Шўраҳон каналидан чиқариб юбориш учун мосланди. Тайёргарлик ишлари тугатилгач, Бўзёп каналининг боши Шўраҳон каналига ўтказилди. Тозабоғёп, Амиробод, Қалтаминор, Сарибий ва бошқа каналларнинг тақсимловчи тармоқлари кенгайтирилиб, уларнинг сувайирғичлари шунга мувофиқ равишда ёғоч тўғон билан таъминланди. 1928 йилдан бошлаб Шўраҳон канали Пахтаарна<sup>3</sup> номи билан алмаштирилди. Хўжақулдан Бештепагача бўлган районлар 1927 йилдаёқ қайта тикланган икки канал орқали суғорилад эди.

Лекин Хоразмда қишлоқ хўжалигининг тараққиётига суғориш майдонларига фақат янги каналлар ўтказиш ёки эскиларини тиклаш билан эришиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам совет давлатининг дастлабки вазифаси инженер типидagi тадбирларни ўтказишдан иборат эди. Бу,

<sup>3</sup> Бўзёп каналининг Пахтаарнага ўтказилиши билан X асрда мавжуд бўлган Говхўра канали тикланди.

лойланадиган каналларни тозалаш, тошқинларни тартибга солиш, дамба ва тўсиқлар ўрнатиш каби кўп меҳнат талаб қиладиган ишлардан озод қилган бўлар эди.

Хоразмнинг суғориш тармоқларини тозалашга бир йилда сарф этиладиган меҳнатнинг ҳажмини ҳисоблаб чиққанда шу нарса аниқландики, бу меҳнат ҳар икки йилда «Катта Фарғона канали» каби магистраль канал қуришга етар экан. Шунга кўра, Урта Осиё республикаларининг сув ҳўжалиги органлари меҳнаткашлар олдига қуйидаги вазифаларни қўйди.

1. Суғориш шохобчаларининг Амударё тошқинларига боғлиқ бўлишига барҳам бериш ва имкони борича кўп майдонларнинг доимий сув билан таъминланишига эришиш. Бу тадбир энг аввал тошқинга мўлжалланиб қурилган жуда кўп тарқоқ оддий канал бошларидан воз кечишни ва уларни бир йирик магистральга бирлаштиришни талаб қилар эди. Бу магистралнинг бошланишини бош регулятор билан таъминлаб, дарё оқими-га қарши юқорига кўтариб қўйса бўлар эди.

Бундай тадбир ўз навбатида сувнинг канал бўйлаб тез оқишини, унинг серсувлигини таъминлаши ва колхозчиларни чиғир билан суғоришга сарф қиладиган меҳнатдан озод қилиши керак эди. Бу тадбирларни амалга оширмақ учун «Средазводпроиз»нинг Амударё бюроси биринчи ва иккинчи навбатларнинг лойиҳаларини тузиб чиқди. Узоқ муддатни кўзда тутган бундай лойиҳалардан бири иш масштаби бўйича жуда йирик эди ва Амударёда кўндаланг қилиб иккита барраж қуришни талаб қилар эди. Туямўйин ёки Тошсақода қуриш кўзда тутилган юқори барраж дарёда сув даражасининг кўтарилишини таъминлаши керак эди. Ховўзда тиндирилиб, шохобчаланиб чиқиб кетадиган сув ўннга—Пахтаарна ва сўлга—Тошсақо магистрални бўйлаб оқиши лозим эди.

Қуйи барражнинг қурилиши қуйи дельтанинг бошланишида Амударёнинг мустаҳкам қирғоқларининг ўртасида — Тахнатошда кўзда тутилган эди. Тахнатош барражи худди юқоридаги усул билан қуйидагиларни таъминлаши лозим эди: 1) Чап қирғоқ Хоразмнинг бутун шимол-ғарб минтақасини Жанубий Хоразм каналларининг қуйи этақидан бошлаб, Устюрт қирларигача ва Сариқамишгача сув билан таъминлаши; 2) Қуйи дельтанинг бутун ғарбий минтақасини Хўжайли районидан тортиб, Орол денгизигача сув билан таъминлаши; 3) Кегайли каналида сув оқимини тезлаш билан Қуваншжорма магистрал каналидан сув олиб, қуйи дельтанинг ўрта ва шарқий минтақасининг сув билан таъминланишини кенгайтириш ва тартибга солиши керак эди.

Бироқ, Ўзбекистон ССР лойиҳалар тузиш ва мунозаралар ўтказилишини, қидирув ишларининг боришини кутиб тура олмади, чунки совет мамлақати унинг олдига пахтачиликни ривожлантириш соҳасида йилдан-йилга ошиб бораётган талабларни қўймоқда эди. Шунинг учун ҳўжалик органлари бу йирик лойиҳани келажакда бажаришни кўзда тутган ҳолда, воҳанинг айрим катта қисмларини ирригацион системани алоҳида-алоҳида йириклаш орқали сув билан таъминлашни тартибга солиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишга киришди.

Жанубий Хоразм чап қирғоғидаги ирригацион системани тартибга солиш иши бироз оғир бўлди. Бу ерда ирригаторларнинг асосий вазифаси каналларнинг бутун системасини мустаҳкам Тошсақо регуляторига асосланган бир кучли магистралга бирлаштириш эди.

Сазгипроводнинг 1930 йилда ишланган лойиҳаси қуйидагиларни қуришни кўзда тутган эди:

1. Тошсақода канал бошини қуриш.
2. Каналга ер қазувчи бирқанча машина кириши учун шлюз қазииш
3. Чап ўзандан чиқадиغان сувни сақлаш учун Амударёда тартибга солиш ишлари олиб бориш.

Магистрал канал 70 км га мўлжалланган эди. Дастлабки 34 км да Полвонёп ўзанидан фойдаланилди, шундан сўнг у бўз ер бўйлаб ўтди.

34 километр нарида қурилишнинг биринчи узели кўзда тутилди. Ҳа-локат вақтида ишлатиш учун бу узелдан Амударёга «бадров» ва Полвон-Ғозовот тармоғи ўтказилган.

34 километрдан сўнг магистрал канал Полвонёпнинг ўзанидан чиқиб дарёга яқин ҳолда бўз ер бўйлаб оқади. 49 километрдан сўнг магистрал канал Шовот (Қушбеги ёрган)нинг юқори ўзанини кесиб ўтган жойда иккинчи узел қуриш кўзда тугилади. Бундан иккинчи запас «бадров» оқими ва Шоҳобод (Шовот) ирмоғи чиқиб кетади.

Охирги узел 70 километрдан кейин кўзда тутилган эди. Бу ердан ик-ки йирик тақсимлов ва охирги Қиличбой тармоғлари чиқиб кетади. Қи-личбой тармоғининг узунлиги 11 км бўлиб, Кўнадарёга қуйилади ва шун-дан сўнг Қиличбой ариғининг юқори қисми бошланади.

Бу лойиҳанинг мақсади янги канал қазииш ва мавжуд ўзанларни кенгайтириш эди. Шоҳобча ва бадровлардан ташқари лойиҳада магистрал канал кесиб ўтадиган кўп миқдордаги ариқларни ва юқориги «машина типдаги» тақсимловчиларни бирлаштириш учун 12 та тақсимловчи ин-шоот қуриш кўзда тутилган эди.

Лойиҳани амалга оширмақ учун бўз ерлар бўйича ҳаммаси бўлиб 102 км ўтиш ва мавжуд ариқларни 85 км масофада кенгайтириш керак эди, яъни инженерлик иншоотларини ҳисобга олмаганда, катта ер ишла-рини амалга ошириш керак эди.

Жанубий Хоразмнинг Тошсақо канали лойиҳасидаги ер майдони 417713 га деб белгиланган эди.

Лойиҳага мувофиқ, магистрал канал қуриш бўйича бўладиган даст-лабки ишлар фақат деҳқончилик учун сўзсиз яроқли бўлган ерларни, шу-нингдек энгил мелиорация ишларинигина талаб қилувчи ерларни, ҳаммаси бўлиб 303902 га ерни суғоришни таъминлар эди. Эски ирмоқларни қайта қуриш ва янгиларини вужудга келтириш соҳасида тегишли ишларни ба-жаргандан сўнг лойиҳанинг батамом амалга оширилиши мавжуд суғо-риш системаларини сув билан таъминлаши ва суғориладиган ернинг ҳажмини 100000 га гача кўпайтиш имконини бериши керак эди.

Сув билан мунтазам таъминлаш Жанубий Хоразм суғориш система-сига мавжуд суғориш ерларининг потенциал табиий бойликларидан фой-даланиш ҳисобига мустаҳкам бўлиб олиш имконини берарди. Иккинчи этапда энгилган дарёнинг сувини босиб келувчи сахрога қараб йўналти-риш ва сахро қумлари ҳамда тақирлари билан қопланган ерларни ишга яроқли қилиш кўзда тутилган эди. Темир йўл ўтказиш ва гидроэнергия билан таъминлаш табиатнинг емирувчи кучлари билан курашда қаҳра-монларча чидаш берган бу ўлкага бу кучлар инсонга хизмат қиладиган даврга кирган бир вақтда янги ҳаёт келтиради<sup>4</sup>.

Колхоз ҳаракатининг ғалабаси, қулоқ хўжаликларининг тор-мор келтирилиши, биринчи беш йилликнинг порлоқ муваффақияти совет рес-публикалари иқтисодий, социал ва маданий ҳаётининг бутун қиёфасини-тубдан ўзгартиб юборди.

Эндиликда сувдан фойдаланувчиларнинг хўжалик бирлиги сифати-да суғоришга нисбатан бутунлай бошқа талаб қўювчи ва района ҳамда республика хўжалик тараққиётининг перспективларига бутунлай янгича қаровчи ва зўр имкониятларга эга бўлган қишлоқ хўжалик артели май-донга чиқа бошлади.

<sup>4</sup> А. Н. Аскочинский, Южный Хорезм как объект водохозяйственного строительства, Ташкент, Сазгипровод, 1934, 54—66-бетлар.

Республикаларнинг колхозларида иккинчи ва учинчи беш йилликларда пахтачиликнинг ўсиши, суғориш тармоқларида сувнинг тўхтовсиз оқиб туришига бўлган талаб йирик ирригацион қурилишларни бошлашда асосий ташкил этувчи звено бўлган колхозларда суғориш принциплари ҳақидаги масалани кенг муҳокама қилишга олиб келди. Колхоз ва колхозчиларнинг моддий ҳаётини тездан яхшилаш, колхозлардаги хўжалик тадбирларининг яхши ташкил этилиши ва планлилиги мамлакатда хўжалик ҳаётининг тез ўсишига, кенг меҳнаткаш ишлаб чиқарувчиларнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлик қилган ҳамда қўллаб-қувватлаган ижодий ташаббусининг авж олишига сабабчи бўлди. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ҳаракатида кўринган бу ташаббус, коллективлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигининг эришган янги хўжалик тараққиётининг ва халқ хўжалиги беш йиллик планларининг муваффақиятли равишда бажарилганлигининг меваси эди.

Суғориш тармоқларини халқ қурилишининг тезкорлик усуллари билан кенгайтириш ташаббусини Ўзбекистоннинг асосий пахта райони ҳисабланган Фарғона водисининг колхозлари бошлаб бердилар. 1938 йилнинг баҳорида Поп районининг колхозчилари ўн кун ичида ўз кучлари билан Лангар канални қазидилар ва 600 га ерни суғордилар. 1939 йили худди шу тез бўладиган усул билан Лағон канали қурилди.

Колхозчиларнинг бу ҳаракати ҳукумат томонидан максимал даражада қўллаб-қувватланди. Фарғона колхозчиларининг ташаббусини бутун республика колхозлари қувватладилар ва бу республика ташқарисига ҳам ёйилди.

Зўр меҳнат кўтаринкилиги билан тўлиб-тошган колхозчи деҳқонлар ўз ташаббуслари билан йирик ишларни бажаришга киришди. Қизкетган, Пахтаарна системаларидаги ишлар, Хўжақул ва Тоштепа орасидаги икки каналнинг қурилиши ва шунга ўхшаш ишлар асосан ўша халқ қурилишларидаги тезкорлик усуллари билан бажарилди.

1936 йили биз Шовот районидаги бир колхознинг чоллари билан суғориш тарихи масалалари устида суҳбат қилдик. Суҳбатда темага қизиққан колхоз ёшлари ҳам қатнашдилар. Ёшлар Хоразмда янги ирригацион тадбирларга боғлиқ бўлган масалалар устида бизга жуда кўп саволлар бердилар. Улар лойиҳаларнинг моҳиятини, ўтказиладиган ишларнинг ҳажми ва характерини билардилар. Қийинчиликлардан улар қўрқмадилар, балки улар жонажон ерни яхшилаш ва гуллатиш истаги билан тўлиб-тошган эдилар. Чоллар хонлар даврида суғориш ишларинининг қандай олиб борилганлигини эсладилар. Хон бу ишларга пул ажратиш уёқда турсин, балки, аксинча, қазувчиларнинг ўзлари шу ишлар устидан назорат қилувчи чиновникларни овқатлантирар, ҳатто ўзларининг охирги чақаларини ҳам маъмурият «иши»га ҳақ тўлаш учун берар эдилар.

Катта Фарғона каналининг колхозчиларнинг ўз кучлари билан қисқа муддат ичида қурилиши ва бу мардликнинг совет матбуотида умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланиши Амударё қуйи оқими колхозчиларида катта ташаббус уйғотди ва улар белгиланган ишларни амалга ошириш учун янада зўр ғайрат билан киришдилар. Матбуотда лойиҳалаштирилган қурилишларни амалга ошириш учун халқнинг тайёр эканлигини тасдиқловчи жойлардан юборилган хабарлар пайдо бўлди.

Ўша 1939 йилда бутун Хоразм бўйлаб тезкорлик усулида бажариладиган халқ қурилишларида оммавий ишлар бошланиб кетди. Амударё қуйи делтасидаги қирғоқ грунтининг бўш бўлганлиги туфайли тез-тез ҳалокатга дучор бўлиб турадиган ғарб минтақасининг (Чумонийнинг собиқ ирмоғи билан Хонён бўйлаб) тақдири, ниҳоят, ҳал этилди.

Лойиҳада эски Сувонли каналининг бош қисмини Амударё оқимига қаршя юқори кўтариш ва лойиҳалаштирилган кучли магистрал каналнинг бош қисмини грунти анча мустаҳкам бўлган жойда қуриш кўзда тутилган эди. Сувонли ва Хонёп каналларининг қайтадан реконструкция қилинган трассаларини бирлаштириш ва шундай қилиб, Хўжайли районини ва қуйи дельтанинг ғарб минтақасини сув билан таъминлаш кўзда тутилган эди.

1939 йилда Қорақалпоғистон АССР нинг Қўнғирот, Қораўзак ва Чимбой районларининг колхозчилари бир ой мобайнида Хонёпнинг бутун трассасини қайтадан қурдилар ва уни Ленинёп деб атадилар. 1940 йилнинг ёзида колхозчилар Сувонли канални қайта қуришга киришдилар ва буни ҳам тез суръатлар билан тугатдилар. Натижада Сувонли-Ленинёп мустаҳкам бошли, Тахиатош ёнида бўлган йирик магистрал канал бўлиб қолди.

1939 йилнинг баҳорида Қорақалпоғистон колхозчилари кўп сувли Кегайли каналидан фойдаланиб, қуйи дельта ўрта қисмининг суғориш системасини яхшиладилар. Унинг юқори оқимида янги Мойёп каналининг бош қисмини қурдилар. Буни Чимбой районидан шимоли-ғарб томон ўтказдилар.

Мойёпни қуриш билан бир вақтда Қорақалпоғистон колхозчилари Довқара пасттекислиги доирасида ирригацион тармоқларини тартибга солиш соҳасида ҳам кўп иш қилдилар. Улар ўзани тўғриладилар, қирғоқларини мустаҳкамладилар ва айрим каналларнинг қувватини оширдилар.

Шундай қилиб, 1939—1940 йиллар ичида Амударё этаги колхозчилари йирик Тошсақо лойиҳасини амалга оширдилар. Сувонли-Ленинёп, Мойёп магистралларини қурдилар. 1941 йили улар 1927 йилда қурилган Хўжакул билан Бештепа ўртасидаги иккита унча катта бўлмаган каналларни бирлаштирдилар. Бунда каналнинг трассасини кенгайтириш ва унинг бош қисмини мустаҳкамлаш талаб қилинди. Шундай қилиб, Қизилқум саҳросининг чеккасида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги анча ерни суғорадиган Назархонарна канали вужудга келди.


Колхозларда, қишлоқларда ва шаҳарларда халқ қурилишларининг эълон қилиниши байрам каби кутиб олинар эди ва бунга худди катта сайилга тайёрлангандек тайёрланар эдилар. Ким бориши керак, ким қолмоғи даркор—шу ҳақда қизғин бахslashувлар бўлар эди.

Канал қурилиши трассасининг ҳамма жойида қувноқ жонланиш ҳукм сураб эди. Районлар ва колхозлар ўзаро мусобақалашар эдилар. Мусобақада суғориш тармоқлари қуришнинг такомиллашган халқ усули бўйича илғорлар ва новаторлар етишиб чиқди. Эркак ва аёллар бир хил ғайрат билан ишлар эдилар, қувончли меҳнат авжига чиққан бир пайтда трассанинг қайсибир участкасида баланд «ура» овози эшитилар ва қизил байроқ кўтарилар эди. Бу, колхоз ўз бурчини бажарганлигини кўрсатувчи белги эди.

Трасса бўйлаб сув оққанда тантана жуда авжга чиқар эди: секин оқаётган биринчи сув олдида байрам тусида кийинган халқнинг бир группа ўйинчи ва ашулачилари борар эди.

Иш кунни тамом бўлгач, трассада колхозчиларнинг шийпонда артистлар, халқ ҳофизлари, қизиқчилар ўйин кўрсатар эдилар. Ярим тунгача қувноқ кулги овозлари эшитилар эди. Тажрибали лекторларнинг халқаро аҳвол, санпросвет, фан ютуқларини оммалаштириш тўғрисидаги лекцияларида ҳам одам жуда кўп бўлар эди.

Меҳнат оғир лаънат ҳисобланган, ўрта аср зулмати ва мажбурияти халқ оммаси ташаббусини бўғиб, меҳнаткашлар қобилиятини оёқ ости қилган яқин ўтмиш ўрнида экономика ва маданиятнинг умумий ўсишини



32-расм. Хоразмнинг 1956 йилдаги ирригация тармоқларининг схемаси

таъминлаган, давлатнинг меҳнаткашлар устида қилган ғамхўрлигининг янги шароитларида қувончли меҳнат шон-шараф иши бўлиб қолди.

1942 йили, бутун ёшларимиз фронтга сафарбар этилган Улуғ Ватан уруши шароитларида Қорақалпоғистон колхозчилари партия ва ҳукуматнинг чақирғига ўз ташаббуслари билан Қирққиз канални қазиб билан жавоб берадилар. Бунда Тозабөгёп каналининг этаклари кенгайтирилди. У ўз эски ўзани бўйлаб ўтказилди ва Қирққиз қалъаси вайроналари ёқасигача етказилди.

Кўча бархонлар билан уйиб ташланган тақирлар, ҳеч қачон калтакесак ва бойўғлидан бошқа нарса яшамаган, 1940 йилгача биз туяларда сув келтириб археологик текширишлар олиб борган жойлар 1945 йилдан бошлаб машҳур Хоразм қовунларининг полизлари билан қопланди, боғлар ўсмоқда ва кўчиб келган колхозчиларнинг янгидан солган уйлари тикка ўсган тераклар соялаб турибди. Кўкаламзор ва боғларнинг ўрталарида V—VIII асрларнинг даҳшатли ўтмишини эслатувчи қалъа ва қўрғонларнинг бизга маълум бўлган бир қанча вайроналари қад кўтариб туради.

Бу тажриба колхозчиларга қадимий суғориш ерларидаги қўрқинчли афсоналар тўқилган қумлар, ҳақиқатини олганда, ҳеч қандай даҳшатли кучга эга эмаслигини, чунки бу қумлар бу ерларда фақат қадимги ҳукмронлар ўзларининг асосий бурчларини бажармай, уларга қарам бўлган қадимги деҳқонларнинг бу қумларнинг кучларига қарши уюштирган курашларини издан чиқарганларидан кейингина ҳукмрон бўлганлигини исботлайди.

Эски суғориш ерларини Қизилқумнинг қумларидан курашиб олмоқ керак эди. Бунинг учун биринчи навбатда Пахтаарна каналини қайтадан тиклаш керак эди. Бу каналнинг янги боши Амударёнинг қояли қирғоғига қурилган эди. Бош қисмининг чуқурлиги 20 м гача етказилди. Бир неча километр бўйлаб канал 15—16 м келадиган тор қояли дарада оқади, сўнг Пахтаарнаниннг бош қисми билан бирлашади. Айри қалъадаги янги бош қисм бош регулятор билан таъминланади.

Шундай қилиб, Совет ҳокимияти туфайли, Коммунистик партия раҳбарлиги остида Хоразмда катта тарихий проблема—ўрта аср ирригацион тармоқларини инженерлик йўли билан қайта қуриш проблемаси ҳал этилди. Жанубий Хоразмдаги тошқин каналлари ҳаммасининг ўпирилиб кетадиган бош қисмлари доим оқиб турувчи Тошсақо магистралга ўтказилган. Тошсақо магистрალი Тошсақонинг қаттиқ грунгида бош регулятор ва тиндирғич билан таъминланган. Бу катта қурилиш суғориш тармоғининг доимий ҳаракатини тартибга солди. Тошсақо, Сувоили-Ленинёл, Қизкетганнинг кучли бош қурилмалари воҳани рўй бериб турадиган дарё тошқинидан сақлайди ва сувни ўзича оқизиб қўйишга имкон берди. Суғориш тармоқлари бош қисмларининг бош магистралга ўтказилганлиги натижасида каналларнинг лойланиши жуда камайди. Хоразм ва Қорақалпоғистондаги йириклаштирилган колхоз далаларининг тошқинли мавсуamlарга боғлиқлиги тугатилди. Колхозчилар канални тозалаш ва суғоришнинг чиғир системаси каби оғир меҳнатлардан қутилдилар.

Хоразмлик деҳқоннинг асрлар бўйи орзилаган нарсаси совет сув хўжалиги ва илмий идораларининг планли ва саботли фаолияти натижасида қисқа муддатда амалга оширилди.

Хоразмда Совет ҳокимияти ўрнатилган вақтдан бошлаб техника қўлланила бошлади. Магистрал каналларнинг бош участкаларини тозалаш учун экскаватор ва землесослар кенг қўлланилади. Хоразмда махсус Хоразм экскаватор станцияси—«ХОРЭС» ташкил этилган.

Хоразм ирригацион хўжалигида сув насослари муҳим роль ўйнайди. Булар сув ўз-ўзидан оқмайдиган жойларда қўлланилади. Бу насослар-





33-расм. Амударё этакларидаги қадимий қишлоқлар харобаларининг картаси

нинг сони йил сайин ошиб бормоқда. Бу қудратли сув чиқаргичлар Хоразм колхозчиларига чиғирдан қутилишда ёрдам қилди.

Сув чиғирларининг бир хил ёжиллаш овози ҳамма ерда ҳаракат қилувчи насосларнинг гуруллаган овози билан алмашинди.

1930 йилгача бутун Хоразмда 40000 чиғир бор эди, шундан 4000 таси чиғир билан суғоришнинг классик ва типик райони бўлган Хазорася районида эди.

1947 йил маълумотида бу районда ҳозир мавжуд бўлган чиғирларнинг йиллик сони булар унча керак бўлмаслиги туфайли 150 тадан ошмайди. Шу маълумотлар чиғир тармоқларининг камайганлигидан далолат беради.

Сув хўжалигида раҳбарлик қилиш системаси ҳам тубдан ўзгарган:

1) Каналларнинг ҳамма бош участкаси эндиликда Амударё ирригацион тармоқлари Бошқармасининг (УПРАДИС нинг) ихтиёридадир. Бунинг вазифаси: каналларнинг бошланиш жойини бутунлигича сақлаш, уларни тартибга солиш, уларда ирригацион иншоотлар қуриш.

2) Тақсимлов тармоғининг яхши ишлашини тартибга солиш ишнини меҳнаткашлар депутатлари область ва район комитетларининг сув хўжалик бўлимлари олиб боради.

3) Магистрал канал бўйича сув тақсимлашни тартибга солиш ишлари махсус районлараро эксплуатация участкалари ихтиёридадир. Масалан, Жанубий Хоразмда Тошсақо магистрали бўйлаб бутун система учта эксплуатация участкаси: 1) Хева ва Қўшқўприк орасидаги; 2) Урганчдаги, 3) Гурлан ва Манғит орасидаги участкалар орқали бошқарилади. Чиғир билан суғоришга, каналларни тозалаш, ҳалокатларга қарши курашишга жуда оз киши меҳнати сарфлаб ирригацион тармоқларнинг доимий ишини таъминлаш каби тадбирлар Хоразмда асосан амалга оширилгандир. Улуғ Ватан уруши муваффақиятли тугагач коммунистик партия ва совет ҳукумати мамлакатимиз олдида пахта тайёрлашни максимал даражада ўстириш вазифасини қўйди. Мамлакат халқ хўжалиги учун пахтанинг аҳамияти темир ва нефть билан тенглашади. Шунинг учун ҳам суғориш учун зарур бўлган ҳамма тадбирлар бажарилгач, мамлакатимиз олдида деҳқончилик учун ярайдиган ва шартли ярайдиган ерларнинг ҳаммасини максимал даражада ўзлаштириш йўли билан суғориладиган ерларни янада кенгайтириш вазифаси турди. Ирригацион тармоқни техника билан доим таъминлаш ва унинг тараққиётига Чоржўй — Қўнғирот темир йўли қурилишининг тугатилиши кучли туртки бўлди.

Тез суръатлар билан доимо ўсиб бораётган социалистик техника Қизилқум ва Қорақумга аллақачон бошланган ҳужумни кучайтиришга ва уларни воҳа перифериясидан четлатишга имкон берди. Қумларнинг атрофида сувнинг пайдо бўлиши инсоннинг бошқарувчилик фаолияти туфайли унинг табиат кучлари билан ҳали кишилик тарихигача бошланган кураши ғалаба қозонишининг мустаҳкам гаравидир.

## ХУЛОСА

Бу китобда биз Хоразмнинг суғориш тарихини унинг халқ тарихи билан боғлаган ҳолда Хоразм территориясида қадим давр моддий маданиятига оид сақланиб қолган археологик ёдгорликларни тарихий хроника ва бошқа ёзма манбалар асосида ўрганиб, батафсил тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Ҳозир биз қисқа яқун ясаб, бундан тегишли натижалар чиқарамиз.

Юқорида айтиб ўтилгандек, Хоразм тарихини ишлаб чиқишда Ўрта Осиёдаги суғориладиган деҳқончилик масалаларига ҳам эътибор берган XIX—XX аср рус шарқшунослигининг катта хизматларини қайд қилмаслик мумкин эмас.

Рус тарихчи-шарқшуносларининг плеядаси орасида академик В. В. Бартольд йирик арбоб сифатида алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг жуда катта хизматлари орасида ёзма манбалар асосида революциягача бўлган Туркистон воҳаларининг суғорилиш тарихи ҳақида маълумотлар тўплаганини ва бу масала тўғрисида қимматбаҳо сводкалар тузганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бироқ В. В. Бартольд Ўрта Осиёнинг айрим воҳаларида ирригация ривожланиш динамикасининг социал ва сиёсий сабабларини топиш вазифасини ўз олдига қўймаган эди. Бундан ташқари, у вақтда археология фани унча тараққий этмагани учун Бартольд ёзув манбалари маълумотларидан ташқарига чиқа олмади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин совет шарқшунослик фани тарихий процессларга идеалистик нуқтаи назардан қараш тўғрисида кириб қолган боши берк кўчадан чиқиб олди ва тарихий материализмнинг марксча-ленинча методи билан қуролланган ҳолда моддий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланиши тарихини ўрганишга киришди.

Ҳозирги замон совет археология фани марксизм-ленинизм классикаларининг Шарқ мамлакатларида суғорма деҳқончилигининг тарихий тараққиёт йўли ҳақидаги маълумотига суяниб, Ўрта Осиё республикаларида қисқа муддат ичида талай натижаларга эришди. У археологиядаги нарсашунослик ва фақат ўрта аср ёдгорликларини текшириш билан чегараланган ҳаваскорлик оқимини тугатди ва антик дунёни, ибтидоий даврни текширишга киришди, ҳамда қуйи палеолитгача бўлган ҳамма даврлар моддий маданият ёдгорликларининг айрим турларини классификациялай олди.

Хоразмда С. П. Толстов раҳбарлигидаги, Зарафшон қуйи ҳавзасида В. А. Шишкин раҳбарлигидаги, Сурхондарё ҳавзасида ва Жанубий Туркманистонда—М. Е. Массон, Чирчиқ ва Зарафшон дарёлари ҳавза-

сида—Г. В. Григорьев ва А. И. Тереножкин, Қопетдоғ олди воҳаларида Д. Д. Букинич раҳбарлигидаги қатор экспедицияларнинг ишлари, ГАИМК нинг Қизилёр чўли ва Фарғона водисининг шарқий қисмида олиб борган экспедицион ишлари Урта Осиёнинг чўл ва воҳаларидаги хўжалик ва ижтимоий тараққиётнинг тарихий процессини аниқлаб бердилар.

С. П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик экспедицияси Амударё этакларидаги қадимги суғорилган ерларнинг археологик ёдгорликларини системали равишда ўрганиши натижасида уларни (ёдгорликларни) даврлар бўйича классификация қилишга имкон берди. Сахро зонасининг антик ва ўрта аср ёдгорликларига тегишли қуриган каналларининг ўрни, каналларни қайта трассалаш ва қайта қуриш тарихий процессининг излари, бу ўзгаришларнинг шу каналлар суғорган кўҳна шаҳарлар ва қўрғонларда рўй берадиган ўзгаришлар билан алоқаси ва ҳоказолар—буларнинг ҳаммаси, энг аввал, кишиларнинг сув ресурсларининг фойдаланиши асосида яққол намоён бўлади.

Неолит даврларида сувдан ов ва балиқ тутиш учун фойдаланилган; бронза даврида—оддий деҳқончилик ва чорвачилик учун, сунъий суғориш билан қилинадиган деҳқончиликда эса, синфий жамият тонгида фойдаланилган. «Хоразм—ҳамма фойдани Жайхундан олган мамлакатдир»—деб ёзган эди Истаҳрий. Ҳақиқатан ҳам Амударё этакларининг бутун аллювиал дельтаси, Хоразмнинг буюк саҳролар бағридаги ҳамма ҳаёти Хоразмга ҳам сув, ҳам маҳсулдор лойқа келтирувчи бу улуғ дарёнинг инъомидир. Амударё қадим замондан ҳар хил номга эга эди: қадимий греклар—Оксос деб атар эдилар, Авестада Арангға ёки Аранг дейилади, қадимий хитойлар—Гуишўй, араблар—Жайхун, хуросонликлар ва Мовароуннаҳрда яшовчилар Амуя ёки Амул, хоразмликлар — Ўкуз деб атаганлар. Ўкуз грекча Оксосдан олинган эмас, балки шу вақтгача сақланган қадимий маҳаллий номдир. Амударё номи Амуй (Чоржўй) шаҳридан келиб чиққандир. Бу ерда илк ўрта аср даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган Хоразмдан Бухорога ўтадиган кечув йўли бор эди.

Амударё этаклари шимола ва шимоли-ғарбга томон умумий нишобликка эга. Нишоблик Сариқамиш пастлиги томон оғиб боради, эски ўзанлар ва ирригацион каналлар ҳам Сариқамиш томон йўналган.

Амударё этакларидаги ҳозирги унумли ерлар бу лойқа дарё ва унинг жўшқин тоғ ирмоқлари келтирган чўкиндилардан иборат. Амударё этакларининг полеогидрографияси тўртламчи даврнинг биринчи ярмида бутунлай бошқа характерга эга бўлганлиги геологик текширишлар натижасида аниқлангандир. Амударё аллювиал қатламлари *Corbicula fluminalis* моллюскалари билан тўртламчи даврнинг иккинчи ярмига тўғри келиши мумкин.

Бу тўғрида улуғ ўзбек олими Берунийнинг палеогидрографик гипотезаси жуда диққатга сазовордир. У Амударёнинг Каспий денгизига томон дастлабки оқими Келиф Ўзбойи орқали ўтган, деб тахминлаб айтган эди. Кейинча дарё ўз оқимини шимолга, Хоразм томонга бурган ва эвал Дулдулотлаган дарбандини, сўнг эса Туямўйинни ўйиб кетиб Хоразм текислигига чиққан. Лойни ётқизиб бу текисликни кўмиб ташлаган ва Орол денгизини вужудга келтирган. Тўртламчи геологиянинг энг янги текширишлари бу гипотезани асосан тасдиқ этди (И. Герасимов ва К. Марков). Бунда Беруний Амударё оқими ўртасидаги эски пунктларнинг эски номини келтиради (афсуски, фақат арабча таржимасида): «Сакр аш шайтон» (шайтон тўғони) — бу Дулдулотлаган дарбандига мувофиқдир ва «Маздубаст» (маздачилар худоси мазда тўғони)—бу Туямўйинга мувофиқ келади. Тарихдан илгариги замонларда Амударё Туямўйин дарбандидан чиққан, ўнгга — Сувёрган, сўлга — Довдондан

шоҳобчалар ташкил этиб, ўзгариб турувчи (ўрнини алмаштириб турувчи) ўзанлар орқали оққан. Асосий ўзаннинг ўзи ҳам йўлини ўзгартиб турарди. Бунга энг асосий сабаб Амударёнинг ўз қатламларидан иборат бўлган қирғоқлари тузилишининг мустаҳкам бўлмаганлигидир.

Амударё эски ўзанларининг ўрин алмаштириш ва бу ўзанлар бўйлаб оқишининг тўхташига асосий сабаб баъзи олимлар тахмин қилганидек фақат Бер қонуни, шунингдек ер қимирлашигина эмас, балки Амударё суви оқишининг умумий қонуни ва қирғоқ лойқасининг тузилиши характерига боғлиқдир. Шу қонуниятлар туфайли Амударёнинг ҳар қандай ирмоғи, Хоразмнинг тошқиндан бўлган ҳарқандай канали ўзининг бош қисмида лойланади ва тезда ишдан чиқади. Сувнинг Довдон ва Дарёлиқнинг эски ўзанлари бўйлаб оқишининг тўхтаб қолиши ҳам шу умумий қонунга бўйсунган; шунинг учун Довдон ва Дарёлиқнинг бош қисмлари ҳанузгача аниқланмай қолгандир.

Амударё этакларида грунт тузилиши структурасининг ўзгарувчанлиги дарё оқимининг ўрин алмашинувига сабаб бўлади. Дарё оқими бунда доим ўз қирғоқларини камар қилиб кетади ва обод қатор район, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиб кетади. «Дегиш» деб аталадиган бу камарнинг активлашиши туфайли X асрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрини сув босган эди.

Даҳшатли «дегиш», тез-тез бўлиб турадиган тошқинлар натижасида хоразмликлар қишлоқларни қирғоқ бўйи жойларидан анча нарида жойлаштира бошладилар. Қадимги хоразмликлар воҳанинг ҳаёт-мамотини бутунлай Амударёга боғлардилар. Улар сарой ва бошқа тантаналарда айтиладиган, яхшилик тилайдиган диний дуоларни чиқардилар. Масалан, «Дарёга баракат бергай, дарё ўз рўдхонасида оққай».

Сув худолари тўғрисида мифлар пайдо бўлди, масалан, «Хубби» тўғрисида. Бу—сув муаккили, чўкаётганлар халоскори, йигит образида гавдаланади. Бу—ўладиган ва яна тириладиган худодир. Хоразмдан дарёни бошқа томонларга олиб кетиш мумкинлиги тўғрисида ҳам афсоналар бор, масалан, даҳшатли султон Санжар ва қиз Тўрабекхоним тўғрисида афсона, мифик полвон Авжбинни Унуқ ва кампир тўғрисида афсона. Буларда қиз ҳам, кампир ҳам келган ҳалокатдан воҳани қутқазувчилар сифатида гавдаланади.

Амударё этаклари ҳавзасининг археологик текширишлар ўтказилган районларида ҳозирги фақат ибтидий одам яшаганлигининг қолдиқлари топилган. Булар сўнгги неолитга ва бизнинг эраизгача бўлган IV—III минг йилликка тўғри келади. Ибтидий овчи ва балиқчиларнинг бу маданияти «Қалтаминор» номи билан юритилади. Ҳозирча бу Хоразм учун энг қадимги ёдгорлик ҳисобланади.

Қалтаминорликларнинг макони Амударё лойқа сувининг бир неча марта юз берган тошқини туфайли пайдо бўлган чўкинди лойқа тақирсимон соз тупроқнинг анча чуқур қатламида топилди. Бу лойқаларни биз шартли равишда тақир деб атаймиз. Турар жойлари доира ёки тухумсимон шаклида катта чайла кўринишида қадимий барханда, қадимий ҳовузнинг қирғоғида жойлашган. Истиқомат қилувчилар унда катта уруғ бўлиб яшар эди.

Қалтаминор маданиятидан кейингиси тақир усти, яъни чўл бронзасининг «Тозабоғёп» маданиятидир. Бу тўғрида сопол буюмларнинг ва микролитойд тош қуролларининг бўлаклари топилган ўнларча қароргоҳлар далолат беради.

Тозабоғёп маданияти чорвачи-овчиларнинг маданияти эди. Буни ҳозир фан исбот этгандир. Улар кенг чўл майдонларини эгаллаган эдилар ва дарёлар тошқини бўйлаб, кўлларда, «қоқ»ларда ва бошқа сув буй-

ларида яшардилар. Бу маданият Урта Осиёда кенг кўламда Амударё этаклари ҳавзасида, Зарафшонда, Фарғонада топилган. Бу ҳол энг аввал ўша вақтда рўй берган чўлни ўзлаштириш ҳақида, ўша чўл бронзаси маданиятининг турли вариантларига эга бўлган, эрамызгача бўлган III—II минг йилликка тўғри келадиган чорвачи-овчи қабилаларининг анчагина ўрин алмаштиришлари тўғрисида далолат беради.

Тақирсимон соғ тупроқларнинг ўша қатламида Тозабоғёп маданияти билан бир қаторда бронзанинг бироз бошқача маданияти, биз «суёрган» деб атаган маданият топилгандир (ҳозирча фақат ўша Жонбосқалъа районининг икки пунктида).

Тайёрлаш техникаси ва орнаментал мотивлари бўйича кўп миқдорда топилган сопол буюмлар кўпинча калтаминор ва тозабоғёп маданиятига тегишлидир, шу билан бирга сопол буюмларнинг қарийб яримини бизга. Ановдан маълум бўлган бўялган ва охрали сопол буюмларнинг бўлаклари ташкил этади. Профилланган гулбожли теги ясси юпқа идишлар қизил оҳранинг қалин қатлами ёки қандайдир оч-кулранг қоришма билан қопланган ва бўёқдан кейин яхшилаб пардозланган. Баъзан бундай бўёқлаш калтаминор ва тозабоғёп кулолчилик маданиятига ҳос бўлган ўйма башоқсимон нақш билан бирга берилган.

Тош қуролларининг йўқ бўлиши, қўл тегирмони, бўяма кулолчилик ва уй-жой типининг пайдо бўлиши, овқат қолдиқларида балиқ ва ёввойи ҳайвон суяқларининг йўқолиши—буларнинг ҳаммаси макон энди Хоразмнинг ибтидоий деҳқонлари қўлида бўлганлигини кўрсатади.

Археологик ва этнографик текширишлар шу нарсани аниқладики, Шарқ мамлакатларида ибтидоий ва суғоришга асосланган деҳқончилик табиати умумий қонунга бўйсунган: бу деҳқончилик текислик дарёларининг қуриётган ирмоқлари, шунингдек икки физик-географик зонадаги тоғ дарёлари ва сойлар асосида ривожланган, яъни тоғларнинг олд қисмларида, бу ерда бой лойқа келтирадиган тоғ жилғалари ва сел оқимлар текисликда қуриб, келтирган лойқаларни ётқизади ва текислик дарёлари дельталарида улар ташкил этган лиманларда ривожланган. У ерда ҳам, бу ерда ҳам улар тупроқни бошоқли ўсимликларнинг ўсиши ва пишиши учун зарур бўлган миқдорда намлик билан таъминлайдилар.

Туркманистондаги Копетдоғининг (Д. Букинич), Нурота тизма тоғининг шимолий ёнбағри (Я. Фуломов), Фарғона водиси (Я. Фуломов), Қизилар чўли (Б. А. Латинин), Марказий Ҳиндистон (С. Островский), Юқорри Нубия (Бурхарт) ва ҳоказолардаги лиманларнинг табиати шунақадир. Урта Осиёда бу лиманлар умумий бир ном—лойқа билан юритилади. Тариқ, арпа, бугдой ва кунжут суюқ лойқага шу ҳисоб билан экиладики, бу лой қуригунча экин анча ўсаолсин. Хоразмдаги текислик дарёларининг ҳавзаларида деҳқончилик қуриб қолувчи дельта ирмоғларининг тошқинларидан фойдаланишдан бошланган. Бу ерда баҳор тошқинлари вақтинча ҳовуз-кўлларни ташкил қилади.

Амударёнинг қуйи дельтасида (Оролда) ўзбеклар, қорақалпоқлар ва қозоқлар унча узоқ бўлмаган даврларда ҳам катта чуқурликларни сув билан бостириб, аввал фойдаланиб келган эски усул билан донли экинлар экиб келганлар.

Абулғози даврида (XVII аср) Оролнинг ғарб қисмидаги Қуйғун чуқурлик ерлари кузда Амударёдан чиқарилган махсус канал билан сувга бостирилган эди. Сентябрда канал ёпилар эди ва қуёш таъсири остида сувнинг парланиши тугагач, ҳар томондан тўпланган ер ҳайдовчилар бу катта кўлда ҳар бири ўзига ажратилган участкада келтирилган уруғларни чўкинди лойқага экканлар. Сўнгра улар ўз қишлоқларига кетиб, ўрмингим даврида яна тўпланганлар. Урим тугагач кўлнинг ҳамма жойи

яна сув билан қопланган. Бу тажриба бутун Хоразм деҳқончилигининг асоси ҳисобланади: ҳозирга қадар сув билан сунъий равишда бостиришга мослаштирилган кичкина экин майдончаси «кўлча» термини билан юритилади. Бу терминда Хоразмда суғориш деҳқончилиги пайдо бўлиши ва ривожланишининг бутун тарихи ифода этилгандир. 6-сон макон жойлашган Жонбосқалъа районининг шарқий минтақасида сунъий суғоришнинг ҳеч қандай қолдиқлари йўқ ва бу ибтидоий деҳқонларнинг яшаш шароитлари Сувёрган ирмоғининг тошқинларидан пайдо бўлган ҳовузлар (лиман, кўллар)га асосланган эди.

Сувёрган—Амударёнинг қадимий ирмоғи бўлиб, Хоразмнинг ўнг қирғоғидаги қадимги суғориш ерларининг шарқий чегарасини ўраб олади ва ҳозир талайгина қисмини Қизилқумнинг кўчма қумлари босган қатор кўллардан иборатдир. Сувёрганнинг боши Оққамишнинг табиий чегарасида, Тўрткўлдан юқоридадир.

Ибтидоий суғорма деҳқончилигининг Сувёрганнинг табиий тошқинларига батамом тобеълиги унинг кўчма характерда бўлишининг сабабидир. Тошқинларнинг тасодиғийлиги, чегараларининг ўзгарувчанлиги, шунингдек бархан ва қум тепаларнинг силжиши натижасида жой рельефининг ўзгариши деҳқонларни ҳар фасл қулай лиманлар қидириб кетишга мажбур қиларди. Шунинг учун бу ерда Копеддоғ тепалигидаги каби ўзгармас деҳқончилик қишлоқлари вужудга келмади.

Эрамингача бўлган биринчи мингйилликнинг бошида ёки биринчи чорагида деҳқончиликнинг ривожланиши, сув тошқинлари ва бошқа сув чегаралари бўйлаб ҳамма яроқли ерларни ўзлаштириш кўрина бошлайди. Амиробод маданияти деб аталадиган илк темир асрининг маданиятидан жуда қўпол, бироқ яхши пиширилган сопол буюмлар ва ёрғучоқ ёдгорликлари қолган. Тез орада асримизгача бўлган биринчи минг йилликнинг ўрталарида кулолчилик чархи ҳам пайдо бўлади. Бу вақтда кўпайиб бораётган деҳқончилик жамоалари аввалги жойларида турган ҳолда тошқинларни тартибга солиб, буларни халқ яшайдиган жойларга олиб келиб, анча ўтроқ ҳаёт образига ўтадилар. Айрим катта оилаларнинг оворан-сарсон бўлиб ҳаёт кечиришидан (масалан, 6-сон Қалтаминор маконидагилар шундайлардан эдилар) бирлашган деҳқончилик жамоаларига ўтишлари дарё ирмоғидан майда каналлар чиқаришга ва каналнинг бош қисмларини юқорига, ирмоққа томон сура бориб, ниҳоят, уларни дарёнинг ўзига келтириб қўйишга имкон берди. Хоразм сиёсий тарихининг бу даврида ҳарбий иттифоқ асосида сак қабиаларининг йирик конфедерациялари тuzилади. Бу давр—деҳқончилик воҳасининг чўллардаги кўчманчи қабилалар билан алоқа қилиш даври эди.

Сакларнинг парфиялилар ерлари устидан ҳукмронлиги ва сакларнинг Мидия подшолиги (Диодор) билан кураши, аҳмонийлар Эрони тuzилганга қадар Жанубий Туркменистон воҳаларида хоразмликларнинг ҳукмронлиги (Геродот), европали скифларнинг массагетлар томонидан ҳайдалиши (Геродот), Хоразм каби илк шаҳарнинг пайдо бўлиши (Гекагей)—буларнинг ҳаммаси қабила бошлиқларининг ҳокимиятидан устун турадиган подшоликнинг вужудга келганлигини кўрсатади.

Хоразмнинг чап қирғоғида бу даврда ҳаёт Довдон ирмоғининг пастки ҳавзасида ривожланган. Довдон ўзининг қуруқ ўзанининг катталиги ва айниқса дельтадаги ирмоқларининг ҳажми бўйича Амударёнинг кучли ирмоғи ҳисобланган. Тарихдан илгариги ва илк тарихий замонларда Жанубий Хоразм воҳасининг ҳозирги чеккасида Довдон Туйнуклу кўли ва қуруқ Чирманёп ўзанидан жануброқда Сарикамиш пастлиги томон оқувчи шўх дельта ирмоқларига бўлинган.

Чап қирғоқ Хоразми ибтидоий деҳқонларининг ва чорвадорларининг ҳаётлари ўтган Қалъалиқир ва Кўзалиқир табиий тепалик районлари ботқоқ ва ҳовузларга бой эди. Тепаликларнинг устки майдончаларини бирлаштирадиган Кўзалиқир ва Қалъалиқир шаҳар харобалари киши яшайдиган пунктларнинг энг қадимги типларидир. Булар стратегик жиҳатдан ҳам (Хоразм—Мидия йўлида), гидрографик жиҳатдан ҳам (Довдоннинг шўх сувларидан сақловчи тарзида) қулай ва мустақкам жойларда қурилган эди. Илк сунъий каналлар бу шаҳар харобалари районида йўқдир. Аҳоли Довдон тошқинларини маҳаллий тартибга солиш билан кифояланар эди. Қадимий ирмоқ ва антик сунъий канал ҳисобланган Чирмонёп бу ердан узоқ масофада ўтади.

Дастлабки грек манбалари Амударё ҳавзаси ғарб қисмининг серсувлиги ҳақида ёзадилар. Аристокл (эрамизгача IV аср) Шимолий Афғонистондан Каспий денгизигача Амударё бўйлаб сув йўли бўлганлигини тақдидлайдики, бу Ўзбойни серсувлигидан дарак беради. Шундай экан, унда Ўзбой фақат Довдон орқали сув билан таъминланган, Дарёлик ўзани антик замонларда ҳали йўқ эди.

Бироқ янги геологик, географик (А. Кесь, В. Федорович) ва археологик (С. П. Толстов) текширишлар тарихий даврда Ўзбой бўйлаб оқимнинг бўлганлигини тасдиқламайди. Апаснаклар ва бошқа массагет қабилаларининг Ўзбойдаги шаршаралар остидан ўтганлари ҳақидаги грек манбаларининг маълумотлари тарихий давргача бўлган замонларга тегишли бўлиши мумкин. Сув йўли Довдон—Чирмонёп бўйлаб (Аристокл) Шимолий Қорақумдаги бирор пунктга қадар бориши мумкин эди. Моллар қуруқ йўл орқали пастки Ўзбойгача келтирилиши мумкин эди. Бу вақтларда Каспийнинг денгиз суви бу ерга кираолар эди. Жанубий Ўзбойда Каспий фаунасининг топилиши Каспий сувининг Ўзбойга кирганини тасдиқлайди.

Довдон чап қирғоғидаги Жанубий Хоразмнинг ҳозирги воҳаси лойқа чўкмасидан пайдо бўлган.

Довдоннинг ўнг қирғоғи чап қирғоғига нисбатан анча тик; тошқин сувлари Қорақум чегараларигача етар эди. Хазорасп ва Олмаотишган маданий қатламларига тегишли бўлган археологик ёдгорликлар шу нарсадан дарак берадики, бу пунктлар эрамизгача бўлган V—IV асрлардан олдин пайдо бўлган.

Жанубий Хоразмда канал тармоқларининг кўпайиши, оқимнинг камайиши Довдоннинг секин-аста қуриб қолишига сабаб бўлди. Оқимнинг камайиши биринчидан, сувни ирригацияга сарфланиши ва иккинчидан, Довдон бош қисмининг лойланишга боғлиқ эди.

Жанубий Хоразм ерларини ирригацион ўзлаштириш тарихи соҳасида янги гидрогеологик текширишларнинг фактлари жуда қизиқарлидир (Б. М. Георгиевский): Довдоннинг жануб томонидаги йирик маданий-ирригацион оқизиндилар бу авторнинг фикрича—2000 йил ичида, Довдоннинг шимолий томонида Дарёлик ўзанигача—1750 йил мобайнида; Дарёлик ва Амударё қайрлари террасасининг ҳозирги сувлоқ пичанзор қайр ерлари оралғи районларида оқизиндилар 900—1000 йил мобайнида ётқизилган; Дарёлик пичанзори районларида эса, 400—500 йил давомида ҳосил бўлганлар. Бу ерда маданий ирригацион оқизиндилар кўпайишининг асосий омили қум аралаш янги тупроқдан иборат сунъий ўғитнинг ҳар йили келтирилиб туришидир. Бу геологик ҳисоблар археологик кузатишларга асосан мос келади. Даврларга бўлишдаги озгина номувофиқликка сабаб (геологларда рақамлар 400—500 йилга кам) шуки, археологик фактларга асосан Хоразмнинг деҳқончилик тажрибасида эрамизнинг V—VI асргача сунъий ўғитлаш қўлланилмаган.



Кулолчилик чархига, дастлабки мустаҳкамланган аҳоли пунктларига ва дастлабки сунъий каналларга ўтиш Жанубий Туркистон воҳаларида Мидия билан рақиблашган сак-хоразм ҳарбий-сиёсий иттифоқи тўғрисидаги биринчи тарихий хабарларга мувофиқ келади. Тарихда ҳеч бир кучли варвар кўчманчилар бирлашмаси ижтимоий тараққиёти кўчманчиларникига қараганда анча юқори бўлган маданий деҳқончилик воҳаларига асосланмаслиги мумкин эмас. Ўзининг моддий ишлаб чиқаришининг ва бунга асосланган руҳий маданиятининг афзаллиги туфайли воҳалар чўл бирлашмаларига таъсир қилар ва баъзан уларнинг ривожланишига омил бўлар эди.

Воҳа билан кўчманчи чўл ўртасида дастлабки алоқа ҳарбий характерга эга бўлган масалалар бўйича ўрнатилади. Бу алоқада воҳа мудофаа мақсадларини кўзда тутаяди; сўнгра аста-секин шоҳ бошчилигидаги кучли қўшма ҳарбий бошқарма тузиладиги, шоҳ ажнабий территорияларида талончилик-экспансионистик ишларини олиб боради. Бу, зўравонликка асосланган подшоҳликка бўйсундирилган қабилаларни ва халқларни «молия бошқармаси» ва «ижтимоий ишлар бошқармаси» томонидан катта деворлар, ўша даврларда йирик ҳисобланган канал ва тўғонларни зўрлик билан қурдиришга имкон берган. Айрим уруғ, айрим қабила ёки жамоа бажара олмаган ишларни деспотияга асосланган подшо давлатининг бажара олишига имкон туғилди. Бундай ишларга фақатгина айрим воҳаларнинг аҳолиси эмас, балки ҳарбий асрлар ҳам ва деҳқончиликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган қарам қабилалар ҳам куч билан тортилди эди. Улар бу қурилишларнинг ҳаммасини ўзлари фойдаланиш учун бино қилган эмаслар. Жанубий Хоразмда йирик ирригацион ва мудофаа қурилишларига Хева хонлари XVIII—XIX асрларда ҳам бундай тадбирлардан на территориялар, ва на иқтисодий томондан манфаатдор бўлган ўн минглаб қорақалпоқларни тортидилар. Бундай мажбурий ишлар Хоразм давлатида қадимдан одат бўлиб қолган эди.

Қора денгиз атрофидаги скифларга қарши курашмоқ учун Искандар Зулқарнайндан дўстлик ва ҳарбий иттифоқ тузишни сўраган Хоразм шоҳи Фаразман Европада скифлар ва Осиёда аҳмонийлар Эрони билан кураш олиб борган бу катта подшолик сулоласига асос солувчилардан бири эди. Шу вақтларда ўнг қирғоқ Хоразмда Қўйқирилганқалъа, Бозорқалъа шаҳар харобалари ёнидан ўтиб, шохобчаси Жонбосқалъага қаратилган сунъий Бозорқалъа канали аллақачон ишга туширилган эди. Қадимий суғорилган ерларнинг энг шарқида бундай йирик ва узун каналнинг қурилишини шу билан тушунтириш мумкинки, бу энг қадимги канал сифатида қадимий прмоқ Сувёрганга яқин бўлган ерда вужудга келади. Бу табиий шохобчадан илк Хоразм подшолиги даврида унча катта бўлмаган биринчи оддий каналлар ўтказилди, сўнг булар ўрта подшолик даврида Мисрда кичик каналлар ўрнини катта каналлар эгаллагани каби бирлаштирилди. Ўша даврда Хоразм воҳаларининг узоқ ва яқин остоналари Хазораспгача (чап қирғоқ Хоразм) ва Сепоя ёнидаги Гупроқалъагача (ўнг қирғоқ Хоразм) Амударёнинг ҳар иккала қирғоғи бўйлаб қалъалар қатори билан мустаҳкамланади. Воҳа бошида Хазорасп, унинг атрофида Жонбосқалъа ва Чирмонёп истеҳкомлари ўша вақтда Хоразм давлатининг ҳамма томонларида хавфсизликни таъминлар эди.

— Канха-Хоразм давлати қудрати кучайишининг ва ирригация ривожланишининг иккинчи даври (эрамининг II асри) ўнг қирғоқда иккинчи канал (Гулдурсуннинг) қурилишига тўғри келади. Бу қудратли канал қадимий Бозорқалъа каналидан чиқарилиб Катта Гулдурсун, Бургутқалъа, Уйқалъа истеҳкомлари ёнидан ўтказилган ва Кичик Қирқиз

истеҳкомигача етказилган эди. Катта Гулдурсун, Қичик Қирққиз истеҳкомларининг қурилиши, чап қирғоқ Хоразмда Чирмонёп каналининг қазилиши ва бу каналда қатор мустаҳкам пунктларнинг вужудга келтирилиши худди шу даврга тегишлидир. Худди шу даврда Қанха-Хоразм давлати ўз қудратининг энг чўққисига етди: «Хитой элчиларини Усун элчиларидан пастга ўтиргизди», Грек-Бақтрия подшолигидан Суғд шаҳрини олади, Хитой экспансиясига қарши курашда Довон (Фарғона) подшолигига ёрдам беради.

— Эрамизгача бўлган II ва эрамизнинг I асрлари орасидаги даврда Қанха-Хоразм давлати бироз кучсизланди. Шарқдан Катта юе-чжейларийрик бирлашмасининг босиб келиши, Суғд ва Шошда улар томонидан Қанха ҳокимиятининг йўқ қилиниши натижасида Хоразмда ички социал-сиёсий вазият оғирлашди. Бу вақтда эски Бозорқалъа канали суғорадиган воҳада ҳаёт анчагина заифлашди ва аксинча, эрамизгача бўлган I асрда Гулдурсун канали суғорадиган воҳада ҳаёт анча гуллади. Эҳтимол, шу даврда икки каналнинг айрилиш жойида Гулдурсун каналидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган Шўрахон истеҳкоми вужудга келган бўлса керак. Гулдурсун каналидан катта Тупроққалъа канали чиқарилди, Гулдурсун канали асосий ўзинининг қуйи оқими шимоли-шарқ томон бурилтириб, Қўрғошинқалъа истеҳкоми қурилган Кўкча қудуғигача олиб борилди. С. П. Толстовнинг таъкидлашича, эҳтимол Хоразм «Номсиз шоҳи»нинг танга зарб қилиши шу вақтга тегишлидир. Бу шоҳ Хоразм давлатининг бирлигини тиклаш ва мустақиллигини сақлашга беҳуда уриниб кўрган эди.

Эрамизгача бўлган II асрда вужудга келган шаҳар ва истеҳкомлар — Кардаронхос (Хева ва Хазорасп ўртасидаги Қалъажикнинг вайроналари) ва Қандумқалъа (шимолий Довдонда), шунингдек Хазорасп ўша вақтда зўр инқирозга учрайди. Эрамизнинг биринчи асрида Хоразм кўшанларнинг ҳокимияти остида қолди ва қадимий маданиятли воҳа сифатида бу зўр империя системасига киришидан фойда ола билди. Хоразм яна бирлаша бошлайди. Бозорқалъа канали воҳасида анча жонланиш кўринади, Гулдурсун канали воҳасида ҳаёт анча гуллайди, Тупроққалъа каналидан катта шохобча чиқарилди, Султон Увайс тоғолди райони суғорилади, унда Аёзқалъа қурилади, Ғозиобод-Чирмонёп канали кучайтирилади, Чирмонёп районида Змухшир ва бошқа истеҳкомлар қурилади, Қандумқалъа, Кардаронхос қайта тикланди, Устюрт қирида Девкесган истеҳкоми қурилади, Хева пайдо бўлади, Довдоннинг чап қирғоғида катта канал қурилади, Хазорасп истеҳкоми мустаҳкамланади; — бу тадбирларнинг ҳаммаси кушан даврига тегишлидир.

Кучли кушан-юечжи иттифоқининг ҳарбий бошқармаси, варварлик характериға эга бўлган бўлса ҳам Бақтриянинг ўсиб бораётган қулдорлик тузуми билан тез алоқа боғлай олди. Канишка даврида Кушан подшолиги ўз қудратининг чўққисига етди. Воҳалардаги прогрессив қулдорлик жамиятлари ирригацияни кенгайтириб, ташқи савдони ривожлантириб, мудофаани мустаҳкамлаб, бу империянинг куч ва қувватидан тўла фойдаланадилар. Эрамизнинг III асрига келиб Кушан империясининг тарқалиб кетишига сабаб, ички ижтимоий-сиёсий қарама-қаршиликларнинг кучайиши ва сунъий бирлаштирилган мамлакат ҳамда областларичида ҳокимиятнинг марказлашишига қарши бўлган феодаллаштирувчи кучларнинг муваффақияти эди. Бу ҳолни давлат системасининг ўз ичида рўй берган династик курашлар айниқса тезлаштирди.

Хоразм энг аввал Кушан империясининг бу кучсизланишидан фойдаланди ва маҳаллий династия бошқарадиган мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди. Бундай маҳаллий династиялар кўп эди; ҳар бир уруғ-қабила бирлашмаси ўзининг династик гуруҳиға эга эди. Патриархал-қулдор-

лик тузумининг емирилиш процесси у ёки бу канал ҳавзасида ҳокимиятни босиб олган айрим династияларнинг кураши билан бирга юз берди.

III асрда династия гуруҳлардан бирининг тамғаси билан маҳаллий чақанинг зарб этилиши кўринади. Тупроққалъа Хоразм подшоҳларининг саройига айланади, энг чекка ғарбда Кат канали қазилиб унда Филқалъа истеҳкоми солинади, Аёзқалъа, Қирққизқалъа, Бозорқалъа районларида ҳаёт тўхтайдди, Ғознобод каналининг Қардаронхосида ҳаёт тўла тўхтайдди. IV—V асрлар патриархал-қулдорчилик муносабатларининг емирилиши ва феодал муносабатларнинг пайдо бўлишини таърифлашда археологик жиҳатдан айниқса намуналидир.

Тупроққалъа ва бошқа антик типдаги сераҳоли шаҳарлар йўқ бўлади, ҳаёт бутун воҳа бўйлаб тарқалган айрим мустақкам қўрғонларга ўтади. Хоразм шоҳларининг саройи IV асрда Кат шаҳрига кўчирилади. Гулдурсун-Бургутқалъа каналининг эски оқими бўйлаб Уйқалъагача бўлган жойларда ҳаёт бошланади. Бу каналдан чапроқда янги канал қурилади, шундан сўнг хўжалик ва сиёсий ҳаёт воҳалар бўйлаб фақат икки канал: Кат ва Бургутқалъа атрофида тўплана бошлайди. Қолган каналлар умуман тўла таназулга учрайди. Топилган тангачалар ичида турли тамғали айрим тангалар учрайди. Буларнинг ҳаммаси давлат бирлигининг инқирозга учраганидан, бош канал қудратининг пасайишидан, сув учун айрим воҳалар ўртасида кураш борганидан, шунингдек Кат ва Бургутқалъаси каби икки сиёсий марказнинг вужудга келишидан, булар ўртасидаги курашдан дарак беради. Бу кураш тез-тез бўлиб турадиган уруш ҳаракатларига, суғориладиган деҳқончилик хўжалигининг қисқаришига, хоразмшоҳлар бошчилигидаги эски ер аристократиясига қарши турувчи ўсиб бораётган феодал укладининг кучайишига олиб келди.

Ўрта Осиё территориясида VIII асрда арабларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг хоразмшоҳга ёрдам ваъда қилишлари, хоразмшоҳни ватани ва феодал оппозицияга бошчилик қилган ўз акаси (Хурзод)га нисбатан сотқинлик қилишга мажбур қилди.

VIII асрда араблар хоразмшоҳларни, бухорхудоларни қўллаб-қувватлаб, улар билан бирликда прогрессив феодал кучларига қарши курашдилар, халқ қўзғолонларини бостирдилар. Моддий ва руҳий эзилиш—оғир контрибуция, хирож ва жузья (жон солиғи), солиқ тўловчиларнинг бўйинларига муҳр осиб қўйилиши, араблар фойдасига маҳаллий аҳоли уй-жойларини мусодара қилиниши, бўйсундирилган, забт этилган областларда араб босқинчиларининг андишасиз ҳукмронликлари, улар томонидан маҳаллий маданиятнинг—ёзув, рассомлик, ҳайкалтарашлик ва ҳоказоларнинг емирилиши—хоразмликларни ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқларини қўлга қурол олиб, арабларга, исломга, босқинчиларга таслим бўлган хоразмшоҳ ва бухорхудоларга қарши бош кўтаришга мажбур қилди.

Халқ оммасининг тўхтовсиз қуролли қўзғолонлари энди феодал асосдаги янги маҳаллий династияларнинг кучайишига ва ниҳоят, Ўрта Осиё ва Хуросон халқларини араб халифатидан ажралишга олиб келди. Араб ҳокимиятининг тугатилиши, IX асрда йирик тоҳирийлар ва сомонийлар маҳаллий бирлашма давлатларининг вужудга келиши Ўрта Осиё халқлари тарихида янги давр бўлди. Савдо, ҳунармандчилик тез ривожланади, ирригация қайтадан тикланади, феодал типдаги шаҳарлар кўпаяди, фан ва санъат гуллайдди. Номлари бутун дунёга тарқалган қатор олимлар: Хоразмий, Фарғоний ва бошқалар етишиб чиқиб, улар Ўрта Осиё фанининг қадимги традицияларини давом этдирадидилар. Бу олимлар «мусулмон дунёсининг» маркази Бағдодда ўқимишли доираларда етакчи ўринни эгалладилар.

Гурганч (Кўна Урганч) шаҳри районини ирригацион ўзлаштириш, Амударё қуйи дельтасини кенг миқёсда ўзлаштирилиши, Гурганчнинг барпо қилиниши, Ғозибод (Мадра) каналининг этакларида ва айниқса Змухшир шаҳри районида ҳаётнинг янада тикланиши шу даврга тегишлидир.

Археологик маълумотларни X аср араб географларининг тарифлари билан солиштирганимизда қуйидагини кўрамиз: Амударёнинг чап қирғоғида, воҳа чегарасида кучли истехком—Хазорасп шаҳри бўлган. Бунга канал келтирилган эди. Хазораспдан 25 км ғарброқда Қардаронхос (Қалъажик вайроналари) турар эди; бунга ҳам ўша номдаги иккинчи канал келтирилади. Жанубий Хоразмнинг асосий сув артерияси кушанлар даврида қурилган Хевагача борадиган канал эди. Дастлабки икки канал Хеванинг Хайконик (ҳозир Полвонёп) каналидан сув олган.

Кейинги канал Мадра-Ғозибод каналига тўғри келади. Буни Ғозибод каналидаги Мадир шаҳрининг вайроналари исботлайди. Бешинчи канал—Вадок ҳам Довдоннинг ўнг қирғоғида кушанлар замонида қурилган ва Қандумқалъага олиб берилган эди. Буни Қандумқалъа, Воянгон ва Тупроққалъа сўнги қисмларининг вайронликлари тасдиқлайди. IX асрнинг бошида бу канал Гурганч районида етказилган эди. У асосан Шоҳобод (Шовот) каналига тўғри келади. Вадокни зўрайтириш учун IX асрда олтинчи Бува канали қурилди, бунинг этаклари Вадок билан бирлаштирилган эди. Гурганч (Кўна Урганч) у каналларнинг сувларидан олар эди. IX асргача бу ерда суғориш ишлари йўқ эди. Буни дастлабки давр археологик ёдгорликларининг бу ерда йўқлиги ҳам тасдиқлайди: Маздахқон (Мазлумхон сулув вайроналари, Хўжайли шаҳридан 7 км ғарброқда) Гурганчга қараганда ҳам қадимийдир.

X аср араб географларининг тасвирида Ибн Руста, Истаҳрий ва Мақдсий ўша пайтларда Амударё Маздахқон билан Гурганчнинг ўртасидан оққан.

Ўнг қирғоқ Хоразмнинг ерлари X асрда Султон Увайс тоғида қадимдагидек, ягона Говхўра канали орқали суғорилар эди. Бу каналнинг транскрипцияси (Говхўра) Истаҳрийда тўғри берилган, лекин «сигир овқати» деб тушунтириши нотўғридир. Биз бунда «хвор» бўғинини «Хворазм» (Хоразм) номининг таркибий қисми «хвор» бўғининг ҳар эҳтимолга кўра, «ирмоқ» ёки «канал»ни билдирган «гов» термини билан қўшилганлигини кўрамиз. (Говхудфар—қуйи Зарафшондаги қадимги ирмоқдир. Говхўра ҳам Амударё этакларидаги қадимги каналдир). Бундан биз шу хулосани чиқарамизки, Говхўра шубҳасиз Милетли Гектей аллақачон айтиб ўтган қадимий шаҳар «Хоразм»нинг номи билан боғланган эди. Говх(в)аре—эрамизгача бўлган биринчи минг йиллик ўртасида Амударёдан чиқарилган ўша қадимий каналнинг ўзгинасидир. Бунинг боши қадимда Сувёрган ирмоғининг эски ўзани каби Оққамиш участкасидадир. Араб ҳокимлиги даврида Бургут-Қалтаминор (Бозорқалъа) канали воҳасида ҳам ҳаёт сусайди. Ҳозирги Бўзёп оқимида мос келадиган Говхўранинг асосий оқими Амударё ёқасининг ғарбидаги қадимий суғориш ерларнинг бир қисмини, яъни Кат районини суғорар эди. Шўрахон шаҳри олдида Говхўрадан ҳозирги Тозабоғёп ва қисман Қалтаминорга мос келадиган Гурия канали ажралади. Шўрахон шаҳри X асрда Истаҳрий (X аср) айтиб ўтган Ғарабхашна шаҳри билан тенглашади.

Гурганчдан шарққа томон оққан Амударё секин-аста у учун бевосита хавфга айланади. Ибн Руста даврларида (913 йил) дарё Гурганчдан I фарсах (6—7 км) шарқроқда, Мақдсий даврида эса, (985 й) Вадок ва Бува каналлари этагига унинг босиб кириши туфайли, унинг ўзани ғарбга силжиган ва дарё жуда хавфли, шаҳар деворларига яқин жойдан

ўтадиган бўлди. Гурганч аҳолиси ёғоч, тўсин ва ўтинлардан ўзига хос тўғон қурадилар ва бу билан дарё сувини шаҳардан четга бурадилар. Буни Ёқут (XIII аср) ҳам эслатиб ўтади.

«Улуғ хоразмшоҳлар» ҳукмронлиги даврида (XII—XIII асрлар) ирригациянинг бир қадар жонланиши кўринади. Гурганчдан шимолдаги районларда суғориш ишлари пайдо бўлади, Ҳознобод канали Чирмонёп бўйлаб Шоҳсанамгача етказилди; Гиря канали Қаватқалъа шаҳри районигача олиб борилди.

Чингизхоннинг ҳужуми Хоразм ишлаб чиқариш кучлари учун ҳалокатли бўлади. Тинч аҳолининг аёвсиз қирилиши, моҳир ҳунармандларнинг Мўғулистонга олиб кетилиши, мўғул босқоқларининг режими ва мўғул ҳукмронларининг таланчилик сиёсатлари шаҳар ва қишлоқлардан аҳолининг оммавий равишда кетишига, бу жойларнинг қуп-қуруқ бўлиб қолишига ва воҳаларнинг вайрон бўлишига сабабчи бўлди. Хоразмнинг деярлик ҳамма шаҳарлари, сунъий каналлардаги рустоқлар бир неча ўн йиллар мобайнида вайрон бўлиб ётди. Булардан кўпчилиги умуман йўқ бўлиб кетди. Мўғуллар Амударё сувини Гурганчдан четга бурадиган тўғонни бузиб ташладилар ва шаҳарни сувга бостирдилар. Баъзи авторлар мўғулларгача бино этилиб, бизгача етиб желган архитектура ёдгорликларининг бутунлигига асосланиб, Гурганчни сувга бостирилганлиги ҳақидаги хабарларнинг тўғрилигига шубҳаландилар. Лекин бу ҳол бу хабарларга қарама-қарши эмас, чунки сақланиб қолган ёдгорликлар ўша замондаги шаҳарнинг шимолий, анча баланд қисмида, гўристонда жойлашган эди. Амударёнинг шўх оқар сувлари бу ерларга ета олмас эди, шаҳарнинг қолган қисмини эса, сув босган эди. Шаҳар катта қисмининг маданий қатлами, айниқса унинг жанубини сув ювиб кетган ва бутун майдони сопол синиқлари, ғиштлар ва моддий маданиятнинг бошқа кўп қолдиқлари билан қопланган. Ҳозирги вақтда булар секин-аста нураётган дарё лойининг қалин қатламидан чиқарилмоқда. Амударёнинг шўх оқар сувлари шаҳар атрофидаги кенг майдонни сувга ботирди, сўнгра дарё биз ҳозир Дарёлиқ (Кўнадарё) деб атайдиган ўзанга эга бўлди ва Сарикамиш чуқурлигига қуюла бошлади. Бизнинг, Амударё мўғул давригача бўлиб, қуриб қолган ўзан бўйлаб оққан, деб фараз қилишимизга ҳеч қандай асосимиз йўқ. Амударё этакларининг тарихий гидрографияси, эски ўзанларнинг ва шунингдек Сарикамиш чуқурлигининг пайдо бўлиши масалалари билан махсус шуғулланган Беруний Дарёлиқ ўрнида қурилган ўзан бўлганлиги ҳақида ҳеч нарса демайди. Археологик текширишлар ҳам IX асргача Дарёлиқ ҳавзасида деҳқончилик экинларининг ва умуман маданиятнинг бўлганлигини тасдиқламайди.

XIII асрдан кейин ҳам Дарёлиқ Амударёнинг Каспийга қуюладиган ўзани бўлган эмас. Ирригатор ва гидрографларнинг ҳисобларига биноан Амударё унинг суви мавжуд суғориш ишларига максимал сарфланганда Сарикамиш чуқурлигини 4 йил мобайнида тўлдиришга қодир бўлиб, бешинчи йили сув Ўзбойга оқиб тушиши ва бунинг оқими Каспий денгизига кириши мумкин бўлар эди. Бироқ Ўзбойда ўтказилган энг янги геологик ва археологик текширишлар, юқорида айтилганидек, Ўзбой бўйлаб бундай оқимнинг тарихий замонларда бўлганлигини рад этади. В. В. Бартольднинг ўрта асрларда Ўзбой бўйлаб оқим бўлганлигини тасдиқлаш учун келтирган далиллари асоссиз, фойдаланган манбалари бир-бирига қарама-қаршидир. Унингча Ўзбойда жойлашган кўпгина пунктлар Дарёлиқ этагининг Сарикамишга қуйиладиган районга тўғри келади.

Бунда жуда мантиқий савол туғилади: Амударё Сарикамишга 3—5 йил эмас, балки 300 йилдан ортиқроқ қуйилганлигини ҳисобга олганда,

унинг сувлари қаёққа оққан. Бу масаланинг тўғри ҳал этилиши учун қатор манбаларнинг хабарларини диққат билан ўрганиш лозим.

Ал Умарий айтадики, мўғул ҳужумидан кейин Амударё Урганчининг (Гурганчни) икки томонидан айланиб оқадиган бўлди, яъни ўзан бифуркация қилинади. Тарихчи Низомиддин Шомийнинг айтишича, Темурлангнинг аскарлари Маздаҳқондан Урганчга келишда Эски ўкуз («эски дарё» Амударё) ирмоғи ёки ўзанини кечиб ўтганлар, Жанубий дельтанинг ғарб қисмини археологик обзор қилиниши XIV асрда бу жой жуда серсув эканлигини тасдиқлайди. Бироқ Хоразм пасттекислигининг тектоникаси шу нарсани кўрсатадики, Оролга нисбатан қиялик Сарикамиш томон кўпроқдир. Бунда сув ҳар қандай кичик сабаб натижасида ҳам Сарикамишга йўналиши мумкин эдики, бу бутун воҳа учун ҳалокат бўлар эди.

Агар ҳақиқатан ҳам шундай экан, унда Ал Умарий ва Низомиддин Шомийнинг кўрсатмаларининг тўғрилигини маъқуллаш мумкинми. Бизнинг фикримизча, маъқуллаш мумкин. Бунинг учун бош манбаларнинг маълумотларини диққат билан кўриб чиқиб, бир-бирлари билан солиштирамиз.

Абулғози XVI асрнинг биринчи ярмида Урганчда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гапириб, Хожимхон Хевадан чиқиб, Урганчга жўнаганлигини, унинг шарқроғида у Фотмахотин тўғони орқали Амударёдан ўтганлигини баён қилади. Кўп сонли аскарлар ўтган Амударёдаги тўғон ҳақидаги маълумот диққатни ўзига жалб қилади. Амударёнинг мўғулларга бўлган ўзани бўйича ҳар қандай миқдорда бўлмасин оқимнинг бўлиши ва икки оқимдан «чалвор»нинг ташкил топиши Сарикамиш оқимини тўғон билан ҳеч бўлмаганда қисман ажратилгандагина мумкин эди. Бу, мўғуллар давригача бўлиб, қайта қурилган тўғонми, ёки янги тўғонми—буни биз учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Шуниси муҳимки бу тўғон Амударё сувини табиий қиялик орқали Сарикамиш пастиги томон оқишга қўймасдан, бу сувларни воҳани сурориш учун сақлаганки, акс ҳолда бу воҳа бутунлай қуриб қолишга маҳкум этилган бўлар эди. Урганч ёнидаги тўғон сувнинг ирригацияга сарф қилиниши Дарёлиқнинг бош қисмида оқим кучини пасайтирган ва натижада унинг лойланиши тезлашган Амударёнинг тўғон билан тўсилган оқими эски Орол ўзани бўйлаб оққан Курдар каналида сувнинг босимини кучайтирган. XVI асрда Амударёнинг Сарикамишдан Орол денгизи томон «қайтишининг» муайян сабаби ҳам шундадир. Аввал секин-аста Эски Ўкузнинг, сўнгра эса Дарёлиқнинг ўзани қуриди. Дарёлиқнинг ҳеч шубҳасиз қуриб қолганини Женкинсоннинг (1558) маълумотлари тасдиқлайди. У Дарёлиқ оқимини жуда сусайган, Оролнинг ўзани Адоқнинг жуда шўх оқаётганини кўрган. 1575 йили Абдуллаҳоннинг аскарлари Дарёлиқнинг қуриб қолган ўзанида қудуқ ва кўлмақ сувлардан фойдаланади. Абулғозининг берган хабарига қараганда, XVI асрнинг охирига келиб Урганч шаҳрини сув билан таъминлаш бутунлай тўхтаган. Биз кўрамызми, Абулғозининг Ўзбойнинг серсувлиги ва унинг қирғоқларида экинзор ва боғларнинг мавжуд бўлганлиги ҳақида айтганлари тасдиқланмайди: буларнинг ҳаммаси Дарёлиқнинг Сарикамишгача бўлган қирғоқларига тегишли бўлиши мумкин. С. П. Толстов томонидан ўтказилган археологик авиоразведка орқали экинзорнинг аниқ изи фақат Ўзбой ўзанининг ички қисмида топилган, буларни фақат Сарикамишда сув тошқини бўлган даврда (XIII—XVI асрлар) Амударё сувларининг эпизодик қисқа муддатли ўпирилишлари билан боғлаш мумкин. Бундай экинзорлар кўп эски ўзанлар учун оддий ҳолдир. Тошқин суви бироз пайдо бўлиши биланок туркманлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар ундан ўзанини тупроқ кўтармалари билан

квадрат участкаларга бўлиб, экинлар учун фойдаланганлар. Ҳозир **Ўз** бойнинг ўзанида экин экилмайди, чунки унга тупроқни етарли **намлик** билан таъминлайдиган сув кирмайди.

XIII асрнинг охирига келиб Хоразм мўғул ҳужуми етказган шикастларини тузатишга киришди: Хоразмнинг Жўжи улусига кириши бу кучли кўчманчи ўрда системасида унинг биринчи ўринга ўтишига стимул бўлди. Хоразм моҳир ҳунармандлар, рассомлар, савдогарлар, олимлар теологларга бой эди ва унинг маданияти босқинчиларнинг маданиятидан юқори эди. У яна ҳунармандчилик ва савдонинг маркази бўлди. Чингиз давлатининг савдо йўллари системасида Урганч алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлди. У тез орада қайтадан тикланиб, бой савдо ҳунармандчилик шаҳри бўлиб қолди. Ирригациянинг тикланиши ва деҳқончиликнинг ривожланиши Хоразмда умуман Урганч шаҳрининг ўсишидан орқада қолди.

Мўғул bosқoқлари ўрнатилган режимнинг жуда оғир бўлганига қарамай, Хоразм аҳолиси ўз ватанига қайтиб кела бошлади: айрим каналларнинг воҳаларида ҳаёт қайта тиклана бошлади. Баъзи тарихчилар Ибн Ботута (1333 йил)нинг маълумотига асосланиб, Урганч билан Кат ўртасидаги район XIV асрнинг биринчи ярмида ҳаётсиз саҳродан иборат эди деб гумон қиладилар. Бироқ, биз келтирган шайх Сулаймон Ҳаддодий хонақосининг вақф ҳужжати (бу 1349 йилда Урганчда Қутлуғ Темир томонидан чиқарилган) бу районда хўжалик ҳаёт жўшқин уриб ҳукм сурганлигини кўрсатади. Бу ерда тўртта канал бўлиб, булар бўйидаги ерларга буғдой экилар ва Садрож каби қишлоқлар бор эди.

XVI асрда Хоразмда ҳокимият тепасига ўзбек султонларининг келишидан кейин, бу ерга ўзбек қабила ва уруғлари кўплаб кўчиб кела бошладилар. Султонлар булардан мамлакатни вайрон қилувчи ўзаро урушларда фойдаланар эдилар.

**Ўзбек уруғ гуруппаларининг янги конфедерациясига суянган ҳолда** Хоразмнинг кучли давлатга бирлашуви Абулғозихондан (1643—1663) бошланди.

Янги Урганч барпо этиш, Урганч каналини қуриш, Гурландан шимолда Вазир истеҳкомини солиш каби тадбирлар хон Абулғози даврида тугатилади. Шундай қилиб, унинг даврида чап қирғoқ Хоразмнинг жанубий ерларини иккинчи марта ўзлаштириш бошланган. Хоразмнинг бу маърифатли ҳукмрони ўз ота-боболарининг кўчманчилик одатларидаг воз кечиб, шаҳар ва деҳқончилик воҳасининг маданиятини ўзлаштирди. Ғозибод канали ва ундаги истеҳком (Ғозовот) ҳам Абулғози номи билан боғлангандир. Эски канал Мадранинг тикланиши (Носирий, XIV аср) ва истеҳком қурилишини ҳам у қилган дейдилар.

Ирригацион тадбирларнинг янада ривожланиши — Хоразмнинг энг йирик канали ҳисобланган Шоҳобод (Шовотнинг) 1618 йилда, сўнгра эса, Ермиш каналининг қазилиши XVII асрнинг учинчи чорагида бўлган. Аслида, бу уларнинг этаклари бироз бошқача трассировка қилинган бўлса-да қадимги икки канал—Вадок ва Буванинг қайта тикланиши эди.

XVII асрнинг охирида ирригацион тадбирлар Дарёликнинг ўнг қирғoғида ҳам амалга оширила бошланди. Машҳур Однна Муҳаммад оталиқ исмли катта амалдор Оталиқ арна каналини қурди (ҳозир Манғит арна), бунинг устида Манғит истеҳкоми қурилган эди. Манғит канали воҳасидан пастроқдаги район — Устиюртдаги Хўжайли ва Куйғун ерлари Сувонли ва Арабмуҳаммад каналлари орқали суғорилган. Сувонли канали бошқа йўналишда XIV асрда ҳам оққан. XVI асрда бу канал қайтадан тикланди ва унинг боши Тоҳнатошга, қаттиқ гурунтга кўчирилди.

Ирригациянинг ва деҳқончилик маданиятининг ривожланиши бу даврда ўнг қирғoқ Хоразмда тўхтаб қолди; Анушахов даврида Кат шаҳ-

рини сув билан таъминлаш бутунлай тўхтаб қолди ва унинг аҳолиси янги солинган чап қирғоқдаги Қиётга кўчиб ўтди. Қиёт ва Султон Увайс тоғ орасидаги ерларнинг озгина қисми унча катта бўлмаган ва ўзгарувчи каналлар орқали суғорилар эди. Говхўра канали деярли бутунлай инқирозга учрайди.

Хоразмда Арангхондан бошлаб чингизийлар династиясининг ҳукмронлиги тугади. Сиёсий майдонга Хоразмнинг икки қадимги ва зўр ўзбек уруғларининг намояндалари—қўнғиротлар ва манғитлар чиқдилар. Оролда манғитлар қўнғирот оппозицияси билан бирлашдилар ва Хевага қарши уруш характерларини бошладилар. Бу вақтда Бухорода ҳокимият аслда манғит бойларининг қўлига ўтди, булар манғитларни Хева қўнғиротларига қарши курашда фаол қўллаб-қувватладилар. Қўнғиротлар манғит-туркман блокига қарши курашда йирик ер эгаларига ва шаҳар зодагонларига суяндилар ва қатъий ғалабага эришдилар. Хоразмда қорақалпоқларнинг пайдо бўлганлиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар XVIII асрга тегishлидир. Аввал улар қуйи дельтанинг шарқий қисмига жойлашдилар. Ҳовузлар, чангалзорлар ва дельта (Довқара) шарқий қисмининг суғоришга қулай ерлари сувни кучли шарқий ирмоқ Кўкўзакдан олардилар. Бу ерда қангли ва қипчоқлар билан бир қаторда ўз хонлари Эшим Муҳаммад билан қорақалпоқлар ҳам жойлашган эдилар ва Кўкўзакда XVIII асрда Оқёкиш истеҳкомини қурдилар. Кейин қорақалпоқлар секин-аста юқори дельтанинг суғориладиган ерларига кўча бошладилар.

XIX асрнинг бошида Хева хонлари туркманларни зўр бериб каналларнинг этакларига кўчира бошладилар, уларга суғориладиган ерларни бўлиб бердилар ва жанубий туркман воҳаларига ва Шимолий Эронга қиладиган таланчилик ҳужумларида қатнашиш вазифасини юкладилар. Туркман ва қорақалпоқларнинг зўр ҳарбий отрядлари XIX асрнинг биринчи ярмида Хева хонлари ҳарбий қудратининг таянчи бўлиб хизмат қилдилар.

Унг қирғоқ Хоразм ирригациясининг тикланиши XIX асрнинг ўрталарида бошланди. Полвон каналининг боши—Тошсақо 1838—1839 йилларда қурилди. Қорақўз ва Қилич Ниёзбой каналлари Муҳаммад Раҳимхоннинг икки лашкарбошиси—Қилич Ниёзбой ва Давлат Қорақўз томонидан қурилди.

XIX асрнинг иккинчи ўн йиллигида Амударё сувлари Ловзонга қараб ўпириб кетди. Кейинчалик сув дарёлиқ ўзанига ўпириб кирди ва Сарикамишгача бориб етди. XIX асрнинг ўртасида Хева хонлари шу табиий тошқиндан Кўна Урганчдан Увосгача бўлган жуда катта унумдор ерларни суғориш учун фойдаландилар. Бунинг учун Шомурод, Сипоҳий ва Қорақалпоқёрган каби каналлар ўтказилди. Бу янги суғорилган ерларнинг ҳаммаси «Хонобод» номини олди. Каналлар ўтказиш билан боғлиқ бўлган ер ишларига қорақалпоқлар ўн минглаб ҳайдалар эдилар, бироқ уларнинг меҳнатлари туфайли суғорилган ерларнинг бир қаричи ҳам бирор қорақалпоққа теккан эмас. Суғорилган Хонобод ерларини шаҳзода ва мансабдорларга тақсимлаб берардилар. Каналларнинг чеккаларида ортиб қолган ерлар туркман навкарлари ўртасида тақсимланди. Хева хонлари буларга ерни тақсимлаб, уларни Жанубий Туркманистон воҳаларидаги аҳолини талаш учун ҳайдар эдилар. Бу қон-қардошни қирғин қилувчи битмас қонли жанглар ниҳоят Хоразм туркманларининг кўзини очди: улар Хева хонлари сиёсатининг моҳиятига тушундилар ва ҳарбий хизматдан бош торта бошладилар. Хоразмдаги туркманлар ва Хева хонларининг аскарлари ўртасида тез-тез тўқнашувлар бўлиб турди. Лекин охирига Хева хонлари туркманларга қарши жазо юришларидан бош торг-



дилар ва уларни сувдан фойдаланишда чегаралаб қўйиш сиёсатида уларга нисбатан анча оддий ва амалий, сиёсат юрита бошладилар. Туркманлар жойлашган районларда истеҳкомлар қурилди, бу истеҳкомлар орқали каналларни бошқарар эдилар. Бўйсунмаган тақдирда сув четга чиқарилар ва экинлар қуритилар эди. Очлик ва ўлимга маҳкум этилган туркманлар ўз ҳуқуқлари учун жиддий курашдилар, бироқ буларнинг ҳаммаси беҳуда эди, чунки улар истеҳкомлардаги артиллерияли гарнизонга қарши чидаш бера олмас эдилар. Бўйсунмаган кўп сонли туркманларнинг воҳа чегараси ёнида тўпланиши, Хева хонларини Ловзонни ёпишга мажбур қилди ва бу билан гуллаган Хонобод райони ҳалокатга учради. Туркманлар билан Хева хонлари ўртасида тез-тез бўлиб турадиган қуроли тўқнашувлар билан олиб борилган кураш қарийиб Улуғ Октябрь социалистик революциясигача давом этди.

Сўнги хонлар даврида Хоразмнинг ирригация хўжалиги кучли таназзулга учради. Хонлар туркманлар билан қорақалпоқларни бир-бирларига гиж-гижлатар эдилар, бу билан уларни ҳар иккаласини ҳам кучсизлантирардилар (ўзбекларни эса, уларнинг иккаласига ҳам қарши қўярдилар); енгилганларнинг жамоа ерларини охирида хонлар тортиб олар эди. Натижада Хоразмдаги суғориладиган ерларнинг кўп қисми ҳукмрон хон оила аъзоларининг шахсий мулкига айланди. Халқ кўп сонли солиқлар билан эзилган ва қийналган эди. Бу солиқларнинг сони 25 га етар эди. Ўзбек, қорақалпоқ ва туркман меҳнаткаш оммасининг қўзғолонлари тўхтовсиз бўлиб турар эди.

Чор маъмурияти мавжуд бўлган вақтларда ўнг қирғоқ Хоразмда ҳам ирригацион хўжаликни яхшилашга қаратилган ҳеч қандай муҳим ўзгаришлар ўтказилган эмас. Колониал ҳокимиятнинг ҳамма тadbирлари, хонлар вақтидагидек маҳаллий характерга эга эди, булар маҳаллий экиладиган ерларни кенгайтиришга қаратилган эди. Бу тadbирлар қаттиқ эксплуатация остида бўлган кенг меҳнаткаш омманинг оғир, сермашаққат меҳнатлари орқали бажарилар эди.

Қадим замонлардан бери Хоразмда суғорма деҳқончилик (экин ўсаётган даврда) Амударёнинг 4 тошқинига асосланган эди: 1) Кўк қамиш; 2) Оқ балиқ; 3) Юлдуз (юлдузлар туркуми) ва 4) Қирқчилғов. Агар тошқинлар кечикса ёки умуман бўлмаса, бу бутун мамлакатни хавотирга солар эди ва хўжаликнинг ҳалокатга учрашидан дарак берар эди.

Хоразмнинг бизга археологик далиллардан маълум бўлган дастлабки сунъий каналлари кенг ва саёз бўлган. Булар фақат тошқин давридагина нормал ҳаракат қилувчи табиий ирмоқни эслатар эди. Бу кенг ва саёз каналлар орқали сув узоқ участкаларга олиб борилар эди. Бундай каналлар сувининг кўп қисми буғга айланар ва этакларда четга оқар эди. Бунинг асосий сабаби, ўша пайтда сув чиқарадиган техниканинг йўқ бўлганлигидир.

Каналларни чуқурлаш илк феодализм давридаёқ бошланган эди. Бу процесс қадим замонлардан суғориладиган ерларда яхши кўринади. Бу ерда қадимий каналларнинг қуриган ўзанлари экин экиладиган ерларнинг бир қатламли ва икки қатламли зоналари билан боғланган.

Суғорма деҳқончилик қадим хоразмликларда сув календарни, геодезия, астрономия ва математикага катта қизиқиш уйғотди. Машҳур математик Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ўз асарида таъкидлайдики, унинг оддий математик ҳисобидан кишилар канал ўтказишда фойдаланганлар.

Тошқинлар билан юлдузлар туркуми ҳаракати, шунингдек табиатнинг бошқа ҳодисалари орасидаги боғланишларнинг аниқланиши, сув календарининг айнан тўғрилиги хоразмли олимларнинг табиат ҳодиса-

ларини кузатиш бўйича катта тажрибага эга бўлганликларини ва шунингдек илк ўрта аср Ўрта Осиёсининг Ал Фарғоний, иккала Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва шулар каби бошқа олимларнинг математик ва астрономик ҳисоблари билан таниш эканликларини кўрсатади.

Амударё эски ўзанларининг қиялигини ҳисобга олиш, булардан қадимий ва ўрта аср каналларини чиқариш учун фойдаланиш, каналларни трассировка қилишда умумий қияликни ва ернинг микрорельефини аниқ ҳисоблаб чиқиш, трасса ўтказишда грунт сувларининг ер юзасига яқинлигини ҳисобга олиш—буларнинг ҳаммаси деҳқончилик воҳасининг хўжалик ҳаёти вужудга келтирган катта мустақил илмий тажрибадан дарақ беради.

Хоразм мироблари қадим замонлардаёқ тошқин каналларини бир-неча бош орқали сув билан таъминлашнинг жуда рационал усулини ишлаб чиққан эдилар. Бу техника шундан иборат эдики, каналлар бир-биридан турли масофада бўлган бир неча бош билан таъминланган эди. Каналнинг бир боши иккинчисига қараганда оқимга қарши қилиб юқорироқда жойлаштирилган, бунда ҳар бир бош Амударё суви сатҳининг ҳар хил даражасига мўлжалланган эди. Юқоридаги боши канални Амударёнинг суви паст даражада бўлганда, ўртадагиси—сув ўрта даражада, қуйи боши эса—сув юқори даражада бўлганда сув билан таъминлар эди. Каналларни сув билан максимал таъминлашда бир неча бошнинг қурилиши яна шунинг учун ҳам масалани оқилона ҳал қилиниши бўлдиким, Хоразм мироблари қироқ грунтнинг тузилиши, аралашмаган ўтириндиларнинг хусусиятларини ва жойнинг қиялигини ҳисобга олишга жуда уста бўлишларига қарамай, мустақкам бош регулятори бўлмаган пайтда канални катта бир бош орқали сув билан таъминлаш дарё сувини каналга ўпирилиши ҳавфини туғдирар эди ва каналнинг нобуд бўлиши мумкин эди. Кўп бошлар орқали канални сув билан таъминлаш бу ҳавфни йўқ қилди.

Ҳар бир катта канал сувни чиқариб ташловчи канал—«бадров» билан таъминлаган эди; бунинг вазифаси сув ҳаддан ташқари кўтарилганда ортиқча сувларни четга чиқариб юбориш эди. Хоразмда катта каналлар «арна», кичиклари—«ёп» деб аталади. Арналар ёпларга тармоқланади, ёблардан майда «бадоқ»лар ажралади, булардан далалар бўйлаб ариқчалар—«солма»лар тарқалади. Сув кўтариладиган чархпалаклар ёрдами билан сув оладиган солмалар—«чиғир солма», оддий солмалар эса—«оёқ солма» дейилади.

Хоразмда сув тортадиган техника ҳам ўзига хос тарихий йўлни ўтиб, энг оддий қўл усуллари «сепма», «депма», «нова»дан ҳайвонларнинг тортиш кучи ёки сув оқимининг кучи орқали ҳаракат қиладиган чиғир системасигача ўсиб етди. Чиғирнинг пайдо бўлиши илк феодализм даврига тўғри келди (VI—VII асрлар).

Хоразм чиғирини Хитой, Ҳиндистон, Волгабўйи ва Миср сув кўтаргич чиғирлари билан таққосласак, у кўпроқ Миср «соқия»сига ўхшаб кетади. Ўзма манбаъларда чиғир системаси ҳақидаги маълумотлар X асрга тегишлидир.

Каналларни қуриш ва ҳар йили тозалаш, қирғоқ дамбалари ва равоқ қуриш, шунингдек мудофаа қурилишлари билан боғлиқ бўлган бутун ижтимоий ишлар хон ҳокимияти ихтиёрида эди. «Бегор» тартиби (ўн икки кунлик меҳнат мажбурияти) бутун воҳадаги деҳқон аҳолисининг бурчи ҳисобланган.

Ҳамма ер ва қурилиш ишлари бегор тартибида бажарилар эди. Бироқ ҳукмрон доира ва умуман мулкдорлар ҳокимияти бегордан ўзларининг шахсий манфаатлари учун фойдаланар эдилар (саройлар ку-

риш, боғларни кўпайтириш, истеҳкомлар бино қилишда). Бу каби ҳиёнат хонлиқнинг ҳамма жойида бўлар эди.

Сувни суғориш шохобчалари бўйлаб тақсим қилиш ишини махсус «сув амалдорлари» — «мироб»лар олиб борар эди. Миробларнинг очкўзлиги, ҳаққониятсизлиги ва ҳиёнати сувдан фойдаланувчиларнинг аҳволларини жуда оғирлаштирарди. Мироб меҳнаткашлар кўзига қашшоқликнинг синоними бўлиб кўринар эди.

Хоразмда ижтимоий ишларни ташкил этиш учун ўз системаси ишлаб чиқилган эди. Суғориладиган ернинг ҳар бир ўн таноби сувдан фойдаланиш бирлигини ташкил қилар, ва «сув» термини билан ифода қилинар эди. Ҳар бир сувнинг истеъмолчилари (сони қанчалигидан қатъий назар) «жабди» термини билан ифода қилинган бир жамоани ташкил қилар эдилар.

«Жабди»нинг бошида жамоатчилар орасидан сайланган «жабди боши» турар эди. Жабди боши маҳаллий миробга бўйсинар, мироб эса, ўз навбатида қушбеги ёки меҳтарга бўйсунар эди. Жамоат ишлари даврида маҳаллий мироблар хон томонидан тайинланган «соҳибкор» (ишларни уюштирувчи)га бўйсунар эдилар.



Биз бу асарда Хоразмда суғориш тармоғининг бир неча минг йиллик тараққиёт тарихини совет археологларининг Ўрта Осиёда олиб борган ишларининг натижалари қандай тасвирлаган бўлса, шундайлигича кўриб чиқдик, яъни неолит даврида Амударё тошқинидан овчилик ва баликчилик учун фойдаланишдан бронза даврида унинг табиий шохобчаларида оддий деҳқончилик ва чорвачиликка, ниҳоят синфий жамият даврида сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликка аста-секин ўтиш эволюциясини кузатдик. Хоразм ирригацияси ривожланишидаги кескин бурилиш собиқ чор Россиясининг ҳамма территориясида улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан кейин ва Хева хонлиги йиқитилгандан сўнг юз берди. Бу хонлиқнинг йиқитилиши феодал ижтимоий формациясини социалистик ижтимоий формация билан олماшиши учун йўл очиб берди. Ижтимоий формацияларнинг ҳеч эшитилмаган қисқа тарихий муддатда амалга оширилган ва коммунистик партиянинг доно миллий сиёсати туфайли мумкин бўлган бундай олماшиши Хоразмдаги суғориш шохобчаларини кенгайтириб ва тартибга солибгина қолмай, уни социалистик тараққиётнинг планли пропорционал қонунига бўйсиндириб, суғориш тараққиёти принципининг ўзини ҳам тубдан ўзгартди. Бундай тараққий этдириш фақат Хоразм ёки Ўрта Осиёгагина эмас, балки бутун совет мамлакати халқ хўжалигининг умумий манфатларига мос келар эди. Хоразм меҳнаткаш деҳқонларининг ер ва сув ҳақидаги кўнгил орзувлари тўла амалга оширилди ва халқнинг минг йиллар мобайнида ирригацион қурилиш соҳасида орттирган тажрибасидан кенг фойдаланиш учун ҳамма имкониятлар яратилди. Хоразмнинг суғориш системасини қайтадан тузиш тўғрисида сув хўжалиги ташкилотлари томонидан тузилган йирик планларни бутун Хоразмнинг меҳнаткаш оммаси қўллаб-қувватлади, чунки улар халқни тошқин—даҳшатли «дегиш»дан абадий қўрқиндан, каналларни ҳар йили қўл кучи билан тозалаш, чиғир ёрдами билан суғориш каби машаққат ишлардан озод қилди. Фақат биргина Жанубий Хоразмда бир йилда каналлардан 7 млн м<sup>3</sup> лой ўтириндиларини чиқариб ташлашга тўғри келар эди ва ҳокозо.

Коммунистик партия ва совет ҳокимиятининг раҳбарлиги остида қишлоқни ёппасига коллективлаштириш натижасида Хоразм деҳқонларининг ҳаётида юз берган йирик ўзгаришлар, халқ хўжалигини ривожлантириш дастлабки беш йилликларининг муваффақиятли бажарилиши, ўтмишда оғир, кишини ҳар томондан эзган, эндиликда шон ва шараф ишига айланган меҳнати социалистик асосда ташкил қилиш—буларнинг ҳаммаси халқ ташаббусининг кенг қўламда қулоч ёйишига имкон берди. Бу, ирригацион шоҳобчаларни кенгайтириш ва тартибга солишда тезкорлик билан бажарилган халқ қурилишларида ўз ифодасини топди. Халқ ўз меҳнати ва унинг маҳсулотига хўжайин бўлган жойдагина амалга ошган халқнинг бу ташаббусини коммунистик партия ва совет ҳокимияти тўла қувватлади.

*«Кетмон мавжуд бўлган замонлардан бери*

*Улар шу каби ажойиб ишларни қилган эмаслар!*

*Кишилар орасида меҳнат пайдо бўлгандан бери у бу қадар улур бўлган эмас;*

*Бундай илҳомланган меҳнати ҳечким, ҳеч қаерда ва ҳеч қачон билган эмас».*

Колхозчилар ўзларидаги кўтаринкилик руҳ ва мажбурий меҳнат билан озод меҳнат ўртасидаги фарқни шундай оддий ва тушунарли сўзлар билан ифодалаб бердилар.

1939—1940 йилларнинг баҳор пайтларида Хоразм колхозчилари Тошсақо ва Сувонли-Ленинёп магистралларини қурдилар. Сувонли каналини Тахиятошдаги мустаҳкам тошли гурунтда қурдилар ва канални жуда ҳам кенгайтirdилар. Бунгача Ленинёп деб ном берилган эски Хонёп канали қайта қурилди. Сувонли Ленинёп билан бирлаштирилди ва натижада Хўжайли районини ҳамда пастки дельтанинг бутун ғарб қисмини Орол денгизигача суғорадиган Сувонли-Ленинёп магистрал канали ташкил этилди. Пастки дельтанинг бутун ўрта ва шарқий қисми ҳозир Қизкетганнинг йигирманчи йиллардаёқ қурилган бош ишооти орқали суғорилади.

1942 йилда, Улуғ Ватан уруши қизғин бораётган пайтда Қорақалпоғистон колхозчилари қадимий суғориладиган ерларнинг марказий қисмидаги ирригацияни тиклаш учун ҳам халқ қурилишлари тажрибасини қўладилар. Араблар истелоси даврида ўз ҳолига ташланган қадимий Бургутқалъа канали тикланди. Бунинг учун Пахта арна (Шўрахон) каналини кенгайтириш талаб қилинди ва Тозабоғёп каналининг этаклари Қирққиз вайроналигигача етказилди. Сахро яна гуллаётган воҳага айланди.

Амударё этакларини ўзлаштириш истиқболлари жуда порлоқ ва хилма-хилдир. Амударёнинг сув запасларини суғориш ва пахта далаларини кенгайтириш учун планли равишда фойдаланиш мамлакат халқ хўжалиги қиёфасини ўзгартди. Бу ишни давом этдириш саҳронинг ўлик қумларини, шу жумладан меҳнаткаш деҳқонларнинг кўз ёши, пешонатери ва қони тўкилган қадимда суғорилган ҳамма ерларни ҳам гуллаётган колхоз далалари ва боғларига айлантиради.

## ҚИСҚАҚТИРИЛГАН СЎЗЛАР РЎЙЎХАТИ

- ВДИ — Вестник древней истории.  
ВГО — Всесоюзное географическое общество.  
ЗВОРАО — Записки Восточного отделения Русского археологического общества.  
ВС — Военный сборник.  
ГАИМК — Государственная академия истории материальной культуры.  
ЖМНП — Журнал Министерства народного просвещения.  
ЗКВ — Записки Коллегии востоковедов.  
ИВ АН — Институт Востоковедения Академии наук СССР.  
ИВ АН УзССР — Институт Востоковедения Академии наук УзССР.  
ИКОРГО — Известия Кавказского отделения РГО.  
КСИ ИМК — Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института истории материальной культуры.  
Мат СТК — Материалы для статистики Туркестанского края.  
МИА — Материалы и исследования по археологии СССР.  
МИТТ — Материалы по истории туркмен и Туркмении.  
РГО — Русское географическое общество.  
САГУ — Среднеазиатский государственный университет.  
СИФ — Серия истории и философии.  
СОНАТ — Социалистическая наука и техника, журнал Узбекского филиала АН СССР  
ТВ — Туркестанские Ведомости.  
ТИГ — Труды Института географии АН СССР.  
ТОВЭ — Труды Отдела Востока Эрмитажа.  
VGA — Bibliotheca geographorum arabico-rum, Ed. de Goeje, I—VIII, Lugduni Batavorum, 1870—1892.  
BMS — E. G. — Browne Memorial Series.  
BAF — Bibliothéque arabo-française.  
GMS — Gibb Memorial Series.  
BJ — Bibliotheca Indica
-

## АДАБИЁТЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Маркс К. Британское владычество в Индии, Соч., т. IX, М., 1933, стр. 346—352.
- Маркс К. Будущие результаты британского господства в Индии, Соч., т. IX, М., 1933, стр. 362—368.
- Маркс К. Капитал, т. I, II, III, Госполитиздат, 1949
- Маркс-Энгельс-Ленин-Сталин. Об ирригации, Партиздат ЦК КП (б) Уз., Ташкент, 1940.
- Энгельс Ф. Анти-Дюринг, Госполитиздат, М., 1948.
- Энгельс Ф. Диалектика природы, в кн. Маркс К. и Энгельс Ф., Соч., т. XIV, 1931, стр. 389—630.
- Энгельс Ф. Марксу К. Письмо от 23 мая 1851 г., в кн. Маркс К. и Энгельс Ф., Соч., т. XXI, М.—Л., 1929, стр. 209—212.
- Энгельс Ф. Марксу К. Письмо от 6 июня 1853 г., в кн. Маркс К. и Энгельс Ф., Соч., т. XXI, М.—Л., 1929, стр. 491—496.
- Энгельс Ф. Происхождение семьи, частной собственности и государства, в кн. Маркс К. и Энгельс Ф., Соч., т. XVI, ч. I, М., 1937, стр. 7—153.
- Энгельс Ф. Россия в Средней Азии, в кн. Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., т. XI, часть I, М., 1933, стр. 363—367.
- Ленин В. И. Аграрная программа соц. демократии в первой русской революции 1905—1907 годов, Соч., т. 13, изд. 4, 195—396.
- Ленин В. И. Внутреннее обозрение. Октябрь 1901, Соч., т. V, изд. 4, М.—Л., Госполитиздат, 1946, стр. 229—276.
- Ленин В. И. Декрет об ассигновании 50 миллионов рублей на оросительные работы в Туркестане и об организации этих работ, сб. Маркс-Энгельс-Ленин-Сталин, Об ирригации, Ташкент, 1940.
- Ленин В. И. Доклад комиссии по национальному и колониальному вопросам 26 июля (на II Конгрессе Коммунистического Интернационала 19 июля—7 августа 1920 г.) Соч., т. 31, изд. 4, стр. 215—220
- Ленин В. И. Империализм как высшая стадия капитализма, Соч., т. 22, изд. 4, М.—Л., Партиздат ЦК ВКП (б), 1936, стр. 173—290.
- Ленин В. И. Итоги дискуссии о самоопределении. Июль 1916 г., Соч., т. 22, изд. 4, стр. 306—344.
- Ленин В. И. Печальный документ, Соч., т. 24, изд. 4, стр. 309—311.
- Ленин В. И. Развитие капитализма в России. Процесс образования внутреннего рынка для крупной промышленности, 1896—1899, Соч., т. 3, изд. 4, стр. 153.
- Ленин В. И. и Сталин И. В. Ствьи и речи о Средней Азии и Узбекистане. Партиздат ЦК КП (б) Уз, Ташкент, 1940, Институт истории Компартии при ЦК КП(б)Уз (Фил. ИМЭЛ).
- Ленин В. И. Товарищам коммунистам Азербайджана, Грузии, Армении, Дагестана, Горской республики, Соч., т. 32, изд. 4, стр. 295—297.
- Ленин В. И. Уроки кризиса, Соч., т. 5, изд. 4, стр. 73—77.
- Сталин И. В. Вопросы ленинизма, изд. 11, М., 1947.
- Сталин И. В. Доклад по национальному вопросу 29 апреля (на VII апрельской конференции РСДРП большевиков 24—29 апреля 1917 г.), Соч., т. 3, Госполитиздат, 1953, стр. 49—53.
- Сталин И. В. Как понимает социал-демократия национальный вопрос?, ОГИЗ, Госполитиздат, 1945.
- Сталин И. В. Марксизм и национальный вопрос, Госполитиздат, 1949.
- Абу Джафар Мухаммад ибн Муса ал-Хорезми. Китаб сурат ал-арз. Das Kitab Surat al arđ, herausgegeben von Hans v. Mzik, BGA, Band III.

- Абул-Гази Бахадур-хан.** Родословное древо тюрков, Соч. Абул-Гази, хивинского хана, перевод и предисловие Г. С. Саблукова, Известия Общества археологии, истории и этнографии при Казанском университете, т. XXI, вып. 5—6, 1905; т. XXII, вып. 6, 1906; отдельное издание, Казань, 1906.
- Абул-Гази Бахадур-хан.** Шаджара-и тарокима. Родословная туркмен, Пер. А. Туманского, Асхабад, 1897.
- Абу-Тахир Тартуси.** Джанг-намэ Абу-Муслим Сахиб Кыран, узбекский перевод, Ташкент, 1910.
- Абу Юсуф Якуб,** *Китаб ал-харадж.* Булак 1302 г. х. (Абу) Jous of Ja' Kou b. Le livre de l'impôt (Kitab al Kharadj), trad. et ann. par E. Fagnan, Paris, 1921.
- Авеста.** (Le) Zend-Avesta. Traduct. nouv. avec comment. histor. et philol. par James Darmesteter, vol. 1—3, Paris, 1892—1893. Annales du Musée Guimet, t. 21, 22, 24.
- Английские путешественники о Московском госудагстве в XVI веке,** перевод с английского Ю. В. Готье, Л., 1937.
- Ариан.** Анабасис Александра, перевод с примечаниями Н. Коренькова, Ташкент, 1912.
- Ал-Белазури.** *Китаб футух ал-булдан.* Liber Expugnationis Pegionum, auctore imamo Ahmed ibn Jahja ibn Djabiral Beladsori, Lugduni Batavorum, 1863—1866.
- The origin of the Islamic State.** Being a translation of the Kitab futuh al buldan of al Imam Abu—l'Abbas Ahmad ibn Jabir al' Raladhuri, part 1. translated by Kh. Hitti New-York, 1916; part 2, translated by F. Ch. Murgotten, New-York, 1924.
- Беневени Ф.** *Дневник пребывания в Хиве (на итальянском языке),* в кн. Попов А., *Сношения России с Хивой и Бухарой при Петре Великом,* Записки РГО, т. IX, 1853, стр. 237—318.
- Беневени Ф.** (Реляции из Бухары), в кн. Попов А., *Сношения России с Хивой и Бухарой при Петре Великом,* Записки РГО, т. IX, 1853, стр. 319—424.
- Березин И. Н.** *Сборник летописей. История монголов, сочинения Рашид-ад-Дина,* персидский текст с переводом и примечаниями, ТВОРАО, т. V, VII, VIII, XV, т. I—IV, СПб., 1858—1888.
- Ал-Бируни Абу-Рейхан.** *Китаб ал асар ал-бакия ан ал-курун ал-халия.* Alberuni. Chronologie orientalischer Völker, von Alberuni. Herausg. von Dr. E. Sachau. Leipzig, 1878, Neudruck in Hellogplanverfahren, Leipzig, 1923.
- Alberuni's India.** Ed. by Dr. E. Sachau, London, 1888; Second edition, London, 1910.
- The Chronology of ancient Nations,** an English version of the arabic text of the *Alhar al—Bakiya of Alberuni...* translated by Dr. Ed. Sachau, London, 1879. „Тахид нихайат ал-макин фи тасхих масафат ал-масакин“, ркп. № 3386 в библиотеке „Султан Фатих“ в Стамбуле (см. С. Воллин, К истории Древнего Хорезма, ВДИ, 1941, № 1, стр. 192—196).
- Бичурин Н. Я.** (о. Иакниф), *Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена,* т. I—II, 2-ое изд., М.—Л., 1950—1953.
- Гардизи.** *Китаб зайн ал-ахбар.* Kitab Zaini l Akhbar, composed by Abu Said... Gardizi... about 440a. H., edit. by Muhammad Nazim, London, 1928 (BMS 1).
- Бартольд В. В.** *Отчет о поездке в Среднюю Азию с научной целью (1893—1894).* СПб., 1897.
- Геродот.** *История,* перевод Ф. Г. Мищенко, в двух томах, М. 1886—1888'
- Гладышев, Муравин.** *Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740—41 гг. поручиком Оренбургского драгунского полка Дмитрием Гладышевым и геодезистом Муравиным.* Издана с приобщением современной карты Миллерова пути от Орска до Зюнгорских владений и обратно Я. В. Ханьковым. СПб., 1851.
- Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э.—III в. н. э.),** хрестоматия, под ред. Л. В. Баженова, Ташкент, 1940.
- Известия англичан о России XVI в.,** пер. с английского с предисловием С. М. Середонина; чтения в Императорском обществе истории и древностей Российских при Московском университете. Путешествие Дженкинсона в Хиву и Бухару, кн. 1, 1884, стр. 36—56.
- Ибн ал-Асир.** *Ал камил фи-т-тарих.* Ibn al-Ath. ri. Chronicon quod perfectissimum inscribitur, edit. C. J. Tornberg, I—XIV, Upsala, 1851—1853 Lugduni Batavorum, 1867—1876.
- Ибн-Батута.** *Voyage d'Ibn Batoutah Texte arabe, accompagné d'une traduction par C. Détréméry et de Dr. B. R. Sanguinetti,* Paris, 1855 (1877).
- Ибн-Русте.** *Китаб ал-а'лак ан-Нафиса,*

- Kitab al-'Iak an Nafisa, Auctore Abu Ali Ahmed ibn-Omar ibn-Rusteh. Ed. M. J. de Goeje, BGA VII, Lugduni Batavorum 1892.
- Ибн-Фадлан. Путешествие ибн-Фадлана на Волгу, перевод и комментарий под ред. акад. И. Ю. Крачковского, М.—Л., 1939.
- Ибн-Хаукаль. Китаб ал-месалик ва л-мемалик.
- Viae et Regna. Descriptio dictionis moslemicae, Auctore Abu' l Kasim ibn Haukal. BGA II, Lugduni Batavorum, 1873; 2 ed. „Opus Geographicum auctore ibn Haukal“, 1938.
- Иванов П. П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII вв., ИВ АН, М.—Л., 1954.
- Ал-Идриси. Нузхат ал-муштак фи хтирак ал-афак.
- Geographie d'Edrisi, traduite de l'arabe en français par Amédée Jaubert vol. I—II. Paris, 1836—1840.
- Искандер Мунши. Тарих-и алям-ара-и-Аббаси, тегеранское издание, 1945.
- Ал-Истахри. Китаб ал-месалик ва л-мемалик.
- Kitab mesalik wa memalik auctore Abou Ishac al-Farisi al Istakhrī. Ed. M. J. de Goeje, BGA I, Lugduni Batavorum, 1870; ed. 2—1927.
- Квинт Курций Руф. История об Александре Великом, царе Македонском. С дополнениями Фрейнегейма, пер. С. Крашенинникова, т. II, СПб., 1813.
- К истории наших сношений с Хивой. Донесение переводчика Гуляева и канцеляриста Чучалова канцелярии Оренбургского губернатора о прибытии их в Хиву, о событиях, происходивших в это время в Хивинском ханстве, и о стеснениях, каким они подвергались по распоряжению хана. Сообщил А. Добросмыслов, Протоколы заседаний и сообщения ТКЛА, Ташкент, 1910, стр. 69—81.
- Клавихо Рюи-Гонзалес де. Жизнь и деяния великого Тамерлана. Сочинение Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403—1406 гг. Подлинный текст с переводом и примечаниями. сост. под ред. И. И. Срезневского, сб. Отд. русского языка и словесности АН, т. XXVIII, № 1, СПб, 1881.
- Ксенофонт. Греческая история, перевод и вступление С. Лурье, Соцэкгиз М., 1935.
- Латышев В. В. Известия древних писателей, греческих и латинских о Скифии и Кавказе, т. 1. Греческие писатели, вып. 1—3, т. 2; латинские писатели, вып. 1—2, СПб., 1893—1906 гг., ВДИ, 1947, № 1. 4; 1948, № 3, 1949, № 1.
- Ал Макдиси (Ал Мукаддаси). Ахсан ат-такасим фи ма'рифат ал-акам.
- Descriptio Imperii Moslemici. Auctore Schams'o'ddin Abou Abdollāh Mohammad ibn Ahmed ibn Bekr-al Bannā al Bashāri al Mokadassi. Ed. de Goeje, BGA, III, Lugduni Batavorum, 1872; ed. 2—1906.
- Al Moqaddasi. Description de l'Occident musulman au IV—X siècles. Texte arabe et traduction française avec une introduction, des notes et quatre index. Par Charles Pellot Alger, 1950 (BAF) 9).
- Ал-Мас'уди. Китаб мурудж ал-захаб; Китаб ат-танбих ва'ль ишраф.
- Kitab at tanbin wal ishrāf. Auctore al Mas'udi, ed. M. J. de Goeje, BGA, VIII, Lugduni Batavorum, 1894.
- Le livre de l'avertissement et de revision, traduit par B. Carra de Vaux, Paris, 1896 (1897.)
- Les Prairies d'or Texte arabe et traduction par C. Barbier de Meynard et A. Pavet de Courteille, I—IX, Paris, 1861—1877.
- Материалы для описания Хивинского похода 1873 года, составленные под ред. Генерального штаба генерал-лейтенанта В. Н. Троицкого, вып. I—XI, Ташкент, 1881—1882.
- Материалы по истории каракалпаков, сборник, Труды ИВ АН, т. VII, М.—Л., 1935.
- Материалы по истории туркмен в Туркмении, МИТТ, т. I (VII—XV вв.), Труды ИВ АН, М.—Л., 1939.
- Материалы по истории туркмен и Туркмении, МИТТ, т. II (XVI—XIX вв.), Труды ИВ АН, М.—Л., 1938.
- Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР, Материалы по истории народов СССР, Труды Историко археологического института и Института востоковедения АН СССР, вып. III, часть I, Л., 1932.
- Материалы по обследованию кочевого и оседлого туземного хозяйства и землепользования в Аму-Дарьинском отделе и Сыр-Дарьинской области, вып. I—2, Ташкент, 1915.
- Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма, ч. 1, кн. 1—3, Ташкент, 1926.
- Мирза Шемс Бухари. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре, Записки Мирзы-Шемса Бухари изданные в тексте с переводом и примечаниями В. В. Григорьевым, Казань, 1861.
- Мирхонд (Мухаммед ибн Ховенд-шах ибн Махмуд). Раузат ас-сафа, тегеранское изд. 1270 г. х.; индийское изд. 1883.



- Histoire des Sultans du Khorezm*, Par Mirkhond, texte persan, publié par M. Défrémery, Paris, 1872.
- Vie de Djenghiz Khan* par Mirkhond...publiée par A. Jaubert, Paris, 1841.
- Мухаммед Риза Мираб (Агехи). Шахид-и Икбал, извлечения в русском переводе, Кауфманский сборник, М., 1940.
- Мухаммед Салих. Шейбани-намэ, изд. П. Мелиоранского, СПб., 1903..
- Die Scheibanlade. Ein özbekisches Heldengedicht in 76 Gesängen*, von Prinz Muhammad Salich aus Charezm. Text, Uebersetzung und Noten von H. Vambery. Wien — Budapest, 1885.
- Мухаммед Юсуф-Мунши. Тарихи Муқим-хани или Тазкирани Муқим-хани, ркп. ИВ АН УзССР, № по кат. 175—184.
- J. Senkowski. Supplément à l'histoire générale des Huns, des Turcs et des Mongols, St Petersburg, 1824.
- Ан-Несеви Мухаммед. Сират ас-султан Джелал-ад-Дин Менкуберти.
- Muhammad an-Nesevi. Vie de Djelal ed Din Man Kobirli texte arabe et traduit. française. Ed. par O. Houdas, vol. 1—2, Paris 1891—1895.
- Низамал-Мулька. Сиясет-намэ. Книга о правлении вазира XI столетия Низам ал-Мулька, перевод, введение и примечания Б. Н. Захотерз, отв. ред. Е. Э. Бертельс, М.—Л., 1949 (АН СССР, Литерат. памяти.)
- Пальмов Н. Н. и Пономарев А. И. Печатные и рукописные исторические известия о каракалпаках на русском языке; в кн. Материалы по истории каракалпаков, Труды ИВ АН, т. VII, М.—Л., 1935.
- Плано Карпини Иоанн де. История монголов. Вильгельм де Рубрук. Путешествие в восточные страны. Введение, перевод и примечания А. И. Малеина, СПб., 1911.
- Поло, Марко. Книга Марка Поло, перевод И. П. Минаева. Ред. и вступ. статья И. П. Магидовича, М., 1955. Путешествие Марка Поло, перевод с франц. под ред. В. В. Бартольда, Записки РГО по отд. этнографии, т. XXVI, СПб., 1903.
- Рашид-ад-Дин. Джами ат-таварих. Сборник летописей. т. I—III, М.—Л., 1916—1952.
- Bloch E. Djamlat-tevarikh, GMS, XVIII, London, 1911.
- Ас-Сам'ани Абу-Са'д. Китаб ас-ансаб.
- The Kitab al-Ansāb by Abd al-Karīm ibn Muhammad al-Sam'āni...with an Introduction* by D. S. Margoliouth, GMS, XX, Leyden-London, 1912.
- Страбон. География Страбона в 17 книгах, перевод Ф. Г. Мищенко, М., 1879.
- Ат Табарни. Тарих ар-русул ва-л-мулк.
- Annales-quas scripsit Abu Djarir al-Tabari, Cum aliis edit. M. J. de Goeje, Lugduni Batavorum, 1879—1901.
- Chronique de Tabari*, traduite sur la version persane d'Abou'Alī Mohammad Bel'ami par M. H. Zotenberg, I—IV, Paris, 1867, 1874
- Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, т. I, СПб., 1884.
- Фазлулла ибн Рузбехан. Михман-намэ-и Бухара, ркп. ИВ АН УзССР № 1414.
- Хамдаллах Казвини. Тарих-и Гузиде.
- Browne Ed., Hamdu'llali Mustawfi i Qazwini. The Ta'rikh-i Guzida or „Select History“, vol. 1—2. Leyden-London, 1910—1913.
- The Geographical part of the Nuzhat al Qulūb*, composed by Hamd Allah Mastawfi of Qazwin in 740 (1310). Edit by G. Le Strange (GMS, XXIII), London—Leyden, 1915. Transl. by G. Le Strange (GMS, XXI, 2), 1919, VI, 5, 1919.
- Хафизни Абру. Зубдат ат таварих.
- Chronique des rois mongols en Iran*. Texte persan, edit. et trad. par K. Bayani, II, trad. et notes, Paris, 1936.
- A persian Embassy to Chhira; an extract from Zubdatu'l Tawarikh of Hafiz Abru, Lahore, 1934.
- Хафизни Таныш. Абдулла-намэ, ркп. ИВ АН УзССР, № 5363.
- Худай-берды Кош-Мухаммед. Диль Гаро'иб, ркп.
- Худудал-Алем, Рукопись Туманского. Издано с введением и указателями В. В. Бартольда, Л., 1930.
- Шами Низам Ад-Дин Зафар-намэ.
- Histoire des conquêtes de Tamerlan intitulée Zafar-nama* par Nizamaddin Sami, ed. par F. Tauer, Praha, 1937.
- Шереф ад-Дин Али Езди. Зафар-намэ.
- The Zafar nāmah by Maulana Sharafuddin Allof Jazd. Ed by Muhammad Mahdad, vol. 1—2 (B1). Calcutta, 1887—1888.
- Cherefeddin Ali natif d'Iezd*. Histoire de Timour bec. connu sous le nom du grand Tamerlan, empereur des mongoles et iatares, t, 1—4, Delft, 1724; (франц. перев. Petis de la Croix).
- Шир-Мухаммед (Мунис). Мухаммед Риза (Агехи), Фиртаус-ул-ик-бал., ркп., ИВ АН УзССР, № 821/1 и № Е-6. Якут. Китаб му'дждам ал-балдан.

- Jacôt's Geographisches Wörterbuch, herausg. von Ferd. Wüstenfeld, I—VI, Leipzig, 1866—1870
- Абдакушин И. Санитарный обзор Аму-Дарьинского отдела с 1887 по 1891 г. Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области за 1892 г. часть II.
- Авдиев В. И. История древнего Востока, М., 1948.
- Авдиев В. И. Сельские общины и искусственное орошение в древнем Египте, Историк-марксист, 1934, № 6.
- Акты исторические, собранные и изданные археографической комиссией, т. 4—6, 9—12, СПб., 1842—1872
- Аленицын В. Несколько замечаний о путешествии Дженкинсона в Хиву в 1559 году, Записки РГО по отделу этнографии, т. VI, СПб., 1879.
- Алиханов. Мервский оазис и дороги, ведущие к нему, СПб., 1883.
- Аму-Дарьинский отдел. ТВ, 1875, № 10.
- Арканов Б. С. Орошение. Опыт изложения основ проектирования оросительных сооружений и конструктивных особенностей оросительной системы, М.—Л., 1926.
- Артамонов М. И. Вопросы истории скифов в советской науке, ВДИ, 1947, № 3.
- Архангельский А. Моллюски верхнемеловых отложений Туркестана, вып. 1. Труды геологического комитета, новая серия, вып. 152, 1916.
- Архангельский А. Из геологических наблюдений в пустыне Кызыл-Кум, Известия Докучаевского почвенного комитета, 1915, № 3.
- Архангельский А. Предварительный отчет о геологических исследованиях в низовьях Аму-Дарьи, Известия геологического комитета, XXXIII, 1914.
- Архангельский А. Ископаемая фауна берегов Аральского моря. Верхнемеловые отложения, вып. 1, Научные результаты Аральской экспедиции. Известия ТОРГО, т. VIII, вып. 1, 1911—1912.
- Архангельский А. Геологические исследования в низовьях Аму-Дарьи, Труды Главного геологического управления ВСНХ СССР, вып. XII, с 2 карт., М.—Л., 1931
- Аскочевский А. Н. Южный Хорезм как объект водохозяйственного строительства, Ташкент, 1933.
- Базинер Ф. Путешествие через киргизские степи в Хиву в 1842—1843 гг. доктора философии Базинера, ТВ, 1873, № 31 и 46.
- Барбот-де-Мари Е. Н. О геологических исследованиях в Аму-Дарьинском крае, Известия РГО, т. XI, СПб., 1875, № 2, стр. 110—121.
- Бартольд В. В. Дорожник XIV в. от Бистама до Куня-Ургенча, ЗВО, т. XV за 1902—1903 гг., СПб., 1903.
- Бартольд В. В. Историко-географический сбор Ирана, СПб., 1903.
- Бартольд В. В. История изучения Востока в Европе и в России, изд. 2-е, Л., 1925
- Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана, Л., 1927.
- Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана, ж. „Сельское хозяйство и лесоводство“, 1913; отдельный оттиск, СПб., 1914.
- Бартольд В. В. К вопросу о впадении Аму-Дарьи в Каспийское море, Записки ВОРАО, XIV, вып. 1, 1902.
- Бартольд В. В. Мерверруд, ЗВО, т. XVI, СПб., 1902.
- Бартольд В. В. Места домусульманского культа в Бухаре и ее окрестностях, Восточные Записки, т. I, Л., 1927.
- Бартольд В. В. Место прикаспийских областей в истории мусульманского мира, Баку, 1925.
- Бартольд В. В. Новый источник по истории Хорезма, Известия УзФАН, 1941, № 2.
- Бартольд В. В. О колесном и верховом движении в Средней Азии, АН СССР, М.—Л., 1937.
- Бартольд В. В. Очерк истории туркменского народа, сб. „Туркмения“ т. I, АН СССР, Л., 1929
- Бартольд В. В. Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVII в., Научные результаты Аральской экспедиции, вып. II, ИТОРГО, IV, Ташкент, 1902.
- Бартольд В. В. События перед хивинским походом 1873 года по рассказу хивинского историка, Кауфманский сборник, М., 1910.
- Бартольд В. В. Султан Санджар и гузы, ЗВО, т. XX, СПб., 1912.
- Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, ч. I—II, СПб., 1898—1900.
- Бартольд В. В. Хафиз-и Абру и его сочинения, Аль-Музаффария, Сборник статей учеников профессора В. Р. Розена, СПб., 1897.
- Бартольд В. В. Хлопководство в Средней Азии с исторических времен до прихода русских, ж. „Хлопковое дело“, 1924, № 11.

- Бартольд В. В. Церемониял при дворе узбекских ханов в XVII в., ЗРГО по отделу этнографии т. 34, 1909.
- Беляев И. А. Сказание об Едигее и Тохтамыше на каракалпакском языке (арабской транскрипцией, Протоколы заседаний и сообщений членов закаспийского кружка любителей археологии и истории Востока, вып. 4, 1917.
- Берг Л. С., Аральское море, Опыт физико-географической монографии. Известия ТУРГО, V, СПб., 1908.
- Берг Л. С. Очерк истории русской географической науки (вплоть до 1928 г.), М.—Л., 1929.
- Березин И. Н. Очерки внутреннего устройства улуса Джучиева, ТВОРАО. ч. VIII, СПб., 1864.
- Березин Л. Естественные районы Копет-Дага и их сельскохозяйственное значение, Туркменоведение, 1929, № 5 и 6.
- Бланкеннагель. Путевые заметки Бланкеннагеля о Хиве в 1793—94 гг. С примечаниями В. В. Григорьева, Вестник РГО, т. XXII, 1858.
- Богданов М. Н. Краткий очерк долины и русла Аму-Дарьи между Уч-Учаком и Шейх-Арыком, Известия РГО, X, 1874, № 6.
- Богданов М. Н. Обзор экспедиций естественноисторических исследований в Арало-Каспийской области с 1720 по 1874 гг. Труды Арало-Каспийской экспедиции, вып. 1, СПб., 1875.
- Богданов М. Н. О старом русле и течении Аму-Дарьи в Каспий, Известия РГО, X, 1874, № 6.
- Богданович К. К. Геология Средней Азии. Описание некоторых осадочных образований Закаспийского края и части Северной Персии, Записки Минералогического общества (2), XXXVI. 1890.
- Букинч Д. Д. История первобытного орошаемого земледелия в Закаспийской области в связи с вопросом о происхождении земледелия и скотоводства, Хлопковое дело, 1924, № 3—4.
- Букинч Д. Д. Старые русла Окса и Аму-Дарьинская проблема (в связи с вопросом обводнения Келифского Узоя и Дарьялыка), Библиотека хлопкового дела, кн. 4, М., 1926.
- Бутаков А. И. Несколько страниц из истории Хивы, ТВ, 1871, № 28.
- Бутаков А. И. О дельте и устьях р. Аму-Дарьи, ТВ, 1872, № 32.
- Бутаков А. И. Сведения об экспедиции, снаряженной для описи Аральского моря в 1848 г., Вестник РГО, VII, 1853, стр. 1—9.
- Бутаков А. И. Эпизод из современной истории Средней Азии, Отечественные записки, 1865, ноябрь.
- Вамбери А. Очерки Средней Азии, Дополнение к путешествию в Среднюю Азию, М., 1868.
- Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Описание поездки из Тегерана через Туркменскую степь по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, совершенной в 1863 г. Арминием Вамбери, членом Венгерской Академии. С картой Азии, М., 1865.
- Вамбери А. Путешествие по Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 г. с научной целью по поручению Венгерской Академии в Пеште членом ее А. Вамбери, М., 1867, 2-е изд., 1874.
- Васильев Н. Кочевники Туркестана (Опыт экономического обзора), Самарканд, 1890.
- Вельяминов-Зернов В. В. Исследование о Касимовских царях и царевичах, ч. 1—3. СПб., 1863—1866.
- Вельяминов-Зернов В. В. Исторические известия о киргиз-кайсаках и сношениях России со Средней Азией со времен кончины Абуль-Хайр-хана (1748—1765), т. 1—2, Уфа, 1853—1855.
- Вельяминов-Зернов В. В. Монеты бухарские и хивийские, ТВОРАО ч. IV, 1860.
- Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего, СПб., 1877.
- Веселовский Н. И. Первое подданство туркмен России, Исторический Вестник, 1884, май.
- Владимирцев Б. Я. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм, Л., 1934.
- Воейков А. И. Климатические условия в связи с орошением и хлопководством Туркестана, СПб., 1913.
- Воейков А. И. Орошение Закаспийской области, География и климатология, т. 3, СПб., 1908.
- Воейков А. И. Очерки Туркестана, СПб., 1913.
- Воскресенский М. Предварительный отчет о почвенных исследованиях на левом берегу Аму-Дарьи в Хорезмском округе (машинопись), 1927.

- Галкин М. Н. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю, Записки РГО, по отделу этнографии, т. I, 1867.
- Гедройц А. Предварительный отчет о геологических исследованиях на сухих руслах Аму-Дарьи, Известия РГО, XVIII, 1882.
- Гельман Х. В. Исследования прорывов реки Аму-Дарьи, образовавшихся во время ее разлива летом в 1878 году. Приложение к 3-му вып. X кн. Записок КОРГО, Тифлис, 1879.
- Гельман Х. В. Обводнение старого русла р. Аму-Дарьи, Ташкент, 1900.
- Гельман Х. В. Отчет о поездке инженера Х. В. Гельмана в 1891—92 гг. Египет, Тунис, Алжир, Италия и Франция. СПб., Записки Имп. русского технического общества, 1893.
- Гельмерсен Г. Очерк геологии и физической географии Арало-Каспийской низменности, Горный журнал, IV, 1879.
- Гельмерсен Г. Хива в нынешнем состоянии. Отечественные записки, т. VIII, 1840.
- Георгиевский Б. М. Южный Хорезм, Гидрогеологические и геологические исследования, изд. Комитета наук УзССР, Ташкент, 1937.
- Герасимов И. П. О послетретичных отложениях западной части равнинного Туркестана, Известия Главного геолога-разведочного управления, XLIX, 1930, № 9.
- Герасимов И. П., Иванова Е. Н., Тарасов Д. И. Почвенно-мелноративный очерк дельты и долины реки Аму-Дарьи, Труды Каракалпакской комплексной экспедиции 1931—1932 гг., 1935.
- Герасимов И. П. Физико-географический очерк Сары-Камыша, ТИГ АН СССР. Отчеты Туркменской экспедиции, вып. 35, М.—Л., 1940.
- Герасимов И. П. Четвертичная геология (Палеогеография четвертичного периода), М., 1939.
- Гиршфельд. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса, ч. I—II, Ташкент, 1902—1908.
- Глуховской А. И. Об исследованиях старого русла Аму-Дарьи, Известия РГО, т. XI, СПб, 1876.
- Глуховской А. И. О пропуске вод реки Аму-Дарьи в Каспийское море и о значении водного Аму-Дарьинского Каспийского пути (Читано в годовом собрании Общества содействия русской промышленности и торговли 27 марта 1882 г.), СПб., 1889.
- Глуховской А. И. Пропуск вод р. Аму-Дарьи по старому ее руслу в Каспийское море и образование непрерывного водного Аму-Дарьинско-Каспийского пути от границ Афганистана по Аму-Дарье, Каспию, Волге и Мариинской системе до Петербурга и Балтийского моря. Издано начальником экспедиции Генерального штаба генерал-лейтенантом А. И. Глуховским на английском и русском языках, СПб., 1893.
- Глуховской А. И. Сообщения об исследованиях о старых руслах Аму-Дарьи, Известия РГО. т. X, вып. 6, 1874.
- Гракова Р. А. Отчет о раскопках Алексеевской стоянки в Куставайском районе. Археологические исследования в РСФСР 1934—1936 г., М.—Л., 1941.
- Гранитов И. И. К вопросу об естественной мелиорации такыров, в кн. „Хозяйственное освоение пустынь Средней Азии“, сборник материалов, Москва—Ташкент, 1934.
- Гребенкин А. Д. Узбеки, ТВ, 1871, № 41; то же в кн. „Русский Туркестан“, сборник, изданный по поводу политехнической выставки, вып. II, М., 1872.
- Грен Ар. Экспедиция для исследования реки Джана-Дарьи. Инженерный журнал, 1863, № 1.
- Григорьев Г. В. Городище Тали-Барзу, ТОВЭ, т. II, Л., 1940.
- Григорьев Г. В. Краткий отчет о работах Янги-Юльской археологической экспедиции 1937 г., Ташкент, 1940.
- Григорьев Г. В. Описание Хивинского ханства и дороги туда из Сарайчиковской крепости, Записки РГО, 1861, № 2.
- Григорьев Г. В. Отчет об археологической разведке в Янги-Юльском районе Узбекской ССР в 1934 г., Ташкент, 1935.
- Громов М. и Баранов В. Чигир как водоподъемная машина и как привод, Ташкент, 1931.
- Гулямов Я. Г. Бируни об исторической географии низовьев Аму-Дарьи, сб. „Бируни — великий ученый средневековья“, Ташкент, 1950.
- Гулямов Я. Г. Городище Багдад, газ. „Советская Каракалпакия“, Нукус, 7 сентября, 1946, № 177.
- Гулямов Я. Г. Из истории орошения в Каракалпакки, Бюллетень АН УзССР, 1945 № 9—10.
- Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней (автореферат докторской диссертации), Ташкент, 1949.

- Гулямов Я. Г. К возникновению ирригации в Хорезме в свете данных археологии, Сборник материалов научной сессии АН УзССР, Ташкент, 1948.
- Гулямов Я. Г. Памятники города Хивы, Труды ИЯЛИ УзФАН, сер. I, история и археология, вып. III, Ташкент, 1941.
- Данилевский М. П. Земли древнего орошения Каракалпакии и перспективы их освоения, сб. „Каракалпакия“, II, Л., 1934.
- Данилевский Я. Описание Хивинского ханства, Записки РГО, кн. V, 1851, стр. 62—153.
- Денике Б. Архитектурный орнамент Средней Азии. М.—Л., 1939.
- Дильс. Античная техника. Перевод и примечания М. Е. Сергеевко, П. П. Забаринского. Гостехиздат, М.—Л., 1934.
- Димо Н. А. Почвенные исследования в бассейне р. Аму-Дарья, Ежегодник отдела земельных улучшений за 1913 г., ч. II, СПб., 1914.
- Дингельштедт. Опыт изучения ирригации Туркестанского края, Сыр-Дарьинская область, ч. 1—2, СПб., 1893.
- Ермолаев М. Н. Пропуск вод Аму-Дарья в Мервский и Тедженский оазисы с целью орошения 516000 десятин земли в восточной части Закаспийской области, СПб.: 1908.
- Ермолаев М. Н. Современное орошение и хлопководство Египта, СПб., 1910.
- Житов К. Е., Непомнин В. Я. От колониального рабства к социализму, Ташкент, 1939.
- Жуковский В. А. Древности Закаспийского края, Развалины старого Мерва, СПб., 1894.
- Залеман К. Г. Легенда о Хаким ата, Известия АН, т. IX, вып. 2, СПб., 1898.
- Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г., ВС, т. XXVI, 1861; № 11, стр. 41—92.
- Захарьин И. П. (Якунин), Граф В. А. Перовский и его зимний поход в Хиву, ч. I—II, СПб., 1901.
- Збруева А. В. Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья ВДИ, 1946, № 3.
- Збруева А. В. Коллективное жилище в Прикамье, ВДИ, 1940. № 2.
- Зыков С. Очерки утверждения русского владычества на Аральском море с 1847 г. по 1862 г., Морской сборник, 1862. № 6.
- Ибрагимов И. Некоторые заметки о хивинских туркменах и киргизах, ВС, 1874, № 9.
- Иванни М. И. О старом русле Аму-Дарья, Материалы СТК, 1873.
- Иванни М. И. Хива и река Аму-Дарья, СПб., 1873.
- Иванов П. П. Архив хивинских ханов XIX в. (Исследование и описание документов с историческим введением). Новые источники для истории Средней Азии, ЗИВ, т. VII, М.—Л., 1940, стр. 5—26.
- Иванов П. П. Восстание китай-кипчаков в Бухарском ханстве 1821—1825 гг.. Источники и опыт их исследования, Труды ИВ АН, т. 28, М.—Л., 1937.
- Иванов П. П. История царствования Сейид-Мухаммед-хана (1856—1865). Гульшен-и девлет. Соч. Мухаммед-Риза мираба Агехи, в кн. „Материалы по истории каракалпаков“, Труды ИВ АН, т. VII, М.—Л., 1935.
- Иванов П. П. Материалы к изучению истории каракалпаков, в кн. „Каракалпакия“, Труды I конференции по изучению производительных сил КК АССР, т. I, Л., 1934, стр. 178—199.
- Иванов П. П. Население Средней Азии, Вся Средняя Азия, Справочная книга на 1926 г., Ташкент.
- Иванов П. П. Новые материалы по истории Средней Азии (по поводу открытия архива хивинских ханов). ИМ, 1937, № 3, стр. 220—222.
- Иванов П. П. Очерк истории каракалпаков, Материалы по истории каракалпаков, Труды ИВ АН, т. VII, М.—Л., 1935, стр. 9—89.
- Иванов П. П. Удельные земли Сейид-Мухаммед-хана хивинского (1856—1865). В порядке постановки вопроса о так называемых ханских землях в Средней Азии, Записки ИВ АН, т. VI, М.—Л.
- Ивченко И. Через Кызыл-Кумы, Известия РГО, вып. I, 1916, стр. 27—59.
- Известия о песошном золоте. Сочинения и переводы, к пользе и увеселению служащих. 1760.
- Изыскания в бассейне Аму-Дарья, Ежегодник отдела земельных улучшений, М., 1913.
- Иностранцев К. А. К истории домусульманской культуры Средней Азии, ЗВО, т. XXIV, П., 1917.
- Иностранцев К. А. О домусульманской культуре Хивинского оазиса, ЖМНП, февраль, 1911, № 2.
- История искусства Древнего Востока, т. I, Л., 1941.
- История Казахской ССР с древнейших времен до наших дней, изд. 2-ое, т. I, Алма-Ата, 1949.

- История народов Узбекистана, т. II. АН УзССР, Ташкент, 1947.
- Каразин Н. Н. В низовьях Аму, Вестник Европы, 1875, март.
- Каракалпаки. Восточные известия. Астрахань, 1814, № 44.
- Карелин Г. С., Путешествие Г. С. Карелина по Каспийскому морю, 1836, Записки РГО по отделу общей географии, т. X. СПб., 1883.
- Карницкий Д. Беспочвенность мечтаний об орошении Туркестана, Туркестанский курьер, № 6, 1913.
- Каульбарс А. В. Древнейшие русла Аму-Дарьи, Записки РГО по отделу общей географии XVII, № 4, СПб., 1887.
- Каульбарс А. В. Исследования на старых руслах Аму-Дарьи и Сыр-Дарьи, Известия РГО, т. XV. СПб., 1880.
- Каульбарс А. В. Низовья Аму-Дарьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г., Записки РГО по отделу общей географии, кн. IX, 1984.
- Каульбарс А. В. Полный список промеров, произведенных в 1873 г. в низовьях реки Аму-Дарьи, прилож. к т. IX Записок РГО по отд. общей географии, СПб., 1888.
- Каульбарс А. В. Сообщение о новейших сведениях о старых руслах Аму-Дарьи Известия РГО, XXII, 1886.
- Кауфман А. А. К вопросу о русской колонизации Туркестанского края, Отчет членов Ученого комитета Министерства земледелия и государственных имуществ по командировке летом 1903 г., СПб., 1903.
- Кауфман К. П. Проект всеподданнейшего отчета К. П. фон Кауфмана 1-го по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства, 7 ноября 1867—25 марта 1881 гг., СПб., 1885.
- Кесь А. С., Русло Узбой и его генезис, Труды Института географии АН СССР, VII, вып. XXX, М.—Л., 1939.
- Кесь А. С. и Федорович Б. А. Предварительные итоги работ Узбекского отряда Туркменской экспедиции АН СССР за 1934 г., СОПС АН СССР 1935.
- Кимберг Н. В. О резервных ирригационных земельных фондах в низовьях Аму-Дарьи, Бюллетень АН УзССР, 1946, № 12.
- Клингген И. Среди патриархов земледелия, ч. III, Китай, СПб., 1899.
- «Книга глаголемая Большой Чертеж», изд. Г. И. Спасского, М., 1846.
- Книзе А. И. Хлопководство и правительственные мероприятия по его улучшению и развитию в среднеазиатских владениях России, СПб., 1911.
- Ковалевский С. А. Пути Дженкинсона в 1558 г. от Мангуслов до Узбоя и по нему, Известия ВГО, т. 42, вып. VI. 1940, стр. 819—823.
- Колокольцев. Экспедиция в Хиву в 1873 г. от Джизака до Хивы, Походный дневник, СПб., 1873.
- Кондрашев С. К. Орошаемое хозяйство и водопользование Хивинского оазиса, Отчет о гидромодульных работах изысканий в бассейне р. Аму-Дарьи за 1911 год, М., 1916.
- Кондрашев С. К. Орошаемый Хорезм. Организация орошения территории и труда в дехканских хозяйствах низовьев р. Аму-Дарьи, М., 1931.
- Коншин А. М., Геологический очерк Закаспийского края, Предварительный отчет об экспедиции в Закаспийский край и в Северный Хорасан в 1886 г., Тифлис, 1886.
- Коншин А. М. О древнем течении Аму-Дарьи по современным геологическим и физико-географическим данным. Записки КОРГО, XV, с планами и с картой древнего течения Аму-Дарьи, 1893 г., газ. «Кавказ», № 32, 33, 34, 1892.
- Коншин А. М. Разъяснение вопроса о древнем течении Аму-Дарьи, По современным геологическим и физико-географическим данным. Записки РГО по общ. географии т. XXIII, № 1, СПб., 1897.
- Коншин А. М. Сарыкамышский озерный бассейн и Западный Узбой, в кн.: Известия РГО, т. XXI, СПб., 1886, стр. 202—210.
- Костенко Л. Ф. От Хивы до Казалинска, ВС. СПб., № 11, 1873.
- Костяков А. Н. Состояние орошения в Заволжье и его первоочередные нужды. Изд. Всес. акад. с/х наук им. В. И. Ленина, М., 1936.
- Краузе И. Н. О хивинском земледелии, Изв. РГО, т. X, 1874.
- Кремницкий Н. Д. К вопросу проектирования мельчайшей оросительной сети, Труды Института гидрографии и мелиорации, т. VII, 1932.
- Кун А. Л. Доходы хивинского ханства, ТВ. 1873, № 32.
- Кун А. Л. Заметки о хивинском ханстве, ТВ, 1873, № 46.
- Кун А. Л. Культурный оазис Хивинского ханства, ТВ, 1874, № 2, 3, 9, 11, 12.
- Кун А. Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г., Известия РГО, т. X. 1874, стр. 47—54.
- Ладыгин Б. К. Ирригация Индии, Л., 1924.
- Латынин Б. А. К вопросу об истории, в кн. «Из истории докапиталистических формаций», Л., 1935.

- Латынин Б. А. Работы в районе проектируемой электростанции на реке Нарын в Фергане (гидроэлектропроект). Отчет о работах, Известия ГАИМК, вып. 110, Археологические работы Академии на новостройках в 1932—33 гг., М.—Л., 1935.
- Лев Д. Н. Древний палеолит в Аман-Кутане (Предварительное сообщение), Труды УзГУ, новая серия, № 39, Самарканд, 1949.
- Левшин А. Описание киргиз-казацких или киргиз-кайсацких орд и степей, Сочинение Алексея Левшина, члена разных ученых обществ Российских и иностранных, т. I—III, СПб., 1832.
- Ленц Р. Наши сведения о прежнем течении Аму-Дарьи, Записки РГО, т. IV, 1871.
- Лессар П. Оксус. Его древнее соединение с Каспийским морем. Перевел с французского и снабдил примечаниями А. Романович, Ташкент, 1891.
- Лессар П. М. Заметки о Закаспийском крае и сопредельных странах. (Поездка 1882 г.), Известия РГО, т. 20, вып. 1, СПб., 1884.
- Лессар П. М. Узбой и Унгуз (1883 г.), Сборник материалов по Азии, VI, 1883.
- Лобачевский В. Хивинский район. Военно-статистическое описание Туркестанского военного округа, Ташкент, 1912.
- Ломакин. Рекогносцировка Узбоя (сухого русла Аму-Дарьи), Известия КОРГО, IV, 1875, № 1.
- Лохтин В. М. Почему прекратилось течение Аму-Дарьи в Каспийское море, ТВ, 1911, № 97.
- Лохтин В. М. Река Аму и ее древнее соединение с Каспийским морем, СПб., 1879.
- Лупандин. Описание части Узбоя (сухого русла Аму-Дарьи) от колодца Белашим до колодца Сары-Камыш (с картой), Известия КОРГО, IV, 1875, № 1.
- Лурье И., Ляпунова К., Матъе М., Пиотровский Б., Литнер Н. Очерки по истории техники Древнего Востока. М.—Л., 1940.
- Лэн-Пуль-Стенли. Мусульманские династии, хронологическая и генеалогическая таблицы с историческими введениями. Перевел с английского с примечаниями и дополнениями В. Бартольд, СПб., 1899.
- Мак-Гахан. Военные действия на Окусе и падение Хивы, М., 1875.
- Макензи Н. Ф. Очерки по ирригационным работам, М., 1918.
- Макшеев А. И. Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестанском крае, Записки РГО по отделу статистики, т. II, 1871 стр. 1—60.
- Макшеев А. И. Путешествия по киргизским степям и Туркестанскому краю (1848—1853), СПб., 1896.
- Масальский В. И. Туркестанский край, Россия, под ред. В. П. Семенова-Тян-Шанского, т. XIX, СПб., 1913.
- Масальский В. И. Хлопковое дело в Средней Азии (Туркестан, Закаспийская область, Бухара и Хива) и его будущее, СПб., 1892.
- Масперо Г. Древняя история народов классического Востока, М., 1911.
- Масперо Г. Египет, М., 1916.
- Массон М. Е. Термезская археологическая комплексная экспедиция (ТАКЭ), КСИИМК, VIII, 1940.
- Массон М. Е. Экспедиция археологического надзора на строительстве БФК, КСИИМК, IV, 1940.
- Михайлов К. А. Коренное переустройство южно-хорезмской ирригационной системы, Вестник ирригации, 1927, № 10.
- Михайлов К. А. и Пославский В. В. Таш-Сака или Тюя-Муюн, Вестник ирригации, 1927, № 11.
- Морган Л. Дома и домашняя жизнь американских туземцев, Л., 1934.
- Моргуненков Ф. П. и Севастьянов И. А. Новая Туркмения. Ирригационные перспективы Туркменской ССР. Орошение Туркмении по проекту инж. Ф. П. Моргуненкова, с предисловием К. С. Атабаева, Ташкент, 1925.
- Моргуненков Ф. П. Предположения об орошении юго-восточного побережья Каспийского моря зимними и избыточными паводковыми водами Аму-Дарьи, Записки Русского технического общества № 6/7, 1915.
- Моргуненков Ф. П. Схема орошения приморского района водами реки Аму-Дарьи путем использования старого русла Узбоя, Вопросы водного хозяйства и земельных улучшений, 1915.
- Морэ А., Дави Ж. На заре истории, Очерки первобытной культуры (сокращенный перевод), М., 1925, VII.
- Мужчинкин Ф. Кол дцы по Узбою от аула Молла-Кара до аула Беуграджи, Вестник ирригации, 1924, № 10.
- Мужчинкин Ф. Некоторые данные по геологическим и гидрогеологическим исследованиям в районе Таш-Сака — Тюя-Муюн Хорезмской области летом 1925 г., Труды САГУ, серия VIIa, геология, вып. 6, Ташкент, 1928.

- Мужчинкин Ф. Предварительный отчет по геологическим и гидрологическим исследованиям в районе Таш-Сака — Тюя-Муюн летом 1925 г. (машинно-пись), 1925.
- Муравьев Н. Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сию страну для переговоров, ч. 1—2, М., 1822.
- Мушкетов И. В. Туркестан, т. I, СПб., 1886.
- Мушкетов И. В. Геологическая карта Закаспийской области (1:1.260.000), СПб., 1900.
- Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией (со стороны Оренбургской линии), Записки РГО, т. 10, СПб., 1855.
- Непомнин В. Я. К истории ирригации в Узбекистане, Ташкент, 1940.
- Неустроев С. О геологических и почвенных процессах на равнине низовьев р. Аму-Дарья, Почвоведение, 1911, № 2.
- Никитин В. В. К характеристике низовьев Аму-Дарья как объекта мелиорации, Промиздат, М.—Л., 1926.
- Никитин С. А. и Песков С. Ф. Пески Юго-западных Кызыл-Кумов, сб. „Каракалпакия“, т. II. М.—Л., 1936.
- Никольский А. М. О рыболовстве в водах Аральского бассейна, Известия РГО, т. XXIII, 1888, стр. 654—698.
- Никольский М. В. Документы хозяйственной отчетности древнейшей эпохи Халдеи из собрания Н. П. Лихачева (Древности восточные), Труды Восточной комиссии Московского археологического общества, т. 3, вып. 2.
- Обручев В. А. Закаспийская низменность, Географический и орографический очерк по данным, собранным во время экскурсий в 1886 г. и 1887—1888 гг. Записки РГО по отделу общей географии, т. XX, 1890, № 3.
- Общие замечания к проекту орошения Закаспийской области, Экономист России, СПб., 1911.
- Окладников А. П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан, сб. „Тешик-Таш“, 1949.
- О повороте реки Аму-Дарья по старому руслу, Материалы для статистики Туркестанского края, Ежегодник, СПб., 1873.
- Основные вопросы древней истории Средней Азии, ВДИ, 1938, № 1.
- Островский С. Ф. Ирригационные системы Индии, Отчет по поездке в Индию инженера путей сообщения С. Ф. Островского в 1906 г., СПб., 1907.
- От Айбугурского залива до Кунграда, Уральские войсковые ведомости № 9, 1868.
- Очерки Аму-Дарьинского края, ТВ, 1875, № 2.
- Пален К. К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К. К. Паленом, 18 выпусков, СПб., 1909—1910.
- Пальмов Н. Н. Абул-гази в калмыцких кочевьях (по данным Астраханских архивов XVII века), ркп. ИВ АН СССР.
- Памятники сибирской истории XVIII века, кн. I, 1700—1713; кн. II, 1700—1713, СПб., 1882.
- Перетяткович Г. Поволжье в XV и XVI вв., Очерки по истории края и его колонизации, М., 1877.
- Пертрусевич Н. Г. Исследования на старых руслах Аму-Дарья, произведенные в 1876—1877 гг., Известия РГО, т. XV, СПб., 1830.
- Петрусевич Н. Г. О гидротехнических условиях реки Аму-Дарья и о возможности поворота ее течения в Каспийское море, Записки Русского технического общества, 1879, № 3.
- Петрусевич Н. Г. Предварительный отчет об исследовании Дарьяляка (Узбоя) и местности между Аму-Дарьей и Сары-камышем, СПб., 1880.
- Потанин Г. Н. Материалы по истории Сибири, М., 1867.
- Православлев П. А. Северо-западное побережье Каспия, Известия центрального гидрометеорологического бюро, вып. 8, Л., 1929.
- Прокошев Н. А. К вопросу о неолитических памятниках Камского Приуралья, МИА, 1940, № 1.
- Путешествие от Сибирской линии до города Бухары в 1794 и обратно в 1795 году, Сибирский вестник, издаваемый Гр. Спасским, 1818 год, ч. 1 и 3, СПб., 1818, стр. 37—110.
- Путешествие через киргизские степи в Хиву в 1842—1843 гг. доктора философии Базинера ТВ, 1873, № 31 и 46.
- Путешествия П. С. Карелина по Каспийскому морю, Записки РГО, т. X, СПб., 1883.
- Реклю Э. Земля и люди, т. VI, СПб., 1900.
- Риза Кули Мирза. Краткий очерк Аму-Дарьинской области, СПб., 1875.



- Рудский М. П. Заметка по поводу вопроса о древних руслах Аму-Дарьи. Известия РГО, XXX, 1894.
- Рыбачий стан на низовьях Аму-Дарьи, Всемирный иллюстратор, № 878. 1885.
- Рычков П. И. История Оренбургская (1730—1750) под ред. и с примечаниями П. М. Гутьера, Оренбург, 1896.
- Рычков П. И. История Оренбургская по учреждении Оренбургской губернии, Сочинения и переводы к пользе и увеселению служащих, 1759.
- Рычков П. И. Топография Оренбургской губернии. Оренбург, 1887.
- Рычков П. И. Топография Оренбургская, то есть обстоятельное описание Оренбургской губернии, сочиненное...Петром Рычковым, ч. I и II, СПб., 1762.
- Сальников К. В. Андроновский курганный могильник у с. Федоровки, МИА, 1940, № 1.
- Самойлович А. Два отрывка из Хорезм-наме, ЗВОРАО, т. XIX, вып. 1, 1909.
- Самойлович А. П. Краткий отчет о поездке в Ташкент, Бухару и Хивинское ханство в 1908 г., СПб., 1909.
- Сведения о Хивинском ханстве, Журнал мануфактур и торговли, ч. 2, 1843.
- Северцов Н. А. О результатах физико-географических наблюдений в Арало-Каспийских степях в 1874 г., Известия РГО, т. XI, СПб., 1875, № 3, стр. 219—231.
- Северцов Н. А. Записка о действительной границе Российских и Хивинских владений в Сыр-Дарьинском крае. Составлена в 1858 г., Известия ТОРГО, т. XI, Ташкент, 1915.
- Севастьянов П. А. К проблеме орошения Туркмении в связи с развитием хлопководства СССР, Новая Туркмения, 1925.
- Семихатов Б. Краткий геологический очерк северной части дельты реки Аму-Дарьи. Почвенные экспедиции в бассейнах рек Сыр-Дарьи и Аму-Дарьи, вып. I, М., 1915.
- Сенатский архив под ред. Репинского, СПб., т. V, 1892; т. VI, 1893; т. VII, 1895, т. VIII, 1897; т. X, 1903.
- Серебrenников А. Г. Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания (1840—1852), Ташкент, 1912—1916.
- Скобелев М. Д. От Змукнира до Орта-Кую, с примечанием Стебницкого И. И., Известия КОРГО, III, 1893, № 3.
- Скорняков Е. Е. Искусственное орошение (ирригация), М.—Л., 1930.
- Скорняков Е. Е. Как поднимать воду, М., 1922.
- Смирнов Е. А. Очистка ирригационной сети в Средней Азии и ее рационализация, Труды САНШРИ, вып. XIV, 1933.
- Снегирев И. Л. К проблеме культа матери-земли в архаическом Египте, Сборник египтологического кружка при ЛГУ, Л., 1929, № 2.
- Соболев Л. Н. Обзор доступов к Хивинскому ханству и краткие сведения о нем, Военно-статистический очерк, ВС, кн. 5—6, 1873, стр. 127—164.
- Соболев Л. Н. Письма об Аму-Дарьинской экспедиции, Русский Вивальд, 1874, № 213, 216.
- Соболев Л. Н. Письмо к вице-председателю РГО, Известия РГО, т. X, 1874.
- Соболев Л. Н. и Гродеков. Статистический обзор Хивинского ханства, издан на правах рукописи, Ташкент, 1882.
- Согдийский сборник статей о памятниках согдийского языка и культуры, найденных на горе Муг в Таджикской ССР АН СССР, Л., 1934.
- Среднеазиатский экономический райо́н, под ред. Посланского Ю. И. и Чердаченко Г. Н., Ташкент, 1922.
- Статейный список посольства в Бухарию дворянина Ивана Хохлова (1620—1622), Сборник князя Хилкова, СПб., 1879, стр. 388—445.
- Стебницкий И. Отчет о путешествии в Закаспийском крае в 1872 году, Известия КОРГО, т. II, 1873, № 1.
- Стебницкий И. И. Обзор сведений о прежнем течении Аму-Дарьи в Каспийское море, Тифлис, 1876.
- Струве В. В. История Древнего Востока, М.—Л., 1941.
- Струве В. В. Восстание в Маргиане при Дарии I, ВДИ, 1949, № 2; также см. Материалы ЮТАКЭ, Ашхабад, 1949.
- Струве В. В. Надпись Ксеркса о „девах“ и религии персов, ИАН СИФ, т. I, 1944, № 3.
- Струве В. В. Поход Дария I на саков-массагетов, ИАН СИФ, т. III, 1946, № 3.
- Струве В. В. Родина Зороастризма, СВ, V, М.—Л., 1948.
- Теллоухов С. А. Древние погребения в Минусинском крае, Материалы по этнографии, III, 2, Л., 1927.
- Тереножкин А. И. Археологическая разведка в Каракалпакии, СА, 1940, № 6.
- Тереножкин А. И. Археологическая разведка в западной части Узбекистана, ВДИ, 1947, № 2.

- Тереножкин А. И. Вопросы историко-археологической периодизации древнего Самарканда, ВДИ, 1947, № 4.
- Тереножкин А. И. Жилые постройки XI—XII вв. н. э. в Каракалпакской АССР, Известия УзФАН СССР, 1940, № 7.
- Тереножкин А. И. К истории искусства Хорезма. Рельеф „сасанидского“ блюда и архитектурные памятники Хорезма, Искусство, 1939, № 9.
- Тереножкин А. И. О древнем гончарстве в Хорезме, Известия УзФАН СССР, 1940, № 6.
- Тереножкин А. И. Памятники материальной культуры из Ташкентском канале (предварительные данные), Известия УзФАН СССР, 1940, № 4.
- Термезская археологическая комплексная экспедиция 1936 г., Труды АН УзССР, история, археология, Ташкент, 1941—1945.
- Тилло А. А. Арало-Каспийская нивелировка, Известия РГО, т. X, 1874, № 8.
- Толстов С. П., Древний Хорезм, М., 1949.
- Толстов С. П. Древности верхнего Хорезма, ВДИ, 1941, № 1.
- Толстов С. П. Древняя культура Узбекистана, ИЯЛИ, УзФАН, Библиотека бойца, Ташкент, 1943.
- Толстов С. П. К истории Хорезмских Сиявушидов, Известия АН СССР, 1945, № 4.
- Толстов С. П. Монеты шахов Древнего Хорезма и древнехорезмийский алфавит, ВДИ, 1938, № 4.
- Толстов С. П. Периодизация древней истории Средней Азии, КСИИМК, 28, 1949.
- Толстов С. П. Подъем и крушение империи эллинистического „Дальнего Востока“, ВДИ, 1940, № 3—4.
- Толстов С. П. По следам древнехорезмийской цивилизации, АН СССР, М.—Л., 1948.
- Толстов С. П. Черты общественного строя Восточного Ирана и Средней Азии по Авесте, История СССР, т. I, М.—Л., 1939.
- Торговая дорога из Асрахани через Каспийское море в Хиву и Бухару (сообщено из Астрахани от самовидца-путешественника). Отечественные записки, 1821, ч. V, № 10, февраль.
- Трамбачев С. П. Орошение и осушение, М., 1932.
- Трамбачев С. П. Предварительные материалы к вопросу о развитии ирригационного строительства в Средней Азии, Вестник ирригации, 1925, № 12.
- Тревер К. В. Гопатшах-пастух-царь-ТОВЭ, т. II, 1940.
- Тревер К. В. Памятники греко-бактрийского искусства, М.—Л., 1940.
- Туманский А. Древности Закаспийского края. Развалины старого Мерва, пер. В. А. Жуковского, ЗВОРАО, т. IX, вып. 1—4, СПб., 1896, стр. 300—303.
- Федорович Б. А. К геологии Западных Каракумов, Материалы Каракумской экспедиции ИГ АН СССР, вып. 29, 1930.
- Федорович Б. А. Приузбойские Каракумы, Труды Института географии АН СССР; Отчеты Туркменской экспедиции АН СССР, 1934.
- Флитнер Н. Д. Земледельческие культы древней Месопотамии в свете последних раскопок, ТОВЭ, т. I, Л., 1939.
- Формозов А. А. Об открытии кельтеминарской культуры в Казахстане, Вестник, КазФАН СССР, 1945, № 2.
- Фотеев М. Физико-географические условия Ханкинской волости Хорезмской области УзССР. Современный кишлак Средней Азии, вып. II, Ташкент, 1926.
- Фрейман А. А. Хорезмийский язык, Записки ИВ АН СССР, т. VII, 1939.
- Ханыков Н. В. Описание Бухарского ханства, СПб., 1843.
- Ханыков Я. В. Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства с их окрестностями, Записки РГО, кн. V, СПб., 1851, стр. 263—358.
- Хвольсон Д. А. Известия о хозарах, бургасах, болгарях, мадьярах, славянах и русах ибн Даста Абу-Али Ахмеда бен Омара, СПб., 1869.
- Хива или географическое и статистическое описание Хивинского ханства, состоящего теперь в войне с Россией, заимствованное из разных отечественных и иностранных писателей, с изображением костюмов и вида гор. Хивы, М., 1840.
- Цинзерлинг В. В. Орошение на Аму-Дарье, М., 1927.
- Чайковский А. Важная нивелировка в Туркестанском крае. Проект восстановления прежнего течения речной системы этого края в Каспийское море, М., 1908.
- Черняев М. Г., Низовья Аму-Дарья до Кунграда, ТВ, 1873, № 3.
- Чулошников Д., Торговля Московского государства с Средней Азией в XVI—XVII вв., Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Труды Историко-археологического института и ИВ АН СССР, Материалы по истории народов СССР, вып. 3, Л., 1932.
- Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае, СПб., 1908.

- Шастали. Климат Хорезма. Сельскохозяйственные районы Хорезма. Материалы по районированию Средней Азии, кн. 2, Ташкент, 1926.
- Шишкин В. А. Археологические работы 1937 г. в западной части Бухарского оазиса, Ташкент, 1940.
- Шишкин В. А. Археологические работы 1947 г. на городище Варахша. ИВАН УзССР, № 5, Ташкент, 1948.
- Шишкин В. А. Города Узбекистана, Ташкент, 1943.
- Шишкин В. А. Предварительное сообщение об археологической рекогносцировке в Бухарскую область, Бюллетень, АН УзССР, № 7, 1945.
- Шапский О. Аму-Дарьинские очерки, Ташкент, 1900.
- Шапский О. Как хивинцы ведут полевое хозяйство на своих безводных землях, М. 1900.
- Шмидт А. В. Левшинская стоянка, Советская археология, 1940, № 5.
- Юферев В. И. и Мاستицкий Н. В. Очерки по водопользованию в Средней Азии, «Библиотека хлопкового дела», кн. 2, М., 1926.
- Якубовский А. Ю. Вопросы периодизации истории Средней Азии в средние века (VI—XV вв.). КСИИМК, 28, 1949.
- Якубовский А. Ю. ГАИМК-ИИМК и археологическое изучение Средней Азии за 20 лет, КСИИМК, вып. VI, 1940.
- Якубовский А. Ю. Городище Миздахкан, ЗКВ, т. V, Л., 1930.
- Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа, Ташкент, 1941.
- Якубовский А. Ю. Махмуд Газневи. К вопросу о происхождении и характере Газневидского государства, Сб., «Фердоуси», Л., 1934.
- Якубовский А. Ю. Развалины Ургенча, Известия ГАИМК, т. VI, вып. 2, Л., 1930.
- Якубовский А. Ю. Феодалное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X—XV вв., Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР, ч. I, Л., 1932.
- Barthold W. Manqullar Davrida Turkestan, Maskavi-Samarqand. 1931.
- Barthold W. Khwarizm, Enzyklopaedie des Islams, vol II, Leyden-Leipzig, 1927.
- Browne E. J. The Press and Poetry of Modern Persia, partly based on the manuscript work of Mirza Muhammad Ali Khan „Tarbiyat“ of Tabriz, Cambridge, 1914.
- Boukhary Mir Abdoul Kerim, Histoire de l'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand) depuis les dernières années du règne de Nadir-Chah (1153) jusqu'en 1233 de l'Hégire (1740—1818). Publiée, traduite et annotée par Charles Schefer, Paris, 1876.
- Darling M., The Punjab Peasant, London, 1925.
- De Goeje M. C. Das alte Bett des Oxus, Leyden, 1875.
- Harris Irrigation in India, London, 1923.
- Hermann A., Alte Geographie des unteren Oxusgebiets, Berlin, 1914.
- Herzfeld E., Archeological History of Iran, London, 1935.
- Herzfeld E., Iran in the ancient East, London—New-York, 1941.
- Khwarizm, Encyclopaedia Britannica, vol. 17, London, 1911.
- Lerch P., Khiva oder Kharezmi. Seine historischen Verhältnisse (Mit einer Karte von Khiva), St.-Petersburg, 1873.
- Morquart J. Eransahr nach der Geographie des Pseudo Moses Xorenaei. Mit historisch-kritischen Kommentar und historischen und topographischen Excursen, Abhandlungen der Königlichen Gesellschaft der Wissenschaften zu Göttingen, philologisch-historische Klasse, Neue Folge, Band III, № 2, Berlin, 1901.
- Morquart J. Wehrot und Arang, Leiden, 1938.
- Meyendorff G. Voyage d'Orenbourg à Boukhara fait en 1820 à travers les sieppes qui s'étendent à l'Est de la mer d'Aral et au delà de l'ancien Jaxarfer, Revue par M. le chevalier Amédée Jaubert. Paris, 1826.
- Pumpelly R. Explorations in Turkestan, Expedition of 1901. Prehistoric civilisations of Anau, 2 vols, Washington, 1908.
- Sachau E. d. Zur Geschichte und Chronologie von Khwarizm, Wien, 1878.
- Sarre F. Die Kunst des Alten Persiens, Berlin, 1923.
- Stein Aurel. Innermost Asia, I—IV, Oxford, 1928.
- Tarn W. W. The Greeks in Bactria and India, Cambridge, 1938.
- Tomaschek W. „Akes“, Pauly-Wissowa, Real encyclopaedie.
- Tomaschek W. Centralasiatische Studien, T. I. Sogdiana. Sitzungsberichte der philosophisch-historischen Klasse der Kais.-Königl. Akademie der Wissenschaft. Band LXXXVII, Wien, 1877.
- Willcocks W. Egyptian Irrigation, vol. I, London, 1913.
- Willcocks W. Irrigation of Mesopotamia. London, 1911.
- Willcocks W. The Nile in 1904. London 1905.
- Voyevodsky M. A. Summary Report of a Khwarizm Expedition, Bulletin of the American Institute for Iranian Art and Archaeology, V. № 3, 1938.

## МУНДАРИЖА

	Бет
Автордан . . . . .	5
Кириш . . . . .	7
I б о б. Амударё ва унинг дельтаси . . . . .	19
II б о б. Қадимги сугоришган ерлардаги ибтидоий маданият . . . . .	43
III б о б. Хоразмда илк давлатларнинг ташкил топиши ва сунъий каналларнинг барпо этилиши . . . . .	69
IV б о б. Қулдорлик тузуми даврида Хоразмда ирригация (эрамизгача бўлган IV аср — эрамизнинг VI асри) . . . . .	103
V б о б. Илк феодализм даврида ирригация (эрамизнинг IV — IX асрлари) . . . . .	102
VI б о б. Феодализм тараққиёти даврида Хоразмнинг сугорилиш динамикаси . . . . .	131
VII б о б. XVI асрдан сўнг Хоразмнинг сугориш тармоқлари динамикаси. Қабилаларнинг жойлашиши ва Хева хонларининг сиёсати . . . . .	201
VIII б о б. Хоразмда сугориш техникаси тарихдан . . . . .	249
IX б о б. Амударёнинг қуйи оқимида ирригациянинг Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин ривожланиши . . . . .	280
Хулоса . . . . .	291
Адабиётлар кўрсаткичи . . . . .	311

*На узбекском языке*

\* \* \*

Яхъя Гулямович Гулямов

\* \* \*

### История орошения Хорезма

Редактор

*А. Р. Муҳаммаджонов*

Таржимонлар:

*А. Шоумаров, Т. Содиқов, Ш. Хўжаев, М. Баратова*

Техредактор

*В. Барцева*

Корректорлар:

*Ҳ. Саъдуллаева, М. Саидова*

\* \* \*

Босишга рухсат этилди 13/VI-59 й. Қогоз 70×108 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> =  
 10,25 қогоз, босма л. 28,08 Нашриёт л. 28,5  
 Тираж 2000 Баҳоси 20 с. 55. т. Муқоваси

\* \* \*

ЎзССР Фанлар академияси нашриёти босмахонаси.  
 Тошкент, Хоразм кўчаси 9. Заказ 264  
 Нашриёт адреси: Куйбишев кўчаси, 15.

МУҲИМ ТУЗАТИШЛАР

Бет	Қатор		Босилган	Ўқилсин
	юқоридан	пастдан		
99	—	24	аҳмонийдир	аҳмонийлар
131	5—6	—	Ўз хукмронликлар 712 йилда	Ўз хукмронликларини 712 йилдан
173	24	24	иннора, Фаҳриддин Розийнинг мақбара- си/Агар бу ёдгорлик- ларни	айланган, аммо мўгул- лар истилосигача бўл- ган даврга онд ёдгор- ликлар
175	—	4	1933 йилда	1933 йилда

К заказу № 264

